

ЮЛИАН СЕМЁНОВ

БАҲОРНИНГ ЁН ЕТТИ
ЛАҲЗАСИ



Р о м а н


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2017

УЎК: 821.161.1-3
КБК: 84(2Рос=Рус)6
С – 43

Семёнов, Юлиан

Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси: роман/Юлиан Семёнов. Рус тилидан Туйғун Валиев таржимаси – Т.: «Янги аср авлоди», 2017. – 488 б.

ISBN 978-9943-27-540-9

1945 йил баҳор. Гитлерчилар Германиясининг сўнгги кунлари. Фашизм ўлим ёқасида ётибди, аммо кураш тугаганича йўқ. Даҳшатли, шиддатли кураш ҳали давом этмоқда. Ушбу романда ана шундай вазиятда душман уясида иш кўрган айғоқчи Максим Исаев ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг зиммасига юкланган вазифа – фашистларнинг Фарб мамлакатлари бошлиқлари билан сепарат сулҳ тузишга уринишларини фош этиш ва барбод қилишдан иборат бўлиб, бу машаққатли вазифани шараф билан бажаради.

УЎК: 821.161.1-3
КБК: 4(2Рос=Рус)6

Рус тилидан
Туйғун Валиев
таржимаси

ISBN 978-9943-27-540-9

© «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси», Юлиан Семёнов,
«Янги аср авлоди», 2017.

АСАР МУВАФФАҚИЯТИ – ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

1973 йили ҳарбий хизматни Саратов вилоятида ўтаган давримда энг эсда қоларли воқеалардан бири «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» («Семнадцать мгновений весны») телесериалининг томошаси бўлган эди. Соат кечқурун саккиздан ўнгача аскарларнинг «шахсий вақти» ҳисобланарди: гимнастёрканинг оқ сурпли ёқасини тозасига алмаштириб тикиш, дазмол қилиш, пойабзал мойлаш ва ҳоказолар. Бирдан кеч соат саккиз яримда «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» телесериали бошланди-ю, казармада бир-бирини телевизор қаршисига чорлаган шов-шув кўтарилиб кетди. Эртасига эса ҳарбий қисмдаги 120 нафар аскар беш-ўн дақиқа олдин биттагина телевизор қаршисига жойлашиб ўтирволишди. Бошлангач, пашша учса эшитилади, ҳамма гўё нафас олиши ҳам сустлашгандай экранга тикилиб қолган! Ҳар куни, ўн етти кун, шу аҳвол!.. Кейин эшитишимча, сериал бошланганида ҳатто Москва кўчаларида ҳам одамлар кескин сийраклашиб қолган экан...

Катта казармада бунақа «тартиб-интизом»у жимжитликни шу вақтгача кўрмаган ва ўзи ҳам телесериал жозибасидан лол қолган командирнинг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўлмиш капитан, мен журналист бўлганим учунми, охирги қисми тутаган куннинг эртасига шундай савол берди:

– Олимжонов, кўрдингми, Штирлиц зўр-а, фильмнинг бунақа муваффақияти сири нимада?

– Билмадим, мен ҳам кечадан бери шу ҳақда ўйлаяпман, – дедим ва «қуруқ бўлмасин» учун қўшиб қўйдим: – ватанпарварликда бўлса керак! Қисмда ягона «азиат» ҳам, олий маълумотли аскар ҳам мен эдим.

Сўнгра, йиллар давомида бу телесериални қайта-қайта кўрганда, ҳар гал янги қирраларини кашф этгач, «сир»ни ахтариб, сценарий муаллифи Юлиан Семёновнинг ижоди билан қизиқдим.

Йўқ, унинг ижодида бу асар «чўққи»лигича қолган, лекин бу чўққи тасодиф ҳам эмас: босқичма-босқич, асардан-асарга юксалиб, поғонама-поғона шу манзилга етиб келган! Тўғри, муаллиф ундан кейинги йигирма йиллик умри давомида ҳам қатор диққатга сазовор асарлар ёзган, лекин «Ўн етти лаҳза» чўққи-лигича қолган.

Сир нимада?

Юлиан Александрович Семёнов (асл фамилияси Ляндрес) ўз ижодий фаолиятида тарих билан жиддий шуғулланган, архивни синчиклаб ўрганган. У 1931 йил 8 октябрда Москвада туғилган, отаси Семён Александрович Ляндрес ноширлик иши ташкилотчиси, муҳаррир (1952 йилда «троцкийчи қўпоровчи» Бухаринга шерикликда асоссиз айбланиб, қатағон қилинган), онаси Галина Николаевна Ляндрес (қизлик фамилияси Ноздрина) тарих ўқитувчиси. Қаранг, Юлиан Александровичга ёзиш-чизиш ва тарихга қизиқиш худди наслдан ўтгандек.

Хотини Екатерина Сергеевна (1931 йилда туғилган) Наталья Петровна Кончаловская-нинг биринчи турмушидан туғилган қизи, Сергей Владимирович Михалковнинг (1955 йил 12 апрелда тўйлари бўлган) ўғай қизи. Гарчи уларнинг оилавий ҳаёти бирмунча мураккаб кечган бўлса-да, Юлиан Семёнов 1990 йилда инсулт хасталигига учрагандан кейин Екатерина Сергеевна умрининг охиригача уни садоқат билан парвариш қилди.

Катта қизи Дарья – рассом, Кипрда яшаган, Россияга қайтган, оилали. Кичик қизи Ольга Семёнова – журналист, отаси ҳақидаги «Юлиан Семёнов» («Ажойиб одамлар ҳаёти» туркуми, 2006, 2011) китоби муаллифи, Франция ва Ливанда яшаган, «Исаев» сериалида суратга тушган, отасининг китоби асосида ишланган «Юзма-юз» («Противостояние») фильмида журналист қиз Кира Королёва ролини ўйнаган. Эри Надим Брайди – ливанлик француз фуқароси. Ю.Семёновнинг икки набираси бор – Алиса ва Юлиан Брайди.

Юлиан Александрович 1953 йилда Москва шарқшунослик институтининг яқин Шарқ факультетини тамомлаган. Сўнгра Москва Давлат университетидан аффон (пушту) тилидан дарс бериб, айни пайтда шу даргоҳнинг тарих факультетидан таҳсил олган.

Касб фаолиятини 1955 йилда ўзини журналистикада синашдан бошлаган. «Огонёк» журнали, «Правда», «Литературная газета», «Комсомольская правда» газеталарида мақолалари чоп этила бошлаган. Сўнгра ўн йил мобайнида (1960–1970) юқоридаги нашрларнинг чет эллардаги мухбири (Франция, Испания, Герма-

ния, Куба, Япония, АҚШ, Латин Америкаси) вазифаларида ишлаган. Унинг журналистик фаолияти воқеа-ҳодисалару саргузаштларга тўла эди. Хусусан, у Тайгада йўлбарс оловчилар билан ҳам, Қутб станциясида ҳам, БАМ курилишида ҳам бўлган, доимо муҳим воқеалар марказида – Афғонистон, Франко Испанияси, Чили, Куба, Парагвайда интиқомдан яширишиб юрган гитлерчиларни ва Сицилия мафияси етакчиларини излашда, Вьетнам ва Лаос партизанларининг жанговар операцияларида иштирок этган.

Семёнов архив билан жуда синчков ишларди. Қуйидаги иқтибосни бежиз унга нисбатан беришмайди.

«Ким ўтмишни назорат қилса – ҳозирги даврда чалкашмайди, келажакда адашиб қолмайди». У, Владимир Захаровнинг ҳикоя қилишича, бир куни ҳатто Гитлер рейхсканцеляриясининг телефон рақамини, Гиммлер ва Геббельанинг тўғридан-тўғри телефон рақамларини ҳам топган, Геббельсга қўнғироқ қилган, лекин: «Герр Геббельс кетди, эртага қўнғироқ қилинг», – деган жавобни эшитган.

Юлиан Семёнов 1989 йилда таъсис этган «Совершенно секретно» («Мутлақо махфий») газетаси совет даври журналистикаси тарихида биринчи мустақил, нодавлат оммавий ахборот воситасидир. Ўзига хос амбицияга эга бу шахс етарлидан ортиқ шон-шухрати, 12 миллион ададди бестселлерлари туфайли моддий фаровонликка эришган бўлса-да, ҳеч қачон эришилган нуқтада тўхтаб турган эмас, доим яратиш, кашф этиш иштиёқида ёнар эди. Қизи Ольга Семёнова интервьюларидан бирида айтган

эди: «Юлиан Семёнов ҳеч қачон моддият та-
рафдори эмасди ва у Россияда биринчилардан
бўлиб хайрия фаолияти билан шуғулланган... У
ўзи асос солган «Совершенно секретно» газетаси-
дан рамзий маош – йилига 1 рубль олган».

Семёнов совет даврий нашрида «журналист
суриштируви»нинг пионерларидан бири бўл-
ган. Жумладан, 1974 йилда у Мадридда бун-
гача журналистлар билан учрашишни қатъий
рад этган нацист жиноятчи ва Гитлернинг су-
юкли шахсларидан бири Отто Скорценидан
интервью олган, «Литературная газета»нинг
Германиядаги мухбири вазифасида ишлаётиб,
собикъ рейхсминистр Альберт Шпеер ва ССнинг
раҳбарларидан бири Карл Вольф билан интервью
уюштирган.

Улар билан бу суҳбатлар, шунингдек, Ик-
кинчи жаҳон уруши даврида СССРдан чет элга
олиб кетилган «Янтарная комната» («Каҳрабо
хона») ва бошқа маданий бойликларни излаш
тарихига оид мақолалар 1983 йилда чоп этил-
ган «Лицом к лицу» («Юзма-юз») ҳужжатли қис-
сасидан жой олган. Юлиан Семёнов 1989 йил
22 ноябрда «Московская правда» газетасига
берган интервьюсида шундай деган эди:

«Инсон учун энг қимматли бўлган эркинлик-
ка эга бўлиш – қайта қуришнинг моҳияти ва
қадамлари ўртасидаги қарама-қаршилик билан
кузатиладиги, ҳайратланмай илож йўқ... шун-
дай таассурот пайдо бўладиги, гўё яна «кучли
қўл»...га эга бўлиш хоҳиши пишиб етилаётганга
ўхшайди. Яккаҳокимлиқ «буюқлар, улуғлар»ни
кўкка кўтариш ҳалокатга олиб келади. Буни биз
ўз тажрибамизда ҳис этиб кўрдик».

Шу тариқа адиб Ю.Семёнов разведкачилар ҳақидаги қатор қиссалари асосига журналистик фаолияти орқали қўрган-кечирган далил ва ҳодисаларни хом ашё қилиб олганки, асарларининг муваффақиятини таъминлаган асосий омил айнан мана шу далиллардан иборат ҳаёт ҳақиқатларидир. Хусусан, «Майор Вихрь» (1967), «Пароль не нужен» («Парол керакмас», 1968) қиссалари шулар жумласидан бўлиб, муаллиф бу асарларида расмий тарихга кирмаган ўзи қўрган-билган тарихий далил-ҳодисаларни бадиийлаштиради. «Бриллианты для диктатуры пролетариата» романи эса СССРдан бадиий қимматга эга буюмларни чет элга олиб кетиш ва сотишга бағишланган бўлиб, бу асарнинг прототипларидан (ҳаётдаги асл қаҳрамон) бири ёзувчининг ўз отаси бўлган эди.

Адиб асарлари муваффақиятининг яна бир сири – Семёнов умр бўйи турли газеталарга сиёсий шарҳлар ёзган, унинг асарлари ҳаммавақт тарашланган, «сўзлар жимжимаси»нинг камлиги – минималлиги билан бошқаларнинг асарларидан ажралиб туради ва репортажга ўхшайди.

Семёнов Германияда мухбир вазифасида юрганида у ерда яшаётган кўп ватандошлари билан ҳам учрашади. Барон А.Фальц-Фейн билан бир неча суҳбатдан сўнг «Аукцион» қиссасини эълон қилади, унда қатор санъат асарлари СССРга қайтарилгани ҳақида ҳикоя қилинади. Ёзувчи, одатда, бадиий тўқима сюжетни қуришга реал воқеликларни асос қилиб олади. Бу каби асарларида бош қаҳрамон кўпинча журналист бўлиб, у воқеа-ҳодисаларда иштирок этади ва уларни шарҳлайди. Бунда Семё-

нов аксарият ҳолларда газета репортажларидан ташқарида қолган воқеа-ҳодисалар ҳақида сўз юритади. «Пресс-центр» романида («Матбуот маркази») журналистнинг офир меҳнати ва масъулияти тўғрисида ҳикоя қилади. Унинг сюжетига – қайсар, адолатпарвар журналистни йўқотишдек аниқ тарих асос қилиб олинган.

1990 йилда рўй берган инсультдан кейин у иш столига қайтиб ўтиролмади. 1993 йил 15 сентябрда Москвада вафот этди. Гарчи у аниқ хасталик оқибатида ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, қизи ва бир неча замондош ҳамкасб дўстлари унинг ўз ажали билан ўлганига шубҳа билдиришади. Шубҳа, холос...

Даврнинг ғалати эканлигини шундан ҳам англаш мумкинки, «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» фильми чиққач, унинг ижодкорлари (режиссёр, оператор, асосий актёрлар ва бошқалар) Давлат мукофотини олишади. Тақдирланганлар рўйхатида йўқ ягона одам Штирлицни яратган ва фильмнинг сценарий муаллифи Юлиан Семёнов эди. Ёзувчи карахт ҳолатга тушган ўшанда...

Маълумки, бу қисса ва фильмга ҳам, юқоридан кўп таъкидлаганимиздек аниқ факт – махфий айғоқчи полковник Максим Исаевнинг фаолияти асос қилиб олинган. Эсласангиз, асар сўнгида шундай жумла бор: «полковник Максим Исаев Берлинга қайтапти. Ишлаш учун кетяпти!..»

Штирлиц – разведкачи полковник Максим Исаев билан ёзувчи Юлиан Семёнов бир кунда – 8 октябрда туғилган эканлар: Ю.Семёнов 1931 йилда, унинг қаҳрамони – 1900 йилда.



Демак, «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» қиссаси муваффақиятини таъминлаган асосий омилардан бири – журналист-адибнинг мақола ва репортажларига сиғмаган воқеа-ҳодисалар – ҳаёт ҳақиқатларидир. Ёзувчининг ўзи тан олишича, бу қисса иқтидорли режиссёр Т.Лиознованинг таланти-ю маҳорати ўлароқ оламшумул шов-шувли фильмга айланиб, ёзувчига фавқуллодда шуҳрат олиб келди.

Ўзбекчасига айтсак, зуваласи пишиқ хамир маҳоратли новвойнинг қўлида хуштаъм ва гўзал маънавий егуликка айланиб, миллионларни баҳраманд этди, этмоқда...

**Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
журналист-ҳуқуқшунос**

Отам хотирасига бағишлайман.

«КИМ АСЛИДА КИМ?»

1

Штирлиц бирпас ҳайрон бўлиб қолди: шу мавсумда боғда булбул сайрарди. Ҳаво совуқ, осмон кўкимтир, теварак-атроф баҳор келишидан дарак бериб, нозик акварелни эслатиб турса-да, ерни қалин қор босиб ётарди. Унда ҳали тунда эрийдиган қорга хос ним кўкиш ранг йўқ эди.

Кекса дарахтларнинг йўғон танаси қорайиб турарди; боғдан янгигина музлатилган балиқ иси келарди. Ҳар кўкламдаги каби арчаю тоғ теракларнинг чириган хазонлари ифори ҳали сезилмаса-да, сукунат босган қоп-қора боғда булбул дам чертиб-чертиб, дам чуриллаб – минг бир оҳангда хониш қиларди.

Штирлиц бувасини хотирлади. Серсоқол, бароқ қош чол қушлар билан тиллашарди. У читтакларни алдаб чақирарди-да, сўнг дарахт тагида ўтириб, узоқ вақт митти қанотли жонзотлардан нигоҳини узмасди. Бундай кезларда қариянинг кўзлари ўзи парвона бўлаётган қушларники каби жавдирар, табиатнинг ажиб мўъжизалари ҳам ундан мутлақо ҳадиксирмасди.

– Чур-чур-чур-р-р! – қушчаларга тақлид қилиб ҳуштак чаларди бобо.

Читтаклар эса бетиним сайраб, унинг овозига ишонч билан жавоб қайтаришарди.

Қуёш ботди, қора дарахтларнинг танаси оппоқ қор устига бир текисда гунафшаранг соя ташлади.

«Бечора, совуқда қотиб қолмасайди, – ўйларди Штирлиц, шинелига яхшилаб ўраниб, уйга қайтаркан. – Унга ёрдам ҳам бера олмайсан: булбул зоти борки, одамларга ишонмайди».

Штирлиц соатига қаради: роппа-роса етти.

«Ҳозир келади, – ўйлади Штирлиц. – У доим вақтида келарди. Ҳеч ким кўрмаслиги учун станциядан ўрмон орқали ўтиб келишини ўзим тайинлаган эдим унга. Ҳечқиси йўқ. Кутиб тураман. Бу ер гўзал жой, кутиш ҳам гашт...» Бу жосусни Штирлиц доимо шу ерда, кўл бўйидаги уйда қабул қиларди. Бу яширин уй жуда қулай, теварак-атроф тинч, одамлар кўзидан пана, қуюқ эманзорда жойлашган. У СС обергруппенфюрери Полни бомбардимон пайтида ҳалок бўлган «Опера» раққосаларининг болалари ихтиёридаги бу дала ҳовлини сотиб олиш учун пул ажратишга кўндираман деб уч ой овора бўлди. Бола фақирлар жуда баланддан келдилар. СС ва СД хўжалик сиёсатига жавобгар бўлган Поль Штирлиц таклифини рад қилаверди. «Ақлингизни едингизми, – деган эди у, – кичикроқ бир уйни ижарага олинг. Бунчалик зеб-зийнатга интилиш нимаси? Биз пулни бўлар-бўлмасга исроф қила олмаймиз! Шундай қилсак, бутун уруш офирлигини зиммасига ортган миллатга нисбатан хоинлик қилган бўламиз».

Штирлиц бу ерга ўз бошлиғи – хавфсизлик хизматининг сиёсий махфий кузатув хизмати бошлиғи, ўттиз тўрт ёшли СС бригаденфюрери Вальтер Шелленбергни олиб келишга мажбур бўлди. Гўзалликнинг қадрига етадиган, жуда идрокли ва оқил одам бўлган Шелленберг жиддий айғоқчилар билан суҳбат қилиш учун бундан яхшироқ жойни топиш қийин эканлигини дарҳол фаҳмлади. Дала ҳовли қалбаки шахслар номига сотиб олинди ва Робер Лей номидаги халқ кимё корхонасининг бош муҳандиси Бользен деган киши ихтиёрига ўтди. У катта маош ва яхши овқат эвазига қоровул ёллади. Ана шу Бользен деган кимса СС штандартенфюрери фон Штирлицнинг ўзи эди.

...Дастурхон тузаб бўлгач, Штирлиц қабул қилгични қўйди. Лондон хушчақчақ бир кунни эшиттирарди. Америкалик Глэн Миллер оркестри «Қуёшли водий серенадаси» фильмидан мусиқа асарини ижро этарди. Бу фильм Гиммлерга маъқул тушиб, Швециядан унинг бир нусхаси сотиб олинган эди. Шундан бери бу тасмани Шаҳзода Альбрехтштрассе ертўласида, айниқса, маҳбусларни сўроқ қилиш мумкин бўлмаган тунги бомбардимон пайтларида тез-тез томоша қилиб турардилар.

Штирлиц қўнғироқ чалиб, қоровулни чақирди ва у келгач, деди:

– Бугун сиз шаҳарга, бола-чақаларингиз олдига боришингиз мумкин. Эртага эрталаб соат олтига етиб келинг, агар мен ҳали жўнаб кетмаган бўлсам, аччиқ, иложи борича аччиқ қаҳва дамлаб берасиз...

«ЮСТАС – АЛЕКСГА.*Берлиндан.*

Февраль ойида Шарқий фронтдаги қўшинларнинг сон ва жанговар гуруҳлари тўғрисида маълумот.

1. «Курландия» қўшинлари гуруҳи – 20 та қўшилма сони – 232 минг киши

жанговар таркиб – 110 минг киши

2. «Шимол» қўшинлари гуруҳи – 28 та қўшилма сони – 384 минг киши

жанговар таркиб – 141 минг киши

3. «Висла» – 37 қўшилма

сони – 527 минг киши

жанговар таркиб – 141 минг киши

4. «Марказ» қўшинлари гуруҳи – 43 қўшилма сони – 413 минг киши

жанговар таркиб – 191 минг киши

5. «Жануб» – 35 қўшилма

сони – 449 минг киши

жанговар таркиб – 143 минг киши

Умумий сони – 865 минг киши

Умумий жанговар таркиб – 2 миллион 5 минг киши

Манбаи – захира қўшин подполковниги,

ЮСТАС»

«ШВАРЦ – АЛЕКСГА*Венадан*

Мазмуни – 1.2.1945 йилга келиб захира қўшинининг сони

а) захира таркиби, тарбияланувчилар ҳам қўшилганда – 546 минг киши

б) ўқув-ҳарбий қисмларининг доимий таркиби – 147 минг киши

в) ҳарбий мактаблар ва курслардаги курсантлар – 113 минг киши

г) госпиталларда даволанаётганлар – 650 минг киши

д) ландвер қисмлар – 205 минг киши

е) гарнизон қисмлар – 18 минг 500 киши

ж) бошқа хизмат ва ҳарбий қисмлар – 143 минг киши

з) ҳисобга олинмаган шахсий таркиб – 310 минг киши

Жами – 2 миллион 132 минг 800 киши

Манбаи – Қўшилмалар бирлашган қўмондонлиги стенографи
ШВАРЦ»

«ГРЕТТА – АЛЕКСГА

Олинган ҳужжатлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, 1945 йил январида Германия саноати:

Ўқ-дориларни – 1941 йилдагига қараганда уч марта кўп; қурул-аслаҳаларни – 1941 йилдагига қараганда икки марта кўп; танкларни – 1941 йилдагига қараганда етти марта кўп; самолётлар – 1941 йилдагига нисбатан уч марта кўп; кемаларни – 1941 йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўп ишлаб чиқарган.

Манбаи – режалаштириш масалалари бўйича рейхсканцлер Шпеер ёрдамчисининг котиби.

ГРЕТТА»

«ЗИГФРИД – АЛЕКСГА

Копенгагендан

Кеча Испания байроғи остидаги яхтага юқори унвонли икки СД зобити ўтирди. «Мовий осмон» деб аталган яхта Стокгольмга йўл олди. СД зобитлари қўлида муҳандис-гидрологлар ҳужжати бор. Уларни полиция бошлиғи Шиллебург кузатиб қолди.

Манбаи – порт карантин хизмати

ЗИГФРИД»

«АНЖЕЛА – АЛЕКСГА.

Мюнхендан.

РХСА маҳаллий бўлимига юқори мансабли СС зобитлари ўз машиналарида келиб туришадди. Бу ерда улар бошқа машиналарга, кўпинча француз ва америка автомобилларига ўтириб, Швейцарияга жўнайдилар. Кеча кун бўйи бешта ана шундай машина Швейцарияга жўнаб кетди.

Манбаи – чегара ҳудуди автомобилларига техник хизмат кўрсатувчи уста АНЖЕЛА».

«ТОМАС – АЛЕКСГА.

Лейпцигдан.

Банк ҳар кунни савдо учун Испания банкларига – уларнинг аниқ номини ҳали билолганимизча йўқ – каттагина суммада пул жўнатмоқда. Партиянинг оддий аъзолари ёки уларнинг хотинлари 100 000 маркадан то 400 000 маркагача пул топширмақдалар. Аниқланган маълумотларга қараганда, бу пуллар уларники бўлиши мумкин эмас.

Манбаи – банк газначиси
ТОМАС».

Совет айғоқчисининг раҳбари – Алексга етиб келган бу маълумотларнинг ҳаммаси иложига борица синчиклаб қайтадан текширилди. Қайта текшириш натижасида олинган хабарларнинг тўғри эканлигини исботлади. Шундан сўнг улар танишиб чиқиш учун ДМҚ¹ аъзоларига жўнатилади.

Махфий кузатув хизмати раҳбари яқин кунлар ичида ғоятда мураккаб топшириқ олишини тўғри тахмин қилган эди, чунки жуда қизиқ, хийла чалкаш, кўп жиҳатлари ноаниқ бир манзара рўй бераётган эди.

¹ Давлат Мудофаа қўмитаси.

– Ҳар эҳтимолга қарши, – деди у ўз котибига, – радио билан боғланинг. Улар Юстас учун махсус эшиттириш тайёрласинлар. Аниқ ҳеч нима дейилмасин – топшириқни кутсин. Негадир мен топшириқни у бажарса керак деган ишончдаман. Ҳа, фақат угина бажара олади ва бу унга берилган энг сўнгги топшириқ бўлса керак деган умиддаман.

...1945 йилнинг январида руслар Краковга кириб борган ва жуда синчиклаб миналаштирилган шаҳарни омон сақлаб қолганларидан кейин, Кальтенбруннер ана шу қасд олиш ҳужжати бўйича қилинадиган ишларни амалга оширишга жавобгар гестапо шарқий бошқармасининг гефи Крюгерни ҳузурига олиб келишларини буюрди.

Кальтенбруннер генералнинг салобатли юзига тикилганча узоқ вақт индамай турди, кейин аста сўради:

– Ўзингизни оқловчи – фюрерни ишонтира оладиган бирорта объектив далилингиз борми?

Бесўнақай, аммо кўринишидан очиқ кўнгилли Крюгер бундай саволни кутган ва унга жавоб ҳам тайёрлаб қўйганди. Аммо у бир тўда ҳис-туйғуларни изҳор этишга мажбур бўлди: СС ва партиядаги ўн беш йиллик хизмати давомида актёрлик санъатини ҳам эгаллаб олганди. Ўзини бутунлай оқлаш мумкин бўлмаганидек, саволга ҳам дарҳол жавоб қайтариш керак эмаслигини Крюгер яхши биларди. У юриш-туришида ҳар вақт ва ҳар ерда бир чизиқдан чиқмасди, ҳатто уйда ҳам бутунлай бошқа одам бўлиб қолишини англади. У яна бир нарсани сизди: баъзан тунда уйғониб келиб, кўзи юмуқлигича сукунатга қулоқ солиб

ётарди: назарида ана шу қоронғи хонада ҳам кимдир совуққонлик ва вазминлик билан мутасил кузатиб тургандек туюларди. Авваллари баъзан хотини билан суҳбатлашарди, суҳбатлашганда ҳам тунда, пичирлашиб гаплашарди, лекин махсус техника ривож топиши билан – Крюгер эса бундай техниканинг муваффақиятларини бошқалардан кўпроқ биларди – баъзан хаёлига келадиган фикрларни бутунлай гапирмайдиган бўлди, ҳатто хотини билан ўрмонда сайр қилиб юрганида ҳам индамасди ёки майда-чуйдалар ҳақида гапирарди, чунки марказда бир чақирим ёки ундан ҳам наридаги гапларни ёзиб олувчи аппарат ихтиро қилинганга ўхшарди, назарида.

Шундай қилиб, у аста-секин ўзгара борди. Аввалги Крюгер бутунлай ғойиб бўлиб, унинг ўрнига ҳаммага таниш ва ташқи кўриниши мутлақо ўзгармаган киши қиёфасида ҳеч кимга таниш бўлмаган, ҳақиқатни айтиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашга ҳам журъат этолмайдиган янги киши пайдо бўлганди.

– Йўқ, – жавоб қайтарди Крюгер, қошини чимириб, ичдан жўшиб келган хўрсинишини аранг босиб, – ўзимни оқлашга етарли далил йўқ... Бўлиши ҳам мумкин эмас. Мен – аскарман, уруш урушлигича қолади, мен ўзимга енгиллик берилишини кутмайман.

У ўз ролини аниқ ижро этарди. У бир нарсани яхши биларди – ўзига нисбатан қанчалик бераҳм бўлса, Кальтенбруннер қўлидаги қурол шунчалик ўтмаслашади. Ов итини қуённинг қочиши қутуртиради-да, ахир. Агар қуён қочмай, оёғини кўтариб ётиб олса, итлар нима қилишини Крюгер билмасди, албатта, аммо

ССдаги муносабатларни аниқ биларди. У ўзини ўзи қанчалик қораласа, қаршилиқ кўрсатмай, айбни зиммасига олса, Кальтенбруннер (ёки унинг ўрнида кимки бўлмасин) шунчалик юмшайди.

– Хотинчалиш бўлманг, – деди Кальтенбруннер тамаки тутатар экан, шунда Крюгер ўз хатти-ҳаракати бутунлай тўғрилигини тушунди: у ўзига ўзи қойил қолди. – Муваффақиятсизлик яна такрорланмаслиги учун ҳаммасини ўйлаб кўриш лозим.

– Обергруппенфюрер, айбим чексизлигини тушунаман. Лекин штандартенфюрер Штирлицни тинглаб кўришингизни истардим. У бизнинг операциямиздан тўла хабардор бўлиб, ҳаммаси астойдил ва синчиклаб тайёрланганлигига гувоҳлик бериши мумкин, – деди Крюгер.

– Штирлицнинг операцияга қандай алоқаси бор эди? – деди Кальтенбруннер елкасини қисиб. – У кузатувдан, Краковда бошқа масалалар билан шуғулланган бўлса.

– Унинг Краковда йўқолган ФАУ билан шуғулланишини билардим, аммо қайтиб келгач, рейхсфюрерга ёки сизга ишни қандай бажарганимиз ҳақида ахборот берар деган умидда, операциямизнинг икир-чикирларигача таништиришни ўз бурчим деб билдим. Мен сиздан қўшимча кўрсатмалар кутдим, лекин ҳеч нима олмадим.

– Бу операция билан танишиши лозим бўлган кишилар рўйхатида Штирлиц бормиди?

– Билмадим.

Кальтенбруннер котибини чақириб, унга деди:

– Марҳамат қилиб, олтинчи бошқармадан Штирлиц «Шварцфайер» операциясини амал-

га оширувчилар рўйхатига киритилган эканми ёки йўқми, шуни билиб келинг.

Котиб чиқиб кетгач, Штирлицни жуда барвақт зарбага рўпара қилаётганини тушуниб, Крюгер орқага чекинди.

– Ҳамма айб менинг ўзимда, – сўзини давом эттирди у бошини эгиб. – Мабодо, Штирлицни жазолайдиган бўлсангиз, мен қаттиқ изтиробда қоламан: у содиқ курашчи сифатида ҳурматга сазовор. Мени оқлаш мумкин эмас, мен ўз айбимни фақат жанг майдонида қон билан ювишим мумкин.

– Бу ерда душманларга қарши ким курашади?! Менми?! Бир ўзим-а?! Ватан ва фюрер учун фронтда ҳалок бўлишдан осон нарса йўқ! Бу ерда, бомбалар остида яшаб, бадбахтлар уруғини қуритиш мушкулроқ! Бу ерда фақат жасорат эмас, ақл ҳам керак! Ўткир ақл керак, Крюгер!

Крюгер фронтга жўнатишмаслигини дарҳол фаҳмлади. Фронтга жўнатилишдан даҳшатлироқ жазо йўқ. Рус ўқлари ёғилиб тургани учун эмас – фронтда у командирлик лавозимида бўлади, балки бошқа сабаблар туфайли даҳшатли: қўшин зобитлари СДнинг собиқ ходимларини қанчалик ёқтирмаслигини жуда яхши билади. Улар СД ходимларини партия суди ёки ҳарбий трибуналга рўпара қилиш учун баҳона излардилар – ана унда раҳм-шафқат кутиш амри маҳол, фронт қонунлари – ўлим қонунларидир...

Котиб эшикни астагина очиб, бир неча юпқа ҳужжатлар жилдини Кальтенбруннер столи устига қўйди. Кальтенбруннер ҳужжатларни варақлаб, ҳайрон бўлгандек «ҳм-ҳм» деб қўйди, кейин:

– Раҳмат. Энди Штирлиц Краковдан қайтиб келгач, раҳбарлар ҳузурига кирганми, борди-ю, кирган бўлса, кимнинг ҳузурига, марҳамат қилиб шуни аниқланг. Суҳбат пайтида у қандай масалалар устида тўхтаганлигини ҳам билинг.

– Мен ҳар эҳтимолга қарши аниқладим бунни, – жавоб берди котиб. – Йўқ, Штирлиц қайтиб келиши биланоқ Москва учун ишлаётган хабар етказувчини аниқлашга киришиб кетган...

Краковда абвер полковниги Бергминг ўзини фронтга жўнатишни сўраб генерал Нойбут билан қилган суҳбатни яширинча эшитгани Крюгернинг ёдига тушди. У худди ўшани такрорламоқчи бўлди: Кальтенбруннер ҳамма шафқатсиз кишилар сингари гоятда таъсирчан одам-ку, деган фикр йилт этиб ўтди хаёлидан.

– Обергруппенфюрер, ҳарқалай мени фронтга юборишни сўрайман сиздан.

– Хотинчалиш бўлманг, ўтиринг, – деди Кальтенбруннер. – Бугун дам олишингиз мумкин, эртага эса операция ҳақида ҳаммасини батафсил ёзиб берасиз. Кейин сизни қаерга юборишни ўйлаб кўрамиз... Одам кам, иш эса кўп, Крюгер. Ҳа, иш ниҳоятда кўп...

Крюгер кетгач, Кальтенбруннер котибни чақириб, шундай деди:

– Штирлицга тегишли кейинги икки-уч йил ичидаги ҳамма маълумотларни тўплаб беринг, аммо Шелленберг билмасин бунни. Ваҳима кўтарилмасин: Штирлиц қимматли ходим ва жасур одам, унинг устидан шубҳа туғилмасин. Бу шунчаки ўртоқларча ўзаро текшириш, холос. Ҳа, айтгандек, Крюгер ҳақида буйруқ тай-

ёрланг: биз уни Прага гестапоси² бошлиғининг ўринбосари қилиб жўнатамиз – у ер иш қайнаган жой...

* * *

– Сиз қандай фикрдасиз, пастор³, инсонда инсонийлик хусусияти кўпми ёки ҳайвонийлик хусусиятими?

– Ўйлайманки, инсонда униси ҳам, буниси ҳам баб-баравар.

– Бундай бўлиши мумкин эмас.

– Фақат шундай бўлиши мумкин.

– Йўқ, бундай эмас.

– Акс ҳолда бу хусусиятлардан бири аллақачон устун чиққан бўларди.

– Руҳий дунёни иккиламчи ҳисоблаб, пасткашликни далил қилиб олгансизлар деб бизга таъна қиласиз. Руҳий дунё ҳақиқатан ҳам иккиламчидир. Руҳий дунё моддий хамиртурушдан ўсиб чиқади.

– Хўш, ўша хамиртурушингиз нима?

– Шуҳратпарастлик. Уни сиз фаҳш деб атайсиз, мен эса уни хотинлар билан ётиш ва уларни севишдан иборат соғлом истак деб атайман. Бу – ўз ишингизда биринчи бўлишга қаратилган соғлом интилиш. Бундай интилишсиз инсониятнинг бутун тараққиёти тўхтаб қолган бўлар эди. Инсоният тараққиётини тўхтатиш учун черков озмунча куч сарфламади. Черковнинг қайси даври ҳақида гапираётганимни тушунаётган бўлсангиз керак?

² Фашистлар Германиясининг яширин сиёсий давлат полицияси.

³ Руҳоний.

– Ҳа, ҳа, албатта, биламан у даврни. Жуда яхши биламан у даврни, аммо яна бошқа нарсани ҳам биламан. Сизнинг инсонга нисбатан муносабатингиз билан инсонга нисбатан фюрер тарғиб қилаётган муносабат ўртасида фарқ йўқлигини ҳам кўрмоқдаман.

– Шундайми?

– Шундай. У инсонга иззат-нафсини қондирмоқчи бўлган шайтон деб қарайди. Соғлом, кучли, ўзи учун ҳаёт маконини босиб олишни истаган шайтон деб қарайди.

– Сиз қанчалик ноҳақлигингизни тасаввур қилмаётгандирсиз, чунки фюрер ҳар бир немисга оддий шайтон эмас, балки малла соч шайтон деб қарайди.

– Сиз эса умуман ҳар бир инсонни шайтон ҳисоблайсиз.

– Мен инсон нимадан пайдо бўлган бўлса, ўша деб ҳисоблайман. Инсон эса маймундан келиб чиққан. Маймун эса асл моҳияти билан ҳайвондир.

– Бу масалада сиз билан келишолмаймиз. Сиз инсоннинг маймундан келиб чиққанлигига ишонасиз; аммо бу жониворнинг қайси туридан келиб чиққанлигини кўрмагансиз ва ўша маймун сизнинг қулоғингизга бу хусусда ҳеч нима деб пичирлаган эмас. Буни ўзингиз сезиб-пайқаб турган эмассиз ва бундай қилолмайсиз ҳам. Ҳа, сиз бунга ишонасиз, чунки бу ишонч сизнинг маънавий дунёингизга мос.

– Хўш, инсонни мен яратдим, деб худо қулоғингизга пичирлаган эдимиз?

– Албатта, менга ҳеч ким ҳеч нима деган эмас, инчунун, худо борлигини сизга исбот қилолмайман ҳам. Буни исбот қилиб бўлмайди,

бунга фақат ишониш мумкин. Сиз маймунга ишонсангиз, мен худога ишонаман. Сиз маймунга ишонасиз, чунки бу ишонч сизнинг маънавий дунёнгизга мос, мен эса худога ишонаман, зеро, бу менинг маънавий дунёмга мос.

– Шу жойда сиз қартани бошқача чийладингиз. Мен маймунга ишонмайман. Мен инсонга ишонаман.

– Маймундан келиб чиққан инсонга денг. Сиз инсон қиёфасидаги маймунга ишонасиз, мен эса инсон вужудидаги худога ишонаман.

– Худо ҳар бир инсонда мавжуд деб ўйлайсизми?

– Албатта.

– Фюрер вужудида ҳамми? Геринг, Гиммлерда-чи?

– Сиз мушкул савол бердингиз. Биз сиз билан инсон табиати ҳақида суҳбат қиляпмиз. Албатта, бу ярамасларнинг ҳар бири вужудида гуноҳга ботган пари изини топиш мумкин. Лекин, афсуски, уларнинг табиати шафқатсизлик, нафс, бўҳтон, аблаҳлик, зўравонлик қонунларига шунчалик бўйсуниб кетганки, амалда инсонийликдан асар ҳам қолмаган. Аммо мен дунёга келган инсон албатта маймун авлоди бўлишдек тавқи лаънатга дучор эканлигига ишонмайман.

– Нега маймун авлоди бўлиш тавқи лаънат экан?

– Мен ўз тилимда гапираётирман.

– Бинобарин, маймунларни йўқ қилиш ҳақида илоҳий қонун чиқариш керак экан-да?

– Йўқ, ҳожати бўлмаса керак.

– Сиз доим илоҳий баҳоналар топиб, мени қийнаган масалаларга жавоб беришдан қуту-

либ қолмоқдасиз. Сиз «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бермаётирсиз, имон қидирган ҳар бир киши эса аниқликни яхши кўради, бинобарин, у «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришни афзал билади. Сизда «ҳа» деган сўзнинг «ҳа, йўқ», «йўғ-э», «ундай бўлмаса керак» каби ва бошқа фразеологик кўринишлари мавжуд. Шу сабабли мен сизнинг усулингиздан эмас, балки кўпроқ амалиётингиздан чўчиб қолдим.

– Сизга менинг амалиётим ёқмас экан. Тушунарли... Шунга қарамай, сиз амалда концлагердан менинг олдимга қочиб келгансиз-ку. Хўш, буни қандай бир-бирига боғлаш мумкин?

– Бу сизнинг, ҳар бир кишида илоҳийлик ва маймунлик хусусиятлари мавжуд деган фикрингизни яна бир марта исбот қилади, холос. Агар менда фақат илоҳийлик хусусиятлари мавжуд бўлганда, мен сизга мурожаат қилмаган бўлар эдим. Унда қочмас эдим, жаллодлар қўлида ўлиб кетаверардим, уларда инсонийлик ҳиссини уйғотиш учун бир чаккага урсалар, иккинчисини ҳам тутиб турардим. Борди-ю, сиз уларнинг қўлига тушиб қолгудек бўлсангиз, иккинчи чаккангизни тутиб турардингизми ёки муштдан ўзингизни олиб қочардингизми?

– Иккинчи чаккани тутиб туриш деганингиз нима ўзи? Сиз яна рамзий ривоятни немисларнинг мавжуд давлат машинасига кўчираётирсиз. Ривоятда чаккани тутиб бериш бошқа гап. Юқорида айтганимдек, бу ривоят инсон ор-номусининг ифодасидир. Аммо иккинчи чаккангни тутасанми ё йўқми деб суриштириб-нетиб ўтирмай иш кўрадиган машина остига тушиб қолиш – бошқа гап мутлақо... Меъёр жиҳатдан, ўз ғояси моҳияти билан ор-номуси бўлмаган

машина остига тушиб қолиш деган гап бу... Инчунун, машинага, йўлда ётган тошга ёки олдингизни тўсиб турган деворга жондорга қилган муомалани қилмайсиз, албатта.

– Пастор, маъзур тутасиз, – балки бу нарса сизнинг сирингиздир, аммо фрау Айзенштадтнинг менга айтишича... Эҳтимол, у нотўғри айтгандир-у, шу сабабли сизга бу саволни беришга ҳақим йўқдир... Ҳалиги, сиз бир вақтлар гестапода бўлганмисиз?

– Сизга нима ҳам дейишим мумкин? Ҳа, у ерда бўлганман...

– Тушунарли. Бу масала сиз учун кўнгилсиз бўлганлиги сабабли у ҳақда гапирмоқчи эмасиз. Аммо, пастор, сизнингча, уруш тамом бўлгач, қавмингиз сизга ишонмай қўймасмикин?

– Гестапода ўтирганлар озмунчами?

– Пасторни гестаподан қайтиб чиқмаган маҳбуслар камераларига айбоқчи сифатида кiritганлар деган миш-мишни қавмларингизга етказишса-чи? Сизга ўхшаб гестаподан қутулиб қолганлар миллиондан битта-иккита-ку... У чоғда қавмингизнинг сизга ишониши қийин бўлса керак... Хўш, ана шунда ҳақиқату адолатни кимларга тарғиб қила оласиз?

– Албатта, инсонга шу каби усул билан таъсир этиладиган бўлса, истаган одамни нобуд қилиб юбориш мумкин. Шундай ҳол юз берса, менинг аҳволим танг бўлиши тайин гап.

– Хўш, унда нима бўлади?

– Ундами? Рад этиш лозим. Иложи борица рад этаман, қулоқ солгунларича рад этавераман. Қулоқ солмай қўйсалар – тирик мурдага айланди деяверинг. Тирик мурдага дейсизми? Демак, жонли одам бўлиб қолаверар экансиз-да?

– Худога аён у ёғи. Қолсам қолавераман-да.
– Сизнинг динингиз одамнинг ўз жонига қасд қилишига қарши-ку?

– Шунинг учун ҳам мен ўз жонимга қасд қилмайман.

– Тарғиб қилиш имкониятидан маҳрум бўлгач, нима қиласиз?

– Тарғиб қилсам ҳам эътиқод-имонимга содиқ қолавераман.

– Нима сабабдан ўзингиз учун бошқача йўлни, масалан, ҳамма билан бирга меҳнат қилиш йўлини тасаввур қила олмайсиз?

– Сиз «меҳнат қилиш» деб нимани назарда тутасиз?

– Ақалли илм-фан қасрини қурмоқ учун тош ташишни.

– Агар илоҳиёт факультетини битирган киши жамиятга тош ташиш учун керак бўладиган бўлса, сиз билан гаплашиб ўтиришимнинг асло ҳожати йўқ экан. У чоғда, концлагерга қайтиб бориб, крематорийда⁴ қул бўлганим маъқул.

– Мен «борди-ю» деган маънода савол беряпман, холос. Мени сизнинг қандай тахмин қилишингиз – дейиш мумкинки, фикрингизнинг бўлажак мажмуи қизиқтирмоқда.

– Қавмга дин ақидаларини тарғиб қилувчи воизни бекорчи ва муттаҳам деб ўйлайсизми? Буни меҳнат деб ҳисобламайсизми? Сизнинг тушунчангизда фақат тош ташиш иш бўлса, менинг фикримча, руҳонийлик меҳнати бошқа истаган меҳнатга тенг бўлибгина қолмай, айни вақтда алоҳида, муҳим меҳнатдир.

⁴ Крематорий – кремация (жасадни юқори ҳароратли махсус печда куйдириш) қилинадиган бино ёки печь.

– Мен ўз ихтисосим бўйича журналистман ва ёзган нарсаларим немислар томонидан ҳам, черков томонидан ҳам қораланган.

– Уларни черков оддий бир сабаб учун қоралаганки, сиз инсоннинг ўзини нотўғри талқин этгансиз.

– Мен инсонни талқин қилган эмасман. Мен Бремен ва Гамбург ертўлаларида яшаган ўғри ва фоҳишалар оламини ёритганман. Гитлерчилар давлати уни олий ирққа нисбатан жирканч бўхтон деб атаган бўлса, черков инсонга нисбатан бўхтон деб билди.

– Биз ҳаёт ҳақиқатидан қўрқмаймиз.

– Йўқ, қўрқасиз! Мен шу одамларнинг черковга қатнашга уринганлигини, черков эса уларни кўксидан итарганини кўрсатгандим; уларни қавмлар ҳайдаганлар, пастор эса қавмларга қарши чиқолмасди.

– Албатта, қарши чиқолмасди. Мен сизни ҳақиқат учун қоралаётганим йўқ. Ҳа, ҳа, сизни ҳақиқатни кўрсатганлигингиз учун қоралаётганим йўқ. Инсоннинг истиқболи масаласида фикримиз бир-бирига тўғри келмаяпти.

– Пастор, бераётган жавобларингизга кўра сиз пастор эмас, балки сиёсатчига ўхшаб кетаётганингизни сезмаяпсизми?

– Сиз мендаги ўзингизга маъқул томоннигина пайқаяпсиз. Каминада фақат бир томонни ташкил этувчи сиёсий қиёфани кўрмоқдасиз. Худди шу тариқа логарифм чизгичини мих қоқадиган нарса деб ҳисоблаш мумкин. Тўғри, логарифм чизгичи билан мих қоқиш мумкин, унда маълум ҳажм ва оғирлик бор. Аммо бундай қилиш унинг ўнинчи ё йигирманчи функцияси дейиш тўғри бўлиб, аслини олганда, ло-

гарифм чизғичи фақат мих қоқишга эмас, балки ҳисоблашга мўлжалланган.

– Пастор, савол берсам, сиз унга жавоб бериш ўрнига вужудимга мих қоқяпсиз. Сиз ғоятда усталик билан мени савол берувчидан жавоб қайтарувчига айлантириб юборяпсиз. Сиз мени ҳақиқат изловчидан шаккокка айлантиряпсиз. Хўш, нега сиз жангда иштирок этиб туриб, ундан ташқаридаман дейсиз?

– Буниси тўғри: мен жангдаман, ҳақиқатан ҳам, уруш ичидаман, аммо урушнинг ўзига қарши курашмоқдаман.

– Сиз манфаатпарастлардай баҳслашаркансиз.

– Мен манфаатпараст билан баҳслашяпман.

– Бинобарин, сиз менга қарши ўз қуролим билан курашишингиз мумкин экан-да?

– Мен бунга мажбурман.

– Қулоқ солинг... Қавмингиз манфаатини кўзласангиз, менинг дўстларим билан алоқа боғлашингизни истар эдим. Сизга манзилни бераман. Мен ўз ўртоқларим манзилини сизга ишониб топшираман... Пастор, гуноҳсиз бандаларни сотмассиз деб ўйлайман...

– Яна бошладингизми! Мен сизга айтдим-ку, ахир..

* * *

Штирлиц магнитофон тасмасига ёзилган бу баҳсни тинглаб бўлиши биланоқ ўрнидан туриб, дераза ёнига борди. У кечагина пастордан ёрдам сўраган, ҳозир эса тиржайганча ўз овозига қулоқ солиб, коньяк ичиб, хумор билан чекиб ўтирган кишининг кўзига қарашни истамасди.

– Пасторникида тамаки танқисмиди? – сўради Штирлиц орқасига ўтирилмай.

У бутун деворни эгаллаган катта дераза ёнида туриб, ҳовлида қарғаларнинг нон талашаётганини кузата бошлади: уй қоровули икки ҳисса озиқ-овқат оларди, у қушларни жуда севарди. Штирлицнинг СДдан эканлигини қоровул билмасди ва бу бинонинг савдо корчалонларига қарашли эканлигига ишончи комил эди: бу ерга бирорта аёл келмасди, эркаklar йиғилганда эса, суҳбатлари осойишта ўтар, тўйимли ва лаззатли таомлар тортиларди, кўпроқ америка ичимликлари ичиларди.

– Ҳа, у ерда тамакисиз қийналдим... Чол жуда эзма экан, каминанинг эса тамакисиз жони бўғзига келди...

Бу айғоқчининг исми Клаус эди. Уни икки йил аввал ишга жалб қилганлар. Тўғриси, ўзи келган: собиқ мусахҳиҳ асабни қитиқловчи воқеаларнинг гувоҳи бўлишни истарди. У суҳбатдошини ўзининг самимий ва кескин фикрлари билан қуролсизлантириб, жуда устомонлик билан иш кўрарди. Унга иш самарали ва тез битсин учун истаган нарсани гапириш рухсат этилганди. Штирлиц Клаусни кузатаркан, танишган кунларидан бошлаб унинг қанчалик даҳшатли одамлигига борган сари кўпроқ ишонч ҳосил қиларди.

«Балки у касалдир? – бир куни Штирлиц хаёлига шундай фикр келди. – Сотқинлик иштиёқи ҳам ўзига хос касаллик. Шуниси қизиқки: Клаусдек аблаҳ Ломброзонинг⁵ ҳам хаёлига келган эмас – у мен учратган ҳар қандай жиноят-

⁵ Ломброзо Чезаре (1835–1909) – италиялик психиатр ва криминалист.

чилардан ҳам даҳшатлидир, аммо кўринишидан одобли ва ёқимлилигини айтмайсизми...»

Штирлиц столча ёнига қайтди, Клаус қаршисига ўтириб, жилмайиб қўйди.

– Хўш? – сўради у. – Демак, чолнинг алоқа боғлаб беришига ишонасизми?

– Хотиржам бўлинг, бу ҳал қилинган масала. Мен кўпроқ зиёлилар ва руҳонийлар билан ишлашни яхши кўраман. Одамнинг ўзини-ўзи ўлимга маҳкум этаётганини кузатиш жуда мазада. Баъзан бирортасига: «Тўхта! Аҳмоқ! Қарга кетяпсан?!» – дегим ҳам келиб қолади.

– Йўқ, бундай қилиш ярамайди, – деди Штирлиц, – оқилона иш бўлмайди.

– Сизда қовурилган балиқ топилмайдими, мабодо? Балиқсиз ўлиб қолай деяпман. Ҳар қолда, фосфор-да. Асаб ҳужайраларига зарур...

– Мен сизга энг яхши балиқни тайёрлаб қўяман. Қанақасини маъқул кўрасиз?

– Ёғлироғини яхши кўраман...

– Тушунарли... Қаернинг балиғи бўлсин? Ўзимизникими ёки...

– «Ёки», – кулди Клаус. – Ватанпарварликка зид бўлса ҳам, Америкада ёки Францияда тайёрланган озиқ-овқату ичимликлар таъбимга мос келади...

– Мен сиз учун бир қути чинакам француз сардиналарини тайёрлаб қўяман. Зайтун ёғида зираворлар солиниб қовурилганидан... ғиж-ғиж фосфор... Айтгандек, мен кеча сиз ҳақдаги маълумотларни кўриб чиқдим...

– Унга бир мартагина кўз қирини ташлаш учун нималар бермасдим...

– Йўқ, унчалик қизиқ эмас... Сиз гапираётганингизда, кулаётганингизда, жигар оғриши-

дан нолиётганингизда – кўпроқ таассурот олади киши, бунинг устига, жуда мураккаб операцияни амалга оширганингизни эсласа, таассуроти ундан ҳам кучли бўлади... Сизнинг устингиздаги маълумот материаллар эса зерикарли: рапорт ва чақувлардан иборат. Ҳаммаси аралаш-қуралаш: сизнинг бошқалар устидан қилган чақувларингиз, бошқаларнинг сизнинг устингиздан чақувлари... Йўқ, унча қизиқарли эмас... Бошқа жиҳатдан қизиқ: мен бир нарсани санаб чиқдим, сизнинг рапортларингиз бўйича, ташаббусингиз билан тўқсон етти киши қамоққа олинган экан... Аммо ҳаммаси сиз ҳақингизда лом-мим демаган. Уларни гестапода бошлаб сўроқ қилишганларига қарамай бирорталари тилга олмаган...

– Нимага гапиряпсиз буларни менга?

– Билмадим... Таҳлил қилишга уриняпман чоғи... Ўз уйидан сизга жой берган кишиларни кейинчалик қамоққа олиб кетганларида изтироб чекканмисиз ҳеч?

– Ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

– Билмадим.

– Ким билади дейсиз... Мен улар билан як-кама-якка олишувга киришарканман, ўзимни дев деб билган бўлсам керак. Мени кураш қизиқтиради... Кейинчалик уларнинг бошига нималар тушиши қизиқтирмайди. Ахир кейинчалик ўзимизнинг ҳолимиз нима кечади, ўшанда бошқалар ачинармикан?

– Буниси ҳам тўғри, – қўшилишди Штирлиц.

– Биздан кейин қиёмат-қойим бўлмайдимиз. Одамларимизни айтмайсизми: қўрқоқ, пасткаш, зикна, чақимчи кишилар. Ҳар бири, беистисно ҳар бири. Қуллар орасида озод бўлиш мумкин эмас... Бу ҳақ гап. Шундай экан, қул-

лар орасида энг озод киши бўлиб юрган яхши эмасми? Мен шу йиллар мобайнида руҳий жиҳатдан батамом озодликка эришдим...

– Қулоқ солинг, ўтган куни кечқурун пастор-никига ким келган экан? – деб сўради Штирлиц.

– Ҳеч ким...

– Тўққизга яқин...

– Янглишяпсиз, – жавоб берди Клаус, – ҳар ҳолда, сиз номингиздан ҳеч ким келгани йўқ, у ерда ёлғиз ўзим эдим.

– Балки пастор ҳузурига келгандир... Одамларим юзини кўришолмабди.

– Пасторнинг уйини назорат қилиб турган-мидинглар?

– Албатта. Муттасил... Демак, чолнинг сиз учун ишлашига имонингиз комилми?

– Ишлайди. Умуман олганда, мен ўзимни нотик, доҳийдек ҳис этаман. Одамлар менинг иродам, фикрлаш мантиғим олдида бўйин эгадилар...

– Майли. Яшанг, Клаус. Аммо мақтанчоқликда ҳаддан ошиб кетманг. Энди, ишга ўтайлик... Яширин кулбамизда бир неча кун яшаб турасиз... Чунки кейинроқ жиддий бир ишга киришишингиз керак, бу иш менинг соҳамга тааллуқли эмас...

Штирлиц ҳақиқатни айтганди; бугун гестаподаги ҳамкасблари Клаусни бир ҳафтага бериб туришни сўрагандилар: Кёльнда икки рус «пианиночиси» қамоққа олинган эмиш. Улар иш пайтида, радиоаппарат устида қўлга тушганлар. Улардан гап олиш қийин бўлибди, шунинг учун улар ётган камерага тузукроқ одамни киритиш керак экан. Бу ишга Клаусдан устасини топиш қийин. Штирлиц Клаусни топишга ваъда берганди.

– Кулранг жилд ичидан бир варақ қоғоз олинг-да, – деди Штирлиц, – мана буларни ёзинг: «Штандартенфюрер! Мен ғоятда чарчадим. Ҳеч ҳолим қолмади. Мен астойдил ишладим, ортиқ дош беролмайман. Дам олишим керак...»

– Нимага керак бу? – сўради Клаус хатга имзо чекаркан.

– Бир ҳафтача Инсбрукка бориб келсангиз ёмон бўлмас деб ўйлайман, – жавоб берди Штирлиц унга бир даста пулни узатиб. – У ерда казинолар ишлаб турибди ва ёш қизлар илгаригидек чанги учиб юрибдилар. Шу хат бўлмаса, сизни бир ҳафталик лаззатли кунларга сазовор этолмайман.

– Раҳмат, – деди Клаус, – лекин пулим анчагина...

– Кўп бўлса зарар қилмас. Нима дейсиз, а? Ёки зарарми?

– Йўғ-э, зарари бўлмас, – кўнди Клаус, пулни шимининг орқа чўнтагига соларкан. – Ҳозир сўзакни даволаш анча қиммат эмиш... – шундай деб кулиб юборди у.

– Яна бир эсланг: сизни пасторникида ҳеч ким кўрмадими?

– Эслашнинг ҳожати йўқ – ҳеч ким...

– Мен ўз одамларимизни ҳам назарда тутяпман.

– Умуман, агар одамларингиз чолнинг уйини кузатиб турган бўлсалар, кўрган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин ундай эмасдир-ов... Ҳар ҳолда, мен ҳеч кимни учратмадим...

Штирлиц бундан бир ҳафта олдин ҳозир пастор Шлаг яшаётган қишлоқдан маҳбусларни ҳайдаб ўтиш спектаклини уюштириш арафасида Клаусни маҳбуслар сингари кийинтирга-

нини эслади. Ўшанда, бир ҳафта бурун Клауснинг қиёфаси қандайлигини ҳам эслади: унинг кўзларида очиқ кўнгиллик ва жасурлик аломатлари чақнаб турарди. У ўйнаши лозим бўлган роль руҳига киришга улгурганди. Вазият тақозоси билан Штирлиц ҳам у билан бошқача муомала қилганди, чунки машина ўриндиғида, ёнгинасида авлиё бир одам ўтирарди – унинг юзи шунчалар ёқимли, овози шунчалар ғамгин, сўзлари дона-дона эдики, асти қўяверасиз.

– Бу хатни сизнинг янги истиқоматгоҳингизга бораётганимда йўл-йўлакай ташлаб кетамиз, – деди Штирлиц. – Яна бир хат ёзинг, пасторга, яна шубҳаланиб юрмасин. Уни ўзингиз ёзишга уриниб кўринг. Мен сизга халақит бермайман, яна қаҳва дамлаб келаман.

У қайтиб келганда, Клаус қўлида қоғоз тутиб ўтирарди.

– «Софлик ҳаракатни назарда тутати, – кулимсираб ўқий бошлади у, – ишонч замини курашдир. Бутунлай ҳаракат қилмай туриб, софликни тарғиб қилиш – хоинлик: қавмларга ҳам, ўз-ўзига нисбатан ҳам хоинликдир. Инсон нопоклиги учун ўзини ўзи кечириши мумкин, аммо авлодлар – ҳеч вақт кечирмайди. Шу босидан, қўл қовуштириб ўтирганим учун мен ўзимни кечиролмайман. Ҳаракатсизлик хоинликдан беш баттардир. Мен жўнаб кетдим. Ўзингизни оқланг. худонинг ўзи мададкор бўлсин сизга». Хўш, қалай? Тузукми?

– Қойил. Қани айтинг-чи: ўз ролингизни ўзингиз ўйнаяпсизми?

– Албатта. Мен минг йиллардан бери барҳаётман, чунки у ёхуд бу киши билан ишлар эканман, ўз ролимни ўзим ўйнайман: қаршин-

гизда турган кишини эмас, ўзимга ҳам номаълум бўлган бошқа кишини: қўққисдан намоён бўладиган, чиройли, довюрак, кучли киши родини ўйнайман...

– Сиз ёзувчилик қилиб кўрганмисиз?

– Йўқ. Агар мен ижод қилолсам сизларга хизмат... – Клаус тўсатдан жим бўлди ва билдирмай Штирлицга назар ташлади.

– Гапираверинг, тентаквой... Орамизда яширадиган гап йўқ-ку. Агар ёзишни билсам сизларга хизмат қилармидим демоқчи эдингиз-а?

– Шунга ўхшаш.

– Шунга ўхшаш эмас, – уни тузатди Штирлиц, – худди шундай демоқчи эдингиз. Ёки йўқми?

– Ҳа, тўғри.

– Яшанг. Менга ёлғон гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак? Ҳеч ҳожати йўқ. Олинг, вискини ичинг, жўнаймиз. Қоронғи тушди, ҳадемай учиб келиб қолсалар керак.

– Борадиган уйимиз узоқдами?

– Ўрмонда, ўн чақиримча келади. У ер жимжит, эртагача уйқуни олаверасиз...

Машинага ўтиришгач, Штирлиц сўради:

– Собиқ канцлер Брюнинг ҳақида ҳеч нарса демадими?

– Мен сизга берган ҳисоботда – дарҳол дами ичига тушиб кетди деб ёзганман-ку. Сўраб-суриштираверишдан эса чўчидим...

– Тўғри қилгансиз... Швейцария ҳақида ҳам ҳеч нарса демадими?

– Лом-мим демади.

– Майли. Бошқа томондан ёндашамиз бўлмаса. Душманга ёрдам беришга кўнибдими – муҳими шу. Оббо, пастор тушмагур-э!

Штирлиц Клаусни нақ чаккасидан отди. У,

фильмларда кўрсатилганидек, нега ва кимнинг номидан ўлдираётганини айтгани ҳам йўқ. Улар иттифоқчилар авиацияси учиб келганида қўл қирғоғида тургандилар. Бу ер кириш тақиқланган ҳудуд эди-ю, лекин қоровуллар назорат қилиш жойи – буни Штирлиц аниқ биларди – икки чақирим нарида жойлашганди. Самолётларнинг товуши остида тўппончанинг овози эшитилмасди. Илгари балиқчилар учун ўрнатилган бетон супачадан Клауснинг тўғри сувга ағдарилишини ва супача устида ҳеч қандай қон изи қолмаслигини олдиндан мўлжаллаб отганди у. Аслини олганда эса бунинг аҳамияти йўқ эди: кечалари ёмғир аралаш қор ёғарди, шунинг учун ҳам ҳудуддаги бетон супачада қон бўлиши унчалик хавфли эмасди. Мутлақо хавфли эмасди десак аниқроқ бўлади.

Клауснинг овози чиқмаёқ, худди тошдек сувга ағдарилди. Штирлиц Клаус тушган жойга тўппончасини ҳам улоқтириб юборди (асаби дош бермаганлиги сабабли ўзини ўзи ўлдирган деган тахмин замини тайёр эди, хатларни эса Клауснинг ўзи ёзган), кейин қўлқопини ечиб, ўрмон орқали ўз машинаси томон йўл олди. «Ан Дорфгача» қирқ чақирим. Пастор Шлаг ўша ерда истиқомат қиларди. Штирлиц ўз ҳисобича бир соатдан кейин унинг олдида бўлади, у ҳаммасини олдиндан белгилаганди, ҳатто вақтни далилу исбот қилиб кўрсатишгача...

«Марказ – Юстасга.

Немисларнинг Фарб элчилари билан Стокгольмдаги учрашуви ҳақида сизга нималар маълум – агар маълум бўлса, аниқ нималар? Риббентропнинг ходими Кляйст ҳақида қандай маълумот беришингиз мумкин?»

«Юстас – Марказга.

Менимча, немисларнинг Фарб билан жиддий тарзда учрашувлари ҳозирча мумкин эмас. Гитлернинг буйругига биноан СС рейхсфюрери Гиммлер, иттифоқчилар билан алоқа боғлашга журъат этган ҳар бир хоин ўлимга маҳжум этилажак, деб эълон қилган. Доктор Кляйст гестапонинг Таиқи ишлар вазирлигидаги одами. Аниқланишича, илгари Фарб билан ҳеч қандай жиддий алоқаси бўлмаган. Унинг Стокгольмга қилган сафари протокол масаласи билан боғлиқ ва мендаги маълумотларга қараганда – иттифоқчилар билан алоқа боғлаш юзасидан ҳеч қандай топшириқ олган эмас.

Юстас».

Империя хавфсизлиги СД хизматининг бошлиғи Эрнест Кальтенбруннер веналиклар талаффузида гапирар эди. Ўзининг талаффузи фюрер ва Гиммлернинг гашига тегишини билиб, асл «ходейч»ни эгаллаш учун билимдон фонетикачи ёрдамида машқ қилиб кўрди. Аммо унинг бу уринишлари чиппакка чиқди – у Венани севарди, Вена унинг жони-дили эди, ўйноқи, аммо, тўғриси айтганда, бирмунча қўпол Вена шеваси ўрнига кунига бир соат бўлса ҳам «ходейч»да гапиришга ўзини мажбур этолмасди. Шунинг учун ҳам кейинги вақтда Кальтенбруннер немис бўлишга уринишдан воз кечиб, ҳамма билан ўз шеваси – Вена талаффузида гаплашаверди. Қўл остидаги хизматчилар билан у Вена талаффузида эмас, ҳатто Инсбрук талаффузида гаплашарди: тоғли австрияликларнинг тили мутлақо бошқача, Кальтенбруннер гоҳо ўз аппаратидаги ходимларни мушкул аҳволда қолдиришни яхши

кўрарди; ходимлар тушунмаган сўзларининг маъносини қайта сўрашга тортиниб, ўзларини йўқотиб, гангиб қолардилар.

– Сиблиц эмас, Штирлиц, – қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди Кальтенбруннер телефон гўшагига, – менимча, штатдаги ходимлар орасида Сиблицлар бўлмаса керак, сизнинг айғоқчиларингиз эса мени қизиқтирмайди. Ҳа, марҳамат, иложи бўлса – тезроқ. Раҳмат. Қутаман.

У гестапо бошлиғи СС группенфюрери Мюллерга қараб деди:

– Мен партиядо ва бир сафда туриб курашаётган ўртоқдаримизга нисбатан кўнглингизга шубҳа солмоқчимасман, аммо далиллар қуйидагини кўрсатмоқда: биринчидан – Штирлицнинг, бевосита бўлмаса ҳам, ҳарқалай Краков операциясининг чиппакка чиқишида қўли бор кўринади. У ўша ерда эди, лекин шаҳар портлаб, яксон бўлиш ўрнига қандайдир шубҳали сабаблар билан омон қолди. Иккинчидан – у йўқолган ФАУ масаласи билан шуғулланган, аммо унинг изини ҳам тополмаган, менга қолса, у Висла ва Вислоки дарёлари оралиғидаги ботқоқликка ботиб кетган бўлсин, деб худога илтижо қиляпман... Учинчидан – у шу кунларда ҳам интиқом қуроли масаласига алоқадордир, гарчи ошкора муваффақиятсизликлар юз бермаган бўлса-да, аммо ютуқ, олға силжиш, аниқ ғалаба ҳам кўринмайди. Алоқадор бўлиш – ғайри фикрдагиларни қамайвериш деган гап эмас. Бу, шунингдек, аниқ ва истиқболни кўзлаб фикр қилувчиларга ёрдам бериш ҳамдир... Тўртинчидан – у шуғулланган кўчма узатгич, кодига қараганда, душманнинг стратегик махфий кузатув хизматига хизмат қилувчи узат-

гич – аввалгидек Берлин атрофларида ҳамон ишлаб турибди. Мюллер, башарти унинг ҳужжатларини олиб келишларини кутиб ўтирмай, мендаги шубҳани дарҳол йўққа чиқарсангиз, жуда хурсанд бўлардим. Штирлицга нисбатан ҳурматим баланд, шу боисдан менда тўсатдан пайдо бўлган шубҳани тарқатувчи далилларга асосланган раддияни эшитишни истардим сиздан.

Мюллер тун бўйи ишлаб уйқуга тўймаганидан боши ғовларди, шунинг учун одатдагича қўпол ҳазил ишлатмай жавоб берди:

– Менга у ҳақда ҳеч қачон ҳеч қандай сигнал тушмаган. Лекин бизнинг ишимизда хато ва муваффақиятсизликлардан ким холи бўла олади дейсиз.

– Демак, назаримда, мен қаттиқ янглишаётгандай туюляпман, шекилли?

Кальтенбруннернинг саволида қаттиқ киноя бор эди, буни Мюллер чарчаган бўлишига қарамай, пайқаб олди.

– Нега энди... – жавоб берди у. – Пайдо бўлган шубҳани ҳар тарафлама синчиклаб таҳлил қилиб кўриш керак, бўлмаса, менинг аппаратимнинг нима кераги бор?.. Акс ҳолда бизни фронтдан бош тортаётган бекорчилар деса ҳам бўлади-ку. Сизда бошқа ҳеч қандай далил йўқми? – сўради Мюллер.

Кальтенбруннер тамакисини чайнаганча индамай турарди. Шунда томоғига тамаки ёпишиб қолиб, анча вақт йўталди, юзлари кўкариб, бўйин томирлари ўқловдек бўртиб қизариб кетди.

– Нима десам экан, – жавоб берди у кўз ёшини артар экан. – Сизга нима дейишимни

ҳам билмай турибман... Мен бир неча кун давомида у билан одамларимиз ўртасида бўлган суҳбатларни ёзиб олишни сўрагандим. Шубҳасиз ишонган одамларимиз аҳволнинг фожиали эканлиги, ҳарбийларимизнинг миясизлиги; Риббентропнинг калтафаҳмлиги, Герингнинг аҳмоқлиги ҳақида, агар руслар Берлинга бостириб кирсалар, бошимизга тушадиган даҳшатлар ҳақида бир-бирларига очикдан-очик гапирсалар, Штирлиц: «Бекор гап, ҳаммаси яхши, ишлар жойида...» – деб жавоб берипти. Ватан ва фюрерни севиш ҳамкасбларга кўр-кўрона ёлгон гапириш деган гап эмас-ку... Мен ўзимга ўзим, бу унинг тўнка бир одати эмасмикин, деган саволни бердим. Бизда ўйламай-нетмай Геббельснинг сафсаталарига ишонадиган миясиз одамлар кўп-ку, ахир. Йўқ, у аҳмоқ эмас. Хўш, унда нега самимий эмас? У ёки ҳеч кимга ишонмайди, ёки бирор нарсадан қўрқади, ёинки бирор мақсадни кўзлаб соф, оппоқ бўлиб кўринмоқчи. Шундай бўлган тақдирда нимани кўзлаши мумкин? Унинг ҳамма операциялари чет элга, бетарафларга бориб тақалса керак... У ёқдан қайтиб келармикин, қайтиб келгудек бўлса, қарши кучлар ёки бошқа аблаҳлар билан алоқа боғламасмикин? Бу саволларга аниқ – на ижобий, на салбий жавоб беролдим...

Бундан аввал санаб ўтилганларнинг барини Мюллер сариқ чақага олмасди: Кальтенбруннернинг махфий кузатув соҳасидаги билими юзаки эди. Аммо унинг кейинги гапи Мюллерни ўйлантириб қўйди, обертруппенфюрернинг шу тобдаги мантиқий таҳлилига тан берса арирди. Ҳозиргина унинг оғзидан чиққан, юза-

ки қараганда оддий гап Штирлицнинг хаёлга келмаган бошқа томонларини ёритиб бергандай бўлди.

– Аввал маълумотларни ўзингиз кўрасизми ёки мен олиб кетаверайми? – сўради Мюллер.

– Сиз олиб кетаверинг, – муғомбирлик қилди Кальтенбруннер, чунки ҳамма материалларни ўрганиб чиқишга улгурган эди. – Ҳозир фюрер ҳузурига боришим керак.

Мюллер Кальтенбруннерга саволчан тикилди. У Кальтенбруннер бункердаги янгиликлардан бирортасини айтар деган умидда эди, лекин обергруппенфюрер ҳеч нима демади. У столнинг пастки тортмасини очиб, бир шиша «Наполеон»ни олди-да, қадаҳни Мюллер томон суриб сўради:

– Кўпроқ ичганмидингиз?

– Қатра ичганим йўқ.

– Нега кўзингиз қип-қизил бўлмаса?

– Кўз юмганим йўқ, – Прагага дахлдор иш жуда кўп эди: одамларимиз яширин гуруҳларнинг изига тушиб олган. Яқин ҳафталар ичида қизиқ ҳангома юз беради у ерда.

– Крюгер сизга таянч бўлади. Тасаввури кам бўлса ҳам, у ажойиб хизматчи. Коньякдан ичинг, тетик қилади.

– Коньяк ичсам, аксинча, ланж бўламан. Менга арақ тузук.

– Буниси ланж қилмайди, – кулиб қўйди Кальтербруннер ўз қадаҳини кўтарар экан. – Текинхўр!

У қадаҳни бир кўтаришда бўшатди, ҳиқилдоғи худди пиёнисталарникидек пастдан юқорига «филқ» этиб кўтарилди.

«Хўп ичади-да, – хаёлидан ўтказди Мюллер, коньякни симираётиб, – ҳозир ўзига яна бир қадаҳ қуяди».

Кальтербруннер энг арзон ва аччиқ тамакини тутатганча сўради:

– Хўш, яна қуяйми?

– Миннатдорман, – жавоб берди Мюллер, – бажонидил. Чин дилдан ажойиб коньяк экан.

2

Штирлиц бугун барвақт бўшаб, шаҳзода Альбертштрасседан Наэнга жўнашни мўлжаллаб қўйди: у ерда, ўрмондаги йўл туташ жойда Паулнинг кичкинагина емакхонаси бор. У ерда бундан бир йил муқаддам, беш йил аввалгидек, Паулнинг ўғли оқсоқ Томас қандайдир йўллар билан гўшт топиб, доимий мижозларини карам солинган димлама, ҳеч бўлмаганда, қуён гўшти солинган лавлаги димламаси билан меҳмон қиларди.

Бомбардимон бўлмаган пайтлар бу ерда урушдан асар сезилмасди: худди аввалгидек, радиола ўйнаб турар ва Бруно Варнке босиқ овоз билан «Оҳ, Могельзедаги ажойиб дамлар...» деган қўшиқни айтарди.

Лекин Штирлиц барвақт бўшашга улгурмаганди. Унинг ҳузурига гестапонинг тўртинчи бўлимидан Холтофф кириб, бундай деди:

– Ҳеч нарсасага тушунолмай гангиб қолдим. Ё мендаги маҳбус ақдан озган ёки уни сизларга – махфий кузатув хизматига ўтказиб юборишим керак, чунки инглизлар радио орқали нималарни вайсасалар, у ҳам худди шундай вайсайди нуқул.

Штирлиц Холтофф хонасига кириб, ўтган куни Ванзееда маҳаллий гестапо қамоққа олган астрономнинг жазавали жавобларини тинглаб, соат еттигача қолиб кетди. У ўзи ёзган варақаларини тарқатиб юрган экан. Варақаларда ҳар хил матнлар ёзилганди. Холтофф Штирлицнинг олдига улардан бир жилдини суриб қўйди. Штирлиц ўқувчилар дафтарида юлиб олинган варақаларни бир-бир кўздан кечири бошлади. «Немислар! Кўзингизни очинг! Ақлдан озган бошлиқларимиз бизни ўлимга маҳкум этмоқдалар! Бутун дунё бизга лаънатлар ўқимоқда! Урушни тугатинг! Таслим бўлинг!» Аксарияти шундай мазмунда, бошқалари қисқароқ эди. «Бизни савдойи бошлиқлар бошқармоқда. Йўқолсин Гитлер! Яшасин тинчлик!»

Полга михлаб қўйилган курсида ўтирган астроном аламзадалик билан ҳамон жазавага тушиб бақирди.

– Мен чидолмайман! Йўқ! Йўқ! Чидолмайман! Мен яшашни истайман! – тушундигизми, йўқми?! Бари – тузумларнинг барчаси менга бир пул! Мен ортиқ тоқат қилолмайман! Сизларнинг сўқир аҳмоқлигингиз жонимдан тўйдириб юборди.

– Варақа ёз деб ким буюрди сенга? – паст овозда тагин сўроққа тутди Холтофф. – Бу аҳмоқликка ёлғиз ўзинг ботинолмасдинг. Сенга бу матнни ким берди? Сен буларни бегона одам буйруғи билан ёзгансан, тўғриси айт! Қайси душман билан тил топишдинг? Қачон ва қаерда?

– Мен ҳеч ким билан тил топишганим йўқ! Мен, ҳатто ўзимга ўзим сўзлашга қўрқаман! – бақирарди астроном. – Наҳотки, сизларда кўз

бўлмаса? Умрингиз тутаганини тушунмаяпсизлар! Сиз ҳамиша миллат учун яшаётганингизни пеш қилиб келардингиз-ку! Шундай экан, йўқолинг! Миллатнинг қолган-қутган қисмига ёрдам қилинглар! Сизлар бечора болаларни ўлимга маҳкум этмоқдасиз! Сиз касалсиз! Ҳокимиятни қўлига олган нокас тентаклар! Қорнингиз тўқ, устингиз бут, еганингиз олдингизда-а, қиммат тамаки чекасиз, хуштаъм қаҳва ичасиз! Қорни тўқнинг қорни оч билан неча пулик иши бор, бизга қудай муомала қилмай, яшашга имкон беринг! – у тўсатдан жим қолди ва чаккасидаги терни артиб, паст овозда гапини тугатди: – ёки шу ернинг ўзида, ожизлигим ва сиз аллақачон подага айлантиришга улгурган миллатнинг калтабинлигини кўриб жинни бўлиб қолмасимдан бурун, мени ҳозирнинг ўзида тезроқ ўлдириб қўя қолинглар...

– Тўхтанг, – деди Штирлиц. – Бақириб-чақириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Сизда аниқ таклифлар борми?

– Нима? – қўрқа-писа сўради астроном.

Штирлицнинг хотиржам овози, унинг шошилмай, сал табассум билан сўзлаш одати астрономга бошқача таъсир қилди: у қамоқхонада ётган пайтида дағдағаю калтакларга ўрганиб қолганди, бунга киши тез кўникади, лекин унутиши қийин кечади.

– Мен аниқ таклифларингизни сўраяпман. Болалар, аёллар, чолларни қандай қутқарайлик. Танқид қилишу заҳар сочишдан осони йўқ. Оқилона ҳаракат дастурини кўрсатиш – қийинроқ.

– Мен астрологияни рад этаман, – анчагина ўйлагач, аста жавоб берди астроном, – аммо

астрономия олдида тиз чўкаман. Мени Килда кафедрадан маҳрум этдилар...

– Ҳали шунинг учун заҳар сочяпсанми, ит-вачча?! – бақирди Холтофф.

– Шошилманг, – деди Штирлиц норози қиёфада, – бақирманг... Марҳамат, давом этинг...

– Биз қуёш безовталанаётган йилда яшамоқдамиз. Протуберанцлар портлаши, қуёш энергиясининг жуда катта қўшимча массасининг ажралиши сайёраларга ва юлдузларга, кичик бир заррачани ташкил этган инсониятга таъсир этмоқда...

– Сиз, афтидан, – унинг гапини бўлди Штирлиц, – қандайдир тақвим ўйлаб топдингизми? Шунинг учун асабингиз бузуқми?

– Тақвим – бу исбот этилмаган ғаройиб кашфиёт. Йўқ, мен ўзим ўртага ташлаган оддий, мутлақо оддий гипотезадан келиб чиқмоқдаман: у ҳам бўлса, ер юзида яшовчи ҳар бир жониворнинг коинот ва қуёш билан ўзаро алоқадорлигидир... Бу алоқадорлик ватаним тупроғида бўлаётган воқеаларни аниқроқ ва оқилона тушуниб олишимга ёрдам бермоқда...

– Сиз билан шу мавзуда батафсил суҳбат қилиш гоятда қизиқтиради мени, – деди Штирлиц. – Дўстим ҳозир камерага қайтиб, икки кун дам олишингизга рухсат берар деб ўйлайман, кейин бу суҳбатга қайтамиз.

Астрономни олиб кетишгач, Штирлиц шундай деди:

– У маълум даражада шуурсиз, ахир ўзинг кўрмаяпсанми? Ҳамма олим, ёзувчи, артистлар ўзига яраша шуурсиз. Улар билан алоҳида йўл тутиш керак, чунки ўзлари ўйлаб топган ҳаёлий оламларида яшайдилар. Бу тентакни

касалхонамизга экспертизага жўнат. Ҳозир бизда жиддий иш кўп, бунақанги масъулиятсиз, эҳтимолки, истеъдодли маҳмадоналар билан ўралашиб ўтиришга вақт йўқ. Агар ҳозир тинчлик пайти бўлганда биз уни қамоқхонага жўнатардик, у ерда тезгина одам қилардилар; кейинчалик эса институт ёки кафедрада ишлаб, рейх ва миллат манфаати йўлида хизмат эта бошларди... Ҳозир эса...

– Лекин унинг гаплари Лондон радиосидаги инглизнинг ёки Москва билан оғиз-бурун ўпишган ижтимоий-демократизмнинг гаплари-ку?

– Одамзот радиони тинглаш учун ихтиро этган. У ҳам тинглаган-да. Йўқ, бу жиддий нарса эмас. Бизни, хуфияларни, бу нарса қизиқтирмайди. У билан бир неча кун кейин учрашиш мақсадга мувофиқ: у ростакам олимми ёки оддий бир ақлдан озган одамми – шуни аниқлаш керак, холос. Агар жиддий олим бўлиб чиқса, унга яхши ҳақ бериб тоққа жўнатилишини илтимос қилиб Мюллер ва Кальтенбруннер ҳузурига кирамиз, ўша ерда ишлайверсин – илм-фанимизнинг гуллари ҳозир тоғда яшайпти-ку, тепадан бомба ёғилиб турмаса, ош-нон бўлса, қарағайзорда шинамгина уйи бўлса маҳмадоналикни дарҳол ташлайди. Шундай эмасми?

Холтофф кулиб қўйди:

– Тоғда уйи, ош-нони бўлса, бомба ёғилмай турса, ким маҳмадоналик қиларди дейсиз?..

Штирлиц диққат билан Холтоффга тикилди, Холтофф унинг қарашига дош беролмай кўзини олиб қочгунча, безовталаниб столдаги қоғозларни жойдан-жойга олиб қўя бошлагу-

нича қараб тураверди ва шундан кейингина ўзининг ёш касбдошига қараб самимий, очиқ қўнгиллик билан кулиб қўйди...

* * *

«Фюрер ҳузуридаги кенгаш стенограммаси.

Ҳозир бўлганлар Кейтель, Йодль, Ташқи ишлар вазирлигининг вакили Хавель, рейхс-лейтер Борман, СС рейхсфюрери олий қўмондонлигининг вакили, СС обергруппенфюрери Фегеляйн, саноат вазири Шпеер, шунингдек, адмирал Фосс, учинчи ранг капитани Людде – Нейрат, адмирал фон Пунктамер, адъютантлар, стенограф аёллар.

Борман. Ким ўзи ҳадеб у ёқдан бу ёққа юрган? Халақит беряпти! Жаноби ҳарбийлар, иложи бўлса, секинроқ.

Пунктамер. Полковник фон Беловдан Италиядаги люфтваффенинг аҳволи тўғрисида маълумот беришни сўраган эдим.

Борман. Уни айтаётганим йўқ. Ҳамма барабар гапиряпти, шунинг учун жонга тегадиган шовқин-сурон бўляпти.

Гитлер. Менга халақит бермаяпти бу. Жаноби генерал, Курляндиядаги шу кунгача бўлган ўзгаришлар харитага киритилмабди.

Йодль. Фюрерим, сиз эътибор бермабсиз: мана, бугун эрталабгача бўлган ўзгаришлар.

Гитлер. Харитадаги ҳарфлар жуда майда экан. Раҳмат, энди кўрдим.

Кейтель. Генерал Гудериан дивизияларимизни Курляндиядан олиб чиқиб кетишни талаб қиляпти яна.

Гитлер. Бу нотўғри режа. Русларнинг жуда ичкарасида, Ленинграддан тўрт юз чақирим

берида қолган генерал Рендулич қўшинлари қирқ нафардан етмиш нафаргача рус ҳарбий бўлинмаларини ўзига жалб этиб турибди. Агар биз у ердан қўшинларимизни олиб чиқадиган бўлсак, Берлин остоналаридаги кучлар мувозанати дарҳол ўзгаради, ўзгарганда ҳам, генерал Гудериан ўйлаганидек, бизнинг фойдамизга ўзгармайди. Курляндиядан қўшинларин олиб кетган тақдиримизда Берлин остоналаридаги ҳар бир немис ҳарбий бўлинмасига камида учта рус ҳарбий бўлинмаси тўғри келади.

Борман. Сергак сиёсатчи бўлиш керак, жаноби фельдмаршал...

Кейтель. Мен сиёсатчи эмасман, ҳарбийман.

Борман. Тотал уруш асрида булар ажралмас тушунчалардир.

Гитлер. Ҳозир Курляндияда турган қўшинларни олиб чиқишимиз учун – Либава операциясидаги тажриба инобатга олинса – камида ярим йил керак бўлади. Бу кулгилidir. Ғалабага эришишимиз учун ихтиёримизда соат билан, ҳа, худди соат билан ўлчанадиган муддат қолган, шунда ҳам биз хом хаёлларга эмас, балки ҳаққоний далилларга асосланмоғимиз лозим. Кўзи бор, таҳлил қила биладиган, хулоса чиқара оладиган ҳар бир киши фақат биргина нарсага: яқин ғалаба йўли борми-йўқми, деган саволга жавоб бериши шарт. Бунда мен бериладиган жавоб кўр-кўрона бўлмаслигини истардим. Мен кўр-кўрона ишончга қаршиман, мен бамаъни ишончни излайман. Бир-бирига зид ғоя, интилиш, элемент ва характерлар иложсиз аҳволга тушиб қолган тақдирдагина бир-бировларига зарар келтирмай яшашлари

мумкин: мен концентрацион қамоқхоналарга қамалганларни назарда тутмоқдаман, у ерда, масалан, бир уйда папа нунциялари⁶, даҳрийлар ва француз радикаллари⁷ британиялик консерваторлар билан апоқ-чапоқ бўлиб яшар эмишлар. Иложсизлик иттифоқ туғдиради. Бу – ҳеч қандай умид ва ҳеч қандай мақсади бўлмаган иложсизларнинг иттифоқидир. Россия, Англия ва Американинг мақсадлари бир-бирига бутунлай зид бўлса, бизнинг мақсадимиз ҳаммамизга равшан. Улар идеологик интилишлари ҳар хиллиги туфайли ҳаракат қилаётган бўлсалар, бизни ягона мақсад ҳаракатга келтирмоқдаки, биз унга бутун ҳаётимизни тикканмиз. Улар ўртасидаги зиддиятлар кучаяётган ва янада кучаядиган бўлса, бизнинг бирлигимиз ҳар қачонгига қараганда жипслашганки, мен бу оғир ва буюк кампаниянинг кўп йиллари давомида ана шу жипсликка эришиш учун куч сарфлаб келган эдим. Душманларимиз иттифоқини дипломатия ёки бошқа йўллар билан бузишга интилиш – хом хаёл. Башарти буни ваҳимага тушиш ва истиқболни бой бериш деб атамасак, унда хом хаёлдан бошқа нарса эмас. Уларга ҳарбий зарба бериш билангина, иродамиз букилмас ва куч-қудратимизнинг битмас-туганмас эканлигини намоиш қилиш билангина бу иттифоқнинг инқирозини тезлаштирамизки, зафарли тўнларимиз садолари остида ер билан яксон бўлади у. Ғарб демократиясига ҳеч нарса қудратимизни намоиш

⁶ Нунций – Рим папасининг дипломатик вакили.

⁷ Радикаллар – қисман демократик ислохотлар ўтказишни талаб қиладиган буржуа партияларининг тарафдорлари.

қилишдан кўра кўпроқ таъсир кўрсатолмайди. Бир томондан, Ғарбнинг саросимага тушиши, иккинчи томондан бизнинг зарбаларимизгина Сталинни ҳушёр қила олади. Сталиннинг ҳозир урушни Брянск ўрмонлари ёки Украина далаларида олиб бормаётганлигини ҳам ҳисобга олинг. Унинг қўшинлари Польша, Руминия, Венгрия ҳудудида «Ватан»ларидан ташқарига бевосита чиқишлари биланоқ, русларнинг заифлашгани ва маълум даражада руҳи тушгани аниқ. Аммо ҳозир менинг бутун диққатим русларда ёки америкаликларда эмас. Менинг бутун диққат-эътиборим немисларда! Фақат бизнинг миллатимизгина ғалабага эришиши шарт ва эришажак! Ҳозирги кунда бутун мамлакат ҳарбий қароргоҳга айлантирилган. Бутун мамлакат деганимда Германия, Австрия, Норвегия, Венгрия ва Италиянинг бир қисми, Чехия ва Богемия протекторатларининг⁸ кўпчилиги ҳудудини, Данияни ва Голландиянинг бир қисмини назарда тутяпман. Бу – Европа маданиятининг марказидир. Бу – моддий ва маънавий куч-қудрат мажмуасидир. Қўлимизга ғалаба имкони келиб тушди. Ғалабамиз учун бу имкониятдан қай даражада фойдалана олиш бизларга, ҳарбийларга боғлиқ. Сўзимга ишонаверинг – қўшинларимизнинг дастлабки қақшатқич зарбаларидан кейиноқ иттифоқчиларнинг иттифоқи барбод бўлади. Уларнинг ҳар бири ўз шахсий манфаатларини масалани стратегик жиҳатдан кўра билишдан устун қўяди. Мен ғалабамиз соатини яқинлаштириш

⁸ Протекторат – кучли империалистик давлатларга кучсиз давлатларни бўйсундириб олиш имконини берадиган мустамлакачилик шакли.

мақсадида қуйидагиларни таклиф этаман: СС олтинчи танк қўшини Будапешт остоналарида қарши ҳужум бошлайди ва бу ҳужум, бир томондан, Австрия ва Венгриядаги миллий-ижтимоий жанубий истеҳкомининг мустаҳкамланишини таъминлайди, иккинчидан, русларнинг ён томон қанотига чиқишимиз учун шароит тайёрлайди. Бир нарсани ҳисобга олинг, худди ўша ерда, жанубда, Нальканижда биз етмиш минг тонна нефтга эгамиз. Нефть эса уруш томиридан оқиб турувчи қондир. Мен ана шу нефтни қўлдан бой беришдан кўра Берлинни топширишни маъқул кўраман, чунки бу нефть Австриянинг мустаҳкам туришини ва унинг Италиядаги миллион кишилик Кессельринг гуруҳи билан бирга бўлишини таъминлайди. Яна: «Висла» қўшинлари гуруҳи захирасини тўплаб, русларнинг иккала ён томон қанотига қатъий қарши ҳужум бошлайди ва бунинг учун Померания плацдармидан⁹ фойдаланади. СС рейхсфюрери қўшинлари рус мудофаасини ёриб, орқа томонга ўтиб олади ва ташаббусни ўз қўлига олади. Штеттин гуруҳи ёрдами билан улар руслар фронтини ёриб ўтадилар. Захира-ларни етказиб келиш Сталин учун энг жиддий масаладир. Масофанинг олислиги уни мушкул аҳволга солиб қўяди. Аксинча, масофа бизнинг тарафимизда. Берлинни ўраб турган етти қатор мудофаа чизиги – булар эса шаҳарни амалий жиҳатдан олиб бўлмайдиган қилиб қўйган – ҳарбий санъат қонунларини бузишга ҳамда Жануб ва Шимолдан қўшинларнинг талайгина гуруҳини Фарбга олиб ўтиш имконини беради.

⁹ Плацдарм – ҳарбий операцияга тайёргарлик кўриладиган майдон.

Биз вақтдан ютамиз: захираларини қайта гуруҳлаштириш учун Сталинга икки-уч ой керак бўлади; қўшинларимизни кўчириш учун эса бизга беш кун кифоя. Германия масофалари эса, стратегия анъаналарини бузамиз ҳамки, бунга имкон беради.

Йодль. Бу масалани стратегия анъаналари билан боғласак ёмон бўлмас эди...

Гитлер. Нима демоқчи эдингиз, Йодль?

Йодль. Менимча, бу жуда узоқни кўзлаган ва оқилона режа, аммо мен фақат биргина нарсасага эътироз билдиришга журъат этаман: ана шу режанинг икир-чикирлари ҳарбий санъат анъаналари билан боғлаб олиб борилгани маъқулмиди?

Гитлер. Гап икир-чикирлар эмас, балки бир бутун нарса ҳақида кетмоқда. Қолаверса, хусусий нарсаларни қароргоҳларда тор доирадаги мутахассислар гуруҳлари ҳал қилиши мумкин. Ҳарбийлар мустаҳкам мудофаа муштумини ташкил этган тўрт миллиондан ортиқ кишига эга. Вазифа, ана шу мустаҳкам мудофаа муштумини қақшатқич ғалаба муштига айлантиришдан иборатдир. Ҳозир биз 1938 йилнинг августи арафасидаги чегарада турибмиз. Биз ҳар қачонгидан кўра жипслашганмиз. Биз – немис миллатимиз. Бизнинг ҳарбий саноатимиз 1939 йилдагига қараганда тўрт марта кўп қурол-аслаҳа ишлаб чиқармоқда. Қўшинимиз эса ўша йилдагига қараганда икки марта катта. Бизнинг нафратимиз даҳшатли, иродамиз, ғалабага бўлган иштиёқимиз эса чексиздир. Қани, айтинглар-чи, биз уруш йўли билан тинчликка эриша олмаймизми? Наҳотки ҳар-

бий муваффақият сиёсат бобида муваффақиятга олиб келмаса?

Кейтель. Рейхслейтер Борман айтганидек, ҳарбий киши ҳозир бир вақтда сиёсатчи ҳам бўлиши керак.

Борман. Хўш, қўшилмайсизми фикримга?

Кейтель. Қўшиламан.

Гитлер. Илтимос, жаноби фельдмаршал, эртагача менга аниқ таклифларни тайёрлаб қўйсангиз.

Кейтель. Хўп бўлади, фюрерим. Биз умумий режани тайёрлаймиз ва агар сиз уни маъқулласангиз, барча икир-чикирларини ишлаб чиқишга киришамиз».

* * *

Гитлернинг қариндоши, СС обергруппенфюрери Фегеляйн Гиммлерга бункерда бўлиб ўтган сўнгги кенгаш ҳақида ахборот берди.

– Фюрер, – деди у, – масалани ҳар қандай сиёсий йўл билан ҳал этилишини рад этмоқда.

– Унинг режасига ҳарбийлар қандай муносабатда бўлдилар? – деб сўради Гиммлер.

– Истеҳзо билан жилмайиб қўйишди, бироқ шуниси ажабланарлики, уруш оқибати сиёсий йўлдан бошқа ҳеч қандай йўл билан ҳал этилиши мумкинмаслигига ҳарбийларнинг имони комил.

– Сўзсиз таслимми? – сўради Гиммлер хаёла суриб. – Урушиб чарчашибдими?

– Нега сўзсиз таслим бўлишаркан? Музокаралар-чи?..

* * *

Штирлиц соат еттида, қош қорайган пайтда қайтди. У бу фаслни жуда севарди: қор деярли

йўқ, азонлаб қарағайларнинг учига қуёш нури тушади. Назарида аллақачон ёз келгандек туюлади, қани энди шундай бўлса-ю, Могельзеega жўнаб, кун бўйи балиқ овласанг ёки маза қилиб тебранувчи оромкурсида уйқуни олсанг.

Бу ерда, Потсдамдан унча узоқ бўлмаган Бабельсбергда, ўзининг мўъжазгина уйида ёлғиз турарди; унинг хизматчиси бир ҳафта олдин Тюрингияга, тоққа, жияниникига жўнаб кетган эди. Аёл кетма-кет бомбардимонга бардош беролмади, асаби чидамади.

Ҳозир унинг уйини «Овчи» қовоқхонаси хўжайинининг қизи йиғиштириб турарди. У жуда ёш, зеҳли ва чиройли қиз эди. «Саксониялик бўлса керак, – ўйларди Штирлиц, қизнинг меҳмонхонада катта чангютгич билан гилам тозалашини кузатаркан, – сочлари қоп-қора, кўзлари мовий. Тўғри, талаффузи берлинликларникига ўхшайди, лекин барибир, Саксониядан бўлса керак».

Штирлиц ўзининг эски соатига назар ташлаб, ўзича ўйлади: «Алмаштириш пайти келибди. Агар бу соатим ё тез юрса, ё орқада қолса бошқа гап эди, унга мослашиб олардим. Лекин бу гоҳ орқада қолади, гоҳ олдинга ўтиб кетади. Шу ҳам соат бўлди-ю».

– Соат неча бўлди? – сўради Штирлиц.

– Еттига яқинлашди...

Штирлиц кулиб қўйди: «Бахтли қиз... «Еттига яқинлашди» дея олади. Вақтнинг оқибатидан қўрқмай, ундан эркин фойдаланадиган кишилар ер юзида энг бахтли кишилар бўлса керак... Аммо бу қиз берлинча талаффузда гаплашар экан, буниси аниқ. Ҳатто Мекленбург талаффузидан ҳам нималардир бор...»

Келиб тўхтаган автомобиль овозини эшитиб:
– Қизалоқ, бир қара-чи, ким келди экан? – деди Штирлиц.

Штирлиц эшик очилганини эшитди, кейин қизча у камин ёнидаги курсида ўтирган човроққина хона эшигидан мўралаб:

– Полициядан бир жаноб келибди, – деди. Штирлиц ўрнидан турди, суякларини шиқирлатиб керишди, сўнгра даҳлиздан ўтди. У ерда катта сават кўтарган СС унтершарфюрери турарди.

– Жаноби штандартенфюрер, ҳайдовчингиз бетоб бўлиб қолди, озиқ-овқатларни унинг ўрнига мен олиб келдим...

– Раҳмат, – жавоб берди Штирлиц. – Совутгичга қўйинг. Қизча ёрдамлашиб юборади.

У унтершарфюрерни кузатиб чиқмади. Хонага қизча секингина кирди ва эшик ёнида турганича оҳистагина:

– Агар герр Штирлиц истасалар, мен тунаб қолишим ҳам мумкин, – деди.

«Қизча шунча озиқ-овқатни биринчи марта кўрган бўлса керак, – пайқади у, – бечора қиз». У кўзини очди, яна керишиб, жавоб қилди:

– Керак эмас... Гўшт билан пишлоқнинг ярмисини шусиз ҳам олиб кетаверишинг мумкин.

– Йўғ-э, герр Штирлиц, – деди у, – мен овқат учун эмас...

– Мени севиб қолдингми, мени-я? Севаман дегин? Ёки оппоқ сочларим тушингга кирадими?

– Сочи оқарганларни ёқтираман...

– Майли, қизалоқ, оқ сочлар ҳақида кейинроқ суҳбатлашармиз... Турмушга чиққанингдан сўнг... Исминг нима?

– Мари... Айтган эдим-ку... Мари...

– Ҳа-я, айтган эдинг, тўғри. Кечир мени, Мари. Мария Магдалина. Жажжи Мариларнинг ҳаммаси ҳам гуноҳга ботадиган бўладими дейман-а? Йўлини қилмай, гўштни олавер. Ёшинг нечада?

– Ўн тўққизда.

– Э, кап-катта қиз бўлиб қолибсан. Саксониядан келганингга анча бўлдимиди?

– Анча. Ота-онам билан кўчиб келганмиз.

– Бора қол, Мари, бор, дамингни ол. Яна бомбардимон бошланиб қолмасин, кетишда қўрқиб юрма, мен ҳам хавотир олиб ўтирмай.

Қиз кетди. Штирлиц ёруғлик ўтказмайдиган дераза пардаларини ёпди-да, чироқни ёқди. Энгашиб каминга қараса, ўтин ўзи ёқтирганидай қудуқ шаклида тахлаб қўйилган экан, қалин кўк товоқчада эса қайин пўстлоғи ҳам бор эди.

«Мен унга бу ҳақда гапирмагандим... Йўқ, айтган эканман. Шунчаки... Қизча эс-хушли экан, – ўйлади у, пўстлоқни ёқар экан, – биз ёшлар ҳақида худди кекса ўқитувчилар каби ўйлайдиган бўлиб қолганмиз, четдан қараганда бу хийла кулгили бўлса керак. Мен бўлсам ўзимни чол деб ҳисоблашга ўрганиб қолганман: ҳар ҳолда, қирқ тўққиз ёш...»

Штирлиц қуруқ қайин ўтин ловиллаб ёнгунча кутиб турди-да, кейин радионинг ёнига келиб, унинг қулоғини буради. Москва овози: қадимий романслар ижро этилмоқда. Штирлиц бир вақтлар Герингнинг ўз штабидагиларга: «Душман радиосини тинглаш ватанпарварлик эмас, албатта, аммо мен баъзан биз ҳақимизда қандай сафсаталар сотишаётган экан деб тинглагим ҳам келиб қолади», деганини эслади. Герингнинг фаҳмсиз

ва қўрқоқ одамлигини Штирлиц ўшандаёқ сезган эди: унинг душман радиосини эшитишини Мюллер ёллаган хизматкор ва ҳайдовчи етказиб турарди. Агар «Иккинчи рақамли фашист» шу йўсинда ўзини оқламоқчи экан, бу унинг қўрқоқлиги ва эртанги кунига бутунлай ишончи йўқлигини кўрсатарди, холос. «У аксинча қилиши керак эди, – ўйларди Штирлиц, – душман радиосини тинглаётганини яширмаслиги лозим эди. Душман берган эшиттиришларга ўзига хос изоҳ бериб, унинг устидан кулиб ҳазил-мазах қилиб юрса бас эди. Бу нарсa тафаккури саёз Гиммлерга таъсир қилиши мумкин эди.

Романс оҳиста фортепиано садолари билан тугади. Москва бошловчисининг – афтидан, немис бўлса керак – узоқдан эшитилаётган овози жума ва чоршанба кунлари бериладиган эшиттиришлар тўлқинларини бера бошлади. Штирлиц рақамларни ёза бошлади: бу – унга берилаётган шифрлар, яъни, калит эди. У бунини олти кундан бери кутаётган эди. У рақамларни бир текисда устунча тарзида ёза бошлади. Рақамлар кўп эди, шунинг учун ҳам бошловчи, уларни ёзиб олишга улгуролмас деб, яна бир бор такрорлади.

Кейин яна оромбахш рус романслари янграй бошлади.

Штирлиц китоб жавонидан Монтень асаридан бир жилдини олиб, рақамларни сўзга кўчирди ҳамда буюк ва мўътадил француз мутафаккирининг доно фикрлари битилган асарлари орасига яширилган махсус кодга солиштирди.

Олинган радиограмманинг маъносини чақиб бўлгач, у рақамлар ва сўзлар ёзилгач, қоғозни ёндириб, кулини каминдаги кулга аралаштириб юборди-да, яна озгина коньяк ичди.

«Улар мени ким деб ҳисоблашяпти ўзи? – ўйла-
ниб қолди у. – Доҳий ёки ҳар ишга қодир илоҳий
одам дебми? Бунга ақл бовар қилмайди... Мен
бундай алоқалар борлигига ишонмайман...»

Штирлицнинг бундай деб ўйлашига асос бор
эди, чунки Москва радиоси орқали берилган
топшириқда шундай дейилган эди:

«АЛЕКС – ЮСТАСГА

Биздаги маълумотларга қараганда, Шве-
ция ва Швейцарияда СД хавфсизлиги хизмати
ва ССнинг олий зобитлари пайдо бўлиб, улар
иттифоқчилар резидентлари билан алоқа
боғлаш йўлларини топшига уринганлар. Хусу-
сан, Бернда СД одамлари Аллен Даллес ходим-
лари билан алоқа боғламоқчи бўлганлар. Сиз
алоқа боғлашга қаратилган бундай уриниш-
лар: 1) қалбаки маълумотми, 2) СД олий зо-
битларининг шахсий ташаббусими, 3) марказ
топшириги билан бажарилаётган ишми – ана
шуларни аниқлашингиз зарур.

Агар СД ва ССнинг шу ходимлари Берлин
топширигини бажараётган бўлсалар, улар-
ни топшириқ билан ким жўнатганлигини
аниқланг. Аниқроғи: рейхнинг олий раҳбарла-
ридан қайси бири Фарб билан алоқа боғлашни
истаётганлигини аниқлаш зарур.

А л е к с».

Юстас унинг ўзи, штандартенфюрер Штир-
лиц бўлиб, у Москвада полковник Максим
Максимович Исаев сифатида фақат уч олий
раҳбаргагина маълум эди...

* * *

...Бу калит сўзлар Штирлицнинг қўлига те-
гишидан олти кун бурун, Сталин совет хуфия-

ларидан олинган сўнгги маълумотлар билан танишиб, Яқин орадаги боққа махфий кузатув хизматининг бошлиғини чақириб, унга бундай деган эди:

– Фақат чаласавод сиёсатчиларгина Германияни узил-кесил кучсизланган ва шу сабабли хавфли эмас деб ҳисоблашлари мумкин... Германия бамисоли охиригача қисиб қўйилган пружинадирки, уни икки томондангина катта куч сарфлаб синдириш мумкин. Акс ҳолда, бу пружина бир томондан қисилаверса, у тўғриланиб, иккинчи томонга зарба бериши мумкин ва бу жуда кучли зарба бўлади, биринчидан, шунинг учунки, гитлерчиларнинг ихлосмандлиги илгаригидек жуда кучли, иккинчидан, Германиянинг ҳарбий куч-қудрати ҳали тугаганича йўқ. Шунинг учун фашистларнинг Ғарбдаги совет душманлари билан битим тузишга қаратилган ҳар қандай уринишларига сиз биринчи галдаги вазифа деб қарашингиз зарур. Табиийки, – давом эттирди Сталин, – юз бериши мумкин бўлган бундай сепарат музокараларда асосий шахслар Гитлернинг партия аппаратида ҳам, халқ орасида ҳам обрў-этиборга эга энг яқин сафдошлари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб қўйинг. Худди шуларни, яъни, унинг яқин сафдошларини доимо кўздан қочирманг. Шубҳасиз, жар тепасида осилиб қолган золимнинг яқин сафдошлари ўз ҳаётларини сақлаш учун унга хоинлик қила бошлайдилар. Бу ҳар қандай сиёсий ўйин жабҳасидаги аксиомадир. Агар юз бериши мумкин бўлган ана шу жараёнларни илғамай қолсангиз – унда ўзингиздан кўринг.

* * *

Қаердадир узоқ жойда ҳаво ҳужуми тревогаси сиреналари увиллаб, кетма-кет зенит тўпла-ри тилга кирди. Электр станцияси чироқларни ўчирди, Штирлиц эса камин олдида узоқ вақт қорамтир-қизғиш ўтинларни кўм-кўк олов чирмаб олаётганини томоша қилиб ўтирди.

«Агар тутун йўлини бекитиб қўйсам, – хаёла сура бошлади Штирлиц, – уч соатдан кейин ухлаб қоламан. Ўтирган жойимда қотаман-қоламан... Бир вақтлар Якиманкада бўвим билан менга ис тегишига оз қолган эди. Ўшанда бўвим худди шундай қорамтир-қизғиш ўтинларни кўм-кўк олов ямлаб турган пайтда, вақтидан бурун печка эшикчасини ёпиб қўйган эканлар. Биз заҳарланган газнинг туси ҳам, ҳиди ҳам йўқ эди... Менимча...»

Штирлиц каминдаги чалалар қоп-қорайгунча кутиб турди, сўнгра тутун йўлини бекитиб қўйди-да, шампань шишаси учига ўрнатилган шамни ёқди ва шам эриб, шиша сиртида ҳосил бўлган антиқа шаклни кўриб ғоятда таажжубланди. У жуда кўп шам ёққан эди, шишанинг асл шаклидан эса ҳеч нима қолмаган, қадимги кўзачаларни эслатарди, фақат туси оқимтир-қизғиш эди. Штирлиц Испанияга борган дўстларидан ўзи учун рангли шамлар олиб келишларини илтимос қиларди: кейин эса ажойиб шаклдаги бундай мум кўзачаларни таниш-билишларига совға қиларди.

Яқингина жойда икки марта кетма-кет портлаш овози эшитилди.

«Бомбалар, – деб қўйди у. – Ниҳоятда баҳайбатлари... мана, бошлаб ташлашяпти. Ҳа, қо-

йил қилишяпти. Урушнинг сўнгги кунларида бомба тагида қолиш алам қилади, албатта. Унда ўзимизникилар изимни ҳам топишолмайди. Дом-дараксиз ҳалок бўлишдан ёмони йўқ. Сашенька, – у хотинининг чехрасини кўз олдига келтирди. – Жажжи Сашенькам ва катта Сашенькам... Энди ҳалок бўлиш ярашмайди. Энди қандай бўлмасин, омон қолиш йўлини тутиш керак. Ёлғиз ўзинг бўлсанг, осон, унда ҳалок бўлишдан ҳам унча қўрқмайсан киши. Ўғлинг билан дийдор кўришгандан сўнг ҳалок бўлиш эса – даҳшат. Севган қон-қариндошлари қўлида тинчгина жон берди, деб романларда ёзганлар тен-таклардир. Ўз бола-чақаларининг қўлида ўлиш, уларни сўнгги бор кўриш, уларнинг яқинлигини сезиш ва шу ҳол сўнгги бор юз бераётганлигини, бундан кейинги ҳолат қоп-қоронғи дунё ва қариндош-уруғлар доғи-ҳасратда қолишини тушунишдан даҳшатлироқ нарса бўлмаса керак...»

* * *

Бир вақтлар Штирлиц Унтер ден Линденга, совет элчихонасидаги қабул маросимига Шелленберг билан бирга борганди. Ўшанда у ёш совет элчиси билан сиёсий айғоқчилар бошлиғи ўртасидаги инсоннинг тумор, афсун, нишон ҳақидаги, элчихона котибининг айтишича, бошқа «ваҳшиёна бемаъни одатларга» ишониш ҳуқуқи тўғрисидаги баҳсларига одатдагидек қовоғини уйиб, қулоқ солиб турганди. Бу хушчақчақ баҳсда Шелленберг одатдагича ўзини одобли тутар, ўз гапини исбот этар ва баъзан ён босиб ҳам қўярди. Унинг рус йигитини баҳсга тортаётганини кўриб, Штирлиц ичида аччиқланди.

«Чироқ ёқиб, душманни кузатмоқда, – ўйларди у. – Инсон табиати баҳс пайтида жуда яхши билинади, бунга эса Шелленбергдек уста одам йўқ, албатта».

– Агар бу дунёдаги ҳамма нарса сизга тушунарли бўлса, – давом этарди Шелленберг, – унда сиз, табиийки, инсоннинг туморга ишончини рад қила олишга ҳақингиз бор, албатта. Аммо ҳамма нарсанинг ҳам тагига ета олганмисиз? Мен мафкурани эмас, физика, кимё, математикани назарда тутяпман...

– Физик ва математиклардан қайси бири, – ҳаяжон билан гапирарди элчихона котиби, – бўйнига тумор осиб, ишга киришган экан? Бундайини тополмайсиз.

«Гапни савол билан тугатиши керак эди, – деб қўйди Штирлиц ичида, – у эса ўзини тутолмай ўз саволига ўзи жавоб қайтарди. Баҳслашувда савол бериш муҳим нарса: шунда рақиб кўзга ташланиб туради, бунинг устига савол беришдан жавоб қилиш мураккаброқ иш...»

– Балки физик ёки математик тумор тақар-у, лекин буни ҳеч кимга билдирмас? – сўради Шелленберг. – Ёки бундай имкониятни рад этасизми?

– Имкониятни рад этиш гўлиқ бўлади. Имконият – истиқбол маъносига тенгдир.

«Яхши жавоб берди, – хаёлидан ўтказди Штирлиц. – Аммо сал усталиқ қилиши керак эди... Масалан, «Сиз бунга қўшилмайсизми?» – деб сўраши керак эди. У буни сўрамади ва яна ўзини зарба остига қўйди».

– Балки, туморни ҳам мавҳум имконият тунунчасига киритишимиз керакдир? Ёки сиз бунга қаршимисиз?

Штирлиц ёрдамга келди.

– Немислар вакили баҳслашувда ғолиб чиқди, – хулоса қилди у, – аммо адолат юзасидан тан олиш керакки, Германиянинг ажойиб саволларига Россия ҳам ғоят яхши жавоб қайтарди. Биз мавзуни тугатдик, аммо агар руслар вакили ташаббусни ўз қўлига олиб, саволлар билан ҳамлага ўтганда бизнинг аҳволимиз қандай бўлишини худо биларди...

«Ука, тушундингми?» – Штирлицнинг кўзларида худди шу савол чақнаб турарди ва рус элчисининг бир зум тикилиб қолганидан Штирлицнинг берган сабоғи тушунарили бўлганлигини пайқади...

«Укажон, хафа бўлма, – ўйларди у, узоқлашаётган йигитга назар ташлар экан, – бу сабоқни бошқалардан кўра ўзим берганим яхшироқ бўлди... Аммо тумор юзасидан сен ноҳақсан... Менинг аҳволим мушкуллашганда ва мен очиқдан-очиқ қалтис йўл тутганимда (менинг ҳар бир ҳаракатим эса ўлимга олиб келиши мумкин) Сашеньканинг бир тутам сочи сақланган туморни – медальонни бўйнимга осиб оламан... Аввалги медальонни ташлаб юбориб (чунки унинг русларники эканлиги яққол кўриниб турарди), оғир, нақшли немис медальонини сотиб олишга тўғри келди – Сашеньканинг олтин ранг сочлари доим кўксимда, у менинг туморимдир...»

* * *

Йигирма уч йил муқаддам Дзержинскийнинг топшириғи билан оқ эмигрантларга қўшилиб, аввал Шанхайга, сўнгра Парижга жўнаётган пайтида, Владивостокда Сашенькани сўнгги марта кўрган эди. Ана ўша шамолли, даҳшат-

ли, узоқ кундан бери унинг сиймосини доим ди-
лида сақлаб келди; бу сиймо унинг бир қисмига
айланиб, бутун вужудига сингиб кетган эди...

У Краковда ярим кечаси ўғли билан тасоди-
фан учрашиб қолганини эслади. У «Гришанчи-
ков»нинг ўз ҳузурига – меҳмонхонага келгани,
радиони баланд қўйиб ўғли билан пичирлашиб
гаплашганлари, тақдир тақозоси билан унинг
йўлидан кетган ўғли билан хайрлашув қанча-
лик азоб бўлгани ёдига тушди. Ўғлининг ҳо-
зир Прагада эканлигини ва майор Вихрь ик-
ковлари Краковни портлашдан қандай сақлаб
қолган бўлсалар, ўғли ҳам Прагани ўшандай
сақлаб қолиши кераклигини биларди. Ҳозир
унинг иши қанчалик мураккаблигини билар,
айни вақтда ўғли билан кўришишга қаратил-
ган ҳар қандай уриниш – Берлин билан Прага-
нинг ораси олти соатлик йўл эди, холос – унинг
учун ғоятда хавфлилигини ҳам тушунарди...

* * *

Штирлиц ўрнидан туриб, шамни олди ва
стол ёнига келди. У бир неча варақ қоғоз олиб,
қарта ёзгандек ёйиб қўйди. Варақлардан би-
рига қалам билан семиз, новча кишининг рас-
мини чизиб, тагига – Геринг деб ёзиб қўймоқ-
чи бўлди-ю, аммо ёзмади. Иккинчи вараққа
Геббельс қиёфасини, учинчисига чандиғи бор,
иродали бир кишининг юзини чизди. Бу Бор-
ман эди. Бир оз ўйлаб, тўртинчиси остига –
«СС рейхсфюрери» деб ёзиб қўйди. Бу унинг
бошлиғи Генрих Гиммлернинг лавозими эди.

Штирлиц учта қоғозни четга суриб қўйиб,
Геринг расми солинган варақни яқинроқ торт-
ди-да, фақат ўзигагина тушунарли бўлган дои-

рача ва квадратлар чиза бошлади, уларни дам иккита йўғон, дам битта ингичка, дам кўринар-кўринмас чизиқлар билан бирлаштира бошлади.

...Муҳим воқеалар жараёнига тушиб қолган айғоқчи худди актёр каби ғоят эмоционал, ҳатто ҳирсли киши бўлиши керак; аммо бундай эмоционал ҳиссиётлар мустаҳкам ва равшан мантиқий совуққонлик пардасига чулганган бўлиши керак.

Штирлиц камдан-кам ҳолатларда, кечалари ўзининг Исаев эканлигини ҳис қилганида, шундай мулоҳаза юритарди. Ҳақиқий айғоқчи бўлиш дегани нима ўзи? Ахбороту маълумотлар йиғиб, объектив маълумотларни қайта ишлаб, сиёсий хулоса чиқариш ҳамда қарор қабул қилиш учун марказга жўнатишми? Ёки фақат шахсий хулосангни чиқариш, ўз мўлжалларингни белгилаш, тахминларингни таклиф этишми? Айнан ўзинг, келажакда нималарни кутишинг мумкинлигини аниқ билиб туриб, сен ўзинг, Максим Исаев, ана шу келажакка таъсир этишга ҳақлимисан? Махфий кузатувнинг балоси шундаки, кундалик маълумотларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши истиқболни кўрсатмай қўймоқда, уни яширмоқда, қандай ҳақиқат бўлмасин – даҳшатлими ёки қувончлими, барибир – шу ҳақиқат таҳлили оқибатини объектив эмас, балки субъектив қилиб қўяди. Махфий кузатув хизматига сиёсатни режалаштириш рухсат этилган тақдирда тавсиялар кўп, маълумотлар эса кам бўлади, деб ҳисобларди Исаев. У, мен айғоқчиман, шунинг учун ҳам ғоятда объектив бўлишим керак, деган фикрда эди. Агар махфий кузатув хизма-

ти олдиндан аниқлаб қўйилган сиёсий йўлга бутунлай тобе бўлиб қолса, иш пачава бўлади: Совет Иттифоқи заиф деган ишонч ҳосил қилиб, ҳарбийларнинг эҳтиёткорлик билан «Россия унчалик заиф эмас» деган фикрига қулоқ солмаган Гитлернинг аҳволи ана шундай бўлди. Махфий кузатув хизмати сиёсатни ўзига бўйсундиришга уринса ҳам, иш пачавалашади. Айғоқчи воқеаларнинг муҳим ривожини истиқболни ҳисобга олган ҳолда кўра билса ва сиёсатчилар ихтиёрига ўз нуқтаи назаридан мумкин бўлган, мақсадга энг мувофиқ қарорларни бера олса, унинг иши мақтовга сазовор бўлади.

Айғоқчи, деб ҳисобларди Исаев, ўз мўлжаллари тўғрилигига шубҳаланишга ҳақи бор, аммо унинг бир нарсаса – воқеликни объектив тарзда тадқиқ этишдан четлашишга ҳақи йўқ.

Ўтган йиллар мобайнида тўплаган маълумотларини сўнгги марта таҳлил қилишга киришаркан, Штирлиц шу сабабли «ҳа» ва «йўқ» деган жавобларни аниқлаб олишга мажбур эди, чунки бу миллион-миллион одамларнинг тақдири ҳақидаги масала бўлиб, буни таҳлил қилишда хатога йўл қўйиши асло мумкин эмасди.

* * *

Гитлернинг вориси – «иккинчи рақамли фашист» – Герингга Штирлиц биринчи марта 1942 йилнинг апрелида, Американинг саккиз юзта «учувчи истеҳкомлари» Киль шаҳрини бомбардимон қилгандан кейин, диққат билан назар сола бошлаган эди. Шаҳар ёндирилиб, вайрон этилганди. Геринг, ҳужумда уч юзта самолёт қатнашди, деб хабар қилган эди фюрерга. Бир кеча-кундуз давомида сочлари оқариб кетган

Килнинг гаулейтери Грохе: ҳужумда саккиз юзта «учувчи истеҳкомлар» иштирок қилганди, люфтваффе эса шаҳарни қутқариб қолиш учун ҳеч нарса қилолмай, ожизлик қилди, деб асосли тарзда Герингни рад этди.

Гитлер Герингга индамай қараб турарди, фақат ижирғангандай афти буришиб кетди, чап қўли эса жой тополмай, тимирскиланарди – гўё фюрер ҳадеб танасига тошган қўтирни қашийётганга ўхшарди. Кейин жавабаси қўзиди.

– Германия шаҳарларига бирорта душман бомбаси тушмайди эмиш?! – Герингга қарамай, асабийлик ва алам билан гапира бошладди у. – Миллатга бу гапларни ким айтган эди? Ким партиямизни шунга ишонтирганди?! Мен қарта ўйинлари ҳақида китобларда ўқиганман – уйдирма нималигини тушунаман! Аммо Германия гардкам деб қарта ташланадиган қиморхона столидаги кўк мовут эмас! – Гитлер Герингга бир ўқрайиб қўйиб, сўзини давом эттирди: – Сиз фаровонлик ва зеб-зийнат ботқоғига ботиб қолибсиз, Геринг! Сиз уруш йилларида худди император ёки ҳокими мутлақ яҳудий бой каби ҳаёт кечиряпсиз! Душман самолётлари миллатни тўпга тутаетган бир пайтда сиз ўқ-ёй билан кийик овлаб юрибсиз. Доҳийнинг бурчи – миллатни улуғлаш! Доҳий вазифаси – ваъдага вафо қилишдир!

Кейинчалик маълум бўлишича, Геринг Гитлернинг мана шу гапларини эшитиб, уйига қайтган ва иситмаси кўтарилиб, қаттиқ асаб касалига дучор бўлиб ётиб қолган. У бомбардирмон қилинган шаҳарларга бориб турар, у ерда халқ билан учрашар, жабрланганларга тезлик билан ёрдам кўрсатишни талаб қилар, шаҳар-

ларнинг ҳаво мудофаасини қайтадан ташкил этар ва шулардан кейин иситмаси кўтарилиб, ўринга ётиб оларди; қон босими ошиб кетар, бармоқлари музлар, чаккаси ёрилиб кетаётгандек бўлар, пешанаси чидай бўлмас даражада оғирди. Гиммлер Герингнинг обрўсига путур етказувчи материаллар тўплаш ниятида – балки найранг ишлатаётгандир – шифокорлар хулосасини олиб келишларини сўради. Бироқ тиббий текширувлар Герингнинг қон босими чиндан ҳам кескин кўтарилиб кетганлигидан дарак берарди.

Шундай қилиб, Гитлернинг расмий вори-си Геринг 1942 йили биринчи маротаба из-зат-нафсига тегадиган даражада танқид қилинганди, бунинг устига бу воқеа фюрер девонидагиларнинг кўз олдида юз берган эди. Бу воқеадан Гиммлер дарҳол фойдаланди ва эртасигаёқ СС рейхсфюрери, Гитлердан рух-сат сўраб ўтирмасданоқ, «фюрернинг энг яқин сафдошининг» телефонда сўзлашган гапларини тинглаб боришни буюрди.

Гиммлер биринчи марта, албатта, фюрернинг рухсатини олгач, рейхсмаршалнинг укаси билан бўлган воқеадан сўнг, бир ҳафта давомида Герингнинг телефон орқали гаплашган гапларини тинглаб туришни буюрган эди. Геринг ўз укасини Венадан Прагага – «Шкода» заводларининг экспорт бўйича раҳбари вазифасига ўтказгандан сўнг, ранжитилганларнинг ҳимоячиси сифатида ном чиқарган Альберт акасининг бланкасига Маутхаузен қамоқхонасининг назоратчисига: «Айбини жиддий исботловчи далиллар бўлмаганлиги туфайли профессор Кишни дарҳол озод қилинг», деб ёзиб

юборган эди. Хатнинг юзида исми қўйилмаган «Геринг»нинг имзоси турарди. Ўтакаси ёрилиб кетаёзган концлагерь назоратчиси бирийўла шарифи Киш бўлган икки кишини озод қилиб юборган: кейин маълум бўлишича, улардан бири – профессор, иккинчиси – яширин ташкилотчи экан. Геринг укасини қутқариш учун катта меҳнат сарфлади: бу воқеани Гитлерга қизиқ латифага ўхшатиб гапириб бериб, укасини зарбадан сақлаб қолди. Шундан сўнг Гиммлер дарҳол ўзини четга олди ва Гитлер бу ҳақда қаттиқ ҳазил қилган бўлса, у ҳам бу воқеани шунчалик ҳазилга айлантириб, ҳикоя қилиб юрди.

Бироқ шу воқеадан кейин ҳам Гитлер Борманга қайта-қайта таъкидларди:

– Герингдан бошқа ҳеч ким менинг ворисим бўлолмайди. Чунки, биринчидан, у ҳеч вақт ўзича сиёсат юритмаган, иккинчидан, унинг халқ орасида обрўси бор, учинчидан, душман матбуотидаги карикатуралар учун асосий нишондир.

Гитлер бу гапларни бутун амалий фаолиятини ҳокимиятни қўлга олишга қаратган киши, бегоналарга эмас (диктофонларга ҳам эмас, чунки у ўша пайтларда «курашдош биродарлари» унинг гапларини яширин равишда тинглашлари мумкинлигига ишонмас эди), балки кечаси ўринда ётганида ўз хотинига «Мен яшаётганим йўқ, балки менинг жисмимда фюрер яшамоқда...» – деган киши ҳақида айтган эди.

* * *

Биринчи Жаҳон урушининг жасур учувчиси, кайзер Германиясининг қаҳрамони немислар-

нинг биринчи бош кўтариб чиқишлари муваффақиятсиз тугагач, Швецияга қочган эди. У ерда фуқаро авиациясида учувчи бўлиб ишлай бошлади ва бир куни князь Розенни самолётда олиб кетаётганида қаттиқ бўронга дуч келиб, ўз самолётини мўъжиза билан Роклштадт қасрига қўндирилган эди. У ерда полковник фон Фокнинг қизи Карина Фон Катцов билан танишди. Уни эридан айнитди, сўнгра Германияга жўнаб, у ерда фюрер билан учрашди. 1923 йил 9 ноябрда бўлиб ўтган турли намоишларда қатнашиб яраланди, бир амаллаб қамоқ жазосидан қутулиб, Инсбрукка жўнади, у ерда уни Карина кутарди. Уларнинг пули йўқ эди, лекин меҳмонхона хўжайини уларни бепул боқиб турди: у ҳам Геринг каби ўз эътиқодига содиқ бўлиб, Инсбрукдаги меҳмонхоналарнинг етмиш фоизини қўлга олган яҳудийлардан жабр тортмоқда эди. Кейинчалик Герингни хотини билан Венециядаги «Британия» меҳмонхонасининг хўжайини таклиф қилди ва эр-хотин у ерда 1927 йилгача, Германияда афви умумий эълон қилинган кунгача яшадилар. Ярим йил ўтмасданоқ у бошқа ўн бир немис қаторида рейхстаг депутати бўлиб олди. Гитлер рейхстаг депутатлигига номзодини қўя олмасди, чунки у австриялик эди.

Янги сайловларга тайёргарлик кўриш керак эди. Фюрер қарори билан Геринг партия ишидан кетди ва фақат рейхстаг аъзоси бўлиб қолди. Унинг вазифаси дунёдаги энг кучли одамлар билан алоқа ўрнатишдан иборат эди – ҳокимиятни қўлга олмоқчи бўлган партия кенг алоқа доирасига эга бўлмоғи лозим. Партия қарори билан у Баденштрасседаги ҳашаматли

уйлардан бирини ижарага олди: у ерга, унинг ҳузурига шаҳзода Гогенцоллер, шаҳзода Кобург, турли нуфузли мавқега эга одамлар келиб турдилар. Унинг файзи Карина эди: истараси иссиқ, оқсуяк аёл, швециялик амалдорнинг қизи, уруш қаҳрамони, мусофир, жангчи, ваҳшийликларга бардош беролмаётган Фарбдаги қутурган демократиянинг ашаддий душмани бўлган Герингнинг хотини сифатида Карина ҳаммага ёқарди.

Ҳар гал, қабул маросими олдидан эрта билан уйга Берлин миллатчилар ташкилотининг партайлейтери Геббельс келарди. У партия билан Геринг ўртасида алоқачи эди. Геббельс рояль чаларди, Геринг, Карина ва унинг биринчи эридан қолган ўғли Томас халқ қўшиқларини айтишарди: рейхстагдаги немислар етакчисининг уйида ўта бачкана америка ёки француз жази янграшига эса тоқат қила олишмасди.

Худди шу ерга, партия ҳисобидан ижарага олинган уйга, 1931 йилнинг 5 январида Гитлер, Шахт ва Тиссен кириб келдилар. Худди шу ҳашаматли уй молия ва саноат корчалонларининг Гитлер билан тил бириктиришларининг гувоҳи бўлди.

Кўп ўтмай Гитлер муваффақиятга эришди. Карина Швецияга учиб кетди ва у ерда тутқаноқ касалига мубтало бўлиб вафот этди. Ҳар қандай шароитда ҳам Герман фюрернинг содиқ хизматкори бўлиб қолсин – унинг сўнгги истаги, васияти шундай эди.

Рэм бошлиқ фитнадан сўнг, фюрер капитал билан иттифоқ тузиб, гоёга хоинлик қилди, деб ҳисоблаган партиянинг фахрийлари унга қарши курашга ўтиб олганларида, партиянинг қуйи органлари ва қуйи доираларида:

– Герингнинг Германлиги қолмабди, у президент бўлиб қолибди... У партиядош ўртоқларини қабул қилмай қўйибди, идорасида уларни менсимай куттириб қўяётган эмиш... У зеб-зийнатга ботиб кетибди... – деган гаплар тарқала бошлади.

Аввал бу ҳақда фақат партиянинг оддий аъзолари яширинча гап тарқатиб юрдилар. Аммо Геринг 1938 йилда Берлин яқинида Каринхале қасрини қуриб бўлгач, унинг устидан оддий одамлар эмас, балки бошлиқлар – Лей ва Заукель шикоят қилдилар. Геббельс эса Геринг Берлиндаги ижарага олинган уйдаёқ айний бошлаган деб ҳисобларди.

– Зеб-зийнат ботқоғига ботиб кетмоқда, – дерди у, – Герингга ёрдам бериш керак, чунки у биз учун жуда қимматли одам.

Гитлер Каринхалега борди, ўша қасрни кўздан кечириб, бундай деди:

– Герингни тинч қўйинглар... Ахир Фарб элчиларини қандай шароитда қабул этишни унинг ўзи билади... Каринхале чет эллик меҳмонлар қабул қилинадиган жой бўла қолсин. Қўяверинглар! Германнинг бунга ҳадди сигади. Каринхале халқ мулки ва Герман у ерда яшайди деб ҳисоблай қоламиз...

Чехословакия элчиси Местний қўлга киритган хабарга қараганда, Геринг бу қасрда бутун вақтини энг яхши кўрган муаллифлари – Жюль Верн, Карл Мэй китобларини қайта-қайта ўқиш билан ўтказар экан. Шу ерда ўргатилган кийикларни овлар, кечқурунлари эса аллақанча вақт кинозалда ўтирар: бирийўла бештадан саргузашт фильмларни томоша қиларди. Намойиш пайтида меҳмонларини тинчлантириб:

– Ташвишланманглар, охири яхшилик билан тугайди, – деб қўяр эди.

Штирлиц Герингнинг семиз жасади чизилган расмни бир четга қўйиб, Геббельс қиёфаси ишланган қоғозни олдига сурди. Рейх киностудияси жойлашган ва ҳамма актрисалар яшайдиган Бабельсбергдаги ишратлари учун унга «Бабельсберг буқачаси» деган лақаб қўйгандилар. Унинг устидан тўпланган маълумотларда Геббельс чех актрисаси Лида Бааровага айланишиб юрган пайтларда фрау Геббельс билан Геринг ўртасида бўлиб ўтган суҳбат ёзиб қўйилганди. Ўшанда Геринг унинг хотинига қуйидагиларни айтганди:

– Хотинларни деб пешанаси ёрилади. Шармандалик бу. Бизнинг ғоямиз учун жавобгар бўлган одам тасодикий алоқалар билан ўзини шарманда қилиб юрса-я!

Фюрер фрау Геббельсга ажралишни тавсия қилган эди.

– Мен сизнинг тарафингизда бўламан, – деганди у, – токи ўзини юксак ахлоқли ва оила олдидаги муқаддас бурчини беғараз адо этадиган ҳақиқий эркакдек тутишни ўрганмагунича эрингиз билан шахсан учрашишдан воз кечаман...

Ҳозир эса бу гаплар унутилиб кетган эди – шу йил январь ойида Гитлер Геббельсникига хотинининг туғилган кунига келди. У фрау Геббельсга кичкинагина гулдаста тақдим қиларкан, бундай деди:

– Кечикканим учун афв этишингизни сўрайман, чунки гул топаман деб бутун Берлинни айланиб чиқдим – Берлин гаулейтери партайгеноссе Геббельс барча гул дўконларини бер-

китиб қўйибди: тотал уруш пайтида гул керак эмасмиш...

Қирқ дақиқадан кейин Гитлер жўнаб кетгач, Магда Геббельс:

– Герингларникига фюрер ҳеч вақт бормасди... – деди.

Берлин вайронага айланганди, минг йиллик рейх пойтахтидан бир юз қирқ чақирим нарида жанглар бораётган бир пайтда севинчи ичига сиғмаган Магда Геббельс ўз ғалабаси суруридан маст эди. Эри ёнида турар, юзлари эса бахтиёрликдан оппоқ оқариб кетганди: ҳазилакам гапми бу, олти йиллик танаффусдан сўнг фюрер унинг уйига келган эди-да, ахир...

«Бунинг энди аҳамияти йўқ, – мулоҳазасини давом эттирди Штирлиц, – беҳуда хатти-қаракатлардан бошқа нарса эмас...»

У қоғозга катта доира шаклини чизиб, шопилмай унинг ичини аниқ ва тўғри чизиқлар билан тўлдира бошлади. У Геббельснинг кундалик дафтарларига тааллуқли нарсаларни эслай бошлади. Геббельснинг кундалик дафтарлари билан рейхсфюрер қизиқаётганлиги ва ўз вақтида бу дафтарлар билан танишиш иштиёқида кўп уриниб кўрганлигидан хабардор эди. У фақат бир неча саҳифанинг фотонусхаси билан танишишга муваффақ бўлган эди, холос. Штирлицнинг хотираси жуда зўр эди: унча диққат сарфламай, дафтардаги ёзувларни кўз ўнгига келтира бошлади:

«1943 йил, 9 декабрь. Англияда грипп эпидемияси бошланибди, – деб ёзарди Геббельс. – Ҳатто қирол бетоб экан. Қани энди шу эпидемия бутун Англияни қириб юборса, аммо бу ажойиб истакнинг амалга ошиши қийин бўлса керак.

1943 йил, 2 март. Ҳамма яҳудийлар Берлиндан йўқ қилингунига қадар дам олмай ишлайман, Оберзальцбергда Шпеер билан суҳбат қилиб бўлгач, Геринг ҳузурига жўнадим. Унинг ертўласида 25 минг шиша шампань бор экан. У тагин фидойи ватанпарвар эмиш! У ички кўйлақда экан. Унинг рангидан кўнглим беҳузур бўлди. Нима ҳам қилиб бўлади, у қандай одам бўлмасин, кўниб юраверишга мажбурсан».

Штирлиц кулиб юборди: Гиммлернинг Геббельс ҳақида айнан худди шу сўзларни айтгани эсига тушганди. У буни қирқ иккинчи йилда айтган эди. Геббельс у вақтда оиласи билан катта уйда эмас, балки шаҳар чеккасида «ишлаш учун» қурилган кичкинагина дала ҳовлида турарди. Дала ҳовли кўл бўйида жойлашган бўлиб, ичкарига қамишзор томондан айланиб ўтиш мумкин эди – сув у ерда тўпиққача чиқар, СС қоровуллари назорат қилиш жойи четроқда жойлашган эди. Унинг ҳузурига актрисалар келиб туришарди: улар электр поезддан тушиб, ўрмон орқали ўтиб келардилар. Геббельс аёлларни уйига машинада олиб келишни ўз шаънига тўғри келмайдиган дабдаба деб ҳисобларди. Уларни қамишзордан ўзи олиб ўтарди, кейин азонда, ССчилар ухлаётган пайтда кузатиб қўярди. Гиммлер бундан хабардор эди, албатта. Ана шунда Гиммлер: «У қандай одам бўлмасин, кўниб юраверишга мажбурсан...» деган эди.

Штирлиц Геринг ва Геббельс қиёфаси тасвирланган қоғозларниғижимлаб, шам алангасига тутиб ёқа бошлади. Олов бармоқларини куйдирай деганда, қоғозларни каминга ташла-

ди. Чиройли чўян косов билан кулни титиб, яна стол ёнига келди ва папирос чекди. Кейин Гиммлер ва Борман тасвирланган иккала варақни олдига суриб қўйди.

«Геринг ва Геббельс бундан истисно. Буларни танламайдилар. Унисини ҳам, бунисини ҳам. Геринг музокараларга журъат эта оларди-ю, лекин ҳозир обрўсини тушириб қўйган, у ҳеч кимга ишонмайди. Геббельс-чи? Йўқ. У бунга журъат этолмайди. У фанатик, охиригача ўз ишига содиқ бўлиб қолади, унга таяниб бўлмайди, дарҳол шерикликка бошқаларни қидира бошлайди.

Гиммлер билан Борман қолди. Иккаласидан бири. Агар мен шуларнинг биридан бошқаларига қарши ишлаш учун ваъдасини ололсам – ютиб чиққан бўламан. Агар хатога йўл қўйсам – жонимдан айриламан. Дарҳол ҳаракат қилмоқ зарур. Аммо қайси бирини танлаш керак? Афтидан, Гиммлерни. У ҳеч қачон музокара олиб боришга ботинолмас, чунки ўз номининг қанчалик нафрат билан тилга олинаётганлигини билса керак. Афтидан, Гиммлерни танлаш лозим...»

Худди шу пайтда ранглари оқариб, кўзлари киртайиб, оғриқдан боши тарс ёрилиб кетай дейтган Геринг фюрер бункеридан Каринхалегга қайтаётган эди. Бугун эрталаб у машинада фронтга, рус танклари ёриб ўтган жойга борди. У ердан дарҳол Гитлер ҳузурига жўнади.

– Фронтда ҳеч қандай уюшқоқлик йўқ, – деган эди у, – ҳамма ёқда тартибсизлик. Аскарлар кўзида довдираш аломатларини кўрасиз. Зобитлар маст-аласт. Душманларнинг ҳужуми қўшинни ваҳимага солиб қўйган... Менимча...

Гитлер унинг гапларига кўзларини қисиб, ўнг қўли билан дир-дир титраётган чап қўли тирсагини ушлаб турган ҳолда қулоқ соларди.

– Менимча, – такрорлади Геринг, аммо Гитлер унинг гапини охирига етказишига қўймади.

У зўрға ўрнидан турди, қизарган кўзлари чақчайди, нафратдан мўйлови қимирлаб кетди.

– Мен сизга бундан кейин фронтга боришни ман этаман! – деди у аввалгидай баланд ва кучли овоз билан. – Мен бундай ваҳима тарқатишни ман этаман!

– Бу ваҳима эмас, ҳақиқат, – Геринг умрида илк бор фюрерга гап қайтарди-ю, қўл-оёғи музлаб кетганлигини сизди. – Бу ҳақиқат, фюрерим, бу ҳақиқатни сизга айтиш менинг бурчим!

– Бас қилинг! Яхшиси, авиация билан шуғулланинг, Геринг! Тиниқ мия, истиқболни кўра билиш ва куч зарур бўлган жойга ўзингизни суқаверманг. Маълум бўлдики, бунга лаёқатингиз етмас экан. Мен сизга ҳозир ҳам, бундан буён ҳам фронтга боришни ман этаман!

Геринг бу ҳақоратдан ерга кириб кетаёзди, у фюрернинг пасткаш адъютантлари Шмунд ва Бургдорфнинг орқадан туриб, иршайганларини сизди.

Каринхаледа уни Люфтваффе штаби ходимлари кутиб турардилар: бункердан чиқа туриб, уларни тўплашни буюрган эди. Аммо кенгашни бошлаёлмади – адъютант СС рейхсфюрери Гиммлер келганлигини айтди.

– У яккама-якка гаплашишни сўрамоқда, – деди адъютант сўзларига кўп маъно бермоқчи бўлиб. Ўтирганлар орасида адъютантларнинг иши ҳам сеҳрли ва қизиқарли бўлар экан деган

таассурот қолдириш мақсадида шу оҳангда гапирган эди.

Геринг рейхсфюрерни ўз кутубхонасида қабул қилди. Гиммлер ҳар вақтдагидек кулиб турар ва кўринишидан хотиржам эди. Қўлида қалин қора чарм жилдини ушлаб турарди. У курсига чўкди, кўзойнагини олди, шишаларини узоқ артди, кейин ҳеч қандай муқаддима-сиз деди:

– Фюрер бундан кейин миллат доҳийси бўлолмайди.

– Нима қилиш керак? – ўйлаб ўтирмай сўради Геринг, СС раҳбари айтган гапларнинг маъносини тўла қақиб олишга улгурмасданоқ.

– Аслини олганда бункерда СС қўшинлари жойлашган, – давом эттирди Гиммлер хотиржам ва равон овоз билан, – аммо гап бундагина эмас. Фюрернинг иродаси бўшашган. У қарорлар қабул қилолмаяпти. Биз халққа му-рожаат қилишимиз шарт.

Гиммлернинг тиззасида ётган қора жилдга қараб қолди Геринг. Қирқ тўртинчи йили хотинининг дугонаси билан телефон орқали сўзлаша туриб: «Яхшиси, бу ерга кела қол, телефон орқали гаплашиш қалтис иш, гапларимизни тинглаб турувчилар бор», деган гаплари ёдига тушди. Геринг ўша пайтдаёқ Эммига: «Буни гапира кўрма, тентаклик бу», дегандек бармоқлари билан столни уриб қўйганлигини эслади. Мана, ҳозир ҳам у қора жилдга қарар экан, балки ичида диктофон бордир, балки бир соат ўтар-ўтмас ёзиб олинган бу суҳбат Гитлерга қўйиб берилар, ана унда гап тамом-вассалом.

«У истаган гапини гапираверсин, – ўйларди Геринг Гиммлер ҳақида. – Айғоқчилар отахони

софдил одам бўлолмайди. У мени бугун фюрер олдида шарманда бўлганимни билган, албатта. У ўз вазифасини ниҳоясига етказмоқчи бўлиб келган».

Ўз навбатида, Гиммлер ҳам «иккинчи рақамли фашист» нималарни ўйлаб турганини биларди. Шу сабабли, бир хўрсиниб қўйиб, унга ёрдамга келмоқчи бўлди. У бундай деди:

– Сиз – вориссиз, бинобарин, сиз – президентсиз. Шундай қилиб, мен – рейхсканцлер.

СС раҳбари бўлганлиги сабабли миллатни ўз ортидан эргаштира олмаслигини Гиммлер яхши биларди. Унга ўзини яшириб турадиган машҳур ном керак эди. Герингдан яхшироқ қалқонни топиш эса амри маҳол.

Геринг яна ўйлаб ўтирмай жавоб қайтарди:

– Бу мумкин эмас... – У бир нафас жим қолди ва борди-ю, қора жилдга диктофон яширилган бўлса, ёзиб олинмасин деб, пичирлаб гапира бошлади: – Бу мумкин эмас. Фақат бир одам ҳам президент, ҳам рейхсканцлер бўлиши лозим.

Гиммлер кулиб қўйди ва бир дақиқа жим ўтирди, кейин дик этиб ўрнидан туриб, Геринг билан партиячасига хайрлашди-да, кутубхонадан пилдираганча чиқиб кетди...

3

Штирлиц хонадан гаражга тушди. Илгаригидек энди Цоссен худудида ҳам бомбалар портамоқда, ҳар ҳолда унга шундай туюларди. Штирлиц дарвозани очиб, руль олдига ўтирди ва моторни юргизди – «Хорьх»нинг қувватли мотори равон ишлай бошлади. Штирлиц гараждан чиқиб, дарвозани ёпди, машинаси бир

силтаниб, шитоб билан илгарилаб кетди. У ўзи ёлғиз бўлганида, тун пайтида, бомбардимон вақтидагина машинани ана шундай шитоб билан жойидан қўзғатарди. Немис ҳайдовчилари жуда эҳтиёткор бўладилар. Машинани турган жойидан шитоб билан қўзғатиш – фақат ажнабийларгагина: ё славян, ёки америкаликларга хос одат.

«Қани кетдик, машинаси тушмагур», – деди у ўзига ўзи русчалаб, радиони қўяр экан. Енгил мусиқа садолари эшитилди. Бомбардимон пайтида радиодан ҳар вақт қувноқ қўшиқ бериларди. Фронгда ўларча калтак ейилаётган ёки ҳаво ҳужуми пайтида радиодан доим хушчақчақ ва кулгили дастурларни эшиттириш одат тусига кириб қолган эди. «Қани ғизилла, машинажон, бомба тагида қолмаслик учун тез юр. Бомба кўпинча қимирламайдиган нишон устига тушади. Ҳаракатлаётган объектга бомба тушиш имконияти анча камаяди. Эллик километр тезликда борамиз: демак, бомба остида қолиш хавфи ҳам эллик марта камаяди...»

У машинада юришни яхши кўрарди. Унинг олдида бирорта муаммо кўндаланг бўлса, дарҳол «Хорьх»ига ўтириб, соатлаб Берлин атрофидаги йўлларда айланиб юрарди. Аввал у акселераторни бор кучи билан босиб, йўлга тикилиб кетаверарди; тезлик диққатни ўзига тортади, шунда одам ўзини машина билан бир бўлиб кетгандек сезади ва шунинг учун мия каттаю кичик, бир-бирини рад этувчи ва аксинча бир-бирини тўлдирувчи мулоҳазалардан холис бўлади. Тезлик – ақл ёрдамчиси. У майда-чуйда хаёллардан бутунлай холис бўлиш имконини беради. Ана шундан кейингина, тез

ва қалтис юришдан сўнг машина қандайдир кичкинагина қовоқхона олдида тўхтагачгина – бу ерда урушнинг энг оғир йилларида ҳам коньякни карточкасиз сотаверардилар, – дераза олдидаги стол ёнига ўтириб, ўрмон товушларига қулоқ солиб, икки ҳисса «Якоби» коньягини ичиш ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар устида шошилмай ўйлаб кўриш мумкин бўлади. Юриш тезлиги кучайиши билан ўйлаш секинлашади. Энг охирги тезликда юриб, маълум масофа босиб ўтилгач, киши анча хотиржам хаёл қилади. Ҳарқалай Штирлиц ўзини шундай ҳис этарди.

Унинг радио мутахассислари – Эрвин ва Кэт – Шпрее қирғоғидаги Кепеникда яшардилар. Иккаласи: Эрвин ҳам, Кэт ҳам ухлаб ётишган эди. Кейинги пайтларда улар жуда барвақт уйқуга кетардилар, чунки Кэт фарзанд кутаётганди.

– Кўринишинг яхши, – деди Штирлиц, – ҳомиладорлик янада гўзал қилиб юборадиган нодир аёллар тоифасига кирасан-да.

– Ҳомиладорлик ҳамма аёлларнинг ҳам чиройини очади, – жавоб берди Кэт. – Буни пайқашга шунчаки сенда имкон ҳам, фурсат ҳам бўлмаган-да...

– Имкон ва фурсат бўлмаган, – кулиб сўзлади Штирлиц, – буни тўғри айтдинг.

– Сутли қаҳва қилиб берайми? – сўради Кэт.

– Сутни қаердан олдинг? Сизларга сут олиб келиш ёдимдан чиқибди... Аттанг...

– Костюмимга алмашдим, – жавоб берди Эрвин. – Оз-оз бўлса ҳам, албатта, сут ичиб туриши зарур. Ҳомиладорларнинг овқати ҳам жуда бошни қотирадиган нарса экан-да.

Штирлиц Кэтнинг қўлидан тутиб, самимий сўради:

– Бирорта куй чалиб берасанми?

Кэт рояль ёнига ўтирди ва ноталарни титкилаб, Бахни олди. Штирлиц дераза ёнига борди-да, Эрвиндан секин сўради:

– Яхшилаб текшириб кўрдингми, ҳаво кирадиган жойга бирор нима тиқиб қўймаганмикинлар?

– Текширдим. Менимча, ҳеч нарса йўқ. Нима гап ўзи?

– Ҳеч гап йўқ. Ҳаммаси жойида. Шунчаки эҳтиёт шарт-да.

– СДдаги биродарларинг янги жирканч ўйинни ўйлаб чиқардиларми дейман?

– Ким билади дейсан. Эҳтимол. Инсоният ҳаммадан кўп ўзгалар сирини билишга ошиқади ва яхши кўради.

– Хўш? – сўради Эрвин. – Нима гап?

Штирлиц кулиб бошини қимирлатди.

– Биласанми, – оёйишга гап бошлади у, – мен топшириқ олдим... – У яна кулиб қўйди. – Энг олий мартабадагиларнинг қайсиси Фарб билан сепарат музокаралар бошламоқчи бўлаётганини аниқлашим керак... Улар гитлерчи раҳбарлардан бирини назарда тутишяпти. Энг каттаконларини. Қалай вазифа? Қизиқми? Башарти мен йигирма йил мобайнида қўлга тушмаган эканман, демак, у ҳамма нарсанинг уддасидан чиқади деб ўйласалар керак. Қани энди Гиммлерга ўринбосар бўлиб олсам. Ёки фюрер ўрнини эгалласаммикин? Хайль Штирлиц! Қалай? Мен эзма бўлиб қолибман-а, сезяпсанми?

– Сенга ярашади бу, – жавоб берди Эрвин.

– Сен қандай туғмоқчисан, жоним? – сўради Штирлиц Кэт куйни ижро қилиб бўлгач.

– Менимча, ҳали туғишнинг янгича усулини ўйлаб топмаганлар, шекилли, – жавоб берди аёл.

– Мен ўтган куни бир шифокор билан суҳбатлашган эдим... Мен сизларни қўрқитмоқчи эмасман... – У Кэтга яқинроқ бориб, илтимос қилди: – Чалавер, жоним, чалавер. Ўзим қўрқиб кетган бўлсам ҳам, сизларни қўрқитмоқчи эмасман. Ўша кекса доктор менга: «Туғаётган пайтида ҳар бир аёлнинг қаердан эканлигини аниқлаб оламан», – деди.

– Тушунмадим, – деди Эрвин. Кэт чалишдан тўхтади.

– Чалавер, жоним, чалавер, – илтимос қилди Штирлиц, – қўрқма. Аввал эшит, сўнгра бирор чорасини топишни ўйлаб кўрамиз. Аёлларнинг тўлғоқ пайтида додлашини биларсан, албатта.

– Раҳмат-э, – кулиб жавоб берди Кэт, – аёллар туғаётганда қўшиқ айтишса керак деб ўйлаб юардим.

– Биласанми, жоним, улар ўз она тилларида қичқиришар экан. Қаерда туғилган бўлсалар, ўша ернинг шевасида. Демак, сен рязанчасига «ойи» деб қичқирар экансан...

Кэт куйни ижро этишда давом этаверди, аммо Штирлиц унинг кўзлари жиққа ёш тўлганини кўриб қолди.

– Нима қиламиз энди? – сўради Эрвин.

– Сизларни Швецияга жўнатсак-чи? Бу менинг кўлимдан келар.

– Энг сўнгги алоқа воситасидан ҳам маҳрум бўласанми? – сўради Кэт.

– Мен бу ерда қоламан-ку, – деди Эрвин. Штирлиц «йўқ» дегандай бошини қимирлатди.

– Бир ўзингни қўймайдилар. Фақат бирга кетишларинг мумкин; у уруш ногирони сифатида санаторийларда даволанишга муҳтож, Стокгольмдаги немис қариндошлари таклиф қилишади... Бир ўзингни ўтказмайдилар. Сенинг эмас, унинг амакиси швед нацисти ҳисобланади...

– Биз шу ерда қоламиз, – деди Кэт. – Қўявер, немис тилида қичқирман.

– Русча ҳақоратли сўзларни ҳам бир оз қўшишинг мумкин, лекин албатта, Берлин талаффузида бўлсин, – ҳазиллашди Штирлиц. – Бу нарсани ҳал қилишни эртага қолдирамиз: қаҳрамонлик кўрсатмай, бафуржа ўйлаб кўрамиз. Кетдик, Эрвин, алоқа боғлаш керак. Эртага менга қандай жавоб беришларига қараб бирор қарорга келамиз.

Беш дақиқадан сўнг улар уйдан чиқдилар. Эрвиннинг қўлида жомадон, унда эса рация бор эди. Улар Рансдорф томон ўн беш чақиримча йўл юриб, ўрмонга кирдилар, Штирлиц моторни ўчирди. Илгаригидек бомбардимон давом этмоқда эди. Эрвин соатига қараб олди-да:

– Бошладикми? – деди.

– Бошладик, – жавоб берди Штирлиц, аччиқ француз «Галуаз» тамакисини тутатиб, қаттиқ тортар экан. – Бошладик, – яна қайтарди у.

«ЮСТАС – АЛЕКСГА

Ҳали ҳам Фарбдаги бирорта жиддий сиёсатчи СС ёки СД билан музокарага ботинолмайди деган ишончдаман. Аммо топириқ олганим учун, уни амалга оширишга киришмоқдаман.

Сизлардан олинган маълумотларнинг бир қисмини Гиммлерга етказсамгина топириқни бажаришим мумкин деб ҳисоблайман. Унинг таянчига эга бўлганимдан сўнггина музокара йўлини қидираётган кишиларни кейинчалик тўғридан-тўғри кузатиб бориш имкониятига эга бўлишим мумкин. Менинг Гиммлерга «чақимчилик» қилишим – майда-чуйда нарсаларни сиздан бемаслаҳат ўзим уюштиравераман – гипотезангизни исботлаш йўлидами, уни рад этиш йўлидами, барибир, сизни барча янгиликлар билан таништириб туришга ёрдам беради. Ҳозирча бундан бошқа йўл йўқ деб ҳисоблайман. Агар маъқул топилса, Эрвин канали орқали «яхши» деган жавоб беринг.

ЮСТАС.

– У ҳалокат ёқасига бориб қолибди, – деди Марказ бошлиғи бу Москвага етказилгач. – Башарти тўғридан-тўғри Гиммлер билан алоқа боғласа – ҳалок бўлди деяверинг, ҳеч нарса қутқариб қололмайди уни. Ҳатто Гиммлер «беркинмачоқ» ўйнамоққа аҳд қилса-чи деб фараз қилинган чоғда ҳам... СС рейхсфюрери бундай қилишга арзийдиган даражадаги шахс эмас у, албатта. Эртага эрталаб «қатъиян рад этилади» деган маънода шошилиш хабар юборинг.

Марказ билган нарсаларни Исаев билмасди, албатта, чунки сўнгги бир неча ой мобайнида тўпланган маълумотлар Гиммлернинг қандай инсонлигини очиб берадиган калит вазифасини ўташи мумкин эди.

* * *

... У биров елкасига туртгандек қўққисдан уйғониб кетди. Каравотда ўтирар экан, атроф-

га аланглади. Хона жимжит. Кичкинагина сотнинг ёришиб турган мили тонгги бешни кўрсатарди.

«Ҳали жуда эрта, – ўйларди Гиммлер, – ҳеч бўлмаганда яна бир соат уклаш керак».

У эснади, яна ёстиққа бош қўйиб, девор томонга ўгирилиб олди. Очиқ деразачадан ўрмон ғовури эшитилиб турарди. Кеча кечқурун қор ёға бошлаган эди, ҳозир сокин, ҳеч зов йўқ, қишки ўрмоннинг қанчалик гўзаллигини Гиммлер тасаввур қилди. У, худди ёшлигимдагидек ҳозир ҳам якка ўзим ўрмонга кирсам кўрқсам керак, деган хаёлга келди.

– Йўқ, йўқ, йўқ, – деди Гиммлер астагина, ўзи ҳам кутмаган ҳолда.

У каравотдан туриб, елкасига камзулини ташлади ва стол ёнига борди. Чироқ ҳам ёқмай, ёғоч курсининг четига ўтирди-да, қора телефоннинг гўшагига қўлини узатди.

«Қизимга телефон қилишим керак, – ўйларди у. – Қизалоқ хурсанд бўлади. Унинг қувониб юриши учун имконият кам».

Катта ёзув столидаги ойна остида икки ўғил боланинг расми кўриниб турарди.

Гиммлер бирданига кўз олдига Борманни келтирди ва ҳозир қизига телефон қилиб: «Салом, дўмбоғим, даданг гапиряпти. Қандай тушлар кўрдинг, жонгинам?» дея олмаслигимга ана шу бадбахт айбдор, деб ўйлади. У ҳозир ўғилларига ҳам телефон қилолмасди, чунки улар гайриқонуний никоҳ фарзандлари эдилар. Қирқ учинчи йилда икки ўғлининг онаси Марта учун бомбалар ёғилаётган жойдан нарироқда, Баварияда чоғроққина вилла қуришга партиядан саксон минг марка қарз сўраганида Борман-

нинг лом-мим демагани Гиммлернинг ёдига тушди. Бунин Бормандан эшитган фюрернинг тушлик пайтида ўзига бир неча бор ҳайрон бўлиб қараб қўйганини ҳам эслади. Гарчи у олти йилдан бери уйида яшамаётган бўлса-да, худди шу сабаб хотини билан ажрашолмасди. Қабул маросимларига хотини билан бирга боришга мажбур эди.

«Борманнинг айби йўқ бунда, – ҳамон ўйларди Гиммлер, – мен ўзим ноҳақман. Бу ташвишимга бўрдоқининг нима дахли бор. Ажралиш учун ҳар қандай хўрликка рози бўлардим. Аммо қизимнинг кўнглини оғритишга ҳеч қачон ботинолмасдим».

Гиммлер фаолиятининг илк даврларини эслаб кулиб қўйди. У пайтлар хотини ва қизалар билан Нюрнбергда оч-наҳор, совуқ хонада яшашарди. Бундан анча вақт ўтган бўлса ҳам, яқиндагина бўлиб ўтгандек туюларди. Орадан атиги ўн саккиз йил ўтибди. Ўша пайтда фюрернинг «биродари» Грегор Штрассернинг котиби бўлиб ишларди. У партия ташкилотлари ўртасида алоқа боғлаб, Германия бўйлаб санғиб юрарди, вокзалларда ухларди, егани нон билан қаҳва деб ном олган атала эди. Ўша пайтда, 1926 йилда, Штрассернинг қўриқчи СС гуруҳларини ташкил қилиш ҳақидаги фикри зарурат туфайли эмас, балки СА раҳбари Рэмга қарши бошланган кураш учун пайдо бўлганлигини ҳали англаб етмаган эди. СС гуруҳлари партия доҳийларини доим қўриқлаб юриш зарурлигига Гиммлернинг ишончи комил эди. Душманларнинг асосий вазифаси улуғ доҳий, меҳнаткаш немисларнинг бирдан-бир дўсти Адольф Гитлери йўқ қилиш эканлигига унинг

ишончи комил эди. У столи тепасига Гитлернинг катта суратини илиб қўйди. Гитлер бир пайт Штрассер ҳузурига келганда ўзининг сурати остида сепкилли, озгин йигитчани кўриб бундай деди:

– Партия раҳбарларидан бирини бошқалардан ажратиб, шунчалик баланд кўтариш яхшими?

Гиммлер бундай жавоб қилди:

– Агар сиз оддий раҳбар бўлганингизда, мен партия сафида бўлмас эдим. Мен раҳбар эмас, балки доҳийга эга бўлган партия сафидаман!

Гитлер уни эслаб қолди. Бавария ташкилотининг котиби берган жавобдан Штрассер ҳам мамнундай бўлди-ю, аммо ичида мешчанлар муҳитидан раҳбарлар сафигача олиб чиққан одамнинг нонкўрлигидан ўксинган эди. У фюрерга Гиммлерни янги ташкил қилинган СС гуруҳларига рейхсфюрер қилиб тайинлашни таклиф қилганида, СС биринчи галда унинг ўзига, Рэмга қарши курашига, партия ва фюрерга таъсир ўтказиш курашига хизмат қилади деб мўлжаллаган эди. Унинг бошчилигида дастлаб икки юз эсэсчи, атиги икки юз нафар эсэсчи бирлашган эди. Аммо ССсиз 1933 йилда фюрер ғалаба қозонолмас эди – Гиммлернинг бунга ишончи комил эди. Лекин ғалабадан сўнг фюрер уни Мюнхен шаҳри полициясининг бошлиғи қилиб тайинлади, холос. Шунда Гиммлер ҳузурига уни партияга қабул қилган, партиянинг мафкурачиси ва назариётчиси, СС гуруҳлари ташкил қилиш ғоясини биринчи майдонга ташлаган киши – Грегор Штрассер кириб келганди. Штрассер ўша пайтга келиб партия фахрийларига, Гитлер саноат корча-лонларига сотилиб кетди, деб шикоят қилиб

юрған ва фюрерга қарши ошкора курашиш йўлига ўтиб олганди.

Ўшанда Гиммлер Штрассернинг гапини бўлиб: «Фюрерга содиқлик ҳар бир партия аъзосининг бурчидир. Ўз шубҳаларингизни анжуманда кўпчиликнинг ҳукмига ҳавола қилишингиз мумкин, аммо қарши курашда ўз обрў-эътиборингиздан фойдаланишга ҳақингиз йўқ – бундай қилиш партиянинг жипслигига путур етказди», – деган эди.

Ўша кунни кечқурун Гиммлер ўз уйида, байрам қадаҳини кўтараётиб:

– Мен оддий оилалардан чиққан эсэсчиларимни оқсуяк қизларга уйлантириб тоза насли миллатни яратиш ниятида эдим, эндиликда, миллат душманлари: яҳудийлар ва руҳонийлар билан иш кўришимга тўғри келади. Бу фюрернинг истаги экан, начора шундай бўлажак, – деди. Чунки ўша пайтларда Герингга итоат этувчи марказий полиция органи ходимлари унинг уйидаги гапларини тинглашларини билар эди.

Гиммлер марказда қандай воқеалар юз бераётганини диққат билан кузатиб борди. У ғалаба завқи амалий ишни маълум даражада сушлаштирганини кўриб турди. У, Берлиндаги партия доҳийлари намойишларда сўзга чиқиш, тунларни эса дипломатик қабул маросимларида ўтказиш – ҳулас, партия ғалабасининг самарасидан баҳраманд бўлишдан бошқа нарса қилмаяптилар, деб асосли равишда ўйлаб юрарди. Гиммлер бундай қилишга ҳали вақт эрта деб ҳисобларди. Шундан сўнг бир ой ўтар-ўтмас Дахауда биринчи намунавий концентрацион қамоқхонани ташкил қилди.

Душманларга ён босган саккиз миллион кишини чинакам Германия фуқароси руҳида тар-

биялаш учун бу қамоқхона жуда яхши меҳнат мактабидир. Саккиз миллион кишининг ҳаммасини қамоқхоналарга ташлаш, албатта, бемаънилик бўлади. Аввало, битта қамоқхонада террор вазиятини яратмоқ, сўнгра иродаси синганларни битта-битта чиқаравериш керак. Қамоқхонадан чиққан бундай кишилар бугунги тузумнинг энг яхши ташвиқотчиларига айланадилар. Улар ёр-биродарлари ва бола-чақаларини тартибимизга лом-мим демай итоат этишга даъват қиладилар.

Унинг ҳузурига Герингнинг шахсий вакили келди. У Дахауда бир неча соат бўлгач сўради:

– Бу қамоқхонани, аввало конституцияга зид бўлганлиги туфайли, Европа ва Америкада кескин қораламасмикинлар?

– Нега энди тузум душманларини қамашни конституцияга зид тадбир деб ўйлайсиз?

– Чунки сиз қамаган кишиларнинг кўпчилиги ҳатто суд биносини кўрмаган. Айблаш учун ҳеч қандай хулоса, асос йўқ, қонундан асар ҳам кўринмайди...

Гиммлер шу масала устида ўйлаб кўришни ваъда қилди. Геринг вакили жўнаб кетди, Гиммлер эса шахсан Гитлерга хат ёзиб, унда суд ва терговсиз қамоққа олиш ҳамда концентрацион қамоқхонага жўнатиш қанчалик зарурлигини ишончли қилиб асослади.

«Бундай қилиш, – деб ёзди у фюрерга, – тузум душманларини халқ қазабидан қутқариб қолишни кўзлаган инсонпарварлик тадбиридан бошқа нарсаси эмас. Миллат душманларини қамоқхонага тикмасак, биз уларнинг тирик қолишига кафил бўлолмаймиз: халқ уларни тошбўрон қилади».

Ана шу хат фюрер атрофидаги одамларнинг бирортасини қўлига тушиб қолмаслиги учун, Гиммлер ўша куниеқ катта йиғин уюштириб, хатдаги гапларни сўзма-сўз такрорлади ва унинг бу нутқи эртасига ҳамма газеталарда босилиб чиқди.

1933 йилнинг охирида бевосита Герингга итоат қилувчи Берлин полициясида катта жанжал чиққач, Гиммлер тундаёқ Мюнхендан жўнаб кетди ва эртасига фюрернинг қабулига муяссар бўлди. У «сотқин, эски тузум полициясини» «халқнинг асил фарзандлари» – СС назорати остига беришни сўради.

Гитлер Герингни хафа қилгиси келмади. У Гиммлерга тайинли жавоб бермади. Унинг қўлини шунчаки сиқиб қўйди, хона эшигигача кузатди, худди ўрганаётгандек кўзига тикилиб қаради, кейин бирданига хушчақчақ оҳангда деди:

– Келгусида ақлли таклифларингизни бир кун олдин юборадиган қилинг: менга юборган хатингизни ва Мюнхендаги йиғинда сўзлаган ўша мазмундаги нутқингизни назарда тутяпман.

Гиммлер кайфияти бузилиб жўнаб кетди. Аммо бир ой ўтгач, у Берлинга чақирилмасданок, Мекленбург ва Любек сиёсий полициясининг, яна бир ой ўтгач – 20 декабрда Баден, 21 декабрда Гессен, 24 декабрда Бремен, 25 декабрда Саксония ва Тюрингия, 27 декабрда Гамбург сиёсий полициясининг бошлиғи қилиб тайинланди. Бир ҳафта ичида у, ҳали ҳам Герингга бўйсуниб турган Пруссия полициясидан ташқари, бутун Германия полициясининг бошлиғи бўлиб қолди.

Гитлер Герингга, Гиммлер бутун рейх махфий полициясининг бошлиғи қилиб тайинла-са-ю, аммо Герингга бўйсунса, деган фикрни таклиф қилди. Рейхсмаршал фюрернинг бу таклифига рози бўлди. Аммо унча хушламай рози бўлди, чунки тоталитар тузум шароити-да махфий полиция кимнинг қўлида бўлса, ўшанинг доим ролиб чиқишини яхши тушунар эди. Лекин Герингдек мавқега эга кимса учун полицияга бош бўлиш паст иш эди. У маршал, Пруссия бош вазири, рейхстаг раиси унвонла-рига эга эди. Бунинг устига яна бош полиция-чи бўлишни пасткашлик деб ҳисобларди. Шу-нинг учун у икки йўлдан бирини танлаши: ё Гиммлерни ўз кишиси қилиб олиши, ёки унинг иродасини букиб, ўзига итоат қилдириши ке-рак эди. Геринг биринчи йўлни танламади – индамас, тили дағал ва кўримсиз Гиммлерни назарга илмади. У иккинчи йўлни танлади. У ўз котибига Гиммлерга ички ишлар вазири-нинг ўринбосари ва махфий полиция бошлиғи унвонини ҳамда полицияга тегишли масалалар муҳокама қилинганда мажлисларда қатнашиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги қарорни фюрер идораси тасдиғидан ўтказишни буюрди. «По-лиция масалалари» сўзидан кейин ёзилган «ва рейх хавфсизлиги масалалари» деган сўзларни ўз қўли билан ўчириб ташлади. Гиммлерга шу-нинг ўзи ҳам етар. Қарор лойиҳаси фюрер идо-расидан тасдиқланиб ўтгач, Геринг ҳужжатни газеталарда босишни буюрди.

Гиммлер ҳужжатнинг газетада босилиб чиққанини кўргач, матбуот билан – журна-листларни обрўсизлантирувчи маълумотларни йиғиш билан шуғулланувчи икки ходимини

чақириб, ўзининг янги лавозимга тайинланганлигини расмий матбуот хабаридан бошқачароқ шарҳлаб беришни сўради. Геринг Гиммлернинг тайинланишига рози бўлиб, асосий хатога йўл қўйган эди: у Гиммлернинг СС рейхсфюрери деган асосий унвонини ҳеч ким бекор қилмаганини унутган эди. Натижада, эртасига барча марказий газеталар буни қуйидагича изоҳлаб чиқдилар: «Мамлакат адлияси муҳим ғалабани қўлга киритди – СС рейхсфюрери Гиммлер қўл остида жиноят, сиёсий полиция, гестапо ва жандармерия бирлаштирилди. Бу тадбир рейхнинг барча душманларини огоҳлантиришдир: тузумнинг қасоскор мушти зарба бериш учун ҳар бир ғаним, ҳар бир ички ва ташқи душман боши узра шай бўлиб туражак».

У Берлинга, ҳашаматли Ан Донненстаг уйига, Риббентропга қўшни бўлиб кўчиб ўтди. Душман устидан қозонилган ғалаба гаштини суриб юриш пайти давом этар экан, Гиммлер ўз ёрдамчиси Гейдрих билан бирга ғанимлар, асосийси, дўстлар устидан маълумотлар йиға бошлади. Собиқ бошлиғи Грегор Штрассерга тегишли маълумотларни шахсан ўзи тўплай бошлади. У ўзини фақат устози ва биринчи тарбиячиси бўлган Штрассернинг қони билан тўла-тўқис оқлаши мумкин эканлигини фаҳмлаганди. Шунинг учун ҳам Штрассерни отилишга дучор қилиши мумкин бўлган ҳар қандай далилларни, ҳатто майда-чуйдасигача синчиклаб йиға бошлади.

1934 йилнинг 20 июнида Гитлер Рэмга қарши бўлажак тадбирларни муҳокама қилиш учун Гиммлерни ўз ҳузурига суҳбатга чақирди. У фюрернинг хатти-ҳаракати қандай бўлиши-

ни олдиндан тасаввур қилолмас эди, аммо қандайдир ҳаракат зарурлигини биларди, у ҳар куни кўздан кечириб турган минг-минг бетлаб жосуслик маълумотлари ва ёзиб олинган телефон суҳбатлари шундан далолат берарди.

Рэмга қарши тадбир Гитлер билан бирга иш бошлаганларнинг ҳаммасини йўқотишга қаратилган баҳона эканини Гиммлер тушунарди. Биргалашиб иш бошлаганлар учун Гитлер оддий инсон, партиядош биродар эди, эндиликда эса Адольф Гитлер немислар учун доҳий бўлиб қолиши керак эди. Партия фахрийлари унинг учун ортиқча юк бўлиб қолди.

Душманлар ташвиқоти таъсирига тушиб қолган жуда озчилик фахрийлар шаънига Гитлер айтаётган ғазабли гапларга қулоқ солар экан, Гиммлер бунинг тагида нима ётганини очик-ойдин тушуниб турарди. Гитлер ҳеч кимга, ҳатто яқин дўстларига ҳам ҳамма ҳақиқатни очик айтолмасди. Гиммлер буни ҳам тушунарди ва шунинг учун Гитлер билан биргаликда миллий-ижтимоий партияни ташкил қила бошлаган тўрт минг нафар фахрий – деярли ҳамма фахрийлар устидан тўпланган маълумотларни стол устига қўйиб, фюрерга ёрдам қилди. У руҳий жиҳатдан жуда нозик йўл тутди. Гитлер унинг бу хизматини ёддан чиқармаслигига ишонди, чунки золим учун ўз-ўзини оқлашда ўзганинг берган ёрдами бебаҳодир.

Лекин Гиммлер шу билангина чекланмади: фюрернинг мақсадларини билиб олиб, ўзини шунчалик зарур одам қилиб қўйдики, бўлажак тадбирлар шахсан уни четлаб ўтиш у ёқда турсин, балки бу таъқибларни фақат ўз назорати остига олишга ҳаракат қилди.

«Штрассер қандай фахрий бўлса, мен ҳам шундай фахрийман, – ўйларди Гиммлер, – аммо мен Штрассернинг фахрий эмас, балки амалпараст ва ёвуз ганим эканлигини миллатга исбот қила олсам, абадий партия фахрийси бўлиб қоламан».

Гитлер Гиммлерни Герингнинг Шорфейддаги боғига таклиф қилиб, ўзи билан олиб кетаётганида, Гиммлер бир спектакль уюштирди: олдиндан тайинланиб қўйилган рэмчиларнинг СА формасини кийган айғоқчи фюрер кетаётган очиқ машинага қарата ўқ узганда, Гиммлер доҳийни ўз танаси билан бекитди ва партияда биринчи бўлиб:

– Менинг фюрерим, сизнинг ҳаётингиз учун қон тўкиш мен учун бахтдир! – деди.

Шу пайтгача ҳеч ким «менинг фюрерим» иборасини ишлатмаганди. Шундай қилиб, фюрерни илоҳийлаштирувчи бу иборанинг муаллифи худди Гиммлернинг ўзи бўлиб қолди.

– Шу дақиқадан бошлаб, сиз менинг туғишган укамсиз, Генрих, – деди Гитлер ва бу сўзларни ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси эшитди.

Гиммлер Рэмни йўқ қилиш юзасидан операцияни ўтказиб бўлгач, устози Штрассер ва яна тўрт минг партия фахрийлари отиб ўлдирилгач, «эпчил» журналистлар ҳаракат бошидан фюрер билан ёнма-ён турган киши худди Гиммлер эканлиги ҳақида афсона тўқиб чиқардилар.

Ишни бошлаб юборгач, давомини ҳам ўйлаш керак эди. Гейдрих давлат машинасида куч-қувват мушти бўлган СС бўлинмаларини ташкил қилиш фикрини айтди. Герингда люфтваффе, бош штабда қўшин бор, Гиммлер

эса атиги изқувар, айфоқчи ва жосусларгагина эга. Шу ҳам иш бўлдимиди? Ҳарбий қисмлар керак! Гамбургдаги «Германия» ва Мюнхендаги «Дейчланд» СС бўлинмалари ана шундай қўшилмалар бўлди.

1935 йилнинг 7 октябрида фюрер Гиммлерга туғилган куни билан табриклаб, телеграмма юборди: «Менинг қадрли партиядош дўстим Гиммлер! Сизнинг туғилган кунингиз муносабати билан бугунги тузумни муҳофаза этиш ишини давом эттиришда сизга энг яхши тилаклар изҳор этаман. Адольф Гитлер».

1936 йилдан, Гейдрихнинг маслаҳати билан Гитлерга яна бир нарсани таклиф этган кундан бошлаб эса фюрер ҳузурида ўтказиладиган ва фақат энг яқин дўстлар қатнашадиган «тафельрунде»ларга қатнаша бошлади. У Геббельснинг тарғибот ташкилоти ёрдами билан Рейн вилоятининг босиб олиниши Париж ва Лондон шаънига тегадиган ҳаракат эмас, балки Москвага қарши қуроли тайёргарлик кўриш юзасидан қилинган зарурий тадбир деб дунёга жар солишни таклиф этган эди.

Геринг, Гесс ва Геббельслар билан қўл бериб, дўстона сўрашиб юрар экан, Гиммлер ўзининг ана шу жанговар дўстлари устидан маълумот йиғишни сира тўхтатмади.

* * *

Штирлиц машинасини секин ҳайдарди, чунки Марказ билан олиб борилган ҳар бир алоқадан кейин асаблари тордай таранглашар, шундан кейин ҳам жисмонан, ҳам руҳан чарчаганлигини сезарди.

Иўл ўрмонзордан ўтарди. Шамол тўхтади. Осмон топ-тоза, юлдузлар чарақлаган.

«Москва ана шундай музокаралар олиб борилиши эҳтимolini тахмин қилгани тўғри бўлиши ҳам мумкин, – мулоҳазасини давом эттирди Штирлиц. – Ҳатто уларда аниқ маълумотлар бўлмаган чоғда ҳам бундан тахмин ҳақли тахминдир. Бу ерда, рейх идорасида, фюрер атрофида низолар бўлаётганини Москва билади, албатта. Илгари бу низолар фюрерга яқин бўлиб олишга қаратилган эди. Ҳозир аксинча бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси: Геринг ҳам, Борман ҳам, Гиммлер ҳам, Риббентроп ҳам рейх, СС, партия билан чамбарчас боғланганлар. Рейхни сақлаб қолишдан уларнинг ҳар бири манфаатдор. Сепарат сулҳ тузиш уларнинг ҳар бири учун омон қолиш йўлидир. Улар бахти қора халқ, унинг азоблари ҳақида бош қотирмайдилар; уларни герман давлати ҳам қизиқтирмайди – ҳар бирини Германия ва немислар тақдир эмас, балки ўзлари, ўзларининг шахсий қисмати мулоҳазага чорлаяпти. Шу вазиятда эллик миллион немис халқи улар учун қимор паттасидек гап. Улар қўшин, полиция, ССни ўз қўлларида сақлаб турар эканлар – шахсан омон қолиш эвазига рейх ғилдирагини истган томонга буриб юборишлари мумкин...»

Штирлицнинг кўзига ёп-ёруғ шуъла тушди. У кўзини юмиб, дарҳол тормозни босди. Бутазор ичидан иккита ССчилар мотоцикли чиқиб келди. Улар йўлни тўсдилар, мотоциклчилардан бири машина томон автоматини ўқталди.

* * *

...Гиммлер курсидан туриб, дераза ёнига борди: қишки ўрмон ҳайратда қоларли даражада гўзал эди – шохлардаги қор ой нурида товланар, ҳамма ёқда сукунат ҳукмрон, бепоён бинафша ранг осмон қўйнида юлдузлар чақнади.

Шу пайт тўсатдан Гиммлер фюрернинг энг яқин кишиси Гессга қарши уюштирган операциясини эслади. Ўшанда Гиммлер бир зумгина ўлим ёқасига бориб қолганди: Гитлер учун қарама-қарши қарорга келиш ҳеч гап эмасди. Гиммлер ўз одамларидан Гесснинг онанизм билан шуғулланаётгани суратга туширилган киноплёнкани олганди. Гиммлер ўша плёнкани дарҳол Гитлер ҳузурига олиб бориб, экранда кўрсатганди.

Фюрер жуда ғазабланди ўшанда. Тун бўлишига қарамай, Геринг ва Геббельсни ҳузурига чақиришни, Гессга эса қабулхонада кутиб туришни буюрди. Биринчи бўлиб Геринг етиб келди – унинг ранглари оқарганди. Рейхсмаршалнинг нега қўрқиб кетганлигини Гиммлер биларди: унинг веналик балерина билан ҳангомаси айна авжига чиққан пайт эди (Гиммлер рейхсмаршалнинг озғин балериналарга хуштор бўлишини пайқаганди: у Герингнинг гуноҳини кўрсатувчи саккизта тасмани кўздан кечирганда ундаги ҳамма аёллар бир-биридан озғин эди). Гитлер «Гесснинг пасткашлигини» кўришни таклиф этди дўстларига. Геринг қаҳ-қаҳ уриб куларди. Гитлер унинг кулгусини тўхтатиб: «Бунчалик шафқатсиз бўлмаслик ке-

рак!» – деди. У Гессни ичкарига чақирди, кейин олдига югуриб борди-да, бақира кетди:

– Сиз ифлос, қўланса, аблаҳ экансиз! Сиз онон билан шуғулланар экансиз!

Гиммлер ҳам, Геринг ҳам, Геббельс ҳам мартабаси ғоят катта шахс – партиядаги мавқеи бўйича иккинчи шахснинг шарманда бўлаётганлигининг гувоҳи бўлганликларини тушунардилар.

– Ҳа, – жавоб берди Гесс хотиржамлик билан ҳаммани ҳайратда қолдириб. – Ҳа, фюрерим! Яширадиган жойим йўқ! Мен нега бу иш билан шуғулланаман? Мен нега актрисалар билан ишрат қилмайман? – деркан Геббельс томонга қарамади, лекин униси курсига ёпишганича қимирламай қолди. – Нега мен Венага балет кўргани ва ўша ерда тунаб қолгани бормайман! Шунинг учунки, менинг ҳаёт-мамотим партиядир! Партия ва сиз, фюрерим, мен учун бир нарса! Шахсий ҳаёт учун вақтим йўқ! Мен бир ўзим яшайман!

Гитлер жаҳлидан тушди, Гессга яқинлашиб, уни ўнғайсизлангандек қучоқлади, елкасини қоқиб қўйди.

Гесс ғолиб чиқди. Гиммлер лом-мим дея олмади, чунки Гесс ўч олишга уста эди. Гесс кетгач, Гитлер деди:

– Гиммлер, унга хотин танланг. Ҳаракатимизга содиқ бўлган бу ажойиб кишини мен тушунаман. Номзодларнинг расмларини менга кўрсатинг, бирортасини танлайман: у менинг тавсиямни қабул қилади.

Гиммлер бу дақиқа ҳамма нарсани ҳал қилиши мумкин эканлигини пайқади. Геринг ва Геббельс уларига жўнаб кетишгач, Гиммлер бундай деди:

– Фюрерим, сиз мамлакат эртаси учун унинг содиқ фарзандини қутқариб қолдингиз. Гесснинг фидокорлигини биз ҳаммамиз қадрлаймиз. Сиздан бошқа ҳеч ким унинг тақдирини шунчалик доно йўл билан ҳал қилолмас эди. Шунинг учун ҳозироқ, кечиктирмай, яна бир неча маълумот олиб келишга рухсат беринг! Гессга қандай ёрдам берган бўлсангиз, бошқа аскарларингизга ҳам кўмаклашишингиз лозим.

Кўп ўтмай у Гитлерга меҳнат фронтининг раҳбари Лей устидан маълумот олиб келди. У пиёниста бўлиб қолган эди, унинг маст-аласт бўлиб кўтарган тўполонларини Гитлердан бошқа ҳамма биларди. Гиммлер «Бабельсберг буқачаси» устидан тўплаган далилларини ҳам қўйди. Унинг айғоқчилари нуфузли мавқега эга вазир Геббельсни ўз маълумотларида ана шундай деб атардилар. Геббельснинг қони тоза бўлмаган хотинлар билан алоқада бўлиши чинакам етакчи шаънига ярашмайдиган иш эди. Гитлернинг столидан Борманни обрўсизлантирувчи маълумот ҳам жой олди: Гиммлер асосли равишда у Гесс билан яқинликда бўлса керак деб тахмин қиларди.

– Йўқ, йўқ, – Борманнинг ёнини олди Гитлер, – унинг тўққизта боласи бор ахир. Бесоқолбозларда бола бўлмайди. Бу гаплар бўҳтон.

Гиммлер Гитлерга гап қайтармади, аммо фюрернинг маълумотларни жуда қизиқиб бетма-бет кўраётганини, баъзи маълумотларни қайта-қайта ўқиётганини кўриб, фюрерни узил-кесил ўз томонига жалб қила олганлигини пайқади.

У тўғри пайқаган эди: Гиммлернинг СС раҳбари сифатида ўн йиллик юбилейини Гитлер

бутун Германияда байрамдек нишонлашни буюрди. Шу кундан бошлаб, барча гаулейтерлар – вилоятлардаги партия раҳбарлари Гитлердан кейин тўла ҳокимиятга эга бўлган киши худди Гиммлер эканлигини тушуниб олдилар. Шундай қилиб, ҳамма вилоятлар, партиянинг барча маҳаллий ташкилотлари асосий ахборотларни Гесс бошчилиқ қилаётган партия штабига қараганда кўпроқ Гиммлер идорасига юборадиган бўлдилар. Бир гуруҳ ишончли айғоқчилардан Гиммлер ҳузурига келиб турадиган маълумотлар бўлимлардан ўтмай, тўппа-тўғри унинг шахсий темир архивларига тушарди: булар партия раҳбарларини обрўсизлантирувчи маълумотлар эди. 1942 йили Гиммлер биринчи марта фюрерни обрўсизлантирувчи маълумотни ўз сейфига яширди. Бунини у сиёсий хуфя ишлари бўйича ёрдамчиси Шелленберг билан бўлиб ўтган суҳбат арафасида қилган эди. Шелленберг 1942 йилнинг август ойида, тонг отар паллада Житомир яқинидаги рейхсфюрер ставкасига самолётда учиб келганди. Шарқий фронтда голибона ҳужум давом этарди. Роммелнинг галабалари бутун Африкани ларзага солаётган бир пайт эди. Шелленберг эса муфассал ахборот бериб бўлгач, шундай деди:

– Энди, рейхсфюрер, менда бир нарса қолди – у ҳам бўлса бир фикр.

Гиммлер безовталанди.

– Шахсан бирор кимсага қарши фикрми? Кўнгилсиз воқеа юз бердимми?

– Йўқ. Ундай эмас. Бисмаркнинг: «Сталнинг пастки тортмасида исботли ҳужжат тахт турмагунча ҳеч нимага ҳаракат қилма», – деган ва-

сияти ёдимда. Сиздан бир гапни сўрасам майлими, рейхсфюрер, уруш тақдири ҳақидаги ҳужжатлар сталингизнинг қайси тортмасида сақланмоқда?

Гиммлер, ҳар эҳтимолга қарши, суҳбатни биронтаси плёнкага ёзиб олмасин учун радиони қўйди, сўнгра жавоб берди:

– Мен сизга беш ҳафта дам олишга рухсат бераман. Асабларингиз жойида эмас. Мазангиз қочибди, Шелленберг. Тушунарлими? Буниси майли, аммо мен билан бу тариқа гаплашишга ким ҳуқуқ берди сизга?!

– Ҳозир биз шу қадар кучлимизки, – давом эттирди сўзини Шелленберг, – бутун дунёга ҳукмимизни ўтказишимиз мумкин. Ҳозир биз шон-шараф чўққисидамиз, Бисмарк эса шон-шараф чўққисига минганда сулҳ тузарди.

Гиммлер ўшанда – ҳозир ўша воқеани ипидан-игнасиғача эслади – диванга чўзилиб, қоринини силаб (унинг меъдаси сусайиб кетган ва рақ касалига дучор бўлишдан қўрқарди), сўзлашда давом этди:

– Ташқи сиёсатда фюрерга калтафаҳм Риббентропнинг маслаҳат бериши давом этар экан, сулҳ ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

– Риббентроп Геринг билан ит-мушук – Герингга ёрдам бериб, Риббентропни ағдаришимиз мумкин. Уни май кони бўлган Бургундиянинггина эмас, балки коньяк кони бўлган Брабантнинг ҳам гаулейтери қилиб тайинлаш мумкин. Пиёниста дўстимиз бунга кўнади.

Гиммлер ўшанда қўлини узатиб, столчадаги Брокгауз чиқарган географик атласни олиб ва рақларкан, бармоқлари билан кўрсатди:

– Бунинг амалий томонларига нима дейсиз? Бельгия тақдири нима бўлади? Голландияни нима қиламиз? Украинани-чи?

– Масалани бўлиб-бўлиб ҳал қилиш керак, – деди Шелленберг. – Россия синдирилди, демак, Украина масаласи қолмади деса ҳам бўлади. Бельгия ва Голландия, Англия ҳамда Америка билан олиб бориладиган музокаралар мавзуи бўлади. Мен фақат Америка билан Бормандан қўрқаман.

Гиммлер илжайиб қўйди.

– Хўп, яхши, – деди у, – Франция-чи?

– У билан иттифоқ тузамиз. Унинг мустамлакалари бизга куч-қувват беради.

– Сиз иттифоқчилар фикрини Фрицхен орқали билмоқчимисиз? – сўради Гиммлер, гарчи саволи кўпроқ тавсияга ўхшаб кетса-да, – Ҳаммасига ўзингиз жавоб берасиз, мени бунга аралаштирманг.

Шундан кейин Шелленберг ишга киришди. Аммо у Берндаги Даллес одамлари билан алоқа боғлашга шошилмади. Фрицхен – фон Папендан ҳам фойдаланмади. Чунки аввал Риббентропни афдариш керак эди. Шелленберг Риббентроп девонидан унга қарши ошкора курашишга тайёр бир кишини топди. Бу киши статс-секретарь Лютер эди. Қабул маросимларидан бирида у Шелленберг билан олиб борилган аввалги суҳбатларидан илҳомланиб, ҳамманинг кўзи олдида Гиммлернинг ёнига бориб, дўстона суҳбатлаша бошлади, уйга қайтиб келгач эса Борман, Гиммлер ва Герингга Риббентроп устидан чақув хати ёзди. Риббентроп СС обергруппенфюрери бўлганлиги сабабли, Гиммлер бу фурсатдан

фойдаланиб унга қарши иш бошламади: бунга партия этикаси йўл қўймасди. Риббентропни вазифасидан бўшатиш олдидан партия суди, кейин СС суди бўлиши шарт эди, фақат шундан сўнггина уни вазирлик лавозимидан олиш мумкин бўларди.

Гиммлер бир қарорга келолмади, зарба беришдан қўрқди, бу орада эса орган иш бошлаб юборди: гестапо бошлиғи Риббентроп махфий кузатув хизматидаги айбдорларнинг сохта ҳужжатлари бўйича Лютерни қамоққа олди. Риббентропга чоҳ қазиган кишининг ўзи унга тушиб қолди. Бунинг устига Мюллер Лютерни ҳамма гапларни айтишга мажбур этиб, Борманга Фарб билан сепарат музокаралар бошламоқчи бўлган кишилар бор экан деган ахборот юборди. Борман бу ҳақда фюрерга ахборот берди. У Риббентропга, уруш ҳолатида бўлган мамлакатлар билан музокара олиб бориш – хонинлик, ким шундай қилар экан ўлимга маҳкум, деган буйруқ чиқаришни буюрди.

Ўшанда Гиммлер биринчи марта фурсатни қўлдан бой берганлигига ва Риббентропдан енгилганлигига иқрор бўлиб, Шелленбергга ҳасрат қилди:

– Фюрер учун урушиш жонга тегди. Башарти, у шуни истар экан, эндиликда унинг ўзига қарши ҳаракат қиламан.

* * *

– Ҳужжатингиз, – деди мотоциклчи. Штирлиц унга гувоҳномасини узатаркан:

– Нима гап? – деб сўради.

Мотоциклчи гувоҳномани кўриб, унга честь берди ва бундай жавоб қилди:

– Бизни тревога бўйича оёққа турғаздилар. Радио мутахассисларини излаяпмиз.

– Хўш, қандай? – сўради Штирлиц гувоҳнома-сини чўнтагига солар экан. – Натижа борми?

– Биринчи бўлиб сизнинг машинангизни учратдик.

– Юкхонани кўрсатайми? – сўради Штирлиц жилмайиб.

Мотоциклчилар кулиб юбордилар:

– Олдинда иккита чуқур бор, эҳтиёт бўлинг, штандартенфюрер.

– Раҳмат, – жавоб берди Штирлиц, – мен ҳамма вақт эҳтиёткорман.

«Бу Эрвиндан кейин кўтарилган шов-шув, – дарҳол тушунди у, – улар Шарқ ва Жанубга қараб кетадиган йўлларни тўсиб қўйишган. Қонунга биноан бу тўғри йўл бўлса-да, жуда оддий йўл тутишибди – Германияни билмайдиган кишига нисбатан шундай йўл тутилса бошқа гап эди».

У бомбалар ўпириб ташлаган чуқурларни четлаб ўтди. Чуқурлар янги эди, ён ойналардан ачимсиқ ҳид кириб турарди.

«Энди бу лақмаларга қайтайлик, – ўйлашни давом эттирди Штирлиц. – Бинобарин, улар Кукриникслар ва Ефимов расмларида тасвирланганчалик гўл, лақма эмаслар. Демак, мен учун бир нарса калит хизматини ўташи керак, у ҳам бўлса, Риббентроп, Геринг, Борман ёки фельдмаршал Клюгенинг шахсан сулҳ тузишдан манфаатдор бўлишларидир – Марказнинг нима учун безовта бўлаётганлиги сабабини тушуниб олишим учун асосийси шу. Аммо улар билан сепарат сулҳ тузишга ким ботина олади? Рузвельтми? Йўқ албатта! Ёки Буюк Британи-

янинг жамоатчилиқ фикрими? Ҳеч вақт! Лекин, бошқа томондан олганда, Германиянинг фақат Фарб олдида таслим бўлиши у ердаги монокапитал (ахир у ҳам маълум шахслардан иборат-ку) учун фойдалидир. Демак, рейхнинг олий доиралари орасида ишимни тугатганимдан кейин Шпеерга жиддий эътибор беришим керак: Германия саноатига раҳбарлик қилувчи бу одам истеъдодли муҳандисгина эмас, жиддий сиёсатчи ҳам бўлиши керак. Фарбдаги саноат хўжайинлари билан бевосита алоқа қилиб турадиган бу шахс билан шу тобгача жиддий равишда шуғулланмаган эдим.

Штирлиц машинасини гаражга киритиб ўтирмади – совуқ унча кучли эмасди: икки-уч даражага яқин.

«Барибир мен эртага барвақт тураман, – ўйлади у, – радиатордаги сув музламайди. Эртага оғир кун бўлади. СД зобити бўлиб туриб, шахсан Гиммлер хизматига ўтиш ҳазил гап эмас... Бунинг устига, бу оқибат-натижа яқинлашаётганлигининг исботидир. Мен Гиммлерга содиқлик ҳақида қасамёд қилган эдим. Энди бунинг ўзи кифоя қилмаяти – унинг шахсан ўзига, СС рейхсфюрери Гиммлерга содиқ бўлишим лозимлиги тўғрисида онт ичаман...»

Худди ана шу 1942 йилдан сўнг, Гейдрих Прагада ҳалок бўлгач, Шелленберг Гиммлернинг энг ишончли кишиси бўлиб қолди. Гейдрихнинг ўрнини олган Кальтенбруннерни Гиммлер савияси жуда паст бўлганлиги ва ўйламай-нетмай иш тутганлиги учун ёқтирмасди. У жуда кўп ичарди, кунига юзталаб тамаки чекар ва ёқимсиз австрияча шевада гаплашарди – буларнинг ҳаммаси Гиммлернинг меъдасига тегар эди. Гиммлер

яна унинг тишлари қуйма бўлганлиги учун ҳам гапига яхши тушунолмасди.

– Тиш докторига мурожаат қилсангиз бўлмайдимиз, – деди у бир куни Кальтербруннерга, – шошилиб чақирганингизда сўзларингизга ҳеч тушуниб бўлмайди. Кальтербруннер жуда хафа бўлди, Гиммлер буни сезиб, ўйланиб қолди: «Аҳмоқ бўлганлиги ҳам яхши – уни ҳар вақт муштга рўпара қилиш мумкин, аммо ўзимдан узоқроқ тутишим керак. Аҳмоқлик – юқумли касаллик».

Борман-чи... Гиммлернинг Борманни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди...

Қуйидагиларни фюрерга худди ана шу Борман айтган эди:

– Бизга бир нарса айниқса аён бўлдики, қўшинга тўла ишониш жуда қийин. Партия ва тузумнинг умиди бўлмиш СС бўлинмаларининг мавжудлиги миллатимиз учун катта бахт. Фақат СС раҳбари – дўстим Гиммлергина шарқий фронтга, «Висла» қўшинларига қўмондонлик қилишга қодир. Фақат унинг раҳбарлиги остида СС ва унга бўйсунган бошқа қўшинлар русларни улоқтириб ташлаб, яксон қилиши мумкин.

Гиммлер эртасигаёқ ўзининг қандай лавозимга тайинланганлигини ҳали билмай туриб, фюрер ставкасига учиб келди. Тақдири олдиндан ҳал қилиб қўйилгани учун ҳам Борманга итоат қилган Германиянинг барча гаулейтерлари айни вақтда унга, СС рейхсфюрерига ҳам бўйсуниллари кераклиги ҳақидаги у олиб келган фармонга Гитлер осонлик билан имзо чекди. Гиммлер Борманга қақшатқич зарба тайёрлаганди. Шунинг учун ҳам фюрернинг

ҳеч қандай гап-сўзсиз имзо чекканини кўриб, Гиммлер бир оз таажжубланди. Фюрер ҳужжатга қўл қўйиб бўлиши билан бир дақиқа ўтгач, ҳаммасини пайқади.

– Табриклайман сизни, Гиммлер. Сиз «Висла» қўшинларига бош қўмондон қилиб тайинландингиз. Сиз, фақат сиз, русларни тор-мор қилишга қодирсиз. Сиз, фақат сиз, Сталиннинг белини букиб, унинг олдига сулҳ шартларини қўйишингиз мумкин!

Бутун ҳаракатлар пучга чиқди. Гиммлер ҳаммасини тушунди. Енгилиш бўлса, бундан баттар бўлмас. 1945 йилнинг январи эди, ғалабага ҳеч қандай умид йўқ. Бундай пуч хаёларни улоқтириб ташлаш керак! Фақат бир йўл бор: Ғарб билан дарҳол сулҳ тузиб, русларга қарши биргалашиб курашишдан бошқа илож йўқ.

Гиммлер шундай катта ва фахрли вазифага тайинланганлиги учун фюрерга ташаккур билдириб, уйига жўнаб кетди. Кейин у Геринг ҳузурига борди, аммо гаплари қовушмади.

...Мана ҳозир у азонги соат бешда уйғониб кетиб, қайтиб ухлай олмай, қарағай ўрмон суқунатига қулоқ солиб турибди, қизалоғига ҳам қўнғироқ қилолмайди, буни Борман билиб қолиши мумкин, ўғилларига ва уларнинг онаси – севган аёли билан ҳам боғланолмайди, чунки жанжал чиқишидан қўрқади – фюрер, ўзининг айтишича, «ахлоқий нопоклик» учун ҳеч кимни кечирмайди. Лаънати ифлос... Ахлоқий нопоклик эмиш-а... Гиммлер нафрат билан телефонга назар ташлади: ўн саккиз йил мобайнида яратган машинаси ҳозир унинг ўзига қарши ишлай бошлаганди.

«Бўлар иш бўлди, – деди у ўзига ўзи. – Ўзим учун ҳозирданоқ, дарҳол курашга киришмасам, иш пачава».

Гиммлер айғоқчилик маълумотларига асосан Италиядаги қўшинлар бош қўмондони фельд-маршал Кессельрингнинг Фарб билан музокара олиб боришга мойиллигини биларди. Бу ҳақда фақат Шелленберг билан Гиммлергина хабардор эдилар. Ушбу маълумотни етказган икки айғоқчи йўқ қилинган эди: улар Кессельринг ҳузурига қайтиб кетаётганларида олдиндан белгилаб қўйилган авиация ҳалокатига учраган эдилар. Сирни сақлаш – муваффақият гаровидир. Италиядан Швейцарияга йўл очиқ. Швейцарияда эса Американинг Европадаги махфий кузатув хизматининг бошлиғи Аллен Даллес бор. Буниси энди жиддий масала. Бу жиддий одамларнинг бевосита алоқаси бўлади, устига-устак, Кессельрингнинг дўсти, Италиядаги СС бошлиғи генерал Карл Вольф Гиммлерга содиқ.

Гиммлер телефон гўшагини кўтариб:

– Марҳамат, генерал Карл Вольфни зудлик билан чақиртиринг, – деди.

СС оқсоқоли Вольфга ишонар эди. У Фарб билан Гиммлер номидан жиддий музокаралар бошлашга қодир...

* * *

Штирлиц ҳузурига пастор Шлагни биринчи сўроқ учун олиб кирганларида, унга қарши иш уюштириш нияти йўқ эди: Шелленбергнинг буйруғини бажаришга киришганди, холос. Уч кун суҳбат қилиб, бу қарияга жуда қизиқиб қолди: Шлагда ҳайрон қоларлик даражада ба-

маънилик ва болаларга хос соддалик бор эди. Агар чол Мюллер бошлиқ гестапочилар қўлига тушгудек бўлса, уни тезда ҳайвон даражасига келтиришларига Штирлицнинг ақли етарди.

Иложи бор пайтларда Штирлиц етарли далилларсиз қўлга олинган ва иши унчалик жиддий бўлмаган кишиларга ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Табиийки, у ўзининг асосий ишини хавф остида қолдирмасликка интиларди, аммо инсон тақдирига бефарқ қарай олмасди. У кишиларни қутқаришнинг муайян бир шаклини ўйлаб топди: арзимас иш билан қўлга тушган кишиларни ўзига «ёллаб», уларнинг дарҳол ёки бир оз қамоқхонада ётганидан кейин озод қилинишига эришарди. Бундай кишилар озод қилингач, Шелленберг қўли остидаги махфий кузатув хизмати ва албатта Штирлиц учун қизиқарли бўлган муассасаларга ишлашга жўнатилар эдилар. У қўл остидагилардан партиянинг кўзга кўринган аъзолари устидан маълумот йиғишни сўрарди. Бундан мақсад, иккиюзламачилик қилган, қалтис гапларни гапирган, ахлоқ жиҳатдан бузилган ашаддий гитлерчиларни обрўсизлантириш эди. Шундай қилиб, у «уч томонлама» ютиб чиқарди. Гитлерчиларга қарши бирор-бир фикр билдирган кишиларни қутқариб қоларди, ишга юборилган айбончиларидан махфий маълумотлар олиб турарди ва ниҳоят, улардан олинган материаллардан фойдаланиб, тузумга содиқ немисларни лавозимидан афдарарди.

У пастор билан суҳбатлашар, унинг устидан йиғилган маълумотлар билан танишар экан, пастор кейинчалик унинг ишига қандай ёрдам бериши мумкинлиги устида кўпроқ бош қотира бошлади.

Штирлиц пасторнинг нацизмдан нафратланишидан ташқари, қаршилиқ ҳаракатига ёрдам беришга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилиб, – ифвогар Клаус билан суҳбатини тинглагач, бунга иқрор бўлганди, – ўзининг бўлажак ишларида Шлагдан қандай фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида аниқ бир қарорга келмаган бўлса-да, маълум ролни мўлжаллаб қўйди унга.

Штирлиц ҳодисалар қандай ривож топишини олдиндан фол боққандек аниқлаб олмас эди, аммо бўлажак операциянинг умумий қиёфасини аниқ тасаввур қиларди. Жиноятчини қандай фош этиб, қандай қўлга туширишини олдиндан чамалаган изқуварлар акс эттирилган детектив романларни ўқиб, энсаси қотарди. Европани босиб ўтиб, Анқарага йўл олган поездда кетаётиб, бир китобда ўқиган воқеасини доим эслаб юрарди – бу воқеа унинг ёдидан ҳеч чиқмасди. Бир куни, деб ёзарди тушмагур адабиётшунос, Пушкиндан гўзал Татьянанинг тақдири нима бўлишини сўрашганда, Пушкин ранжиб: «Унинг ўзидан сўранг, мен билмайман», – деб жавоб берган экан. Штирлиц математик ва физиклар билан суҳбат қилиб турарди, у атом масаласи билан шуғулланувчи физик Рунгени гестапо қамоққа олгандан кейин шундай суҳбатларни янада кўпайтирди. Штирлицни фан назариётчиларининг кашфиётларни қанчалик олдин режалаштиришлари қизиқтирарди. «Бундай қилиш мумкин эмас, – деб жавоб берардилар унга. – Биз фақат тадқиқот йўлинигина белгилаймиз, қолгани тажриба жараёнида аниқ бўлади».

Махфий кузатув хизматида ҳам ана шундай. Операция доираси аниқ белгилаб қўйилса, у чиппакка чиқиши мумкин, чунки олдиндан белгиланган бирор алоқа узилса, асосий мақсаднинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Киши ўзини асосий вазифани ҳал қилишга бағишлаб ва олдиндан турли имкониятларни ҳисобга олиб, иш кўра билса, муваффақиятга эришиши мумкин. Айниқса, киши якка ўзи иш кўраётганда шундай қилиши лозим. Штирлиц ана шундай деб ўйларди.

«Пастор... – деди ўзига ўзи Штирлиц. – Хўш, пасторга келайлик. Энди Клаус йўқ қилиниб, у яна икки кишини, бизнинг алоқачиларимизни сотолмайдиган бўлгач, пастор сўзсиз менга тобе бўлиб қолади. Чолнинг эксканцлер Брюнинг билан алоқаси борлигини аниқлаб бўлмаганини Шелленбергга айтган эдим ва у, афтидан, чолга қизиқмай қўйди чоғи. Аммо Марказ буйруғидан кейин чолга бўлган қизиқишим ортди».

Штирлицнинг умумий мулоҳазаси аниқ ва равшан эди. У фақат бир нарсада янглишаётганди: Шелленберг пасторни унутмаган эди. Аксинча, у билан чинакам қизиқа бошлаганди...

* * *

Мюллер оберштурмбанфюрер Айсманни кечаси соат учда чақиртирди: у Кальтенбруннер қуйиб берган коньякдан сўнг мизғиб олган ва ҳозир ўзини тетик ҳис этарди.

«Дарвоқе, коньяги жуда ажойиб экан, – ўйларди у орқа миясини ўнг қўлининг катта ва кўрсаткич бармоқлари билан уқалар экан. – Ўзимизникини ичсангиз, мия тарсиллаб ёри-

либ кетай дейди, буни ичганда одам жуда енгил тортар экан».

Айсман қизарган кўзлари билан Мюллерга тикиларкан, болаларча беғубор кулиб қўйди.

– Менинг ҳам миям ёрилиб кетай деяпти, – деди у, – етти соатлик уйқуни тангридан совға кутгандек орзу қиламан. Кишини ухлатмай қийнашдан баттар қийноқ бўлмаса керак.

– Қулоқ солинг, – деди Мюллер, – бу ерда тушунарсиз ишлар бошланди. Мени бугун бошлиғимиз чақирди. Бу бошлиқлар роса хаёлпараст бўладилар-да... Улар хаёл қилаверсалар бўлади – аниқ, тайинли ишлари йўқ, йўл-йўриқ кўрсатиш циркдаги шимпанзенинг ҳам қўлидан келади... Биласизми, у Штирлицга қарши тиш қайрамоқда...

– Кимга қарши?!

– Ҳа, ҳа, Штирлицга қарши. Шеллербергнинг махфий кузатув хизматида мен кўнгил қўйган бирдан-бир киши шу одам эди. Лаганбардор эмас, доим босиқ, хўжакўрсинга ишламайди. Бошлиқлар атрофида гирдикапалак бўладиган ва керакми, керак эмасми, йиғинларда сўзга чиқаверадиган кишиларга ишонавермайман... Ҳаммаси ишёқмас, нўноқ, вайсақилар... У эса камгап. Мен камгап одамларни яхши кўраман... Агар дўстинг камгап бўлса – у чинакам дўст, агар душман бўлса – чинакам душман. Улардан ўрганса арзийди...

– Мен Штирлицни саккиз йилдан бери биламан, – деди Айсман, – мен у билан Смоленск остонасида бўлдим, бомбалар остида қолдик: у тош ва пўлатдек метин.

Мюллер афтини буриштирди:

– Нима бало, ўхшатишларга берилиб кетяпсиз? Чарчаб қолдингизми дейман? Ўхшатишларни партия раҳбарларингизга қолдираве-ринг. Биз, изқуварлармиз, шунинг учун от ва феъллар билан, чунончи «у учрашди», «у бундай деди», «у бундай деб юборди» йўсинида фикр қилишимиз керак... Хўш, бу масалага сиз қан-дай қарайсиз?..

– Йўқ, – жавоб берди Айсман, – Штирлиц-нинг соф киши эмаслигига ишаноламан.

– Мен ҳам.

– Эҳтимол, бирор йўлини топиб, буни Каль-тенбруннерга тушунтириб қўйиш керакдир.

– Нега энди? – бир оз сукутдан сўнг сўради Мюллер. – Борди-ю, у Штирлицнинг нопок бў-либ чиқишини истаб қолса-чи? Бундай эмас, деб уни кўндириб ўтиришнинг ҳожати борми-кин? Аслини олганда, Штирлицнинг бизнинг идорамизга дахли йўқ-ку. У олтинчи бошқар-мадан. Шелленбергнинг жони чиқаверсин...

– Шелленберг исбот талаб қилади... Бунда уни рейхсфюрер қўллаб-қувватлашини ўзин-гиз биласиз.

– Шундайми?

– Ишончим комил.

– Нега энди?

– Буни исботлашим қийин... Ишончим ко-мил, обергруппенфюрер.

Мюллер яна гарданини уқалай бошлади.

– Хўш, нима қиламиз?

Айсман елкасини қисиб қўйди:

– Шахсан менинг фикрим шуки, ўз виждо-нимиз олдида охиригача соф бўлиб қолиши-миз керак – шунинг ўзи кейинги ҳаракат ва қилмишларимизни белгилаб беради.

– Ҳаракат ва қилмишлар – иккаласи ҳам бир нарса, – изоҳлади Мюллер. – Фақат буйруқни, ҳа, буйруқни бажарувчи кишиларга ҳавасим келади, билсангиз. Қани энди мен ҳам фақат буйруқни бажараверсам! «Соф бўлиш керак» эмиш! Мен доим нопоклик йўлини қидириб юргандай гапирасиз-а. Марҳамат, сизнинг пок бўлишингиз учун бутун имкониятни яратиб бераман: мана бу маълумотларни олиб, – Мюллер Айсман олдиға матни ёзув машинкада терилган бир неча жилдни суриб қўйди, – ўз хулосангизни айтинг. Аммо охиригача ҳалол хулоса бўлсин. Мен бошлиққа текширув натижалари ҳақида ахборот берганимда шу хулосангизга суяниб иш кўраман.

– Нима учун бу ишни мен қилишим керак, обертруппенфюрер? – сўради Айсман.

Мюллер кулиб юборди:

– Хўш, дўстим, поклигингиз қаерга кетди? Қани у? Бошқаларга ҳалол бўл деб насиҳат қилиш осон. Аммо ҳар ким ҳам ўзининг нопоклигини поклик қилиб кўрсатиш пайида бўлади... ўзини ва ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун, албатта. Ёки нотўғри гапиряпманми?

– Мен рапорт ёзиб беришга тайёрман.

– Қандан рапорт?

– Мен рапортда, Штирлицни кўп йиллардан бери биламан ва унинг ҳалол, покиза инсонлигига кафил бўла оламан, деб ёзиб бераман.

Мюллер бир нафас индамай қолди, курсида гужанак бўлиб ўтирди-да, кейин Айсман олдиға бир варақ қоғозни суриб қўйди.

– Ёзинг, – деди у. – Қани бошланг.

Айсман қўлиға ручка олди, дастлабки иборани узоқ ўйлаб, кейин чиройли дастхат билан

қуйидагиларни ёзди: «Бошқарма бошлиғи СС обергруппенфюрери Мюллерга, СС штандартенфюрери Штирлицни чинакам олий ирқ, фюрер ва бугунги миллий ғояга садоқатли киши деб ҳисоблайман ва шу сабабли унинг иши юзасидан текширув ўтказиш билан шуғулланмасликка рухсат этгайсиз. СС оберштурмбанфюрери Айсман».

Мюллер қоғозни босма билан босди, уни икки марта ўқиб чиқиб, мулойимлик билан деди:

– Балли, яшанг!.. Мен ҳар доим сизни ҳурмат қилиб келдим ва сизга тўла ишонаман. Ҳозир ҳам сизнинг жуда баодоб инсонлигингизга яна бир қарра иқрор бўлдим, Айсман.

– Ташаккур, обергруппенфюрер.

– Менга ташаккур билдиришнинг ҳожати йўқ. Мен сизга ташаккур билдираман. Майли. Мана учта жилд: ундаги ҳужжатлар бўйича Штирлицнинг иши тўғрисида ижобий жавоб ёзиб беринг – сизга ўргатишнинг ҳожати йўқ: айғоқчига хос санъат, терговчига хос зийраклик, чинакам немисга хос матонатни ишга солинг. Бунинг учун сизга қанча вақт керак?

Айсман жилдларни титиб кўриб, жавоб берди:

– Ҳаммасини рисоладагидай расмийлаштириш ва ҳужжатлар билан асосли равишда исботлаш учун бир ҳафта муддат беришингизни сўрардим.

– Кўпи билан беш кун.

– Яхши.

– Штирлицнинг анави руҳоний иши юзасидан кўрсатган маҳоратини боплаб тасвирлашга ҳаракат қилинг, – Мюллер бармоғи билан жилдлардан бирини кўрсатди. – Кальтенбруннернинг фикрича, кимдир руҳонийлар: Ва-

тикан ва ҳоказолар орқали Фарб билан алоқа боғлашга уринмоқда...

– Маъқул.

– Муваффақият тилайман. Ҳозир бориб ухланг. Етти соат вақт беролмайман. Беш соатга рухсат этаман. Уйқунгиз ширин бўлсин.

Айсман чиқиб кетгач, Мюллер унинг хатини алоҳида жилдга солиб, узоқ вақт хаёл суриб ўтирди. Кейин у бошқа бир ходими – оберштурмбанфюрер Холтоффни чақиртирди.

– Қулоқ солинг, – деди у, ҳатто ўтиришни ҳам таклиф қилмай – Холтофф ёшлардан эди. – Мен сизга гоят махфий ва муҳим бир топшириқ бераман...

– Қулоғим сизда, обергруппенфюрер.

«Буниси игна билан қудуқ қазишга ҳам тайёр, – ўйлади Мюллер, – отдек гижинглаб туришини қаранг. Бунга бизнинг найрангларимиз ҳамон ёқади, уларга шўнғиб кетган, ўзини худди сувда юрган балиқдек сезади. Буниси ҳар қандай топшириғингизни бажаришга тайёр... Шуниси ҳам яхши.. Шелленберг билан савдолашиш учун қўлда далил бўлса зиён қилмас».

– Гап бундай, – давом эттирди сўзини Мюллер. – Сиз манави ишларни ўрганиб чиқинг: бу штандартенфюрер Штирлицнинг кейинги йилда бажарган ишлари. Бу қасос қуроли... яъни, атом қуроли... физик Рунгега тааллуқли иш. Умуман олганда, пичоққа илинмайдиган иш, аммо уни синчиклаб кўринг... Қандай савол туғилса, олдимга кираверинг.

Бир оз ўнғайсизланган, аммо ўзининг ўнғайсиз аҳволга тушганлигини яширмоқчи бўлган Холтофф гестапо бошлиғининг хонасидан чиқиб кетаётганида, Мюллер уни тўхтатиб:

– Яна унинг бир неча дастлабки, фронтдаги ишларини ҳам олиб кўринг, бир назар ташлангчи. Штирлиц билан Айсманнинг орасида бирор гап йўқмикан?

Гестапо ҳам, абвер ҳам, Виши контрразведкаси ҳам 1942 йил ёзининг ташвишли кунларидан бирида Франциядан махфий равишда қандайдир америкалик ўтиб кетиши кераклигини билардилар. Франция махфий кузатув хизмати, гестапо ва адмирал Канарис идораси ана шу кишини қўлга туширмоқчи бўлдилар.

Вокзалларда, аэродромларнинг ойнабанд биноларида айғоқчилар қиёфаси сал бўлса-да америкаликка ўхшаган кишиларни кузатиб ўтирардилар.

Бироқ улар ўша кишини қўлга туширолмадилар. У ресторанларда ўтириб, тўсатдан ғойиб бўлар, қўққисдан самолётларда пайдо бўлиб қоларди. Ақлли, тадбирли, оғир табиатли ва довюрак бу киши немис хавфсизлик хизматини, Виши контрразведкасини доғда қолдириб, 1942 йилнинг охирида бетараф мамлакат Швейцарияга ўтиб кетди.

У баланд бўйли киши эди. Кўзойнагининг ярқироқ ойнаси орқасига яширинган кўзлари бу дунёга бир оз назар-писанд қилмай, яхшилик тилагандек ва айни пайтда жиддият билан боқар эди. Бу кишининг оғзида инглиз муштуги бўларди ҳамиша, у камгап эди, кўпинча кулиб турар ва суҳбатдошлари гапига диққат билан қулоқ соларди. У ўзининг ўтқир ҳазиллари, ноҳақ бўлган пайтларида ўзининг ноҳақлигига дарҳол ва очик-ойдин иқрор бўлиш одати билан кишиларни мафтун этарди.

Бинобарин, Гиммлер, Канарис ва Петен идоралари ходимлари бу кишининг ким эканлигини билганларида уни Франциянинг ўзидаёқ қўлга тушириш учун ўн барабар ортиқроқ ҳаракат қилган бўлар эдилар. Ўша пайтларда, 1942 йилнинг охирида немис қўшини Францияга бостириб кириб, унинг «мустақиллигига» чек қўйган ва пойтахти Вишида бўлган қарам бир давлатга айлантирган эди. Шу киши генерал Донован томонидан Бернга юборилган стратегия хизмати бошқармасининг ходими Аллен Даллес эди.

Швейцарияда унинг ҳақида Рузвельтнинг шахсий вакили деган гап тарқалди.

Даллес бунга жавобан матбуотда раддия берди. Раддия ҳам жуда ажиб ва сирли эди. Бундай икки томонлама реклама – миш-миш гаплар ва ажиб раддия – айна пайтда ўз фойдасига хизмат қилишини у фаҳмлаб олди. Ҳа, бу борада янглишмаганди: Бернда истиқомат қила бошлаган дастлабки ойлардан бошлаб, унинг ҳузурига турли жойлардан турли кишилар – банкирлар, спортчилар, элчилар, филологлар, асил шаҳзодалар, актёрлар, яъни, бутун дунё махфий кузатув хизмати ёллайдиган, чинакамига жиддий айбончи бўладиган кишилар кела бошлади.

Даллес Швейцарияда стратегия хизмати бошқармасининг бўлимини ташкил қилиш олдидан ўз ходимлари устидан тўпланган маълумотларни синчиклаб ўрганиб чиқди.

– Мана бу кўк жилда, – тушунтирди унинг ходимлари устидан тўпланган маълумотларни текшириб, тартибга солувчи Федерал Қидирув бюроси (ФҚБ)нинг вакили, – душман мам-

лакатлар ва бетараф мамлакатларда қариндош-уруғлари ёки яқин дўстлари бор кишилар ҳужжати. Мана буниси эса Германия ва Европада туғилган ҳамда ота-оналари немис бўлган кишилар ҳужжати. Бу ерда сизнинг ходимларингиз ким билан ёзишиб турса, ўша кишиларнинг исм-шарифлари бор... Мана бунисида...

Даллес тушунмагандек унинг гапини бўлди:

– Буларнинг ишга қандай дахли бор?

– Кечирасиз...

– Мени қуйидаги нарсалар қизиқтиради: мен билан ҳамкорлик қилаётган одамлардан бирортаси Германия – Америка институтининг ташаббускор ходимими ёки йўқми? У партия аъзосими ёки йўқми? У бадахлоқ эмасми? Оиласи қандай? Никоҳи мустаҳкамми ёки хотинининг хулқи бузуқмасми ва шу сабабли эри ичкиликка берилиб, жанжалли уй-рўзғорига лаънат ўқиб, ташлаб кетмоқчи эмасми? Германия ёки Италиядаги қариндош-уруғларга келганда, менинг ҳам узоқ қариндошим ўтган асрдаёқ Германияда ўтроқ бўлиб қолган экан.

Афсуски, «Who is who» маълумотномасида бу одам илгари ким бўлганлиги ҳақида озгинагина маълумот берилган экан. Унинг тарихи Германия контрразведкаси у ҳақида олдинроқ билиб олишига арзирди. Аммо буни улар анча кейин билдилар.

Гиммлер идораси Даллес уйига ўз айғоқчини ўрнаштира олгандан сўнг (Аллен Даллес уйда хизмат қилиб юрган ёқимтой, ишчан ошпаз аёл империя хавфсизлиги олтинчи бошқармасининг ходими эди), Шелленберг ҳам, Гиммлер ҳам, гестаподан Мюллер ҳам, кейинчалик эса Кальтенбруннер ҳам ўз айғоқчиси орқали

муҳиму қизиқ, аниғу керакли далилларни би-
либ олдиларки, бу маълумотлар арзимас май-
да-чуйдалардан тўпланган эди.

Шу айғоқчи, масалан, Аллен Даллеснинг энг
севимли ва ҳеч ажралмас китоби хитойлик
муаллиф Сун Цзининг «Уруш санъати» деган
асари эканлигини хабар қилди. Бу китобда хи-
той назариётчиси жосуслик асосларини баён
қилган. Унда, албатта, эрамизгача 400 йилда
Хитойда қўлланилган жосуслик асослари баён
қилинган эди.

Аллен Даллес хитойлик муаллифнинг мах-
фий кузатув хизмати соҳасида ғоят зарур ай-
ғоқчилар ҳақидаги фикрларини қайта-қайта
ўқир экан.

Сун Цзи айғоқчиларни беш турга бўлган
экан: маҳаллий, ички, икки томонлама, қайт-
мас ва тирик.

Маҳаллий ва ички айғоқчилар (Даллес булар-
ни алоҳида қоғозларга ёзиб қўярди, шунингдек
бу қоғозлар Шелленберг идорасига ҳам келиб
тушарди) ҳозир биз жойлардаги айғоқчилар
деб атайдиган жосусларга тўғри келади.

Икки томонлама хуфия – асир қилиб олин-
ган душман айғоқчиси, кейинчалик у қайта-
риб, ўз томонига жўнатилади, аммо эндиликда
у асир тушган мамлакатининг айғоқчиси бў-
либ кетади..

Аллен Даллес қизил қалам билан «қайтмас
айғоқчи» сўзининг тагига чизиб қўйган экан.
Хитойликларнинг бундай назокат сўзи унга
жуда маъқул тушди. Сун Цзи душманга сохта
маълумотлар етказиб берадиган айғоқчиларни
қайтмас айғоқчи ҳисобларди. Сун Цзи уларга
шунинг учун қайтмас айғоқчилар деб ном бер-

ган эдики, улар топширган маълумотларнинг ёлгон эканлиги маълум бўлиши билан душман уларни ўлдириб юбориши мумкин эди.

Сун Цзи тирик айғоқчилар деб атаганлар, таъкидлар эди Даллес ўз ёзувларида, бизнинг давримизда ичкарига кириб борадиган айғоқчилар деб аталади. Улар душман мамлакатига бориб ишлайдилар ва у ердан омон-эсон қайтиб келадилар.

Сун Цзи ҳақиқий айғоқчи ана шу беш хил айғоқчиларнинг бирйўла барча хусусиятларига эга бўлмоғи лозим деб қайд қилган. Сун Цзи, ана шу беш хилдаги айғоқчига эга бўлган киши «илоҳий кучга тенг бир ўргимчак инига», яъни, жуда нозик, кўзга кўринмас ва бақувват иплардан тўқилган бир тўрга эга бўлади, деган эди.

Сун Цзи кўп нарсаларни ёзган, Даллес эса унинг асаридан кўп жойларни – махфий кузатув хизматига қарши кураш ташкилоти, қалбаки ахборот, руҳий уруш, айғоқчиларни муҳофаза қилиш ҳақидаги жойларини алоҳида-алоҳида варақларга ёзиб қўярди.

Сун Цзи махфий кузатув хизмати Қадимги Греция ва Қадимги Рим махфий кузатув хизматидан анча афзал эди. Греция ва Римда кўпинча руҳ ва худолар кўрсатмаларига асосланишар эди. Махфий кузатув хизматида эса, таъкидлар эди Сун Цзи, руҳларга ҳам, худоларга ҳам ишониб бўлмайди. Махфий кузатув хизматида душманми, дўстми – фақат инсонга ишониш лозим.

Гестапо жосуси америкалик айғоқчи четларига ўз фикрларини ёзиб қўйган саҳифаларнинг фотосуратини олишга ҳам муваффақ бўлган. Тавротда Исо Навиннинг Иерихондаги

аҳволни билиш учун яширин равишда икки кишини юборганлиги тўғрисида ёзилган жойни Даллес чизиб қўйганди. Шу кишилар фоҳиша Рааб уйига келишган. Бу нарса, деб ўйларди Даллес ва шу ҳақда дўстларига ҳам ҳикоя қиларди, тарихий солномаларда битилган, ҳозирги кунда маҳоратли айғоқчилар махфий учрашув жойи деб аталган нарсанинг дастлабки мисолидир. Рааб жосусларни ўз уйида яшириб турган, кейин эса уларни шаҳардан эсон-омон олиб чиққан, исроилликлар эса Иерихонни ишғол қилиб, тирик жон борки, ҳаммасини ўлдирганлар, фақат Рааб ва унинг оиласи омон қолган. Ана ўша даврдаёқ махфий кузатув хизматига ёрдам берган кишиларни тақдирлаш одати келиб чиққан экан.

Аллен Даллес уйдаги айғоқчининг ўз марказига хабар қилишича, унинг энг яхши кўрган китобларидан бири Даниель Дефонинг «Робинзон Крузо» асари экан. Шунингдек, у «Молль Флендерс» ҳамда «Вабо босган шаҳар тўғрисида эсдаликлар» номли китобларни ҳам тез-тез ўқиб турар экан. Бу китобларни ҳам жуда ажойиб айғоқчилардан бири бўлган Даниель Дефо ёзган. У йирик махфий кузатув хизмати тармоғининг ташкилотчисигина бўлиб қолмай, инглиз махфий кузатув хизматининг биринчи раҳбари ҳам бўлган эдики, буни бутун дунё унинг вафотидан кўп йиллар ўтгачгина билган эди.

Даллес унинг китоблари саҳифаларида бу асарни Британия империяси махфий кузатув хизматининг бошлиғи ёзганлигини билдирувчи бирор бир шаъма бормикан, деб кўп излади, аммо ундай шаъмадан асар ҳам тополмади.

Шунингдек, Шелленберг айғоқчисининг ха-

бар қилишича, Аллен Даллес бўш вақтларида Европадаги XIX аср йирик жосуслик ташкилотларининг амалий ишлари ва услубларини синчиклаб ўрганарди.

Гиммлер идорасининг темир архивларида Аллен Даллес ҳақида бундан бошқа маълумотлар ҳам кўп эди. Аммо учинчи рейх раҳбарлари қанча уринмасинлар, XX аср ўрталаридаги устомон бу жосуснинг тўлиқ ва батафсил таржимаи ҳолини тиклай олмадилар.

Даллеснинг таржимаи ҳоли унчалик кўзга ташланмасди. Йигирма уч ёшида санъат магистри дипломини олиб, Ҳиндистон ва Хитойда миссионер бўлиб ишлаган, 1916 йилнинг майида Венада дастлабки дипломатик лавозимни эгаллаган. Парижда Вудро Вильсон бошлиқ делегация таркибида ишлаган. Сўнгра у махсус топшириқ олиб, Швейцария ва Австрия-Венгрия империясини сақлаб қолишга уриниб, Австрияда ишлаган. Ўша ерда 1918 йилда у биринчи фитнасини тайёрлаган, башарти Даллес уни охирига етказа олган тақдирда ғоят катта фитнага айланиши турган гап эди. Бироқ Германияда бошланган ноябрь инқилоби фитна йўлини тўсиб қўйди. Руслар ғояларининг Фарбга тарқалишининг олдини олиши, унга қарши қудратли тўсиқ бўлиб туриши лозим бўлган бўлажак Габсбурглар монархияси зарбага учраган эди.

Бир йил ўтгач, 1919 йилда, Даллес Германиядаги Қўшма Штатлар элчихонасининг биринчи котиби қилиб тайинланди. Шу ерда, Вильгельмплацдаги 7-уйда ишлаб, Европада янги тузумга қарши курашишни ўзларининг асосий вазифаси қилиб олган кишилар билан юзма-юз

учрашди. Худди шу ерда Аллен Даллес Қўшма Штатларнинг Германиядаги вақтинча ишончили вакили мистер Дресселни Кремлга ҳужум қилишнинг дастлабки режасини ишлаб чиққан генерал Гофман билан таништирди.

Гофман ўша вақтда уларга бундай деган эди: «Умрим бўйи мен бир нарсага афсусланаман. Брест-Литовскдаги музокараларни бузиб, Москва томон юриш бошламаганимга афсусланаман. Ўша пайтда шундай қилиш мен учун осон эди».

Худди ўша вақтда ва худди Гофманнинг ўзи Даллес билан суҳбатда кейинчалик «дранг нах остен» доктринаси сифатида юзага келган доктринани чиройли гаплар билан исботлаб, оқлаб чиқди.

Берлиндан сўнг Аллен Даллес икки йил Истамбулда, яъни, Совет Россияси билан бевосита чегарадош мамлакат пойтахтида, бир томондан Қора ва Ўрта денгизга ўтиш учун калит хизматини ўтаган, иккинчи томондан – жаҳон нефть захиралари остонасидаги истеҳком бўлган мамлакат пойтахтида икки йил хизмат қилади.

У ердан Даллес Вашингтонга қайтади. У давлат департаментида Яқин Шарқ ишлари билан шуғулланувчи бўлимга бошлиқ бўлиб олади. Яқин Шарқ уруш озуқаси – нефтга жуда бой ҳудуд эди. Америка саноатининг нефть билан шуғулланувчи магнатларини ўша пайтда жаҳон бозорида инглиз рақиблари эришаётган катта муваффақиятлар безовта қила бошлаган эди.

Худди ўша вақтда «Стандарт ойл оф Нью Жерси» компанияси бошқармасининг раиси мистер Бетфорд: «Қўшма Штатлар учун ҳозир тажовуз-корона сиёсат ўтказиш муҳим», – деган эди.

Даллес зўр бериб ишлай бошлайди. Буюк Британия устидан қозонилган биринчи ғала-

ба унинг раҳбарлигида амалга оширилган эди. Бу воқеа 1927 йилда, Рокфеллер компанияси «Ирак петролеум компани» нефть компанияси акцияларининг йигирма беш фоизига эга бўлиб олган пайтда юз берган эди.

Худди шу йил Меллон гуруҳига кирувчи «Гауф ойл» нефть корпорацияси Баҳрайн ороларида концессиялар олишда афзалликларга эга бўлиб олади.

Ана шу ғалабаларни тайёрлаб, Даллес истеъфо бермоқчи бўлади. Банкир Ротшильдлар уида махфий кузатув хизматини ўрнатиши натижасида у, давлат департаментида ишлаган пайтим келажакдаги жиддий хизматим йўлидаги дастлабки қадам экан, деган фикрга келади.

Аллен Даллес «Салливен энд Кромвэл» адлия фирмасига жойлашади. Бу фирма Рокфеллер ва Морганлар хонадони билан яқиндан алоқа қилиб турган Уолл-стритдаги энг йирик фирмалардан бири эди. Худди шу ерда, адлия фирмасида Аллен Даллес Колумбия республикасидаги нефть концессияларини қўлга киритиш бўйича ғоят катта операцияни амалга оширди.

Канал қурилаётган пайтда Панама ҳукумати билан иш олиб борган ҳам худди ана шу «Салливен энд Кромвэл» фирмаси эди. Худди ўша пайтда «Салливен энд Кромвэл» фирмаси Германия билан, яъни, Версаль шартномасидан кейин Америка саноатчилари жуда кўп миқдорда доллар юбораётган мамлакат билан яқиндан алоқа боғлаган эди.

Худди ўшанда Аллен ва унинг акаси Жон Фостер Даллес Тиссеннинг «И. Г. Фарбениндустри» трести ва «Роберт Бош» концерни билан яқин алоқа боғлагандилар. Аллен ва Жон Даллес шу

немис корпорацияларининг Америкадаги жосуслари бўлиб олган эдилар.

Уруш бошланиши арафасида Аллен Даллеснинг иши барбод бўлаёзганди. «Роберт Бош» концернининг Қўшма Штатларда филиали бор эди. Унинг номи «Америкен Бош корпорейшн» эди. Иккинчи Жаҳон уруши бошланишида фирма қора рўйхатга тушиш хавфи остида қолади. Унинг эгалари швециялик банкирлар – ака-ука Валленберглар билан шошилиш равишда шартнома тузадилар. Бу шартномада фирмани эгаларига фақат урушдан кейин қайтариш шarti билан «Америкен Бош корпорейшн» устидан номигагина швед банки назоратини ўрнатиш кўзда тутилган эди.

Валленберглар бунга рози бўлдилар, аммо уларга зарур бўлган барча расмийликларни бажариш учун америкалик махфий аксилжосус керак эди. Бу вазифа ака-ука Даллесларга топширилади. Аллен Даллес Америка ҳукмдорларини алдаб, немислар мулкини Швеция байроғи остига яширишга муваффақ бўлади. Кейинчалик Аллен Даллес фақат «Салливен энд Кромвэл» фирмасининг хўжайинларидан бирига айланибгина қолмай, балки «Шредер трест компани»нинг айна вақтда «Ж. Генри Шредер бэнкинг корпорейшн»нинг ҳам директори бўлиб қолади.

Хўш, Шредер ким бўлган?

У Германияда немис фуқароси, Қўшма Штатларда Америка фуқароси, Буюк Британияда инглиз фуқароси бўлган. Ўттизинчи йилларда бу концернга барон Курт фон Шредер бошчилик қилган. 1933 йил 7 январда Шредернинг Кёльндаги уйида Гитлер фон Папен билан

учрашади. Гитлер шу ерда немислар томонидан ҳокимиятни қўлга олиш режасини ишлаб чиққан эди. Бунинг эвазига Курт фон Шредер СС группенфюрери унвонини олганди. Айни вақтда, у «Френден Крейсс» махфий ташкилотининг раиси ҳам бўлиб олади. Бу ташкилот СС рейхсфюрери Гиммлер гуруҳлари учун Рур нуфузли одамлари орасида маблағ тўплаган.

Шредер концернининг инглиз филиали Лондонда «инглиз-герман жамияти», яъни, Буюк Британияда фюрер ғояларини тарғиб қилувчи жамиятни маблағ билан таъминлаб турган. Бундан Қўшма Штатлардаги «Ж. Генри Шредер бэнкинг корпорейшн» нима билан шуғулланганлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади. Ана шу фирманинг директори Аллен Даллес эди.

Европа, Германия, фашизм, бизнес, нефть нима эканлигини ҳаммадан яхшироқ билган худди ана шу киши Қўшма Штатларнинг Европадаги стратегик хизмат бошқармасининг вакили бўлиб қолди.

Даллес, албатта, Рузвельтнинг Берлиндаги шахсий вакили эмасди. Унинг стратегик хизмат бошқармасининг махфий кузатув бўлимига ўтиш тарихи, хусусан японлар Пирл-Харборга ҳужум қилишганидан бир ҳафта кейин катта бизнес вакилларидан бири билан қилган суҳбатига боғлиқ бўлди.

– Сиз истиқбол ҳақида сўраяпсиз, – хаёлга ботиб деди Даллес, одатдаги инглиз муштутини тутатиб, – аммо мен тўлиқ жавоб беришга тайёр эмасман. Ўз истиқболингни белгилаб олиш учун молия аҳволни ва мамлакатда тарқалган латифаларни, театрлардаги янги спектаклларни ва Ньюренбергдаги партайтаглар ҳақидаги

ҳисоботларни ўрганиб чиқиш лозим. Мен учун бир нарсасига аниқ ва равшан: Германия – мен, албатта, истеъфога чиқариб юборилган Шахт каби жиддий молиячилар ва лотинчадан таржима қилишга мажбур бўлган адиблар Германиясини назарда тутяпман – жим турмайди.

– Шахт – бу жиддий гап, адиблар эса...

– Буниси ҳам жиддий, – эътироз билдирди Даллес, – сиз ўйлагандан ҳам жиддий. Гиммлер ўттиз тўртинчи йилдаёқ Нобель мукофотининг лауреати фон Осецкийни концлагерга ташлаб биринчи йирик хатога йўл қўйган эди. Бу билан бир шаҳид образини яратди. Ана шу шаҳидни концлагерга ташлаш ўрнига шон-шараф, пул, хотинлар билан сотиб олиш керак эди... Ахир актёр, ёзувчи, рассомлардек сотқин одам бўлмайди. Уларни усталик билан сотиб олиш керак, чунки сотиб олиш – обрўсизлантиришнинг энг яхши усули.

– Майли, булар бизни қизиқтирмайди, чунки буларнинг бари – хусусийдир...

– Хусусий эмас, – яна гап қайтарди Даллес, – ҳеч вақт хусусий бўлмайди. Гитлер етмиш миллион кишини кўр-кўрона итоат этувчи қилиб тарбиялади. Унинг театри, киноси ва тасвирий санъати ҳар қандай ишни кўр-кўрона бажарувчи қурооларни тарбияламоқда. Бу эса бизни қониқтирмайди: савдо қилиш, муомалада бўлиш, бизнес соҳасида қулай операцияларни ўйлаб топишга қуроолнинг қурби етмайди. Бунақанги автоматларга Шахт керак эмас. У бизга керак. Шундан қилиб, – гапини тугатди Даллес, – ҳамма нарса бир-бирига чамбарчас боғлиқ... Ана шу ўзаро боғлиқлик қўшиндаги зиёлиларга келиб тақалади... Майордан тор-

тиб фельдмаршалгача қўшин зиёлиларидир. Ундан паст поғонадагилар истаган буйруқни кўр-кўрона ва ўйламай-нетмай бажарувчи кишилардир...

– Ҳа, ана бу тахминингиз қизиқарли, – деди Аллен Даллеснинг суҳбатдоши. – Шунинг учун ҳам қизиқарлики, бунинг истиқболи бор. Сиз бўлса саволингга жавоб бера олмайман дейсиз...

* * *

Карл Вольф Гиммлер хонасидан чиққач, рейхсфюрер худди қотиб қолгандай жойида узоқ вақт қимир этмай ўтирди. У ҳозир ваҳимага тушмаганди, йўқ. Ҳар ҳолда ўзини шундай сезарди. У ҳаётида биринчи марта муртад бўлди. У маслагидан қайтганларни кўп кўрган, қирқ тўртинчи йилнинг июлида ким голиб чиқар экан деб муртадларга халақит бермай кузатиб келган ҳам эди, аммо ҳозир унинг ўзи давлатга нисбатан хоинликка йўл қўйди: душман билан музокара олиб борганлик учун ўлим жазосига маҳкум этилиши турган гап. Геринг билан суҳбат қилганида доим олдини олиб, ҳушёр турарди: фаол сиёсий ҳаётдан четлашган бу одамнинг кайфиятини билишга уринарди. Агар ўтган йилги июль фитнасидан унинг хабардорлиги ошкор бўлиб қолса, барча фитначилар тезда қамоққа олинганликларини рўкач қилиб, буни рад этиши мумкин эди: «Мен улар билан мушук-сичқон ўйнагандим, уларнинг ҳаммаси менинг чангалимда эди. Штауфенберг – экстремист, ҳаёт эса тасодифлардан холи эмасми, бунинг устига шахсан ўзим бункерда, фюрернинг ёнида эдим – бундан яхши далил топиш мумкинми, ахир?»

Ҳозир эса Карл Вольф тўғридан-тўғри Даллес билан алоқа боғлаш учун – ССнинг олий лавозимдаги зобити билан иттифоқчиларнинг олий лавозимдаги айғоқчиси ўртасида алоқа боғлаш учун Швейцарияга жўнаб кетди.

Гиммлер одатдагидек кўзойнагини қўлига олди – бугун у мактаб ўқитувчилари тақадиган гардишсиз кўзойнак таққан эди – ва шишасини майин чарм билан арта бошлади. У ўзида қандайдир ўзгариш бўлганлигини сизди. Бу ўзгариш нимадан иборатлигини дарҳол пайқай олмади, аммо кейин кулиб қўйди. «Мен ҳаракат қила бошладим, – пайқади у. – Ҳаракат қилмай қотиб қолишдек азоб нарсa бўлмаса керак – бу қўрқинчли туш кўрган билан баробар».

У Шелленбергни чақирди. Сиёсий махфий кузатув хизмати бошлиғи учинчи қаватда, ўз хонасида эмас, балки худди қабулхонада кутиб тургандек бир дақиқа ўтар-ўтмас Гиммлер ҳузурига кириб келди.

– Вольф Даллес билан алоқа боғлагани учиб кетяпти, – деди Гиммлер бармоқларини шиқирлатиб.

– Оқилона иш бўлибди...

– Бу тентаклик, Шелленберг, бу тентаклик ва авантюризм.

– Сиз фош бўлиш мумкинлигини назарда тутяпсизми?

– Мен мумкин бўлган бир неча вазиятни назарда тутяпман! Буни сиз қилдингиз, ҳаммасини сиз қилдингиз! Мени бу йўлга сиз бошладингиз!

– Агар Вольф иши барбод бўлса, ҳамма маълумотлар ўз қўлимга келиб тушади.

– Улар аввал анави веналикнинг қўлига тушиши мумкин...

Шелленберг Гиммлерга саволомуз тикилди. У жаҳд билан тушунтирди:

– Кальтенбруннерга. Ана унда маълумотлар кимга тегади – Бормангами, менгами – бунисини билмайман. Бу хилдаги маълумотлар қўлига теккач, Борманнинг нималар қилишини ўзингиз биласиз. Булар фюрерга етказилгач ва бунинг устига Борманнинг изоҳлари билан унга қандай таъсир этиши мумкинлигини тасаввур қилиб кўринг.

– Мен бу имкониятни ҳам таҳлил қилиб чиққанман.

Гиммлер афсуслангандек юзини буриштирди. Ҳозир унда Вольфни қайтариш, уни шу ерда қолдириб, ораларида бўлиб ўтган гапларни эсдан чиқариб, хотирадан бутунлай ўчириб ташлаш истаги кучайган эди.

– Мен бу имкониятни таҳлил қилиб чиққанман. Биринчидан, Вольф Даллес билан музокарани сизнинг номингиздан олиб бориш у ёқда турсин, ҳатто ўз номидан ҳам олиб бормайди. У фельдмаршал Кессельринг номидан олиб боради, чунки у Италияда Кессельрингга итоат қилади. У – Италиядаги қўшинлар қўмондонининг ўринбосари, у бевосита сизга итоат қилмайди...

Гиммлер дарҳол Шелленбергга қараб қўйди. «Ақли расо одам, – ўйларди у. – Ҳаммаси равшан гап-ку! Геринг билан қилган суҳбатимга ҳам мос тушади!»

Фельдмаршал Кессельринг бир вақтлар люфтваффе бўйича Герингнинг ёрдамчиси эди. Ҳамма уни Герингнинг одами деб ҳисобларди.

– Буниси яхши, – деди Гиммлер. – Буни олдиндан ўйлаб қўйган эдингизми ёки ҳозир келиб қолдими хаёлингизга?

– Бу нарса Вольфнинг жўнаб кетишини эшитишим биланоқ келганди миямга, – жавоб берди Шелленберг. – Чексам рухсат берасизми?

– Ҳа, марҳамат, – жавоб берди Гиммлер. Шелленберг тамаки тутатди – ўттиз олтинчи йилдан бери у фақат «Кэмэл» тамакисини чекарди ва бошқасини тан олмасди. Бир вақтлар, қирқ иккинчи йилда Америка урушга қўшилганда: «Душман тамакисини қаердан олдингиз?..» – деб сўрашганда, Шелленберг: «Ё тавба, Америка тамакисини сотиб олсам – Ватан хоини бўлиб қолар эканман-да...» – деб жавоб қайтарган эди.

– Мен ҳамма имкониятлар, ҳатто кўнгилсиз имкониятлар тўғрисида ҳам ўйлаб қўйганман.

– Яъни, масалан? – ҳушёр тортиб сўради Гиммлер. У тинчланган, ўзини ўнглаб олганди, оқилона истиқбол йўли ҳам топилди, ҳамма иш шунчалик равон борса, қандай кўнгилсиз ҳодиса юз бериши мумкин?

– Борди-ю, Кессельринг ёки бундан ҳам баттарроғи – унинг ҳомийси Геринг бу воқеадан айбдор эмасликларини исбот этсалар-чи?

– Биз бунга йўл қўймаслигимиз мумкин. Бунинг барвақт олдини олиб қўйинг.

– Биз-ку буни бажарамиз, лекин сиз ҳам ўринбосарингиз Кальтенбруннерни ҳақли равишда мазкур операциямиздан четлатиб қўйдингиз. Худди шу киши юқоридаги имкониятга йўл қўйиши мумкин. Худди шу киши ва яна Мюллер.

– Яхши, яхши, – деди Гиммлер ҳорғинлик билан, – ҳўш, нимани таклиф қилмоқчисиз?

– Мен битта ўқ билан икки қуённи отишни таклиф қилардим.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, – жавоб берди Гиммлер янада ҳорфинроқ ва сўниқ овоз билан, – айтгандек, мен овчи эмасман...

– Фюрернинг иттифоқчилар бир-бирларидан ажралиб кетиш арафасида турибдилар дегани рост эмасми? Бинобарин, уларни ажратиб ташлаш бизнинг асосий вазифамиз бўлиши керак эмасми? Агар Сталин СС генерали Вольф ғарбий иттифоқчилар билан сепарат музокаралар олиб бораётганини эшитиб қолса нима қилади? Унинг нима қилишини билмайман, албатта, лекин қандайдир хатти-ҳаракат бошлашига ишончим комил. Демак, Вольфнинг музокарага боришига биз Сталинга етказиладиган сохта маълумот деб ном қўямиз – фюрер фойдасига қилинаётган тадбир эмасми? Яъни, бизнинг ниятимиз музокаралар – Сталинни лақиллатиш учун ишлатилган афсона бир гап! Агар операция барбод бўлса, фюрерга ана шундай деб тушунтирамиз.

Гиммлер ўтирган курсисидан қўзғалди – у оромкурсида ўтиришни ёқтирмасди ва ҳамisha оддий курсида ўтирар – дераза ёнига бориб, узоқ вақт Берлин вайроналарини томоша қилиб турди. Баъзи жойларда майсалар ҳам кўриниб қолибди. Мактабдан хушчақчақ болалар келишяпти. Икки аёл болаларини аравачада олиб кетяпти. Гиммлер буларни кузатар экан, анча хотиржам тортди ва хаёлига: «Қани ўрмонга бориб, гулхан ёнида тунасанг. Жуда ақлли одамда бу Вальтер, худо ҳақи...» деган фикр келди.

– Бу гапларингиз устида ўйлаб кўраман, – орқасига қарамай деди Гиммлер. У Шелленберг

галабасини ўзиники қилиб олмоқчи эди. Шелленберг доимо ўз галабаларини унга ва Гейдрихга қўш қўллаб топшириб келгани каби, бу галабасини ҳам жон-дили билан рейхсфюрерга топширишга тайёр эди. Шунинг учун ҳам бундай деди у:

– Тафсилотлари ҳам қизиқтирадимиз сизни, ёки майда-чуйдалар устида ўзим бош қотираверайми?

– Ўзингиз амаллайверинг, – жавоб берди Гиммлер, аммо Шелленберг эшик томон қадам ташлаганида, у ўгирилиб: – аслини олганда, бу ишда майда-чуйда нарсалар бўлмаслиги керак. Сиз аниқ нимани назарда тутяпсиз?

– Биринчидан, ҳимоя операцияси керак... Яъни: Фарб билан музокара учун бирор кишини, ўзимизники эмас, албатта, нишон қилиб қўйиш керак... Кейинчалик ўша киши ҳақидаги маълумотларни... фюрерга етказамиз... Бу эса бизнинг махфий кузатув хизматнинг галабаси бўлади: душманларнинг ёвуз ниятларини барбод қилган бўламиз – Геббельс ҳам, менимча, шундай деб эшиттиришлар бериб туради, шекилли... Иккинчидан, Вольфни кузатадиган минглаб кўзлар бор. Шу минглаб кўзлар орасида бизнинг айғоқчиларимиз ҳам бўлиши мумкин, улар хабар бериб турадилар. Хабар кимнинг қўлига тушади? Кимнинг айғоқчиси – менинг айғоқчимми ёки Мюллернинг айғоқчисими – қайси биринчи бўлиб хабар қилади? Вазиятга соғлом баҳо берадиган зиёлими ёки Кальтенбруннерга ўхшаган кўр-кўрона иш тутувчимми? Бинобарин, ғарбий иттифоқчиларнинг кузатувчи минглаб кўзлари қатори менинг ҳам беш-олти «кўзим» бўлишини истай-

ман. Вольф бизнинг одамларимиз ҳақида ҳеч нарса билмайди – улар ахборотни бевосита менга юбориб турадилар. Бу олдинги далилларга қўшимча бўладиган учинчи далилдир. Агар иш барбод бўладиган бўлса, Вольфни қурбон қилишга тўғри келади, аммо уни кузатиш натижасида тушган маълумотлар бизнинг далилларимизга қўшимча бўлади.

– Сизнинг, – уни тўғрилаб қўйди Гиммлер, – сизнинг далилингизга.

«Яна қўрқитиб юбордим, – ўйларди Шелленберг, – бу далиллар уни ваҳимага солмоқда. У таваккал иш тутишдан чўчийди, у умуман ҳар бир нарсадан чўчидиган одам. Ундан фақат қатъий розилик олиб, қолган ишни ўзим қилаверишим керак.

– У ерга кимни юбормоқчисиз?

– Ихтиёримда жуда сизбоп номзодлар бор, – жавоб берди Шелленберг, – аммо буниси сизни муҳим ишлардан чалғитишга арзимайдиган майда-чуйда далиллар, уларни ўзим ҳал қилавераман.

Шелленберг биринчи вазифани бажарувчи номзодлар рўйхатини тузиб қўйган эди, бу рўйхатда фон Штирлиц билан у «ҳомийлик қилган» пастор ҳам бор эди.

5

Эрта тонгда, Эрвин Марказдан жавоб олиши лозим бўлган вақтда, Штирлиц машинаси ни секин юргизиб, унинг уйи томон жўнади. Орқадаги ўриндиқда патефон ётарди: Эрвин хўжақўрсинга патефонлар сотувчи кичкина фирманинг хўжайини эди – бу эса мижозлари-

га хизмат қилиш мақсадида мамлакат бўйлаб кўп юришига имкон берарди.

Йўлда тўсиқ пайдо бўлди: тунги бомбардирлар пайтида олти қаватли бинонинг девори қулаб тушганди, ҳозир йўл ишчилари ва полициячилар биргаликда тез ва чаққонлик билан транспорт учун йўл очардилар.

Штирлиц орқасига қаради: унинг «Хорьх»и кетидан камида ўттизта машина турарди. Юк машинасининг ҳайдовчиси ёшгина йигитча Штирлицга бор овози билан:

– Агар ҳозир самолётлар келиб қолса, роса тўс-тўполон бошланади-да, қочгани жой ҳам тополмайсан, – деди.

– Келмайди, – жавоб берди Штирлиц, осмонга қараб. Булутлар жуда пастда эди – қўнғир-қора ҳошияларига қараганда қор ёғиши мумкин.

«Тун илиқ келди, – ўйларди Штирлиц, – ҳозир эса салқин тушди – қор ёғиши муқаррар».

У нимагадир анави астрономни эслади – безовта қуёш йили эмиш. Ер куррасида ҳамма нарса ўзаро боғлиқ. Биз бир-биримизга боғлиқмиз, Ер Қуёш билан, Қуёш галактика билан боғлиқ. Штирлиц тўсатдан жилмайди: «Гестапонинг айбончилиқ тармоғига ўхшаш. Ҳар иккинчи киши учинчисини, учинчиси эса иккинчисини кузатиш топшириғини олган. Биз юлдуз бўлсак, бизнинг ҳаётбахш қуёшимиз – буюк фюрердир... Ўн йил ичида халқни расво қилдилар-а?»

Олдинда турган шуцман қўл силтаб:

– Ўтиринглар! – деб бақирди.

«Жаҳоннинг ҳеч қайси ерида, – ўзига ўзи деди Штирлиц, – полициячилар худди бизникидек буйруқ беришни ва таёқ билан буйруқомуз ишора қилишни яхши кўрмайдилар». У

немислар ва Германияни ўз миллатиму мамлакатим деб ўйлаётганини фаҳмлаб қолди. «Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Агар ўзимни бундан ажратиб қўядиган бўлсам, аллақачон фош бўлардим. Афтидан, мен шу халқни ва шу мамлакатни севаман... Ҳақиқатан ҳам, Гитлерлар келиб-кетаверса керак?!»

Бу ёғига йўл очиқ эди, Штирлиц машинага тўла газ берди. У кескин бурилишларда резина ишдан чиқишини биларди, шиналар ҳам топилмас матоҳ бўлиб қолганидан хабардор эди, аммо у бурилишларда резинанинг чийиллаб, машинанинг эса худди тўлқин пайтидаги қайиқдай қийшайиб кетишини яхши кўрарди.

Кепеникда, Эрвин ва Кэт уйига буриладиган жойни полициячилар қуршаб олгандилар.

– Нима гап? – сўради Штирлиц.

– Кўча вайрон бўлган, – жавоб берди ёшгина, ранглари оқарган шуцман, – улар қандайдир қудратли торпедо ташлашибди.

Штирлиц пешанасидан тер чиққанини сезди. «Ҳа, шундай, – дарҳол пайқади у, – уларнинг уйига ҳам тушибди».

Шу йиллар мобайнида у кўнгилга келади-ган нарсани таҳлил қилишга ўрганиб қолганди. Воқеани олдиндан сезиш – бу хурофот ва бўлмаган гап деган одамларга ҳайрон бўларди. Штирлиц муҳим воқеани доим бир кун ёки икки кун олдин сезарди. У атрофида бўлаётган нарсаларни радиолокатор¹⁰ каби ҳис этарди. Ҳар бир киши воқеани олдиндан сезишга қодир, аммо кўпчилик ўзларида мавжуд бўлган

¹⁰ Радиолокатор – радиотўлқинлар ёрдамида объектларнинг турган жойини аниқловчи қурилма.

бу қобилиятни ўстиришга ҳаракат қилмайди деб ишонарди.

– Тўққизинчи уй-чи? – сўради у. – У ҳам вайрон бўлганми?

– Ҳа, бутунлай вайрон бўлган.

Штирлиц машинасини йўлакка чиқариб қўйди-да, ўнг томондаги кўчага бурилди. Ўша кўринишидан касалманд шуцман унинг йўлини тўсди:

– Жаноблари, бу ёққа ўтиш ман этилган. Штирлиц ёқасини кўтариб, белгисини кўрсатди. Шуцман честь бериб, деди:

– Сапёрлар аста-секин портлайдиган бомба йўқмикан деб шубҳа қилишяпти...

– Бўлса бирга портлармиз, – ҳорғинлик билан жавоб берди Штирлиц ва харобага айланган тўққизинчи уй томон қадам ташлади.

У ҳаддан ташқари чарчаганини сезди, шошилмай, секин юргиси келарди, аммо одатдагича тез ва равон қадам ташлаши юзидан сеҳрли табассум аримаслиги лозимлигини биларди. У шундай қилди ҳам. Унинг кўз олдида Кэт турарди. Унинг қорни анча қаппайиб, думалоқ бўлиб қолганди. «Қиз бўлса керак, – деган эди бир куни у. – Қорин чўзиқроқ бўлиб ўсса, ўгил туғилармиш, мен бўлсам, албатта, қиз туғаман».

– Ҳамма ҳалок бўлганми? – сўради Штирлиц ўт ўчирувчилар ишини кузатиб турган полициячидан.

– Айтиш қийин. Бомба эрталабга яқин тушган, санитар машиналар жуда кўп келганди...

– Буюмлари омон қолганми?

– Қаёқда... Анави аталани қаранг...

Штирлиц болали, йиғлаётган бир аёлга аравчасини йўлкага чиқаришга ёрдамлашиб юборди-да, машинаси ёнига келди...

* * *

– Ойи, ойижон!.. – деб қичқирарди Кэт. – Э, худо! Ойижо-о-он! Ёрдам беринглар, ёрдам!

У стол устида ётарди. Уни туғруқхонага кон-тузия билан олиб келгандилар: боши икки жойдан яраланган эди. У аллақандай узук-юлуқ сўзларни айтарди, бу ёрдамга чақирувчи рус сўзлари эди.

Бақироқ, овози хирилдоқ тойлоқдай ўғил болани қўлга олган шифокор дояга:

– Поляк аёли экан, аммо қўчқордай бола туғди-я, – деди.

– У поляк эмас, – деди доя.

– Бўлмаса ким? Русми? Ёки чехми?

– Паспортида немис, – жавоб берди доя. – Унинг пальтоси чўнтагида Кэтрин Кин номига берилган паспорти бор экан.

– Балки, бошқа бировнинг пальтосидир?

– Балки шундайдир, – кўнди доя хотин. – Буни қаранг, қандай дўмбоқ – камида беш килограмм. Чиройлилигини қаранг... Гестапога ўзингиз телефон қиласизми ёки кейинроқ мен телефон қилайми?

– Сиз қилиб қўя қолинг, – жавоб берди доктор, – лекин кейинроқ... Ҳали ишимиз кўп...

* * *

«Тамом-вассалом, – чарчоқ ҳолда, ўз ишига четдан назар ташлади Штирлиц. – Энди якка ўзим қолдим. Энди мутлақо ёлғиз бўлиб қолдим...»

У узоқ вақт хонасини ичидан қулфлаб олиб, телефон қўнғироғига жавоб бермай ўтирди. Беихтиёр санади у – телефон тўққиз марта жи-

ринглади. Икки киши унга узоқ вақт телефон қилди, муҳим ишлари бўлса керак-да, ёки қўл остидагилар қўнғироқ қилишгандир, чунки улар ҳар вақт узоқ телефон қиладилар. Бошқалари қисқа-қисқа жиринглади: бошлиқлар ёки дўстлар ана шундай қўнғироқ қиладилар.

Сўнгра у стол тортмасидан қоғоз олиб, ёза бошлади:

**«СС РЕЙХСФЮРЕРИ ГЕНРИХ
ГИММЛЕРГА.
ҚАТЪИЯН МАХФИЙ.
ШАХСАН.
РЕЙХСФЮРЕР!**

Миллатимиз манфаатларини кўзлаш мақсадида мен Сизга мазкур хат билан му-рожаат этишга мажбур бўлдим. Бетараф мамлакатлар журналистларига яқин манбалардан менга шу нарса маълум бўлдики, қандайдир шахслар СДдан ва СС рейхсфюреридан яширин ҳолда келишиш йўлини қидириб, душман билан алоқа боглашга уринмоқда эканлар. Мен бу маълумотларни жиддий равишда ҳужжатлар билан исбот этолмайман, лекин менга жуда муҳим бўлиб туюлаётган ва кечиктирилиши мумкин бўлмаган шу масала юзасидан мени қабул қилишингизни ва таклифларимга қулоқ солишингизни Сиздан сўрайман. Алоқаларимдан фойдаланиб, Сизни янада батафсил хабардор қилишга ва бу тахминни ишлаб чиқиш юзасидан ўз режаларим билан таништиришга рухсат этгайсиз, чунки бу тахмин – афсуски – ҳақиқатга яқин.

Хайль Гитлер!

СС штандартенфюрери фон Штирлиц».

У суҳбат пайтида кимни мисол келтиришини биларди: бундан уч кун аввал ҳаво ҳужуми пайтида португалиялик кинохроникачи Пуэблос Вассерман ҳалок бўлган эди. Штирлиц унинг шведлар билан яқин алоқада бўлганлигини биларди: бинобарин, шу нуқтаи назардан унинг тахмини жуда аниқ ва равшан эди.

Афтидан, Гиммлернинг массажчиси доктор Кестнердан кейин бирдан-бир ишонган киши-си Шелленберг эди. У Шелленбергни ўттизинчи йиллардан бери – у таълим олаётган пайтларданок кузатиб юарди. Бу келишган йигирма уч ёшли йигитнинг иезуитлар коллежидан сўнг университетни санъат бакалаври унвони билан тугатганини биларди. У шунингдек, университетда Шелленбергнинг севган профессори яҳудий бир киши бўлганлигини ҳам биларди. У Шелленбергнинг аввал миллий-ижтимоий ғояларини ҳазил-мазах қилиб юргани ва фюрер ҳақида доим яхши фикрда бўлмаганидан ҳам хабардор эди.

Гиммлер ихтиёрида минглаб кучли, сўнгги қони қолгунча унга кўр-кўрона содиқ қоладиган кишилар бор эди. Аммо унга воқеаларга ана шундай киноя билан қараса ҳам, лекин сиёсатни тўғри олиб борадиган камида беш нафар зийрак ёрдамчилар керак эди.

Шунинг учун ҳам Шелленберг Гейдрих билан бир неча бор суҳбатлашиб, Гиммлер билан бир марта учрашгандан сўнг унга учинчи рейх махфий кузатув хизматида ишлаш таклиф қилинганда, Гейдрихнинг бу таклифини қабул қилганди, чунки бу вақтга келиб кўл қирғоқлари ва Берлин атрофидаги осойишта қарағай ўрмонларида жойлашган боғчаларига бекиниб,

Гитлер қилаётган ваҳшийликлардан шунчаки қайғуриб ва фюрернинг жазаваси тутишини мазах қилишдан нарига ўтмайдиган немисларнинг асилзода зиёлилар доирасидан ҳафсаласи пир бўлганди.

Унинг дастлаб иш бошлаган жойи Китти салони бўлди. Жиноят қидирув полициясининг бошлиғи Небе ўз рўйхати орқали ана шу оқсуяклар салони учун Берлин, Мюнхен ва Гамбургнинг энг гўзал фоҳишаларини ажратиб қўйганди. Кейин у, Гейдрихнинг топшириғи билан, элчилар ва олий лавозимдаги ҳарбийларнинг ёш, гўзал хотинлари, яъни, ёлғизликда зериккан аёллар (уларнинг эрлари эртаю кеч кенгашларда банд бўлардилар, Германияни кезиб юрардилар, чет элга бориб турар эдилар) билан таниша бошлади. Хотинлар нима қилишларини билмас, айш-ишрат излардилар. Улар бундай айш-ишрат жойини Китти салонидан топдилар. У ерда Осиё, Америка ва Европа элчилари ҳам тўпланарди. СД хавфсизлик техника маҳкамасининг экспертлари шу салонда икки қават девор ўрнатиб, у ерга гапларни ёзиб борадиган ва расм оладиган аппаратлар ўрнатдилар. Гейдрих фикрини бу ерда Шелленберг амалга оширди, у шу салоннинг хўжайини бўлди, оқсуяклар орасида қўшмачилик ролини ўйнаб юрди.

Шелленберг билан Гейдрих кейин кичкинагина кинозалда ўз оғайниларининг хотинлари билан чет эл элчилари қандай айш-ишрат қилаётганликларини тасвирловчи расмларни томоша қилиб ўтирардилар.

Улар икки томонлама одам ёллай бошладилар: фош қилинган элчилар Шелленберг мах-

фий кузатув хизматида ишлай бошладилар, учинчи рейх ҳарбий амалдорлари, партия ва давлат арбобларининг фош этилган хотинларининг номлари эса гестапо бошлиғи Мюллер рўйхатига тиркаларди.

Дарвоқе, Мюллернинг салонда ишлашига йўл қўймадилар, чунки унинг қишлоқчилиги ва дағал ҳазиллари салон шинавандаларини чўчитиб юбориши мумкин эди. Ўшанда Мюллер ўзининг йигирма уч яшар йигитчага тобелигини биринчи маротаба сезганди.

– У ўша афт-башарасини бўяб олган фоҳишаларнинг сонига чанг солади деб чўчиса керак-да мендан, – деди Мюллер ёрдамчисига, – овора бўлади. Ёнидан пул берса ҳам бирортаси билан ётмасман. Қишлоғимизда бундай хотинларни гўнг қўнғиз деб атардилар.

Бир куни фрау Гейдрих эри йўқ пайтида Шелленбергга зерикканлигини билдириб қўнғироқ қилганида, уни шаҳардан четга, кўл бўйига таклиф этганди. Мюллер дарҳол бундан хабардор бўлди ва бу келишган йигитчанинг бошини танасидан жудо қилиш пайти келди деб ўйлади. Шелленберг келишган, лотинча ва испанча китоблар олиб турадиган, олифта, хотинлар билан ошкора юрадиган, Шаҳзода Альбрехтштрасседан машинага ўтирмай пиёда юрадиган, маҳмадона, енгилтак ва арақхўр киши – жиддий айғоқчи ҳам шундай бўладими? – нобоп бир йигит деб ҳисоблаб юрган гестаподаги «кекса»ларнинг фикрига қўшилмасди у. Мюллернинг деҳқонча, замини оғир, аммо янгиликни дарҳол сезадиган ақли Шелленбергнинг янги авлод қалдирғочи эканлиги-

ни дарров пайқаб олди. Бундай ёқимтой киши ўзига ўхшаганларни яна жалб қилаверади.

Шелленберг фрау Гейдрихни Плойнер кўлига олиб борди. Фрау Гейдрих Шелленберг жуда ҳурмат қиладиган бирдан бир аёл эди – у билан Элладанинг улуғвор фожиаси ва Римнинг қўпол ҳирсияти ҳақида гаплашиш мумкин эди. Улар кўлни ёқалаб сайр қилишиб, роса мириқиб суҳбатлашдилар. Турқи совуқ икки йигит 2 ва 75-рақамли объектларни кузатиб, совуқ сувда чўмилар эдилар. Мюллер фрау Гейдрихни, империя хавфсизлиги хизматида эрининг тутган мавқеига қараб, 2-рақамли объект деб атаганди. Муздек сувда чўмилаётган ана шу икки аҳмоқ йигитнинг гестапо айғоқчилари бўлиши мумкинлигини Шелленберг хаёлига ҳам келтирмаганди, чунки булардан бошқа чўмилаётганлар йўқ эди. У айғоқчи ўзини бунчалик ошкора тутиши керак эмас деб ҳисобларди. Мюллернинг қишлоқиларга хос айёрлиги Шелленбергнинг равон мантиқидан устун чиқди. Агар «объектлар», Мюллер ибораси билан айтганда, «буталар остида дам олмоқчи бўлсалар» айғоқчилар уларни суратга олишлари керак эди. Аммо «объектлар» буталар орасига бормадилар. Очiq айвончада қаҳва ичиб, яна шаҳарга қайтиб келдилар. Бироқ Мюллер кўр-кўрона рашк, ўз кўзи билан кўриб, рашк қилгандан кўра кучлироқ бўлади деб ҳисобларди. Шунинг учун Мюллер Гейдрихга хотинининг Шелленберг билан Плойнер кўли ёқасида, ўрмонда сайр қилганини етказди. У берган маълумотини изоҳлаб ўтирмади – Гейдрих ўтакетган худбин ва ўзини қандай тутишини билиб бўлмайдиган киши эди.

Бу хабарни ўқиб, Гейдрих Мюллерга ҳеч нима демади. «Кетаверинг» дегандек бошини қимирлатиб қўйди, холос. Мюллер ҳам индамади: Гейдрихнинг баджаҳл ва тунд юзидан у ҳеч нимани пайқай олмади. Куни билан нима бўлганини билмай юрди. Кечқурун эса Гейдрих аввал Мюллерга қўнғироқ қилиб, кейин Шелленбергнинг хонасига кирди ва унинг елкасига қоқиб:

– Бугун кайфиятнинг мазаси йўқ, ичамиз, – деди.

Улар уч киши бўлиб, эрталаб соат тўртгача кичкина ва ифлос қовоқхоналарда юрдилар, асабийлашган фоҳишалар ва валютафурушлар билан бирга ўтирдилар, биргалашиб халқ қўшиқларини айтдилар, кейин азонга яқин оппоқ оқариб кетган Гейдрих Шелленбергга яқинроқ ўтириб, дўстлик қадаҳини кўтаришни таклиф қилди.

Улар ичдилар, сўнгра Гейдрих ўз қадаҳини кафти билан бекитиб деди:

– Қулоқ солинг, мен майингизга заҳар солиб бердим. Агар сиз фрау Гейдрих билан қандай вақт ўтказганингиз ҳақида бор гапни айтиб бермасангиз, ўлишингиз муқаррар. Агар ҳақиқатни айтсангиз – мен учун у қанчалик даҳшатли бўлмасин – сизга зидди-заҳар бераман.

Шелленберг ҳаммасига тушунди. Унда ҳамма нарсани дарҳол пайқаш қобилияти бор эди. У кўлда чўмилаётган икки бадбашара барзангини эслади, Мюллернинг кўзи ўйнаётганлигини, лабида табассум пайдо бўлганлигини кўриб турди ва бундай деди:

– Майли, айтай, фрау Гейдрих менга телефон қилдилар. Зериккан эканлар. Мен у киши билан Плойнер кўлига бордим. Биз

вақтни қандай ўтказганимизни кўрган гувоҳларни ҳам келтиришим мумкин. Биз сайр қилдик, Грециянинг буюклиги ва уни айғоқчиларни Римга сотиб, қандай ҳалок қилганликлари ҳақида суҳбатлашдик. Бинобарин, Греция фақат шунинг учунгина ҳалок бўлмаган, албатта. Ҳа, мен фрау Гейдрих билан бирга бўлдим, мен бу аёлга, буюк инсон деб ҳисоблаб юрган кишимнинг хотинига жуда ихлос қўйганман. Зидди-заҳарингиз қани? – сўради у. – Қани?

Гейдрих кулиб қўйди, қадаҳга озгина мартини қуйиб, Шелленбергга узатди.

Шу воқеадан ярим йил ўтгач, Шелленберг Гейдрих ҳузурига кириб, ундан рухсатнома сўради: «Мен уйланмоқчиман, – деди у, – аммо қайнонам – поляк». Бу масалани СС рейхсфюрери Гиммлер кўриб чиқди. Гиммлер шахсан унинг бўлажак хотини ва қайнонасининг фотосуратларини кўздан кечирди. Розенберг маҳкамасидан одамлар келди. Микроциркуль билан мия тузилиши, пешана кенглиги, қулоқ шакли текширилди. Гиммлер Шелленбергга уйланишга рухсат берди.

Никоҳ пайтида, анча-мунча ичган Гейдрих Шелленбергнинг қўлтиғидан ушлаб, дераза ёнига олиб борди-да:

– Хотинингизнинг опаси яхудий банкирга текканини билмайди деб ўйлайсизми? – деди.

Шелленберг бўшашиб, қўллари музлаётганини сизди.

– Ташвишланманг, – деди Гейдрих ва хўрсиниб қўйди.

Шелленберг ўша пайтда Гейдрихнинг нега хўрсиниб қўйганини тушунмаганди. Буни у

анча кейин билди, империя хавфсизлиги бошлигининг бобоси яҳудий бўлиб, Вена опереттасида скрипка чалган экан.

6

Шелленберг Штирлицни рейхсфюрер қабулхонасида учратди. Штирлиц Гиммлер қабулига ёзилганди: унинг қўлида гардишлари олтин ҳалли кўкимтир-кулранг жилд бўлиб, ичида бир варақ қоғоз ётарди, у ҳам бўлса, Кепеникдан келиши биланоқ ёзган номаси эди.

– Кейинги навбат сизники, – деди навбатчи адъютант, Гиммлер ҳузурига СС хўжалик бошқармасининг бошлиғи генерал Полни таклиф қилар экан. – Менимча обергруппенфюрер кўп ушланиб қолмайдилар – лўнда масалалар.

– Салом Штирлиц, – деди Шелленберг. – Мен сизни излаб юрибман.

– Саломат бўлинг, – жавоб берди Штирлиц. – Чарчаган кўринасиз?

– Билиняптими?

– Жуда.

– Юринг хонамга. Ҳозир менга жуда кераксиз.

– Мен рейхсфюрердан қабул қилишларини сўраган эдим.

– Нима масалада?

– Шахсий.

– Бир-бир ярим соатлардан кейин келасиз, – деди Шелленберг. – Қабул вақтини кечиктиришни сўранг, рейхсфюрер кечгача шу ерда бўладилар.

– Яхши, – норози бўлгандек деди Штирлиц, – сал ноқулай бўлмасмикан?

– Мен фон Штирлицни олиб кетаман, – деди Шелленберг навбатчи адъютантга. – Қабул муддати икки соат орқага суриб қўйинг.

– Хўп, бўлади, бригаденфюрер!

Шелленберг Штирлицни тирсагидан ушлаб, хонадан олиб чиқаркан, хушчақчақлик билан шивирлаб қўйди:

– Овозини қаранг? Оперетта артистига ўхшаб овозни қорнидан чиқараётгандек рапорт беради-я, одамларга ёқмоқчи бўлади.

– Мен доим адъютантларга ачинаман, – деди Штирлиц. – Улар ўзларининг керакли эканликларини бўрттиришга ҳаракат қиладилар, бўлмаса, одамлар аксинча эканини сезиб қоладилар-да.

– Сиз ноҳақсиз. Адъютант жуда ҳам керак. У чиройли овчи итидек бир нарсa: иш ўрта-сида чақчақлашиб олиш ҳам мумкин, кейин яхши този бўлса, бошқа овчиларнинг ҳаваси келиб юради.

– Тўғри, мен импрессарио вазифасини ўтайдиган бир адъютантни учратганман: у ҳаммага ўз хўжайинининг буюклиги ҳақида гапираверарди. Оқибат, уни автомобиль ҳалокатида ўлдириб юборишди: мақтовлари билан жуда жонга теккан бўлса керак...

Шелленберг кулиб юборди:

– Бор гапми ёки тўқидингизми?

– Тўқидим, албатта...

Ўртадаги зинапояда улар Мюллерни учратдилар.

– Хайль Гитлер, дўстлар! – деди у.

– Хайль Гитлер, оғайни, – жавоб берди Шелленберг.

– Хайль, – жавоб берди Штирлиц қўлини кўтармай.

– Оббо айёрлар-э, сизларни кўрганимдан жуда хурсандман, – деди Мюллер, – яна бирор-та навбатдаги маккорликни тайёрлаяпсизларми дейман?

– Тайёрлаяпмиз, – жавоб берди Шелленберг, – нега тайёрламас эканмиз?

– Маккорликда сизга тенг келолмаймиз, – деди Штирлиц. – Сиз бўри бўлсангиз, биз қўзичоқмиз.

– Мен-а? – ҳайрон бўлди Мюллер. – Майли, биров сени шайтон ҳисобласа ёмонми? Киши ўлади, аммо хотираси қолади. Шайтон хотираси бўлса ҳам, хотира-да.

Мюллер Шелленберг билан Штирлицнинг елкасига дўстона қоқиб қўйди ва ўз ходимларидан бирининг хонасига кириб кетди: у ходимларининг хонасига тўсатдан, айниқса, зерикарли сўроқ бўлиб турган пайтларда кириб боришни яхши кўрарди.

Урушнинг кейинги ойларида, Гитлер, Буюк давлатларнинг ҳамдўстлиги ҳафталар ичида барбод бўлади, деб қайта-қайта такрорлаган, ҳал қилувчи зарба берилгач, Ғарб немислардан ёрдам сўраб мурожаат қилади, деб ҳаммани ишонтираверган пайтда, кўпчилик бунини фюрерга хос дардманд тасаввурига ишонавериш хусусияти бўлса керак деб ҳисобларди. Аммо бунда Гитлер далилларга таянган эди: Борманнинг махфий кузатув хизмати 1944 йилнинг ўрталаридаёқ, адмирал Канариснинг қилмишлари билан обрўсизланган ҳарбий махфий кузатув хизмати у ёқда турсин, ҳатто Гиммлер ва Риббентроп каналларини четлаб ўтиб, Лондондан жуда махфий ҳужжат олишга сазовор бўлганди. Ана ўша ҳужжатда, чунончи, қуйидаги сатрлар

ҳам бор эди: «Агар рус ваҳшийлари қадимдан яшаб келаётган Европа давлатларининг маданияти ва мустақиллигини барбод қилса, даҳшатли бир офат юз берган бўлади». Гитлернинг ажойиб хотираси ўзининг 1936 йилда, Нюрнбергда Германия партияси съездида сўзлаган нутқини эслатди. Унда Гитлер бундай деган эди: «Агар большевиклар методи муваффақиятли чиқса, унда Европа маданияти ўрнини мисли кўрилмаган даҳшатли ваҳшийлик босади».

Ўғирланган ўша ҳужжатдаги у тез-тез мурожаат қилиб турган сатрлар Уинстон Черчиллнинг гапи эди. У шу сўзларни 1942 йилнинг октябрида, руслар Польшада эмас, Сталинград остоналарида, Руминияда эмас, Смоленск ёнида, Югославияда эмас, Харьков остида турган бир пайтда ўзининг махфий меморандумида ёзган эди.

Афтидан, Гитлер 1943–1944 йилларда инглизлар ва америкаликлар ўртасида иттифоқчилар қўшинларининг асосий зарбаси қайси томондан берилиши кераклиги юзасидан келишмовчилик борлигидан хабардор бўлганида, музокара қилишга ҳар қандай уриниш учун ўлим жазоси берилсин, деган буйруқларини чиқармаган бўларди. Черчилль қўшинларни Болқонга ташлаш керак деб туриб олган эди. Буни у қуйидаги фикрлар билан асослаганди:

– Масала бундай: Болқон ва, эҳтимолки, Италиядаги тузумнинг ўзгаришига рози бўламизми? Хулосамиз шундан иборат бўлиши керакки, биз янги тузум таъсирининг ёйилишига ва бостириб киришига қарши турмоғимиз керак... Фарб демократияси, агар унинг қўшинлари Будапешт ва Венага кирса, Прага ва Варшавани озод этса, қандай афзалликларга

эга бўлиб олиши мумкинлигини аниқ тасаввур этиши керак...

Масалага жиддий қараган америкаликлар Черчиллнинг Гитлерга қарши асосий зарбани Францияда эмас, балки Болқондан беришга уриниши фақат ўз манфаатини ўйлаб айтилган фикр эканлигини пайқадилар. Агар Черчиллнинг нуқтаи назари ютиб чиқса, Буюк Британия Ўрта денгизда гегемон бўлиб қолиши, яъни, худди шу Буюк Британия Африка, араб Шарқи, Италия, Югославия, Грециянинг хўжайини бўлиб олиши мумкинлигини америкаликлар яхши тушунардилар. Шундай қилиб, куч баланси Қўшма Штатлар фойдасига бўлмасди ва шунинг учун Францияга қўшин тушириш мўлжаллаб қўйилди.

1945 йилнинг қишида Черчилль ўз стратегиясини ўзининг энг яқин ходимлари учун қуйидагича ифодалаб берган эди:

– Биринчидан, Совет Россияси эркин дунё учун ўлим билан тенг хавф туғдирипти; иккинчидан, унинг шитоб билан бостириб келишига қарши дарҳол янги фронт ташкил қилиш зарур; учинчидан, бу фронт иложи борица Шарққа қараб ичкарироқ кириб бориши зарур; тўртинчидан, инглиз-америка қўшинларининг асосий ва ҳақиқий мақсади – Берлинни ишғол қилиш; бешинчидан, Чехословакияни озод қилиш ва Америка қўшинларининг Прагага кириб бориши катта аҳамиятга эга; олтинчидан, Вена, аслини олганда, бутун Австрия ғарбий давлатлар томонидан бошқарилиши лозим...

Эҳтиёткор ва довярак сиёсатчи бўлган Черчиллнинг Гитлерчилар партияси раҳбарларининг бирортаси билан – ҳатто руслар Европа-

га шиддат билан кириб келган тақдирда ҳам – алоқа боғлаб бўлмаслигига ақли етарди, чунки Россия унинг учун ўлим хавфи бўлиб туюлса-да, Гитлерчилар зулми остида эзилган одамлар учун бу озодлик тимсоли бўлиб қолганди. Берлин билан яна шунинг учун алоқа боғлаш қийин эдики, у Гитлерчи бошлиқларнинг бетайинлигини ва ҳар дамда хиёнат йўлига ўтишлари мумкинлигини яхши биларди; у жаҳон жамоатчилиги демократиянинг гитлерчилар билан алоқа боғлашини ҳеч вақт оқламаслигини ҳам тушунарди... Черчилль русларнинг Атлантика қирғоқларига бостириб келишига қарши тура оладиган ягона фронт ташкил қилиш мақсадида маълум ва қалтис вазиятда фюрерга нисбатан оппозицияда бўлган кишилар билан алоқа боғлаши мумкин эди, чунки у ҳаммадан кўпроқ, русларнинг Атлантика қирғоғига чиқиб олишидан қўрқарди. Бироқ Германияда 1944 йили фитначилар йўқ қилиб ташланганларидан кейин бундай куч қолмаган эди. Черчилль Вермахт қўшинларининг таслим бўлишига уринаётган гитлерчи раҳбарлардан бирортаси билан эҳтиёткорлик билан алоқа боғлаш қийин бўлса ҳам – чунки Рузвельт бунга қаттиқ қаршилиқ кўрсатаётган ва бутун дунё русларга нисбатан хайрихоҳ эди – бундай алоқа Сталинга нисбатан қаттиқ сиёсат, айниқса Польша ва Греция масалаларида қаттиқ сиёсат қўллашга имкон беради деб ҳисобларди.

Ҳарбий махфий кузатув хизмати немислар иттифоқчилар билан алоқа боғлаш йўллариini излаётганлиги ҳақида Черчиллга хабар қилганда, у бундай жавоб берди:

– Британияни сусткашликда, тутуриқсизликда, юмористик таҳлилпарастликда айбашлари мумкин. Аммо Британияни ҳеч ким маккорликда айблаши мумкин эмас ва ҳеч ким ҳеч вақт бизга бу айбни қўймаслигини худодан сўрардим. Бироқ, – қўшиб қўйди у ва унинг кўзлари қимирламай тик қараб қолди, фақат қорачиғи ичида билинар-билинемас кулги учқунлари чақнади, – мен доимо миллатлар лигасини мустаҳкамлашга қаратилган дипломатик ўйин билан тўғридан-тўғри олиб бориладиган фаросатсизларча маккорлик ўртасидаги чегара аниқ бўлишини истардим. Нозик ва мурраккаб дипломатик ўйинни фақат осиеликлар маккорлик деб ҳисоблашлари мумкин. Бинобарин, ўйин тушунчасининг ўзи зарур бўлган тақдирда – бир қадам четга чиқиш маъносини билдиради... Болалар шундай дейдилар, улар эса энг софдил сиёсатчилардир...

Шу тариқа Черчилль махфий кузатув хизматидаги одамларга немислар билан маълум вазиятда, маълум шартлар билан алоқа боғлаш ва иложи бўлса бу алоқаларни гитлерчилар зулмига қарши курашаётган иттифоқчиларнинг манфатларини кўзлаб қилинган ўйин, синов, деб эълон қилиш мумкинлигига ишора қилганди.

– Бунда, – қўшиб қўйди у, – америкалик шерикларимиз бу ҳақда биз билан баробар, ҳатто кўпроқ хабардор бўлганликлари учун уларга шу ансамблда биринчи скрипкачи ролини ўйнашга имкон бериш керак.

– Агар мақсадга мувофиқ келиб қолса, ўйин жиддий акцияга айланиб кетмасмикин? – сўради махфий кузатув хизмати бошлиғининг ёрдамчиси.

– Сизнингча, – ўйин жиддий нарса эмасми? Дунёда ўйиндек жиддий нарса йўқ. Ўйин ва тасвирий санъат. Қолган нарсалар – беҳуда ва майда нарсалар, – жавоб берди Черчилль. Унинг кундузги дам олиш фурсати тугамаган эди – ҳали ўринда ётарди ва шунинг учун кайфи чоғ эди. – Биз тасаввур қилишга ўрганиб қолган сиёсат аллақачон ўлиб кетган. Дунёнинг у ёки бу қисмида олиб бориладиган башанг операциялардан иборат маҳаллий сиёсат ўз ўрнини глобал сиёсатга бўшатиб берди. Бу энди бирон шахснинг иродаси, бирор бир гуруҳдаги одамларнинг ўз манфаатларинигина кўзлаб қилган уриниши эмас, балки математика каби аниқ, тиббиётда илмий тажрибадаги радиация каби хавфли фандир. Рассомлар ва астрономлар, лифтчилар ва математиклар, қироллар ва доҳийлар глобал сиёсатга бўйсунадиган бўладилар. – Черчилль устидаги жун ёпинчиқни тўғрилаб, қўшиб қўйди: – Бир ўринда қирол билан доҳийни тилга олганлигим доҳийни қиролга қарши қўймоқдаман деган гап эмас. Бу ўринда булар атайлаб эмас, балки тасодифан ёнма-ён қўйилди. Глобал сиёсат шунчалик кутилмаган иттифоқларни, стратегияда шундай бир-бирига зид бурилишларни назарда тутадик, менинг 1941 йил 22 июнда Сталинга қилган мурожаатим мантиқ ва изчиллик чўққиси бўлиб туюлади. Дарвоқе, менинг мурожаатим мантиқ жиҳатдан бирламчи, изчиллик масаласи эса иккиламчидир. Асосийси – миллатлар ҳамкорлиги манфаатларини кўзлашдир, қолган ҳаммасини тарих кечиргусидир...

* * *

– Салом, фрау Кин, – деди бир кимса, унинг каравотига энгашиб.

– Салом, – жавоб берди Кэт аранг.

У ҳали гапиришга қийналарди, боши ғувилларди, ҳаракат қилса, кўнгли беҳузур бўларди. У боласини эмизгач, бир оз ўзига келарди. Ўғилчаси уйқуга кетгандан кейин у ҳам нафасини ростлаб оларди. Кўз очган пайтларида яна боши айланар, теварак-атроф турли тус ола бошлар, лоҳас бўлар, ўғлига кўзи тушиб аллақандайдир янгича туйғуларни ҳис этарди. Бу жуда ғалати туйғулар бўлиб, уларнинг нималигига ақли етмасди. Унинг кўнглида ҳамма нарса – қўрқинч ҳам, енгиллик ҳам, қандайдир ички мағрурлик ва авваллари унга хос бўлмаган хотиржамлик уйғунлашиб кетган эди.

– Мен сизга бир неча савол бермоқчи эдим, фрау Кин, – давом эттирди сўзини бояги одам, – мени эшитяпсизми?

– Ҳа.

– Мен сизни қўп безовта қилмайман...

– Қаердансиз?

– Мен суғурта компаниясиданман...

– Эрим қани... ҳалок бўлдимми?

– Бир нарсани эсланг: бомба тушганда у қаерда эди?

– У ваннахонада эди.

– Уйингизга кўмир борганмиди? Жуда камчилда... Биз компанияда шундай совқотиб ўтирибмизки...

– Учраб қолган экан, озгина сотиб олган эди...

– Чарчамадингизми?

– У...ҳалок бўлдимми?

– Мен сизга қайғули хабар олиб келдим, фрау Кин. Эрингиз дунёдан ўтди... Ўша даҳшатли ҳаво ҳужумидан жабр кўрганларнинг ҳаммасига ёрдам беряпмиз. Сиз касалхонада ётган пайтингизда қандай ёрдам олишни истайсиз? Овқат билан таъминлаб туришса керак, кийим-кечакни чиқишингизга тўғрилаб қўямиз: ўзингизга ҳам, чақалоққа ҳам... Жуда дўмбоқ бола экан... Қизми?

– Ўғил.

– Йиғлоқими?

– Йўқ... Мен ҳали овозини ҳам эшитганим йўқ.

У ростдан ҳам ўғлининг овозини шу дамгача эшитмаганига безовта бўла бошлади.

– Улар кўп йиғлайдиларми? – сўради Кэт. – Билмайсизми?

– Менинг фарзандларим жуда йиғлоқи эдилар, – жавоб берди у, – чинқириқларидан қулоғим гаранг бўлиб қолаёзарди. Фарзандларим озгин туғилган. Сизники – полвон экан. Полвонлар доим индамас бўлади... Кечирасиз-у, фрау Кин, агар чарчамаган бўлсангиз, яна саволим бор эди: мол-мулкингизни неча сўмга суғурта қилдиргансиз?

– Билмайман... Бу иш билан эрим шуғулланган эди...

– Қайси бўлимда суғурта қилдирганлигингизни ҳам билмайсизми?

– Кудам ва Кантштрассе кўчалари бурчагидагида бўлса керак.

– Тўғри, у ерда йигирма еттинчи бўлим бор... Топиш анча осонлашди... Суғурта миқдори қанчалиги эсингиздами?

– Ўн минг марка бўлса керак...

– Анча экан...

Эркак бу гапларни ўзининг эски дафтарчасига ёзиб олди; кейин йўталиб қўйиб, яна Кэтининг юзига энгашди-да, секингина деди:

– Ёш онага йиғлаш ва безовта бўлиш ярамайди... Уч фарзанднинг отасига ишонаверинг... Булар ҳаммаси бола ошқозонига таъсир этади, шундан кейин жанжалини кўрасиз... Энди сиз фақат ўз ҳақингизда ўйлашга ҳақингиз йўқ, у вақтлар сиз учун бутунлай ўтиб кетди...

– Хўп, йиғламайман, – пичирлади Кэт ва муздек бармоқлари билан унинг илиқ, нам қўлини ушлаб қўйди, – раҳмат сизга...

– Қариндошларингиз қаерда? Компаниямиз уларнинг келишига ёрдам қилади. Биз йўл кирасини тўлаймиз ва турар жой берамиз... Албатта, тушунсангиз керак, меҳмонхоналар қисман вайрон бўлган, қисман эса ҳарбийларга берилган. Аммо бизларда хусусий хоналар бор. Қариндошларингизни ранжитмаймиз. Қаерга ёзиш керак?

– Менинг қариндошларим Кенингсбергда қолишган, – жавоб берди Кэт. – Улардан беҳабарман.

– Эрингизнинг қариндошлари-чи? Кўнгилсиз воқеани кимга хабар қилайлик?

– Унинг қариндошлари Швецияда турадилар... Аммо уларга ёзиш ўнғайсиз: эримнинг амакиси Германиянинг катта дўсти, шунинг учун унга ёзмасликни илтимос қилган... Биз қулай пайтдагина ёки элчихона орқали хат ёзардик.

– Манзили эсингиздами?

Шу пайт бола йиғлаб юборди.

– Кечирасиз, – деди Кэт, – мен уни эмизиб олай, кейин манзилини айтаман.

– Майли, халақит бермай, – деди у киши ва палатадан чиқиб кетди.

Кэт унинг кетидан қараб қолди ва томоғига алланима тиқилгандай бўлди. Илгаригидек зирқираб боши оғрирди, аммо кўнгли лоҳас бўлмади. У ўзига берилган саволлар устида яхши ўйлаб ололмади, чунки бола эма бошлади-да, ташвишли, бегона нарсалар четда қолди. Унинг бағрида фақат шоша-пиша эмаётган ва қўлчалари билан ўйнаётган бола қолди: у йўргакларни ечиб ташлади ва қип-қизил, баданини ҳар ер-ҳар еридан ип билан боғлаб қўйгандек бақалоқ боласини томоша қилиб ётди.

Кейин у икки кун олдин аёллар кўп, катта хонада ётганини эслади. У ерга болаларни бир вақтда олиб келардилар, палатани йиғи босиб кетарди, аммо унга болалар овози узоқдан эшитилаётгандек туюларди.

«Нега бу ерда бир ўзимман? – ўйлаб қолди Кэт. – Қаердаман ўзи?»

Ҳалиги киши ярим соат ўтгач, кириб келди. У ухлаб ётган болани томоша қилиб турди кейин жилддан анчагина фотосуратларни олди-да, тиззасига ёйиб сўради:

– Мен амакингизнинг манзилини ёзиб олгунимча, марҳамат, қараб кўринг, бу ерда сизнинг нарсаларингиз йўқмикан? Бомба тушгандан кейин уйингиздаги бир қатор нарсаларни топиш мумкин бўлди: биласизми, сизнинг ҳозирги ташвишли аҳволингизда битта жомадон ҳам катта бойлик. Бирор нарсани сотиш мумкин бўлар, болага зарур кийим-кечак оларсиз... Биз, албатта, чиқишингизга ҳамма нарсаларни тайёрлашга ҳаракат қиламиз, аммо буниси ҳам ортиқча бўлмас...

– Франц Паакенен, Густав Георгплац, 25. Стокгольм.

– Раҳмат. Толиқмадингизми?

– Бир оз толиқдим, – жавоб берди Кэт, чунки кўчадаги қатор қилиб териб қўйилган жомадон ва қутилар орасида бошқалари билан адаштириб бўлмайдиган катта жомадон турарди. Эрвиннинг ана шу жомадонида радиостанция сақланарди...

– Диққат қилиб қаранг, сўнг мен кетаман, – деди эркак фотосуратларни унга узатаркан.

– Менимча, йўқ, – жавоб берди Кэт, – булар орасида бизнинг жомадонларимиз йўқ...

– Хўп, раҳмат, унда буни ҳал бўлган масала деб ҳисоблаймиз, – деди у ва фотосуратларни авайлаб жилдга солди-да, таъзим қилиб, ўрнидан турди. – Бир-икки кундан кейин мен яна хабар оларман, ўшанда уринишларимнинг натижасини айтарман... Мен оладиган ширинкома – нима дейиш мумкин, замон шундай – унча кўп эмас, сизга оғирлик қилмайди...

– Мен сиздан жуда миннатдор бўлардим, – жавоб берди Кэт.

Кэтнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб юрган киши, гестапо туман бўлимининг терговчиси Кэт бармоқлари изини дарҳол экспертизага юборди: жомадонлар тасвирланган фотосуратлар устига олдиндан махсус модда суртиб қўйилган эди. Жомадонга ўрнатилган радиоузаткичлардаги бармоқ излари текшириб чиқилганди. Радиостанция жойланган жомадонда уч кишининг бармоқ излари борлиги аниқланганди... Иккинчи сўроқни у империя хавфсизлиги олтинчи бошқармасига юборди: унда Швеция фуқароси Франц Паакененнинг

ҳаёти ва фаолиятига тегишли ҳамма маълумотлар сўралганди.

* * *

Айсман хонасида аллақанча вақт у ёқдан-бу ёққа юрди. У қўлини орқасига қилиб, тез-тез юрар, беҳаловатлигидан қандайдир муҳим бир нарса етишмаётгандек туюларди. Бу эса диққатини йиғиштириб олишига халақит берарди; у асосий нарсадан чалғиб кетарди, ўзини қийнаётган: «Нега Штирлиц гумон остига тушган экан?» – деган масалани охиригача таҳлил қилолмаётганди.

Ниҳоят асабни бузувчи сиреналар увиллай бошлаганда, Айсман, ўзи учун худди шу ҳаво ҳужуми етишмаётганлигини тушунди. Уруш оддий ҳаётга ўхшаб қолди, одамлар ҳаво ҳужумидан эмас, балки худди бирор хавф келтириши мумкин бўлган тинчликдан қўрқардилар.

«Худога шукр, – деди ичида Айсман, сиреналар фарёди тиниб, яна сукунат қайтгач. – Энди ўтириб ишласа бўлади. Ҳозир ҳамма кетади, менда эса ўтириб ўйлаш имконияти туғилади, бемаъни саволлар ва келишмаган тахминлар билан кирадиганлар бўлмайди...»

Айсман стол ёнига ўтириб, 1944 йилда давлатга қарши ишларда шубҳаланиб қамоққа олинган шаккоклар пешвоси Фриц Шлаг ишини варақдай бошлади. Қамалиш олдидан унинг устидан қавмлари Барбара Крайн билан Роберт Ниче чақимчилик қилган эканлар. Уларнинг чақувларида, пастор Шлаг ўз ваъзларида ҳамма халқлар билан биродар бўлиб, тинч яшашни тарғиб қиляпти, уруш ваҳшийлик, ноҳақ қон тўкилмоқда деб қоралаяпти, дейил-

ган эди. Об'ектив текшириш шуни кўрсатганки, пастор ҳозир Швейцарияда яшаб турган собиқ канцлер Брюнинг билан бир неча марта учрашган. Улар ўртасида дўстона муносабат бўлган, аммо Германияда ҳам, Швейцарияда ҳам синчиклаб текшириш олиб борилганига қарамай, пасторнинг муҳожирликда яшаётган канцлер билан сиёсий алоқада бўлганлигини кўрсатувчи ҳеч қандай далиллар йўқ эди...

Нега пастор Шлаг махфий кузатув хизматига тушиб қолган? Нега уни гестапога жўнатмаганлар? Нега Шелленберг шу саволларга жавобни ишга илова қилиб қўйилган қисқагина маълумотдан топди: пастор 1933 йилда пацифистлар¹¹ конгрессида қатнашиш учун икки марта Буюк Британия ва Швейцарияга борган экан.

«Булар унинг алоқалари билан қизиққанлар, – деган хулосага келди Айсман, – у ерда пасторнинг ким билан учрашганлиги қизиқтирган. Шунинг учун пастор махфий кузатув хизмати-га олиб борилган, шунинг учун ҳам уни Штирлицнинг қўлига беришган. Хўш, Штирлицнинг бунга нима дахли бор? Топшириқни бажарган, холос...»

Айсман ишни яна варақлаб чиқди: сўроқлар қисқа ва лўнда эди. Ўз хулосаси асосли ва ҳужжатли бўлиши учун об'ектив йўл тутиб, ишдан баъзи нарсаларни кўчириб олмоқчи бўлди, аммо амалда кўчириб оладиган нарса йўқ эди. Сўроқ Штирлицга хос услубда олиб борилмаган: ялт этган жойи йўқ, турган-битгани расмийчилик.

¹¹ Пацифист – ҳар қандай урушга, шу жумладан миллий озодлик уруши, адолатли урушга қарши чикувчи буржуа оқими.

Айсман махсус идорага қўнғироқ қилди. Телефонни узоқ вақт ҳеч ким олмади.

«Бомбадан яширинадиган хонада бўлсалар керак», – деган хулосага келиб, гўшагини энди қўймоқчи бўлиб турганда бировнинг овози эшитилди.

– Тўртинчи бошқармадан Айсман гапир-япти. Салом. Марҳамат қилиб, ҳужжатларга қараб кўринг; 1944 йил 29 сентябрда штандатенфюрер Штирлиц томонидан олиб борилган пастор Шлаг сўроғининг ёзуви бормикан?

* * *

«Сизни огоҳлантириб қўймоқчиман: сиз қамоқдасиз, кимки айбдорларни жазолашга ва халқни балолардан қутқаришга қаратилган тузумнинг адолат суди қўлига тушган бўлса, унинг бу ердан рисоладагидай ҳаётга ва фаолиятга қайтиши асло мумкин эмас. Қариндош-уруғларингиз ҳам осойишта ҳаёт кечиролмайдилар. Изоҳ берай: сиз, биринчидан, ўз айбингизга иқроор бўлиб, бизнинг давлатимизга нисбатан қарши бўлган бошқа черков арбобларини фош қилиб берсангиз, иккинчидан, бундан буён бизнинг ишимизга ёрдам қилиб турсангиз, бунинг акси бўлиши мумкин, Сиз шу таклифларни қабул қиласизми?

– Мен ўйлаб кўришим керак.

– Ўйлаб кўришингиз учун қанча вақт керак?

– Ўлимга ҳозирланиш учун инсонга қанча вақт керак бўлар экан?

– Сиздан яна ҳалиги таклифимга қайтишни сўрайман. Сизни ундоқ қилсам ҳам, бундоқ қилсам ҳам, барибир, ҳаёт тугади деяпсиз, ле-

кин сиз Германиянинг ватанпарвар фарзанди эмасмисиз?»

– Ватанпарварман. Аммо «Германиянинг ватанпарвар фарзанди» деганда нимани тушуниш керак?

– Мафкурамизга содиқликни.

– Мафкура ҳали мамлакат эмас-ку.

– Ҳар ҳолда бизнинг мамлакатимиз фюрер мафкураси билан яшамоқда. Руҳоний сифатида бизнинг идеологиямизга эътиқод қилаётган халқ билан бирга бўлиш сизнинг вазифангиз эмасми?

– Агар мен сиз билан тенгма-тенг баҳslashганимда, нима жавоб беришимни билардим.

– Бемалол тенгма-тенг баҳslashаверинг.

– Халқ билан бирга бўлиш – бир нарсa, аммо адолат ва имон юзасидан иш кўраётганингизни сезиб туриш – бошқа нарсa. Булар бир-бирига мос келиши ва мос келмаслиги мумкин. Мазкур ҳолда сиз эътиқодимга мос келмайдиган йўлни таклиф қилмоқдасиз. Сиз менинг қандайдир аризага қўл қўйишимни истаб, кимнингдир фойдасига ишлатмоқчисиз. Сиз ўз таклифингизни мени бир шахс сифатида қабул қилаётгандек бежаб кўрсатмоқдасиз. Нега энди мен билан шахс сифатида гаплашиб туриб, восита бўлишимни таклиф қилмоқдасиз? Ё қоғозга имзо чек, йўқса сени ўлдирамиз, деб тўғриси айтиб қўя қолинг. Немис халқи қайси йўлдан бормоқда, у қайси тилда гапирмоқда, – менга барибир, чунки, аслини олганда, мен аллақачон тирик мурда бўлиб қолганман.

– Гапингиз нотўғри. Қуйидаги сабабларга кўра нотўғри. Мен бирорта қоғозга имзо чекишингизни сўрамадим. Майли, мен биринчи ма-

сала – сизнинг матбуот ва радио орқали тартибимизга нисбатан қарши турган дин аҳлларига қарши очик гапиришингиз кераклиги ҳақидаги таклифимдан воз кечдим деб фараз қилайлик. Мен сиздан аввал бу тузум ҳақиқатлигини тушуниб олишингизни, сўнгра сиз шу ҳақиқат билан келиша олиш имкониятини тополсангиз, ҳақиқатимизга қанчалик ишонсангиз, шунчалик бизга ёрдам беришингизни сўрардим.

– Агар саволни шу тариқа қўймоқчи бўлсангиз, аввал амалдаги тузумнинг бошқаларидан кўра кўпроқ инсонга фойда келтириши мумкинлигига мени ишонтириб кўринг.

– Ишонтиришга тайёрман. Ахир бу тузум – бизнинг давлатимиз, фюрернинг буюк ғоялари билан бошқарилаётган давлатимиз бўлса-ку, сизлар дин аҳллари шу давлатга мос тушадиган бирор нарса таклиф этмасангиз. Сизлар фақат маънавий баркамолликни таклиф этмоқдасизлар, холос.

– Жуда тўғри.

– Инсон фақат нон билан тирик бўлмагани каби, фақат маънавий барқарорлик билан ҳам тирик эмас-да, ахир. Бинобарин, биз халқимизга яхшилик истаймиз. Шундай экан, бу ишимизни миллатимизни маънавий жиҳатдан янада баркамол бўлишга олиб келадиган биринчи қадам деб ҳисоблайлик.

– Яхши, ундай бўлса мен сизга бир савол берай: концлагерлар ёки менга, руҳоний кишига нисбатан олиб бораётган терговингиз каби терговлар давлатчилигингизнинг муқаррар оқибати?

– Сўзсиз, чунки биз сизни миллатимиз нафратидан сақлаб турибмиз. Агар сиз фюрернинг

душмани, ғоямиз душмани эканлигингизни миллат билиб қолса, ер билан яксон қилади.

– Хўш, бошланиши қаерда-ю, оқибати қаерда? Миллат нафрати қаердан пайдо бўлди ва миллат нафрати сиз тарғиб қилаётган тузумнинг зарурий хислатимикан? Агар шундай бўлса – нафрат қачондан бери мустақил ижобий омилга айланган экан? Бу нафрат эмас, балки ёвузликка қарши реакциядир. Агар нафрат сизда асосни ташкил этса, агар нафрат сизда сабаб-у, бошқа нарсалар оқибат бўлса, хуллас, ёвузликни сабабга киритаётган бўлсангиз, нега энди ёвузлик – яхшиликдир деб мени ишонтирмоқчи бўлмоқдасиз?

– Йўқ, «ёвузлик» сўзини сиз ишлатдингиз, мен эса «халқ нафрати» дедим. Ҳа, бизни ҳақорат қилган кўп йиллик Версаль шартномасидан кейин яҳудий банкирлари ва дўкандорлари зулмидан сўнг биринчи марта тинч-тотув ҳаётга эришган халқ нафрати. Кимки, ҳатто у руҳоний бўлса ҳам, буюк фюрер бошқариб бораётган партиямиз келтирган улкан ютуқларга шубҳа билан қараса, ўша кишига халқ нафрат билан қарай бошлайди.

– Жуда яхши... Тинч яшаш ва уришиш, иккови ҳам бир нарсами?

– Биз ўзимизни ҳаёт макони билан таъминлаш учунгина уруш қилмоқдамиз.

– Аҳолининг тўртдан бирини қамоқхоналарда ушлаб туриш – бу яхшиликми ёки мен жонимни қурбон қилишим лозим бўлган ўша муштарак ҳаётми?

– Янглишяпсиз, бизнинг концлагерларимизда мамлакатнинг тўртдан бир қисми ётганича йўқ. Кези келганда шуни ҳам айтиш керак-

ки, концлагерлар кишиларни йўқ қилиш қуроли эмас, бинобарин, сиз душман манбаларидан олинган маълумотлардан фойдаланаётганга ўхшайсиз. Бунинг устига, бизнинг ҳар бир концлагеримиз дарвозасида: «Меҳнат озодликка олиб чиқади», – деб ёзиб қўйилган. Биз концлагерларда йўлдан адашганларни тарбияламоқдамиз, табиийки, адашмаган, лекин чинакам душманларимиз ўлимга маҳкум этилганлар.

– Демак, ким айбдор-у, ким айбдор эмаслигини сиз ҳал қиласизми?

– Шубҳасиз.

– Демак, ҳар бир кимсанинг нимани истаётганлигини: нимада хато қилади-ю, нимада йўқ, буни олдиндан билар экансиз-да?

– Мен халқ истагини биламан.

– Халқ денг. Кимлардан иборат ўша халқ?

– Одамлардан.

– Ҳар бир одамнинг истагини билмайсиз-ку, шундай экан, халқ истагини қаердан билардингиз? Тўғрироғи, нимани тилаши кераклигини олдиндан унга айтиб, мажбур қилишми? Бу – хом хаёл.

– Сиз ноҳақсиз. Халқ яхши овқатланишни истайди.

– Бунинг учун уруш қилишни ҳам дея қолинг?

– Сабр қилинг. Яхши овқатланиш, яхши уй-жойни, автомобилни, оилада хурсандчилик бўлишини ва шу бахт учун урушни, ҳа, урушни истайди!

– У бошқа мафкурадаги кишиларнинг қамоқхоналарда ётишини ҳам истайди денг? Агар бахт учун уруш муқаррар экан, демак, сизнинг бахтингизда нимадир нотўғри, чунки

бу тариқа эришиладиган бахт, менинг нуқтаи назаримдан, соф бахт бўлолмайди. Балки менинг қарашим сизнинг қарашингиздан фарқ қилса керак. Сизнинг нуқтаи назарингиз бўйича мақсад воситани оқласа керак. Иезуитлар ҳам шуни тарғиб қилиб келганлар.

– Сиз, руҳоний сифатида бутун насронийлик тараққиётини тафтиш қилмассиз? Ёки насронийлик таълимоти тараққиётидаги айрим даврларни – хусусан, инквизицияни қоралашга журъат қиласизми?

– Мен сизга қандай жавоб беришни биламан. Чунончи, насронийлик тарихида инквизиция бўлган. Менинг нуқтаи назаримда, испанларнинг миллат сифатида инқирозга учрашининг сабаби ҳам мақсаднинг воситага алмаштирилишидир. Дастлаб динни тозалаш воситаси сифатида таъсис этилган инквизиция аста-секин ягона мақсадга айланиб кетган. Яъни дастлаб мафкураси бошқача кишиларни дин воситаси билан соф кишиларга айлантиришни мақсад қилиб қўйган ана шу шафқатсиз жаҳолатни секин-аста ўз олдига ягона мақсад қилиб қўядиган бўлди.

– Тушунари. Қани айтинг-чи, насронийлик тарихида черков, табиийки, ҳукмдор қавмнинг тинч-тотув яшаши мақсадида бошқа мафкурадаги кишиларни кўп марталаб йўқ қилиб турганми?

– Гапингизга тушундим. Одатда, бидъатчилар йўқ қилинган. Насронийлик тарихидаги барча бидъатлар эса моддий манфаатларни кўзлаб қилинган ғалаёнларнинг ўзгинаси. Насронийликдаги барча бидъатчилар тенгсизлик ғоясини йўқлайди, ҳолбуки Исо пайғамбар

тенглик ғоясини тарғиб қилган. Насронийлик тарихида бидъатчиларнинг аксарияти бой камбағалга тенг эмас, камбағал бойни йўқ қилиши ёки ўзи бой бўлиб олиб, унинг ўрнини эгаллаши керак, деган фикрга асосланганди, ҳолбуки, Исо пайғамбарнинг таълимоти икки хил инсон ўртасида айтарли фарқ йўқ, бойлик ҳам, камбағаллик ҳам бу дунёдаги ўткинчи нарса деган фикрдан иборат эди. Исо пайғамбар кишиларни келиштирмоқчи бўлган бўлса, бидъатчилар қон тўкишга чақирди. Бинобарин, ёмонлик, жаҳолат ғояси бу – одатда, бидъатчилик таълимотларига тааллуқлидир, черков эса зўравонлик насронийликнинг маънавий қонунчилиқ мажмуасига кириб қолмасин деган мақсаддагина бидъатчиларга қарши куч ишлатди.

– Тўғри, аммо зўравонликка чақирган бидъатга қарши курашган черков ўзи зўравонликка йўл қўйган-ку?

– Ҳа, йўл қўйган, лекин уни мақсадга айлантирмаган ва амалий жиҳатдан оқламаган.

– Бидъатчиликка қарши зўравонлик, менимча, саккиз-тўққиз аср давомида ишлатилиб келинган, шекилли? Демак, зўравонликни йўқ қиламиз деб, саккиз юз – тўққиз юз йил давомида зўравонлик қилиб келинди. Биз 1933 йилда ҳокимият тепасига келдик. Хўш, биз яна нима қилиб берайлик? Ўн бир йил мобайнида биз ишсизликни тугатдик, ўн бир йил мобайнида биз ҳамма немисларнинг қорнини тўйгаздик, ҳа – бошқача мафкурадаги кишилар устидан зўравонлик ҳам қилдик! Сиз эса сафсаталарингиз билан бизга халақит бермоқдасиз! Агар сиз тузумимизнинг ашаддий душ-

мани бўлсангиз, маънавий асосга эмас, балки моддий асосга суянгангиз мақсадга мувофиқ бўлмасмикан? Хусусан, қавмингиз орасида давлатга қарши қандайдир гуруҳ ташкил қилиб, бизга қарши ишлашингиз мумкин-ку? Ҳокимиятнинг маълум вакилларига қарши қуроли ҳужумлар уюштириб, варақалар тарқатиб, саботаж¹², диверсиялар¹³ йўли билан курашишингиз мумкин-ку?

– Йўқ, оддий сабабларга кўра, мен бу йўлдан бормайман асло... мен бирор нарсадан қўрққан им учун эмас... Бундай йўлни нотўғри деб ҳисоблайман, шунинг учунки, мен сизларга қарши ўзларингизнинг усулларингизни ишлата бошласам, беихтиёр сизларга ўхшаб кетаман.

– Демак, қавмингиздан бирорта йигит келиб: «Пирим, мен тузумдан норозиман ва унга қарши курашмоқчиман», деса...

– Мен унга халал бермайман.

– «Мен гаулейтерни ўлдирмоқчиман» деса-чи? Гаулейтернинг уч боласи: икки, беш ва тўққиз яшар қизчалари, оёқлари фалаж хотини бўлса-чи? Хўш, унда нима қилардингиз?

– Билмадим.

Агар мен ўша киши ҳақида сўрасам, ҳеч нимани айтмайсизми? Уч қизалоқ билан бемор хотинининг ҳаётини сақлаб қолмайсизми? Ёки менга ёрдам берасизми?

– Йўқ, мен сизга ҳеч нимани айтмайман, чунки бир кишининг ҳаётини қутқараман деб бошқаларнинг ҳаётини хавф остига қўйиш муқаррардир. Ана шундай шафқатсиз кураш бораётганда, фаоллик сари босилган ҳар қан-

¹² Саботаж – зимдан қаршилиқ кўрсатиш.

¹³ Диверсия – қўпоровчилик.

дай қадам фақат яна қон тўкилишига олиб келиши мумкин. Руҳоний бундай вазиятда биргина йўлни тутиши – шафқатсизликдан юз ўгириб, жаллод томонида турмаслиги мумкин, холос. Афсуски, бу йўл бенаф, ўзини оқламайди, аммо бунда ҳар қандай фойдали йўл тутиш кўпроқ қон тўкилишига олиб келиши мумкин.

– Ишончим комилки, агар биз учинчи даражада сўроқ қилсак – бу эса қийноқ ва оғриқ деган гап – ўша одамнинг исмини айтиб берардингиз, албатта.

– Агар мени қийноқдан ақлини йўқотган ҳайвонга айлантисангиз, нимани истасангиз, шуни қилаверади деб ўйлайсизми мени? Бинобарин, шундай қилишим ҳам мумкин. Аммо бу ҳолда шу ишни мен қилган бўламан. Шундай экан, бошқа гапнинг ҳожати йўқдир? Менга қарши нималарни ўйлаб қўйган бўлсангиз, шуларни ишлатаверинг, мендан ҳайвон сифатидами, машина сифатидами, қанақасига фойдалансангиз-фойдаланаверинг...

– Айтинг-чи, агар сизга ашаддий душманлар чет элга – Буюк Британияга, Россияга, Швецияга ёки Швейцарияга бориб, ўртада воситачи бўлишни, биронта хатни олиб бориб берилишини илтимос қилсалар, шунга кўнармидингиз?

– Воситачи бўлиш мен учун табиий нарс.

– Нега энди?

– Шунинг учунки, одамларнинг худо билан ўзаро алоқа қилишларида воситачи бўлиш – менинг бурчим. Одамнинг худога муносабати шунинг учун керакки, одам ўз-ўзини тўла-тўқисинсон сифатида ҳис этади. Шунинг учун одамнинг худога муносабатини бир одамнинг иккинчи одамга муносабатидан ажратиб бўлмайди,

деб ҳисоблайман. Қонун-қоида жиҳатдан иккала муносабат ҳам бир хил – бирлик муносабатларидир. Шу сабабли одамлар ўртасида ҳар қандай масалада воситачилик қилиш мен учун табиий нарсас. Аммо бунда мен ўз олдимга бирдан-бир шарт – воситачилик яхшиликка хизмат қилиши ва яхши воситалар билан амалга оширилиши зарурлиги шартини қўяман.

– Воситачилик давлатимизга нисбатан ёмонлик бўлса-чи?

– Сиз мени умумий баҳо беришга мажбур этмоқдасиз. Агар давлат зўравонликка асосланган бўлса, руҳоний сифатида уни маъқуллашим мумкин эмаслигини яхши тушуниб турибсиз. Албатта, одамларнинг ҳозирдагига нисбатан бошқачароқ яшашларини истардим. Афсуски, бунга қандай йўл билан эришилишини билмайман. Аслини олганда, ҳозир бу давлатни ташкил қилган одамлар доим омон бўлишларини ва уларнинг ҳаммаси қандайдир бошқа бирликка уюшишларини истар эдим. Менда ҳеч кимни ўлдириш нияти йўқ.

– Менимча, хоинлик даҳшатдир, аммо хоинлик ҳам, қотиллик ҳам қандай содир бўлаётганлигини бефарқ ва қўл қовуштириб кузатиб туриш ундан ҳам баттар даҳшатдир.

– У ҳолда қотилликни тўхтатишга ҳаракат қилиш керак, холос.

– Уни тўхтатишга сизнинг қурбингиз етмайди.

– Ҳа, етмайди. Хоинликни сиз нима деб атайсиз?

– Хоинлик – сусткашлиқдир.

– Йўқ, сусткашлиқнинг ўзи хоинлик эмас.

– Хоинликдан даҳшатлидир...

Айсман бинонинг силкинаётганини сизди. «Бомбалар яқинга тушяпти, шекилли, – ўйлади у. – Ёки катта бомбаларни ташлашяпти... Жуда қизиқ суҳбат... Жуда қизиқ, аммо суҳбат оҳанги ғалати...»

У навбатчига қўнғироқ қилди. У кириб келди – ранги оқарган, юзини тер босган эди.

– Бу расмий ёзувми ёки назорат ёзувими? – сўради Айсман.

Навбатчи секин жавоб берди:

– Ҳозир аниқлаб бераман.

– Бомбалар яқин жойга тушяптими?

– Бизнинг деразаларимиз чил-чил бўлди...

– Бошпанага тушишингиз мумкин эмасми?

– Йўқ, – жавоб берди навбатчи. – Бу йўриқ-номада ман этилган.

Айсман суҳбатни тинглашни давом эттирмакчи бўлди, аммо навбатчи қайтиб келиб, Штирлицнинг суҳбатни ёзиб бормаганлигини айтди. Бу ёзув марказий аппарат ходимларини назорат текширувидан ўтказиш мақсадида махфий контрразведка кўрсатмаси билан ёзиб олинган экан.

7

– Ҳар қайсиси бир тоннаданми дейман бу бомбалар, – деди Шелленберг.

– Шунақага ўхшайди, – маъқуллади Штирлиц.

У ҳозир хонадан чиқиб кетиб, жилдда ётган қоғозни – «СД хоинларининг» Фарб билан музокара олиб бораётганлари тўғрисидаги ахборотни дарҳол ёқиб ташлашни истарди. «Шелленбергинг бу айёрлиги тагида кўп гап бўлса керак, – ўйларди Штирлиц. – Уни руҳоний аввал бош-

даноқ қизиқтириб келган. Келажакда айбни яшириш учун керак бўлган. Унга руҳонийнинг айнан ҳозир керак бўлиб қолгани жуда қизиқ, Гиммлерни хабардор қилмай туриб, бу ишни бошламаса керак!» Шунга қарамай, Штирлиц шошилмай, ҳазил аралаш, бўлажак операциянинг барча икир-чикирларини Шелленберг билан муҳокама қилиши кераклигини тушунарди. У ҳозир қанчалик шошилмай, баҳузур гапирса, иши шунчалик муваффақиятли бўлади...

– Менимча, самолётлар қайтпти, – деди Шелленберг овозларга қулоқ солиб. – Шундайми?

– Ҳа, яна бомба ортиш учун қайтиб кетпти...

– Йўқ. Булар базасига бориб, ўйин-кулги қилиб ўтирадилар... Самолёти етарли, бизни кетма-кет бомбардимон қилишлари мумкин... Демак, пасторнинг синглисини болалари билан кафил сифатида сақласак, у қайтиб келади деб ҳисоблайсизми?

– Албатта...

– Қайтиб келгач, Мюллер сўроқ қилса, алоқа боғлаш учун уни сиз юборганингизни айтмайди деб ўйлайсизми?

– Билмадим. Ким сўроқ қилишига боғлиқ.

– Яхшиси, суҳбатни магнитофон тасмасига ёзиб қолдириш керак, у эса... бомбардимон пайтида ҳалок бўлар...

– Ўйлаб кўраман...

– Узоқ ўйлайсизми?

– Яхшилаб, ҳар томонлама ўйлаб кўришга ижозат беришингизни сўрайман.

– Ҳар томонлама ўйлашга қанча вақт кетади?

– Кечқурун бирор нимани таклиф этишга ҳаракат қиламан.

– Маъқул, – деди Шелленберг. – Ахийри учиб кетишди... Қаҳвага қалайсиз?

– Қаҳва ичгим бор, аммо ишни тугатай.

– Яхши. Ҳамма нарсани тўғри тушунганингиздан хурсандман, Штирлиц. Бу билан Мюллернинг адабини бериб қўямиз. У сурбетлик қиляпти. Ҳатто рейхсфюрерга ҳам. Майли, биз унинг ишини бажарайлик, армонда қолмасин... Биз рейхсфюрерга катта ёрдам берган бўламиз.

– Рейхсфюрер бундан хабардор эмасми?

– Йўқ... Йўқ – шундай деб фараз қилиб турайлик... Тушунарлими? Умуман, сиз билан ишлаш ёқади менга...

– Менга ҳам.

– Нега жаҳлингиз чиққан кўринасиз?

– Жаҳлим чиққанича йўқ. Ундай пайтда жуда хомуш бўламан. Ҳозир хаёлга ботганман.

Шелленберг штандартенфюрерни эшиккача кузатиб борди, қўлини сиқиб деди:

– Агар ҳаммаси жойида бўлса, беш-олти кун тоғда дам олишингиз мумкин: ҳозир чанғида учадиган пайт – кўкимтир қор, қуёшда қораясиз... Жуда маза-да! Уруш пайтида кўп нарсаларни унутиб юбордик-а...

– Пасхада кўп ичиб қўйиб, пальто кийиш эсимиздан чиқиб қолгандек, аввало, ўзимизни унутиб юбордик...

– Ҳа, ҳа, – хўрсинди Шелленберг, – худди эсдан чиқиб қолган пальтодек... Шеър ёзмаганингизга анча бўлдимми?

– Ҳали бошлаганимча йўқ...

Шелленберг бармоғи билан пўписа қилиб деди:

– Оз бўлса ҳам ёлғон гапирсангиз бутунлай ишончни йўқотиб қўйишингиз мумкин, Штирлиц.

– Онт ичишим мумкин, – кулди Штирлиц, – шеърдан бошқа ҳаммасини ёзганман, лекин қофияга йўқман...

Штирлиц Гиммлер номига ёзилган хатни йўқ қилиб, Шаҳзода Альбрехтштрасседаги бинодан чиқиб, аста Шпрее томон йўл олди. Тунда ғишт парчаларига тўлиб кетган йўлка супурилган эди: ҳозир бир кечада икки-уч марталаб бомбардимон бўлиб қоларди.

«Ишим пачава бўлишига сал қолди, – ўйларди Штирлиц, – Шелленберг пастор билан шуғулланишни менга топширган пайтда уни ҳозир Швейцарияда муҳожирликда яшаётган собиқ канцлер Брюнинг қизиқтирган эди. Фақат шунинг ўзи. Пасторнинг кимлар билан алоқаси борлигигина қизиқтирганди: шунинг учун пастор биз билан ҳамкорлик қилмоқчи деганимда, Шелленберг чолни бўшатишга дарҳол рози бўлганди. У мендан кўра узоқни кўра билган экан. У ўзларининг жиддий тадбирларида пасторни сохта шахс сифатида сақлаб турган. Бу кулги-ку: қандай қилиб пастор Вольф операциясида қатнашиши мумкин? Ўзи қандай операция экан? Ундан кимга фойда? Нега Вольфнинг Швейцарияга кетганини гапирганда, Шелленберг радиони баланд қилиб қўйди. Агар у буни баланд овоз билан айтолмаётган бўлса, демак, қандайдир катта тадбирга уринилмоқда, обертруппенфюрер Карл Вольфга эса кенг ваколат берилган, унда Риббентроп ёки Фегеляйнкидек СС унвони ҳам бор. Шелленберг Вольф ҳақида менга айтмаса бўлмасди, чунки унга, ўзим нима гаплигини билмай туриб, операцияни қандай тайёрлашим мумкин, деб савол беришим турган гап эди. Фарбагилар Гиммлер

билан бир стол атрофига ўтирмоқчиларми? Умуман олганда, Гиммлер катта куч, буни улар тушунадилар, кучга эга бўлмаганлар билан музокара олиб боришдан ҳеч қандай маъно чиқмайди. Уларнинг бир стол атрофига ўтиришини ҳаёлга келтириш ҳам қийин... Майли... Пастор хўракка қўйиладиган, уларнинг айбини бекитувчи бир нарса, тажрибага ажратилган қуён бўлиши керак: уларнинг фикри шундай. Аммо улар Шлагнинг у ерда алоқаси кенг эканлигини ҳисобга олмаганлар. Бинобарин, мен чолга шундай йўл-йўриқ кўрсатишим керакки, у ердаги таъсиридан ўзини жўнатган кишиларга, – албатта мен орқали жўнатган, – қарши фойдалана олсин. Мен ундан қўшимча алоқа канали сифатида фойдаланмоқчи эдим, аммо унга бундан ҳам масъулиятли ролни ўйнашга тўғри келадиган кўринади. Швейцарияда у алоқа ўрнатмайди, албатта. Агар мен уни Шелленберг матни билан эмас, балки ўз йўл-йўригим билан таъминласам, унинг ҳузурига Ватикандан ҳам, инглиз ва америкаликлардан ҳам одам келади. Буниси равшан. Демак, мен шундай режани тайёрлаб беришим керакки, у ерга борган ёки бормоқчи бўлган немисларга нисбатан унга кўпроқ қизиқиш туғилсин. Кўрайлик-чи, ким ғолиб чиқар экан. Ҳар ҳолда, биринчидан, унинг учун амал қилишадиган режа, иккинчидан, Гитлер ва Гиммлерга нисбатан қарши кучлар сифатида уни юборган одамларнинг исми зарур».

Штирлиц «Вайнштюббе»га тушиб, бир қадаҳ коньякни аллақанча вақт эрмак қилиб ўтирди. Бу ер жимжит, ўйлашга ҳеч ким ҳалақит бермасди. Ҳозир у бутун вужуди билан ўйга

ботган эди – кечириб бўлмас ёки пайқаб олиш қийин ҳодисага дуч келган пайтларда шундай аҳволга тушарди.

Бу киши ҳақида ҳеч ким ҳеч нима билмасди. У кинохроника кадрлари ва фотосуратларда фюрернинг ёнида камдан-кам кўринарди. Ўрта бўйли, юмалоқ бошли, юзи чандиқ бу киши сураткашлар орқасига яширинишга уринарди. 1924 йилда у сиёсий қотиллик учун ўн тўрт ой қамоқда ётиб чиққан дейишарди. Шундан кейин умумий афв бўйича озод бўлгач ёки қамоқдан қочгач, ҳарқалай яшириниб юрган – бунинг қайси бириси аниқлиги тирик жонга маълум эмасди. Гесс Англияга учиб кетган кунига қадар уни ҳеч ким билмасди. Гиммлер «ана шу фоҳишахона»да тартиб ўрнатиш ҳақида фюрернинг буйруғини олди. Фюрер партия идораси ҳақида ана шундай деганди – бу идоранинг бошлиғи эса партия аъзолари орасида фюрерни исми билан атайдиган ва «сенлаб» гаплашадиган бирдан-бир киши Гесс эди. Гиммлер одамлари бир кеча давомида етти юзга яқин кишини қамадилар. Уларнинг бир қисмини кейин бўшатишга тўғри келди, бир қисми узоқ муддат билан концлагерларга жўнатилди. Гесснинг энг яқин ходимлари қамоққа олинди, аммо партия идораси бошлиғининг энг яқин ёрдамчиси – унинг ўринбосари Мартин Борман бундан холис қолди. Устига устак, маълум даражада Гиммлерга нима қилиш кераклигини маслаҳат бериб турган кишига айланди: у ўзига керакли одамларни омон сақлаб қолди, кераксизларни, аксинча, қамоқхонага жўнатаверди.

Гесс ўрнига ўтиргандан кейин ҳам у мутлақо ўзгармади: илгаригидек индамас, илгаригидек Гитлернинг ҳамма гаплари ёзиладиган чўнтак дафтарчасидан айрилмасди; Шу илгаригидек камтарона яшар, бегона кўзлардан ўзини олиб қочарди. У илгаригидек Геринг, Гиммлер ва Геббельсларни ҳурмат-иззат қиларди, аммо аста-секин, бир-икки йил ўтгач, фюрерга шундай зарур одам бўлиб қолдики, у ҳазил қилиб Борманни ўзининг сояси деб ҳам атаган эди. У ишни шунчалик уюштирган эдики, Гитлер бирор масала билан қизиқиб қолса, овқатланиш олдиданми ёки қаҳва ичаётган пайтида-ми, Борман жавобни тахт қилиб турарди. Бу ишлар хўжакўрсинга эмас, балки шошма-шошарликсиз, пишиқ-пухта бажариларди. Бир куни Берхтесгаденда фюрерни халқ гулдурас қарсақлар билан кутиб олиб, учрашув тасодифан катта намоёишга айланиб кетганда, Гитлернинг офтобда турганини Борман назарга олиб қўйди. Эртасигаёқ Гитлер ўша жойда эман дарахтини кўриб қолди: бир кечада Борман катта бир дарахтни кўчириб келиб ўтқаздирибди... Гитлер Борманни қойиб қўйди, аммо ичида ёрдамчисининг шунчалик меҳрибончилигидан хурсанд эди. Борман Гитлер учун ҳамма хатларни тайёрлаб берарди, фюрер столи устига тушиши керак бўлган барча маълумотларни кўриб чиқарди. Бир вақт Геббельс учувчиларнинг жасорати тасвирланган бир альбомни Гитлерга юборганида, Борман: «Шунчалик ошкора тарғиб қилиш, ёлғон нарса билан фюрернинг асабини бузиш шартмикан?» деган хат билан уни қайтариб юборганди.

У Гитлернинг ўз нутқларини олдиндан тайёрламаслигини билар эди: фюрер тайёрланмай гапиришни яхши кўрарди ва нутқи яхши чиқарди ҳам. Аммо Борман чет элдан келган давлат арбоблари билан ўтказиладиган учрашувлар олдиндан ёки 9 ноябрда – инқилоб байрами кунида кўпроқ эътибор берилиши лозим бўлган – унинг нуқтаи назаридан, албатта – масалалар юзасидан фюрерга тезис ёзиб беришни сира унутмасди. У бундай кўзга кўринмайдиган, лекин жуда муҳим ишни жуда одоб билан бажарардики, Гитлерда, дастурий нутқларимни бошқа одам ёзиб беряпти, деган фикр пайдо бўлмасди, – у Борманнинг ишини ўз вақтида бажарилган, зарур котиблик иши деб қабул қиларди. Бир куни Борман касал бўлиб қолганда, Гитлер эртасигаёқ иш юришмаётганлигини сезиб, унинг олдига шахсий шифокорини юборди.

Борман фюрернинг ҳузурига бирор кимса қандай масала билан кирмоқчи бўлганлигини, ўша кишининг иззат-нафсига тегмай, одоб доирасидан чиқмай, билиб олишга уста эди. Шунингдек, қабул пайтида ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида кимга ва қандай маслаҳат беришни ҳам биларди. У қабулга келган кишини шундай тайёрлардики, унинг фикри билан фюрер фикри бир-бирига мос тушиб қўя қоларди.

Кимки ўз нуқтаи назарини ёқлаб фюрер билан баҳслашувга журъат этса ва унинг фикри умумий фикрга мос келмаса, шу кишиларни Борман Гитлер ҳузурига бундан кейин киргизмасликка ҳаракат қиларди.

Борман чиройли гапиролмасди, аммо расмий қоғозларни ёзишга моҳиру ақлли одам эди. У ўз ақлини дағаллик, тўғрисиўзлик, сод-

дадиллик ниқоби остига яшира оларди; унинг қўлидан ҳамма нарса келарди, аммо ўзини арзимас, лекин сал-пал масъулиятли қарор қабул қилиш олдидан ҳам «маслаҳатлашиб олишни» зарур ҳисоблаган оддий кишилардек тутарди...

Худди ана шу киши – Мартин Борман қўлига СД махфий почтасидан «шахсан» деб шарҳланган ва мазмуни қуйидагича хат келиб тушди: «Партайгеноссе Борман! Сизнинг котибиятингизда СД одамлари бор – уларнинг исм-шарифлари менга номаълум, аммо мен шахсан сизнинг топширигингизни олсам, буларни аниқлаб бера олардим. Ушбу хатнинг сизга бориб тегишига кўзим етмайди, агар қўлингизга тегса – давлат аҳамиятига эга бўлган иш юзасидан сизга мурожаат этаман. Ҳозирги пайтда менга маълум бўлган кишилар фюрердан яширинча равишда Швеция ва Швейцариядаги чириган Ғарб демократияси вакиллари билан алоқа ўрнатишга уринмоқдалар. Ялпи уруш бўлиб турган бир вақтда, жанг майдонларида жаҳоннинг келажаги ҳал қилинаётган кунларда шу воқеа юз бермоқда. Ана шу хоинона музокараларнинг икир-чикирларигача сизни хабардор қилиб туришим мумкин. Аммо менга кафилик керак, чунки ушбу хатим СД аппаратига тушиб қолгудек бўлса – мени дарҳол йўқ қиладилар. Шу сабабли хатга имзо чекмадим. Агар менинг ахборотим сизга муҳим бўлиб туюлса, эртага соат 13.00 да табиатшунослик музейи қаршисидаги «Нойе Тор» меҳмонхонасига келишингизни сўрайман. Фюрерга содиқ НСДАП аъзоси».

Борман бу хатни тутиб, узоқ вақт ўйланиб қолди. Бир неча марта қўли телефонга югур-

ди. Унинг гестапо бошлиғи Мюллерга телефон қилиш нияти туғилди. Мюллер билан бир-бирларига қанчалик хизмат кўрсатганликларини эслади. Эски полициячи бўлган Мюллер ўттизинчи йилларнинг бошларида икки марта Бавариядаги нацизм йўналишида фаолият кўрсатаётган партияни тор-мор қилганди. Бу партия Германия давлат ҳокимиятининг партиясига айлангач, унга хизмат қила бошлади. 1939 йилгача гестапо бошлиғи партиясиз эди: хавфсизлик хизматидаги ҳамкасабалари унинг Веймар республикаси давридаги жонбозликларини кечиролмадилар. Борман, худди шу Борман – Мюллер бундан яхши биларди – шахсан фюрер олдида кафилик бериб, унинг партия сафига киришига ёрдамлашган эди. Бироқ Борман Мюллерни ўзига унча яқинлаштирмасди. У ичида СС даги кишиларга унча ишонавермасди. Улар қандай тадбир кўрмасинлар, оқибатда Гиммлерга хизмат қилардилар. Шу дамгача Мюллерни кузатиб келганди ва яқинлаштириш нияти бўлса, уни ҳамма нарсадан хабардор қилиб, жуда яқинлаштириш керак, бўлмаса – фойдаси йўқ.

«Бу қанақаси бўлди? – ўйларди Борман, ўнтинчи марта хатга кўз ташлаб. – Ифвоми? Ундай бўлмаса керак. Мияси касал одам ёзганмикан? Бундай бўлиши ҳам мумкин эмас – рост гапга ўхшайди... Шу одам гестаподан бўлиб, Мюллернинг ҳам бундан иштироки бўлса-чи? Кема фарқ бўлиши олдидан каламушлар қочиб қолади – ҳамма нарса бўлиши мумкин... Ҳар ҳолда, бу ҳужжат Гиммлерга қарши танланган кузур қарта бўлиши мумкин. Ана шунда мен бу аблаҳдан чўчимай, ҳамма партия пуллари-

ни унинг одамлари номига эмас, ўз одамларим номига бетараф мамлакатлар банкларига бемалол ўтказишим мумкин...»

Борман бу хат устида узоқ хаёл сурди, аммо тайинли бир қарорга келолмади.

* * *

Айсман яна магнитофонни қўйди. У Штирлицнинг бир оз бўғиқ овозига тамаки тутатиб, қулоқ солиб турди.

– Нега сиз бизга қарши куч ишлатмаяпсиз? Очиқ-ойдин жавоб бераверинг. Гапимиз шу хонадан нарига чиқмайди, ваъда бераман.

– Шунинг учун бўлса керакки, мен шахсан ўзим куч ишлатишдан воз кечиб келдим. Аммо ҳар бир киши ҳаётида шундай пайт ҳам келиши мумкинки, у ортиқ чидаб туролмайди. Агар сиз, сени йўқ қилиб ташлайман, деб дўқ урсангиз, мени ҳам шундай қилишга мажбур этасиз. Аммо мен ёмонлик қилиб туриб, уни яхшилик деб атамайман. Ўртамиздаги фарқ шундаки, сиз ёмонлик қила туриб, уни яхшилик деб атайсиз, мен эсам сизникига жавобан ёмонлик қилар эканман, ёмонлик қилганимни доим эслайман.

– Айтинг-чи, бизнинг қамоқхонамизда икки ой ўтириш қўрқинчли бўлдимиз?

– Мен учун сизлар ҳокимият тепасига чиқиб олган ўн бир йил қўрқинчли бўлди.

– Буниси демагогия. Қамоқхонамиздаги камералар қўрқинчли эканми?

– Сўзсиз.

– Сўзсиз, албатта. Агар бирорта мўъжиза юз бериб қолгудек бўлса-ю, биз сизни озод қилиб юборсак, яна шу ерга тушишни истармидингиз?

– Йўқ. Мен сизлар билан умуман ҳеч қандай алоқада бўлишни истамасдим.

– Жуда яхши. Агар сизни озод қилиш учун мен билан яхши алоқада, инсоний муносабатда бўлишингизни шарт қилиб қўйсам, розимисиз?

– Албатта. Сиз билан соф инсоний муносабатда бўлиш ўзимнинг одамларга нисбатан табиий муносабатимнинг оддий ифодаси бўлади. Агар сиз менинг ҳузуримга партиянинг ташаббускори эмас, балки қай даражада инсон бўлиб келсангиз, мен ҳам сизни шу даражадаги инсон деб қабул қиламан.

– Лекин мен ҳузурингизга ҳаётингизни қутқарган киши сифатида келаман.

– Маъқул.

– Шу нарса ёдингизда бўладими?

– Албатта.

– Табиийки, сиз энди қавмга эга бўлолмайсиз. Ёлғиз, кўзга ташланмай яшайсиз. Ортиқ тарғибот қилмайман деб менга ваъда бера olasизми?

– Бўлак қандай чораси бор?

– Агар сизни озод қилишнинг уддасидан чиқолсам, мендан миннатдор бўлишингиз керак.

– Сиз менга шахс сифатида ёрдам бера-япсизми ёки мендан бирор ишда фойдаланиш мўлжалингиз борми?

– Фойдаланиш мўлжалим бор.

– Ундай бўлса, сиз мақсад қилиб қўйган нарса яхшилиқ эканлигига ишонч ҳосил қилишим керак; акс ҳолда ижобий жавоб беришим қийин.

– Менинг мақсадларим софлигига ишонаверинг.

– Мендан нима қилишни сўрайсиз?

– Давлатимиз хизматида бўлган талайгина ошна-оғайниларим бор. Улар фан арбоблари, партия ташаббускорлари, ҳарбийлар, журналистлар, хуллас, одамлар. Агар мен бошлиқларимни сизни озод қилишга қўндирилсам, албатта, сиздан ана шу кишилар билан суҳбат қилишни сўрардим. Мен бу суҳбатлар ҳақида сиздан ҳисобот сўрамайман. Мен, албатта, қўшни хонада диктофонлар ўрнатилмаганлигига кафил бўлолмайман, аммо сиз ўрмонга ўтиб, ўша ерда суҳбат қилишингиз мумкин. Шу кишиларда, сизнинг нуқтаи назарингиздан, ёмонлик ёки яхшилик даражаси қанчалиги ҳақида фикрингизни эшитсам. Бундай дўстона хизматни бажара оласизми?

– Ҳа... ҳа, албатта... Аммо менда нега шундай таклиф тушяпти деган қўп саволлар пайдо бўляпти?

– Сўрайверинг.

– Менга сиз ё ортиқча ишонч билдириб, бошқа ҳеч кимдан сўрай олмайдиган ёрдамни сўрамоқчисиз ёки менга нисбатан ифво ишлатяпсиз. Агар ифво қилаётган бўлсангиз, гапимиз яна қовушмайди.

– Яъни?

– Яъни, биз яна тил топишолмаймиз. Сиз партия ташаббускори бўлиб қолаверасиз, мен эса шундай ташаббускор бўлмаслик йўлини излаётган одам бўлиб туравераман.

– Мен сизга нисбатан ифво қилмаслигимни қандай исботласам ишонасиз?

– Қўзимга тикилиб қарасангиз...

– Ана энди ўзаро ваколат қоғозларини алмашдик деб ҳисобласак бўлади.

– Пасторнинг қамоқхонада ўзини қандай тутганлиги ҳақидаги маълумотларни олиб кўринг, – сўради Айсман плёнкани тинглаб бўлгач. – У ерда ўзини қандай тутган, ким билан алоқада бўлган, маҳбуслар билан гапирган гаплари, нималарга қизиққан... Қисқаси, иложи борича батафсилроқ бўлсин.

...Бир соатдан сўнг тайёрлаб берилган жавоб уни ҳайратда қолдирди. 1945 йилнинг январь ойида пастор Шлаг қамоқхонадан озод қилинган экан. У СД фойдасига ишлашга розилик берганми ёки бошқа номаълум сабабларга кўра, уни озод қилишганми – ҳужжатлардан буни тушуниб олиш қийин эди. Шлаг озод қилинсин ва Штирлицнинг назорати остига берилсин, деган Шелленбергнинг оғзаки буйруғи бўлган экан. Бор гап шу. Бошқа ҳеч нима йўқ. Айсман ўрнидан туриб, хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юра бошлади, у ташвишга тушди ва ўзини ғалати сизди, ўзини ожиз ва заиф ҳис эта бошлади.

Яна ярим соат ўтгач, унга сўнгги ҳужжатни келтирдилар: Шлаг озод қилингандан кейин – у билан олтинчи бошқарманинг махсус айғоқчиси шуғулланган.

– Маълумотлар борми? – сўради Айсман.

– У штандартенфюрер Штирлиц билан бевожита алоқа боғлаган.

– Ёзувлар қолмаганми?

– Йўқ, – жавоб беришди, – операция манфатини кўзлаб ёзув олиб борилмаган...

– Ўша айғоқчини топинг, – илтимос қилди Айсман. – Аммо шундай қилингки, буни фақат уч киши: сиз, мен ва ўша айғоқчидан бошқа ҳеч ким билмасин...

Кальтенбруннер Мюллерга телефон қилиб, Прагага – генерал Крюгерга – фюрернинг махфий қарори лойиҳасини юборишни сўради.

– Шундай қилмасак, худди Краковга ўхшаб, Прагани ҳам бой бериб қўямиз. Буйруқ билан ўзингиз ҳам танишиб чиқинг – буйруқ фюреримизга хос бўлган жасорат ва даҳолик намунасидир.

«Фюрер қўйидагича буйруқ қилади:

Мазмуни: Германия ҳудудидagi объектларни вайрон қилиш тўғрисида.

Халқимизнинг ҳаёт-мамоти учун олиб борилаётган кураш душманнинг ҳарбий кучини заифлаштирадиган ва ҳужумини тўхтата оладиган барча воситалардан Германия ҳудудида ҳам фойдаланишга мажбур этмоқда. Душманнинг жанговар куч-қудратига бевосита ёки билвосита иложи борица кўпроқ зарар етказиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Қўлдан кетган ҳудудлар қайта қўлга олингандан кейин чекиниш олдидан вайрон қилинмаган ёки оз муддатга ишдан чиқарилган йўллар, алоқа воситалари, саноат корхоналари ва коммунал хўжалик муассасаларидан яна фойдаланиш мумкин бўлади деб ўйлаш хатодир. Душман чекинаётганда маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини назар-писанд қилмайди ва бор нарсани ёндириб, қуруқ ернигина ташлаб кетади. Шу сабабли буюрам:

1. Германия ҳудудида жойлашган барча йўллар, алоқа воситалари, саноат корхоналари ва коммунал хўжалик муассасалари, шунингдек, душман бирор меъёردa фойдаланиши мумкин бўлган моддий захиралар дарҳол ёки озгина муддат ўтгач, йўқ қилиниши лозим.

2. Барча ҳарбий объектларни (жумладан йўл иншоотлари ва алоқа воситаларини) йўқ қилиш юзасидан масъулият ҳарбий қўмондонликнинг инстанцияларига, барча саноат корхоналари, коммунал хўжалик корхоналари, шунингдек турли моддий захираларни йўқ қилиш юзасидан масъулият гаулейтерларга ва давлат мудофаа комиссарлари зиммасига юклатилсин. Қўшинлар гаулейтерларга ҳамда давлат мудофаа комиссарларига уларнинг олдидан турган вазифаларни бажаришда зарур бўлган ёрдамни кўрсатишлари лозим.

3. Мазкур буйруқ дарҳол барча командирларга етказилсин. Ушбу буйруққа зид келади-ган барча фармойишлар ўз кучини йўқотади.

ГИТЛЕР».

8

Борман билан учрашувга Штирлиц машинасида, кўчалардан айланиб, ҳар эҳтимолга қарши кетига ҳеч ким тушмаганлигини текшириб шошилмай борарди. Шу учрашувдан умидвор эди, чунки қармоққа жуда мазали хўрак илинган эди. Штирлиц кетига биров тушган ёки тушмаганлигини беҳосдан текширадиган бўлиб қолди; кейинги кунларда уни шубҳалантирадиган воқеа бўлмади, илгаригига ўхшаб ярим кечаси уйғониб кетгани ҳам йўқ. Илгари уйғониб кетган пайтларида вужуди билан ташвишни сезиб тургандай бўларди. Шунда у чироқни ёқмай, узоқ вақт кўзини очганча ётаверарди, ўтган ҳар бир дақиқасини, ҳар бир киши, ҳатто сут сотувчи, метродаги тасодифий йўловчи билан гаплашган ҳар бир сўзини

синчиклаб таҳлил қиларди. Чунки бу кишилар ҳам назорат остида бўлишлари ва у, тасодифан, ўзи билмай зарба остига тушиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Штирлиц машинада юришни афзал кўриб, ортиқча тасодифий учрашувлардан холи бўлиб юрарди. У дунёдан ўзини бутунлай ажратиб қўйиш ҳам бемаънилик бўлади деб ҳисобларди. Марказдан ҳар хил топшириқ келиши мумкин. Ана шунда юриш-туришни кескин ўзгартириб юборса, ўзини кузатиб юрганларни шубҳага солиб қўяди, рейхда ҳар бир кишини кузатиб юришлари Штирлиц учун сир эмасди.

У музейларда кўп бўларди. Биринчидан, музейларда одатда одам кам бўларди, хоналар акс садоли ва баланд, орқа томондан бирор кишининг келаётгани кўшни залдан эшитилиб туради. Иккинчидан, музейларда, кўпинча туман гестапосининг хабарчилари бўлган назоратчилар ишлайди ва у агар музейга борган бўлса, – у, одатда, ҳарбий формада борарди – ҳамма назоратчилар қачон, ким билан ва қанча вақт бўлганлигига гувоҳ бўлишлари мумкин. Музейларга СС одамлари кам боришини билиб, у атайлаб форма киярди, унинг дабдабали полковник унвонли кийими дарҳол кўзга ташланарди.

У майда-чуйда нарсалар устида ҳам синчиклаб ўйларди: унинг касбидаги одамлар, одатда, майда-чуйдаларда қўлга тушиб қолардилар. Ана шу майда-чуйдаларни олдиндан ўйлаб қўйиш уни қутқарарди. Чунки бу дунёда майда-чуйда нарсалар йўқ, фақат зийрак ва лапашанг одамлар бор, холос.

...Штирлиц беҳосдан кўзгута қаради ва ҳайрон бўлиб, ҳуштак чалиб юборди: Курфюрстен-

дам ёнида унинг кетига тушган «Вандерер» ҳамон келяпти. Штирлиц акселератор педалини куч билан босди, «Хорьх» тез юриб кетди. Штирлиц Александерплац томон ҳайдади, кейин Бергштрассега бурилди, қабристон ёнидан Ветераненштрассега ўтиб, орқасига яна қаради, унинг кетидан тушган машина кўринмасди. Штирлиц яна бир марта шу йўлдан айланиб чиқди, ўзи севган «Дағал Готлиб» қовоқхонаси ёнидан ўтиб тўхтади – ҳали вақт бор эди.

«Агар улар яна кетимга тушишса, – ўйларди у, – демак бирор ҳодиса юз берган. Нима юз бериши мумкин? Ҳозир ўтириб, коньяк устида ўйлаб кўрамиз...»

Бу қадимий қовоқхонани у жуда севарди. Шунинг учун ҳам «Дағал Готлиб» деб аталарди. Қовоқхона хўжайини меҳмонларни – уларнинг унвони, амали ва мавқеидан қатъий назар – ҳаммани қуйидаги сўзлар билан кутиб оларди:

– Келардилар-да, бесўнақай! Жононингни ҳам олиб келдингми – ёмон эмас... Нақ пиво бочкасининг ўзи, тўғрироғи, қари сигирга ўхшайди!

Готлиб, айниқса, энг ҳурматли мижозларини қўпол сўзлар билан кутиб оларди. Аслида бу ҳурматсизликдан эмас, балки чуқур эҳтиромдан далолат беришини Штирлиц кейинроқ сеза бошлади.

Штирлиц Готлибнинг хаёл суриб турган пайтига тўғри келди. Шунда ҳам у:

– Салом, тентак! Ўтир, нафсингни қондир... – деди.

Штирлиц унинг қўлини сиқиб қўйди, икки марка узатиб, четроқдаги, устун орқасидаги столча ёнига ўтирди. Устунга Макленбург ба-

лиқчиларининг беадаб ва ўта сўқинишлари ёзиб ташланган эди. Булар саноатчиларнинг ёши ўтиб бораётган хотинларига жуда маъқул бўларди.

«Нима бўлиши мумкин? – ўйини давом эттирди у, коньяк ичар экан. – Алоқани кутмаётирман – бу томондан хотиржамлик. Эски ишларми? Янгиларини эплай олмаяптилар-ку – саботаж кенгайиб бормоқда, Германияда бундай саботаж ҳеч қачон бўлган эмас. Эрвинмикин? Тўхта... Узатгични топиб олган бўлсалар-чи?»

Штирлиц тамакисини олди, жуда чеккиси келган бўлса ҳам, чекмай яна ёнига солиб қўйди.

Эрвин ва Кэт яшаган уй вайронасига боргиси келди.

«Мен катта хато қилдим, – тушунди у. – Ҳамма касалхоналарни ўзим текшириб чиқишим керак эди – борди-ю, ярадор бўлсалар-чи? Бекор телефонга ишондим... Борман билан суҳбатдан сўнг дарҳол шу иш билан шугулланаман... У, албатта, келиши керак. Улар қаттиқ сиқувга олинганда, дарҳол демократлашиб қоладилар. Ишлари жойида бўлса, яқинларига йўлатмайдилар, тамом бўлаётганликларини сезганларида эса қўрқоқ, хушмуомала ва демократ бўлиб қоладилар. Ҳозир мен ҳаммасини, ҳатто Эрвин билан Кэт ишини қўя туришим керак. Аввал анави жаллод билан гаплашиб олай. Балки «Вандерер»дан бекорга шубҳалангандирман?

У қовоқхонадан чиқиб, рулга ўтирди ва Инвалиденштрассега, табиатшунослик музейи томон йўл олди. У ерда «Нойе Тор» меҳмонхонаси олдида бир соатдан кейин уни Борман кутиши керак. Агар кетига одам тушган бўлса,

ундан қутулиш учун вақт етарли. У дам-бадам кўзгуга қараб, машинасини секин ҳайдаб борди, орқада қора «Вандерер» кўринмасди.

«Балки Шлаг билан бўладиган операция ол-дидан Шелленберг мени текширмоқчи бўлар? – ўйлаб қолди у. – Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку. Балки асаби бузиляптимикин?»

У яна ойнага қаради – йўқ, кўчада машинанинг қораси кўринмайди. Йўлкаларда тинчлик пайтидан фойдаланиб, хушчақчақ болалар ролик конкиларда учиб юардилар. Доғ босган, сувоқлари кўчган, иморатлар олдида одамлар навбатда туришарди: гўшт кутаётган бўлишса керак.

Штирлиц машинасини «Шарпте» касалхонаси ёнига қўйди-да, касалхона боғи орқали Инвалиденштрассе кўчасидаги музей ёнига чиқди. Бу ерда жимжитлик: кўчада ҳеч ким йўқ. У атайлаб шу жойни танлаган эди – бу ердан ҳамма нарса қафтда тургандек кўриниб турарди.

«Айтгандек, улар ўз одамларини меҳмонхонага ҳам қўйишлари мумкин. Агар Борман Гиммлерга хабар қилган бўлса, шундай қиладилар. Агар хабар қилмаган бўлса, унинг одамлари, албатта, илмий ходимлар ниқоби остида меҳмонхонанинг нариги бетида юришлари керак...»

Штирлиц шу куни ҳарбий формасиз, бошида берет, бурнига катта шох суякли кўзойнак тақиб олган эди – уни узоқдан таниб бўлмасди. Музейга киравериш хонасида Уралдан келтирилган катта малахит ва Бразилиядан келтирилган аметист¹⁴ турарди. Штирлиц ҳамиша Бразилия аметист ёнида тўхтарди-ю, аммо Урал тошини томоша қиларди.

¹⁴ Аметист – сафсар ёки кўкиш сафсар рангли минерал, қимматбаҳо тош.

Кейин у шошилмай ойналари синиқ катта залдан ўтди. У ерда баҳайбат динозавр макети турарди. Бу жойдан туриб музей олдигаги майдон ва меҳмонхонани кузатиш жуда қулай эди. Йўқ, ҳаммаёқ жимжит, ҳатто ҳаддан ташқари жимжит. Штирлиц музейда бир ўзи эди – бунақада кўзга ташланиш осонроқ бўлади.

Шунинг учун кўп вақт томоша қилиш мумкин бўлган экспонат ёнида тўхтади: мия суяклари тараққиётининг ўн учта босқичи кўрсатилган эди бу ерда. Саккизинчи мия – павиан, тўққизинчи – гиббон, ўнинчи – орангутанг, ўн биринчи – горилла, ўн иккинчи – шимпанзе, ўн учинчи – одам мияси экан.

«Нега энди ўн учинчиси одам экан? Ҳамма нарса, ҳатто рақамлар ҳам одамга қарши-я, – ўзича кулиб қўйди у. – ўн иккинчиси, ўн тўртинчиси бўлса нима қиларди. Йўқ, худди ўн учинчиси эмиш... Ҳаммаёқда маймун, – ўйлашни давом эттирди у, горилла Бобби пўстини ёнида тўхтар экан. – Нега энди маймунларга шунчалик эътибор берилар экан-а?»

Тахтачага қуйидагилар ёзилган эди: «Горилла Бобби Берлинга 1928 йилнинг 29 мартда уч яшарлигида олиб келинган. 1935 йил 1 августда ўлган. Бўйи 1 метру 72 сантиметр, вазни 226 килограмм».

«Мундоқ қараганда шундай оғирлиги билинмайди ҳам, – ўйларди Штирлиц, пўстинни қайта-қайта томоша қилиб, – семизга ҳам ўхшамайди. Менинг бўйим баландроқ, вазним эса фақат етмиш икки кило».

У гўё маймунни узоқдан кўрмоқчи бўлгандай орқасига тисланди. Бу ердаги катта ойнадан Инвалиденштрассенинг нариги бети кўриниб

турарди. Штирлиц соатига қаради. Учрашувга йигирма дақиқа вақт бор.

Худди шу вақтда унинг олдида айғоқчи Клаус келиши керак эди. У бугун эрталаб котибият орқали унинг манзилига махфий телеграмма юборди. Унинг айғоқчилар билан музейда учрашиш одатини ҳамма биларди, бу нарса ҳозир унинг шу ерга келишини ҳам оқларди. Клаусни чақиришдан у икки мақсадни кўзлаганди: асосий мақсад – агар Борман хат ҳақида Гиммлерга айтган бўлса, унинг бунга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги исбот қилинади ва иккинчи даражали мақсад – билвосита бўлса ҳам йўқолган Клаус ишига унинг мутлақо дахли йўқлиги исботланади.

Штирлиц кейинги залга ўтди: Инвалиденштрасседа ҳали ҳам ҳеч ким йўқ эди. Бу залда у ўн саккизинчи асрда Веденшлосс ўрмонларидан топилган нодир бир экспонат олдида тўхтади. Дарахт шаббалари орасидан кийик шохи ва мажақланган мия суягининг бир қисми чиқиб турарди: баҳорги севги жанларида бу кучли ҳайвон рақибини сузаман деб, ўзини дарахт танасига бориб урганга ўхшайди...

Штирлиц бир тўп одамларнинг гаплашиб ва тапир-тупур қадам ташлаб келаётганларини эшитди. Аввал: «Қуршов!» – деган фикр ўтди хаёлидан. Кейин болалар овозини эшитиб, орқасига қаради: эски, аммо зеб бериб мойланган эркаклар пойабзалини кийган ўқитувчи аёл ўқувчиларни, – олтинчи синф болалари бўлса керак, – шу ерга ботаника дарсини ўтишга олиб келган экан. Болалар тўполон қилмай, оғизларини очиб, экспонатларни томоша

қилардилар, уларнинг пичир-пичир гаплари ташвишли эди.

Штирлиц болаларга назар ташлади. Уларнинг юзи рангсиз, бурунлари киртайган, кўзларида болаларга хос ажойиб хушчақчақлик ва шўхлик кўринмасди. Улар ўқитувчининг гапларини диққат билан, худди катталардек тинглашарди.

«Нега бу халқ шунчалик лаънатга учрамаса? – ўйларди Штирлиц. – Бемаъни ғоялар, ҳатто болаларни ҳам кексаларга хос ваҳимага солганлигининг сабаби нимада? Нега энди шоколад, сардин ва пишлоқларни ортиғи билан бункерларга ортиб олган немисларнинг аҳмоқона мафкураси ана шу нозик болаларни қалқон бўлишга мажбур этмоқда? Бу болаларни, яшашдан асл мақсад – фюрер буюклари учун қурбон бўлишдир деган кўр-кўрона ишонч руҳида тарбиялаган ким? Шуниси, айниқса, даҳшатли».

Соат бирдан беш дақиқа ўтгач, Штирлиц эҳтиёт эшикдан чиқиб кетди. Меҳмонхона ёнида ҳам ҳеч ким йўқ эди. У кўча айланиб Шпрее бўйига чиқиб, машинасига ўтирди-да, ўз идораси – СД га жўнади. Қайтаётганда ҳам бирортаси кетига тушганлигини сезмади.

«Нима гап ўзи? – ўзига ўзи савол берди у. – Жуда ғалати бўлди-ку. Агар Борман кутган бўлса, мен уни пайқашим турган гап эди. Кетимга ҳеч ким тушмаган, ўзимча ваҳима қилиб юрибман, холос...»

* * *

...Борман бункердан чиқолмаган эди: фюрер нутқ сўзлади, залда одамлар гавжум, у эса фюрернинг чап томонида, унинг орқасида ту-

рарди. Нутқ пайтида кетолмади. Бундай қилиш аҳмоқлик бўларди. Унда хат ёзган кишини кўриш нияти бор эди. Аммо бункердан фақат соат учдагина бўшаб чиқди.

«Энди уни қаердан топаман? – ўйларди Борман, партия идорасига қайтар экан. – У билан учрашсам, ҳеч нима йўқотмас эдим, лекин учрашмай, кўп нарсадан маҳрум бўлдим».

«Д-8 – МЮЛЛЕРГА»

Мутлақо махфий. Бир нусха босилган.

ВКР 821 номерли «Хоръх» маркали автомобилни Ветераненистрасседан кейин кузатишининг иложи бўлмади. Афтидан, ҳайдовчи кузатаётган машинани сезиб қолган кўринади. Мотор кучли бўлишига қарамай, сизнинг кўрсатмангизга биноан унинг кетидан бормадик. ВКР 821 «Хоръх» қайси томонга кетганлигини Н-2 га хабар қилиб, ўз базамизга қайтиб келдик. Д-8».

«В-192 – МЮЛЛЕРГА»

Мутлақо махфий. Бир нусха босилган.

Ходимларим ВКР 821-рақамли «Хоръх» маркали машинани кузатишни давом эттириб, соат 12.27 да шу автомобиль эгаси табиатшунослик музейига кирганлигини аниқлади-лар. Сиз кузатув объектнинг ихтисос жиҳатдан тайёргарлиги кучли эканлиги ҳақида бизни олдиндан огоҳлантирганлигингиз туфайли мен музейга бир ёки икки одам киритишни лозим кўрмадим. Менинг айгоқчим Ильзе музей залида дарс ўтказиш учун олтинчи синф ўқувчиларини олиб борди. Ильзе махфий кузатувидан кейин объектнинг ҳеч ким билан учрашмаганлиги аниқ бўлди. Объектнинг қайси экспонатлар олдида кўпроқ тўхтаганлигини кўрсатувчи график режа илова қилинади.

Объект музейдан соат 13.04 да музей ходимлари юрадиган эҳтиёт эшикдан чиқиб кетди. В-192».

Мюллер ахборотларни жилдга солиб, телефон гўшагини кўтарди.

– Мюллер эшитади, – деди у.

– Ўртоқ Мюллерга ўртоқ Шелленбергдан салом, – ҳазиллашди сиёсий махфий кузатув хизмати бошлиғи. – Ёки сизни «жаноб» деб атасам маъқулроқми?

– Менга кўпроқ «Мюллер» деб мурожаат қилингани маъқулроқ, – деди гестапо бошлиғи. – Лўнда, оддий ва чиройли... Хўш, қулоғим сизда, дўстим.

Шелленберг телефон гўшагини кафти билан бекитиб, Штирлицга қараб қўйди.

– Ҳа, тўғриси айтиверинг, бўлмаса, тулкидек ҳийла ишлатади, – деди Штирлиц.

– Дўстим, олдимга Штирлиц келди, ёдингизда бўлса керак у... Ёдингиздами? Унда жуда ҳам яхши. У бир оз ҳаяжонланяпти: унинг кетига жиноятчилар тушган бўлса керак, ўрмонда бир ўзи яшайди-да, ёки сизнинг одамларингиз уни кузатиб юришибди. Шунини аниқлашга ёрдамлашиб юбормайсизми?

– Автомобилнинг маркаси қанақа? – сўради Мюллер, жилддан бояги ахборотни олар экан.

– Автомобилингиз маркаси қанақа? – сўради Шелленберг яна гўшакни кафти билан беркитиб.

– «Хорьх».

– Гўшакни кафтингиз билан бекитманг, – деди Мюллер. – Штирлицнинг ўзи гўшакни олсин.

– Ойнаи жаҳонмисиз дейман? – сўради Шелленберг.

– Албатта.

Штирлиц гўшакни олиб:

– Хайль Гитлер! – деди.

– Саломат бўлинг, дўстим, – жавоб берди Мюллер. – Машинангизнинг рақаами тасоди-фан ВКР 821 эмасми?

– Худди шундай, обергруппенфюрер...

– Қаерда кетингизга тушишди? Курфюр-стендамдами?

– Йўқ, Фридрихштрасседа.

– Улардан сиз Ветераненштрасседа қочиб қутулдингизми?

– Худди шундай.

– Уларни кўрдингизми?

– Албатта.

Мюллер қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

– Мен уларнинг калласини оламан – шу ҳам иш бажариш бўлдим! Хавотирланманг, Штирлиц, кетингизга жинойтчилар тушмаган. Ўрмонингизда тинчгина яшайверинг. Бизнинг одамларимиз эди. Улар бир жанубий америка-ликнинг сизникига ўхшаган «Хорьх» машина-си кетига тушишлари керак эди. Қандай яшаб келган бўлсангиз, шундай яшайверинг. Аммо келгуси гал сизни жанубий америкалик билан янглиштирмай, Кудамдаги «Цигойнакеллер»га бориб турганингизни хабар қилишса, сизни ёқламайман...

«Цигойнакеллер» (Ўлилар ертўласи) ҳарбий-лар ва партия аъзоларининг бориши ман этил-ган кичкинагина қовоқхона эди.

– Агар мен у ерга иш юзасидан борсам-чи? – сўради Штирлиц.

– Барибир, – кулиб қўйди Мюллер, – агар одам-ларингиз билан ифлос жойларда учрашмоқчи бўлсангиз, яхшиси «Мехико»га бориб туринг.

«Мехико» Мюллер тузоқ қўйган қовоқхона эди – у ерда махфий контрразведка ишларди. Буни Штирлицга Шелленберг айтган эди. Аслида эса, албатта, бунга гапирмаслиги керак эди, чунки партия аъзолари ва ҳарбийларнинг «Мехико» қовоқхонасига боришини ман этувчи махсус кўрсатма чиқарилганди, шунинг учун ҳам соддадил маҳмадоналар у ерда ҳеч қандай хавф йўқ деб, ҳар бир столни гестапо тинглаб туришидан беҳабар эдилар.

– Раҳмат таклифингиз учун, – жавоб берди Штирлиц. – Агар сиз менга рухсат берсангиз, одамларим билан худди ўша «Мехико»да учрашиб тураман. Аммо мени ҳиқилдоғимдан олишса, ёрдам сўраб ҳузурингизга бораман.

– Келаверинг. Кўрсам, доим хурсанд бўлман, дўстим. Хайль Гитлер!

Аросатда қолган Штирлиц ўз уйига хаёлга чўмган ҳолда қайтди. Аслида у Мюллернинг гапларига буткул ишонди. Аммо нега Мюллер уни кузатганини очиқ айтяпти? Меъёрни билиш – ҳар бир ишда асосий талаб. Айниқса, махфий кузатув хизматида. Баъзан Штирлицга ғоятда ошкора иш тутишга қараганда ҳаддан ташқари шубҳаланиб юриш хавфлироқ бўлиб туюларди. Ҳар ҳолда кечқурун муҳим бир ишга кета туриб, идорадан машина чақирди.

«ВЕРНЕР – МЮЛЛЕРГА»

Мутлақо махфий. Бир нусха босилган.

Бугун соат 19.42 да объект ВКН 441-рақамли идора машинасини чақирди. Объект ҳайдовчидан уни «Митльплац» метро бекатига олиб боришни сўради. Бу ерда у машинадан тушди. Объектни бошқа бекатлардан қидириб топишнинг иложи бўлмади. Вернер».

Мюллер бу ахборотни энг махфий ва муҳим ишлар сақланадиган эски жилдига солиб, яна Штирлиц устидаги маълумотларни ўрганишга киришди. Объект бўш вақтларини музейларда ўтказишни яхши кўради, деган жойни қизил қалам билан чизиб қўйди. Ўша ерда яна, унинг музейларда ўз айғоқчилари билан учрашиб туриши ҳам ёзилган эди.

«Ажойиб одам, – деб ўйларди Мюллер Штирлиц ҳақида, – жуда ажойиб ва ақлли одам. Кальтенбруннерга келганда, унинг шунчалик доно эканлигини кутмагандим. Аппаратда беш-олти йил ишласа, Фушедан қолишмасди».

9

СС обергруппенфюрери Карл Вольф хатни Гиммлернинг шахсий учувчисига топширди.

– Агар сизни уриб туширсалар, – деди у юмшоқ овоз билан, – урушда ҳамма нарса бўлиши мумкин, парашют тасмасини ечмасдан олдин бу хатни ёқиб ташлашингиз зарур.

– Мен хатни парашют тасмасини ечгунга қадар ёқа олмайман, – деди аниқликни яхши кўрадиган учувчи, – чунки парашют мени ерда анча судраб боради. Лекин тасмани ечишим билан қиладиган ишим хатни ёқиш бўлади.

– Яхши, яхши, – деди Вольф кулиб, – бу вариантга ҳам розиман. Айтгандек, сизни рейх устида уриб туширсалар ҳам, хатни ёқиб ташлашингиз шарт.

Карл Вольфнинг ана шундай хавфсирашига асос бор эди. Агар хат Гиммлердан ташқари истаган бошқа одам қўлига тушса – тамом, тақдири ҳал бўлди деяверинг.

Етти соат ўтгач, хатни Гиммлер очиб ўқиди.
«Рейхсфюрер!

Италияга келишим билан Даллес билан алоқа боғлаш йўлини излай бошладим. Бунга кўпроқ ташкилий жиҳатдан эмас, балки стратегик жиҳатдан тайёргарлик кўра бошладим. Мендаги мавжуд маълумотларга асосланиб, муҳим бир хулосага келдим: Шимолий Италияда советнинг тузилиши мумкинлиги бизни қанчалик ташвишлантираётган бўлса, иттифоқчиларни ҳам шунчалик хавотирга соляпти. Агар бундай совет номигагина тузилган чоғда ҳам, Москва Тито бошчилигидаги одамлар орқали, Италиядаги раҳбарлар ва Морис Торез ёрдами билан Ла-Маншга тўғри йўл очиб олади. Шундай қилиб, Белграддан бошлаб, Генуя орқали Канн ва Парижгача давом этган янги минтақа ташкил этиш хавфи туғилади.

Операцияни бажаришда Эуген Дольманни ёрдамчи қилиб олдим. Чунончи, унинг онаси италиялик, Германия тарафдори, лекин нацизмга қарши кайфиятда бўлган асилзодалар орасида алоқаси кенг. Аммо мен учун «Германия» ва «нацизм» тушунчалари бир-биридан ажралмасдир, фрау Дольманда германпарастлик кайфияти бошқа кайфиятлардан устун бўлганлиги туфайли, мен Эуген онасининг алоқалари иттифоқчилар орасида тегишли равишда иш олиб бориш учун ёрдам беради деган ниятда, уни операция барча жиҳатларини ишлаб чиқишга жалб қилишни лозим кўрдим.

Мен Даллесни Италия каналлари орқали бўлғуси музокараларнинг маъноси билан, яъни, бутун Шимолий Италияда рақибларимиз хўжайин бўлиб олмасликларидан бурун Фарб

Шимолий Италияни ўз назорати остига олмоғи лозим эканлигидан хабардор қилишга қарор қилдим ва буни амалга оширишни Дольман ўз зиммасига олди. Агар иттифоқчилар менинг қандай кайфиятда эканлигимни ўз айғоқчилари орқали «билиб олсалар» мақсадга мувофиқ бўлади, деб ташаббусни биз бошламаслигимиз керак, деган қарорга келдик. Шунинг учун мен Дольманга қуйидаги операцияни ўтказишга ижозат бердим: гестапо маълумотларига қараганда СС танк қўшинларининг кичик зобити Гидо Циммер, урушда мағлубиятга учрадик, аҳволни тузатишга ҳеч қандай умид йўқ, деган гапларни итальянлар билан суҳбатда кўп марта айтиб юрган. Дольман «тасодифан» бўлиб қолган дўстона кечада кўп ичкилик ичилиб бўлингач, азон пайтида Циммерга шу лаънати, мақсадсиз уруш жуда тинкасини қуритганлигини айтган. Айғоқчилик маълумотларига биноан кейин қуйидагиларни аниқладим: эртасигаёқ Циммер барон Луиджи Парилли билан суҳбатда, агар Дольман урушни лаънатлаётган бўлса, Карл Вольф ҳам шундай фикрдадир, бутун Шимолий Италия ва бу ерда турган немис қўшинларининг тақдири эса ана шу Вольф қўлида, деган. Луиджи Парилли илгари «Кэлвилэйшен корпорейшен» америка компаниясининг вакили бўлган ва ҳамма вақт дуче тузумини қўллаб-қувватлаб келса ҳам, унинг Америка билан алоқа қилиб туриши ҳаммага маълум эди. Бунинг устига, унинг қайнотаси британ ва француз капитали билан боғлиқ бўлган ливанлик йирик банкир эди. Циммерни қўлга олиш учун унинг Парилли билан қилган суҳбати баҳона бўлди. Дольман Гидо Циммерни яширин уйга

таклиф этиб, уни фош этувчи маълумотларни олдига қўйди. «Сизни ҳозирнинг ўзида дорга осиш учун шу ҳужжатларнинг ўзи кифоя қилади, – деди у Циммерга, – аммо фақат Германия учун соф кураш сизни қутқариб қолиши мумкин. Бу курашда эса кўзга кўринмас, дипломатик жанглар ҳам муҳим». Хуллас, Циммер биз билан ишлашга рози бўлди.

Эртасига Циммер барон Парилли билан учрашиб, бутун мамлакатдаги тоғ ва шаҳарларда ҳаракат қилаётганлар туфайли рўй бераётган хавфдан Шимолий Италияни фақат Италиядаги СС бошлиғи Вольф қутқариб қолиши, лекин Вольф иттифоқчилар билан биргалашиб иш кўрганида, бунга тез эришиши мумкинлигини айтди. Турин, Генуя ва Миландан молиявий жиҳатдан манфаатдор бўлган барон Парилли Циммернинг гапларини жуда қизиқиб тинглади ва ғарбий иттифоқчилар билан ана шундай алоқа ўрнатишга ёрдам қилмоқчи бўлди. Табиийки, Циммер менинг номимга бу суҳбат ҳақида рапорт ёзиб берди, шундай қилиб, бутун операция шу пайтдан бошлаб назоратга олинди ва у СС назорати остида фюрер ва рейх манфаатини кўзлаб иттифоқчиларни синаш операцияси сифатида амалга оширила бошланди.

21 февралда барон Парилли Цюрихга жўнаб кетди. У ерда ўзига таниш бўлган Макс Гюсман билан боғланди. У Швейцария махфий кузатув хизматининг кадр зобити майор Вайбель билан алоқа боғлашга ёрдам берди. Вайбель Швейцария фуқароси сифатида ўз мамлакати манфаатини кўзлаш баҳонаси остида СС билан америкаликлар ўртасида алоқа ўрнатиш-

га ёрдам беришга рози бўлди: гап шундаки, Генуя асосан Швейцария фирмалари фойдаланадиган портдир. Агар Италия янги тузум ҳокимияти остида қолгудек бўлса, Швейцария фирмалари ҳам зарар кўради. Мен яна майор Вайбель Базель ва Франкфурт университетларини тугатиб, Германияда таълим олганлигини аниқлашга муваффақ бўлдим.

Барон Парилли билан суҳбат пайтида Вайбель жуда ҳам эҳтиёт бўлишни сўраган, чунки алоқа боғлашга ёрдам бериб, ўзини катта хавф остига солаётганлигини айтган. Бу нарса, деган у, Швейцариянинг бетарафлигини бузиши мумкин, ҳозирги пайтда русларнинг вазияти шунчалик кучлики, сир очилиб қолгудек бўлса, унинг совети бутун айбни шахсан унинг устига қўйиши турган гап. Парилли, сирнинг очилишидан руслардан бошқа ҳеч ким манфаатдор эмас, деб майор Вайбелни ишонтирган. «Ора-мизда, – гапини давом эттирганди у, – бирорта рус йўқ деб ўйлайман, демак, сир очилишидан хавфсираш керак эмас».

Вайбелнинг айтишича, Парилли билан суҳбатининг эртасига у Аллен Даллесни ва унинг ёрдамчиси Геверницни зиёфатга таклиф этган. «Менинг жуда қизиқ бир фикрни ўртага ташлаётган икки оғайним бор, – деди у, – агар истасангиз, улар билан таништиришим мумкин». Аммо Даллес Вайбелнинг ўртоқлари билан кейинчалик – аввал ёрдамчиси суҳбат қилгандан сўнг учрашиш истагида айтган.

Парилли билан Геверниц ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Бу Геверниц Эгон Геверницнинг ўғли эмас, балки Берлин университетининг иқтисод фанлари профессори Герхард фон Шульц-Ге-

верницнинг ўғли эканлигидан сизни олдинроқ хабардор қилган эдим. У Франкфуртда докторлик диссертациясини ёқлагач (Вайбель билан Геверниц иккаласи битта университетни тугатганлиги сабабли Германиянинг ўзида дастлабки алоқа боғламаганмикинлар, деган фикрга ҳам келдим), Америкага бориб, Нью-Йоркда халқаро банк концернларида ишлай бошлаган. Ўша пайтда Аллен Даллес ҳам шу соҳада ишлаб юрган.

Парилли суҳбат пайтида: «Ана шу ва яна бир қатор масалаларни аниқ муҳокама қилиш учун СС штандартенфюрери Дольман билан учрашишга тайёرمىсиз?» – деган саволни берган. Геверниц бу таклифга ҳам розилигини айтган, аммо Париллининг фикрича, бу таклифга махфий кузатув хизматига тушиб қолган зиёлиларга хос маълум ишончсизлик ва шубҳа билан қараган.

Мен Дольманнинг Швейцарияга боришига рухсат бердим. У ерда Чиасо кўлида уни Гюсман билан Парилли кутиб олишган. Улар Луганога «Бьянки» номли кичкинагина бир ресторанга борганларида, Дольман, маслаҳат қилиб олганимиздек, қуйидагиларни айтган: «Биз – деган у, – Шимолий Италияда янги советини тузишга қаратилган Москва режасини барбод этиш мақсадида Фарбдаги иттифоқчилар билан музокара қилишни истар эдик. Бу вазифа бизни орамиздаги алам ва хафагарчиликларни четга қўйиб туриб, эртанги кун ҳақида ўйлашга мажбур этмоқда. Сулҳ адолатли ва арзигудек бўлмоғи лозим».

Гюсман, амалга ошиши мумкин бўлган бирдан бир музокара – сўзсиз таслим бўлиш тўғри-

сидаги музокара бўлиши мумкин, деб жавоб берган.

«Мен хиёнат қилолмайман, – деган Дольман, – Германияда ҳеч ким бунга рози бўлмайди».

Гюсман «сўзсиз таслим бўлиш» концепциясида тураверган, лекин Дольман биз илгаридан белгилаб қўйган чизиқдан чиқмай, салбий вазиятда қаттиқ турганлигига қарамай, Гюсман муҳокамани давом эттираверган.

Сўнгра, Гюсманнинг сўзини бўлиб, муҳокамага А. Даллеснинг ёрдамчиси Поль Блюм қўшилган. Худди шу Блюм Дольманга Италиядаги Қаршилиқ ҳаракатининг икки раҳбари: Ферручи Парри ва Усмиянинг исм-шарифларини берган. Бу кишилар бизда қамоқхонада ётибди. Булар сиёсатчи эмас, шу сабабли қуйидаги хулосани чиқариш мумкин: худди бизни ташвишлантираётгани каби америкаликларни ҳам Италияда юз бериши мумкин бўлган хавф ташвишлантирмоқда. Уларга зарур пайтда Ғарб идеалларига содиқ бўлган советга бош бўла оладиган Қаршилиқ ҳаракатининг қаҳрамонлари керак.

«Агар шу кишилар озод қилиниб, Швейцарияга олиб келинса, – деган Даллеснинг вакили, – учрашувларимизни давом эттира олар эдик».

Дольман ҳузуримга қайтиб келгач, мен музокаралар бошланганлигига амин бўлдим, чунки икки италияликни озод қилиш тўғрисидаги илтимосни бошқача тушуниш қийин. Дольман менинг Швейцарияга боришимни Даллес кутаётган бўлса керак деб тахмин қиляпти. Мен фельдмаршал Кессельринг ҳузурига бордим. Беш соатлик суҳбат давомида фельдмаршал аниқ айтмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда таслимга

рози деган хулосага келдим. Кессельрингнинг ўз фикрини тўғридан-тўғри айтмаслигига хавфсизлик хизмати вакили билан очиқ гаплашишдан чўчиш одати сабаб бўлган кўринади.

Эртасига Парилли Гарда кўли ёқасидаги яширин уйга келиб, менга Даллес номидан Цюрихга кенгашга бориш таклифини топширди. Шундай қилиб, индинга мен Швейцарияга жўнайман. Агар қопқонга тушгудек бўлсак, мени ўғирладилар деб расмий баёнот эълон қиламан. Агар бу музокараларнинг бошланиши бўлса, ўз қароргоҳимга қайтиб келишим билан яна хат орқали сизни хабардор қиламан.

КАРА ВОЛЬФ».

* * *

Кох номидаги касалхонанинг бош шифокори мияси фалаж бўлиб ўлди. Унинг акаси, бир вақтлар Киль университетининг проректори бўлган профессор Плейшнер Дахаудаги қамоқхонада ётиб, «тозаланиб» қайтиб келди. Унинг юзидаги итоатгўйликни кўрсатувчи табассум қотиб, маъюс, камгап одам бўлиб келган эди. У қамоққа олинганидан кейин кўп вақт ўтмай хотини кетиб қолди – уни бунга қариндошлари мажбур қилган эди, чунки фрау Плейшнернинг укаси Гуго фон Энс яқинда Нейрат ҳузурида Испаниядаги рейх элчихонасига иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи қилиб тайинланган эди. Ёш йигитнинг келажаги порлоқ деб ҳисоблардилар, партиянинг маҳаллий девонида ҳам унга нисбатан яхши муносабатда эдилар, шунинг учун оила кенгашида фрау Плейшнер олдига иккисидан бирини танлашни таклиф қилиб: ё давлат душмани

бўлган эрингдан воз кеч, ёки шахсий манфатларингни афзал кўрадиган бўлсанг, бутун қариндошлар сендан юз ўгиради – ака-ука ва опа-сингилларинг, амаки ва хоаларинг матбуот орқали сен билан алоқани узганликларини эълон қиладилар, – дейишди.

Фрау Плейшнер профессордан ўн ёш кичик: қирқ иккига кирган эди. У эрини севарди. Икковлари бирга Африка ва Осиёни саёҳат қилдилар, у ерда профессор ёз пайтида Берлиндаги «Пергамон» музейи ташкил қилган экспедицияларга қатнашиб, қазиш ишлари билан шуғулланарди. Фрау Плейшнер аввал ўз эридан воз кечишдан бош тортди, шунда кейинги юз йил мобайнида газмол савдоси билан боғлиқ бўлиб келган кўпчилик қариндошлари у билан алоқа узганлигини матбуот орқали эълон қилишни талаб қилдилар. Оиладаги кексалар янги давлат ва миллий-ижтимоий партия шундоқ ҳам буржуа ва савдо оиласидан чиққан кишиларнинг мансабдор ишларга кўтарилишига унчалик катта ёрдам бермаяпти, шунинг учун давлат билан алоқа қилмай туриб, савдони ривожлантириш амри маҳол деган баҳона билан шундай талаб қўйган эди. Янги давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигида оила аъзосининг бўлиши, бунинг устига Испанияда иқтисод масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасига тайинланиши фирманинг Пиреней яриморолига чиқиши учун йўл очиши мумкин эди. Лекин Гуго фон Энснинг ўзи қариндошларини гап-сўз бўладиган йўлдан қайтарди. «Барибир, – деб тушунтирди у, – бундан душманларимиз фойдаланиб қолади. Мени кўролмайдиганлар сон-саноксиз, гап-сўз тарқалса, ўзингизга ёмон бўлади. Йўқ,

яхшиси, бу ишни овоза қилмай, усталик билан тўғрилаш керак».

У Фрау Плейшнер ҳузурига яхтсменлар клубидан бир ошнасини олиб келди. Ўттиз яшар, келишган бу йигитнинг исми Гетц эди. Ҳазил қилиб уни «Берлихинген бўлмаган Гетц»¹⁵ деб аташарди. У қанчалик чиройли бўлса, шунчалик аҳмоқ эди. Унинг қари хотинлар ҳисоби-га яшаб юришини Гуго биларди. Учаласи кичкинагина ресторанда ўтиришди ва Гетц ўзини қандай тутаётганини кўриб, Гуго фон Энс хотиржам бўлди. У аҳмоқ бўлса ҳам ўз ролини бир қолипда, аниқ ишлаб чиққанди. Қолип топилгач, уни такомиллаштириш лозим, Гетц уни чинакамига такомиллаштирган эди. У камгап, сипо ва савлатли эди. Бир-икки марта кулгили латифа айтиб берди. Кейин одоб билан фрау Плейшнерни рақсга таклиф этди. Гуго уларни кузатар экан, яна хотиржам бўлди: опаси унсизгина куларди, Гетц эса тобора унга яқинлашиб, қулоғига нималарнидир гапирарди.

Икки кун ўтгач Гетц профессорнинг уйига кўчиб борди. У ерда бир ҳафта – полиция биринчи марта текширув ўтказгунга қадар турди. Шунда фрау Плейшнер Гуго ҳузурига кўз ёши қилиб келди: «Уни қайтар, кетиб қолганига асти чидолмаётибман». Эртасига у эри билан ажрашишни сўраб, ариза берди. Бу нарсa профессорни букиб қўйди, чунки у ўз хотинини энг яқин фикрдоши деб ҳисобларди. Ўзидаги золимлар тузумига нисбатан нафратини фақат унга очиқ айтарди. У қамоқхонада азоб чекиб, шу билан хотинимнинг номусини, унинг иста-

¹⁵ Гетц фон Берлихинген – XIX асрдаги немис докторининг қаҳрамони.

ганича ҳур фикрлашини қутқариб қолмоқдаман, деб ўйлаб юарди.

Бир куни тунда Гетц: «У мендан яхшироқмиди?» – деб сўради. Фрау Плейшнер секин кулди ва уни қучоқлаб: «Йўқ, жоним... У гапга уста эди, холос...» – деб жавоб қилди.

Қамоқхонадан қутулгач, Плейшнер Килга бормай, тўғри Берлинга жўнади. Унинг Штирлиц билан боғлиқ бўлган укаси «Пергамон» музейига ишга киришига ёрдам берди. Музейда у қадимги Греция бўлимида ишларди. Худди шу ерда Штирлиц ўз айғоқчилари билан учрашиб турарди, шунинг учун учрашувлардан бўшагач, кўпинча Плейшнер олдига кирар, икковлари узоқ вақт «Пергамон» музейининг катта ва бўм-бўш залларини бирга айланар эдилар. Штирлицнинг «Оёғидан зирапча олаётган бола» ҳайкалини узоқ томоша қилишини, қора тошдан ясалган, тик қараган оқ кўзлари эса қандайдир рангсиз тошдан ясалган Цезарнинг ҳайкали атрофидан бир неча бор айланиб ўтишини Плейшнер олдиндан биларди. Профессор Штирлицга қадимги антик ниқоблар: қайғу, кулги ва ақл ниқобларини кўрсатиш учун атайлаб ўзи йўл бошларди, Штирлицнинг уйида ваннахонага кириб, артистлардек узоқ вақт кўзгу олдида юз ифодасини машқ қилишидан профессор беҳабар эди, албатта. Штирлиц айғоқчи ҳар вақт ўз юзининг ифодасини ўзгартиришга уста бўлиши керак деб ҳисобларди. Қадимги греклар бу санъатни жуда такомиллаштирган эдилар...

Бир куни Штирлиц профессордан Самос оролидан топилган бронза ҳайкаллари сақланадиган ойнали жавоннинг калитини сўради.

– Шу ҳайкалчаларни бармоқларим билан ушлаб кўрсам, назаримда, мўъжизалар юз бераётгандек ва мен бутунлай бошқа одамга айланиб, қадимгиларнинг хотиржам ақл-идрокига эга бўлаётгандек бўлиб туюляпти, – деди у.

Профессор калитни олиб келди ва Штирлиц битта ҳайкалчадан нусха олди. Ана шу аёл ҳайкалчаси тагига у ҳужжатларни беркитарди. У профессор билан суҳбат қилишни яхши кўрарди. Штирлиц бундай мулоҳаза қиларди:

– Грекларнинг санъати қанчалик истеъдодли бўлмасин, ҳаддан ташқари гўзалликка ва нозикликка интилади. Римликлар санъати бақувватроқ, шу томондан улар немисларга яқин. Грекларни умумий тарҳ, фикр ҳаяжонлантиради; римликлар эса мантиқий такомиллик шинавандаларидир, шу сабабли улар бирор асарни майда-чуйдаларигача батафсил тасвирлайдилар. Масалан, Марк Аврелий сура-тига қаранг. У тақлид қилиш учун яратилган қаҳрамоннинг худди ўзгинаси, болалар унга тақлид қилиб ўйнасалар бўлади.

– Либоснинг майда-чуйдалари, гавда тузилишининг тўғри топилганлиги чиндан ҳам гўзал, – деб эҳтиёткорлик билан қарши фикр билдирди Плейшнер. Қамоқхонада ётиб чиққандан кейин у баҳслашувдан ўзини тортарди. – У эҳтиёткорлик билан рози эмаслигини билдирарди, холос. Илгари у баҳслашаётган рақибини жаҳл билан жеркиб ташларди. Энди эса фақат қарама-қарши далиллар келтирарди. – Аммо унинг юзига диққат билан қараб кўринг. Аврелий чеҳрасида қандай фикр бор? Унда ҳеч қандай фикр йўқ, у ўзининг буюклигидан мамнун. Ўн саккизинчи аср охирларидаги Франция санъа-

тига эътибор билан назар ташласангиз, Парижга Греция санъати кўчиб борганлигини, буюк Элладанинг ворислари эркпарвар эканлигига ишонасиз...

Бир куни Плейшнер уни ярим одам, ярим ҳайвон: боши одам-у, танаси тўнғизсимон махлуқлар тасвирланган кўргазма ёнида тўхтатди.

– Бунга нима дейсиз? – сўради Плейшнер. Штирлиц Плейшнерга ҳеч нима гапирмай «ижтимоий» товушлар билан – у «ҳа», «чиндан ҳам», «бай-бай-бай» каби товушларни шундай деб атарди – жавоб берди. Тўғри жавоб бериш мумкин эмас, аммо индамай кетишнинг ҳам ўрни бўлмаган пайтларда у шундай жавоб қайтарарди.

Бир куни улар қадимги Троя залида юрганларида Штирлиц профессорга:

– Шу деворларга штепсель ўрнатиш ўтакетган бемаънилик эмасми? Бу ерга шамдонлар ёки шамлар ўрнатилган қандиллар қўйилиши керак, чунки антик даврнинг юксак фожиасини йигирманчи асрнинг дидсизлиги бузиб турибди, – деди.

Штирлиц «Пергамон»нинг бўм-бўш залларидан ўтар экан, ўзига ўзи савол берарди: «Нега энди шундай буюк санъатни яратган одамлар ўз санъаткорларига нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлганлар? Нега улар ҳайкаллари вайрон қилиб, куйдириб, ер билан яксон этганлар? Нега улар ҳайкалтарош ва рассомнинг истеъдодига жинойтга тенг совуққонлик билан қараганлар? Нега энди биз уларнинг аҳмоқлиги, жинойт ва ваҳшийликларидан қолган ушоқларни тўплаб, улар воситасида келажак авлодимизни гўзалликка ўргатишимиз керак?

Нега энди қадимги одамлар ўзларининг тирик худоларини ваҳшийлар қиличи остига қўйиб берганлар?»

...«Пергамон»ни англизлар бомбардимон қилганларидан кейин ҳам профессор бошқа илмий ходимлар билан бирга қўчиб кетмади. У Берлинда қолиб, бинонинг омон қисмини назорат қилиб туришга рухсат олди.

Штирлиц ҳозир унинг ҳузурига кетаётган эди. У алоқасиз қолиб, зўр бериб алоқа боғлаш йўлини қидира бошлади. Штирлиц кўр-кўрона иш қиладиган, қандайдир «почта қутичаси» хизматини бажарадиган, нима ва ким учун хизмат қиладиганлигини англамаган одам билан ишлаш мазкур вазиятда нотўғри бўлар эди деб ҳисобларди.

Агар Шелленберг Штирлицни пастор Шлаг билан бирга Швейцарияга «асл мақсадни яшириш» операциясини амалга ошириш учун юборса, у ерда бизнинг одамларимиз билан алоқа ўрнатишни ният қилиб қўйган эди. Аммо Штирлиц операцияни тайёрлагач, ўзи рейхда қолиши, пасторни эса бошқалар «бошқариши» ҳам мумкин эди. Шундай ҳам бўлиши мумкин. Штирлиц илгаригидек Борман билан учрашиш йўлини изларди, бинобарин, у Борманнинг паноҳида бўлишни таъмин эта олса, «музокараларни шахсан назорат қилиб туриш учун» Швейцарияга бориши турган гап. Лекин Бернда бутун дунё айғоқчиларининг қаттиқ назорати остида юрган совет фуқаролари билан ҳар қандай алоқа қилиш бутун операцияни узил-кесил зарба остига қўйиши мумкин эди.

Шунинг учун унга софдиллигига тўла ишониш мумкин бўлган одам керак эди. У Плейш-

нернинг софдиллигига ишонарди. Лекин, борди-ю, Плейшнер қўлга тушгудек бўлса, гестапонинг сўроқ қилиш усулларига бардош бера олишига ишонмасди. Плейшнер қаҳва қайнаталадиган идишнн қўяркан:

– Сизни шунчалик соғинаман деб ўйламаган эдим. Мен касбингизни билмайман, марҳум укамнинг яхши ошnasi бўлганлигингизни биламан, холос, аммо герр Штирлиц, сиз билан бирга бўлиш жуда мароқли.

– Раҳмат. Сиз билан бирга бўлиш мен учун ундан ҳам мароқлироқ. Бу ер совуқлик қилмайдими?

– Совуқдан карахт бўлиб қолай дейман. Лекин на чора? Ҳозир ким совуқ қотмайди дейсиз?

– Фюрер яшаётган бункерни хўп иситишяпти...

– Тушунари... Доҳий иссиқда яшамоғи керак. Бизнинг ташвишларимизни унинг ташвиш ва ғамлари билан таққослаб бўладими? Биз фақат ўзимизнигина ўйлаб юрган кишилармиз, у эса ҳамма немислар тақдири ҳақида ўйлайди.

Штирлиц диққат билан ертўлага кўз югуртирди: бу ерда ҳаво чиқиб турадиган бирорта тешик йўқ, биров эшитиб турадиган мослама ўрнатилиши мумкин эмас эди. Шунинг учун аччиқ тамаки тутунини ичига тортиб деди:

– Қўйсангиз-чи, профессор... Қутурган савдойи бир одам миллион-миллион кишилар бошини бомбаларга тўғрилаб, ўзи мустаҳкам, хавфсиз жойга бекиниб, бутун галаси билан кино томоша қилиб ўтирса...

Плейшнернинг юзи оппоқ оқариб кетди, Штирлиц эса бу гапларни айтганида, умуман ўз иши билан шу бебахт чол олдига келганлигидан афсусланди.

«Нега энди «менинг» ишим экан? – ўйларди у. – Қўпроқ буларнинг, немисларнинг, демакки, унинг ҳам иши-ку, ахир? Улар ўзлари қилиши лозим бўлган ишни бажараётирман-ку?»

– Хўш, – деди Штирлиц, – жавоб беринг... Ёки менинг фикримга қаршимисиз?

Профессор илгаригидек индамай тураверди.

– Гап бундай, – деди Штирлиц, – сизнинг укангиз, менинг эса оғайним, антифашист эди... Яширин иш олиб борарди... У менга ёрдам бериб юрган. Сиз ҳеч вақт менинг касбим билан қизиқмадингиз: мен СС штандартенфюрериман, махфий кузатув хизматида ишлайман.

Профессор ваҳимага тушиб, бетини бекитгандек қўлларини кўтарди. Йўқ, – деди у. – Йўқ, йўқ! Укам ҳеч вақт ифвогар бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас! Йўқ! – деди у яна, овозини баландроқ чиқариб. – Йўқ! Мен сизга ишонмайман!

– У ифвогар эмасди, лекин мен ростдан махфий кузатув хизматида... Совет махфий кузатув хизматида ишлайман, – деб жавоб берди Штирлиц ва Плейшнерга укасининг вафоти олдидан ёзган хатини узатди.

«Дўстим. Дўст бўлганимиз учун сенга раҳмат. Мен сендан кўп нарсани ўргандим. Мен қандай қилиб севишни ва шундай севги манфаати учун Германия халқига қуллик келтираётган кишилардан нафратланишни ўргандим. Плейшнер».

– У гестаподан қўрқиб шундай деб ёзган, – тушунтирди Штирлиц хатни қайтариб олар экан. – Тушунгандирсиз, немис халқига қуллик келтирмоқчи бўлганлар америкаликлар галасидир... Шундай эмасми? Укангиз айтганидек,

ана шулардан нафратланишимиз керак... Балки қуллиқни сизга Гитлер ва фашистлар келтиргандир?

Плейшнер катта курсига чўкканича ҳамон индамасди.

– Баракалла сизга, – ниҳоят деди у, – гапингизга тушундим... Менга бутунлай ишонаверинг. Аммо тўғриси олдидан айтиб қўя қолай: елкамга қамчи тушиши билан ҳамма нарсани айтиб бераман.

– Биламан, – деб жавоб берди Штирлиц. – Айтинг-чи, нимани афзал кўрасиз: заҳар ичиб, дарҳол ўлишними ёки гестапога қийноққа тушишними?

– Агар учинчи йўл бўлмаса, – маъюс кулиб қўйди Плейшнер, – табиийки, заҳар маъқул.

– Кимлигимни айтганимда, ўзингизни қандай сездингиз?

– Енгил сездим, – жавоб берди Плейшнер. – Жуда ҳам енгил сездим, чунки нафрат ва ожизлик ҳиқилдоғимга келиб тақалган эди.

– Сиз билан иш қилса бўлар экан, – деди кулиб Штирлиц. – Астойдил иш қилса бўлар экан.

– Нима қилишим керак?

– Ҳеч нима. Яшайверинг. Лекин зарур топшириқни бажаришга тахт бўлиб туринг.

– Кимнинг манфаати учун?

– Германиянинг...

– Кимнинг?!

– Германиянинг. Мен рейхни эмас, Германияни назарда тутмоқдаман. Ана шу икки тушунча ўртасида жуда катта фарқ борлигига аминмисиз?

10

– Салом, пастор, – деди Штирлиц, ортидаги эшикни тез ёпиб. – Кеч келганим учун кечирасиз. Ухлаганмидингиз?

– Салом, салом. Ҳа, уйқуга кетган эканман, лекин зарари йўқ, кираверинг.

– Яна бир марта кечирим сўрайман.

– Сизни кечирдим деяверинг. Киринг, марҳамат, ҳозир шам ёқаман.

– Яхши.

– Бирор нарсa бўлдими?

– Ҳа, бўлди...

– Ўтиринг.

– Раҳмат, қаерга ўтирай?

Истаган жойингизга. Манави ер, печка олди иссиқроқ... Балки манави ерга ўтирарсиз?

– Иссиқ жойдан совуқ жойга ўтсам, дарҳол шамоллайман. Доим бир хил ҳарорат бўлгани дуруст. Пастор, кейинги етти кун ичида уйингизда ким турди?

– Бу сўроқми?

– Йўқ.

– Демак, жавоб бермасам ҳам бўлар эканда?

– Жавоб беришингиз шарт.

– Йўқ десам-чи?

– Йўқ демайсиз.

– Нега?

– Жавоб берганингиздан кейин тушунтириб бераман.

– Уйимда бир одам яшади.

– Сизга кимлигини айтмадимми?

– Йўқ.

– Кимлигига қизиқмадингизми?

– Йўқ. У меникида яширинишни сўради, са-
ломатлигининг мазаси йўқ эди, мен унга кет
дея олмадим.

– Мени ишонтирмоқчи бўлиб, фирт ёлғон га-
пираётганингиз ҳам яхши. У – менинг айғоқ-
чим, гестапо ифвогари.

– Ҳали шундай денг... Мен у билан инсон си-
фатида гаплашдим. У сизнинг айғоқчингизми,
бошқами менга барибир... У ёрдам сўради...
Мен йўқ дея олмадим...

– Йўқ дея олмаган эмишлар, – такрорлади
Штирлиц, – гестапо айғоқчисими, бошқами –
бу кишига барибир эмиш...

Штирлицнинг жаҳли чиққан эди.

– Сизга «оддий одам», мавҳум одам муҳим
бўлгандек, аниқ одамларнинг дорга осилиши
ҳам муҳимми?!

– Ҳа, бу ҳам мен учун муҳим...

– Аниқроқ қилиб айтсам, дорга биринчи гал-
да синглингиз билан болаларининг осилиши
сиз учун муҳимми?!

Пастор ўрнидан туриб, қўлларини чўзганича
Штирлиц томон ташланди:

– Бу золимлик-ку!

– Ҳузурингизга ким келса келаверсин – геста-
по айғоқчисими, бошқами – бу мен учун бари-
бир дейишингиз – бундан баттар золимликдир,
– деди Штирлиц ўрнига ўтирар экан. – Бунинг
устига, сизнинг золимлигингиз – ақидапараст
золимликдир – буниси ҳаммасидан даҳшат-
ли. Ўтиринг. Гапимга қулоқ солинг. Айғоқчим
билан қилган суҳбатингиз плёнкага ёзилган.
Йўқ, бунинг мен қилганим йўқ, ҳаммасини ўзи
қилган. Унга нима бўлганлигини ҳам билмай-
ман; ғалати хат ёзиб юборибди... Кейин суҳ-

бат ёзилган плёнкасиз (чунки мен уни йўқотиб ташладим) унинг гапига ишонавермайдилар. У билан ҳеч ким гаплашмайди, чунки у менинг айғоқчим. Синглингиз масаласига келсак, сиз Швейцария чегарасидан ўтишингиз билан уни қамоққа олишади.

– Мен Швейцария чегарасидан ўтмоқчи эмасман.

– Сиз чегарадан ўтасиз, мен эса синглингизнинг хавфсиз жойда бўлиши учун ғамхўрлик қилиб тураман.

– Сиз шайтонмисиз дейман? Шунча қиёфангизнинг қайси бирига ишонай?

– Менга ишонишдан бошқа иложингиз йўқ, пастор. Сиз Швейцарияга жуда бўлмаганда қариндошларингиз ҳаётини қутқариш учун борасиз. Ёки бормаисизми?

– Бораман, албатта. Уларнинг ҳаётини қутқариш учун бораман.

– Швейцарияга қандай топшириқ билан боришингиз кераклигини нега сўрамаяпсиз? Агар мен сизга у ерга бориб, ибодатхонани портлатасиз деган топшириқ берсам, бормасиз, албатта. Шундайми?

– Сиз ақли одамсиз. Қўлимдан нима келиши ва нима келмаслигини аниқ билсангиз керак дейман...

– Тўғри гапиряпсиз. Германияга ачинасизми?

– Немисларга ачинаман.

– Яхши. Бир дақиқа ҳам кечиктирмай сулҳ тузилса, немисларга яхшироқ бўлади, деб ўйламайсизми?

– Германия учун яхшироқ бўлади...

– Немислар учун, Германия учун, инсоният учун яхши бўлади. Биз ҳалок бўлишдан қўрқ-

маймиз – ўз умримизни яшаб бўлдик, устига-устак тобора қариб бораётган сўққабош эркаклармиз... Болалар-чи? Болаларни ўйлаш керак.

– Қулоғим сизда.

– Швейцарияда пацифистлар ҳаракатида бирга ишлашган эски танишлардан кимни топишингиз мумкин?

– Диктатурага пацифистлар керак бўлиб қолдими дейман?

– Йўқ, диктатурага пацифистларнинг кераги йўқ. Урушнинг ҳар бир куни беҳуда янги қурбонлар беришдан иборат эканлигини тушуниб, вазиятга тўғри баҳо бераётганлар учун керак.

– Гитлер музокарага рози бўладими?

– Гитлер музокарага рози бўлмайди. Музокарани бошқа кишилар олиб боради. Бу гапга ҳали вақт бор. Аввал у ерга бориб, етарли эътиборга эга одамлар билан алоқа боғлашингиз мумкинлигига кафолат керак. Сизга ғарбий давлатлар вакиллари билан музокара бошлашга ёрдам бера оладиган одамлар керак. Бу ишда сизга ким ёрдам бериши мумкин?

Пастор елкасини қисиб қўйди:

– Швейцария республикасининг президенти бўлса, сизга маъқул бўладими?

– Йўқ, бўлмайди. Бу – расмий каналлар. Бу жиддий гап эмас. Мен жаҳонда обрўси бор черков арбобларини назарда тутмоқдаман.

– Бу дунёда ҳамма черков арбоблари обрўли, – деди пастор, аммо Штирлицнинг юзида яна ўзгариш пайдо бўлганлигини кўриб, тезда яна гап қўшди: – у ерда дўстларим кўп. Бирор нарсга ваъда қилиш қийин, аммо бу масалани жиддий одамлар билан муҳокама қила оламан, деб ўйлайман. Масалан, Брюнинг билан... Уни

Ғарб ҳурмат қилади. Лекин кимнинг вакили-сиз деб мендан сўрашлари мумкин.

– Немисларнинг вакилиман дейсиз, – қисқагина жавоб қайтарди Штирлиц. – Агар сизга музокараларни ким олиб боради деб савол беришса, сиз ҳам: «Музокараларни Ғарб томондан аниқ ким олиб боради? – деб сўрайсиз. Бунини, албатта, мен тайинлаган алоқа орқали сўрайсиз...

– Нима орқали? – сўради пастор, гапга тушунмай. Штирлиц кулиб тушунтирди:

– Майда-чуйдаларни кейин маслаҳатлашамиз. Ҳозирча қатъий келишиб олишимиз зарур.

– Синглим билан болалари дорга осилмайди деб ким кафиллик беради?

– Мен сизни қамоқдан озод қилдимми?

– Ҳа.

– Бу иш осонлик билан бўлди деб ўйлайсизми?

– Йўқ, албатта.

– Ифвогар билан суҳбатда фюрерни ҳақорат қилгансиз. Плёнкага ёзиб олинган ўша суҳбатингиздан кейин сизни қул қилиш мумкинмиди?

– Сўзсиз.

– Мана сизга жавоб. Синглингиз хавфсиз жойда бўлади. Токи, табиий, немислар – ёшу қарилар ҳақида қайғурувчи сифатида ўз бурчингизни бажарар экансиз.

– Сиз мени яна қўрқитмоқчимисиз?

– Мен сизни огоҳлантиряпман. Агар ўзингизни бошқача тутсангиз – сизни ва синглингизни қутқариш учун ҳеч нарса қилолмайман...

– Қачон иш бошлаш керак?

– Эҳтиёж туғилиши билан.

– Қачон эҳтиёж туғилиши мумкин?

– Яқинда. Кейин: ўртамизда бўлиб ўтган суҳбат ҳақида бирор киши сўраса...

– Лом-мим демайман.

– Ишонсам бўладими?

– Иккаламиздан қайси биримизнинг аҳволимиз қалтисроқ?

– Қандай деб ўйлайсиз?

– Менимча, сизники.

– Тўғри.

– Немисларга тинчлик келтириш истагингиз самимийми?

– Ҳа, албатта.

– Одамларни тинчлик билан таъмин қилиш фикри яқинда пайдо бўлдими?

– Нима десам экан, – жавоб берди Штирлиц, – бу саволга охиригача самимий жавоб бериш қийин, пастор. Сизга қанчалик ҳақиқатни гапирсам, шунчалик ёлғончи бўлиб кўринсам керак.

– Менинг вазифам нимадан иборат бўлишини аниқроқ айтсангиз? Мен ҳужжат ўғирлашни ва бурчакдан туриб, ўқ узишни билмайман-ку?

– Биринчидан, – деди Штирлиц кулиб, – буни ўрганиб олиш қийин эмас. Иккинчидан, мен сиздан бурчакдан туриб, ўқ узишни талаб қилаётганим йўқ. Сизнинг алоқаларингиз иш бериши мумкин. Дўстларингизга Гиммлер фалончи ва фалончи вакили орқали – унинг номини сизга кейин айтаман – Фарбни алдамоқчи дейсиз. Сиз дўстларингизга Гиммлернинг у ёки бу вакилининг мақсади сулҳ эмаслигини тушунтириб берасиз. Ўша кишининг ҳатто ССда ҳам обрў-эътибори бўлмаган ифвогар эканлигини исбот этасиз. Ана шундай киши билан музокара олиб бориш фақат бемаъни-

лик эмас, балки кулгили нарса деб тушунтирасиз... СС билан, Гиммлер билан музокара олиб бориш ақлсизликдир деб қайта-қайта ишонтираверасиз. Сиз музокараларни бошқа одамлар билан олиб бориш керак деб куч-қуввати бор ва ақлли одамларнинг исмини айтасиз... Аммо бу иш билан кейинроқ шуғулланамиз...

Кетар олдидан Штирлиц:

– Уйда хизматчидан бошқа ҳеч ким йўқми?
– деб сўради пастордан.

– Хизматчи ҳам уйда эмас, у қишлоққа, қариндошлариникига кетган.

– Уйни кўрсам бўладими?

– Марҳамат...

Штирлиц иккинчи қаватга кўтарилиб, дераза пардаси орқасидан кўчага қаради: кичкинагина шаҳарчанинг марказий хиёбони бошдан-охиригача кўриниб турарди. Хиёбонда ҳеч ким йўқ эди.

Қирқ дақиқа ўтгач, у «Мехико» барига етиб келди: у ерда «қасд олиш қуроли» сирини сақлаш бўйича иш олиб борувчи айғоқчи билан учрашди. Штирлиц гестапо бошлиғи гапирилган гапларни эртасига тинглаб, хурсанд бўлсин деган ниятда шу барни танлаган эди. Бу суҳбат ақлли немис махфий кузатув хизматчиси билан ақлли немис олими ўртасидаги суҳбат бўлади: гестапочилар атом физикаси бўйича мутахассис Рунгени қамоққа олганларидан кейин Штирлиц вақти-вақти билан ҳар томонлама, асосли тарзда эҳтиёт чораларини кўриб юрарди.

* * *

– Салом фрау Кин... Аҳволлар қалай? Чақалоқ тузукми?

– Раҳмат, жанобим... Унинг овози чиқадиган бўлиб қолди, буни кўриб, мен ҳам ўзимни хотиржам сезяпман. Контузияга учраганим унинг овозига таъсир қилдимикан деб қўрққан эдим. Шифокорлар текшириб кўришди: ҳаммаси жойида эмиш.

– Худоба шукр! Бечора болалар... Энди дунёга... даҳшатли дунёга келган чақалоқ бошига ҳам шунчалик ташвиш тушадими-я? Айтгандек, мен сизга янгилик олиб келдим...

– Хушхабарми?

– Замона шундай экан – яхши хабарлар йўқ даражада, аммо сизга айтадиган гапларим ёмон эмас.

– Раҳмат, – жавоб берди Кэт. – Яхшилигингизни ҳеч унутмайман.

– Бош оғригингиз қолдими?

– Ҳозир тузук. Ҳар ҳолда, бош айланиши қолди, унчалик лоҳас бўлмаёпман.

– Бу мия шикастланганлигининг дарағи бўлса керак.

– Ҳа, сочим бўлмаганда, фарзандлик ҳам бўлмасдим... Пўлат устун зарбаси, аввало, сочга тушди...

– Хўп сочингиз бор экан... Биринчи марта келганимда қойил қолган эдим. Ажойиб совунлар билан ювиб юрган бўлсангиз керак?

– Ҳа, Швециядан амакимиз Эрон хинасини ва сифатли америка совунларини юбориб турардилар.

Тунда ҳамма воқеалар Кэтнинг эсига тушди. У «суғурта компанияси»дан келган жанобнинг

берган саволларини бирма-бир эслади. У яхши ҳимоя қилинган томонни зарба остига қўймоқчи бўлди. Энг хавфсиз – Стокгольмдаги амакини қалқон қилиш эди. Жомадон юзасидан ҳам бир неча баҳонаю тахминлар топиб қўйди. Энг ишқал масала – жомадон масаласи. Кэт ўзининг тахминлари қанчалик ишончли эканлиги устида ўйласа, чаккалари оғриб ёрилгудек бўларди. У агар жомадон масаласида гап чиққудек бўлса, аҳволим оғирлигини рўкач қилиб, жавоб бермасликка ҳаракат қиламан деб мўлжаллаб қўйди. У «суғурта айғоқчиси»ни амалда синаб кўрмоқчи бўлди. Швециядаги амаки баҳонаси унинг ишидаги энг осон баҳона эди. Қани шу баҳонани келтириб бир-биримизни синаб кўрайлик. Асосийси, гапни мен бошлашим керак...

– Амакингиз ҳақида бир нарсани билмоқчи эдим... Стокгольмда унинг телефони борми?

– Билмадим: эрим ҳеч вақт телефон қилмасди...

У Эрвиннинг ҳалок бўлганига ҳали ҳам ишонмасди. Бунга ишонгиси ҳам келмасди. Эрвиннинг ҳалок бўлганини биринчи марта эшитиб, хун бўлиб йиғлаганида, кекса ҳамшира:

– Жонгинам, йиғламанг... Менинг ўғлим билан ҳам худди шундай воқеа бўлган. Биз ҳам ҳалок бўлди деб ўтирсак, у госпиталда ётган экан. Ҳозир оёқсиз сакраб-сакраб юради, аммо уйда қолди, қўшинга олмадилар, энди омон қолди деяверинг...

Кэт Эрвиндан хабар олиш ниятида дарҳол Штирлицга хат юбормоқчи бўлди, аммо бундай қилиш мумкин эмаслигини биларди, шунингдек, Штирлиц билан алоқа боғламаса бўлмас-

лигини ҳам тушунарди. Шунинг учун оқибати ёмон бўлишини ўйламасликка ўзини мажбур этди, энди бутун фикри-зикри Эрвинни госпиталдан топа оладиган Штирлиц билан алоқа боғлаш эди. Ҳамма нарсаяхшилик билан тугайди, бу қийинчиликлар ўтиб кетгач, кичкинтой билан Эрвин Москва кўчаларида сайр қилиб юрадилар. Бу, албатта, баҳор пайти бўлади ёки ҳамиша баҳор бўлади, ё бўлмаса осмонда мезон ялт-ялт қилиб учиб юрган илиқ куз пайти, оппоқ ва баланд қайин дарахтлари сап-сарик барглари шилдиратган пайт бўлади...

– Фирма, – деб гапини давом эттирди жосус, – амакингиз билан телефон орқали гаплашишда ёрдам бериши мумкин, – сиз оёққа туришингиз билан буни амалга оширса бўлади. Биласизми, шведлар бетараф, улар жуда бой, сизга ёрдам бериш унинг бурчи. Ёўдакнинг овозини телефон орқали етказсангиз, унинг қалби эриб кетади... Энди яна бундай гап бор... Мен компания раҳбарлари билан келишдим, сизга суғурта маблағи текширилишини кутиб ўтирмай, яқин кунларда дастлабки нафақа беришга қарор қилинди. Аммо бизга кафиллик бера оладиган икки одамнинг номи керак.

– Нима қила оладиган дедингиз?

– Кафил бўла оладиган – кечирасиз мени, хизмат бурчимни бажаряпман, холос, – сизнинг софдиллигингизга кафиллик бера оладиган икки кишининг номи керак... Мени тўғри тушунишингизни ўтиниб сўрайман...

– Бунга ким кафил бўла олади?

– Бирорта дўстингиз ҳам йўқми?

– Кафил бўла оладиган дўстлар йўқ.

– Яхши, бўлмаса... Танишларингиз бордир? Эрингизни билган танишлар бўлса бас...

– Биладиган денг, – унинг гапини тўғрилаб қўйди Кэт.

– У тирикми?!

– Ҳа.

– Қаерда у? Бу ерга келдими?

Кэт бошини сараклатди.

– Йўқ. У бирорта госпиталда ётган бўлса керак. У тирик: унинг тириклигига ишонаман...

– Мен қидириб кўрдим...

– Ҳамма госпиталларними?

– Ҳа.

– Ҳарбий госпиталларни ҳам текшириб кўрдингизми?

– Нега у ҳарбий госпиталга тушиши мумкин деб ўйлайсиз?

– У уруш ногирони... Зобит... Уни ҳушсиз аҳволда топишган ҳамда ҳарбий госпиталга юборган бўлишлари мумкин.

– Энди сиздан анча кўнглим тўқ, – деди суғурта айғоқчиси кулиб, – сизнинг миянгиз жойида, аҳволингиз кун сайин яхшиланиб бормоқда. Тезроқ кўрпа-ёстиқни ташлаб, тузалиб кетинг: ўғилчанинг сайр қиладиган вақти келмоқда. Шу кунларда тоза ҳаво – энг яхши дори-дармон бўлиб қолди. Ҳозирча, марҳамат, менга эрингизнинг танишларидан бирортасининг исм-шарифини айтинг, мен эртага уларни кафил бўлишга кўндираман.

Бу киши янги-янги саволлар бериши билан икки чаккаси ёрилгудек оғриётганини Кэт сезиб турди. Мияси худди биров ичидан темир болға билан тақ-туқ қилиб ураётгандек оғрирди. Шунга қарамай саволларга аниқ жавоб

бермаганлиги учун энди бу саволни ҳам жавобсиз қолдирса, иши пачава бўлишини Кэт сезиб турарди. У ўз кўчасида кўпроқ вайрон бўлган уйларни эслай бошлади. Тўхта – истеъфодаги генерал Нушнинг радиоласини Эрвин тузатиб берган эди. Ҳа, шундай. У Рансдорфда, кўл бўйида турарди. Ўшандан сўрасин.

– Жанобим, истеъфодаги генерал Франц Нуш билан гаплашиб кўринг. У Рансдорфда, кўл бўйида яшайди. У эримнинг яхши таниши. У бизга шафқат қилиб, ҳозир ҳам ёрдам беришини худодан сўраб қолардим...

– Франц Нуш, – деб қайтарди айғоқчи, қўлидаги дафтарчасига генерал номини ёзар экан. – Рансдорфда яшайди. Кўчасининг номи ёдингиздами?

– Ёдимда йўқ...

– Маълумотлар бюросида генералнинг манзилини бермасликлари мумкин...

– У жуда кекса... Урушда қатнашганига ҳам анча вақт бўлгандир-ов... Саксондан ошган.

– Йўқ, йўқ... Унда склероз бормикан деб қўрқяпман... Агар менинг қўлимда бўлса ёши етмишдан ошган кишиларни мажбуран ишдан бўшатиб, қариялар учун махсус ҳудудларга жўнатардим. Бу дунёда ҳамма балога чоллар сабабчи бўлиб чиқяпти...

– Ундай эмасдир, жанобим... Генерал жуда соф кўнгилли киши...

– Яхши. Яна ким бор?

«Фрау Корини айтсаммикан? – ўйларди Кэт. – Йўқ, хавфли. Ўша хоним билан дам олишга бирга борган бўлсак ҳам, ёнимизда жомадон бор эди. Фотосуратга қараб, жомадонни таниб

қолиши мумкин. У яхши номзод эди: эри СС майори бўлиб хизмат қиларди...

– Фрау Айхельбреннер билан боғланиб кўрсангиз. У киши Потсдамда туради. «Тегирмон томон» кўча, хусусий уйда яшайди.

– Раҳмат. Шуниси ҳам етар. Фрау Кин, мен бу кишиларнинг сизга кафил бўлишларига эриша оларман. Ҳа, айтгандек. Сизнинг хизматчингиз топилган жомадонлар ичида иккитаси сизники эканлигини таниди. Эртага эрталаб у билан бирга келармиз ва шифокор иштирокида ўша жомадонларни очамиз, балки зарур бўлмаган нарсаларни сотишни буюрарсиз. Мен уларни дарҳол алмаштириб, эркатой учун ички кийим олиб келардим.

«Тушунарили, – деди ўзига ўзи Кэт. – Бу одам худди шунинг учун келган. У шу бугуноқ дўстлар билан алоқа боғлашга уринишимни истапти».

– Катта раҳмат, – деди Кэт. – Яхшиликларингизни худо қайтарсин. Яхшиликни худо ҳеч қачон эсдан чиқармайди...

– Сиз лютер мазҳабиданми?

– Йўқ, менинг оилам ҳар вақт протестант черковига ибодат қилиб келганди.

– Мен эса лютер мазҳабиданман... Бунинг аҳамияти ҳам йўқ: ҳар бир киши дилида худони билиб юрса бас... Энди охирги гап... – айғоқчи Кэтга бир бет қоғоз узатди. – Ссуданинг бир қисмини дарҳол беришларини сўраб ёзилган аризага қўл қўйсангиз. Марҳамат, бу ерга. Раҳмат. Тезроқ тузалинг, полвонни ўпиб қўйинг...

Ўша киши навбатчи шифокор хонасига ҳамширани чақириб, бундай деди:

– Агар бу аёл сиздан бирор жойга телефон қилишни илтимос қилса ёки хат берса, дарҳол менга қўнғироқ қилинг – уйгами, ишхонагами, барибир. Истаган вақтингизда телефон қилинг, – деб яна қайтарди гапини. – Агар кўргани бирор киши келса, мана бу ерга хабар қилинг, – у телефон рақамини берди, – бу кишилар сиздан уч дақиқалик масофа нарида. Сиз келган кишини қандай бўлмасин чалғитиб туринг, ҳа, қандай бўлмасин.

– Штирлиц ўз хонасидан чиқар экан, йўлакда Эрвиннинг жомадонини кўтариб кетаётганларини кўриб қолди. У бу жомадонни мингта жомадон орасида бўлса ҳам бемалол танирди. Унда узатгич сақланарди.

Штирлиц иши йўқ кишидек, хушчақчақлик билан гаплашиб жомадонни штурмбанфюрер Рольф хонасига олиб кириб кетган икки киши орқасидан борди.

Табиийки, Кэтнинг бармоқ излари ва жомадон устидагина эмас, балки жадвалда ва эбонитдан ишланган қора қулоқчинларда ҳам қолганлигини лабораторияда аниқлаганликларидан Штирлицнинг хабари йўқ эди...

У юқоридаги икки кишини терговчи Рольф хона эшигигача кузатиб бориб, ҳозир кирайми ёки кейинроқми, деб хаёл суриб қолди. У жон-жаҳди билан ўйларди ва ўйини тамом қилмасданоқ, кўпроқ ҳис-туйғуга ишониб, кўрсаткич бармоғини букиб, эшикни тақиллатди ва жавоб кутмасданоқ Рольф ҳузурига кираверди.

– Нима бўлди, эвакуацияга тайёрланыпсанми? – сўради у кулимсираб. У бу ибора устида ўйлаб ўтирмади, ўзидан ўзи миясига келиб

қолди, афтидан, шу вазиятга тўғри келадиган бундан яхши саволни соатлаб ўйласа ҳам топиш қийин эди.

– Йўқ, – деб жавоб берди Рольф, – бу узатгич.

– Ишқивоз бўлиб узатгич йиғяпман дегин? Эгаси қани?

– Эгаси бир аёл. Хўжайинининг ўзи дунёдан ўтган бўлса керак. Унинг хотини эса янги туғилган чақалоқ билан госпиталда ётибди.

– Янги туғилган дейсанми?

– Ҳа, аблаҳнинг боши ҳам пачақланган.

– Бемор хотинни нима қилмоқчисан? Шу аҳволда сўроқ қилмассан, албатта.

– Менимча, худди шундай аҳволда сўроқ қилиш керак. Бир нарсани кутгандек ишни чўзаверишнинг нима кераги бор? Бунинг устига, бўлимдан бир аҳмоқ жомадонлар расмини унинг ўзига кўрсатибди. Шу расмда сизнинг нарсаларингиз йўқми деб сўрабди... худога шукрки, у қочиб кетолмайди: чунки чақалоғи бор. Болалар бўлинмасига эса ҳеч кимни қўймайдилар. Боласини ташлаб кетмас деб ўйлайман... Умуман олганда, ким билади дейсиз... Мен бутуннинг ўзида уни бу ерга олдириб келмоқчиман...

– Тўғри гап, – маъқуллади Штирлиц. – Назорат гуруҳи қўйилганми? Алоқа боғлаши мумкинлигини кузатиш керак-ку...

– Ҳа, у ерга ўз ҳамширамизни жойлаштирдик, қоровул ўрнида ҳам бизнинг ходимимиз.

– У ҳолда уни бу ерга олиб келишнинг нима ҳожати бор? Бутун иш чатоқ бўлиши мумкин. Балки, у алоқа қидириб қолар?

– Ўзимни ҳам бошим қотиб турибди. Ўзига келиб, бор гапни билиб қолмаса эди деб қўрқяпман. Русларни биласан-ку, уларни ис-

сиғида, ҳолдан кетиб турганида қўлга тушириш керак...

– Нега уни рус деб ўйлаяпсан?

– Ҳамма гап шундан бошланди-да. Туғаётганида русчалаб бақирибди.

– Қаерда ётибди?

– «Шарине»да. Уни бу ерга олиб келиш учун ўн дақиқа етарли.

Штирлиц қаддини ростлади ва эшик томон йўл олар экан, бундай деди:

– Уни тезроқ бу ёққа келтир... Лекин бутун операцияни барбод этиши мумкин. Агар у алоқа қидира бошласа, антиқа иш бўлиши мумкин. Шериклари уни касалхонама-касалхона қидириб юришганмикин?

– Бундай тахмин устида ҳали биз бош қотирганимизча йўқ...

– Бўлмаса шу тахминни сизларга тақдим қилдим... Бу иш билан бугун шуғулланса ҳам кеч эмас. Саломат бўл, ишинг ўнгидан келсин...

– Эшик ёнига етгач, Штирлиц орқасига қаради: – Қизиқ иш экан. Жуда қизиқ. Энг муҳими, ҳаддан ташқари шошилмаслик. Маслаҳатим шуки, катта бошлиқларни хабардор қилмай тур, чунки тезлатишни талаб қиладилар.

Штирлиц эшикни очди-ю, пешанасини қўли билан уриб, кулиб юборди:

– Ҳеч мия йўқ-да! Эсимни еб қўйганимни қара... Мен сендан уйқу дори сўрагани келган эдим-ку. Ҳа, худди шу дорини деб келгандим. Сенда Швециядан келтирилган ажойиб уйқу дори борлигини ҳамма билади...

Энг кейин айтилган гап ёдда қолади – бу нарсага Штирлиц худди математик исботга ишонгандек ишонарди. Суҳбатга киришиб кетиш

муҳим нарса, суҳбатдан чиқиб кетиш санъати ундан ҳам муҳимроқ. Энди, ўйларди Штирлиц, бирор кимса ҳузурига ким ва нима учун келганини сўраса, у, Штирлиц келганди ва швед уйқу дорисидан сўраган эди, деб жавоб бериши тайин. Рольф бошқарманинг ярмини уйқу дори билан таъминлаб турарди, унинг амакиси фармацевт эди.

... Энди, Рольф ҳузуридан чиққач, Штирлиц жуда ҳам ғазабланганлигини кўрсатиши керак. У Шелленбергнинг хонасига чиқиб, бундай деди:

– Бригаденфюрер, бетобман деб (аслида ҳақиқатан бетобман) ўн кунга санаторийга рухсат олмасам бўлмайдиганга ўхшайди – бўлмаса ҳолдан кетаман...

Махфий кузатув хизмати бошлиғига шу сўзларни айтаётганда унинг ранги кесак бўлиб кетди. Ҳозир Кэтнинг тақдири, бинобарин, унинг тақдири ҳам ҳал қилиниши керак. Аммо унинг ранг-рўйи шу сабабдан ўзгарди деб ўйламанг. Бу ерда Кэтнинг қандай азобларга тушишини биларди: сўроқ бошлангандан кейин тўрт соат ўтиши билан янги туғилган чақалоқнинг миясига тўппончани тўғрилаб, агар ҳаммасини айтмасанг болангни отиб ташлаймиз деб қўрқитадилар. Бу Мюллер отанинг эски қилиқлари, пўписалари эди: чунки улар шу пайтгача бирорта боланинг миясидан отмаганлар. Улар раҳм-шафқат юзасидан болани отмасдилар, деб ўйламанг. Мюллернинг одамлари қўлидан бундан баттарроқ ишлар ҳам келарди. Йўқ, улар бола отиб ўлдирилганидан кейин онасининг мияси айниб, бутун операция чиппакка чиқиши мумкинлигини тушунадилар.

Аммо уларнинг бундай пўписаси натижасиз қолмасди.

Агар Кэт у ҳақида гапириб берса, бошига қандай азоблар тушиши мумкинлигини жуда яхши англади. Аммо унинг ранги шу сабабли ўзгариб кетди деб ўйламанг. Бунинг сабаби оддий: у дарғазаблик ролини ўйнади, унинг руҳи танасини ўзига шунчалик аниқ ва бутунлай бўйсундирган эдики, бундай уйғунликка эришиш улуғ артистларгагина хос эди. Ҳақиқий айғоқчи актёр ёки ёзувчининг ўзгинасидир. Айғоқчи ана шуларга хос қонунга: ўз ҳақиқатини яратиш қонунига биноан яшайди. Артист саҳнада ўхшатиб ўйнай олмаса, унинг башарасига ачиган помидор улоқтиришади, ёзувчи ҳақиқатни ёзмаса ва ёзгани мантиққа мос келмаса, танқидчиларнинг ҳажв ва нафрат тўла кулгисига учрайди. Лекин айғоқчи шундай қилгудек бўлса, ўлимга маҳкум этилади.

– Нима гап ўзи? – ҳайрон бўлиб сўради Шелленберг. – Сизга нима бўлди?

– Ҳайрон қолиб ўзингиздан кетиб ўтирманг, лекин биз ҳаммамиз Мюллернинг тузоғига тушибмиз. Кеча Фридрихштрасседа кетимга тушиб, аҳмоқлик қилган бўлсалар, бугун ундан баттарини қилибдилар: афтидан, фаол иш олиб борган рус алоқачисини топиб олибдилар. Мен саккиз ой давомида ана шу узатгични излаб юрибман-у, аммо бу ишни мен қолиб, радио ишини унчалик яхши тушунмайдиган Рольфга топширибдилар!

Шелленберг дарҳол телефон гўшагини олоқчи бўлди.

– Керак эмас, – деди Штирлиц. – Ҳожати йўқ. Махфий кузатув хизмати билан унга қарши

ташкилот ўртасида одат бўлиб қолган гап-сўзлар бошланиб кетади. Керак эмас. Яхшиси, менинг ўша рус аёли олдига боришимга, уни ҳузуримга олиб келиб, жилла қурса биринчи сўроқни олиб боришимга рухсат этинг. Мен, мақтанчоқлик бўлса ҳам, сўроқни Рольфдан яхшироқ олиб бораман. Шундан кейин уни Рольфга топшираверсинлар – мен учун шуҳратпарастлик эмас, иш муҳимроқдир.

– Бораверинг, – деди Шелленберг, – мен ҳар эҳтимолга қарши рейхсфюрерга қўнғироқ қиламан.

– Яхшиси, олдига кириг, – жавоб берди Штирлиц. – Менга бу ими-жимида ишлар унчалик ёқмай турибди-да.

– Бораверинг, – қайтарди Шелленберг, – ишингизни бажаринг. Кейин анави руҳоний ҳақида гаплашамиз. Эрта-индин у бизга керак бўлиб қолади...

– Бирданига икки ишни бажара олмасман?

– Бажара оласиз. Айғоқчи ё дарҳол таслим бўлади, ёки ҳеч вақт таслим бўлмайди. Фақат баъзан Мюллер каллакесарлари махсус чоралар кўрганларидагина уларнинг иродаси синиши мумкин. Дастлабки соатларда ҳаммасини аниқлаб оласиз. Агар ўша хоним лом-мим демаса, уни Мюллерга топшираверинг – қийналиб бош қотираверсинлар. Агар хоним гапира бошласа, бу ютуқни ўз ҳисобимизга ёзиб қўясиз-у, баварияликни доғда қолдирамиз.

Шелленберг жаҳли чиқиб турган пайтларда энг ёмон кўрган кишиларидан бири – гестапо бошлиғи Мюллерни ана шундай деб атарди. Госпиталь қабулхонасида Штирлиц СС нишонини кўрсатиб, тўппа-тўғри Кэт ётган палата-

га кириб борди. Кириши билан Кэт унга тикилиб қолди, кўзларига ёш олиб, Штирлиц томон интилди, аммо у диктофон борлигидан чўчиб – ҳаво кириб-чиқиб турадиган иккита тешик мослама ўрнатиш учун жуда қулай жой эди – Кэт оғзини очишга улгурмасданоқ бундай деди:

– Фрау Кин, отланинг. Сиз ютқаздингиз, айғоқчи ютқазганда ҳам ўзини муносиб тутиши керак. Сиз ўз сўзингизда тураверишингизни биламан, аммо бундай қилиш ақдан эмас. Қирқта шифровкангиз қўлимизга тушди. Ҳозир кийимингизни олиб келишади ва мен билан жўнайсиз. Агар биз билан ҳамкорлик қилсангиз, ўзингиз ва болангизнинг омон қолишига кафил бўла оламан. Агар тихирлик қиладиган бўлсангиз, ҳеч нарса ваъда қилолмайман.

Штирлиц ҳамширанинг Кэтнинг пальтоси, костюм ва пойабзалини олиб келишини кутиб турди. Кэт унинг атайлаб шундай қилаётганини пайқаб:

– Балки, кийиниб олгунимча чиқиб турарсиз? – деди.

– Йўқ, чиқолмайман, – жавоб берди Штирлиц. – Мен тескари қараб, гапимни давом эттиравераман, сиз эса жавобни ўйлаб туринг.

– Мен сизга ҳеч қандай жавоб беролмайман, – деди Кэт, – гапирадиган гапим йўқ. Нима бўлганини тушунмаяпман, ҳали анча мазам йўқ. Менимча, тушунмовчилик тезда аниқланади... Ахир эрим – зобит, уруш ногирони...

Кэт беҳад хурсанд эди. У ўзининг яқин одами билан учрашди, эндиги синовлар қанчалик мураккаб бўлмасин, энг даҳшатли нарса – ёлғизлик – ўтиб кетганлигига ишончи комил эди.

– Фойдаси йўқ, – унинг гапини бўлди Штирлиц, – сизнинг узатгичингиз қўлимизда, радиограммалар ҳам қўлимизда, биз улар мазмунини ечдик, буларнинг ҳаммаси инкор қилиб бўлмайдиган исботдир. Сиз битта нарсага: биз билан ишлашга рози бўлсангиз бас. Маслаҳатим, таклифимга рози бўлинг, – деди Штирлиц ўгирилиб қарар экан, у гапимга яхшилаб тушуниб ол ва шунга қараб иш тут, деган маънода кўзлари билан ҳар хил имо-ишоралар қиларди, – биринчидан, оз бўлса ҳамки, нималарни билсангиз, шуни айтиб берасиз, иккинчидан, менинг таклифларимни қабул қилиб, фурсатни қўлдан бой бермай, икки-уч кун ичида биз учун ишлай бошлайсиз...

Штирлиц машинада гапириш ярамаслигини биларди: Мюллер, кетингизга тушган эмасман, машинани адаштиришибди, деб ишонтирмоқчи бўлганига қарамай, орқада уларни кузатиб юрган автомобиль бор. Унинг машинасига эса гапларни ёзиб оладиган мослама ўрнатилган бўлиши мумкин. Шунинг учун асосий нарсалар ҳақида йўлакда гаплашиш мумкин эди. Аммо асосий нарсани Кэт шу ерда тинглаб, тушуниб олиши мумкин эди. Йўлакдан ўтиш учун икки дақиқа кифоя эди, у палатага кўтарилаётганда қанча вақт кетишини ҳисоблаб олганди.

Ҳамшира болани олиб келиб:

– Бола тайёр, – деди.

Штирлиц шу сўзларни эшитгач, эти жимираб кетди: нораства гўдак ҳозир гестапога, қамоқхонага кетаётганлиги учун эмас, балки аксинча, у аёлнинг, тирик одамнинг (эҳтимол у ҳам онадир) бепарволик билан: «Бола тайёр...» деган даҳшатли сўзларини эшитиб шундай бўлди.

– Болани кўтаришга қийналасиз, – деди ҳамшира, – машинагача кўтариб чиқаман.

– Керак эмас, – жавоб берди Штирлиц, – бо-раверинг. Фрау Кин боласини ўзи кўтаради. Йўлакка касаллар чиқмасин, шундан хабардор бўлиб тулинг.

Ҳамшира чиқиб кетди, Штирлиц эса эшикни қия очиб, Кэтни олдинга ўтказди. У Кэтнинг қўлтиғидан ушлаб ёрдамлашди, аммо Кэтнинг қўли титраётганин сезиб, болани кўтариб олди.

– Гапимга қулоқ сол, қизалоқ, – деб секин гапира бошлади Штирлиц оғзидаги тамакини маҳкам тишлаб, – улар ҳаммасидан хабардор...

– Тамакини ташла, боланинг кўзига тутун кирмасин, – илтимос қилди Кэт.

– Мумкин эмас, – деб жавоб берди у, – бир дақиқалик гап. Буниси ҳолва ҳали. Диққат билан тингла. Улар бизникилар учун хабар бера бошлайдилар. Савдолашавер, бола ёнингда бўлишини, кафолат беришларини талаб қилавер... Болага келганда ироданг букилган қилиб кўрсат ўзингни: улар бизнинг гапимизни ёзиб олишлари мумкин, шунинг учун хонамга борганда, бу ролни боплаб ижро эт. Шифрни сен билмайсан, ҳали радиограммалар мазмунини очолганларича йўқ. Шифрни тайёрловчи Эрвин эди, сен эса фақат радио мутахассиссан. Қолганини менга қўйиб беравер. Эрвин резидент билан учрашгани Кантштрассе ва Рансдорф томонга борарди, кимлигини билмасдим, дейсан. Эрвин ҳузурига Ташқи ишлар вазирлигидан бир жаноб келиб турарди, дейсан. Машинада сенга унинг расмини кўрсатаман. Ҳамма гап шу. Тушундингми?

Ташқи ишлар вазирлигидан деган кишиси шарқий бошқарманинг маслаҳатчиси Хайнц Корнер бўлиб, у бундан бир ҳафта олдин автомобиль фалокатига учраб, ҳалок бўлган эди. Бу, албатта, сохта из, аммо гестапо бу из кетидан қувиб, ўн-ўн беш кун вақтини йўқотиши турган гап. Ҳозирги вазиятда эса ҳар бир кун ганимат...

Орадан беш соат ўтгач, Рольф рус радио мутахассисининг «Шарине» касалхонасидан ғойиб бўлганлиги ҳақида Мюллерга хабар қилди. Мюллернинг газаби қўзиди. Яна икки соатдан кейин унга Шелленберг телефон қилиб бундай деди:

– Салом, дўстим... Штирлиц бир совға тайёрлаяпти: у бизнинг фойдамизга ишлашга рози бўлган рус радио мутахассисини олиб кетибди. Рейхсфюрернинг ўзи ана шу муваффақият билан табриклади.

Шифр сири очилмаганлиги Штирлицга маълум эди. Амалда бу сирни очиб бўлмас, чунки бу унинг шахсий шифри бўлиб, гестапода эса уни очадиган калит йўқ эди. Марказдан Штирлицга юборилаётган радиограммаларнинг калити бошқача бўлиб, буни радистнинг билиши шарт эмасди; фақат шифрни аниқловчи кишигагина маълум эди, аммо эндиликда у ҳам айтолмайди буни, чунки у уй вайроналари остида қолганди.

Штирлиц Шелленберг ҳузурида, унинг Мюллер билан телефон орқали қилаётган ҳазилига қулоқ солиб ўтирар экан, хаёлга ботиб: жанговар сафдошинг – Катенька Козлова, Кэт Кин, Инга, Энрикени бу ерга, қамоқхонага олиб келишга ҳақинг бормиди, деб юз марталаб ўзига ўзи савол берарди. Тўғри, уни машинага

ўтқазиб, ўз нишонини кўрсатиб, Бабельсбергга олиб бориши, кейинроқ эса уй топиб бериши ва янги ҳужжатлар билан таъминлаши ҳам мумкин эди. Унда Кэтнинг ҳаётини сақлаб қолиш эвазига Марказ томонидан режалаштирилган, юз минглаб рус аскарлари учун жуда муҳим бўлган, Европанинг келажагига у ёки бу даражада таъсир этиши мумкин бўлган операцияни барбод қилган бўлар эди. Кэт госпиталдан қочиб кетгандан кейин бутун гестапо оёққа туришини Штирлиц яхши тушунарди. Қочиш муваффақиятли чиққан тақдирда ҳам махфий полиция нишони, машинаси рақами, ташқи кўриниши каби ҳамма далиллар уни фош қилиши аниқ эканини ҳам англарди. Унинг ўзи ҳам яширинча ишлашга ўтишга мажбур бўларди, бу эса бутун иш барбод бўлди деган гап эди. Кэт учун гестапо фойдасига ишлашга розилик бериб, гестапонинг яширин уйларида бирида яшашдан кўра сиртдан қараганда энг ишончли бирор бир яширин уйда яшаш хавфлироқ эди. Гестапонинг яширин уйларида сотқинлик қилиб, ўзларининг эски хўжайинларига қарши ишлашга рози бўлган айбқочиларга муносабат анча дуруст эди. Штирлиц таваккал иш қилаётганлигини тушунарди. Фашистларнинг тақдир ҳал бўлиб қолганлиги учун Мюллер жаллодлари камоқхонага тушганларни шафқатсиз ва ваҳшийлик билан йўқ қилиш йўлига ўтиб олишларини ҳам яхши тушунарди у. Шунинг учун ҳам у аввало Кэтга, мени Россия билан боғлайдиган ҳеч нарса қолмади, эрим ҳалок бўлди, энди ҳар қандай вазиятда бошлиқларим қўлига тушмаслигим зарур, деган шарт қўйиши ке-

раклигини айтди. Бу Кэтни гестапо қўлига топширишлари мумкин бўлган тақдирда ишлатиладиган ҳийла эди. Агар Штирлицнинг Кэтни доим ўз қўлида сақлаб тура олишига ишончи комил бўлганда, у бунчалик ташвишланиб, юз марталаб ўзига ўзи тўғри қилдимми ёки йўқми деган саволни беравермасди. Кэт унинг қўлида бўлса, СС муҳофазаси остидаги махфий уйга жойлаштириб, пайти келганда уни ўғли билан қочириб юборарди-ю, уларни ҳеч ким тополмасди. Ҳозир эса фронтдаги аҳвол фожиали бўлишига, мамлакат марказида қочқинлар тўлиб кетганлигига қарамай, гестапо аниқ ва равон ишлашни давом эттирарди: бир киши иккинчи кишини чақиб юрарди, иккинчиси эса чақимчиси устидан хабар етказиб турарди. Германиянинг махфий полицияси нимадан иборатлигидан бутунлай беҳабар содда кишиларгина ана шу бўтана сувдек шароитда ҳеч қандай тўсиққа учрамай қутулиб кета оламан деб ўйлаши мумкин эди.

Мюллер рус радисти биринчи марта сўроқ қилинган маълумотлар устида уч соат бош қотирди. У Штирлиц юборган ёзувлар билан СС штандартенфюрери фон Штирлиц хонасидаги штепселга ўрнатилган магнитофон тасмасига ёзиб олинган нусхани таққосларди.

Рус радио мутахассисининг жавобларида ўзгариш йўқ эди. Штандартенфюрернинг ёзилган саволлари билан рус радио мутахассисига берган саволлари ўртасида анчагина фарқ бор эди.

– Штирлиц деганинг хўп устомон экан-да, – деди Мюллер Рольфга мурожаат қилиб, – радио

мутахассисини қандай бошлаб тайёрлаганини эшитиб қўринг.

Мюллер плёнкани қайтадан айлантириб, Штирлиц овози ёзилган жойдан қўйди:

– Москвада сизнинг қўлга тушганлигингизни эшитишлари биланоқ устингиздан ҳукм чиқаришлари турган гап эканлигини қайтариб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Гестапо қўлига тушган одам ҳалок бўлмоғи лозим. Гестапо қўлидан ким омон чиқса – у киши хоин, фақат хоин бўлиши мумкин. Шундай эмасми? Бу – биринчиси. Озодликда қолган айбончилар исмини сиздан суриштириб ўтирмайман – бу нарсани унчалик зарур эмас: сизни излаб топмоқчи бўлиб, ўзлари сўзсиз қўлимга тушадилар. Бу иккинчиси. Тушунари бўлса керак, инсон ва рейх зобити сифатида сизнинг аҳволингизга чин кўнгилдан ачинаман: агар биз фарзандингизни болалар уйига топширишга мажбур бўлсак, сизнинг она сифатида қанчалик изтироб чекишингиз мумкинлигини тушунаман. Бола онадан умр бўйи жудо бўлади. Мени тўғри тушунишингизни сўрайман, мен сизни қўрқитмоқчи эмасман, агар бу ишни қилмоқчи бўлмаганимда ҳам, ўзингизга маълумки, тепамизда бошлиқлар бор – болангизни кўтариб ўтирганингизни ўз кўзи билан кўрмаган кишиларга буйруқ бериш анча осонроқ. Демак, буйруқни бажармасдан иложим йўқ: мен аскарман ва менинг Ватаним сизнинг мамлакатингиз билан уруш вазиятида. Ниҳоят, тўртинчиси. Ўз вақтида қўлимизга Олма-отада москвалик кино арбоблар суратга олган бир неча кинофильмларингизнинг нусхаси тушган эди. Ўша фильмларда немисларни аҳмоқ, ташкилоти-

мизни эса жиннихона қилиб кўрсатганлар. Агар бу нарсa тўғри бўлса, агар биз шунчалик аҳмоқ бўлсак, нега Кремль дарвозаси ва Волга остонасига бориб қолган эдик...

... Суҳбатнинг шу жойига келганда Штирлиц Кэтга қараб кўзини қисиб қўйди (табiiйки, Мюллер буни сезмасди) ва Кэт унинг саволини тушуниб, жавоб берди:

– Ҳа, шундай, аммо бизнинг қўшин ҳозир Берлин остонасида турибди.

– Тўғри. Бизнинг қўшинларимиз Кремль дарвозаси ёнида турганларида, сизлар Берлингача борамиз деб ишонардинглар. Биз ҳам яқинда Кремлга қайтиб боришимизга ишонамиз. Майли, баҳслашиб ўтирмайлик. Гап очганимнинг сабаби бор – биздаги шифр топувчилар аҳмоқ одамлар эмас, улар шифрингиздаги кўп нарсаларни аниқладилар, сизнинг ишингизни – радио мутахассисликни ҳам бизнинг одамимиз бажариши мумкин...

Штирлиц яна Кэтга кўзини қисиб қўйди ва у жавоб қилади:

– Сизнинг радио мутахассисингиз менинг услубимни билмайди. Марказ эса менинг услубимни яхши билади.

– Тўғри айтасиз. Аммо бизда сиз юборган хабарлар плёнкага ёзиб олинган, шунга қараб ўз одамларимизни сизнинг услубингизга ўргатишимиз мумкин. У сизнинг ўрнингизда ишлайдиган бўлади. Шу билан узил-кесил фош қилинасиз. Ватанингизда сизни кечирмайдилар – буни ўзингиз яхши биласиз.

Штирлиц яна Кэтга қараб бошини қимирлатиб қўйди, аммо у ухлаётган боласини бағрига босиб, индамай ўтирарди.

– Агар сиз ақллилик қилсангиз, мен раҳбарларингиз олдида гуноҳкор бўлмаслигингизни таъминлайман.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, – деб жавоб берди Кэт, Штирлицнинг имо-ишорасини кутмай.

– Янглишяпсиз. Бўлиши мумкин. Сизнинг қамалганингиз биздаги бирорта ҳужжатда қайд қилинмайди. Сиз менинг яхши дўстларим билан бир уйда турасиз, у ерда қизчага ҳам яхши бўлади...

– Қиз эмас, ўғил...

– Кечирасиз... Кейинчалик ўз шерикларингизни кўришга муяссар бўлсангиз, эрим ҳалок бўлгандан кейин бир киши паролни айтиб мени топиб олди, дейсиз...

– Мен паролни билмайман...

– Биласиз, – қатъий гап қайтарди Штирлиц, – паролни биласиз, аммо уни айтишни сиздан сўрамайман, бундай романтиканинг ҳожати йўқ. Шундай қилиб, паролни айтган киши мени ана шу уйга олиб келиб, телеграммалар бериб, Марказга юборишни буюрди, дейсиз. Бу сиз учун далил бўлади. Айфоқчиларга бағишланган кино ва спектаклларда ўйлаб кўриш учун муҳлат берилади. Мен сизга муҳлат беролмайман, розимисиз ёки йўқми, менга дарҳол айтинг.

Жимжитлик.

...Мюллер Рольфга қараб деди:

– Фақат бир ерда хато қилибди: боланинг ўғил ёки қизлигида янглишибди, бошқаси жоийда – жуда усталик билан сўроқ қилган.

– ...Ҳа, майли, – секин, ҳатто пичирлаб жавоб берди Кэт...

– Эшитмаяпман, – деди Штирлиц.

– Ҳа, майли, деяпман-ку, – қайтарди Кэт. – Ҳа! Ҳа! Ҳа!

– Мана бу энди бошқа гап, – деди Штирлиц. – Лекин қизишманг. Ахир бизга қарши ишлашга розилик берганда, ўзингизни нималар кутиши мумкинлигини билгансиз-ку.

– Аммо битта шартим бор, – деди Кэт.

– Қулоғим сизда.

– Эрим ҳалок бўлиб, ўзим эса қўлга олинганимдан кейин Ватаним билан ҳар қандай алоқам узилди. Агар келажақда ҳар қандай шароитда ҳам менинг собиқ раҳбарларим қўлига тушмаслигимга кафолат беролсангиз, сизнинг фойдангизга ишлайман...

Кэт ранги оқариб, курсидан йиқилаёзди. Штирлиц ёнига чопиб бориб, боласини қўлидан олишга улгурди. У навбатчини чақириб деди:

– Маҳбусни қамоқхона госпиталига жойлаштиринг. Муносабатни жойига қўйишсин, бундан хабардор бўлиб туринг... Асаби бузилган, ўтиб кетади...

Штирлиц Шелленбергга бундай деди:

– Бу аёлни қўлдан бермаслигимиз керак. Борди-ю, бой бериб қўйсак ўтакетган бепарволик ва аҳмоқлик қилган бўламиз. Пастор билан иш бошлай деб турган пайтимизда, айниқса, зарур у. Агар сиз рейхсфюрернинг бизни қўллаб-қувватлашига эриша олсангиз, жуда ажойиб иш бўларди.

– Ҳаракат қилиб кўраман, – деб жавоб берди Шелленберг. – Нимани баҳона қиламиз?

– Баҳона кўп, – деди Штирлиц елкасини қисиб.

– Португалия орқали инглизларга сохта хабар юбориб, ўзимиз учун фойдали маълумотни Москвага бериб турсак: миялари ачиб кетади,

– деди хаёл суриб Шелленберг. – Қалай, сизга ёқадими?

– Анча қалтис иш... Аммо – қизиқ.

– Майли ўйлаб кўрамиз. Сизни муваффақият билан табриклайман, Штирлиц, Мюллернинг адабини бериб қўйдик. Жуда ажойиб иш бўлди.

Штирлиц атом тадқиқотлари соҳасидаги ишлар ҳажмини аниқлашни ўзининг энг асосий вазифаси ҳисобласа ҳам, охиригача аниқлаши лозим бўлган масалалар худди шу соҳада ётганлигига ишонса ҳам, бу ишларнинг ҳаммаси – у қанчалик идрокли бўлмасин – бир кишининг қўлидан келмаслигига ақли етарди.

Шунинг учун Штирлиц алоқа йўқлигидан кўп ташвишга тушди. Душман томон кўпинча айғоқчининг ана шундай ҳолатини ташаббуссизлик, масъулиятдан қочиш, мустақил равишда фикр қилолмаслик, қатъий қарор қабул қилишдан қўрқиш ҳолати, деб ўйлайди. Аммо аслида бу нарса, бир томондан, айғоқчининг ихтисос даражаси юксаклигини кўрсатса, иккинчи томондан, ғоявий иродаси букилмаслигидан далолат беради. Яширин иш кўрадиган чинакам айғоқчи Марказдан кўрсатма бўлмаса, вақт бекор кетиши ва бефойда, қалтис йўлга тушиб қолиши мумкинлигини тушунади, чунки айғоқчи алоқа боғламай туриб, ўзи учун белгилаб олган вазифа ер куррасининг бошқа жойида, бошқа вақтда, бошқа одам томонидан алақачон бажарилган бўлиши мумкин. Айғоқчи чет элда яшаб, Марказ билан алоқа қилиб турмас экан, ўз ишининг қанчалик муҳим ва самаралилиги ҳақида тўла тасаввурга эга бўлолмайди.

Штирлиц чет элда ўтказган йиллари мобайнида Марказдан олиб турадиган шифровка-

ларнинг ҳамма нозик томонларини пайқаб оладиган бўлди.

Штирлицнинг Борманга қилган ҳужумидан қандайдир ноаниқ сабабларга қўра, натижа чиқмаганидан кейин Москва билан алоқа боғлаш зарур бўлиб қолди. У ёрдам кутарди: унга Борман билан бевосита боғлиқ бўлмаса ҳам, унинг амакиваччасими, тоғаваччасими энг узоқ қариндошими, танишими, ким бўлмасин, барибир, сал бўлса-да, алоқаси бор бир-икки одамнинг исми, бир-икки кишининг манзили зарур эди...

«Кечиктириш ўлим билан тенг, – ўйларди у, – Бернга Плейшнерни ўтказиб юбормагунимча пасторнинг боришига йўл қўя олмайман. Борман билан учрашиш йўлини топмагунимча Плейшнерни юборишдан ҳам фойда йўқ. Марказдан радио мутахассиси юборишларини кутсам, камида бир ой ўтади. Ҳозирги шароитда бир ой кутиш ярамайди – бу ишлар бир-икки кунда, нари борса, бир-икки ҳафтада ҳал бўлади».

Штирлиц Борманнинг учрашувга келмаганлиги сабабини қидира бошлади. Биринчидан, хат унинг қўлига бориб тегмаган бўлиши мумкин. Хат Гиммлернинг одамлари қўлига тушган бўлиши жуда қийин. У хатни шахсан Борманга юборилаётган махфий корреспондентиялар орасида жўнатган эди, шунинг учун хатни ўғирлаш жуда қийин, чунки бутун почта рейхсфюрер котибиятининг махфий бўлими ходими томонидан текшириб бўлингач, қўшиб юборганди. Шунга қарамай, Штирлиц хатнинг ўғирланган бўлишини ҳисобга олган эди. Иккинчидан, Штирлиц жўнатилган хатни таҳлил қилиб, бир неча муҳим хатоларга йўл қўйган-

лигини англади. Унда яхши бир туғма хусусият бор эди – у ҳар вақт қилган ишини, суҳбатини, ёзган хатини дарҳол таҳлил қила бошларди ва йўл қўйган хатоларидан юз ўтирмай, «ўтиб кетар» деб ўтирмай, шу хатолар оқибатида рўй бериши мумкин бўлган вазиятдан чиқиб кетиш йўлини қидирарди. Жўнатилган хат унинг шахсан ўзи учун ҳеч қандай хавф туғдирмасди: хатни бомбардимон пайтида экспедициядаги машинкада босган эди. Афтидан, Борман даражасидаги кишилар учун хатда лаганбардорлик кўп-у, далиллар ва шу далиллардан келиб чиқадиган зарур таклифлар кам эди, деган ҳулосага келди Штирлиц. Тоталитар давлатда давлат тепасида турган арбобларнинг ақл-идроки шажаранинг пастки қисмларида турган кишиларнинг ақл-идрокидан доим фарқ қилади. Амалда ҳеч ким назорати остида бўлмаган қарорларни қабул қилишдек катта маъсулият Борман каби давлат арбобларини қўл остидаги кишилар билан зарур пайтлардагина суҳбатлашишга мажбур қиларди. Уларга айтилган далиллар ҳали номаълум ва давлат нуқтаи назаридан арзигудек бўлган тақдирдагина шундай суҳбатларга журъат этардилар. Аммо, иккинчи томондан, мулоҳазасини давом эттирди Штирлиц, Борманга Гиммлерни обрўсизлантира оладиган майда-чуйда маълумотлар ҳам зарур. Гимлер билан Борман ўрта-сидаги бу кураш нимадан бошланганлигини Штирлиц яхши биларди. Аммо нега бу кураш ҳозирги кунда тобора ашаддийлашаётганлигига жавоб беролмасди. Ниҳоят, учинчидан, Борман бирор иш билан банд бўлиб учрашувга кела олмагандир, деб ўйлади Штирлиц. Бор-

ман икки ёки уч марта ана шундай учрашувга келиш ҳақидаги илтимосларга рози бўлган. Штирлиц буни Борманнинг телефон орқали гаплашган гаплари ёзиб олинган маълумотлардан аниқ биларди. Ҳолбуки, партия ва ҳарбий мосламалардаги мансабдор кишилардан ҳар кун ийгирма-ўттизтаси қабул этиш илтимоси билан Борманга мурожаат қилиб турарди.

«Бошдан-охир соддадиллик қилибман, – деган хулосага келди Штирлиц. – Мен кўр-кўрона йўл тутибман. Қоида бўйича иш қилмабман. Хуллас, бемаъни иш бўлди. Буни тузатишнинг иложи борми? Аслини олганда – иложи бор, лекин амалда қандай бажарса бўларкин?»

Тревога сиренаси увиллай бошлади. Штирлиц соатига қаради: соат ўн эди. Бугун кун ботаётганда осмон қон каби қип-қизил эди. Демак, тун совуқ бўлади. «Атиргулларимни совуқ уриб кетадиган бўлди-да, – ўйларди Штирлиц, юқорига кўтарилар экан. – Кўчатларни эрта ўтқазибман, ахир совуқнинг шунчалик чўзилиб кетишини ким билибди, дейсиз».

Бомбалар яқин жойга тушмоқда.

«Таваккал, – деди ўзига ўзи Штирлиц, – бункерга боравераман. Осмондагилар менинг идорами портлатиш пайида бўлсалар керак. Шундай пайтда кафанга жо бўлиш алам қилади».

У хонасидан чиқиб, ҳеч зот йўқ йўлакдан бункерга олиб борадиган зинапоя томон юра бошлади. Беихтиёр алоқа нуқтаси эшиги олдида бир оз тўхтаб қолди. Аввал у нега тўхтаганини тушунмади, кейин дарҳол пайқади: эшикда калитни қолдириб кетибдилар.

Штирлиц қошини чимириб, шошилмай йўлакка назар ташлади: ҳеч зот йўқ, ҳамма

бункерга жўнаган. Эшикни елкаси билан итариб кўрди, лекин очилмади. Калитни бураб хонага кирди. Деразалар қалин пардалар билан ёпилган бўлса ҳам, чироқ ўчирилган эди. Штирлиц тимирскиланиб, чироқни ёқди. Бошқа телефонлар орасида иккита оқ телефон дарҳол кўзга ташланиб турарди: бу телефонлар тўғридан-тўғри фюрер бункери ва Борман, Геббельс ҳам Кейтель хоналари билан боғланган эди.

Штирлиц йўлакка мўралади: у ерда ҳамон ҳеч ким йўқ эди. Яқин жойга бомбалар тушарди, деразалар зарба остида дирилларди. Эшикни ёпайми ёки ёпмайми, деб бир дақиқа ўйланиб қолди.

Кейин у мослама ёнига бориб, 120054 рақамини терди.

– Борман, – гўшакдан йўгон ва кучли овоз эшитилди.

– Хатимни олдингизми? – деб сўради Штирлиц, овозини ўзгартириб.

– Ким бу?

– Сиз мендан – содиқ партия аъзосидан шахсан хат олишингиз керак эди.

– Ҳа. Салом. Қаердан гапиряпсиз? Тушундим... Тушундим... Машинамнинг рақами...

– Биламан, – деб гапни бўлди Штирлиц. – Рулда ким бўлади?

– Бунинг аҳамияти борми?

– Ҳа. Ҳайдовчиларингиздан бири...

– Хабардорман, – гапни бўлди Борман.

Улар бир-бирларини дарҳол тушуниб олдилар: Борман унинг телефон орқали гапирган ҳамма гапларини тинглашларидан Штирлицнинг хабардорлигини пайқади, демак, у билан гаплашаётган киши рейхнинг энг махфий сир-

ларидан хабардор экан, деган хулосага келди. Штирлиц, ўз навбатида, тўмтоқ гаплари тагида нима маъно борлигини Борман тушунганлигини пайқади ва демак, иш жойидалигига ишонди.

– Учрашмоқчи бўлган жойимизда сизни кутиб турадилар. Эртага, сиз белгиллаган вақтда.

– Ҳозир, – деди Штирлиц. – Илгари белгиланган вақтдан икки ярим соатни олиб ташланг ва ҳозиргига қўшинг.

– Хайль Гитлер! – деди Борман ва телефон гўшагини қўйди..

11

– Ярим соат ўтгач, Штирлиц табиатшунослик музейи олдида зирҳли «Майбах» автомобилига кўзи тушди.

Штирлиц машина ёнидан ўтди. Машинанинг орқа ўриндиғида Борман ўтирарди. Ўзини ҳеч ким кузатмаётганини кўриб, Штирлиц яна қайтиб келди ва машина эшигини очиб деди:

– Партайгеноссе Борман, ишонч билдирганингиз учун беҳад миннатдорман...

Борман Штирлицга диққат билан қараб, қўлини сиқиб қўйди.

– Кетдик, – деди у ҳайдовчига, – Ванзее томонга юринг.

Кейин у ҳайдовчи билан оралиқдаги ойнани бекитди.

– Сизни қаерда кўрганман? – деб сўради у, Штирлицни диққат билан кузатиб. – Қани, ниқобингизни олинг-чи...

Штирлиц кўзойнагини олиб, тиззасига қўйди, кейин шляпасини ҳам баланд кўтарди.

– Мен сизни аниқ қаердадир кўрганман, – яна қайтарди у.

– Тўғри, – деб жавоб берди Штирлиц, – менга хоч топшираётганингизда сиз менга қараб, кўринишдан жосус эмас, балки математика профессорига ўхшар экансиз, деган эдингиз...

– Ҳозир эса профессор эмас, кўпроқ жосусга ўхшайсиз, – деб ҳазиллашди Борман. – Хўш, нима гап, айтаверинг...

Борманни империя хавфсизлик бошқармаси билан боғлайдиган мослама кечаси билан ишламади. Шунинг учун телефон гаплари ҳақидаги маълумотлар эртасига эрталаб Гиммлер столи устига қўйилганда, унинг аввал ғазаби қўзиди, кейин бир оз совиб, Мюллерни чақиртирди ҳамда унга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан совет алоқа воситалари ўрнатилган махсус хонадан кечаси НСДАПнинг штаб-квартираси билан ким гаплашганлигини аниқлашни буюрди.

Кун бўйи Мюллер ҳеч қандай аниқ маълумот ололмади. Кечга яқин унинг столига Борманга қўнғироқ қилган кишининг телефон гўшагида қолдирган бармоқ изларининг нусхасини келтириб қўйдилар. У бир нарсадан ҳайратда қолди. Карточка шуни кўрсатдики, телефон гўшагидаги бармоқ излари бир неча кун олдин гестапога тушган рус алоқачи узатгичидаги бармоқ изларининг ўзгинаси эди.

Борманнинг бир вақтлар СС айғоқчиси бўлишдан бош тортган (унга Борманнинг ўзи розилик берганди) ҳайдовчиси навбатчиликдан уйга қайтаётганда қамоққа олинди. Уч соат давомида у ҳеч нима айтмай, Борман билан боғланишни талаб қилаверди. Сўроқда қийноқ усуллари ишлатганларида у кечаси машина-

га қандайдир нотаниш киши ўтирганини айтиб берди. Лекин Борман билан нималар ҳақида гапиришганларини билмайди, чунки унинг ўтирган жойи ўқ ўтмас қалин ойна билан тўсилган эди. У машинага ўтирган киши қиёфасини оғзаки тасвирлаб берди. У шляпасини қошигача бостириб кийганди, бурнида йўгон гардишли қора кўзонаги бор, мўйловлари оқарган киши эди, деди ҳайдовчи. Ҳайдовчига икки юздан ортиқ фотосуратларни кўрсатдилар. Бу суратлар орасида Штирлицнинг сурати ҳам бор эди. Аммо у суратда кўзойнаксиз ва мўйловсиз эди. Мўйловни тез ёпиштириш ва керак бўлганда олиб ташлаш мумкин эди. Бундан ташқари, сурат беш йил олдин олинган эди – маълумки, беш йиллик уруш ҳаёти давомида одамнинг кўриниши, албатта, ўзгаради, баъзан таниб бўлмайдиган даражада ўзгаради.

Гиммлер Мюллердан текшириш ўтказаятганлиги ҳақидаги ахборотни олиб, унинг яшининг равишда мосламадаги ҳамма ходимларнинг бармоқ изларини олиш кераклиги юзасидан таклифини маъқуллади.

Мюллер, шунингдек, Борманнинг ҳайдовчисини ўз уйи олдида автомобиль фалокати уюштириб, йўқ қилишни ҳам таклиф этди. Гиммлер аввал зарур ҳисоблаган бу тадбирга розилик бермоқчи ҳам бўлди-ю, аммо ўзини тўхтатиб қолди. Гиммлер энди ҳеч кимга, жумладан Мюллерга ҳам ишонмай қолган эди.

– Буни ўзингиз ўйлаб кўринг. Балки уни бутунлай қўйиб юбориш керакдир? – деди у, – Мюллернинг жавобини билиб турган бўлса ҳам, билмасликка олиб.

– Бундай қилиш мумкин эмас, у билан кўп иш олиб борилди.

Рейхсфюрер худди шу жавобни кутган эди.

– Бўлмаса, билмадим, – деди афтини буриштириб. – Ҳайдовчи софдил одам, софдил одамларни эса биз жазолай олмаймиз... Ўзинг бирон нарса ўйлаб топинг...

Мюллер Гиммлер ҳузуридан ғазабланиб чиқди: рейхсфюрер Бормандан қўрқиб, айбни унга, Мюллерга қўймоқчи бўлганлигини пайқади. Хўп, майли, унда мен ҳам ҳийла ишла-таман. Ҳайдовчи яшайверсин. Менга далилу гувоҳ бўлиши мумкин.

Гиммлер Отто Скорценини чақиртирди.

– Менга Борманнинг архиви керак, – деди у. – Менга нима кераклигини тушуняпсизми, Скорцени?

– Тушуняпман.

– Бу дучени ўғирлашдан қийинроқ иш.

– Тўғри айтасиз.

– Аммо уни бажариш мумкинми?

– Билмадим.

– Скорцени, бундай жавоб мени қониқтирмайди, Борман шу кунларда архивни қаергадир жўнатишни мўлжалламоқда: уни қаерга жўнатади ва ким соқчилик қилади – буни аниқлаш керак. Яширин равишда маслаҳатчи тариқасида сизга Шелленберг ёрдам беради.

– Тушунарли, рейхсфюрер.

Фон Штирлиц пастор Шлагни чегарадан ўтказиш ҳақидаги ўз мулоҳазаларини Шелленбергга айтиб, тунги экспресс билан «туйнук тайёрлаш» мақсадида Швейцария чегарасига жўнади. У, Шелленберг каби, пасторни чегарадан ошкора ўтказиш кўнгилсиз гап-сўзлар

чиқишига сабаб бўлади, деб ҳисобларди. Бу операциядан гестапо хабардор эмасди. Агар устидан фош этувчи маълумотлар тўплаган ва қонунга хилоф равишда шахсан Шелленбергнинг буйруғи билан қамоқдан бўшатишган кишининг чегарадан ўтганлигидан гестапо хабардор бўлган чоғда ҳам уни сўзсиз Швейцарияга ўтказиб юборишлари мумкин эди, аммо бошидан бошлаб уни назорат остига олишлари турган гап эди, бу эса режалаштирилган «олдини олиш операцияси» вазифаларига тўғри келмасди. Шелленбергнинг мўлжалича, Шлаг ўз ишини бажариб бўлгандан сўнг «уни фош этиш»ни Штирлиц амалга ошириши лозим эди.

Ўтган кунлар давомида Штирлиц Шелленберг рухсати билан пастор учун фитначи «номзодларни» қидирди: бундай кишилар ташқи ишлар вазирлигидан ва Герингнинг люфтваффе штабидан бўлиши керак деб ҳисобларди. У ана шу идораларда ишловчи, нацизмга жон-дили билан хизмат қилувчи ва гестапонинг чақимчилари бўлган кишиларни кўз остига олиб қўйди. Буларнинг гестапога яширин хизмат кўрсатиб юрувчи кишилар эканлиги Шелленбергга жуда маъқул бўлди.

– Жуда яхши қилибсиз, – деди у, – келажакда керак бўлади.

Штирлиц саволомуз унга қараб қўйди.

– Шу маънодаки, – тушунтирди Шелленберг, – бу билан Фарбда кимки биздан ташқари сулҳ учун алоқа қидираётган бўлса, уларнинг ҳаммасини обрўсизлантирамыз. У ерда гестапо нима-ю, бизнинг идорамиз нима эканлигини яхши биладилар.

«Бу ҳақда ўйламаган эканман, – деди ичида Штирлиц. – Жуда уста одам-да, ўз ишини сув қилиб ичиб юборган, истиқболни яхши кўра билади. Ибрат учун раҳмат, Шелленберг. Аммо буни ҳам ўйлаб кўриш керак: Фарбда сулҳ тузишга тайёр турганлар топилиб қолгудек бўлса, улар Мюллер эмас, шайтон билан ҳам апоқ-чапоқ бўлиб кетадилар».

Бу экспресс барча поездлардан урушдан аввалги қулайликларини сақлаб қолгани билан ажралиб турарди – мўъжазгина купеларда сунъий эмас, ҳақиқий чарм тасмалар ғичирларди, мис кулдон ва электр лампалар ялтирарди, темир йўл ходимлари аччиқ қаҳва ташиб турардилар – ана шу поездда амалда Скандинавия – Швейцария йўлаги бўйлаб фақат элчилар юришарди.

74-рақамли жой Штирлицники эди, кейинги вагондаги 56-рақамли жойнинг ранги-рўйи бир ҳолда, исм-шарифи қандайдир антиқа бўлган швециялик профессор эгаллаганди. Агар ярадорлиги туфайли Италия фронтига қайтиб келаётган генерални ҳисобга олмаганда, Штирлиц билан шу профессор иккала халқаро вагонни эгаллаган бирдан бир йўловчилар эди. Генерал Штирлицнинг купесини очиб:

– Сиз немисмисиз? – деб сўради.

– Афсуски, – жавоб берди Штирлиц.

У раҳбарларнинг рухсати билан ҳазил гапларни гапиравериш ҳуқуқига эга эди. Ифво қилиш учун қалтис ҳазиллардан гапириш лозим. Агар суҳбатдошлардан бири чақадиган бўлса – раҳбарлар рухсати қутқариб қоларди. Агар чақимчилик қилмаса – бу киши билан келажакда иш олиб бориш имконияти туғиларди.

Бир вақтлар бу масала гестапода муҳокама қилинганда: ҳақоратли гапларга дарҳол зарба бериш керакми ёки асли ниятини билиб олгунга қадар тинглаш керакми, деган савол туғилган эди. СД одамларининг бир қисми бундай гаплар учун дарҳол адабини бериб қўйиш керак, чунки қўрқитиш энг яхши тозалаш воситасидир деб ҳисоблардилар. Штирлиц ҳам тарафдор бўлган бошқа қисми эса иложи бор жойда одамларга ифво ташлаб, уларнинг асл ниятини билиб олиш зарур деб ҳисоблардилар.

– Нега афсуски деяпсиз? – қизиқди генерал.

– Чунки менга иккинчи марта қаҳва олиб келмадилар. Ростакам қаҳвани улар ажнабийлар паспорти бор кишиларга дарҳол келтирадилар.

– Шундай денг? Менга иккинчи марта олиб келиб беришди-ку. Менда коньяк бор! Ичасизми?

– Раҳмат. Менда ҳам коньяк бор.

– Аммо сизда тузланган ёғ бўлмаса керак.

– Тузланган ёғ ҳам бор.

– Демак, таомимиз бир хил экан, – деди генерал, Штирлицнинг жомадонидан олаётган нарсаларини кузата туриб. – Унвонингиз қанақа?

– Мен элчиман. Ташқи ишлар вазирлиги учинчи бошқармасининг ходими.

– Демак, ҳамма сизларга лаънат ўқиётган экан-да, – деди генерал ювинадиган жўмрак ёнидаги курсига ўтирар экан. – Ҳаммасига сизлар айбдор.

– Нега энди?

– Чунки ташқи сиёсатни сизлар белгилайсизлар, аҳволни икки фронт даражасигача олиб борган кишилар ҳам сизлар. Прозт!

– Прозит! Макленбургликмисиз дейман-а?

– Ҳа. Нимадан пайқадингиз?

– «Прозт» деганингиздан. Шимоликларнинг ҳаммаси унли товушларни тежаб гапирадилар.

Генерал кулиб юборди.

– Бу гапингиз тўғри, – деди у. – Менга қаранг, кеча сизни авиация вазирлигида учратмаганмидим?

Штирлиц ҳушёр тортди: у кеча пастор Шлагни авиация вазирлигига Геринг доирасига яқин кишилар билан алоқа «ўрнатиш» учун олиб борган эди. Агар бутун операция муваффақиятли чиққудек бўлса ва кейинчалик Шелленбергнинг илтимоси билан «фитна»га тегишли майда-чуйдаларини аниқлаш учун бу ишга гестапо аралаштирилган тақдирда, пастор авиация вазирлигида ҳам, люфтваффеда ҳам, ташқи ишлар вазирлигида ҳам из қолдирмоғи лозим эди. Авиация вазирлигида у ўз паспортини рўйхатдан ўтказиб, вазирлик маслаҳатчиси Вальтер Шмидекропф ҳақида маълумот беришларини, ташқи ишлар вазирлигида эса Стокгольмда Фарб билан алоқа боғлашга биринчи бўлиб киришган доктор Кляйст номига хат қолдирди.

«Йўқ, – ўйларди Штирлиц, коньяк қуяр экан, – бу генерал мени кўрмаган бўлиши керак. Мен машинада ўтирганимда олдимдан ҳеч ким ўтмаган эди. Мюллер ортимдан генерални юбориши ҳам мумкин эмас – бу унинг иш усулига ўхшамайди, бунинг учун унда тасаввур етишмайди».

– Йўқ, у ерга борганим йўқ, – деб жавоб қайтарди у. – Башарам жуда ғалатида: ҳар ким мени яқинда алақаерда кўргандек бўлаверади.

– Қиёфангиз умумий экан, – деди генерал, – кўп кишиларга ўхшайсиз.

– Бу яхшими ёки ёмонми?
– Жосус учун яхши бўлса керак, элчи учун эса ёмон. Сизнинг соҳангизда эсда қоладиган қиёфалар керак.

– Ҳарбийларга-чи?

– Ҳарбийларга ҳозир кучли оёқ керак.

– Мия масаласи-чи?

– Миянинг нима кераги бор? Биз учун бошқалар ўйлаяпти, биз фақат бажаришни биламиз, холос. Оёқ керак, ҳа, оёқ зарур. Ўз вақтида қочиб қолиш учун.

– Нотаниш одам билан бундай гаплашишдан қўрқмайсизми?

– Менинг исми-шарифимни билмайсиз-ку...

– Буни аниқлаш осон, башарангиз жуда эсда қоладиган экан.

– Шундай денг? Менинг юзим оддий юзлардан деб юрардим. Барибир, устимдан чақимчилик қилиб ёзиб боргунингизга қадар, иккинчи гувоҳ топилгунга қадар, анча вақт ўтади, унгача ҳаммамизнинг масаламиз ҳал бўлади. Айбланувчилар курсисига ўзимизникилар эмас, бошқалар ўтқазиб қўядилар. Биринчи гада сизларни, элчиларни. Ўт қўйган, ўлдирган, қирғин қилган сизлар-ку, бизларни суд қилсинларми?

– Биз буйруқни бажариб келдик. Ўт қўйганлар – СС одамлари. Биз жанг қилдик.

– Ҳеч қаерга ўт қўймай ва ҳеч кимни қурбон қилмай урушиш усулини ўйлаб чиқардингларми дейман?

– Нима ҳам қилардингиз, уруш зарурат. Албатта, бунчалик аҳмоқона зарурат эмас. Бу уруш юзаки уруш бўлди. У академияда ўқимай туриб, тахминан уруш қилавериш мумкин деб ўйлади. У, бизга нималар кераклигини фақат

ўзим биламан, деб ўйлади. У улуғ Германияни фақат ўзим севаман, қолганлар эса уни боши яғир казакларга сотиб юборишдан бошқа нарсани ўйламайдилар деб ҳисоблади.

Штирлиц кулиб юборди:

– Боши яғир казаклар бўлмаган гап-ку!

– Руслардан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Америкаликлар ҳам улардан баттар. Мен бир йилдан бери улар билан уруш қилмоқдаман. Бу тентаклар ўзлари яратган техниканинг қурбони бўлиб кетадилар: улар урушни осмондан туриб, бомба ташлаш билан ютиш мумкин деб ўйлайдилар. Прозт!

– Прозит...

– Улар техника қудратини кучайтиравериб, шу техника ичида ўзлари фарқ бўладилар. Шу техника уларни занг егандек еб ташлайди. Қўлимиздан ҳамма нарса келади деб манманлик томонига ўтиб оладилар. Руслар ваҳший, қашшоқ бўлганликлари учун шундай деб ўйласалар, америкаликлар бой бўлганликлари туфайли шундай деб фикрлайдилар. Ана шунинг учун уруш заруратдир...

– Гапингизда мантиқ йўқ, – деди Штирлиц ўз фикрини билдириб, – тезисда нималардир етишмаяпти.

– Ҳаммаси жойида. Давлат ҳам одамга ўхшайди. Унга бир жойда қотиб қолиш ёқмайди. Чегаралар унинг учун торлик қилиб қолади. У ҳаракат қилмоғи зарур – буниси турган гап. Ҳаракат деганингиз – урушдир. Аммо сиз, лаънати элчилар яна янглишасиз, биттангизни қолдирмай йўқ қилиб ташлайдилар.

– Биз буйруқни бажардик. Биз ҳам сизларга ўхшаган аскарлармиз... Фюрер аскарларимиз.

– Муғомбирлик қилманг. Фюрер аскарлари эмиш, – мазах қилишни бошлади генерал Штирлицни. – Генерал этигини ўғирлаб олган аскарларсиз...

– Генерал, сиз билан гаплашиш даҳшат-ку!..

– Ёлғон гапирманг. Менинг гапларимни ҳозир бутун Германия гапирмоқда... Қолаверса, бутун Германия шундай деб ўйламоқда.

– Гитлерюгенддаги болалар-чи? Улар рус танклари тагига ташланаётганда шундай деб ўйлаптиларми? Улар «Хайль Гитлер!» деб ўзларини қурбон қилмоқдалар...

– Фанатизм ҳеч вақт узил-кесил ғалабага олиб келмайди. Фанатизм кишини ҳолдан тойдиради. Кейинчалик ана шу фанатизм енгилганларнинг миясига ва хулқ-атвориغا сингиб кетади. Фанатиклар дастлабки пайтлардагина ғолиб чиқишлари мумкин. Аммо ғалабани ҳеч вақт қўлда сақлаб қололмайдилар, чунки ўзларини ўзлари чарчатиб қўядилар. Прозт!

– Прозит... Нега бўлмаса сиз ўз бўлинмангизни қўзғатмайсиз...

– Корпусни...

– Унда яна ҳам яхши. Нега бўлмаса корпусингиз билан бирга асир тушмаяпсиз?

– Оилам нима бўлади, штабдаги фанатлар-чи? Иттифоқчилар қамоқхонасига тушишдан кўра, хом хаёл ғалабага ишониб, урушиш осонроқ деб ўйлайдиган қўрқоқлар-чи?..

– Сиз буйруқ қилишингиз мумкин...

– Ўлишга буйруқ бериш мумкин... Омон қолиб, душманга таслим бўлинглар деган буйруқ берилмаган ҳеч вақт. Бундай буйруқни ёзишга ўргатмаганлар... Ер юзидаги бирорта қўшинда ўргатмаганлар.

– Борди-ю, сизга ана шундай буйруқ бериш-са-чи?..

– Ким беради? Асаби бузуқ телба берадими? У ўз кетидан бизни ҳам гўрга тортяпти: чунки ёлғиз ўлиш даҳшатли, ёппасига ўлиш ҳеч гап эмас, ҳазил-мазах билан ўлиш мумкин.

– Буйруқни Кейтель берса-чи?

– Унинг боши ўрнидан думба ўсиб чиққан. У ҳарбий эмас, котиб.

– Хўп, яхши... Италиядаги бош қўмондонингиз-чи?

– Кессельрингми? У ҳеч вақт бунга журъат қила олмайди.

– Нега?

– У Геринг штабида тарбия олган. Бирор доҳий қўл остида ишлаган одам ташаббускорликни, албатта, йўқотади. Устомонликни ўрганиши, яхши таҳлилчи бўлиши мумкин, аммо масалани мустақил ҳал қилиш қобилиятини йўқотади. У бундай қадам қўйиш олдидан, албатта, тўнғиз ҳузурига бориб, маслаҳат сўраб келади.

– Кимнинг олдига дедингиз?

– Тўнғиз олдига, – яна қайтарди жаҳл билан генерал. – Геринг олдига.

– Герингнинг рухсатисиз Кессельрингни бунга кўндириш мумкин эмаслигига ишонасизми?

– Ишонсам гапирмас эдим.

– Истиқболимизга ишонмайсизми?

– Истиқболга ишонаман... Яқинда ҳалок бўлиш истиқболимизга ишонаман... Ҳаммамиз ёппасига ҳалок бўлишимиз истиқболига... Бунинг қўрқинчли жойи йўқ. Ҳамманинг бараварига ҳалок бўлиши қўрқинчли эмас. Бу ҳалокат шунчалик даҳшатли бўладики, унинг хотираси

бадбахт немисларнинг кўпгина авлодларининг дилини доғлаб юради...

– Генерал шу гапларни айтди-ю, йиғлаб юборди. Унинг юзи қотиб қолганди, бирорта жойи қимирламасди, фақат кўзидан ёш оқиб турарди. Генерал йиғласа ҳам, тетик овоз билан гапини тамомлади:

– Мен болаларимга, Германиядаги ҳар қандай демократияга лаънатлар бўлсин, деб васият қилдим. Мамлакатда ҳар қандай демократия фақат битта нарсага: майда дўкандорлар диктатурасига олиб келиши мумкин, эркинлик қанча кўп бўлса, биз шунчалик СС, махфий полиция, қамоқхоналар ва ёппасига ваҳима бўлишини истаб қоламиз. Шуларга эришгач, ўзимизни хотиржам сезамиз. Ватан тақдири ҳақида ўз нуқтаи назарингни ёқлашингнинг ҳеч ҳожати йўқ, сендан ҳеч қандай масъулият талаб қилинмайди – сен учун буларни бажариб келаётган киши шарафига қўлингни тик кўтариб: «Хайль Гитлер!» – деб қичқирсанг бас, ҳаммаси жой-жойига тушади-қўяди, ҳеч ташвиш тортмайсан...

Швециялик профессор ўз купесидида тун бўйи нималарнидир ёзиб чиқди.

Штирлиц чегарадаги станцияда вагондан тушди. Генерал унинг олдидан ўтар экан, ерга қараб қўлини кўтариб:

– Хайль Гитлер! – деб бақирди.

– Хайль Гитлер, – деб жавоб берди Штирлиц.
– Душманларнинг адабини беришингизни истаб қоламан.

Генерал Штирлицга шубҳаланиб қаради: кеча унинг купесига кириши олдидан анчагина кайфи бор эди чоғи.

– Раҳмат, – яна баланд овоз билан деди у, – афтидан темир йўл ходими эшитсин деб ата-йин қаттиқ гапирди. – Душманни мажақлаб ташлаймиз.

– Асло шубҳа қилмайман, – деди Штирлиц ва аста-аста қадам ташлаб перрондан юра бошлади.

Иккала вагонда фақат чет элга, осойишта ва тинчгина бетараф, озод Швейцарияга кетаётган швед профессори қолган эди, холос. Афтидан, Штирлицни ҳеч ким кутиб олмади, шекилли, шунинг учун ҳам у чегара ва божхона текширувлари тугагунга қадар перронни айланиб юраверди. Кейин поезд аста қўзғалди, Штирлиц кўзлари билан дераза ойнасига ёпишиб олган швед профессорини узоқ кузатиб қолди...

Ана шу швециялик курашда ҳамкори бўлган немис антифашисти, қаҳрамон Гуго Плейшнернинг акаси профессор Плейшнер эди. Бу қилинган ишлар, Шелленбергнинг топшириғи, Борман билан алоқа боғланганлиги, Кэтнинг қўлга тушганлиги ҳақида Москвага хабар етказиш учун Бернга кетаётган эди. Ана шу хабарда Штирлиц алоқачи юборишни илтимос қилиб, қаерда ва қачон алоқачини кутиши мумкинлигини сўраган эди.

Поезд жўнаб кетгач, Штирлиц енгил нафас олиб, чегара хизмати маҳаллий бўлимига машина олгани жўнади. У машинада олисда жойлашган тоғ пистирмасига боришни мўлжаллаган эди; у ердан яқинда «яширин» равишда Швейцарияга пастор Шлаг ўтиши лозим эди.

«СС рейхсфюрери Генрих Гиммлерга.

Қатъиян махфий. Шахсан ўз қўлларига тегсин.

Бир нусхада.

Рейхсфюрер!

Кеча тунда «Ҳақиқат» операциясини амалга оширишни бошлаб юбордим. Бундан аввал жой ландшафти, тузилиши ва йўллар билан танишдик. Рейхслейтер Борманнинг архивини ташийдиган ҳайдовчилар ҳақида ёки мўлжал қилинган маршрут ҳақида аниқроқ маълумотлар олишга ҳаракат қилсак, соқчиларни шубҳалантириб қўямиз деб ҳисобладим.

Ишни шовқин-суронсиз бажаришни мўлжаллаб қўйгандим, аммо кечаги тундаги воқеалар бу мўлжални амалга ошириш имкониятини бермади. Оддий кийим кийган менга қарашли одамлар юк машинасини кўндаланг қўйиб, йўлни тўсганларидан кейин рейхслейтер архивини олиб кетаётган колонна тўхтаб ўтирмай, юк машинаси ва учта одамимизга қарата ўқ уздилар. Партия архиви соқчиларининг биринчи машинаси одамларимизнинг кимлигини суриштирмай, ҳужжатларини текширмай, юк машинамизни итариб, йўл ёнига ағдариб юборди. Йўл очилди. Биринчи машинадаги беш киши кейинги автомобилга ўтиб олди ва колонна яна йўлга тушди. Ҳар бир юк машинасида автомат билан қуроланган беш ёки олти нафар одам кетаётганлигига амин бўлдим. Кейин аниқ бўлишича, булар аскар ва зобитлар эмас экан. Булар архив кўчирилишидан бир кун аввал сафарбар этилган маҳаллий НСДАП ташкилотининг фаоллари экан. Борманнинг шахсан ўзи уларга, машиналарга йигирма метр яқинлашган кишига унвонидан қатъий назар ўқ узаверинглар, деб буйруқ берган.

Мен тактикани ўзгартириш кераклигини тушундим. Одамларимнинг бир қисмига ён-

ма-ён ўтадиган йўлдан шоссе билан темир йўл кесишган жойгача боришни буюрдим: у ерда навбатчи четлатилиб, унинг ўрнига машиналар яқинлашиши билан шлагбаумни туширадиган бизнинг ишончли одам эгаллади. Мен эса бошқалар билан архивни олиб кетаётган колоннани иккига бўлиб, – бунинг учун портлатувчи ўқ билан ўн учинчи машинани ёқиб юборишга тўғри келди – шу жойнинг ўзида қолдим. Афсуски, қурол ишлатишга мажбур бўлдик. Машиналардаги одамлар музокара қилиш таклиф этилганлигига қарамай, охирги ўқлари тугагунича қаршилиқ кўрсатишди. Дастлабки ўн икки юк машинаси бизнинг машиналаримиз билан бир вақтда кўча темир йўл билан кесишган жойга етиб келдилар. Аммо у ерда рейхслейтер машиналарини дарҳол ўз ҳимоясига олган қўшин 24-корпусининг ўнта танки кутиб турган экан. Агар бирор киши жангда ҳалок бўлса, фош этилишнинг олдини олиш мақсадида одамларимиз чекинишга мажбур бўлдилар. Биз қўлга туширган юк машиналари ёқиб ташланди, улардаги қоплар, рух қутилар бронетранспортёрларга ортилиб, аэродромга жўнатилади. Бронетранспортёрларни аэродромгача олиб келган ҳайдовчилар зарбдор гуруҳимиз томонидан йўқ қилинди.

Хайль Гитлер!

Скорцени».

* * *

Даллес ҳузурида иш олиб борган Шелленберг айғоқчи «хўжайини» олдига бир руҳоний келганини – унинг исм-шарифини аниқлаш-

нинг иложи бўлмаган – ва ана шу иккала ақлли кишилар ўртасида суҳбат бўлиб ўтганлигини хабар қилди. Айғоқчи суҳбатни деярли тўлиқ ёзиб олишга муваффақ бўлган.

– Жаҳон, – деди Даллес гўшагига тамаки жойлар экан, – Гитлерга фақат Майданек ва Аушвиц печлари учунгина лаънат ўқиб қолмайди... Мантиққа тўғри келмаса ҳамки, немисларнинг Россияга бостириб кириши шу мамлакатнинг ниҳоят даражада тараққий этишига олиб келди. Совет тузумининг имкониятлари ғоят катталигини очиб берди. Россия ўзининг бутун тарихи давомида, ҳатто ажойиб ва демократик ислоҳотлар даврида ҳам уруш давридагидек олға томон шунчалик катта қадам ташлаган эмас. Биз берган дастгоҳлар, стратегик маълумотлар, техника ҳужжатлари ёрдами билан улар Урал ва Сибирда катта қувватларни ўзлаштирдилар. Бизнинг техникамизни олиб, ўзларининг кўҳна техникаларидан воз кечдилар. Гитлер Россия билан Американи бир-бирларининг қучоғига ташлади. Немислардан олинадиган ҳарбий тоvon ҳисобидан – Сталин Германиядан йигирма миллиард доллар олишни мўлжалламоқда – Ғарбий туманлардаги вайрон бўлган саноатини ҳам тиклаб, ўз саноат куч-қудратини икки баробар ошириб юборади.

– Менинг Ватикандаги дўстларим, – деди руҳоний, – уруш йиллари мобайнида руслар хатти-ҳаракатда ҳам, фикр қилишда ҳам эпчилликка ўрганиб олдилар деб ҳисоблашмоқда.

– Биласизми, – деб жавоб берди Даллес, тамакисини тутатар экан, – ҳозир мен рус ёзувчилари – Пушкин, Салтиков, Достоевскийлар-

нинг асарларини қайта ўқиб чиқмоқдаман... Уларнинг тилини билмаганим учун ўзимни қўймоқдаман – рус адабиёти, мен ўн тўққизинчи асрдаги адабиётни назарда тутмоқдаман, албатта, дунёдаги ажойиботлардан бири. Ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида уларга ўз дилларидаги ҳамма туйғуларни изҳор этишга имкон берилган, ана шу даврни синчиклаб ўрганиш керак, чунки улар кўпроқ ўтган даврларни эмас, келажакни ўйлаб мулоҳаза юритганлар... Рус табиати келажак лойиҳасини қуришга журъат этиш ўрнига кўпроқ ўтмишнинг бенуқсон мисолларига назар ташлашга мойил экан деган хулоса чиқардим. Агар улар ҳамма нарсанинг давоси ер, ер ҳаммани бирлаштирадиган, деб Россиянинг аграр синфига таянсалар, оқибати нима бўлишини тасаввур қилиб турибман. Агар шу нарса юз берса, улар даврга зид келиб қоладиларки, бу зиддиятлардан қутулиш йўли топилмайди. Техника тараққийнинг даражаси ерга идеологик ишонч билдирилишига қўймайди...

– Бу гапингиз қизиқарли, – деди руҳоний. – Аммо сиз вазиятни улар ўрнида туриб тасаввур этмай, четдан туриб тасаввур этишсизми деган шубҳам бор...

– Сиз мени ВКП(б)га аъзо бўлиб киришга даъват этишсиз, шекилли? – кулиб сўради Даллес. – Улар мени қабул қилмайдилар.

Бу маълумотнинг дастлабки қисмидаги Даллес гаплари қалтис бўлганлиги учун Гиммлер уни фюрерга кўрсатишга журъат қилолмади. Аммо ўша кунгидек туркистонликлар, украинлар, Болтиқ бўйи халқларидан иборат қисмларда ишларни кучайтириш тўғрисида буйруқ

берди. У шу қисмлардаги энг истеъдодли ва маълумотли кишиларни кўз остига олиб қўйишни талаб қилди, чунки айтиш чоғда ва асосан келажақда уларни СД органларига жалб этиш ниятида эди.

Эртасига Кальтенбруннер Прага гестапо-си бошлигининг ўринбосари группенфюрер Крюгерга шифрли телеграмма юбориб, Прагани вайрон қилиш учун СС ва СД аппаратларидаги ходимларни ажратишдан ташқари коллаборационистлар орасидан номзодлар танлашни сўради.

Чегарадаги пистирмада Штирлиц барча масалаларни дарҳол ҳал қилиб олди: оберлейтенант – тоғ посбони мулоҳазази, ажойиб йигит экан. Аввал Штирлиц унинг шунчалик одамшаванда бўлишига ҳайрон қолди, чунки чегарачилар кўпинча чаласавод муллардек димоғдор бўладилар. Аммо бир оз ўйлаб, Штирлиц бунинг сабабини ҳам тушунди: бетараф Швейцария чегарасида қор босган ва ойдин кечали жойларда бомбалардан, вайронгарлик ва очарчилик хавфидан анча йироқда яшаганликлари сабабли ҳудуд қўмондони бўлган оберлейтенант ҳам, бошқа маҳаллий бошлиқлар ҳам марказдан келган ҳар бир киши олдида хушомад қилардилар. Шунинг учун ҳам ким, қандай ва нима мақсадда чегарадан ўтиши кераклиги ҳақида савол берилмади. Табиийки, бундай саволларга у жавоб қайтармасди ҳам, аммо шунга қарамай, чегарачиларнинг хулқ-атвори, хушомадлари ва зир югуриб қолганлари чегарадан ўтиш унчалик қийин эмас экан деган муҳим хулоса чиқариш имконини берди. Гарчи, у фақат биргина пасторни эмас,

балки бир неча кишини ўтказмоқчи бўлса ҳам, буни раҳбарларнинг рухсатисиз ўзи осонгина амалга ошириши мумкинлигига ишонди.

Қани энди шу ернинг ўзидан туриб Шелленберг билан боғланиб, махфий кузатув хизматининг содиқ ходимларидан бирига пасторни шу ерга, пистирмага олиб боринг, деб буйруқ беришини сўраса. Аммо Берлинга қилинган ҳар бир қўнғироқни дарҳол Мюллер идораси тинглаб туришини биларди, шу сабабли бу ердан телефон қилиш Шелленбергнинг бутун операциясини хавф остига қўйиш билан тенг эди. Бир томондан олганда, бу Штирлиц учун фойдали эди, чунки кўзга кўринган немислар қанчалик кўп муштлашсалар, унинг иши шунчалик енгиллашарди. Аммо, иккинчи томондан, Шелленбергни ва унинг пастор зиммасига юклаган миссиясини Борманга чақиб фош этиш Штирлицнинг асл мақсадларидан бири эди. Борманга чаққанда ҳам исбот-далиллари эмас, балки фотосуратлар, магнитофон тасмалари, манзиллар, учрашув жойлари ва пасторнинг рапорти билан қўшиб топширмоқчи эди. Штирлиц Борманга салмоқли далилларни келтирган тақдирдагина қалбаки, сохта музокараларни эмас, балки Швейцарияда генерал Карл Вольф олиб борадиган ҳақиқий музокараларни ичидан портлатиш имкониятига эга бўла олади.

Пасторни чегаранинг қайси жойидан ўтказиш ҳақида келишиб олингач – у жой игнабаргли дарахтлар ўрмони билан қопланган дара экан – Штирлиц чегарадан кўриниб турган Швейцария ҳудудидаги кичкинагина меҳмонхонанинг номини, меҳмонхона хўжайинининг

исмини ва меҳмонхонага борилгач, шаҳардан таксини қанча вақт кутиш кераклигини яна бир марта сўради; шунингдек, у текисликдаги энг яқин меҳмонхона қаердалигини ҳам суриштирди – мўлжал бўйича пастор сайр қилиб юриб, текисликдан тоғ томон йўл олганда, дара ичида адашган одам бўлиши керак эди. Меҳмонхона хўжайини унинг илтимоси билан шаҳардан такси чақириши керак эди. Ўша шаҳарчадан Берн ва Цюрихга автобуслар қатнарни. Бу шаҳарларда эса пасторнинг дўстлари бор эди. Пастор дўстларини огоҳлантириб ўтирмай, ўзи топиб олиши керак эди. У танишларига бўлган воқеаларни: озод этилишини Штирлиц уюштирганини, кейин ҳузурига ифвогарни юборганини, унинг ўзи чегара орқали қочириб юборганини айтиб бериши керак эди. Ана шу одам, дейиши керак эди пастор, Лозанна кўриниши тасвирланган таклифнома юборишимни кутмоқда. Шу таклифнома дастлабки келишувлар тугади, алоқа ўрнатилди, жиддий суҳбатлар ўтказиш учун келавериш мумкин деган маънони билдириши керак эди. Аввал Шелленберг Штирлицнинг бу режасига қарши чиққанди.

– Жуда оддий-ку, – деган эди у, – буни бажаришдан осон иш йўқ.

– У бошқача ишлай олмайди, – деб жавоб берган эди Штирлиц. – У ёлгончилик қиламан деса ҳам, ҳақиқатни гапириб юбораверади. Бошқача йўл тутса, чалкашиб кетади ва полиция қўлига тушиб қолади.

...Чегарадан ўтиш ишларини аниқлаб, Штирлиц сир очилса, чегарачиларни қандай жазо кутиши мумкинлигидан огоҳлантирди; у

яна бу операцияга боғлиқ ҳар қандай савол билан фақат шахсан СС рейхсфюрерига мурожаат этиш ва тегишли жавоб олиш мумкин эканлиги ҳақида ҳам огоҳлантириб қўйди. У Берлиндан жўнаш олдидан оберлейтенант номига: «Онамнинг юраги чатоқ. Агар мумкин бўлса дори-дармон юбор. Ганс» деган мазмунда телеграмма юборишини айтди. Ушбу телеграмма олинганидан кейин вокзалда ҳайдовчисиз, аммо калити бор машина тайёр туриши лозим эди. Шунингдек, Штирлиц операцияни амалга оширадиган ерда Швейцарияда ишланган чанғи (чанғи янги эмас, балки ишлатилган, Швейцарияда чиқариладиган 4-сонли мой билан мойланган бўлиши зарур эди), одатда Швейцария водийсида кийиладиган қўлқоп ва Бернда ишланган, кийилган пойабзал тайёр қилиб қўйилиши лозим эди.

Штирлиц ўз уйига, Бабельсбергга кечаси соат ўн бирда қайтди. У эшикни очди ва чироқни ёқмоқчи бўлиб, деворга қўлини чўзиши билан таниш овоз эшитилди:

– Чироқни ёқманг.

«Холтоффнинг овози, – дарров пайқади Штирлиц. – У қандай келиб қолди бу ерга? Бирор муҳим воқеа юз берганга ўхшайди...»

* * *

Профессор Плейшнер Берндаги кичкинагина меҳмонхонага жойлашди, ванна қабул қилиб, кейин ресторанга тушди. Узоқ вақт менюни ўқиб ўтирди. У «қаймоқ» сўзини ўқигач, дарҳол нархига қаради, «қисқичбақа» сўзини ўқигач ҳам худди шундай қилди. У узоқ вақт силлиқ, кўкимтир қоғоздаги ёзувлар мазмуни

билан танишди, кейин эса ўзидан ўзи қаҳ-қаҳ уриб кулди ва:

– Гитлер – аблаҳ! – деб қўйди.

Ресторанда у бирўзи эди, ошхонада идиш-товоқ овози эшитилар, тагига олган сут ва янги ёпилган нон ҳиди анқиб турарди.

Плейшнер овозини баландлатиб:

– Гитлер – тўнка! – деди.

Кимдир уни эшитиб қолди, шекилли, юзлари қип-қизил ёш официант пайдо бўлди. У профессор ёнига илжайганча пилдираб келди:

– Салом, жаноб...

– Гитлер – итвачча! – деб бақириб юборди Плейшнер. – Итвачча! Аблаҳ! Ҳайвон!

У жававаси тутиб, ўзини эплай олмасди. У дам кулар, дам йиғларди:

– Ҳайвонлар! Аблаҳлар! – деб қайта-қайта хитоб қиларди.

Аввал хизматчи профессорга кулранг костюм кийган жаноб ҳазиллашаётган бўлса керак, деб кулиб турди, кейин унинг юзида кўз ёшини кўриб, ошхонага югурди, у ердан ошпаз бўйини чўзиб қаради.

– Касалхонага қўнғироқ қилайми? – деб сўради хизматчи.

– Жинни бўлдингми, – жавоб берди ошпаз, – ресторанимизга тез ёрдам машинаси кела кўрмасин! Бирор киши заҳарланибди деган гап тарқалади.

...Бир соатдан сўнг Плейшнер бу меҳмонхонадан кетди ва кўл ёқасидаги хусусий пансиондан жой олди. У сўнгги кўнгилсиз воқеадан кейин қалбаки швед паспорти билан меҳмонхонада қолиш аҳмоқлик бўлади деб ҳисоблади.

Жазаваси тутганидан ўзи қўрқиб кетди. У кўчада бораркан дам-бадам орқасига қараб қўярди: назарида, орқада машина тормози эшитилиб, улуғ фюрерни ҳақорат қилганлиги учун забардаст йигитлар икки қўлтиғидан тутиб, ертўлага олиб бориб ташлаётгандек, дўппослаётгандек бўлиб туюлаверди. Аммо кўча тинч, ҳеч кимнинг у билан иши йўқ эди. Газета дўкони ёнида у инглиз ва француз тилидаги газеталардан сотиб олди: уларнинг биринчи бетларида Гитлер ва Геринг карикатуралари босилган эди. У секин кулиб қўйди ва яна жазаваси тутишидан қўрқиб:

– Э, худо, даҳшатдан қутулганим ростмикин-а? – деб қўйди.

У Штирлиц берган манзил бўйича одам кам кўча бўйлаб махфий уйни қидириб кетди. Профессор орқасига бир неча марта қараб қўйиб, бирданига рақсга тушишни бошлади (У кейинроқ Швейцарияга келган биринчи куни қизиқ қилиқлар қилганлигини эслаб юрди). У ўзича қандайдир қадимги рақс куйини чалиб, завқ билан айланар, худди йигирманчи аср бошларидаги эстрада артистлари каби куй оҳангига берилиб, пойабзали ерни депсиб-депсиб қўярди...

Эшикни тўладан келган дароз бир эркак очди.

– Отто, – деб паролни гапира бошлади у, – кеча кечқурун сизнинг қўнғироқ қилишингизни кутган эмиш.

– Кираверинг, – деди эркак. Плейшнер кутилган: «Қизиқ, мен уйда эдим, рақамларни адаштирган бўлса керак», – деган жавоб берилгандан кейингина уйга кириши лозим эди-ю, аммо жавоб берилмаса ҳам кираверди.

– Профессор озодлик ҳавосини олиб, қарахт бўлди, шу ерга келиб қўлга тушди: совет ай-гоқчисининг махфий уйини фашистлар қўлга туширган ва унда меҳмонларни интизор бўлиб кутиб турган эдилар. Дастлабки меҳмон Штирлицнинг алоқачиси профессор Плейшнер бўлди.

– Хўш, – деди дароз эркак, ичкарига киришлари билан. – Аҳволи қалай?

– Мана, – деди Плейшнер оғзидан кичкинагина ампулани олиб. – Ҳамма гап шунда.

Бу нарса профессорни қутқариб қолди: немислар на паролни, на алоқага ким келиши мумкинлигини билмас эдилар. Шу сабабли алоқачи паролъ жавобсиз уйга кирмаса, қўлга тушириб, дори бериб ухлатилсин ва махфий равишда машинада Германияга жўнатилсин, агар алоқани давом эттирса, унинг кетидан кузатиб юриб, асосий кишисини топишга ҳаракат қилинсин, деган қарорга келинган эди.

Дароз эркак қўшни хонага кириб кетди. У ерда ампулани очиб, ичидаги хитой қоғозни кўздан кечира бошлади. Ичидаги ёзувлар беш рақамли эди. Ана шу беш рақамли шифр Берлиндаги шифрларни очиш марказида ҳам мавжуд эди: немислар билан ишлашга рози бўлган рус радио мутахассис аёли шу шифр билан хабар етказиб турарди.

Дароз эркак шифровкани ўз ёрдамчисига бериб деди:

– Дарҳол элчихонага етказ. Ўзимизникиларга айт, бу одамни назоратга олишсин. Мен ҳозир уни бирпас тутиб, гапга солиб тураман, у содда кўринади, ундан фақат фойдаланишга ётган бўлишлари мумкин. Майли, гаплашиб кўрай-чи...

12

Кэт боласини аллалаб, хонада айланиб юарди. Штирлиц йўқлигида – худди у айтгандай – Кэтни унча катта бўлмаган, лекин кучли радиостанция ўрнатилган махфий уйга олиб келишди. Кэт ухлаётган ўғлига тикиларкан, ўйга ботди: «Ҳаётда ҳамма нарсани ўрганиш керак экан: қуймоқ пиширишдан тортиб, то каталогга қараб, китоб излашга қадар ҳамма нарсани, айниқса, математикани ўрганиш керак экан. Аммо оналикка ўрганишнинг ҳожати йўқ экан. Аллалашни, болага қулайлик туғдиришни ўз-ўзидан билиб олар экансан».

Уни қўриқлаб юрган ҳали ёшгина қиз фрейлейн Барбара ўзини хушкўнгил ва ақлли қилиб кўрсатишга тиришар, кечқурун овқат вақтида суҳбатлашишни яхши кўрарди. Қўшни хонада яшаётган СС аскари Гельмут уч кишига дастурхон ёзди ва улар гитлерюгендда тарбия топган Барбаранинг ўн тўққиз ёшга кирганлигини нишонладилар. Ана шу тантанали зиёфат вақтида – дастурхон картошка ва гуляш билан безатилди – Барбара, агар Германия урушда ғолиб чиқса, хотин-қизлар қўшин ва ишлаб чиқаришдан бўшаб, ўзларининг асл ишлари – катта немис оилаларини қуриш иши билан банд бўлажакларини айтди.

– Хотин кишининг вазифаси бола туғиш ва боқибдан иборат, – деди Барбара, – қолгани уларнинг вазифаси эмас. Одам соғлом ва кучли бўлмоғи лозим. Ҳайвоний инстинктдан тоза нарса йўқ. Мен бунни очиқ айтишдан қўрқмайман.

– Бу нима деганингиз? – хуш ёқмай сўради яқинда қаттиқ контузияга учраб, урушдан

қайтиб келган Гельмут – Бу гал мен билан, эртага бошқа киши билан, индинга яна бир бошқа киши билан яшайверишим керак демоқчимисиз?

– Бундай қилиш ифлослик бўлади, – жавоб берди Барбара, юзларини буриштириб. – Оила – муқаддас ва бузилмасдир. Аммо иккинчими, учинчими, тўртинчими – барибир, ўз эрим билан, оила бошлиғи билан истаганимча севги лаззатини татиб кўришим мумкин эмасми? Уятчанликни йиғиштириб қўйиш керак – бемаъни нарсаси. Агар эрим билан бир-биримизни истаганимизча севсак, унда хиёнат деган нарсаси бўлмайди. Хотин киши куч ва лаззат излаб, бошқа эркакни қидиради ёки гапимга қўшилмайсизми? – деб сўради у, Кэтга ўгирилиб.

– Қўшилмайман.

– Нега?

– Шунчаки ўзим...

– Бу жавоб эмас.

– Жавоб.

– Яхши таассурот қолдиришга интилиш ҳам аёлларнинг қадимдан қолган макри. Шундай қилсам, ҳурматли Гельмут унга қараганда мени ёқтирар деб ўйлаяпсиз, шекилли? – деб кулиб гапирди Барбара. – У славянлардан қўрқади, устига-устак, мен ёшроқман...

– Мен хотинлардан нафратланаман, – деди Гельмут.

– Нега энди? – сўради Барбара Кэтга кўзини қисиб. – Нега биздан нафратланасиз?

– Хотинлар иблисдан баттарроқ. Иблис алдаб ўтирмайди, ёвузлигини кўрсатади-қўяди. Хотинлар эса ёлғон-яшиқ гаплар билан бош-кўзингни айлантирадилар-да, кейин қўлга туши-

риб истаганларича ўйнатадилар, устига-устак, яқин дўстинг билан ётадилар... Айниқса, кучдан қола бошлаганингда.

– Хотинингиз биров билан юриб кетганми дейман! – Барбара кулиб, чапак чалиб юборди.

Кэт унинг қўллари жуда чиройли эканлигига назар солди: оппоқ, нозик, ёш болаларникидек чуқурчалари бор, тирноқлари локсиз, тозаланган эди.

Эсэсчи Барбарага хўмрайиб қараб қўйди-да, ҳеч нима демади: у шу қиз қўли остида ишловчи оддий аскар, Барбаранинг унвони эса унтершаффюрер эди.

– Кечирасизлар, – деди Кэт ўрнидан турар экан, – ўз хонамга чиқсам майлими?

– Нима бўлди? – сўради Барбара. – Бугун бомбардимон қилмаётирлар, ишни ҳали бошлаганингизча йўқ, одатдагидан сал кўпроқ ўтирсак бўлади.

– Гўдак уйғониб кетмасмикин деб чўцияпман... Қаттиқ гаплашяпмиз...

– Нега уйғонади дейсиз? Гельмут, болакай айвонда қанча ётди?

– Мен уни эрталаб бир соат, тушки овқатдан кейин бир соат ўша ерга ётқизиб қўйдим. Кечқурун салқин тушгач, хонада қолдирдим... Ҳозир уларни шамоллатиб қўйиш жуда осон...

– Балки у билан бирга ётишга рухсат берарсиз? – деб сўради Кэт. – У имлаб Гельмутни кўрсатиб: – Жаноб ҳам қийналиб кетган бўлишлари мумкин, бола билан уйқута ҳам тўймасалар керак.

– Жуда мўминтой экан, – деди Гельмут, – ҳеч йиғламайди...

– Мумкин эмас, – деди Барбара. – Сиз боладан алоҳида туришингиз лозим.

– Мен қочиб кетмайман-ку, – кулиб гапирмоқчи бўлди Кэт, – бу ерда қулфлар мустаҳкам.

– Бу ердан қочиб бўлмайди, – жавоб берди Барбара. – Биз икки кишимиз, қулфлар ҳам ишончли. Афсуски, рухсат беролмайман. Қўмондонлик буйруғи шундай. Бошлиғингиз билан гаплашиб кўринг...

– Бошлиғим ким бўлди?

– Штандартенфюрер Штирлиц. У кўнгилчан одам, агар ишингиздан хурсанд бўлса, у бошлиқларнинг буйруғини ўзгартириши мумкин. Бир киши пулга интилса, иккинчиси – эркакларга, сизнинг яхши ишлашингизга эса энг яхши кафил – болангиз. Шундай эмасми?

– Ҳа, – деб жавоб қайтарди Кэт. – Гапингиз тўғри.

– Яна бирор нарса сўрамоқчимисиз? – қизиқди Барбара, картошкани пичоқ билан кесар экан.

Қизнинг худди дипломатик қабул маросимида овқатланаётгандай нафис ҳаракат қилишига назар ташлади Кэт, у гўё қурт еган картошкани эмас, балки қандайдир мазали мева таъмини татиётгандай лаззатланиб овқатланарди:

– Агар сиз менинг ўрнимда бўлсангиз, болангизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ишлашга рози бўлармидингиз?

Барбара дарҳол жавоб беролмади. Картошка ейишни тугатиб, кумуш санчқини крахмаланган сочиқ устига қўйди, сўнгра кафти билан оғзини бекитиб, тишини кавлай бошлади.

– Нима десам экан.. Айтгандек, сиз шу вақтгача болага исм қўймадингиз-а...

– Мен унга Владимир деб от қўяман...

– Кимга атаб? Отангиз Владимир бўлганми?
Ёки унинг отасими? Отасининг исми нима эди?

– Кимнинг?

– Эрингизнинг.

– Эрвин.

– Эрвинлигини биламан... Йўқ, мен унинг
асл исмини, русча исмини сўраяпман...

– Мен унинг Эрвинлигини билардим.

– У сизга, ҳатто ҳақиқий исмини ҳам айтма-
ганмиди? Никоҳ ўқиётганда ҳам Эрвинмиди?

– Никоҳ ўқитганимиз йўқ...

– Мумкин эмас...

– Шу ерда қовушдик, – кулиб гапирди Кэт.
– Эрвин билан мени бирга юборишган эди. Ме-
нимча, дунёдаги ҳамма айғоқчилар каби сиз-
ларнинг айғоқчиларингиз ҳам бир-бирларини
лақаб билан атасалар керак. Менинг Кэт эмас,
Катя эканлигимни Москвадаги бошлиғимгина
ва балки Эрвин билан боғлиқ бўлган шу ердаги
кишилар, унинг раҳбарлари билган бўлса ке-
рак.

– Мана саволингизга жавоб... – деди Барба-
ра бир оз жим қолгач, – Лениннинг исми Вла-
димир бўлган, шекилли... Агар мен шундай
аҳволга тушиб қолсам, ўғлимга Адольф деган
исм берардим. Ўзимни қандай тутардим – бил-
мадим... Аммо сиздан бошқачароқ тутардим...
Майли. Хонангизга кираверсангиз бўлар. Эр-
тага сизни Рансдорфга олиб боришмоқчи: иш
бошлаганимиздан кейин резидент тақдирин-
гиздан хавотирланмаслиги учун Эрвин бўл-
ган жойларга бориб туриш ўзингиздан чиққан
фикр, шекилли...

– Ҳа, – деди Кэт, – мендан чиққан фикр. Агар
одамларимиз озод юрганимни кўришса, улар-

ни хотиржам қилган бўламиз. Бизнинг шу ердаги резидентимизда иккинчи узатгич бўлиши мумкин. Агар менинг озод эмаслигимга ишонч ҳосил қилса, у Москвага хабар қилиши мумкин ва натижада бутун ишимиз чиппакка чиқади...

Бу ердаги резидентингизда иккинчи узатгич йўқ, – деб жавоб берди Барбара. – Сизнинг ишингиз билан Штирлиц шугулланаётганлиги учун худога шукр қилинг... Айтгандек, эртага эрталаб сизни шаҳарга Штирлиц олиб боради. Бу ҳақда сизга айтганмиди у?

– Мени шаҳарга ким олиб боришини билмайман, – жавоб берди Кэт. – Табиийки, терговчи бу ҳақда мен билан гаплашган эмас. Бу ишнинг мақсадга мувофиқлигини ўзим айтдим, аммо уни ким бажаришини менга айтганлари йўқ...

Аммо ярим кечада махфий уйга Штирлиц эмас, балки икки ёрдамчиси билан Рольф кириб келди. Унинг бир оз кайфи бўлиб, Кэтни уйғотгач, мулойим, ҳар гапида французча ибораларни ишлатиб сўзларди. Мюллер унга Штирлиц йўқ вақтида рус радиости билан ишлашига Кальтенбруннер рози бўлганини айтган эди.

– Шелленберг Штирлицни топшириқ билан жўнатганини айтди... Оқилона бир иш қилсак деб ўйлайман. Рольф бу иш билан шугулланиб қарама-қарши вазифани бажарса, маҳбуслар баджаҳл терговчидан кейин кўнгилчан терговчига кўпроқ меҳр қўядилар. Штирлиц эса кўнгилчан киши, шунга нима дейсиз?

Кальтенбруннер ғалати қилиб кулиб қўйиб, Мюллерга тамаки тутди.

Мюллер тамаки чекар экан, махсус алоқа хонасидаги телефонда қолган бармоқ излари билан рус радио мутахассиси жомадонидаги

бармоқ излари бир-бирига тўғри келганлигини айтсамми ёки айтмайми, деб бир дақиқа ўйлаб қолди, аммо аччиқ «Каро» тамакисини тутатиб, яхшиси, бу ҳақда ҳам, барча ходимларнинг бармоқ изларини тўплаётгани ҳақида ҳам Кальтенбруннерга айтмасликка қарор қилди. Гап шундаки, империя хавфсизлиги бошқармасида махсус хавфсизликни сақлаш унинг зиммасида, яъни у, Мюллер СД ва гестапо кадрлари учун жавобгар эди. Агар айтса, Кальтенбруннер шошма-шошарлик қилади, ҳовлиқиб кетади ва агар ўз уясидаги душмани пайқамай юрган бўлса, албатта, бутун айбни Мюллерга тўнкайди. РХСА ходимларидан бирининг Борман билан гаплашганлиги Гиммлерга маълум бўлиб, Кальтербруннер қулоғига етмаганлиги Мюллерга қўл келди: бундай вазият унга икки куч ўртасида истаганича ҳийла ишлатиш имконини берарди. Шу сабабли у Кальтенбруннернинг Штирлиц устидан шубҳаланганлигини Гиммлерга ҳам билдирмади; ўз навбатида, Гиммлер хоинлик ва чақимчилик деб ҳисоблаган партия штаб-квартираси билан олиб борилган телефон суҳбати ҳақида Кальтенбруннер бутунлай беҳабар қолди.

– Штирлицнинг рус радио мутахассиси билан қандай иш олиб бораётганини кузатиб бор демоқчимисиз? – сўради Мюллер.

– Нега энди? – ҳайрон бўлди Кальтенбруннер. – Кузатиб нима қиласиз? Менимча, у худди ана шу радио соҳасида жуда уста одам.

«Нима бало, у ўзи айтган гапларни эсдан чиқариб қўйганми? – ҳайрон бўлди Мюллер. – Ёки у менинг тагимга сув қўймоқчими? Эсла-тиб ўтсаммикин? – Ёки керак эмасми? Лаънати

идора, доим айёрлик қилиш керак бу ерда! Бегоналарни алдаш ўрнига, ўзимизни ўзимиз аҳмоқ қилиб юрамиз! Падарига лаънат ҳаммасини!»

– Рус пианиночиси билан ишлашда Рольфга алоҳида топшириқ берилсинми?

Радио мутахассисини, одатда, «пианиночи», махфий кузатув хизмати гуруҳининг раҳбарини «дирижёр» деб атардилар. Кейинги вақтларда, Берлинни қочқинлар тўлдирган, Шарқий Пруссия, Аахен, Париж ва Бухарестдан архивларни кўтариб келган ходимларни жойлаштириш тўс-тўполонида шу терминлар ўз-ўзидан эсдан чиқиб, маҳбусни кўпроқ касби бўйича эмас, балки миллати бўйича атайдиган бўлдилар.

Шунинг учун Кальтербруннер маънос овоз билан қайтарди:

– Пианиночи билан... йўқ, Рольф Штирлиц билан келишиб, иш олиб борсин. Мақсадга эришиш усуллари ҳар хил бўлса ҳам, аммо мақсад бир бўлсин... Руслардан бирор дарак бўлмадими?

– Ҳозирча йўқ.

– Шифр ечувчиларнинг иши қалай?

– Улар тахминан ярим йўлда. Шифр жуда мураккаб экан.

– Пианиночи аёлни бир силкитиб кўринглар. Унинг резидент шифрини билмаслигига ишонмайман.

– Штирлиц у билан ўз услубида иш олиб боряпти.

– Ҳозир Штирлиц йўқ-ку, Рольф бир айлан-тириб кўрсин.

– Ўз услубини ишлатсинми?

Кальтенбруннер нимадир деб жавоб қилмоқ-

чи бўлди-ю, аммо шу пайт фюрер бункерига боғлиқ бўлган телефон жиринглаб қолди: Гитлер Кальтенбруннерни кенгашга чақирарди...

Кальтенбруннер Штирлиц ҳақидаги гапни ёддан чиқармаган эди. Аммо ўтган куни кечқурун Борман билан учрашганда улар партия архивини қўчириш масаласи бўйича анча суҳбат қилдилар. Шунда Борман гап орасида шундай деганди:

– Одамларингиз, ўз навбатида, бу акциянинг бутунлай махфийлигини таъминласинлар. Биз ишонадиган энг содиқ: Мюллер, Шольц, Штирлиц каби кишиларни жалб этинг...

Кальтенбруннер «ўйин» шартларини биларди! Модомики, Борман бирор одам ҳақида сўраб-суриштирмай, балки уни ўзи тавсия қилаётган бўлса, демак, бу одамни кўз остига олиб қўйган экан, бу – керакли киши экан.

– Айтгандай, одамларингиз ҳайдовчимни топишдими? – қизиқсиниб сўради Борман. – Уни топинглар деб кўрсатма бергандим. Айтинг, яхшилаб қидиришсин – қидириш учун эмас, топиш учун қидирсинлар.

Кальтенбруннер ҳайдовчи ҳақида ҳеч нима билмаслигини, аммо буни дарҳол аниқлаб, хабар қилажагини айтди.

...Машинада Гитлер ҳузурига кетаётган пайтдагина Кальтенбруннернинг эсига ҳайдовчи тушди, чунки бункерда ҳойнаҳой биринчи бўлиб Борманни учратса керак...

* * *

– Уйғотиб юборганим учун кечирасиз, мон пти, – деди Рольф, Кэт ётган каравотнинг оёқ томонига ўтирар экан. Кэт туя жунидан тўқилган

аммо икки жойи куйган жигар ранг ёпинчигини бўйнигача ёпиб олди. – Аҳволингиз қалай?

– Раҳмат.

– Болангиз қалай?

– Раҳмат.

– Озгина ичасизми?

– Раҳмат, менга мумкин эмас...

– Озгинаси бўлаверади.

– Йўқ. Болага таъсир қилади.

– Бъен... Дунёдаги оналарга офарин! Совуқ емаяпсизми?

Жавобни кутиб ўтирмай, Рольф қўлини ёпинчиқ остига тикди. Кэт оёғини йиғиштириб деди:

– Стол ёнига бориб ўтиришингизни сўрадим.

– Нега энди? Ёрдамчиларим меҳмонхонада ичиб ўтиришибди: улар фрейлейн Барбарага май олиб келишди... Бизга... ишлашга... ҳа-лақит бермайдилар. Фрейлейн Барбара жуда ёқимтой, тўғри эмасми?

La iemme a etre initiee, entre deux baisers aux mysteres de L’historje, de morale et de literature¹⁶
 Мен билан муомалангизни яхшироқ қилинг, кулиб гаплашинг, сиз эса хўмраясиз...

– Агар чиқиб турсангиз, мен кийиниб олардим, кейин гаплашар эдик...

– Мен аёллар билан ечинган пайтларида гаплашишни яхши кўраман... Алоқа самимийроқ бўлади. Сиз рози эмасмисиз?

– Менинг аҳволимга тушунинг, яқинидаги-на эрим ҳалок бўлди... Ўзимга келиб олишимга имкон беринг... .

¹⁶ Аёллар икки марта ўптириш ўртасида тарих, ахлоқ ва адабиёт сирларини тинглашни истайдилар (французча)

– Ҳали шундай денг... Сиз ўзингизга келиб оласиз-у, мен эса тасодифий бомбадан ерга кириб кетаман-а. Ким кўп яшамоқчи бўлса, ўша сабр қилаверсин... Қанчалик ёшим ўтса, шунчалик муҳаббат – менинг *apreciez de morale de politigue*¹⁷ эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдаман. Мен куч ишлатишни жуда ёмон кўраман: келинг, махфий равишда сиз билан дўст бўлиб қўя қолайлик. Сиз жуда ёқимтойсиз, мен эса эрингизнинг ўрнини босишга ҳаракат қиламан...

Рольф ёпинчиқни тортди.

– Иккаламиз ором топамиз, – дея Рольф камзули тугмаларини ечишни бошлади, – айниқса, сиз ором топасиз: душман радио мутахассиси эмас, балки СС зобитининг маъшуқаси бўласиз.

– Ҳозир додлайман, – деди Кэт. – Яхшиси, кетинг, илтимос қиламан...

– Бақиринг аҳмоқлик бўлади. Мен билан ўчакишиб қоласиз, ахир тақдирингиз кўп жиҳатдан менга боғлиқ... Хўш?

Кэт каравотдан ирғиб туриб, эшик ёнига чопиб борди ва эшикни муштлари билан уриб:

– Барбара! – деб бақирди.

Рольф дарҳол камзули тугмаларини тақиб деди:

– Сиз асаби бузуқ аёл экансиз. Сиз махфий кузатув хизматида эмас, балки ҳожатхонада ишлашингиз керак экан. Жойингизга ётиб, кўрпани ёпинг! Тез бўлинг!

Хонага юзлари қип-қизил, кўзлари чакнаган Барбара кириб келди, унинг орқасида қўлларида қадаҳ ушлаган ёш зобитлар турарди.

– Бизнинг гўзал фрау Кэт бола ухляптимиз деб ташвишланаяптилар? – деди Рольф.

¹⁷ Ахлоқий ва сиёсий қарашлари.

– Бола қотиб ухляпти. Унинг ўғай отаси Гельмут қаттиқ гапиряпсизлар деб бизларни икки марта огоҳлантириб қўйди.

– Раҳмат сизга, Рольф жаноблари, – бу вазиятда Кэт энг яхши йул топди, – сиз жуда олийжаноб экансиз.

– Сиз ҳам шундай экансиз, – деди унинг гапини дарҳол пайқаган Рольф, – *vous, vous, conduisez comme in sage*¹⁸...

– Хайрли тун... Агар Москвангиз эфирга чиқмаса, сизни бошқа безовта қилмаймиз. Борди-ю, шундай бўлиб қолса, унда кечирасиз, навбатчи сизни уйғотади.

– Тушундим.

– Нимагадир Москва анча вақт жавоб бермаяпти... Дўстларингиз сизни ёдларидан чиқармаганмикинлар?

– Йўғ-э, ёдларидан чиқармаслар. Менинг қўлга тушганимни билиб қолган бўлишлари мумкин...

– Йўқ, буни улар билишлари мумкин эмас. Штандартенфюрер Штирлицни ҳам, мени ҳам Кремль билан алоқаси бор деб шубҳа қилмасангиз керак? – деб кулиб юборди Рольф. – Сизга нима бўлгани фақат бизгагина маълум: кеча сиз туғруқхонадан чиқиб, ўғлингиз билан эс-банга ўтириб, номаълум томонга ғойиб бўлдингиз... Хайрли тун, яхши тушлар кўринг...

* * *

Гиммлернинг икки кеча-кундуз давомида иш олиб борган ёрдамчилари Борманнинг қўлга туширилган архивини дастлаб текшириб

¹⁸ Ақлли иш қилдингиз (французча)

қўрганларида, СС рейхсфюрери излаган маълумотларни тополмадилар. Партия ўз пуллари-ни чет эл банкларига қандай ўтказаётганини кўрсатувчи бирорта ҳам ҳужжат йўқ эди. Афтидан, бундай қоғозлар аллақачон жўнатилган ёки Борман сулҳ тузиши билан биринчи кундаёқ керак бўладиган банк шифрларини ва молия айвоқчилари исмини ўзининг ажойиб хотирасида сақлаб қолган, ёинки – энг ачинар-лиси – бу ҳужжатлар Скорцени қуршовидан чиқиб, қўшин танклари ҳимояси остида кетган ўн учта машинада қолган.

Аммо Скорцени одамлари қўлга тушир-ган архивларда жуда қизиқарли ҳужжатлар бор эди. Хусусан, унда имзо қўйилмаган, ле-кин СД ичида хоинлик борлигини исботловчи Штирлицнинг ахбороти ҳам бор эди.

Гиммлер шу қоғозни Шелленбергга кўрса-тиб, текширув олиб боришни сўради. Шеллен-берг рейхсфюрернинг бу топширигини бажа-риш мумкин эмаслигини билиб турса ҳам, уни текширишга ваъда берди. Бироқ бу ҳужжат-нинг мавжудлиги унда Борман архивида бун-дан ҳам муҳим маълумотлар бўлса керак ва бу маълумотлар ходимларимни яна бир марта текширувдан ўтказишга, улар бир вақтда Бор-ман фойдасига ҳам ишлаганларми ёки йўқми, агар ишлаган бўлсалар, қайси пайтда, қандай масалалар устида ва аниқ кимга қарши ишла-ганликларини аниқлашга имкон беради, деган фикр пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шелленберг ходимларининг бирданига икки хўжайинга хизмат қилишидан қўрқмасди. Ходимларни Борман одамлари ватанпарварлик шиорлари билан ўз томонларига тортган бўлишлари ке-

рак. Уни энг азалий фикри – сулҳ йўлини қидириш фикри ҳақида Борманнинг нималарни билганлиги қизиқтирарди.

Шелленбергнинг бир неча ходими ана шу ишга жалб этилди.

У ҳар куни янгиликларни сўраб турар, лекин «ҳали қизиқарли нарсa топилганича йўқ» деган жавобни эшитарди.

* * *

– Бошлиқнинг кайфиятлари қалай? – деб сўради дароз киши. – Соғ-омонмилар?

– Ҳа, – деб табассум қилди Плейшнер. – Ҳаммаси жойида.

– Қаҳва ичасизми?

– Раҳмат. Жоним билан.

Эркак ошхонага кириб кетди ва ўша ердан туриб сўради:

– Яхши жойлашиб олдингизми?

– Ҳа, дуруст.

– Томингиз ишончлими?

– Мен иккинчи қаватдаман, – деди Плейшнер, унинг гапига тушунмай.

Гестапочи қаҳва тегирмончасини тўхтатар экан, кулиб қўйди: ҳа, у ҳақ экан, унинг ёнига содда бир одамни, ихтиёрий ёрдамчини юборишибди. «Том» деган сўз бутун дунё айғоқчилари тилида «хавотирсиз жой» маъносида ишлатиларди.

«Аммо шошилишнинг ҳожати йўқ, – деди у ўзига ўзи, – чол қўлимда. У билан эҳтиёт бўлинса, бор гапни айтиб беради...»

– Бундайи Германияда йўқ, – деди у, Плейшнерга қаҳва узатар экан. – аблаҳлар халққа

ювинди ичирыптилар, бу ерда эса чинакам Бразилия қаҳвасини сотадилар.

– Мазаси ҳам ёддан чиққан экан,– деди Плейшнер, унинг гапини маъқуллаб. – Бундай қаҳва ичмаганимга ўн йилча бўлгандир.

– Греklar менга аччиқ қаҳвани сув билан ичишни ўргатган эдилар, сиз ҳам шундан қилиб кўрасизми,? ..

Шу вақт Плейшнер ҳамма нарсадан хурсанд эди, у енгил юрадиган, енгил нафас оладиган бўлди, мияси ҳам равшанлашди. У кулиб деди:

– Мен ҳеч вақт қаҳвани сув билан ичмаганман.

– Бу қизиқ нарса. Ҳарорат ва мазаси ҳар хиллиги алоҳида маза бағишлайди, юракка ҳам зарари камроқ.

– Ҳа, – деди Плейшнер, совуқ сувни ҳўплаб, – мазаси ростдан яхши бўлар экан.

– Менга нималарни айтиб юборди?

– Ҳеч нимани, фақат шу ампулани бериб юборди.

– Қизиқ.

– Нега?

– Уни қачон кутиш кераклигини айтар деб ўйлаган эдим.

– Бу ҳақда ҳеч нима демади.

– Айтгандек, сиздан сўрамабман, қорнингиз қалай, балки очдир?

– Йўқ, ташаккур, мен бошлаб нонушта қилиб олдим.

– Пулдан қалайсиз?

– Дастлабки вақтда етади.

– Агар пул керак бўлиб қолса, олдимга келаверинг. Албатта, кўп бера олмайман, аммо ўзингизни боқиш учун унча-мунча топилади...

Айтгандек, назар солмадингизми, ортингизда дум йўқмиди?

– Дум деганингиз нимаси? Бировнинг кетга тушишими?

– Ҳа.

– Эътибор бермабман-а.

– Бекор қилибсиз. У сизни бу тўғрида огоҳлантирмадимми?

– Огоҳлантирди-ю, аммо мен бир неча йилдан кейин, айниқса, қамоқхонадан кейин худди маст одамдай ўзимни эркин ҳис этдим. Эслатганингиз учун раҳмат..

– Буни эсдан чиқариш ярамайди. Бу ерда полиция айёр. Жуда айёр. Менда бошқа гапингиз йўқми?

– Йўқ. Бошқа ишим йўқ...

– Паспортингизни беринг.

– У, паспорт доим ёнингизда бўлсин, деган эди...

– У сизга энди менинг ихтиёримга ўтишингизни айтмаганмиди?

– Йўқ.

– Ҳа, тўғри... Бу гаплар келтирган шифровкангизда бўлса керак. Ишни қандай қилиб тўғри олиб бориш устида бош қотириб кўрамиз. Ҳозир сиз...

– Меҳмонхонага қайтаман, ётиб уйқуни ураман...

– Йўқ... Мен айтмоқчи бўлганим... иш устида...

– Аввал уйқуга тўйиб олай, – деб жавоб берди Плейшнер. – Мен бир кун, икки кун, уч кун бўлса ҳам ухлаб олай, кейин иш борасида ўйлаб кўрарман. Ҳамма қўлғамаларни Берлинда қолдирганман... Дарвоқе, мен ҳамма асарларимни ёддан биламан десам бўлади...

Дароз Плейшнернинг швед паспортини олиб, эътибор бермаётгандай стол устига ташлади:

– Индинга соат иккида паспортга келасиз, уни ўзимиз Швеция элчихонасида рўйхатдан ўтказамиз. Аниқроғи, ҳаракат қиламиз: шведлар ҳаддан ошмоқдалар – борган сари ҳаддан ошмоқдалар.

– Ким? – тушунмай сўради Плейшнер.

Гестапочи йўталиб қўйди, у ўз ролидан чиқиб кетган эди, энди айбини ёпиш учун тамаки чекди ва узоқ вақт тутунини чиқариб турди.

– Шведлар Германиядан ўтган ҳар бир кишини немислар айғоқчиси, деб ҳисоблайдилар. Сен қандай немиссан – Гитлерга қарши курашаётган ватанпарвармисан ёки гестапонинг итимисан – уларга бари бир. Шунинг учун жуда эҳтиёт бўлишга тўғри келмоқда.

– У элчихонага бориб, рўйхатдан ўтиш кераклигини айтмаган эди...

– Бу гаплар ҳам шифровкада бўлса керак. «Унинг хўжайини Берлинда экан, – ўйлади гестапочи, – буниси аниқ бўлди, чунки қўлёзмалари ўша ерда қолганлигини ўзи айтди... Демак, Берлинда яна биттасини қўлга туширар эканмиз.. Толени қаранг! Фақат шошмаслик – шошмаслик керак».

– Сизга ташаккур, – деди Плейшнер ўрнидан турар экан. – Ажойиб қаҳва экан, совуқ сув билан ичилса, ундан ҳам ажойиб бўларкан.

– Сиз омон-эсон етиб келиб, жойлашганлигингиз ҳақида уни хабардор қилдингизми ёки мен хабар берайми?

– Сиз ўз ўртоқларингиз орқали бажарасизми буни?

«Ғанимлардан экан, – деди ўзига ўзи геста-почи.– Буниси ҳам қойил бўлди».

– Ҳа, ўртоқлар орқали уни хабардор қиламан, сиз ҳам, ўз навбатида, хабар бериб қўйинг... Кечиктирманг...

– Мен бугун унга хабар бермоқчи бўлдим-ку, аммо таклифномага ёпиштириладиган почта маркасини тополмадим.

– Индин келгунингизгача мен ўша сотувда йўқ маркани топиб қўяман. Унда нима тасвирланган экан?

– Монблан тоғига чиқиш... Кўк рангли. Албатта, кўк рангли.

– Яхши. Таклифнома ўзингиздами?

– Йўқ. Меҳмонхонада.

– Яхши бўлмабди. Меҳмонхонада ҳеч нарсани қолдириш керак эмас. Сиз чет эллик кишисиз. Тинтув қилишлари мумкин. Бунчалик бепарво бўлманг!

– Йўқ,– деди кулиб Плейшнер, – оддий бир таклифнома, ўнтакасини Берлинда сотиб олган эдим. Матни эса ёдимда, кўриб турибсизки, бепарволик қилганим йўқ.

Даҳлизда гестапочи Плейшнер қўлини сиқиб деди:

– Зийрак бўлинг, ўртоқ, такрор айтаман, зийрак бўлинг. Бир нарсага эътибор беринг: бу ердаги тинчлик юзакидир.

– У огоҳлантирган эди мени. Буни биламан.

– Ҳар эҳтимолга қарши манзилингизни ташлаб кетинг.

– «Виржиния». «Виржиния» пансионати.

– У ерда америкаликлар турадими?

– Нега энди? – сўради Плейшнер.

– Номи инглизча экан... Улар, одатда, ўз номлари қўйилган меҳмонхоналарга тушадилар...

– Йўқ. Менимча у ерда чет элликлар йўқ.

– Буни текшириб кўрамиз. Агар мени ўз пансионатингизда кўриб қолсангиз, илтимос, ёнимга келманг, мен билан сўрашманг – бир-биримизни танимаймиз.

– Яхши.

– Яна бир гап... Агар бирор кутилмаган ҳодиса юз бериб қолгудек бўлса, менга қўнғироқ қилинг. Эслаб қола оласизми? – У олти хонали рақамни икки марта қайтарди.

– Ҳа,– деди Плейшнер, – хотирам яхши. Лотин тили хотирани жуда ҳам мустаҳкамлайди...

Плейшнер уйдан чиқиб, шошилмай кўчанинг қарши томонига ўтди. У чиққан уйнинг рўпарасида пўстин нимча кийган чол ўз зоодўконининг ойнасини ёпмоқчи бўлиб турган эди. Ойна орқасида қафасларда қушлар сакрарди. Плейшнер ойна олдида қушларни томоша қилиб, анча туриб қолди.

– Бирор нарса харид қилмоқчимисиз? – сўради чол.

– Йўқ, қушларингизни томоша қиляпман.

– Энг яхшилари ичкарида. Бу менинг хоҳишим,– чол жуда гапдон чиқиб қолди.– Ҳамма ойнага энг яхши молларини қўяди, мен эсам қушларга мол-буюм деб қарамайман. Қуш қушда барибир. Уларнинг сайрашини эшитиш учун кўп ёзувчилар келиб туришади. Бир ёзувчи келиб, нима деди денг: «Янги китоб ёзиш азобидан олдин Орфей каби оромбахш муסיқани – қушлар сайроғини тинглайман. Шундай қилмасам, ўз Эвридикасини топа оладиган қўшиғимни ижод қилолмайман...»

Плейшнер тўсатдан пайдо бўлган кўз ёшини арта бошлади ва ойна ёнидан нари кетар экан:

– Раҳмат сизга,– деди.

– Нима? – деганича қолаверди пўстин нимча кийган чол, лекин Плейшнер унга жавоб қайтармай, ўз пансионатига йўл олди – унда стол ёнига ўтириб, ишлаш иштиёқи пайдо бўлганди...

* * *

– Нега энди чироқ ёқмай? Кимдан қўрқяпсиз? – сўради Штирлиц.

– Сиздан эмас, – деб жавоб берди Холтофф.

– Пайпаслаб юрар эканмиз-да...

– Мен уйингизга ўргандим. Жуда қулай ва тинч жой.

– Айниқса, бомбардимон пайтида,– кулиб юборди Штирлиц.– Белим ўласи бўлиб оғри-япти, қаердадир шамоллатиб қўйибман. Ҳозир ваннахонадан аспирин олиб чиқай. Ўтиринг. Қўлингизни беринг – шу ерда курси бор.

– Раҳмат. Топдим.

Штирлиц ваннахонага кириб, дори қутичасини очди.

– Қоронғида аспирин ўрнига сурги дори ичиб қўймай. Келинг, пардаларни туширамыз, улар жуда қалин, кейин каминга ўт ёқамиз: агар бизни расмга оладилар деб қўрқсангиз, бурчакка ўтиб ўтиринг – у ерда сизни ҳеч ким кўрмайди.

Мен пардаларни туширмоқчи бўлдим-у, аммо бирор ҳийласи борми дейман, тушмади.

– Йўғ-э, ҳалқаси илиниб қолади. Ҳозир ўзим тушираман. Нима гап ўзи, дўстим? Кимдан қўрқяпсиз?

– Мюллердан.

– Ўз бошлигингиздан-а?
– Худди ўшандан.
– Икки кун йўғимда қандай воқеа юз берди? Жаҳон остин-устин бўлдимми? Парвардигор ерга тушиб келдимми? Ёш Кальтенбруннер яхудиёга уйландими?

– Деярли шунга ўхшаш воқеалар, – деди Холтофф. Штирлиц дераза пардаларини бекитиб, чироқ ёқмоқчи бўлди. Шик этган товушни эшитиб, Холтофф деди:

– Мен пўкакларни олиб қўйгандим. Уйингизда мослама ўрнатилган бўлиши мумкин.

– Ким ўрнатади?

– Биз.

– Сабаб?

– Ҳузурингизга худди шуни билгани келдим-да. Аспирин ичдингизми?

– Ҳа.

– Каминга ўт ёқиб, кейин ўтиринг, вақт кам, муҳокама қиладиган масалалар кўп.

Штирлиц қуп-қуруқ ўтинга гугурт чизиб юборди. Гуриллаб олов олиб кетди. Камин ҳам ажойиб эди. Аввал гуриллаб ёнарди-да, қизиган сари овози ўчарди.

– Ҳўш? – деди Штирлиц камин ёнидаги курсига, оловга яқинроқ ўтирар экан, – нима гаплар, дўстим?

– Менда ҳеч гап йўқ. Сиз нима қиласиз, шуни билмоқчи эдим?

– Нуқтаи назар жиҳатданми?

– Бу жиҳатдан ҳам...

– Нуқтаи назар жиҳатдан қараш керак бўлса, айти дамда ванна қабул қилиб, ухламоқчи эдим. Жуда совқотдим ва чарчадим.

– Мен олдингизга дўст сифатида келдим.

– Бўлди энди, – Штирлицнинг энсаси қотди.
– Ёш болалардек сир сақлайверманг. Ёки ис-
мингиз Монте Кристоми? Ичасизми?

– Ҳа, ичаман.

Штирлиц коньяк олиб келди, ўзига ва
Холтоффга қуйди. Улар индамай ичишди.

– Яхши коньяк экан.

– Яна қуяйми?

– Соз бўларди.

Улар яна ичишди, кейин Холтофф бармоқла-
рини шиқирлатиб, деди:

– Штирлиц, мен шу ҳафта давомида сизнинг
ишингиз билан шуғулландим.

– Тушунмадим...

– Мюллер яширин равишда сизнинг фи-
зиклар устида олиб борган ишингизни текши-
ришни буюрди.

– Холтофф, топишмоқларнинг кераги йўқ.
худо ҳақи, ҳеч нимани тушунмаяпман. Қамоққа
олинган физикнинг менга нима алоқаси борли-
гини батафсил тушунтириб беринг. Нега яши-
рин равишда менинг ишимни текшириб юриб-
сиз? Нима учун Мюллер менга қарши далиллар
қидирмоқда – шунинг маъносини айтинг...

– Мен буни тушунтириб беролмайман. Ўзим
бунинг фаҳмига етганимча йўқ ҳали. Сизнинг
шубҳа остига олинганлигингизни биламан, холос.

– Мен-а? – ҳайрон бўлди Штирлиц. – Бу аҳ-
моқлик-ку. Ёки бошлиқларингиз тўполонда бо-
шини йўқотиб қўйдиларми?

– Штирлиц, менга оғир бўлишни ўзингиз ўр-
гатган эдингиз.

– Ҳозирги гапингиздан кейин мен қандай
хотиржам бўлай?! Ҳа, асабим қизишиб кетди.

Чунки бу нарса ғазабимни қўзғатиб юборди! Ҳозироқ Мюллер ҳузурига бораман...

– У ухлаб ётибди. Унинг ҳузурига боришга шошилманг. Физиклар иши билан шуғулланиб нималарни топганимни айтиб берай. Буларни ҳали Мюллерга айтганим йўқ, сизни кутдим...

Ақдини ростлаб олиш ва ўзини қайта текшириб кўриш учун Штирлицга бир дақиқа вақт керак эди: берган саволларида, қайтарган жавобларида, икир-чикирларга ҳаддан ташқари қизиқишида юзаки қараганда аҳамиятсиз бўлган, аммо ўзини фош этувчи из қолдирмаганимкин?..

– Ҳозир, – деди у, – қўрққанимдан қорним оғриб қолди.

– Нима? – уни дарҳол тушунмади Холтофф.

– Айиқлар касалига дучор бўлибман, – деб қайтарди Штирлиц ўрнидан турар экан, – нималигини биласизми?

У ҳожатхонага кириб, ичидан бекитиб олди, аммо Холтоффнинг оёқ учида юриб, эшик ёнига келганлигини сезиб турди,

«Аҳмоқ, – деб ўйларди у, – шундай қиладимиз? Унинг адабини бериб қўйиш керак».

– Холтофф! – деб қаттиқ чақирди Штирлиц ва унинг оёқ учида курси ёнига чопиб, қайтиб борганини эшитиб турди.

– Ҳа...

– Хонанинг у ёғидан бу ёғига ўтавермай, бирданига жавоб берсангиз бўлмайдимиз? Айтинг-чи, ким мени шубҳа остига олган – Мюллерми ёки менинг бошлиқларимми?

– Бу ёққа чиқинг, кейин ҳамма вариантларни муҳокама қиламиз.

– Ҳозир чиқаман...

«У ўзини қандай тутар экан? – ўйларди Штирлиц. – Тўппа-тўғри келиб, мен билан гестапо шуғулланаётганини айтиш хавфли нарсаси – бунинг учун отиб ташлашлари мумкин. У ашаддий немис-ку, унга нима бўлдийкин ўзи? Ёки Мюллернинг топшириғи билан мени текшириб кўрмоқчими? Бундай бўлмаса керак. Бу ерда гестаподан бошқа ҳеч ким йўқ, улар бундай суҳбатдан кейин менинг қочиб қолишим маъқул эканини тушунишлари керак эди-ку. Ҳозир қирқ учинчи йил эмас, фронт ёнгина мизга келиб қолган. Ёки у шахсан ўзи ташаббус кўрсатиб келганмикин? Хўш... Унда мақсади нимайкин? У жиддий иш қилишга журъат этадиган ақлли одам эмас. Аммо ғоятда айёр. Мен бунчалик содда муғомбирликни унча тушунолмаيمان, аммо худди шундай содда муғомбирлик баъзан мантиқдан ҳам, росмана ақлдан ҳам устун чиқиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳозир нотўғри йўл тутсам – омон қолмайман. Энг асосий операцияни барбод қиламан. Уни менинг ўрнимга давом эттирадиган бошқа одам топилмайди...»

– Штирлиц, нима қияпсиз?

– Сиртмоқ тайёрлаяпман. Ўзимни ўзим ороқчиман, – Штирлиц ваннахонадан чиқиб, курсига келиб ўтирди-да, ёниб тугаёзган ўтинни титиб деди:

– Қани, энди очилаверинг.

– Гапим жуда жиддий.

– Бу дунёда жиддий бўлмаган нима ҳам бор дейсиз?

– Мен Шуман идорасидан уч нафар мутахассисни чақиртирдим.

Шуман янги қурул бўйича вермахт маслаҳатчиси бўлиб, унинг қўл остидаги кишилар атомни парчалаш масаласи устида иш олиб бораётган эдилар.

– Рунгени қамоққа олганларингизда, мен ҳам ўша жойдан мутахассислар чақиртирган эдим.

– Ҳа. Рунгени биз қамоққа олдик. Аммо негандир унинг иши билан махфий кузатув хизматида бўлсангиз-да, сиз шуғулландингиз.

– Тушунмадим денг?

– Ҳа. Тушунмадим.

– Рунге Францияда ва Қўшма Штатларда ўқиган. Унинг ўзидан кўра, ўша ёқлардаги алоқалари муҳимроқ эканлиги тушунарли-масми? Масалалар истиқболини кўра билишда дадилликнинг етишмаслиги ҳаммамизга панд бермоқда. Биз тасаввур қилишдан қўрқамиз. Белгилаб қўйилган йўлдан боришни биламиз, холос, ундан бир қадам ҳам четга чиқолмай-миз. Асосий хатоимиз ана шунда.

– Буниси тўғри, – қўшилди Холтофф. – Дадиллик йўқ деганингиз мутлақо тўғри... Аммо хусусий томонлари бўйича баҳслашишга тайёрман. Рунге ўта радиоактив моддалардан плутоний олиш тадқиқотларини давом этти-равериш керак деган эди ва илмий оппонент-лари уни шу соҳада айблаган эдилар. Шундай қилиб, уни сотган кишилар худди ўшалар, мен буни бўйинларига олишга мажбур эдим...

– Бунга шубҳаланган эмасман.

– Нега?

– Чунки Рунге қалбаки тадқиқот ўтказяпти-ми ёки йўқми, агар у шундай қилаётган бўлса, бу кимга фойда – бизгами, ёки душмангами – ана шуларни аниқлаш муҳим эди.

– Сиз унинг таклифлари душманга фойдали экан деган хулосага келган эдингизми?

– Ахир ишни ўзингиз ўқиб чиқибсиз-ку.

– Мана энди одамларимиз Лондондан, Рунге ҳақ экан деб хабар қилмоқдалар! Америкаликлар ва инглизлар унинг йўлидан иш бошлаб юборганлар! У эса гестапода қамалиб ётган.

– Сизнинг гестапонгизда, – унинг гапини тўғрилаб қўйди Штирлиц. – Сизлар қамангизлар, Холтофф. Биз эмас, сизлар. Унинг ишини биз эмас, сизлар: Мюллер ва Кальтенбруннер тасдиқлаганлар. Менинг ҳам, сизнинг ҳам, Шуманнинг ҳам бувиси яҳудий бўлмаган, Рунгенинг бувиси яҳудий бўлган, устига-устак, буни яшириб юрган...

– Э, унинг бувисигина эмас, буваси ҳам уч карра яҳудий бўлавермайдими! – жаҳл билан деди Холтофф. – Бизга астойдил хизмат қилган экан, бувасининг ким бўлганининг нима аҳамияти бор! Сиз эса аблаҳларга ишонибсиз!

– Аблаҳлар деддингизми?! Ҳаракатнинг кекса аъзоларини-я? Олий ирқли кишиларни-я! Шахсан фюрер ўзи тақдирлаган физикларни-я!

– Яхши, яхши... Бўпти. Ҳаммаси тўғри... Сиз ҳақлисиз. Қани, коньякдан қўйинг...

– Пўкакни ташлаб юбордингизми?

– Пўкак чап қўлингизда, Штирлиц.

– Мен электр пўкаклари ҳақида гапиряпман.

– Йўқ, улар кўзгу олдидаги стол устида. Холтофф коньякни бошини кўтариб туриб, қулатиб ичиб юборди.

– Кўп ичадиган бўлиб қолдим, – деди у.

– Ҳозир ким кам ичади дейсиз?

– Пули кам одам, – ҳазиллашди Холтофф. – Бечоралар...

– Буниси кулгили.

– Йўқ, буниси ачинарли, – эътироз билдирди Холтофф. – Гап унда эмас. Сиз нима деб ўйлайсиз, Штирлиц, текшириш натижаларини Кальтенбруннерга айтсам нима қиларкин?

– Аввал текшириш натижасини Мюллерга айтиш шарт. Рунгени қамашга буйруқ берган ўша.

– Сиз эса ана ўша Рунгенинг ишини текширгансиз.

– Ҳа, мен текширганман. Буниси аниқ – аммо бошлиқлар кўрсатмаси билан буйруқни бажарганман, холос.

– Агар сиз уни қўйиб юборганингизда бундан ярим йил олдин «интиқом қуроли»ни тайёрлаш масаласида бир ерда тўхтаб қолмай, аллақанча илгарилаб кетган бўлар эдик.

– Буни исбот қила оласизми?

– Аллақачон исбот қилдим.

– Ҳамма физиклар ҳам сизнинг гапингизни маъқулладиларми?

– Кўпчилиги. Мен суҳбатга чақирганларнинг кўпчилиги. Энди сизни нима кутяпти?..

– Ҳеч нима, – унинг гапини бўлди Штирлиц, – ҳа, ҳеч нима. Илмий тадқиқот натижаси амалда исботланади. Қани ўша исботлар?

– Мана, чўнтагимда.

– Ҳали шундай денг?

– Худди шундай. Мен Лондондан бир неча хабар олдим. Энг яхши хабарлар. Сизни ўлимга маҳкум этадиган хабарлар.

– Мақсадингиз нима, Холтофф? Сиз нимагадир шаъма қияпсиз, лекин нимагалигига ақлим етмаяпти.

– Мен яна бир марта қайтаришим мумкин: ўз хоҳишингиз биланми ёки йўқми, барибир, айнан сиз «интиқом қуроли»нинг яратилишига халақит бергансиз. Ўз хоҳишингиз биланми ёки беихтиёрми, барибир, сиз, худди сиз юз физикни сўроқ қилиш ўрнига ўн кишини сўроқ қилиб, – улар эса Рунгенинг четлаштирилишидан манфаатдор эдилар, – Рунге зарарли ва истиқболи йўқ олим деб қарор чиқарилишига сабабчи бўлгансиз.

– Демак, сиз мени Кейтель ҳам, Геринг ҳам ишониб келган фюрернинг асл аскарларига ишонмасликка, атомни америкача ўрганиш йўлини тутган кишини ёқлашга даъват қилмоқчимисиз? Сиз мени шунга даъват этияпсизми? Сиз гестапо қамаган – гестапо эса сабабсиз қамамайди – Рунгега ишониб, уни фош қилиб берган одамларга ишонма демоқчимисиз?

– Мантиқан ҳаммаси тўғри, Штирлиц. Мен сизнинг ҳар вақт мантиқан тўғри йўл тутишингизга ҳавасим келиб юрарди: сиз Рунгени қамашга буйруқ берган Мюллерни ва учинчи бўғин авлоди – яҳудий бўлган кишини ёқлаётган мени зарбага рўпара қилиб, ўзингизни бизнинг суякларимиз устига қурилган садоқат тимсоли ҳис қилмоқдасиз. Майли. Бу томонини қойил қилдингиз, Штирлиц. Мен бунинг учун келганим йўқ. Сиз бир нарсанинг истиқболини кўра билган экансиз: Рунге қамоқхонада бўлса ҳам, алоҳида СС шаҳарчасида яшаб, назарий физика билан шуғулланмоқда. Штирлиц, ҳозир сизга асосийсини айтаман: мен аро йўлда қолдим... Агар мен Мюллерга текшириш натижасини айтсам, сизни фақат мен эмас, балки яна бир неча киши текшираётган ва шубҳа остига

олинган бўлишингизга қарамай, қўлингизда унга қарши қуролингиз бор эканини фаҳмлайди у. Гапингиз тўғри, Рунгени қамашга у буйруқ берган. Агар мен текшириш натижалари сизга қаршилигини айтсам, уни ҳам билвосита хавф остига қўйган бўламан. Менга эса икки томондан хавф туғилади. Менга Мюллер ҳам, сиз ҳам зарба берасиз. У менинг далилларимни қайта-қайта текшир деб зарба бераверади, сиз эса... Сиз қандай қилиб менга зарба беришингизни айтиб бердингиз. Хўш, гестапо зобити сифатида мен нима қилишим керак? Қани, махфий кузатув хизмати зобити сифатида бирон маслаҳат беринг-чи...

«Э, бу томонга шаъма қилаётган экан-ку, – дарҳол пайқади Штирлиц. – Ифво қиялпими ёки йўқми? Агар ифво қилаётган бўлса, нима қилишни биламан. Борди-ю, ўйинга таклиф қилаётган бўлса-чи? Ҳозир улар фарқ бўлаётган кемадан худди каламушлардай қочиш йўлини излаяптилар. Гестапо билан махфий кузатув хизматини у бекорга ажратиб гапирмади чоғи. Тушунарли, ҳаммаси равшан бўлди. Аммо жавоб беришга вақт бор. Ҳали вақт бор».

– Фарқи нима, – елкасини қисиб деди Штирлиц, – гестапоми, махфий кузатув хизматими, барибир эмасми? Орамизда баъзи келишмовчиликлар бўлишига қарамай, ҳаммамиз бир ишни бажаряпмиз-ку.

– Ҳа, бир ишни бажаряпмиз, – рози бўлиб деди Холтофф.

– Аммо дунёда биз – гестапо одамлари – жаллодлар ва муштумзўрлар бўлиб ном чиқардик. Сиз эса – сиёсий махфий кузатув хизмати одамлари – заргарлар, атир-упачиларсиз. Сиз-

лар ҳар қандай тузумга, ҳар қандай давлатга кераксиз, бизлар эса фақат рейхга керакмиз: рейх билан бирга юксаламиз ёки биргаликда ҳалок бўламиз...

– Мендан нима қилай деб маслаҳат сўра-
япсизми, хуллас?

– Ҳа.

– Сизнинг таклифингиз қандай?

– Аввал сизни тингламоқчиман.

– Пўкакни бураб олганингиз ҳамда пардани
туширишни илтимос қилганингиздан...

– Пардани туширишни ўзингиз айтдингиз.

– Шунақами? Мен сиз айтдингиз деб ўйлаб-
ман... Майли, гап бунда эмас... Сиз ўйиндан
чиқмоқчимисиз?

– Менинг ўрнимда сиз ҳам шундай қилар
эдингизми?

– Ҳозирча, Холтофф, сизнинг «ҳа» ёки «йўқ»
деган жавобингизни эшитмагунимча мен ҳам
сизга жавоб беролмайман.

– Агар мумкин бўлмаган нарсани тахмин қи-
либ, «ҳа» деган жавобни берсам-чи?

– Агар мумкин бўлмаган нарсаларни тахмин
қилар эканмиз, унда бу ерга янглиш келибсиз.
Сиз менга эмас, астрологларга мурожаат қилинг.

– Чегарада бирор «туйнук» борми?

– Бор деб тахмин қилайлик.

– Борди-ю уч киши бўлиб бетараф томонга
қочсак?

– Уч киши дейсизми?

– Ҳа, уч киши, Рунге, сиз ва мен. Биз жаҳон
учун улуғ физикни қутқариб қоламиз. Бу ерда
уни қутқарган мен бўлсам, қочишни уюштир-
ган сиз бўласиз. Қалай? Маъқулми? Яна бир
нарсани ҳисобга олинг, шубҳа остига мен эмас,

сиз олингансиз. Мюллернинг шубҳасига учраган кишининг тақдири қандай бўлиши ўзингизга маълум. Хўш? Жавоб кутяпман.

– Яна ичасизми коньякдан?

– Ичаман.

Штирлиц ўрнидан турди, шишани очди-да, шошилмади Холтофф ёнига борди, у қадаҳини тутди. Шу онда Штирлиц қулочкашлаб туриб, Холтоффнинг бошига қиррали офир шиша билан туширди. Шиша чил-чил бўлди. Холтоффнинг юзи қон аралаш жигар ранг коньякка беланди.

«Тўғри қилдим,– мулоҳаза юрита бошлади Штирлиц. «Хорьх» акселераторини босар экан.– Бошқача йўл тутишнинг иложи йўқ эди. «Фифти-фифти» ўйинида ярим-юримта қилиб тикиб бўлмайдди. Агар у ёнимга чин кўнгилдан келган бўлса ҳам, барибир, тўғри иш қилдим. Мақсадимизнинг ҳар хил бўлиши менга тўғри йўлни кўрсатиб турди – хусусий жиҳатдан ютқазган бўлсам-да, бошқа томондан каттароқ нарсага: Мюллернинг тўла ишончига сазовор бўламан».

Унинг ёнида, эшикка суяниб, Холтофф ётарди. У аввалгидек ҳушсиз, қўли кишанланган эди.

Холтофф Мюллер ухляепти деркан, янглишган эди, Мюллер уйғоқ экан. Дешифровка марказида Берндаги гестапонинг яширин уйида бўлган воқеалар ҳақидаги хабарни олган эди. Рус радио мутахассисининг шифри билан Берндан келтирилган шифр бир хил эди. Шундай қилиб, тахмин қилди Мюллер, рус резиденти, радистларни бомбардимон пайтида ҳалок бўлганлар ёки бирор-бир ҳодиса юз берган, деган қарорга келиб, янги алоқа қидира бошлабди. Бунда Мюллер рус узатгичидаги ҳамда Борман билан махсус алоқа телефонидаги бармоқ

излари бир хил эканлиги далилини ҳали ишга солганича йўқ эди. Аммо бу далилларни ишга солмаса ҳам барибир миясидан нари кетмас эди. Полицияда йигирма йил ишлаши давомида унда махсус бир хусусият пайдо бўлганди: у аввалига ўша ҳис-туйғу ва сезгига қулоқ соларди, кейин эса уларни – кўпинча биринчисини – ўзини қизиқтирган далил ёки кишини таҳлил қилиш орқали қайта текшириб кўрарди. У камдан-кам янглишарди: нацистларнинг намоёишини тор-мор келтириб, Веймар республикасига хизмат қилган пайтларида ҳам, кейин нацистлар томонига ўтиб, Веймар республикаси бошлиқларини қамоқхоналарга ташлаган пайтларда ҳам, Гиммлернинг ҳамма топшириқларини бажарган ва кейинчалик Кальтенбруннерга оға бошлаган пайтларда ҳам ҳис-туйғуси уни алдамаганди. Штирлиц билан боғлиқ бўлган топшириқни Кальтенбруннер ёдидан чиқармаган бўлса керак деб ўйларди у. У индамаяптими, демак, юқори доираларда бирор воқеа юз берган бўлиши керак. Аммо нима воқеа ва қачон бўлганлигини, унинг сабаблари нималигини Мюллер билмасди. Шунинг учун ҳам у Холтоффга Штирлицнинг уйига бориб, юқоридаги найрангбозликни ишлатишни топширганди: агар эртасигача Штирлиц келиб, Холтоффнинг қилмишларини айтиб берса, унда ишни хотиржамлик билан пўлат сандиққа солиб қўйиши мумкин эли. Агар Штирлиц Холтоффнинг таклифига рози бўлса, унда ишни кўтариб, Кальтербруннер олдига киравериши ва ўз ходимининг далиллариغا таяниб, ҳаммасини очиқчасига айтиши мумкин

бўларди. У пайтда бу иш тушуниб бўлмайдиган физикавий формулалар эмас, балки рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқатга, далилга айланарди.

«Хўш... – ўйлашни давом эттирди у. – Майли. Холтоффни кутайлик. У ёғини кейин кўрармиз. Энди рус пианиночисини олиб кўрайлик. Бинобарин, унинг бошилиғи Швейцариядан алоқа қидира бошлаган экан, қизга нисбатан Штирлицнинг самимий суҳбатини эмас, ўз усулларимизни ишлатсак бўлаверади. Бу қиз ўз бошлиқлари қўлида оддий бир қурол бўлиши мумкин эмас. У ниманидир билиши керак. У амалда бирорта ҳам саволга жавоб бергани йўқ. Вақт эса зиқ. Берндан олинган шифр калити ҳам унинг миёсида бўлиши мумкин. Резидент унга шу ерда берган матн билан Бернга юборган шифрни бир-бирига таққослаб, кўп нарсани билиб олишимиз мумкин. Ана унда ҳам Фарбга қарши, ҳам русларга қарши ўйин бошласак бўлади – бу ҳозирги пайтда жуда муҳим нарса. Бу биз учун энг сўнгги имконият».

У мулоҳазаларини охирига етказолмади, эшик очилиб, Штирлиц кириб келди. У қонга беланган, қўли орқасига қилиб кичкинагина кишан солинган Холтоффни қўлтиқлаб олганди.

Мюллер эшик олдида ҳайрон бўлиб туриб қолган ўз ёрдамчиси Шольцга кўзи тушди ва:

– Штирлиц, ақлингиз жойидами ўзи? – деди.

– Жойида, – жавоб берди Штирлиц, Холтоффни нафрат билан курсига ташлар экан. – Манави ё ақлдан озган, ё хоинлик йўлига ўтган.

– Сув, – деди Холтофф аранг. – Сув беринг...

– Сув беринг, – деди Мюллер. – Нима гап ўзи, тузукроқ тушунтирсангиз-чи?

– Аввал бунинг ўзи тузукроқ қилиб тушунтириб берсин,– деди Штирлиц. – Мен эса ҳаммасини тузукроқ қилиб, батафсил ёзиб бераман...

У Холтоффга сув ичирди-да, стаканни графин ёнига қўйди.

– Боринг, хонангизга бориб, нимани лозим топсангиз ўшани ёзиб келинг, – деди Мюллер. – Қачон ёзиб бўласиз?

– Қисқача десангиз – ўн дақиқада. Батафсил десангиз – эртага.

– Нега эртага?

– Чунки бугун менинг зарур ишларим бор, уларни тамомлашим шарт. Кейин, бу эртагада ўзига кела олмайди. Кетишга рухсат этинг?

– Бораверинг. Марҳамат, – жавоб берди Мюллер.

Штирлиц чиқиб кетди. Мюллер Холтоффнинг қўлидаги кишанни ечди, хаёл сурганича қон қотиб қолган юзларини силаб қўйиб, стакан турган стол ёнига борди. Мюллер стаканни икки бармоғи билан авайлаб ушлаб, чироққа тутди. Штирлиц бармоқларининг изи аниқ кўриниб турарди. У ҳали бармоқ излари олинмаган кишилар рўйхатидан эди. Штирлицдан шубҳаланишдан кўра кўпроқ ишни охиригача етказиш одатига амал қилган Мюллер Шольцни чақириб, бундай деди:

– Манави стакандаги бармоқ изларини кўчириб олсинлар. Агар ухлаган бўлсам – уйғотманг. Менимча, бунинг шошилинич жойи бўлмас керак.

Штирлиц эса Мюллер номига ёзилган кичкинагина ахборотни Шольцга топшириб, пастор олдига шошилди: пасторни ҳозир, дарҳол, бугуннинг ўзида Швейцарияга жўнатиш керак

эди. У ерда ҳамма нарса тайёр. Плейшнер ўйлаган ишларининг ҳаммасини бажо келтириши лозим. Пастор лакмус қоғози хизматини ўтайди. У ўз истаги ва иродасидан қатъи назар, Европани озод этаётган русларни маданиятга хавф солувчи ваҳший осиеликлар деб ҳисоблаб юрган Фарбдаги кишилар билан Гиммлер ўртасидаги келишувни барбод қилиши керак эди...

Мюллерни барибир уйғотишди. Уни Шольцнинг ўзи уйғотди. Стакандаги Штирлиц қолдирган бармоқ излари телефон гўшагида ва ҳаммадан даҳшатлиси, рус радиоузатгичида қолдирилган бармоқ изларининг худди ўзгинаси экан...

«Шахсан СС рейхсфюрери

Генрих ГИММЛЕРГА.

Бир нусха босилган.

Кадрдон рейхсфюрерим!

Мен Швейцариядан ўз ставкамга қайтиб келдим. Мен ушбу хатимда барча воқеаларни тартиб билан – соатма-соатига айтиб беришдан ташқари, энг яқин келажақни объектив равишда таҳлил қилиб беришга уриниб кўраман. Чунончи, менинг Даллес билан олиб борган музокараларим туфайли шу яқин келажақ анча яхшиланди.

Кеча мен ва Дольман италиялик миллатчи қўзғолончилар Парри ва Усмиянини олиб, Швейцарияга жўнадик. Чегарадан яширин ўтиш операциясини Швейцария махфий кузатув хизматининг майори Вейбелнинг ёрдамчиларидан бири амалга оширди. Чегарадан ўтиш ишларига синчиклаб тайёргарлик кўрилди: биз ўз вақтида Цюрихга кетадиган поездга улгурдик. У ерда Парри ва Усмияни шаҳар атрофи-

даги энг ҳашаматли госпиталь Гирсланденкли-
никка жойлаштирилди. Кейинчалик менга
маълум бўлишича, у ерга дарҳол Даллес етиб
келган. Даллес билан Парри азалдан дўст экан-
лар: афтидан, америкаликлар душманлардан
иборат эмас, балки фақат сўнгги пайтда, биз-
нинг қўшинларимиз Италияга киришга маж-
бур бўлганларидан кейингина дучедан ажра-
либ кетган монархистлар, ашаддий миллатчи-
лардан иборат, партизанлик шуҳратини ўзига
байроқ қилиб олган бўлғуси итальян маҳкама-
си таркибини тайёрламоқдалар.

Гюсман олдимизга келиб, бизни Даллес ҳузу-
рига, унинг махфий уйига олиб борди. Даллес
бизни кутиб турган экан. У ўзини жиддий тут-
ди, лекин самимийлик кўрсатди. Биз бир-би-
римиз билан қўл бериб кўришдик ва музокара
бошланди. Тўғри, Даллес дераза ёнида ёруққа
тескари қараб, индамай ўтирди. Биринчи бў-
либ Гевернац гап бошлади.

У мендан:

– Матильда Гедевильснинг илтимоси билан
италиялик Романо Гуардинининг озод қилини-
шига сиз ёрдам берганмисиз? – деб сўради.

Мен аниқ жавоб бермадим, чунки бу исм-ша-
риф ёдимда йўқ эди. Балки бу савол текши-
ришнинг бир туридир деб ўйладим яна.

– У кўзга кўринган католик файласуфи, – га-
пини давом эттирди Геверниц, – мулоҳазали
ҳар бир европалик унинг номини қадрлайди.

Бизнинг буюк актёримиз бўлган Шелленберг
берган сабоқларни эслаб, маънодор кулиб қўйдим.

– Генерал, – деб сўради мендан Гюсман, –
Германия урушни ютқазганлигига аминмисиз?

Бу кишилар мени изтиробли чиғириқдан ўтказишларини тушунардим, бунинг мен учун ғоятда камситиш эканини ҳам билардим. Бир вақтлар тузумимизга нисбатан қарши турган бирор бир сиёсий арбобни ўз тарафимизга оғдириш учун ўзим ҳам шундай қилар эдим. Мен уларни шунчалик ўз тарафимизга оғдирар эдимки, кейинчалик уларга маъмуриятда масъулиятли лавозим бериш мумкин бўларди – шахсий обрўсини ерга уриб текшириш кейинчалик етарли даражада ҳаққоний бўлишини таъминларди.

– Ҳа, – деб жавоб бердим мен.

– Мумкин бўлган музокараларни ўтказиш заминиде фақат бир нарса: сўзсиз таслим бўлиш шарти ётиши кераклиги тушунарли бўлса керак?

– Ҳа, – деб жавоб бердим мен, музокара мавзусига қараганда музокара ўтказиш муҳимроқлигини тушунган ҳолда. Шу вазиятда СС генерали ва партия аъзоси сифатида мен қанчалик хор бўлмай, мақсадимиз музокараларга йўл очилишини талаб қиларди.

– Шунга қарамай, – деб давом эттирди Гюсман, – агар сиз рейхсфюрер Гиммлер номидан сўзламоқчи бўлсангиз, музокаралар шу ондаёқ тўхтатилади: мистер Даллеснинг хайрлашишдан бошқа иложи қолмайди..

Мен Даллеса қарадим. Мен унинг юзини кўролмасдим, зеро, кўзимга шуъла тушиб турарди, илгаригидек жим ўтирса ҳам, лекин қоронғида маъқул деб бошини қимирлатиб қўйганини сездим. Мен гап кўпроқ шакл масаласида кетаётганлигини пайқадим, чунки улар СС олий генерали кимнинг номидан гапириши

мумкинлигини яхши тушунардилар. Улар шу саволни бериб ўзларини кулгили аҳволга тушириб қўйдилар. Мен ҳам, албатта, фақат мистер Даллес билан гаплашишим мумкин-у, лекин у яҳудийлар монополистик капиталининг вакили эканлигини билиб олсам, у билан ҳар қандай алоқани узаман, деб жавоб қайтаришим мумкин эди. Улар менинг жавобимни кутаётганларини тушундим. Мен бундай жавоб қилдим:

– Ҳозир биз умумий стол – музокаралар столи атрофида йиғила олган пайтимизда курашни давом эттириш буюк герман халқи олдида ва Европадаги маданият посбони бўлган улур герман давлати олдида жиноят бўлади деб ҳисоблайман. Мен бутун ташкилотимни, Италиядаги энг қудратли ташкилот бўлган СС ва полицияни урушни тугатиш ниятида ҳамда янги совет тузилмаслигининг олдини олиш мақсадида иттифоқчилар ихтиёрига беришга тайёрман.

– Сизнинг гапингизни, – деб сўради ниҳоят Даллес, – ихтиёрингиздаги СС қўшинлари Кессельринг вермахтига қарши курашади деб тушунса бўладими?

Бу одам ҳамма масалаларда жиддийликни ишташини сездим. Бу эса истиқбол ҳақида реал гаплашиш гарови эди.

– Менинг фельдмаршал Кессельринг билан батафсил ва далиллар билан гаплашишим учун сизларнинг кафолатингиз керак.

– Тушунарли, – деб гапимни маъқуллади Даллес.

Мен яна давом эттирдим:

– Сиз бир масалани тушунинг, Кессельринг бу ерда, қўл остида бир ярим миллион аскар мавжуд бўлган Италияда таслим бўлиш ҳақида

буйруқ бериши билан бошқа фронтларда ҳам – мен бу ўринда ҳарбий ҳамда Норвегия ва Даниядаги Скандинавия фронтларини назарда тутмоқдаман – таслим бўла бошлашади.

Биринчи суҳбатдаёқ қўлимдаги кузир қартани ташлашим кераклигини тушундим.

– Агар сизлар музокараларни давом эттиришга кафолот берсангиз, мен Италиянинг вайрон қилинишига йўл қўймасликни ўз зиммамга оламан, чунки фюрер буйруғи бўйича ҳамма ер вайрон қилиниши лозим. Биз барча расм галереялари ва қадимий ёдгорликларни йўқ қилиш, хуллас, инсоният тарихига тегишли ҳамма нарсаларни ер билан яксон қилиш юзасидан буйруқ олдик. Шахсан ўзим хавф остида қолишим мумкинлигига қарамай, Уффици ва Патти галереясидаги расмлар ҳамда қирол Виктор Эммануил тўплаган танга ва чақа пуллар жамланмасини сақлаб, яшириб қўйдим.

Шу гапдан кейин мен стол устига бекииб қўйилган расмлар рўйхатини ташладим. Рўйхатда Тициан, Ботичелли, Эль Греколар номи бор эди. Америкаликлар бу рўйхатни ўқишга қизиқиб кетиб, музокарани ҳам тўхтаиб турдилар.

– Доллар курси бўйича буларнинг баҳоси қанча бўлар экан? – деб сўрашди мендан.

– Уларнинг баҳоси йўқ, – деб жавоб бердим мен, лекин яна қўшиб қўйдим: – юз миллиондан ортиқ бўлса керак...

Геверниц ўн дақиқача Уйғониш даври ва шу даврнинг Европа техникаси ва фалсафий тараққиётига қандай таъсир этганлиги ҳақида гапирди. Кейин гапга Даллес қўшилди. У ор-

тиқча гапларсиз, тўсатдан суҳбатни давом эттирди. У бундай деди:

– Сиз билан ишлашга тайёрман, генерал Вольф. Аммо сиз менга иттифоқчилар билан бошқа ҳеч қандай алоқа боғламасликка кафолат беришингиз керак. Бу – биринчи шарт. Бу музокараларимизнинг шартлари фақат шу ерда ҳозир бўлган кишиларгагина маълум бўлиши кераклигини тушунарсиз деган умиддаман.

– У ҳолда биз сулҳ тузолмаймиз, – дедим мен, – чунки сиз президент эмассиз, мен эса канцлер эмасман.

Шу жавобдан кейин бир-биримизга қараб қулиб қўйдик ва шундай қилиб, Сизни музокаралар ҳақида хабардор қилиш ҳамда янги кўрсатмалар беришингизни сўраш учун розилик олдим.

Мен бу хатни фельдмаршал Кессельрингнинг адъютанти орқали бериб юборяпман, у ўз бошлиғини Берлингача самолётда кузатиб боради. Бу кишини мен айғоқчимиз сифатидагина эмас, балки бизга содиқ ва мафкураси бир хил киши сифатида синчиклаб текширувдан ўтказганман. Сиз уни эсласангиз керак, чунки фельдмаршал Кессельрингнинг рейхсмаршал Геринг билан алоқаси ҳақида бизни хабардор қилиб туриш мақсадида уни фельдмаршал ҳузурига юборганимизда, унинг номзодини ўзингиз тасдиқлаган эдингиз.

Башарти Сиз фельдмаршал Кессельрингни суҳбат учун ҳузурингизга таклиф қилсангиз, мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Америкаликлар билан келгуси учрашувимиз яқин кунларда бўлади.

Хайль Гитлер!
КАРЛ ВОЛЬФ».

Вольф ҳақиқатни ёзганди. Музокаралар худди шу йўсинда ёки деярли шу йўсинда ўтган эди. У фақат Италияга қайтаётган пайтда, поезд купе-сида Гюсман ва Веббель билан яккама-якка суҳбатлашганликлари ҳақида ҳеч нимани ёзмаган эди. Бу суҳбатда Германиянинг бўлажак кабинети муҳокама қилинганди. Кессельрингни канцлер қилиб, Чехия ва Моравиянинг собиқ ноиб фон Нейратни ташқи ишлар вазири, НСДАПнинг фахрий аъзоси Ямлар Шахтни молия вазири, СС обергруппенфюрери Карл Вольфни эса ички ишлар вазири қилиб тайинлашга келишилганди. Бу кабинетда Гиммлер учун бирор лавозим мўлжал қилинмаган эди.

13

Шу вақтда Штирлиц ўз «Хорьх»ини Швейцария чегараси томон ҳайдаб кетаётган эди. Унинг ёнида ранги ўчган пастор индамай ўтирарди. Штирлиц радиони Францияга тўғрилаб қўйди – Париж ёш ашулачи қиз Эдит Пиафф концертини берарди. Унинг овози йўфон, кучли, қўшиқ сўзлари эса оддий ва содда эди.

– Ахлоқ бутунлай бузилди-қўйди, – деди пастор, – мен бу ашулачини ёмонлаётганим йўқ, қулоқ солганим сари Гендель ва Бахни эслаётирман. Афтидан, илгари санъат аҳллари ўзларини масъулиятлироқ ҳис этган бўлсалар керак: улар дин билан ёнма-ён бориб, ўз олдларига юксак вазифалар қўярдилар... Улар қандайдир машъал хизматини ўтардилар... Хўш, буниси-чи? Бозорда шундай ашула айтиш мумкин...

– Бу ашулачи, – деди Штирлиц, – ном қолдиради ҳали.– Ишонаверинг менга – ўлганидан кейин ҳам эслаб юришади.

– Сиз кўнгилчанлик қиялпсиз.

– Парижни севганлигим туфайли шундай деяпман... Майли, пастор. Бу гапларни урушдан кейин давом эттирамиз. Ҳозир эса Бернга бориб нималар қилишингизни яна бир марта қайтаринг...

– Хотирам яхши. Инжил фақат софдилликагина эмас, балки хотирани яхши сақлашга ҳам ўргатади..

– Шунга қарамай, илтимос, ҳаммасини бошдан-оёқ қайтаринг.

Пастор Штирлиц сўнги уч соат давомида тайинлаган вазифаларни гапиришни бошлады. Штирлиц пасторга қулоқ солар экан, ҳаёлга ботди: «Кэт улар қўлида қолди. Аммо мен Кэтни олиб кетсам, улар пасторни қидиришни бошлардилар – бу билан ҳам гестаподан кимдир шуғулланияпти, шекилли. Ана унда бутун операция чиппакка чиқиб, Гиммлерга Бернга билан келишиш имконияти туғиларди... Кутилмаган ҳодиса юз бериб, Кэт ўз боласини қутқариб қолиш мақсадида мен ҳақимда оғзидан гуллаб қўйиши мумкин. Аммо бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо шу фурсат ичида пастор ўз ишини бошлаб юборади. Плейшнер эса менинг топшириғимни бажариши керак. Уларнинг бирорталари ҳам бу операция билан нималарни бошлаб юборганликларини билмайдилар. Пасторни Плейшнердан сигнал олган бизнинг кишиларимиз назорат остига оладилар. Ҳамма нарсга жойида бўлади. Гиммлерга Берн билан боғланиш имкониятини бермай-

ман... Энди бу иш амалга ошмайди. Мюллер менинг чегарадан ўтадиган жойим борлигидан хабарсиз, чегарачилар ҳам унинг одамларига ҳеч нима демайдилар, чунки мен рейхсфюрер кўрсатмасига биноан иш кўряпман. Шундай қилиб, бугун пастор Швейцарияда бўлади. Эртага мен мўлжал қилган, тўғрироғи, биз мўлжаллаган ишни бошлаб юборадим».

– Йўқ,– деди Штирлиц, – хаёлидан четлашиб, – Сиз учрашувларни меҳмонхонанинг зангори залида эмас, балки пушти ранг залида тайинлашингиз керак: кўрдингизми, хотира яхши бўлса ҳам, қайтариш зарар қилмайди.

– Менга қулоқ солмаяпсиз деб ўйлагандим. «Агар пастор жўнагач, иш жойида бўлса, мен Кэтни ҳам қутқара оламан. Ана шундан кейин сўнгги қартани ташлаш мумкин бўлади. Улар мени тобора кўпроқ исканжага олмоқдаларки, ҳатто Борман ҳам бунга ёрдам беролмайди. Ҳаммасининг ниятини билиб олиш қийин. Агар иш ниҳоясига етаётганига амин бўлсам, Кэт билан бирга чегаранинг шу еридан қочиб қоламан. Агар ишни давом эттириш мумкин бўлса – уларда ҳеч қандай далил ҳам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас – Шелленберг ҳимоясида, уни ўқ ишлатиб бўлса ҳамки, олиб кетишга тўғри келади. Шелленбергга ахборот бергани уйига борсаммикин ёки Хохенлихенгами, чунки у доим Гиммлер атрофида бўлади. Кейин вақтни тўғри чамалаб махфий уйга бориб қорувларни йўқ қилиш, узатгични бузиш ва Кэтни олиб кетиш керак. Асосийси, вақтни аниқ ҳисоблаш ҳамда тезлик билан иш кўриш. Ана ундан сўнг қидираверсинлар. Қидиришга ҳам вақтлари оз қолди. Мен билан болаларча ифво

уйинни ўйнамоқчи бўлган Холтоффнинг ёрилган бошини кўриб, Мюллернинг ваҳимага тушганлиги шундан далолат бериб турибди. Холтофф, албатта, Мюллернинг топшириғи билан иш тутган. Аммо у ўз ролини ўйнамаган, ушбу роли унинг асл фикрларини изҳор этмаган бўлса, бунча усталик қилолмасди. Агар Штирлиц у ва Рунге билан бирга кетишга розилик берса, ўз ролини қандай давом эттириши номаълум эди. Балки бирга жўнарни. Бу эҳтимолдан холи эмасди, албатта. Астрономни тергов қилаётганида, унинг менга назар ташлашлари ва гаплари ҳали-ҳали ёдимда... Мен жуда тўғри иш қилдим. Бирданига жўнаб кетганимга, бир томондан Шелленбергни, иккинчи томондан Борманни қалқон қиламан. Ҳали кўп иш қилса бўлади. Энди асосий масала Кэт бўлиб қолди. Эртага эрталаб уйимга эмас, тўғри унинг ёнига бораман. Йўқ, йўқ, мумкин эмас экан. Ҳеч вақт кўр-кўрона иш қилмаслик керак. Айниқса, бизнинг ишимизда бундай қилиш ярамайди. Бундай қилинса, бошқа нарсаларни эмас, балки ишни қурбон қилиш, қолаверса, ҳаётни қурбон қилиш мумкин».

– Тўғри, – деди Штирлиц, – жуда тўғри эътибор берибсиз: биринчи таксини ўтказиб, иккинчисига ўтириш лозим ва ҳеч вақт тасодифий машиналарга ўтириш керак эмас. Умуман, мен айтган ибодатхонадаги дўстларингиз сизни ўз паноҳларига оладилар деган умиддаман. Яна бир марта қайтариб айтмоқчиман: сиз билан ҳар хил воқеа юз бериши мумкин. Ҳар хил воқеа. Агар сиз жуда эҳтиёт бўлмасангиз, бу ерга, Мюллер ертўласига қандай қилиб келиб қолганингизга ўзингиз ҳайрон бўлавера-

сиз. Агар шу нарса рўй бериб қолгудек бўлса, қуйидагини билиб қўйинг – агар алаҳлабми, қийноқ остидами менинг номимни айтсангиз – мени ҳам, мен билан синглингиз ва жиянларингизни ҳам ўлимга маҳкум этган бўласиз. Кимки сизни олиб чиқиб кетишимга рухсат берса, қариндошларингиз ўшалар назорати остида. Агар менинг номимни айтсангиз, қариндошларингизни ҳеч нима қутқариб қололмайди. Бу билан сизни қўрқитмоқчи эмасман, гапимга тўғри тушунинг: бу билиб қўйиш ва ҳамиша ёдда тутиш лозим бўлган ҳақиқатдир.

– Тушунари.

– Жуда соз. Мени худди шу масалада нотўғри англашингизни истамас эдим...

Штирлиц вокзал майдонига юз метр қолганда ўз машинасини ташлаб кетди. Чегара пис-тирмасининг машинаси белгиланган жойда кутиб турган эди. Калити ҳам ўз жойида экан. Ойналарига ичида ўтирган одамлар кўринмасин, деб атайлаб лой сачратилган эди. Тоғдаги тайинли жойда қорга чанғи тиқиб қўйилганди, ёнида пойабзали ҳам турарди.

– Кийининг, – деди Штирлиц.

– Ҳозир, – деди пастор пичирлаб, – қўлимни титроқ босди, бир оз ўзимга келиб олай

– Бемалол гапираверинг, бу ерда ҳеч ким йўқ.

Тўлишган ой шуъласида қор қоплаган водий кумушдек ярқирарди, фақат ўртадаги дараларни қоп-қора соя босганди, лекин у ерда ҳам қор дам-бадам куядори сингари ялт-ялт қилиб турарди. Қарағай шохларидаги қор уюмлари ҳамлага ҳозирланиб турган йиртқич ҳайвонларга ўхшарди. Узоқда электр станцияси су-

рилгичи гупилларди: унинг шовқини шамол эсгандагина эшитиларди.

– Жўнайверинг,– деди Штирлиц. – Оқ йўл сизга, пастор.

– Худонинг ўзи ёрлақасин сизни, – деб жавоб берди пастор ва чанғида бир амаллаб Штирлиц кўрсатган томонга йўл олди. Шундай чегаранинг ўзида икки марта йиқилди. Пастор даранинг нариги томонига ўтиб, қоп-қора ўрмон ичидан икки марта овоз берганига қадар Штирлиц машина олдида кутиб турди. У жойдан меҳмонхонага жуда оз масофа қолган эди. Энди ҳаммаси жойида. Энди охириги ишни бажариш – Кэтни қутқариш қолди.

Штирлиц ўз машинасига ўтириб, йигирма чақиримча йўл босгандан кейин ухлаб қолаётганини сизди. У соатига қаради: оёғида юрганига роса икки кеча-кундуз бўлибди.

«Ярим соат ухлаб олмасам, – деди у ўзига ўзи, – Берлинга етолмайман».

У роса йигирма дақиқа ухлаб олди, кейин машинадан тушиб, юзини қор билан ювди, япалоқ идишдан бир қултум коньяк хўплаб, машинага ўтириб, газни охиригача босди. «Хорьх»нинг кучли мотори равон ишларди. Спидометр «150 км»ни кўрсатарди. Йўлда ҳеч зог йўқ эди. Тонг отиб келмоқда. Штирлиц уйқуни қочириш учун қувноқ француз қўшиқларини хиргойи қиларди.

Рольф Кэт яшаётган хонага соат саккизда, ҳали кун ёришмаган пайтда кириб келди.

– Хайль Гитлер! – деб сўрашди у билан Барбара, ўрнидан дик туриб.

– Иккаламизни холи қолдиринг, – деди Рольф. Шу дамгача табассум қилиб турган

Барбара дарҳол жиддийлашди ва ўз вазифасини тушунган ҳолда қўшни хонага чиқиб кетди. Барбара эшикни очаётганда Кэт ўғлининг овозини эшитди. У эндигина уйғониб, қорни очиб йиғларди.

– Ўғлимни эмизишга рухсат беринг, – деди Кэт, – бўлмаса бизни ишлатмайди.

– Кутиб туради бола.

– Мумкин эмас... Ўз вақтида овқатлантириш керак.

– Яхши. Менинг саволимга жавоб берганингиздан кейингина уни эмизасиз...

Шу пайт эшикни тақиллатиб қолишди...

– Бандмиз! – деб бақирди Рольф.

Эшик очилди: остонада бола кўтарган Гельмут турарди.

– Эмизиш вақти бўлди, – деди у, – боланинг қорни очибди...

– Кутиб туради! – деб бақирди Рольф. – Эшикни ёпинг!

– Йўғ-э... лекин... – деб гап бошлаган эди Гельмут. Рольф ўрнидан дик туриб, эшик ёнига борди ва ҳайратда қолган аскар бетига теккандай қилиб, эшикни тақ этиб ёпди.

– Гап бундай... Мени бир нарсга қизиқтиради. Резидент кимлигидан хабардорлигингиз аниқланди.

– Тушунтириш хатимда айтган эдим-ку, ахир...

– Унда нима деганингизни биламан. Мен уни ўқидим ҳам, магнитофондан эшитдим ҳам. Гапларингиз шу кунгача маъқул эди. Энди, ҳозирдан бошлаб мени қаноатлантирмайди.

– Бугун эрталаб нима воқеа рўй берди?

– Баъзи воқеалар рўй берди. Уларнинг рўй беришини кутиб турган эдик, ҳаммасини олдиндан билар эдик – фақат бизга исбот керак эди. Ана энди исбот ҳам қўлимизда. Агар бизда исботу далиллар ёки ақалли икки кишидан иборат гувоҳлар бўлмаса, биз бирор кишини қамай олмаймиз.

– Менимча, бошидан ҳамма гапни айтиб бергандим, шекилли...

– Ҳийла қилманг, ҳийла қилманг... Гап сиз ҳақингизда эмас! Гап ким ҳақидалигини ўзингиз яхши биласиз...

– Ким ҳақидалигини билмайман. Илтимос қиламан, болани эмизиб олай...

– Аввал менга қаерда ва қайси вақтда резидент билан учрашганлигингизни айтиб бера-сиз, кейин эмизасиз.

– Мени қамоққа олган жанобга резидент-нинг исмини ҳам, манзилини ҳам, ниҳоят, ўзини ҳам билмайман, деб айтган эдим-ку.

– Менга қаранг, – деди Рольф, – ўзингизни гўлликка солманг. Қартангизни очаверинг, тузни олтилик уради.

У жуда чарчаган эди, чунки Мюллернинг энг яқин ходимлари эрталаб соат учдан бери ухламай, сектор-сектор бўйича Штирлиц машинаси пайдо бўлишини кутаётган эдилар. Унинг уйи олдига, ана шу махфий радио хонадон ёнига пистирма қўйилди, аммо Штирлицнинг қораси ҳам кўринмасди. Мюллер Штирлицни қидиришаётганликларини Кальтенбруннерга ва айниқса, Шелленбергга айтишни ман этди. Мюллер бу ўйинни ўзи ўйнамоқчи бўлди: у ўйин жуда мураккаблигини ва оқибатда жуда катта муваффақият қозониш ёки қақшатғич зарбага

учраш мумкинлигини тушунарди. У Швеция, Швейцария, Бразилия банкларида – қалбаки шахслар орқали – ҳатто АҚШда жойлаштирилган жуда катта маблағларнинг тўла хўжайини Борман эканлигини биларди. Борман яхшиликни ёддан чиқармайди. Борман ёмонликни ҳам унутмайди. У Гитлер билан боғлиқ бўлган ҳар бир ҳодисани, ҳатто даструмолчага бўлса ҳам, ёзиб боради. Аммо ўзига тегишли ҳеч нарсани ёзмайди, буларни у абадий эсда сақлаб қолади. Шунинг учун Борманга қўнғироқ қилган ва у билан учрашган Штирлиц билан боғлиқ ўйинни гестапо бошлиғи шахсан ўзи ўйнамоқчи бўлади; бу унинг ўйини бўлиб, унда ҳеч қандай хатога йўл қўймаслиги шарт эди. Агар Штирлиц Борманга телефон қилмаганда ва у билан учрашмаганда бу ишнинг қизиги қолмасди. Штирлиц – Берндаги шифр – рус радио мутахассисидан иборат ҳалқа ёпилди. Бу ҳалқа асосида Бормандек забардаст замин ётарди. Демак, Мюллер у ёки Борманни ағдариб, текширишлар учун унинг энг қимматли қоғозларга эга бўлиб олади (у бу ўринда бундай бўлиши мумкинлигига ҳам ишонарди) ёки агар ўйин шартлари йўл қўйса, рус радио мутахассислари билан боғлиқ бўлган Штирлицнинг фитнасини очган киши сифатида Борман учун зарур одам бўлиб қолади. Бу икки йўл ҳам ё сўнгги ғалаба, ё сўнгги мағлубиятга олиб келиши мумкин эди. Шу сабабли унинг ўзи, унинг энг яқин ходимлари қопқону тузоқлар қўйиб, қатъий курашга ҳозирланиб, тун бўйи ухламадилар.

– Мен ортиқ гаплашишни истамайман, – деди Кэт, – ўғлимнинг қорнини тўйғазишга рухсат бермагунингизча лом-мим демайман.

Она мантиқи жаллод мантиқига қарама-қаршидир. Агар Кэт боласи ҳақида индамаганда, унинг ўзи қийноқ азобини бошидан кечирар эди. Лекин унинг табиатан болага интилиши Рольфни илгари, бу ерга келаётган пайтида ҳаёлига ҳам келмаган қийноқ усулини ишлатишга ундади. У рус айғоқчиларининг иродаси кучлилигини, улар кўпинча хоинликдан ўлимни афзал кўришларини ва агар уларни «ҳамкорлик» қилишга кўндирганларида ҳам, улар ўзларининг илгариги ишларини янада нозик ва ҳийлакорона усуллар билан олиб боришга уста эканликларини биларди.

Ҳозир эса Рольфнинг миясида қандайдир янги фикр пайдо бўлди.

– Менга қаранг, – деди у, – вақтни бекорга ўтказмаслик, Сизнинг нималарни билишингиз ва нималарни айтмаётганлигингиз менга маълум. Биз яқинда сизни резидентингиз билан юзма-юз қиламиз: қўлга тушишини сезиб, чет элга қочмоқчи бўлибди, аммо ниятини амалга оширолмади. У ўзининг машинасига ишонибди, – Рольф Кэтнинг юзи оппоқ оқариб кетганини кўриб турди, – унинг ажойиб машинаси бор, тўғрими? Лекин у янглишибди, бизнинг машиналаримиз унинг машинасидан қолишмайди, балки ундан ҳам яхшироқдир. Бу жанжалда бизни сиз қизиқтираётганингиз йўқ. Бизни у қизиқтиради. Демак, у ҳақида ҳамма нарсаларни айтиб берасиз. Нимани билсангиз – ҳаммасини.

– Гапирадиган гапим йўқ.

Шу онда Рольф ўрнидан туриб, дераза ёнига борди, уни очиб, совуқдан эти увишиб жунжикди.

– Яна совуқ бошланди, – деди у. – Қачон баҳор келар экан-а? Уни кутавериб чарчадик.

У деразани ёпиб, Кэтнинг олдига келди:

– Қани, қўлингизни узатинг.

Кэт қўлини узатди. Рольф эса кишан солиб, шиқ этиб қулфлаб қўйди.

– Оёлингизни ҳам узатинг, – деди Рольф.

– Нима қилмоқчисиз? – сўради Кэт. – Ниятингиз нима?

У оёққа ҳам кишан солиб бақирди:

– Гельмут! Барбара!

Ҳеч ким жавоб бермади. У эшикни очиб бақирди:

– Барбара! Гельмут!

Рольфнинг баланд, узилиб-узилиб чиқадиган овозига ўрганган Гельмут ва Барбара хонага югуриб киришди. Рольфнинг бундай бақираётганининг сабаби бор: Мюллер, рус радио мутахассиси бугун, худди шу бугун ҳақиқатни айтишига мажбур этасан, деб топшириқ берган эди. Мюллер Штирлиц қўлга тушгунга қадар асосий далилни чўнтагида сақлаб турмоқчи эди.

– Гўдакни олиб келинг, – деди Рольф.

Гельмут болани олиб келгани кетди, Рольф эса устида сунъий гул солинган кўзача турган кичкина столни дераза ёнига суриб қўйди. Кейин деразани очиб, бундай деди:

– Ташқаридаги совуқни бекорга эслатганим йўқ сизга. Болангизни ана шу стол устида қип-яланғоч қилиб, уч ёки беш дақиқа тутиб турсак бас, ўлиши турган гап. Ё айтасиз, ё... Бу ёғи ўзингизга боғлиқ.

– Сиз бундай қилмайсиз! – бақирди Кэт ўтирган жойида безовталаниб. – Сиз бу ишни қил-

майсиз! Мени ўлдилинг! Ўлдилинг! Бу ишни қилолмайсиз!

– Буни бажариш, албатта, мен учун даҳшат!
– жавоб берди Рольф. – Мен ҳам ҳайвон эмасман, одамман, мени ҳам она тукқан! Аммо бутун рейх оналари номидан, бомбалар остида ўлаётган рейх болалари номидан бажараман бу ишни!

Кэт курсидан йиқилиб тушди, кейин дума-лаб-сурғалиб бориб, Рольфнинг этигини ўпа бошлади:

– Юрак йўқми сизда! Нима қияпсиз, ахир?! Бундай қилишингизга ишонмайман!

– Қани бола?! – деб бақирди Рольф. – Олиб келинг деяпман!

– Ахир онасиз-ку! – деди Барбара. – Ақлингизни йиғиштириб олсангиз-чи... Гельмут болани кўтариб келди. Рольф болани олиб, стол устига қўйди ва йўргакни еча бошлади. Кэт даҳшатли, худди ҳайвондек ўкириб юборди.

– Хўш! – деб бақирди Рольф. – Сиз она эмас экансиз! Она эмас – қотилсиз! Қани бўл, гапир!

Болакай бўғилиб йиғларди, ўз вақтида эмизмаганларидан аччиқланиб, лабларини буриштириб-буриштириб йиғларди...

* * *

«Монсеньер Кадичеллига, Ватикан.

Қадрдон дўстим!

Нацистлар қаршилиқ кўрсатиш кунларида катта матонат кўрсатган папа саройининг бутун жаҳонда инсоният учун зарур бўлган тинчликка эришиш йўлида қилаётган хатти-ҳаракатларини мен жуда яхши тушунаман ва ниҳоятда қадрлайман...

Ўз ҳаётини гитлерчи ваҳшийларга қарши курашда қурбон қилган бебахт адмирал Канарис ва бошқа қаҳрамон генералларнинг вакили бўлган Мюллер билан Британия хонасининг расмий вакиллари ўртасида алоқа боғлашни уюштиришни нега Ватикан марҳамат қилиб, ўз зиммасига олганлигини ҳам тўғри тушунган эдим.

Фалсафа доктори Мюллер орқасида турганлар олий хислат эгалари эдики, бу нарса Сизга оқилона ва олийжаноб тинчликни излаш йўлида Британия хонасига таъсир кўрсатишингиз учун имкон берди. Аммо ўтган йилнинг ёзида бу ватанпарварлар ҳалок бўлганларидан кейин тинчлик излаш йўлида машғум танаффус бошланди.

Кўриб чиқиш учун Сизнинг эътиборингизга генерал Карл Вольф томонидан ҳавола қилинган эҳтиёткорона таклифларга нохуш муносабат билдирганлигингизнинг сабаблари ҳам мен учун тушунарли. Сиз немислар оккупациясини бошдан кечирдингиз, Сиз сулҳ қидираётган кишига – генерал Вольфга бевосита бўйсунган СС кишилари қонунга хилоф қандай ишлар қилганликларини ўз кўзингиз билан кўргансиз. Шунинг учун мен Сиз тутган йўлни фурсат пойлаш деб эмас, кўпроқ салбий муносабат билдириш усули деб баҳоладим; бир қўли билан ёмонлик, иккинчи қўли билан яхшилик қилаётган одамларга ишониб бўлмайди. Яратганнинг қули бўлган инсонга хос пала-партиш ва иккиланишни кечириб бўлса, сиёсатни белгиловчи кишилар, ҳокимиятни қўлида ушлаб турган қўшин ёки давлат арбобларида бу нарсани кечириб бўлмайди.

Аммо. Ватикандан рад жавобини олган генерал Вольф бу ерда, Бернда қимматли прези-

дент Рузвельтнинг вакили мистер Даллес билан учрашиб, бу борада анча муваффақиятларга эришган. Бизга келиб турган маълумотлардан Вольф билан Даллеснинг музокаралари муваффақиятли давом этмоқда деган хулоса чиқариш мумкин.

Менинг вазиятимни тушунмоқ лозим: агар мен Даллес жанобларини Вольф билан бундан буён учрашмаслик лозимлиги ҳақида яна огоҳлантирсам, америкалик дўстларимизда бизни бундай иш тутишга ундаётган сабаблар ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлиши мумкин, зотан давлат сиёсатини юргизувчи кишилар парвардигор хизматкорлари сиёсатини ҳар вақт ҳам тушунавермайдилар.

Генерал Вольфнинг маккорлиги ва унинг буйруғи билан немислар ажойиб ўлкамиз Италияда қандай зулм ўтказганликлари ҳақида Даллес жанобларига ҳикоя қилишдан фойда чиқмаса керак. Биринчидан, кўзи бор одам буни ўзи кўриши керак, иккинчидан, тангри хизматида бўлган биздақа кишиларга ўз изтиробларимизни намоиш этиш ярашмаса керак. Биз нимага қадам қўяётганимизни кўриб, билиб туриб ўз йўлимизни танлаганмиз.

Бу ерга, Бернга пастор Шлаг келгунига қадар аҳвол оғир ва чорасиз эди. Бу олийжаноб одам ёдингизда бўлса керак. У 1933 йилга қадар, Гитлер ҳокимият тепасига чиқиб олгандан кейин Германиядан ҳеч кимни чиқармаслик мақсадида бошланган полиция тўсиқлари ҳали мавжуд бўлмаган пайтларда Швейцария, Ватикан ва Буюк Британияда кўп маргалаб бўлиб, тинчлик учун курашиб келган.

Пастор Шлаг – унинг сўзига қараганда – бу ерга яқин муддатда одилона сулҳ тузиш учун қандай ҳаққоний имкониятлар борлигини ўрганиш учун келган. Унинг сўзича, бу ерга уни, Вольф ва Даллесдек икки қарама-қарши кишиларнинг бўлажак сулҳ масаласи юзасидан нуқтаи назарлари анча яқинлашиб қолганлигидан ташвишга тушган кишилар юборишган эмиш.

Вольф билан Даллес ўртасидаги музокара-ларнинг яна давом этишига йўл қўймасликни ўз вазифаси деб ҳисоблайди, чунки Вольфнинг бу ерга тинчлик излагани эмас, балки Германиядаги ҳозирги бирдан бир ҳаққоний ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб турган СС томонидан маълум ён беришлар ҳисобига немислар тузумини сақлаб қолиш учун замин тайёрлашга келганлигига ишончи комил эмиш.

У, шунингдек, ҳаётларини хавф остида қолдириб, ўзини Германиядан чиқиб кетишига сабабчи бўлган кишилар билан иттифоқчилар вакиллари ўртасида алоқа ўрнатишни ҳам ўз вазифаси деб ҳисобламоқда. Пасторнинг сўзича, уни вакил қилиб юборган кишилар СС ва НСДАП билан алоқадор ҳамда келгусида ҳам боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарсаларни йўқ қилиб ташлашни ўзларининг муқаддас бурчлари деб ҳисоблашаётган эканлар.

Пастор Шлаг билан янада очиқроқ суҳбат қилиш учун розилик беришингизни сўраб эдим. Бинобарин, Бернда бўлаётган воқеалар билан уни батафсил таништирсак ҳам ёмон бўлмас.

Бизнинг самимий эканлигимизни кўрсатувчи ҳаққоний далилларни пастор Шлагга кўрсатмасам, самимий суҳбат бошлаши ва Герма-

нияда унинг сигналини кутаётган фикрдошлари ҳақида тўлиқ маълумот бериши қийин.

Унинг Германиядаги фикрдошлари биз истаган даражада катта одамлар бўлмаса керак деб ўйлайман. Пастор Шлаг ҳеч вақт сиёсатчи бўлмаган, у ҳамма вақт ўз қавмининг софдил руҳонийси бўлиб хизмат қилиб келган. Аммо келажакка назар ташлар эканман, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб ва айни вақтда нацизм билан муросага бормай, чинакам тинчликни излаган софдил ҳамда олийжаноб одам парвардигор хизматкори бўлмиш пастор, ҳа, оддий пастор эканлигидан ғоятда манфаатдор бўлишимиз мумкинлигини яққол кўриб турибман.

Худои таоло хизматкори кўрсатган ана шундай юксак фуқаролик матонат намунаси Германиянинг азоб чеккан халқи ўз келажagini танлаётганда немисларни руслар таҳдидидан қутқариб қолишда бизга ёрдам беради деб ўйлайман. Гитлер туфайли Ватикандан четлатилган Германия халқи барибир католицизм¹⁹ қучоғига киради, ҳамда пастор Шлаг – ёинки унинг равшан тимсоли –хизматчиларимизга бир вақтлар нацизм зулмати ҳукм сурган жойларга нур олиб киришга ёрдам бергай. Сиздан яқин келажакда жавоб кутаман.

НОРЕЛЛИ, кюре...»

* * *

Даллес стратегия хизмати бошқармасининг бошлиғи Доновандан, Вольф билан музокараларга бундан буён яширин ном берилиб,

¹⁹ Католицизм – католикларнинг Рим папаси бошчилик қилган мазҳаби.

«Кроссворд» операцияси деб аталсин, деган кўрсатма олди. Музокараларни тезлатиш мақсадида икки генерал – Италиядаги иттифоқчилар қўшини штаби бошлиғининг ўринбосари британиялик генерал Эйри билан америкалик генерал Лемнитцер у ерга жўнатилди.

Оддий америкалик аскарлар формасини кийган иккала генерални Неаполдан Швейцария чегарасигача олиб келдилар. Бу ерда қалбаки ҳужжатлар билан чегарадан ўтишлари керак эди; Даллес одамлари тайёрлаб берган режа бўйича, улар қариндошларини Европа бўйлаб қидириб юрган сайёҳлар эди.

Генерал Лемнитцер Швейцария божхонасида Америка ҳақида ҳамма саволларга жавоб берди. Бирор марта Штатларга бормаган инглиз генерали Эйри ўз жавобларида янглишишни бошлади. Шундай қилиб, «Кроссворд» операцияси бошланишданоқ барбод бўлаёзди. Шу ерда ҳозир бўлган майор Вайбель чегарачилар ҳузурида ишлаётган ўз ходимларига Эйри божхона ходимларининг саволларига қандай жавоб беришидан қатъий назар, уни олиб ўтиш шарт эканлиги ҳақида кўрсатма берди.

Эйри титроқ босган қўллари билан пешана-сидаги муздек терни артаётган пайтида унинг ёнига оддий кийимдаги Вайбель келиб, Бернга борадиган поездга иккита чипта узатди. Бернда уларни машина кутиб турарди, у Вайбель билан икки генерални тинчгина бир кўчага, бегона одамлар номига олинган яширин уйга олиб борди. Бу ерда уларни Аллен Даллес кутиб турарди. Худди шу ерда улар икки кун давомида СС генерали Карл Вольф билан музока-

раларни давом эттириш учун умумий дастур ишлаб чиқдилар.

– Вақтимиз кам,– деди Даллес,– аммо қилинадиган ишлар оз эмас. Иттифоқчилар нуқтаи назари асосий масалаларда ҳам, майда-чуйда масалаларда ҳам аниқ ва асосланган бўлиши керак.

– Инглиз-америка иттифоқчилари денг, – деди генерал Эйри, аммо бу билан у савол бердимиз ёки Даллеснинг гапини маъқулладимиз, буниси ноаниқ эди.

– Инглиз-америка иттифоқчиларими ёки америка-инглиз иттифоқчиларими – булар иш мазмунига зарар етказмайдиган расмий атама, холос, – деб жавоб берди Даллес.

Шундай қилиб, бутун кураш мобайнида, «иттифоқчилар» деган тушунчадан биринчи марта «совет» сўзи тушириб қолдирилди. «Инглиз – совет – америка иттифоқчилари» ибора ўрнига Бернда «Инглиз-америка иттифоқчилари» деган янги ибора пайдо бўлди...

* * *

Айсман Мюллер олдига кийимини ўзгартириб ўтирмай кириб келди. Унинг уст-боши ифлос: этиги лой, камзули жиққа ҳўл эди – у ёмғирда пастор Шлагнинг сингисини қидириб, Нойштадтда роса изғиди. Хужжатдаги манзил бўйича у топилмади. Айсман гестапонинг маҳаллий бўлимига мурожаат қилди, аммо у ерда ҳам Шлагнинг қон-қариндошлари ҳақида ҳеч нима билмасдилар.

Қўшнилар бир неча кун олдин тунда автомобил овози эшитилганини айтдилар. Аммо бу машинада ким келган, қандай машина эди ва

шундан сўнг фрау Анна билан болаларининг тақдири нима бўлди – бундан ҳеч ким хабардор эмасди.

Пастор қандай ғойиб бўлган бўлса, синглиси ҳам шундай ғойиб бўлибди. Полициячилар Айсманнинг топшириғи билан икки кун давомида пасторни ё унинг синглисини топишга ҳаракат қилиб роса изладилар, бироқ уларнинг ҳатто изини ҳам тополмадилар.

Мюллер Айсманни табассум билан кутиб олди. Оберштурмбанфюрернинг гапини эшитиб, у ҳеч нима демади. Кейин пўлат сандиғидан битта жилдни чиқариб, ундан бир варақ қоғозни олди. «Буни нима қиламиз? – деб сўради у, Айсманга қоғозни узатаркан.

Бу қоғоз Айсманнинг штандартенфюрер Штирлицга тўла ишонч билдиражаги ҳақида ёзиб берган рапорти эди. Айсман узоқ вақт индамай турди, кейин чуқур нафас олиб, даҳшатли сўзларни айтди:

– Ҳаммамизга минг лаънат!

– Ана энди тўғри, гапирдингиз, – маъқуллади Мюллер ва қоғозни яна жилдига солиб қўйди. – Сиз учун катта сабоқ бўлсин бу, дўстим.

– Номингизга янги рапорт ёзайми?

– Нега? Керак эмас...

– Олдинги фикримдан қайтишни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

– Фикрдан қайтиш яхшими? – сўради Мюллер. – Ўз фикридан қайтиш – обрўни тушириш билан баб-баравар

– Бўлмаса, нима қилиш керак?

– Олдинги рапортингизни ишга солмаслигимга ишониб юришдан бошқа иложингиз йўқ. Фақат шу. Ишни давом эттираверинг, васса-

лом. Яқинда Прагага кетишингизни ҳам билиб қўйинг: у ердан балки пастор ва Смоленск ёнида бомбалар остида бирга ётган дўстингиз ҳузурига қайтиб келарсиз. Энди кетаверинг. Хафа бўлманг. Бизнинг давримизда ҳеч кимга, ҳатто баъзан ўзингга ҳам ишониб бўлмаслигини – бошқалар майли-ю, аксилжосус яхши билиши керак.

*Империя хавфсизлиги
бошқармаси бошлиги
СС обергруппенфюрери
Кальтенбруннерга.*

Прага.

Икки нусада босилган.

Азизим обергруппенфюрер!

Ҳар бир шаҳарни, ҳар бир уйни мустаҳкам қалъага айлантириш кераклиги тўғрисидаги фюрер буйруғини олганимдан кейин Вена ва Альп истехкоми билан бирга русларга қарши қатъий жанг марказига айланиши ва агар бу ердаги кураш натижаси фожиаи бўлса, ер билан яксон қилиб юборилиши лозим бўлган Прагадаги вазиятни янгидан ўрганиб чиқдим.

Сизнинг Прагани йўқ қилишга тайёр бўлган кишиларни фақат орийлар орасидагина эмас, балки русларга қарши бир неча йиллик кураш давомида ўзларининг биз билан ҳамкорликда содиқликларини кўрсатган бошқа миллат вакиллари билан ҳам танлаш ҳақидаги кўрсатмангизга биноан бир қатор номзодларни танладим. Бу ерда шу кишиларни номма-ном кўрсатишнинг ҳожати бўлмаса керак – бундай майда-чуйда нарсалар Сизни ҳал қилишингиз зарур бўлган бошқа жуда муҳим ишлардан чалғитиши мумкин. Сизнинг котибиятингизга

421 нафар одамнинг рўйхатини юборяпман. Шу ходимларимиз орасида ҳар хил миллат вакиллари бор.

Бу ишга мен қўшин махфий кузатув хизматининг полковниги Бергни жалб қилдим. У миллат душмани Канарис иши юзасидан ўтказилган текшириш муносабати билан шахсан Сизга таниш эканлигини мен Краковда билган эдим. Берг ўз ишига Гришанчиков деган русни жалб қилганлиги учун ҳам бизга унинг ҳақиқий ёрдами тегмоқда, Штандартенфюрер Штирлиц Краковда бўлган пайтида ана шу Гришанчиковга сартарош ва массажчи сифатида юксак баҳо берган эди. Амалда эса у анча қобилиятли аксилжосус эканлигини кўрсатиб, генерал Власов қўшинида хизмат қилувчи руслар орасидан номзодлар танлашга ёрдам берди.

Славян маданиятининг энг йирик ўчоқларини йўқ қилиш юзасидан тайёргарлик ишларига жалб қилинадиган барча кишилар гестапонинг махсус текширувидан ўтишлари шарт бўлгани учун, мен Сиздан обергруппенфюрер Мюллерга полковник Бергни ва иложи бўлса рус Гришанчиковни қўшимча равишда текширишга кўрсатма беришингизни илтимос қилардим.

Сизнинг узил-кесил ғалабамизни тайёрлашга қаратилган ғоят катта ишларингиз билан мен адо этаётган вазифани тенглаштириб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда, ишдаги ҳамма янгиликлардан баъзан сизни хабардор қилиб туришга рухсат этгайсиз.

Хайль Гитлер!

КРЮГЕР».

Кальтенбруннер бу хатни ўқиб, устига қуйидагиларни ёзиб қўйди: «Мюллерга. Ҳеч қандай

Бергни, айниқса, Гришанчиковни билмайман. Текширув уюштиринг ва мени яна шунга ўхшаш майда-чуйдалар билан ишдан чалғитманг. Кальтенбруннер».

Мюллерга Берлиндаги резидентнинг шифрини Бернга олиб кирган алоқачи жуда зарур бўлиб қолди, чунки у яширин уйдаги пистирмада русларни кутиб турган ўз одамларининг комбинацияларига барҳам бермоқчи бўлди. Резидент алоқачисини кузатиб юришнинг ҳожати қолмади, энди фақат далил, далил бўлганда ҳам қўлга тез тушадиган далил керак бўлиб қолди. Бутун тармоқни аниқлаш бўйича операцияни Шелленберг ўйлаб топган, керак бўлса ўзи янги комбинация уюштираверсин, бу унинг иши. Хабарларга қараганда у ерда пайдо бўлган алоқачи зиёли одам бўлиб, жуда соддамиш, бундай кишини тез «тилга киритиш» мумкин, бундақалар дош беролмайди, у шифрни ким берганини дарҳол айтиб беради. Ана шундагина Мюллер инкор этиб бўлмайдиган далилни қўлга киритади-ю, ошиғи олчи бўлади.

Шундай қилиб, Бернга қуйидаги буйруқ жўнатилди: «Алоқачи билан ишлашни тўхтатинг. Уни ўғирлаш ташкил этиб, элчихона машинасининг юкдонида чегара орқали рейхга, шахсан обергруппенфюрер Мюллер ихтиёрига жўнатиш...»

Плейшнер белгиланган вақтда учрашувга кетаётганида илгаригидек кайфияти зўр эди. У ишга берилиб кетди, у ўз хонасидан фақат тамадди қилгани чиқарди, яқин вақт ичида Гитлернинг умри тугайди, деган умид билан хурсанд бўлиб юрарди: у энди ҳамма газеталарни сотиб олар, тарих билимдони, таҳлилчи

олим сифатида келажакни осонлик билан тасаввур қиларди. Германиядалигида у инглиз радиосини тинглашдан қўрқарди ва Геббельснинг қулоқ-мияни ейдиган ёлғон-яшиқ сафсаталари орасидан ҳақиқатни пайқашга уринарди. Плейшнер бу санъатни батафсил ўрганди. У «Фолькишер беобахтер» газетасидаги ахборот ва мақолаларни ўқиганда, дабдабали, голибона гапларга эътибор бермай, яъни пўст-пўчоқларни четга суриб, ҳаёлан харитани қизил юлдузли ва жигарранг байроқчалар билан безаб борарди. Унга харита, шаҳарларнинг номи ва чизғич керак эди, холос. Ана шу учта нарсаси Плейшнерга ҳақиқатни билиб бориш имконини берарди. У ўз уйида, Берлинда қанчалик тўғри фикр юритганлигига Швейцарияга келиб, амин бўлди. У ҳар доим фашизмнинг ғалаба қозониши маданиятни йўқ қилади ва оқибатда, миллатнинг айниб кетишига олиб келади деб ҳисобларди. Ер юзида яшаган одамларни қўлларга ва ҳўжайинларга бўла бошлалари билан зодагонлар орасида инқироз бошланган эди. Рим фақат шунинг учун ҳалокатга учрадики, у бутун дунёга ҳоким бўлишга интилди ва натижада ваҳший қабилалар зарбаси остида ҳалок бўлди. Умуман олганда ҳам, деб мулоҳаза қиларди Плейшнер, дунёга ҳоким бўлишга қарор қилган ҳамма қадимий давлатлар куч-қудрат чўққисига чиққан пайтларида инқирозга учраганлар. Бунинг сабаби шундаки, куч бор жойда, одатда, ғурур пайдо бўлади, ғурур эса шуҳратпарастликка олиб боради, бошга қийинчилик тушган йилларда эса шуҳратпарастликдан ғўроқ ва заифроқ нарсаси бўлмайди. Греция ва Рим, ундан аввал эса

Миср ва Бобил ҳокимлари ғалабалардан маст бўлиб, давлат – интилишлари ҳар хил кишилар жамоасидан иборатлигини ёддан чиқариб қўйганлар. Мамлакатдан ташқарида ғалабаларга эришиш қадимги ҳокимларни шунчалик ўзига жалб қилганки, улар ўз қуллари орасида норозилик пайдо бўлаётганини ҳам, совға тегмаган сарой аҳллариининг ҳасратларини ҳам, ажойиб келажак устида ҳаёл суриб юрган мутафаккир ва файласуфларнинг мавжуд дунёдан норози бўлиб юрганликларини ҳам унутиб юборганлар. Маълум бир душман устидан ғалаба қозониб кеккайган император, фиръавн, трибун, ҳукмдор ва консуллар: менинг зарбимга чет давлатлар дош беролмас экан, норозилик билдираётган ўз фуқароларимни бостириш ҳеч гап эмас деб ўйлаганлар. Бунда улар бостириш учун асосий куч бўлиб хизмат қилувчи қўшин сафида вақти келганда тинчитилиши лозим бўлган кишиларнинг ака-укалари, болалари ёки оддий танишлари хизмат қилажагини унутиб қўйганлар. Ҳокимлару фуқаролар ўртасидаги ана шу зиддиятларда шундай тараққиёт унсурлари бор эдики, уларни Плейшнер ўзи учун «тамаддун хамиртуруши» деб белгилаб қўйган эди. Гитлернинг даҳшатли бир тажриба ўтказётганини у яхши тушунарди: рейхнинг жаҳон устидан қозонажак ғалабаси натижасида немис жамиятида ҳар бир немис қандай ўрин тутганидан қатъий назар, моддий фаровонлик билан таъминланиши лозим эди. Гитлер ҳамма немисларни жаҳон ҳокимлари, ер юзидаги бошқа одамларни эса уларнинг фуқаролари қилмоқчи бўлди. Яъни у, жуда бўлмаганда, иложи бор муддат мобайнида «тамаддун ха-

миртуруши»нинг пайдо бўлишига йўл қўймоқчи эмасди. Гитлер ғалаба қозонган тақдирда ҳамма немислар ҳарбий миллат бўлиб қолардилар, Гитлер эса қолган ҳамма халқларни қуролизлантирарди, уларни давлат ташкилотидан маҳрум этарди. Ана шундан кейин забт этилган халқларнинг исён кўтаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлари пучга чиқарди, чунки қуролланган немислар ташкилотига бас кела оладиган бошқа қуроли миллий ташкилот бўлмасди, Ҳоким миллат орасида «янгиланиш зиддиятлари» келиб чиққунча йиллар, ўнлаб йиллар ўтиши мумкин эди, устига-устак, бундай ҳодиса бутунлай юз бермаслиги ҳам мумкин эди.

...Плейшнер соатига қаради: ҳали вақт бор. У кичкинагина қаҳвахона ёнида тўхтади, қаҳвахонанинг ёмғир томчилари билан қоплаган ойнасидан музқаймоқ еб ўтирган болалар кўринарди. Уларни бу ерга ўқитувчиси олиб келган бўлса керак.

«Мен рейх мезони билан фикр қиладиган бўлиб қолибман, – деди ўзига ўзи Плейшнер, болалар билан кулиб суҳбат қилиб ўтирган ёш эркекка кўзи тушгач. – Бизда ўқитувчилар фақат хотин-қизлар, чунки ҳарбий хизматга яроқли ҳамма эркеклар жанг қилмоқда. Умуман, мактабда эркек киши ишлаши керак. Спартада қандай бўлган бўлса, шундай бўлиши керак. Аёл киши тарбиячи эмас, юпатувчи бўлиши мумкин. Болаларни келажакка эркек тайёрлаши лозим: бу болалардаги ортиқча хом хаёлларни йўқ қилади, чунки болаларнинг хом хаёли катталарнинг ҳаққоний ҳаётига зид келса, боланинг ўзига жабр бўлади. Бутун дунё икки

қисмга бўлинган; йўқ, Ғарб ва Шарққа эмас, ҳокимлар ва қулларга эмас, йўқ, катталар ва болаларга бўлинган. Аммо дунёга ҳеч ким ана шу умумий бўлиниш нуқтаи назаридан назар ташламаган. Ана шу узилмас бўлинишда буюк жараёнлар пишиб етилади, демак, катталар йўл қўйган хатоларни болалар қайтармасликлари учун ана шу жараёнларга таъсир кўрсатишни ўрганиб олиш инсониятнинг урушдан кейинги асосий вазифаси бўлиб қолса керак».

Плейшнер қаҳвахонага кирди ва ўзига мева-ли музқаймоқ буюрди. Болалар ўқитувчисининг ҳазил гапларига қаҳ-қаҳ уриб кулиб ўтирардилар. У болалар билан худди тенгдошлардек гаплашарди, ўзи бола феълига мослашишга уринмай, аксинча, усталик ва одоб билан уларни ўз даражасига кўтарарди.

«Агар бу ерда Гитлер бўлганда, болалар ломим демай ўз ўқитувчисидан кўз узмай ўтирардилар, кўчада ҳам ёйилиб юрмай, саф тортиб борардилар ва бир-бирларини аҳмоқона «Хайль Гитлер!» деган ҳайқириқ билан табриклардилар. Ўз Ватанига мағлубият тилаш даҳшатли нарсаси, аммо шунга қарамай мен ўз Ватанимнинг тезроқ енгилишини истардим...»

Плейшнер шошилмай музқаймоқ ер, жиламайганча болалар овозига қулоқ соларди. Ўқитувчи бундай деди:

– Ана шу ажойиб жойнинг хўжайинига бизни иситиб бағрига олгани ва муздек музқаймоқ бергани учун миннатдорчилик билдирсак. Унга қўшиқ айтиб берамизми?

– Айтамиз! – деб жавоб беришди болалар.

– Овозга қўяман! Ким қарши!

– Мен, – деди сочлари сап-сарик, юзини сепкил босган, кўм-кўк катта-катта кўзли қизча.
– Мен қаршиман.

– Нега энди?

Шу пайт қаҳвахона эшиги очилиб, плашдаги ёмғир томчиларини қоқиб яширин уйнинг мовий кўзли дароз хўжайини кириб келди. У билан бирга қорачадан келган, юз суяклари туртиб чиқиб турган бақувват яна бир киши ичкари кирди. Плейшнер ўрнидан тикка турмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо дарознинг «сизни ўзим топиб оламан» дегани эсига тушиб, яна газетага тикилганича болаларнинг гапига қулоқ солди.

– Қани айт-чи, нега қаршисан? – деб сўради ўқитувчи бояги қизчадан. – Ўз нуқтаи назарингни ёқла энди. Балки, сен ҳақдирсан, биз эса ноҳақдирмиз... Бизга ёрдам бер-чи...

– Ойим музқаймоқ егандан кейин қўшиқ айтиб бўлмайди деган эдилар, – деди қизча, – томоқни шамоллатиб қўйиш мумкин.

– Ойингнинг гапи ҳам кўп жиҳатдан тўғри. Албатта, биз кўчада баланд овоз билан қўшиқ айтсак ёки бақирсак – томоқни шамоллатиш ҳеч гап эмас... Аммо бу ерда... Бу ерда томоққа ҳеч нима қилмаса керак дейман. Айтгандек, сен қўшиқ айтмаслигинг мумкин: сендан хафа бўлмаймиз.

Ўқитувчи биринчи бўлиб шўх Тироль қўшиғини бошлаб берди. Қаҳвахона хўжайини болалар олдига чиқиб, уларни олқишлади. Болалар ғовур-ғувур билан қаҳвахонадан чиқиб кетишди. Плейшнер хаёл сурганча улар ортидан кузатиб қолди.

«Бу қорачадан келган кишини қаерда кўрганман, – бирдан эсига тушиб қолди. – Бундай қиёфалар қанчалик ўзгармасин, эсда қолади. Балки, у билан бирга қамоқхонада ётгандирман? Йўқ... қамоқхонада кўрмаганман. Аммо юзи таниш. Жуда ҳам таниш».

Плейшнер қорачадан келган одамнинг юзига диққат билан тикилиб қолди, шекилли, у буни сезиб, кулиб қўйди. Шу кулишидан Плейшнер уни эслаб олди, худди кинофильмнинг кадрили кўргандек бўлди. У, ҳатто бу кишининг овозини ҳам эшитгандай бўлди: «Ҳамма вақт, ҳамма ерда фюрерга содиқ бўламан деган тилхат ёзиб берасан! Кейинчалик бошини сарак-сарак қилиб, айбдор – улар, мен – четда эдим, дея олмасин. Ҳозир ҳеч ким четда бўлолмайди! Концлагердан чиқиб келган немис ё содиқлик, ё ўлимдан бошқа нарсани билмаслиги керак». Бу воқеа урушнинг иккинчи йилида бўлиб ўтган эди: уни навбатдаги суҳбатдан ўтказиш учун гестапога чақирган эдилар – профессорни ҳар йили бир марта, одатда, баҳор пайтида чақириб турардилар. Бу кичкина, қорачадан келган одам хонага бирпасга кирган эди, одатда, сўроқни суҳбат тарзида ўтказувчи форма кийган гестапочи билан ораларидаги суҳбатни тинглаб туриб, Плейшнернинг ёдида қолган ана шу сўзларни зарда ва заҳархандалик билан айтган эди. Ўшанда Плейшнер укасининг олдига борган эди – Гуго бош шифокор бўлиб ишларди ва унинг бир йилдан кейин вафот этиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди. «Уларнинг одатдаги усуллари, – деган эди Гуго, – сени ўзларига шерик қилиб олишмоқчи...»

Плейшнер қўллари титроқ босаётганини сезди. У нима қилишни билмасди: хонадон хўжайини – дарознинг ёнига бориб, уни секин чақириб олиб, огоҳлантириб қўйсамикин ёки кўчага чиқиб, иккаласи бирга кетадиларми ёки йўқми – шуни кузатсамикин, ёки биринчи бўлиб қаҳвахонадан чиқиб, уйда қолган иккинчи кишини деразага эҳтиёт сигналини қўй, деб огоҳлантирсамикин – у ерга борганида қўшни хонадан бошқа одамнинг овозини эшитган эди.

– Тўхта! – деди тўсатдан ўзига ўзи Плейшнер. – Аввал кунини ўша хонадонга борганимда деразада нима бор эди? У ерда Штирлиц айтган гул турган эди-ку. Ё йўқмиди? Нега бўлма-са бу ўртоқ... Ўзи нима гап, алаҳдаяпманми? Тўхта! Аввало, ўзингни қўлга ол!»

Дароз Плейшнерга қарамай кичкинагина, қорачадан келган киши билан чиқиб кетди. Плейшнер хўжайинга охирги қоғоз пулини узатди. Хўжайиннинг майдаси йўқ экан, рўпарадаги дўконга югуриб бориб, пулни майдалаб келди ва Плейшнерга узатди. Плейшнер қаҳвахонадан чиққанда кўчада ҳеч зот: хонадон хўжайини ҳам, кичкина одам ҳам йўқ эди.

«Балки, у Штирлицга ўхшаганлардандир? – деб ўйларди Плейшнер. – Балки у ҳам Штирлицга ўхшаб, немислар орасида ўз ролини бажараётгандир?»

Бу фикридан хотиржам тортди, гарчи қорачадан келган кишини, унинг гапиргандаги совуқдан-совуқ ҳаракати ва қўққисдан заҳарханда тиржайишини эслаб қолган бўлса-да, Плейшнер кайфияти шунчаки панд бераётганига ўзини ишонтиришга тиришарди.

У махфий хонадон жойлашган уй олдига келди ва ойнага қараб дароз билан кичкина кишини кўрди. Иккаласи ойна олдида гаплашиб туришарди, иккаласининг ўртасида эса хавф белгиси – каттакон гул турарди. Рус айғоқчиси изига тушганликларини сезиб, хавф белгисини қўйишга улгурган эди, гестапочилар эса гулнинг нима маънода қўйилганлигини билмасдилар. Гестапочилар рус айғоқчисининг кетига тушганликларидан руснинг ўзи хабарсиз деб ўйлаб, ҳамма нарсаларни илгаригидек қолдиравердилар, аввал куни хонадонга Плейшнернинг тўппа-тўғри кириб келиши билан уйда ҳамма нарса жойида эканлигига яна ишонч ҳосил қилдилар.

Дераза олдида турганлар Плейшнерни кўриб қолдилар, дароз эса унга қараб бошини қимирлатиб кулиб қўйди. Плейшнер дарознинг кулишини биринчи марта кўриши, у буни кўрди-ю, ҳамма нарсани дарҳол пайқади. У ҳам кулиб қўйиб, кўчанинг нариги томонига ўта бошлади: нариги томонда уларнинг кўзидан ғойиб бўлиб, қочиб қоламан, деб ўйлади. Аммо орқасига назар ташлаганида ундан юз метрча нарида витриналарни томоша қилиб икки эркак келаётганини кўрди.

Плейшнернинг оёғини титроқ босди.

«Бақириб, ёрдамга чақирсаммикин? Йўқ, улар олдинроқ етиб келадилар. Уларнинг нима қилишларини ҳам биламан. Кишини қандай қилиб ухлатиб қўйиш ёки жинни деб кўрсатиш осонлигини Штирлиц ҳикоя қилиб берган эди».

Одам энг хавфли вазиятга тушиб қолган дақиқаларда, у курашиш қобилиятини йўқотмаган бўлса, албатта, диққати ниҳоятда ўткир-

лашади, мияси ҳар қачонгига қараганда тез ишлай бошлайди.

Плейшнернинг аввал куни эшикдан кириши билан бир парча зангори осмонга кўзи тушганини эслади.

«У ердан ҳовлига чиқиб кетса бўлар, – дарҳол пайқади у, – эшикдан кираверай».

У тиззалари дағ-дағ қалтираб, рангсиз юзида қотиб қолган табассум билан ичкарига кирди. Эшик очиқ экан: юқоридагилар уни кутиб, пастга қўнғироқ қилиб, кўча эшикни очиб қўйган эканлар.

Плейшнер ичкарига киргач, эшикни ёпди ва ҳовлига олиб чиқадиган кичкинагина ойначаси бор эшик томон югуриб борди. У эшикни итарди, аммо очилмади. Кейин елкаси билан итарди – эшик барибир очилмади.

Штирлиц РХСА биносига кириш олдидан машинани четга чиқариб қўйди-да, анчадан бери мой кўрмаган, ёмғир ва тунги совуқдан шишган ўриндиққа ўтирди. Болалар асфальтда бомбадан қолган чуқурларни чаққонлик билан четлаб ўтиб, роликда учишарди. Штирлиц болалар юзини тер босганлигини кўрди, бу – очарчилик, дармонсизлик тери эди.

«Шу роликлар билан юракларини бутунлай ишдан чиқаришади-ю, бола фақирлар, – ўйларди у, – бечоралар нимани кўрди – кечалари бомбардимондан ваҳимага тушадилар, кундуз куни ўлардай чарчаб ролик учадилар ва доим қоринлари оч: нонми, картошками ёки сосисками, қани энди нима бўлса ҳам тўйиб-тўйиб есалар. Катталар курашининг энг даҳшатли оқибати – болалар қалби ва жисмининг шикастланишидир».

Штирлиц кўзини юмди ва шу онда кўз олдида Сашеньканинг равшан қиёфаси пайдо бўлди. Севган аёлларнинг қиёфаси видолашган ва учрашган пайтларда, айниқса, эсда қолар экан. Неча йиллар ўтиб кетди, қанча-қанча одамлар ҳалок бўлди, давлатлар пайдо бўлди, сиёсат ўзгариб борди, эски дўстлар ғойиб бўлиб, янги дўстлар пайдо бўлди, аммо Сашеньканинг қиёфаси – ранги ўчган, чўчинқираган чехраси доим у билан бирга – кўзини юмди дегунча кўз ўнгида гавдаланади, видолашув пайтидагидек ўзгармай қолаверади.

«Аёлларда ҳис-туйғу эркаклардагига нисбатан кучлироқ бўлади. Уларда биз, эркаклардагидек фақат ақл ишлайвермайди, балки тушуниб бўлмайдиган қандайдир бошқа ҳис-туйғулар иштирок этади, – деб хаёл сурарди Штирлиц. – Мен ўшанда бир йилдан кейин кўришамиз, деган эдим, у бўлса бошини қимирлатиб, худди кўрлардек кўзини юмиб, менинг юзимни силарди».

– Сашенька, – деди хўрсиниб Штирлиц, – дийдорингни кўрармиканман. Сашенька... «Унинг бир ўзи Сашка билан кўп қийналган бўлса керак... Бизда ана шунақа шир-шир этиб юрадиган роликлар йўқ эди, велосипедни эса кўриб, оғзимиз очилиб қоларди. Биз онг жиҳатдан бутун дунёдан ўзиб кетдик, ролик ва велосипед чиқаришда ҳам пайти келиб ўзиб кетсак керак... Шундай қилиб, Сашканинг отаси, ролик ҳамда велосипед ўрнида фақат онаси Сашенька ва китоблар бўлган, холос...»

Штирлиц шошилмай хаёл суриб ўтираверди, шу пайт у, бир томондан, маза қилса, иккинчи

томондан, ташвишланарди, чунки Сашенька ва ўғли ҳақидаги хаёлга берилиш учун фақат бир неча дақиқа муҳлат қолган, кейин у бинога кириб, бир қават пастда жойлашган Мюллер қабулхонасининг эшигини тақиллатиши керак эди, у ерда эса ўз ҳаётидаги энг азиз нарсалар ҳақида ортиқ хаёл суролмайди. У ерда жангчи-га айланиши керак ва агар жангчи жанг олди-дан фақат шу жангга тааллуқли бўлмаган бошқа нарсаларни унутмаса, енгилиши мумкин.

«Сабр қил, Катюша, – яна хаёлга ботди Штирлиц, – ўрнидан турар экан, – сен билан ҳали курашни давом эттирамиз, сени зулматдан қутқараман, ҳаммаси яхши бўлади, кичкинтойни ҳам тарбиялаб вояга етказасан».

Штирлиц шошилмай, роликларда пойга қилаётган рангпар, тер босган болаларга табасум қилиб, машинаси томон юриб борарди ва ўзини жангга тайёрлаб, Кэт ҳақида ўйларди.

«Фақат ўзимни ўзим алдамай, – ўйларди Штирлиц, машинага ўтирар экан. – Кэтни қутқараман деб қатъий ваъда қилмоқдаман. Муваффақиятга ишониш лозим – акс ҳолда ютқазиш мумкин, аммо хом хаёлларга ҳам берилмаслик керак – бундай қилинса, калтак ейиш ҳеч гап эмас».

У моторни юргизди ва одатдагича машинасига мурожаат қилди:

– Қани, жўнадик, машинажон... Қани, кўчаларни яна бир айланиб чиқайлик, одамларга назар ташлайлик, баҳор ҳиди анқиётган тоза ҳаводан нафас олайлик, кейин Мюллернинг ҳузурига борамиз.

Штирлицнинг РХСА йўлагидан ўз хонасига кетаётганлигини Мюллерга хабар қилганларида у дастлаб гангиб қолди. У Штирлицни бошқа жойда қўлга туширадилар деб ўйлаганди. У сабабини билмаса ҳам, аммо муваффақиятни қўлга киритаётганлигини аниқ сезарди. Мюллер йўл қўйган хатосини ҳам биларди: у калтак еган Холтоффни кўриб ўзгариб кетганлигини эслади. Уларнинг мўлжаллари бир эканлигини Штирлиц, албатта, пайқаган. Шунинг учун ҳам Штирлиц қочиб қолади деб ҳисобларди. Аммо унинг империя хавфсизлиги бошқармасида пайдо бўлганлигини, шошилмай йўл-йўлакай танишлар билан сўрашиб йўлакдан келаётганини эшитиб, Мюллер ўзини йўқотиб қўйди ва муваффақият қозонишга ишончи анча камайди.

Штирлицнинг нияти оддий эди: рақибини ҳайратда қолдириш – ярим ғалабага эришиш деган гап. У Мюллер билан кураш жуда мураккаб бўлишини биларди – Холтофф унинг физиклар билан ўтказган операциясидаги энг нозик жойларни пайқаб қолган эди. Бироқ тайёргарлиги йўқлиги ва умуман билимни менсимаслиги Холтоффга айбнома тузишга имкон бермади, у исбот этиш йўли билан эмас, кўпроқ тахмин қилиш йўли билан топган ҳар бир қисмини эса рад этиш ёки икки хил талқин қилиш мумкин эди. Штирлиц физик Рунге ишига жуда усталик билан ёндашган эди. Гестапода бошқа маҳбуслар билан қандай иш олиб борсалар, физик билан ҳам шундай иш олиб бо-
ражакларини тушунарди: терговчининг физи-

ка назариётчиси, ўз ғояларига берилиб кетган ва шунинг учун қундалик ҳаётда асабийлашган ва мантиқни йўқотган кишига тўғри калит топа олиши амри маҳол эди. Шунинг учун Шелленберг билан суҳбатда уни эҳтиёткорлик билан Штатларнинг атом ҳужуми бошлаши мумкинлиги мавзусига жалб қилганида, у, Штирлиц кутганидек, Германиянинг бу соҳада орқада қолаётганлигидан ҳасрат қилди ҳамда океан орқасидаги айёр золимлар «интиқом қуроли»ни яратиш масаласини тезроқ ҳал қилишга уринаётган рейхга ҳалақит бериш мақсадида фитналар уюштираётган бўлсалар керак, деди. Шелленберг қамоққа олинган Рунгенинг исм-шарифини айтмаган бўлса ҳам, Штирлиц илм аҳли орасидаги ана шундай фитналарни фақат физикларнинг ёрдами билан фош қилиш мумкинлигини тахмин қилиб, Мюллернинг қўл остидагилари эса фақат суяк синдиришгагина устадирлар, деган эди ўшанда. Шелленберг штандартенфюрернинг физикадаги янги оқимлар билан қай даражада танишлиги билан қизиқди. Штирлиц одатдагича сиполик билан жавоб берди, аммо у ҳазиллашяптими ёки жиддий гапиряптими – буни пайқаб олиш қийин эди:

– Ҳаммадан кўпроқ мени физика, кимё ёрдамида омманинг аҳмоқлашиш жараёнини тўхтатиш мумкинмикан деган масала қизиқтиradi... Тўғри сўзларни гапирадиган тентаклар жуда кўпайиб кетганлигидан ишлаш қийин бўлиб қолди...

– Сиз умрингизни концлагерга тугатасиз, – деди кулиб Шелленберг. – Чунончи, Мюллер

сизни қамаб ўтирмайди, сиз кўп нарсалардан хабардорсиз: сизга ўхшаганларни автомобиль ҳалокатидан кейин дабдаба билан кўмадилар.

– Раҳмат,– жавоб берди Штирлиц. – Аммо мен аввал унинг қабрига гулдаста қўйиш ниятидаман.

– Мюллер ўлмайдиган одам... Бу дунёда қидирув ташкилотлари йўқолмагандек, у ҳам ўлмайди, чунки одамларнинг асосий интилиши – изланиш. Бунини юксак маънода амалга оширадиганлар янгиликни физикадан, бизларга ўхшаб ақлсиз туғилганлар эса жосуслик соҳасидан излайдилар.

– Мюллер бу сўзларингиз учун сизни кечирмайди...

– Нега энди кечириши керак? – елкасини қисиб қўйди Шелленберг. – Бу унинг сўзлари. Бу баварияликнинг тузукроқ илми бўлсами, ким билади дейсиз, ҳозир қаерда ўтирарди: бизнинг бинодами ёки Бранденбург дарвозасига яқин уйлардан биридами?

– Сизни нега шунчалик ёмон кўради?

– Икки сабаби бор, – деб жавоб берди Шелленберг. У ўйлаб-нетиб ўтирмай гапирарди: демак, ўз вақтида бу ҳақда роса бош қотирган кўринади. – Биринчидан, мен унга қараганда икки марта ёшман...

– Сал кам икки марта, – унинг гапини тўғрилаб қўйди Штирлиц.

– Бу ўринда «сал кам»нинг аҳамияти йўқ. Ҳатто аксинча, у мендан уч марта катталигини айтишни афзал кўрарди, чунки мен аёл эмасман, у эса товуқларни чорлаётган хўроз эмас. Иккинчидан, ўз меҳнатим билан нон топай деб, дарсликни четга суриб қўйган ҳар бир киши

коллеж ва университетни тугатгач, тайёр жойга келиб, уч йилда юқори лавозимга кўтарилиб кетган омадли кишини яхши кўра оладими? У эса бу ишга бутун умрини бағишлаган. Учинчи томони ҳам бор... Бу фикр менинг миямга ҳозиргина келди, биласизми, ҳаётда қизиқ нарсалар бор: баъзи кишилар бирор ишни ўйлаб топадилар, бошқалар эса уларни бажарадилар. Шундай қилиб, ишларни жуда кам бажарганим учун Мюллер мени кўролмайди. Мен кўпроқ ўйлаб топардим. У бўлса доим буни бажарарди: буйруқни, бировни отишни, бирор акциями – барибир, ҳаммасини бажариб келди. Биласизми, бу одамнинг иззат-нафсига тегади. Мен алоқани яхшилаш мақсадида унинг олдига бир неча марта бордим... Ўйқ, натижа чиқмади, у бавариялик деҳқон хотиндек мени рейхсфюрерга, марҳум Гейдрихга, яна баъзиларга рашк қиларди...

– Тушундим, – кулди Штирлиц, – бошқалар кимлигини тушундим...

– Сиз дарҳол тушундингиз, – ўрнидан турар экан, Шелленберг ҳам кулиб юборди. – Майли, худо шоҳид. Ҳар ҳолда иккаламиз ҳам бир ишни бажармоқдамиз, ва демак, бардошимиз етмаган пайтларда ҳам баъзи нарсаларга чидашга тўғри келмоқда. Иккинчи томондан олганда, гестаподек гўнг ташувчи карвонга ким бошлиқ бўлишга розилик берарди, дейсиз?

Шу суҳбатдан кейин ярим ой вақт ўтди: Штирлиц ҳеч вақт ҳодисаларни тезлаштиришга уринмасди: сабр-тоқат ҳам тезликнинг гарови. Ҳамма нарса – санъат, махфий кузатув хизмати, муҳаббат, сиёсатми, барибир мутаносибликларда белгиланади.

Штирлиц фюрернинг туғилган куни муносабати билан ўтказилган тантанали кечада Рунге ишига нисбатан иккинчи марта «шаъма» қилди. Гитлернинг нутқидан сўнг концерт бўлди, кейин ҳамма дастурхон ясатилган катта залга ўтди. Рейхсфюрер одатдагича зельтер суви ичиб ўтирди, қўл остидагилар эса коньяк ичдилар. Ана ўшанда Штирлиц Шелленбергга бундан уч ой олдин қамоққа олинган физик ишини Мюллернинг одамлари эплай олмаётганликларини айтди. «Яхшими, ёмонми, ҳарқалай мен физика-математика факультетини тугатганман, – деди у, – буни мен эслагим келмайди, чунки шу ихтисосни деб эркаклик қобилиятини бутунлай йўқотишимга сал қолди. Лекин шунга қарамай, бу – далил. Кейин – унинг алоқаси кенг: у океан ортида ўқиган ва ишлаб келган. Шу иш билан биз шуғулланганимиз фойдалироқ». У Шелленбергга ана шу фикрни айтиб, кулгили латифаларни ҳикоя қилишни бошлади, Шелленберг ҳам кўп кулди, кейин иккови дераза ёнига бориб, бир гуруҳ ходимлар билан Штирлиц ҳам иштирок этган операцияни муҳокама қилдилар. Бу операция иттифоқчилар ўртасида низо чиқариш мақсадида уюштирилган сохта ахборот эди. Штирлиц ўша пайтдаёқ Шелленбергнинг ниҳоятда эҳтиёткорлик билан кўзга ташланавермай, ҳар томонини ўйлаб, ғарбий иттифоқчиларни Кремлдан ажратишга қаратилган мақсадни амалга оширишга киришганлигига эътибор берганди. Бунда у асосий зарбани, одатдагидек, Кремлга қарши қаратган эди. Хусусан, Шелленберг Атлантика қирғоғида турган немис қисмларини инглиз автомат қуроллари билан таъминлашни

уюштирди. Бу қуро­лар бетараф мамлакатлар орқали сотиб олинган бўлиб, уларни керакли эҳтиёт чоралар қўрилмай, Франция ҳудуди орқали жўнатилди. Тўғри, буниси ҳам жуда усталик билан бажарилди. Душман айғоқчилари немис омборларидан бир неча инглиз автоматларини ўғирлаб кетганларидан кейин, кимки қурол-аслаҳа омборларини ёмон қўриқлаган бўлса, отишга ҳукм қилинажаклиги тўғрисида буйруқ чиқардилар. Шу буйруқ кўп нусхада тарқатилди, ғаним жосуслари ҳаракатини аниқлаб юрувчи Шелленберг айғоқчилари душман кийимидаги Торез тарафдорларини ҳам ана шундай буйруқ билан «таъминлашга» муваффақ бўлдилар. Ана шу махфий маълумотлар асосида ғарбий иттифоқчилар Франция ёки Голландияга қўшин туширмас эканлар деган хулоса чиқариш мумкин эди: акс ҳолда ўз душманига ҳам қурол сотадиларми? Шелленберг Штирлицнинг ишини маъқуллади – у шу масаланинг ташкилий томонларини уюштирган эди, бу операциянинг Геббельс ва Риббентроп идоралари билан келишиб амалга ошириш бўйича қизиқарли таклифларни ҳам тайёрлаган эди. Шелленберг хонасидан чиқмай, Кремда портлаш юз беришини, Сталин, Черчилль ва Рузвельт иттифоқининг барбод бўлишини кутди. Штирлиц тиним билмай ишларди, унинг таклифларини Шелленберг тўла маъқуллади. Бироқ кутилган натижа чиқмади. РХСадагилар нима бўлди экан деб бош қотирдилар. Штирлиц бир неча тахминларни айтди. Ҳаммаси ҳам дадил ва қизиқарли тахминлар эди: Штирлиц операция бошланиши биланоқ Москвани огоҳлантириб, Лондон немисларга

ҳеч қандай қурол сотган эмас, бу ҳийла бошдан-оёқ узоқни кўзлаб, усталик билан тузилган сохта ахборот эканлигини хабар қилганди.

Фюрер туғилган куни кечасидаги суҳбатда Штирлиц атайлаб физик Рунге ишидан эътиборни чалғитиб, Кремлга нисбатан ишлатилган ҳийланинг муваффақиятсиз чиққанлигини муҳокама қилиш устида кўпроқ тўхтади. Шелленбергнинг ақлли раҳбар ва туғма айғоқчи сифатида ҳар бир суҳбатда, ҳатто ўзининг боғбони билан гаплашганда, маълум бир далилларни ёддан чиқаришга йўл қўйса ҳам, аммо асосий ва муҳим пайтларини ёддан чиқармаслигини Штирлиц яхши биларди, чунки инсоннинг дунёни тасаввур этиш тизимида ҳар бир ихтисос ўз изини қолдиради. Штирлиц Шелленбергнинг тенг рақиб эканлигига, стратегия масалаларида эса ундан ўтиб кетиш жуда қийин, ҳатто мумкин эмаслигига тан берарди. Аммо уни кўпроқ кузатаркан, қизиқ бир далилни сезиб қолди: Шелленберг ўз ходимларининг қизиқарли таклифларини олдин сезмаган бўлиб, гапни бошқа томонга буриб юборарди. Аммо кунлар, ҳафталар ва, ҳатто, ойлар ўтгандан сўнг шу таклифга ўз нуқтаи назарини қўшиб – бундан олдин юқорида маслаҳатлашиб олса керак – ана шу фикрни ўзиники, ўз таклифи, ўзи ўйлаб топган операция сифатида ўртага ташлар эди. Шунда ҳам у шунчаки айтилган таклифларни шу қадар усталик билан тайёрлар, мавзунини рейх олдида турган бошқа ҳамма масалалар билан шу қадар аниқ боғлай олардики, ҳеч ким, бу фикрни тўғридан-тўғри қардандир ўғирлаяпти, дея олмас эди.

Штирлицнинг мўлжали жуда тўғри чиқди: икки ҳафта ўтгач, махфий кузатув хизмати бошлиғининг хонасида бўлган оператив кенгашдан кейин барча ходимлар чиқиб кетаётганда, Шелленберг Штирлицдан бир оз вақтга қолишни сўради.

– Штирлиц, – деди Шелленберг, – жаҳон тарихида техника жиҳатдан устунлик масаласи, айниқса, олимлар атом ядроси сирини очганларидан кейин, ҳал қилувчи масала бўлиб қолса керак. Менимча, Фарбда ҳам, Шарқда ҳам олимлар буни тушуниб олганлар, аммо сиёсатчилар унинг аҳамиятига етолмаганлар. Биз ўн тўққиз асрлик тарих давомида сиёсатчилик ихтисосига қандай маъно бериб келинган бўлса, унинг шу маънони йўқотишига гувоҳ бўлишимизни кўрасиз. Келажақда сиёсатни фан бошқарадиган бўлади. Келажакнинг илғор марраларига чиққан фан аҳллариининг асл мақсадларини, тадқиқот қилишга уларни ким илҳомлантираётганини кўриш – бутунги вазифа эмас, тўғрироғи, узоқ келажак вазифасидир. Шунинг учун қамалган физик билан иш олиб боришингизга тўғри келади... Айтгандек, мен унинг номини ёддан чиқарибман...

Штирлиц ўзи текшириляётганини фаҳмлади. Шелленберг ўзининг бу гапи қаердан келиб чиқди, шу фикрни бир вақт унга ким берганлигини Штирлиц пайқадими ёки йўқми – шунани аниқлаб олмоқчи эди. Штирлиц ўз бармоқларига тикилганча, индамай тураверди. У маълум вақт индамади, кейин эса тушунмаётган қиёфада бригаденфюрерга қараб қўйди. Шундай қилиб, Рунге иши Штирлиц қўлига тушди. Шундай қилиб, немисларни 1944 йилдаёқ атом

бомбасини яратишга яқинлашишдек ҳаққоний имкониятдан маҳрум этди. Бунинг учун Рунге нуқтаи назари ғолиб чиқса бас эди. Бинобарин, Рунге билан ўтказилган талайгина кунлар мобайнида у атом бомбага эга бўлиш Германиянинг пешанасига ёзилмаганлигига амин бўлди: Гитлер Сталинград жангидан сўнг олимлар уч ойдан кейин, узоғи билан олти ойдан кейин ҳаққоний натижаларни ваъда қилмасалар мудофаа соҳасидаги илмий ишларга маблағ ажратмаслигини айтганди. Ҳарбий аслаҳалар бошқармаси, кайзер Вилгельм институтида, тиббиёт институтида, шунингдек, алоқа вазирлигидаги лабораторияларда ишловчи ядрочу физиклар ўртасидаги жанжаллар Гиммлернинг қулоғига бориб етгандан кейин, у атом қуроли масаласи билан қизиқиб, «Ҳарбий-илмий тадқиқотлар бирлашган фонди»ни ташкил қилди, бироқ рейхдаги илмий ишлар учун жавобгар бўлган Геринг Гиммлер ташкил этган илмий ташкилотни ўзига беришни талаб қилди. Иззат-нафси қондириш учун кураш борарди. Шундай қилиб, маҳоратли немис физиклари раҳбарларнинг эътиборидан четда қолдилар, бунинг устига, Германиянинг Шпеер ва Шахтдан ташқари бирор фюрери, олий маълумотга эга эмас эди... Ана шу гапларнинг ҳаммасини Штирлиц Москвага етказди ва устига-устак, Рунге тарафдорлари ва рақиблари ўртасидаги жанжалнинг янада авж олишига ўз ҳиссасини қўшди: душманга қанчалик зарар етказилаётган бўлса, бизга шунчалик фойда эди.

Энди шу курашнинг навбатдаги босқичида у яна ғалаба қозониши: бу ишда ўзининг ҳақ эканлигини исбот этиши лозим эди. У ўз ва-

зиятини ўйлаб қўйди. Унинг вазияти ниҳоятда кучли. Мюллерни енгиши керак ва енгади ҳам.

...У ўз хонасига кирмади. Мюллернинг қабулхонасига кириб, унинг ёрдамчиси Шольцга деди:

– Дўстим, бошлиғингиз мени кечирсинлар: соат тўққизда қайтишни ваъда қилган эдим, тўққизу ўн икки дақиқада келдим... Қандай кўрсатмалар бўлади? У киши мени ҳозир қабул қиладиларми ёки ярим соат ухлаб олайми?

– Ҳозир билиб чиқаман, – деб жавоб берди Шольц ва ичкарига кириб кетди. У икки дақиқача тутилиб қолди. – Бу сизнинг ихтиёрингизда экан, – деди у қайтиб чиққач. – Бошлиқ ҳозир десангиз, ҳозир қабул қиладилар, бўлмаса, кечқурунга кўчириш ҳам мумкин.

«Иш яна мураккаблашибди-ку, – тушунди Штирлиц. – У менинг қаерга боришимни билмоқчи. Чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ; барибир бу иш бир соат, узоғи билан икки соат ичида ҳал бўлади. Шуман институтидан мутахассислар чақирилганда ҳам бундан кўп вақт кетмайди».

– Сиз нимани маслаҳат берсангиз, шуни қиламан, – деди Штирлиц. – Кечқурун раҳбарлар олдига кетиб қолади деб қўрқяпман, унда эртагача кутишга тўғри келади. Тўғрими?

– Тўғри, – деб маъқулади Шольц.

– Бўлмаса, ҳозир кирганим маъқул экан-да? Шольц эшикни очиб:

– Марҳамат, штандартенфюрер, – деди.

Мюллер хонаси қоп-қоронғи: группенфюрер кичкина столча ёнида Би-Би-Си радиосини эшитиб ўтирганди. «Лорд Хау-хау»нинг немисларга қарши қаратилган эшиттириши

берилаётганди. Мюллернинг тиззасида қоғозлар солинган жилд ётарди, дам у, дам бу ҳужжатни диққат билан кўздан кечириб, радио овози пасайганда, уни бураб турарди. Мюллер кўринишдан чарчаган, қора костюми ёқасининг тугмаси ечилган, худди дарани булут қоплагандек, хонани қават-қават тамаки тутуни қоплаган эди.

– Салом, – деди Мюллер. – Очигини айтсам, мен сизни бунчалик эрта келишингизни кутмаган эдим.

– Кеч қолганим учун калтак ейман деб қўрқиб келаётган эдим.

– Ҳаммангиз, кекса Мюллер калтаклайди, деб қўрқиб юрасизлар... Бирон кишини калтаклаганманми ўзи? Мен хушчақчақ, кекса одамман. Миш-миш гапларга ишонманг... Сизнинг келишган бошлигингиз менга қараганда минг марта баджаҳл. Фақат у университетда ўқиганда табассум қилишни ва французча гаплашишни ўрганиб олган. Мен эса олмани пичоқ билан кесиб ейиш керакми ёки менинг уйимдагилар сингари бутунлигича тишлаб ейиш керакми – шу дамгача билмайман буни.

У ўрнидан туриб, ёқасининг тугмасини солди-да:

– Юринг, – деди.

Штирлицнинг ҳайрон бўлганини кўриб, кулди у:

– Сизга бир нарсa тайёрлаб қўйдим.

Улар хонадан чиқишди, Мюллер Шольцга мурожаат қилиб:

– Биз тезда қайтсак керак... – деди.

– Мен машина чақирганим йўқ-ку...

– Ҳеч қаерга бормаймиз.

Мюллер салмоқлаб, тик зиналардан ертўлага тушди. У ерда йирик жиноятчилар учун бир неча махсус камера бор эди. Ертўлага кириш жойида учта эсэсчи турарди. Учаласи ҳам забардаст кишилар бўлиб, уларнинг шу гавдасига белларидаги кичкинагина браунинг кулгили кўринарди. Шундай девларга браунинг нима кераги бор экан? Улар бир мушт билан отни қулатишлари мумкин.

Мюллер ўзининг орқа чўнтагидан вальтер чиқариб, посбонларга узатди.

Штирлиц «мен ҳам шундай қилайми» дегандек Мюллерга қаради. Мюллер бош ирғаб қўйди. Штирлиц ўзининг парабеллумини узатди, посбон уни орқа чўнтагига солиб қўйди. Мюллер посбонлар турган жойдаги столча устидан олма олиб деди:

– Қуруқ бормайлик. Иккаламиз ҳам эркин муҳаббат тарафдори бўлсак ҳам – ҳеч қандай мажбуриятсиз, – собиқ дўстлар олдида совға-салом билан бориш керак.

Штирлиц ўзини кулишга мажбур этди: Мюллернинг нега бундай деганини у дарҳол тушунди. Бир вақт унинг одамлари жанубий америкалик элчини сотиб олмоқчи бўлдилар: унга бир неча фотосурат кўрсатдилар – уларда элчининг Мюллер одамлари рўпара қилган сариқ кокилли қиз бирга тушгани тасвирланган эди. «Ё шу фотосуратларни хотинингизга юборамиз, ё бизга ёрдам беринг», – дейишганди ўшанда. Элчи расмларни анча вақт томоша қилиб туриб: «Шу хоним билан яна бир марта учрашишнинг иложи йўқми! Хотиним билан иккаламиз гўзалликни жуда яхши кўрамиз», деб жавоб берган. Бу воқеа Гиммлер немис ай-

роқчиларининг оилавий ҳаётига алоҳида эътибор бериш ҳақида буйруқ чиқаргандан кўп вақт ўтмай юз берган эди. Мюллер ўшанда норози бўлиб: «Ҳеч қандай мажбуриятсиз эркин муҳаббатга йўл қўйиб бериш керак, ўшанда кишилар ҳар қандай аҳмоқона вазиятда қўлга тушавермайдилар», деган эди. Перулик элчи билан бўлган шу воқеани Штирлицга ҳикоя қилиб берганларида, у хуштак чалиб қўйиб, бундай деган эди:

– Менимча, перулик элчи сизларни боплабди. Хотинидан ўлардай қўрққан, албатта, аммо парво қилмагандек бўлиб артистлик қилибди, сизлар эса унга ишонибсизлар. Сен хотинингдан қўрқмасмидинг? Албатта, қўрқардинг! Аммо мени қўлга туширолмайсан – мен қўрқсам, фақат ўзимдан қўрқаман, чунки ҳеч ким олдида мажбурият олган эмасман. Энг ёмони шундаки, қамоқхонага совға олиб келадиган одамим йўқ.

Мюллер камера олдида тўхтади. У узоқ вақт кичкина тешикчадан ичкарига қараб турди, кейин посбонга эшикни очишни буюрди. Мюллер биринчи бўлиб камерага кирди. Унинг кетидан Штирлиц ҳам кирди. Посбон эшик олдида қолди. Камерада ҳеч ким йўқ.

* * *

– Гапирасанми?! – деб бақирди Рольф. – Мўъжиза фақат кинодагина бўлади, фақат кинодагина учгача санайдилар! Мен учгача санаб ўтирмайман. Мен деразани очаман-у, боланг ўралган ёпинчиқни ечиб оламан. Тушунарлими? Сен ўз халқинг олдида бурчингни бажараётган бўлсанг, мен ҳам ўз халқим олдидаги бурчимни бажаряпман!

Кэт бирданига ўзини енгил сезиб, учиб кетаётгандек бўлди, қулоқлари шанғиллаб ҳушдан кетди. Рольф стол бурчагига ўтираркан:

– Гельмут, болани ол...– деди.

Аскар болани олиб, чиқиб кетмоқчи эди, аммо Рольф уни тўхтатди:

– Кетмай тур. У ҳозир ҳушига келади, давом эттирамиз... Барбара, марҳамат, сув олиб келинг. Унга ҳам, менга ҳам. Агар юрак дориси бўлса, стаканга томизиб келинг.

– Унга неча томчи бериш керак?

– Унга эмас, менга.

– Хўп бўлади, неча томчи?

– Мен қаердан билай?! Ўнтами... Ўттизтами...

У Кэт олдида тиз чўкиб, икки бетига шапатилади.

– Бу ҳолат хотинларда узоқ вақт давом этармикин? – сўради Рольф Гельмутдан.

– Онангизда қанча давом этган?

– Шундай дегин... Онангизда дейсанми?.. Аблаҳлар ўзлари топ-тоза бўлиб юрадилар, менга эса ана шундай ифлос ишни топширадилар... Гугурт беринг...

– Мен чекмайман.

– Барбара! – қичқирди Рольф. – Гугурт олиб келинг! Қани, қараб кўринг, ўзига келдимикин? Киприклари қимирлаяпти...

– Мен бу ишда ҳеч балони тушунмайман.

– Барбара?– қичқирди Рольф. – Намунча судраласиз?

Қиз икки стаканда сув олиб кирди. Рольф сал кўкимтир стакандаги сувни ичди. Ичиб бетини буриштирди:

– Туф, бемаза нарса экан...

Тамаки тутатиб, у яна Кэт ёнига чўккалади ва қовоқларини кўтариб қўйди. Кэтнинг кўз қорачиғи унга тик қараб турарди.

– Ўлиб қолмаганмикин? – сўради у. – Барбара, сиз қараб кўринг...

Барбара Кэтнинг бошини ўз томонига бурди.

– Йўқ, нафас оляпти.

– Ўзингиз бир нима қилинг. Вақт оз... У ерда натижасини кутиб туришибди...

Барбара авайлаб, уқалаётгандек, оғритмай Кэтнинг юзини шапатайлаб бошлади. Стакандаги сувдан ҳўплаб, юзига пуркади. Кэт чуқур нафас олди, юз мушаклари қимирлаб-қимирлаб қўйди.

Бола илгаригидек чинқириб йиғлар эди.

– Бир бало қилинглар. Қулоқ-миямни еди-ку! – деди Рольф.

– Қорни оч...

– Нега тўтиқушдек бир гапни қайтараверасиз? Фақат ўзим кўнгилчанман деб ўйламанг!

– деб бақириб берди Барбара.

– Бошқа хонага чиқай деб ижозат сўрагандим-ку, ахир...

Телефон жиринглади. Рольф гўшакни кўтариб деди:

– Рольф эшитади. Ким? Эшитаман.

Бола жон-жаҳди билан йиғларди. Унинг овози жуда ўткир эди. Йиғидан юзлари кўкариб, қовоқлари шишиб, лабларининг атрофи оқариб кетганди.

– Олиб кетинг! – қўли билан ишора қилди Рольф, Гельмут болани бошқа хонага олиб чиқди. Аммо боланинг овози қўшни хонадан ҳам эшитилаверди.

– Ҳа, –деб жавоб бера бошлади Рольф. – Йўқ, ҳозирча йўқ... Осон деб ўйлайсизми? Шундай денг? Бўлмаса ўрин алмаштирайлик. Уни қачон сўроқ қила бошладилар? Индамаяптими? Э, дўстона суҳбат қилишяпти денг... Манави дугонаси билан ҳам гаплашиб кўришсин – мен хурсанд бўлардим...

Гельмут болани олиб чиқиб кетгач, Кэт ҳушига келди: у ҳушдан кетган пайтда ҳам шу ерда, даҳшатли хонада ўғли бўлмаса ҳам, худди ёнида ётгандек ҳис этди. Бола қаердадир йиғларди, хона ичи иссиқ, демак, у ойнани ҳали очмаган экан. Нималарни гапиряпти? Кимни сўроқ қилишяпти, ким индамаяптийкин? «У» индамаяпти, «улар» дўстлардек суҳбат қилишяпти. Нима бўлди, Штирлиц қўлга тушганмикин? Агар ҳозир талаб қилаётган гапларини айтиб берса, уни уриб майиб қиладилар ва Кэт уни сотган бўлади. Йўқ, бундай қилиб бўлмайди. Аммо бошқа ҳолатга ҳам йўл қўйиб бўлмайди: гўдакнинг очиқ ойна ёнидаги стол устида қип-қизил тирноқсиз қўлчалари ва қийшиқ оёқчаларини очиб қип-яланғоч ётишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди – совуқ ҳаво гуриллаб киради, гўдак эса ўзини қутқара олмайди, бақириб йиғлашдан бошқа иложи йўқ унинг – бўғилиб қолгунга қадар йиғлайверади...

«Шу азобни кўргандан ўлганим яхши эди, – боласига раҳми келиб ўйларди Кэт. – Ҳамма қутуларди. Ўғилчам ҳам, Юстас ҳам, мен ҳам. Ўлим энг ажойиб, энг гўзал қутулиш йўли бўлар эди... Юрак ҳам шунчалик кучли бўладими? Ёрилиб кетмайсанми! Ёки бутунлай тўхтаб қолмайсанми! Шу қадар азоб берасанми...»

Рольф гўшакни қўйиб деди:

– Менимча, у ўзига келди.

Барбара яна тиз чўкиб, икки бармоғи билан Кэтнинг кўзини очди, унинг киприклари қимирларди.

– Ҳа, – деди Барбара, – ўзига келибди.

– Сув беринг унга.

Кэт ҳамон ўзини ҳушсизликка солиб ётавермоқчи бўлди, лекин унинг юзи ёлғонни билдириб қўйди: қўшни хонада бола йиғлаётгани учун онанинг юзига беихтиёр жон кираверди.

– Бўлди, бас, – деди Рольф. – Ҳушдан кетганлигингиз рост эди, энди муғомбирликни, хотинлар қилиғини ташланг. Ҳеч нима чиқмайди бундан. Сиз эркаклар ишига аралашдингизми, энди майнавозчилик қилманг, Барбара ўтқазиб қўйинг. Туринг! Кўзингизни очинг!

Кэт ўрнидан қимирламади, кўзини ҳам очмади.

«Ўзимга келмаганим яхши эди, – ўйларди у. – Бир бошимга шунчалик азоб тушса-я!»

– Майли, – деди Рольф. – Уни қўйинг, Барбара. Кўриб турибман, ҳамма гапни эшитиб ётибди. Ҳозир мен Гельмутни чақириб, ойнани очиб юборсам, кўзини очади-ю, аммо унда кеч бўлади. Кэт чидай олмай, йиғлаб юборди.

– Хўш? – сўради Рольф. – Ақлингизни йиғиб олдингизми?

Унинг ўзи Кэтни ўрнидан кўтариб, ўтқазиб қўйди.

– Гапирасизми?

– Ўйлаб кўришим керак...

– Ўйлашга вақт йўқ.

– Нима дейишни билмайман... Ёлғон гапиришимни истайсизми?

– Ёлгон гапиришингизни истамайман. Ҳақиқатни гапиришингизни истайман.

– Билганимни айтдим.

– Мен сизга ёрдамлашаман, – деди Рольф. – Ўзингизни сотқин деб ҳисобламаганингиз учун сизга ёрдам бераман. У чўнтагидан Штирлицнинг фотосуратини олиб, Кэтга кўрсатди, аммо Барбара расмни кўрмаслиги учун уни бир томондан тўсиб турди.

– Энди тушунарлими? Гапирмасликдан нима фойда? Гапирасизми?

Кэт ҳамон лом-мим демасди.

– Гапирасанми, йўқми?! – тўсатдан бор овози билан қичқирди Рольф. – Гапирмайсанми?! Гельмут!

Болани кўтариб Гельмут кириб келди, Кэт ўзини болага ташлади, лекин Рольф болани Гельмутнинг қўлидан тортиб олиб, ойнани очиб юборди ва боланинг устидаги ёпинчиқни юлқиб олди. Кэт ўзини Рольфга ташлади, аммо оёғидаги кишанлари халақит бериб йиқилиб тушди, ерга йиқилганда ҳам думалаб Рольфга ташланди. Кэт даҳшатли овоз билан қичқирарди. Рольф ҳам нималарнидир бақариб гапирарди – шу он уст-ма-уст иккита ўқ овози янгради.

* * *

– Мантиқан тўғри, – деди Мюллер, Штирлицнинг гапларини тинглаб бўлиб. – Сизнинг физик Рунгега нисбатан тутган йўлингиз мустаҳкам. Бу соҳада мени ўзингизга иттифоқчи деб ҳисоблайверинг.

– Швеция элчисининг қора «Хорьхи» кетидан қўйган думингиз ҳам шу иш билан боғлиқмиди?

– Думни ҳам сезганмидингиз? Хавфни яхши пайқар экансиз.

– Менинг ўрнимда ҳар қандай аҳмоқ ҳам кетидан илашган думни сезар эди. Ўз уйида қандай хавф бўлиши мумкин? Мен чегарадан ташқарида эмасман-ку...

– Бошингиз оғримаяптими?

– Ташвишданми? – кулиб сўради Штирлиц.

– Қон босимидан, – жавоб берди Мюллер ва чап қўли билан орқа миясини уқалай бошлади.

«У соатга қараб олиши керак эди. У нима-нидир кутиб турибди, – пайқади Штирлиц.

– Унинг қўлида қандайдир далил бўлмаса, бу спектаклни уюштирамаган бўларди. Ким бўлиши мумкин? Пасторми? Плейшнерми? Кэтми?»

– Йогларнинг нафас олиш гимнастикасини қилиб кўришни маслаҳат берардим.

– Унга ишонмайман... Лекин қандай қилишни бир кўрсатинг-чи. Менга кўрсатишган эди, аммо нафи тегишига ишонмадим.

– Чап қўлингизни орқа мияга қўйинг. Йўқ, ундай эмас, фақат бармоқларни қўйинг. Ўнг қўлингизни бош устига кўндаланг қўйинг. Ана шундай. Энди иккала қўл билан уқалайверинг. Фақат кўзингизни юминг.

– Мен кўзимни юмай-да, сиз эса Холтоффнинг бошига туширгандек менинг ҳам бошимга туширинг-а.

– Агар сиз Ватанимга хоинлик қилишни таклиф этсангиз – шундай қилишим мумкин... Обергруппенфюрер, сиз сездирмай соатга қараб қўйдингиз... соатингиз етти дақиқа орқада қолган. Сиз билан бу ерда бир соатдан кўпроқ ўтирдик. Мен очиқ гапни яхши кўраман. Айниқса, ўзимизнинг одамларимиз бўлса.

Мюллер кулиб юборди:

– Менинг қўл остимда ишламаганингиздан доим афсусланардим. Сизни аллақачон ўринбосар қилиб олардим.

– Мен розилик бермасдим.

– Нимага розилик бермасдингиз?

– Сизнинг ўринбосарингиз бўлишга.

– Нега?

– Сиз рашк қилаверасиз. Муҳаббати кучли, содиқ хотиндек рашк қиласиз. Бу – рашкнинг энг даҳшатли кўриниши... Энг азоб берувчи кўриниши.

– Умуман мени тўғри тушунгансиз. Тўғри, бу даҳшатли рашкни бошқача қилиб, масалан, ўртоқлар устидан ғамхўрлик деб аташ ҳам мумкин – аммо технология масаласидир.

Мюллер яна соатига қаради: бу гал соатга қараганини яширмади. «Аммо жуда уста мутахассис, – деди ўзига ўзи Мюллер. – У ҳамма нарсани сўз орқали эмас, ҳаракат ва кайфиятдан билиб оларкан. Бало экансан. Агар бизга қарши ишлаган бўлса, унинг рейхга келтирган зарарини ўлчаш менинг қўлимдан келмасди-ёв. Ана шундай битта артист бизнинг минглаб бечора аскарларимизга арзийди...»

– Майли, – деди Мюллер. – Очиқ гаплашамиз. Ҳозир, дўстим, бир дақиқа...

У ўрнидан туриб, оғир эшикни очди. Оғирлигига қарамай, эшик осонгина очилди. У эринчоқлик билан тирноғини тозалаб турган посбондан сўради:

– Шольцга телефон қилинг, янгилик бормикин? Мюллер икки-уч соат давомида Рольф рус қизини гапиртиради деб мўлжаллаган эди. Уни бу ерга олиб келадилар, бир-бировлари билан

юзлаштирамиз. Бўлса бўлди, бўлмаса йўқ. Агар тўғри чиқса, далилни текшириш – айғоқчининг бурчидир. Штирлицни қандай сўроқ қилишни ҳам ўйлаб қўйган эди Мюллер: Рольф рус қизини гапиртиргандан кейин, Мюллер ўз кузирларини ўртага ташлайди, Штирлицнинг ўзини қандай тутишини кузатиб туради, кейин эса пианиночи билан юзлаштиради.

– Ҳозир, – орқасига, камерага қараб деди Мюллер. – Мен битта хабарни кутяпман...

Штирлиц елкасини қисиб:

– Нега энди бу ерга олиб келиш керак эди мени, хонангизда гаплашсак бўлмасмиди? – деди.

– Бу ер тинчроқ. Агар ҳаммаси мен истангандек тугаса, биргалашиб хонага чиқамиз, ҳамма иккаламиз менинг идорамда қандайдир иш билан банд бўлганимиздан хабардор бўлади, холос.

– Менинг бошлиғим бундан хабардорми?

– Кимнинг рашикидан қўрқасиз, меникиданми ёки уникидан?

– Сизнингча, қандай?

– Таваккал иш қилишингиз менга ёқади.

– Бошқа иложим йўқ. Кейин мен доим аниқликни яхши кўраман.

– Аниқлик – мавҳумот шаклларида бири. Сиз ўта айёрсиз, биламан.

Посбон кириб, деди:

– У ёқдан ҳеч ким жавоб бермаётган эмиш. Мюллер ҳайрон бўлиб, лабларини буриштирди ва ўзини юпатди: «Телефон қилмай бу ерга жўнаган бўлса керак. Каналим банд бўлган бўлса, вақтни тежай деб жўнайверган. Жуда яхши. Демак, ўн-ўн беш дақиқадан кейин Рольф уни бу ерга етказиб келади».

– Майли, – қайтарди Мюллер. – Инжилда айтилгандек: тош териш ва яна уларни отиш вақти келди.

– Сизга мактабда илоҳиётдан яхши таълим беришмабди, – деди Штирлиц. – Екклезиаст пайгамбарнинг китобларида бундай дейилган: ҳар томонга тош отиш ва уларни териш вақти келди: қучоқ очиш ва қучоқдан қочиш вақти етди.

Мюллер сўради:

– Сиз Инжилни қўл остингизда бўлган пастор Шлаг билан биргалашиб ўрганганмисиз дейман-а?

– Мен Инжилни тез-тез ўқиб турардим. Душманни енгил учун унинг мафкурасини билмоқ зарур, шундай эмасми? Буни жанг пайтида ўрганиш эса – мағлубиятга тенг.

«Пасторни чет элда қўлга туширдилармикин? Бўлиши мумкин. Йўқ, станциядан келаётганимда йўлда бирорта машинани учратмадим.

Аммо улар мендан олдинроқ йўлга чиққан ва пистирмада кутиб турган бўлишлари мумкин. Ҳозир эса – вақти тўғри келади – Берлинга яқинлашиб қолгандирлар. Хўш, мен хўжайиним билан юзма-юз учрашишни талаб қиламан. Ҳужум қилавериш керак. Асло мудофаага ўтмаслик лозим. Борди-ю, Мюллер мендан, айғоқчи Клаус қаерда, деб сўраб қолса-чи? Уйда стол тортмасида хат ётган бўлиши керак. Жуда аниқ далил, аммо воқеалар келиб-келиб пасторга тутатишини ким билганди дейсиз? Клаус билан бўлган воқеани ҳали исбот этишлари керак. Вақт эса менинг фойдамга ишляпти».

Мюллер Штирлицнинг кўзларига тикилганча кўкрак чўнтагидан шошилмай кўк хатжилдни олди.

«Нима бўлса бўлсин – мен ишимни бажариб қўйдим,– мулоҳазасини давом эттирди Штирлиц. – Аҳмоқ, шошилмай, имиллаб ҳаракат қилиши билан мени карахт қилиб қўйиб, ўзини қаерга қўйишни билмай типирчилаб қолади, деб ўйлаяпти. Ўйласанг ўйлайвер. Имиллаши менга фойда қайтага, ўйлаб олиш учун йигирма сонияча вақт қоляпти ихтиёримда. Пастор гапириб қўйиши мумкин, лекин бунинг хавотирли жойи йўқ. Муҳими – Плейшнер одамларимизни Кэтнинг қўлга тушганлиги ва Вольфнинг музокара бошлаганлиги ёки бошламоқчи эканлиги ҳақида огоҳдантириб қўйди. Агар мен қўлга тушсам, бизникилар ишни давом эттиришлари керак, энди қайси томонга эътибор бериш лозимлигини биладилар. Менинг шифримни Мюллер тополмайди – ўзим ва бошлиғимдан бошқа ҳеч ким билмайди уни. Мендан эса ҳеч нарсани билиб ололмайдилар – бунга имоним комил».

– Мана, – деди Мюллер чўнтагидан учта бармоқ излари тасвирланган расмни олиб,– бунга қаранг, жуда қизиқ. Бу бармоқ излари, – дея Штирлицнинг олдида биринчи расмни суриб қўйди,– бечора, тентак, лақма Холтоффга сиз сув ичирган стакандагиси. Манависини, – Мюллер қарта орасидан кузирни олиб ташлаётгандек, иккинчи расмни ташлади, – биз... қаердан топишимиз мумкин? А?

– Менинг бармоқ изларимни Голландиядан, Мадриддан, Токиодан, Анқарадан топиш мумкин, – деди Штирлиц.

– Яна қаердан?

– Эслашим мумкин, аммо бунга камида ўн беш соатча вақт кетади. У ҳолда тушки овқатгагина эмас, кечки овқатга ҳам кечикамиз...

– Майли, мен оч ўтиришга ҳам тайёрман. Айтгандек, йогларингиз очликни дардга энг яхши даво деб ҳисоблар эканлар ва уларнинг башорат қилишларича бора-бора сўзакни сульфидин билан эмас, балки бир ҳафталик очлик билан даволайдиган бўлармишлар... Хўш, эсладингизми?

– Гапимизнинг тайини бўлмаяпти. Агар мен қамалган бўлсам, буни росмана айтаверинг – унда сизнинг саволларингизга маҳбус сифатида жавоб бераман. Акс ҳолда эса – саволларингизга жавоб бермайман.

– Жавоб бермайман, – Штирлицнинг сўзини қайтарди Мюллер.

– Жавоб бермайман.

У соатига қаради: агар ҳозир Рольф кириб келганда у узатгичдан гап бошларди, лекин Рольф кечикяпти, шунинг учун Мюллер бундай деди:

– Илтимос, ҳаммага кириш ман этилган махсус алоқахонадан телефон орқали гаплашганингиздан кейин нима қилганингизни – иложи бўлса дақиқама-дақиқа – аниқ айтиб берсангиз.

«Учинчи расмни ҳали кўрсатгани йўқ,– ўйларди Штирлиц.– Демак, унда яна бирор нарса бор. Демак, кейин яна ҳаддан ошиб кетмаслиги учун ҳозирнинг ўзида зарба бериш зарур».

– Мен махсус алоқа хонасига кирган эканман, унда алоқачиларни бепарволик ва қўрқоқликлари учун судга бериш керак. Чунки улар калитни эшикда қолдириб, бомбапанага қуён бўлганлар – мен портайгеноссе Борман билан учрашдим. У билан икки соатдан кўпроқ бирга бўлдим. У билан нималар ҳақида гаплашдинглар, деб сўрасангиз, табиийки, мен жавоб бермайман.

– Жавоб бермаслигингиз мумкин эди, агар...

– «Агарингизни» қўйинг...

– Ҳаддан ошманг, Штирлиц, ҳаддан ошманг... Ҳар ҳолда унвоним ҳам, ёшим ҳам сиздан каттароқ...

«Сўз ўйинига таклиф этипти, – дарҳол пайқади Штирлиц. – У қамоққа олинганимни англатмоқчи бўлиб шундай жавоб қилди. Агар шундай бўлса – уларнинг қўлида далил йўқ, аммо уни кутмоқдалар – мендан ҳам кутмоқдалар буни. Демак, ҳали қутулиб кетиш имкониятим бор экан».

– Кечирасиз, группенфюрер.

– Бу бошқа гап. Хўш, Борман билан, партайгеноссе Борман билан нима ҳақда суҳбат қилдинглар?

– Саволингизга партайгеноссе Борман ҳозир бўлган тақдирдагина жавоб беришим мумкин – мени тўғри тушунишингизни истардим.

– Агар Бормансиз жавоб бераверганингизда, балки учинчи саволга жавоб беришингизнинг ҳождати қолмас эди...

Мюллер яна бир марта соатига қараб қўйди – Рольф ҳозир бу ерга тушиб келиши керак; Мюллер, вақтни жуда яхши ҳисобга оламан, деб ўйлаб юарди.

– Учинчи саволингиз рейх ва фюрер манфатига зид бўлмай, фақат ўзимгагина дахлдор бўлса жавоб беришга тайёрман.

– Савол шахсан сизга тегишли. Бу бармоқларни одамларим рус радио мутахассисининг жомадонидан топишган, Штирлиц... Бу саволга жавоб беришингиз қийин бўлса керак.

– Нега энди? Бу саволга жавоб бериш қийин эмас: радио мутахассисининг жомадони-

ни мен Рольфнинг хонасида кўздан кечирган эдим – уни чақиринг, айтиб беради.

– У буни аллақачон айтган.

– Бўлмаса, гап нимада ўзи?

– Гап шундаки, бармоқларингизнинг изи жомадон ҳали бизга келмасдан олдин, гестапонинг туман бўлимида кўчириб олинган эди.

– Хато қилишмаганмикин?

– Хато қилишлари мумкин эмас.

– Тасодиф-чи?

– Мумкин. Бироқ исбот этилган тасодиф бўлиши керак. Нега Берлиндаги уйларда сақланаётган йигирма миллион жомадондан худди рус пианиночиси ўз ашқол-дашқолларини сақлаган жомадонда сизнинг бармоқ изларингиз қолар экан? Шуни тушунтириб беринг-чи?

– Ҳа... ҳа... Буни тушунтириш қийин ёки деярли мумкин эмас. Сизнинг ўрнингизда бўлсам, мен ҳам бирорта баҳонага ишонмас эдим. Сизнинг гапингизни тушундим, группенфюрер, тушундим...

– Мен сиздан исботловчи жавоб олишни кутардим, Штирлиц, ростини айтсам, сизни жуда ҳурмат қиламан.

– Ишонаман...

– Ҳозир Рольф бу ерга рус пианиночисини олиб келади, аминманки, у бизга ноаниқ нарсани – рация сақланган жомадонда сиз қачон из қолдирганингизни топишга ёрдам беради.

– Рус радио мутахассисими? – елкасини қисиб қўйди Штирлиц. – Мен госпиталдан олиб кетган аёлними? Менда кўриш хотираси зўр. Агар уни мен илгари кўрган бўлсам, қиёфаси эсимда қоларди. Йўқ, у бизга ёрдам беролмайди...

– У сизга ёрдам беради, – эътироз билдирди Мюллер. – Кейин яна мана бу нарса ҳам...– у яна кўкрак чўнтагидан ниманидир олди, – ёрдам беради...

Шундан сўнг у Штирлицга унинг Плейшнердан Бернга бериб юборган шифровкасини кўрсатди.

«Буниси энди тузоққа тушиш, – тушунди Штирлиц, – энди қўлга тушибман. Бизникилар ҳам ҳеч нима билмайдилар, мен эса қип-қизил аҳмоқ бўлиб чиқдим. Плейшнер – ё қўрқоқ, ё ландавур, ёки сотқин экан».

* * *

«Берлин, Шаҳзода Альбрехштрассе.
Прагага.

Қадрдон Крюгер!

СС обергруппенфюрери Кальтенбруннернинг топшириғи билан менинг ходимларим полковник Берг ҳақида қуйидагиларни аниқладилар. Унинг империя хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғига шахсан танишлиги тўғрисида Сизга нотўғри маълумот берибдилар. Генерал Нойбут илтимосига биноан биз Берг иши билан шуғулланган эдик, аммо Канарис билан алоқаси борлиги юзасидан унга айб қўйиш учун етарли далиллар тополмадик. Аммо Сиз унга шундай масъулиятли ишни топширибсизки, бунинг учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Энди у ишни бошлаб юборган экан, оператив манфаатни кўзлаб, уни бу ишдан четлатиш мақсадга мувофиқ бўлмас деб ўйлайман. Аксинча, унга мураккаб, лекин майдароқ ишларни (албатта, ҳал қилувчи ишларни эмас) топшириб, Берг орқасидан жиддий назорат ўрнатишни

Сиздан сўрардим. Сизга маълумки, Канарис Флосенбург қамоқхонада ётибди, шу сабабли, унинг хоинлик фаолиятига доир оз бўлса ҳам ҳақиқатни топиш биз учун жуда муҳим. Шунинг учун Берг қораловчининг гувоҳи ёки, ҳатто ҳимоячининг гувоҳи сифатида сўзга чиқа олса, ишончим комилки, раҳбарлар Сиздан жуда миннатдор бўларди. Очиғини айтай, Краков операцияси барбод бўлган ва шаҳар руслар қўлига бут-бутунлигича бериб қўйилганидан кейин Берг билан шу масала юзасидан иш олиб борсангиз, шубҳасиз, Сизнинг катта муваффақият қозонганингиз ва ўзингизни бутунлай оқлаганингиз бўлади... Аминманки, Прага гестапоси бошлиғининг ёрдамчиси вазифаси Сизнинг тажрибангизга ҳам, Сиздаги имкониятларга ҳам муносиб эмас.

СС штандартенфюрери Штирлиц томонидан уста массажчи сифатида жуда юксак баҳоланган контрразведка жосуси Гришанчиков жанобларига келганда, у билан менинг одамларим шуғулланади. Мени тўғри тушунишингизни сўрайман: бу – Сизга ишончсизлик билдириш деган гап эмас.

Бу ердаги, Берлиндаги вазият шундай қарорга келишга мажбур этмоқда. Сиз ушбу хатни ҳузурингизга олиб борадиган ходимимга қўлдан келган ёрдамни берасиз деб ишонаман. Сиз уни танийсиз. Айсман фюрерга ниҳоятда содиқ одам, чинакам айфоқчи, кўп нарсаларни биладиган зиёли, жонон йигит.

Қўлингизни сиқиб қолувчи
дўстингиз МЮЛЛЕР».



Плейшнер яна эшикни итарди, аммо у ёпиқ эди, кичкина ойначадан эса осмонни шу ойначадан кўрган эди – чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди.

«Кейин бу кино эмас-ку ахир, – ҳорфинлик билан, ўз ишини худди четдан кузатиб турган кишидек ўйлаб қолди у, – кўзойнак таққан кекса одам ойнадан чиқиб кетаман деб қисилиб, оёғи осилиб қолса... Осилиб қолган оёғимдан тортиб олаверадилар». У бир поғона тепага кўтарилди, уч метр баландликда жойлашган деразача кичкинагина тинч кўчага қараган эди, кўчада эса бояги шляпали икки киши шошилмай кетяпти. Улар энди витриналарни томоша қилишни бас қилишган, ўзларини танимасликка олаётганлари йўқ эди. У яна бир поғона кўтарилди: ҳовлига қараган деразага фанер қоқиб қўйилган – афтидан, ойнаси синган ёки таъмирламоқчидирлар – зинапоя жуда эскирган, бўёқлари кўчиб кетганди.

«Ҳаммасидан ҳам даҳшатлиси ечинтириб, оғзингни текширадиган пайтлари – ўшанда ўзингни бир ҳашаротдек ҳис қиласан. Римда одамни ўлдириб қўя қолардилар – софдил антик давр, ажойиб давр!.. Булар эса кишини дорга осиб олдидан оёқости қилсалар!... Қийноққа чидаб туrolмайман, албатта. Ўшанда, биринчи марта яширадиган гапим йўқ эди, барибир дош беролмадим, нимани истасалар, шуни айтиб бердим, нимани талаб қилсалар, шуни ёзиб бердим. Унда мен ёшроқ эдим. Ҳозир ҳам мени қийноққа солсалар, чидай олмай хоинлик қилишим, укам хотирасига хоинлик

қилишим турган гап. Укам хотирасини ҳақорат қилгандан кўра ўлганим, хоинликсиз ўлиб кетганим яхшироқ».

У эшик ёнида тўхтади. Эшикдаги тахтачада «Ҳуқуқшунослик доктори Франц Ульм» деб ёзиб қўйилган эди.

«Ҳозир шу Ульм эшигидаги қўнғироқни босаман, – деб эслаб қолди Плейшнер. – Юрагимнинг мазаси қочиб қолди дейман унга. Бармоқларим муздек бўлиб кетди, башарам ҳам докадек оппоқ бўлса керак. Доктор чақирсин. Майли, улар мени одамлар кўзи олдида отаверишсин – бирор гап айтишга улгураман-ку ҳарқалай».

Плейшнер қўнғироқ тугмасини босди. У эшик орқасидан узоқ дириллаган овозни эшитди.

«Доктор қаерда турасиз деб сўраб қолса-чи? – ўйларди у. – Нима бўпти? Қолаверса, шу ердаги полиция қўлига тушаман. Гитлернинг умри тугаб қолди, шундан кейин ким ва қаердан эканлигимни айтиб беришим мумкин.

У қўнғироқ тугмасини яна бир марта босди, аммо ҳеч ким жавоб бермади.

«Бу Ульм тушмагур ҳозир қаҳвахонада, музқаймоқ еб ўтиргандир. Қулупнайми, касир-кусур ширинлик еётган бўлса керак, – яна хаёл сурди Плейшнер. – Яна газета ҳам ўқиётгандир, мен билан неча пуллик иши бор унинг».

У бошқа эшик ёнига бориб, қўнғироқ тугмасини босди. Бу ердаги қўнғироқ жиринглади ва ичкаридан боланинг чийилдоқ овози эшитилди:

– Ким?

Плейшнер негадир тиззасига чўкиб, пичирлаб сўради:

- Болам, оч эшикни...
- Ким бу? – яна сўради бола.
- Барака топкур, эшикни оч, – овозини сал баландлатиб деди Плейшнер, аммо унга овози бутун уйдан эшитилаётгандек бўлиб туюлди.
- Сиз кимсиз? Ойим, Микки Маус бир йилдан кейин келади деган эдилар.
- Мен Микки Маус эмасман, унинг укаси-ман... Ундан совғалар олиб келдим...
- Нима олиб келдинг?
- Эшикни оч, – деб шивирлади Плейшнер, ўрнидан туриб, – мен сенга мурватли мотоцикл олиб келдим...
- Акам мотоцикл ўйнайди... Мен қўғирчоқ ўйнайман... Мен қиз боламан...
- Қўғирчоқ ҳам бор. Катта қўғирчоқ, гапиради, кўзлари очилиб ёпилади.
- Сочи оқми?
- Оқ.
- Унақаси ўзимдаям бор... Менга сочи қораси керак...
- Сочи қораси ҳам бор, – деди Плейшнер. – Тезроқ очақол.
- У пастдаги эшик ёпилганини эшитди: бояги икки киши кириб келди, шекилли. Қадам товушлари эшитилди, кейин қизчанинг овози эшитилди:
- Ойим устимдан қулфлаб кетганлар, ҳозир келиб қоладилар...
- Қизча гапини давом эттираверди, аммо Плейшнер қулоқ солмай юқорига югуриб кетди. У яширин хонадон рўпарасидаги эшикнинг қўнғироғини босмоқчи бўлиб, юқорига яна бир поғона югуриб чиқди. Аммо яширин

хонадон эшиги очилиб, остонада сариқ сочли йигит пайдо бўлди.

– Рақамни адаштирибсиз, ўртоқ. Бу ерда фақат биз ва сиз ҳозиргина қўнғироқ қилган хонадагиларгина турамиз, бошқалар ҳар қаёққа жўнаб кетишган. Шундай қилиб, ўзингизни хавфсиз жойдаман деб ҳисоблайверинг, – деди у.

«Қўлёзмам меҳмонхонадаги стол устида қолиб кетди. Қоқ ярмисида тўхтатган эдим, жуда илҳом келган эди-да. Агар мен бу ерларга келмаганимда, Берлинда ёзиб ўтирган бўлар эдим, ҳозир бу даҳшатлар тутагандан кейин эса ҳамма қўлёзмаларимни тўплаб, китоб қилиб чиқарар эдим. Энди қўлёзмаларим кимларнинг қўлига тушади. Бунинг устига дастхатимни ҳеч ким тушунмайди ҳам».

У деразани очди-ю, ўзини пастга ташлади. У одамлар эшитсин деб қичқирмоқчи ҳам бўлди, аммо қичқиролмади; чунки ўша ондаёқ юраги ёрилиб бўлганди.

15

Мюллер шундоққина эшик ёнида ўтирарди. У ерда чўзилиб ётган Рольф билан Барбарани кетма-кет расмга олаётган фотограф ва мутахассислар ишини кузатиб туриш учун шу жойга ўтирган эди.

– Ҳеч нима йўқ, – деди оператив гуруҳ аъзоларидан бири, – ҳеч қандай из қолмаган.

Мюллер Рольф ўлдирилган жойга энг яхши изқуварлари – йигирманчи йилларда биргаликда жинойатчиларни, Гитлернинг издошларию Тельманнинг тарафдорларини ҳам қўлга

тушириб юрган кекса ходимларни олиб келганди. Камдан-кам ҳоллардагина улардан фойдаланарди. Мюллер уларни гердайиб кетишмасин деб гестапога ўтказмасди: бу ердаги ҳар бир терговчи мутахассислар, айғоқчилар, диктофонлар ёрдамига суянарди. Мюллер эса Чапекнинг ихлосманди эди. Бу ёзувчининг асарларидаги изқуварлар фақат ўз мияси ва ўз тажрибасига суяниб иш кўрардилар.

«Рухоний киши ҳеч вақт ўз динини ислоҳ қилолмайди, – деган эди бир вақт Мюллер. – Ислоҳотчилар доим четдан келади. Шу сабабли бўлажак ислоҳотчилар мени ағдариб ташла-масликлари учун кексаларни захирада сақлаб юраман. Улар, уларнинг тажрибаси вақти-вақти билан менинг ўзимга баъзи ишларни қайтадан ташкил қилишга ёрдам бериб турибди».

– Ҳеч нима йўқми? – такрор сўради Мюллер.
– Ҳеч нима-я. Бирорта илинтирадиган далил йўқми?

– Ҳеч вақо, – жавоб берди сочлари оппоқ, ранги заъфарон чол. Мюллер унинг исмини эсдан чиқарган, аммо у билан 1926 йилдан бери «сан-санлашиб» келган. – Сен Мюнхенда очган қотилликка ўхшайди.

– Эгонштрасседами?

– Ҳа. Тўққизинчи уй эди, шекилли. Саккизинчи. Қотил кўчанинг уй рақамлари жуфт томонида ўлдирган эди...

– Хотиранг жуда зўр-да.

– Сеники-чи, пасайиб қолдими?

– Йод ичяпман.

– Мен бўлсам арақ ичяпман.

– Сен генералсан. Арақ ичсанг бўлади. Биз араққа пулни қаердан оламин?

– Пора ол, – деб кулиб юборди Мюллер.

– Кейин қўл-оёқ қайирувчиларинг қўлига тусшайми? Ундан кўра тинчгина йод ичиб юрганним маъқул.

– Ичавер, – рози бўлди Мюллер. – Ичавер. Очигини айтсам, мен жон-жон деб арақни йодга алмаштирар эдим

– Ишинг кўпми?

Мюллер жавоб берди:

– Ҳозирча кўп. Яқинда иш қолмайди. Хўш, нима қилдик? Шундай қилиб, ҳеч нима йўқми?

– Одамларинг манавиларни гумдон қилган ўқларни, лабораторияда текшириб чиқишсин. – Текширишга текширадилар, – деди Мюллер.

– Албатта, текширадилар, бундан хотиржам бўл. Яна бир чол кириб келди-да, Мюллернинг ёнига курси қўйиб ўтирди.

«Чол тушмагур, – ўйларди Мюллер, – унга тикилиб қарар экан, – сочини бўяр экан. Ҳа, ростдан ҳам сочи бўялган».

– Хўш, – сўради Мюллер. – Гюнтер, нима топдинг?

– Унча-мунча нарсa топдим.

– Менга қара, сочинини нима билан бўйясан?

– Хина билан. Сочим оқ ҳам, қора ҳам эмас, лойқа ранг, Ильзе бўлса вафот этди. Ёшлар эса ёш аскарларга ишқивоз, кекса изқуварларга йўл бўлсин.

– Аскарлар фронтда-ку?

– Ногиронлар-чи? Улар ўйин-кулги қилиб юришибди...

– Ахир уларнинг оёғи йўқ-ку?

– Бу ишда оёқнинг ҳожати йўқ, – кулиб юборди Гюнтер. – Қулоқ сол, қаршидаги уйда

яшовчи кампир бундан бир соат олдин аскар билан бир аёлни кўрган. Аёлнинг қўлида бола-си бор экан. Улар шошилиб кетаётган эканлар.

– Аскарнинг кийими қанақа экан?

– Қанақа бўларди? Формада...

– Иштонда чиқмайди-ку ахир, буни ўзим ҳам биламан! Формаси қора эканми?

– Э-э... Албатта, қора бўлади-да, кўк формадагиларга посбонликни топширмайсизлар-ку!..

– Қанақа машинага ўтиришибди?

– Автобусга ўтиришибди.

Мюллер ҳайрон қолиб, ўрнидан туриб кетди:

– Нега автобусга?!

– Шундай. Ўн еттинчи автобусга.

– Қайси томонга кетишибди?

– Бу ёққа, – қўли билан кўрсатди Гюнтер, – Фарбга. Мюллер ўрнидан сапчиб туриб, телефон гўшагини олди-ю, шошганча рақамни териб буюрди:

– Шольц! Дарҳол бажаринг! Ўн еттинчи автобус йўлига махсус гуруҳ қўйилсин – бу биринчиси! Пианиночи ва соқчи. Нима? Исмини қаердан биламан! Исмини аниқланг! Иккинчиси – у ҳақдаги маълумотларни топинг: ким, қаердан экан, қариндошлари қаердалигини билинг. Кимлар билан учрашган, кимлар билан алоқа қилган, дарҳол ўшаларнинг рўйхатини юборинг менга. Агар у Штирлиц борадиган жойларда бирор марта бўлган бўлса ҳам дарров хабар қилинг менга! Нима? Фронтдами, исловатхонадами, денгиз соҳилидами, барибир қаердалигининг аҳамияти йўқ!

Мюллер илгаригидек эшик ёнидаги курсида ўтирарди. Гестапонинг ҳамма мутахассислари ва фотограф жўнаб кетди. У иккала чол билан

қолди, улар эски вақтларни эслаб, хўп отамлашишди. Мюллер уларни тинглар экан, баъзан кўзига ёш оларди: чоллар ёшлик пайтларини, ҳамма нарса жўн ва кундай равшан, дўстларнинг кетига тушиб юрмайдиган, дори-дармонсиз ухланадиган, қирчиллама пайтларини эсладилар.

– Алло, – деди Мюллер, яна рақамни териб, – Штирлицнинг уйига пистирма қўйгани махсус гуруҳ юборинг... Қанча вақт? Қанча керак бўлса, шунча ўтиришади... Штирлиц ярим соатдан кейин келади деб жавоб беришсин. Ким десинлар? Ҳайдовчисиман десинлар...

«Мен ютқаздим, – мулоҳаза қила бошлади Мюллер: – эски оғайнилари билан тўйиб суҳбат қилгандан сўнг хотиржам тортиб, – лекин ихтиёримда ҳали Берн турибди. Албатта, у ерда иш анча мураккаброқ бўлади. У ерда полиция ва чегарачилар бегона. Аммо асосий кузир, менимча, қўлдан бой берилди. Улар югуриб автобуска тушганлар, бу ҳол операция олдиндан тайёрланмаганини кўрсатиб турибди. Башарти олдиндан пухта операция тайёрланган бўлса, улар бир амаллаб машина топардилар. Йўқ, операция ўтказилганини хаёлга ҳам келтирмаслик керак. Руслар, албатта, ўз одамларини қутқариш пайдан бўладилар, аммо битта пианиночини халос этишга бир неча кишини ўлимга юбормаслар-ов. Аммо қўлида боласи борлиги туфайли оғзидан гуллаб қўяди, деб қўрққан бўлишлари ҳам мумкин. Ана шу сабабдан ҳам шунчалик қалтис йўл тутгандирлар, балки. Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ҳеч қандай қалтис режа асосида иш кўрмаганлар... фирт аҳмоқлик-ку бу!»

У яна телефон гўшагини олди.

– Мюллерман. Эс-бан ва у-бан йўлларидаги полицияни бола кўтарган аёл ҳақида огоҳлантириб қўйинг. Унинг кўринишини тасвирлаб беринг. Кейин, уни ўғри ва қотил деб тушунтиринг, дарҳол ушласинлар. Мабодо, янглишиб бошқаларни ушласалар ҳам майли – афв эман уларни. Фақат мен кутганимни қўлдан бой бермасалар бўлгани...

Штирлиц яна соатига қаради: Мюллер уч соатдан бери йўқ эди.

«Қизчани гапиртира олмаганлар, – тушунди Штирлиц. – Ёки уни Плейшнер билан юзма-юз қилдилармикин? Бунинг қўрқинчли жойи йўқ – улар бир-бирларини танимайдилар. Мюллер нималарнидир боғлай ололмаяпти. Бирор гап бўлганга ўхшайди, менинг ихтиёримда эса ортиқча муддат бор, ундан фойдаланиб қолишим шарт».

У мумкин бўлган ҳамма хулосаларни бир-бир элакдан ўтказаркан, шошилмай камеранинг у бурчагидан бу бурчагига юрарди. Жомадон билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани бир-бир эслади. Ҳа, тўғри, Эрвин ўрмонда сирғаниб кетиб, сал бўлмаса йиқилаёзган пайтда жомадонни ушлаб қолган эди. Бу воқеа бомбардимондан олдин, кечаси бўлганди. Ҳа, бир мартагина қўлига олганди уни.

«Бир дақиқа! – деб ўзини ўзи тўхтатди Штирлиц. – Бомбардимондан олдин бўлганлиги тўғри... Бомбардимондан кейин ҳам мен у ерда машинам билан турган эдим... У ерда машиналар кўп эди... Ўт ўчирувчилар ишлаётгани учун йўл тўсилган эди. Мен у ерга нега боргандим? Шунинг учунки, Кудамштрассега борадиган йўл берк бўлганлиги учун мен ўша

жойдан ўтмоқчи бўлдим. Ўша куни эрталаб бомбалар тушган жойни ўраб олган полициячиларни чақиртиришни талаб қиламан. Демак, полиция мени қайтарганлиги учун у ерга бориб қолдим. Хужжатларда бомбардимондан кейин сақланиб қолган жомадонларнинг расми бор. Мен полициячи билан гаплашган эдим, башараси ҳам ёдимда, у эса кўрсатган жетонимни эслаб қолган бўлса керак... Мен жомадонларни кўтаришга ёрдамлашдим, – қани, йўқ деб кўрсин-чи. Йўқ дея олмайди, юзма-юз қилишларини талаб қиламан. Йиғлаб турган аёлга болалар каравотини кўчанинг нариги бетига ўтқазиб берганимни ҳам айтаман; аёл ҳам буни тасдиқлайди, бундай нарса ёдда қолади».

Штирлиц эшикни ура бошлади, эшик очилиб кетди: у ёпиқ эмасди, аммо остонада икки посбон турарди. Учинчиси Штирлиц камераси олдидан бир одамни олиб ўтди. Одамнинг башарасида соғ жой қолмаган эди. Аммо Штирлиц бир қарашда Борманнинг шахсий ҳайдовчисини таниди. У гестапо айғоқчи бўлмаган ва Штирлиц партия идорасининг бошлиғи билан гаплашганда машинани шу ҳайдовчи ҳайдаб борган эди.

Штирлиц ўзини тетик сеза бошлади. Вақтни бой бермаслик керак.

– Дўстим, групенфюрер Мюллерга дарҳол телефон қилинг. Эсига тушибди денг! Ҳаммасини эслабди денг! Тезлик билан бу ерга тушини сўранг!

«Плейшнерни ҳали олиб келганлари йўқ! Биринчиси, Кэт билан иш битмадп. Бу иккинчиси. Чиқиб кетиш учун фақат вақтдан ютиш ке-

рак. Вақт ва Борман. Агар сусткашлик қилсам, у ютиб чиқади».

– Хўп бўлади, – деди посбон, – ҳозир айтаман, штандартенфюрер...

* * *

Эмизикли болалар етимхонасидаги оппоқ ялтироқ бўёқ билан бўялган туйнук олдида ёндирилмаган тамакини тишлаб олган баланд бўйли аскар турарди. Дам-бадам соатига қарашидан шошилаётганга ўхшарди. Туйнукча очилгач, у ичкарига ҳадиксираб назар ташлаб, секин сўради:

– Кечирасиз, битта илтимосим бор...

– Ҳозир илтимосингизни бажаролмаймиз, – жавоб берди сочига катта оқ тўғнағич қадаган аёл. – Ҳозир овқат пайти, ҳамма банд...

– Мен фронтдан ярим кунга келган эдим. Тезроқ жўнаб кетишим керак.

– Афсус, жаноблари, лекин ҳозир болалар...

– Балки маъмуриятдан бирор киши олдимга чиқар...

– Маъмуриятдан ҳеч ким йўқ. Улар ё фронтда, ё болалар олдида. Яна бир карра кечирасиз, – деб туйнукчани аёл таққа ёпиб қўйди.

– Болалар қачон овқатланиб бўлади? Аёл туйнукчани очмай жавоб берди:

– Ярим соатдан кейин. Ярим соатдан кейин келсангиз, марҳамат, ёрдам беришимиз мумкин...

Аскар етимхонадан чиқиб, кўчани кесиб ўтди ва вайрон бўлган уйнинг ертўласига тушди. У ерда Кэт синиқ қутилар устида боласини эмизиб ўтирарди.

– Нима гап? – деб сўради у.

– Иш чатоқ, – жавоб берди Гельмут. – Ярим соат кутиш керак.

– Кутиб турамиз, – уни юпатди Кэт. – Кутамиз...

– Энди ҳеч нарса бўлмайди. Қаерда эканимизни қаёқдан билишарди. Умуман олганда, тўғри, аммо шаҳардан тезроқ чиқиб кетишимиз керак, бўлмаса топиб оладилар. Уларнинг қандай излашларини яхши биламан. Балки сиз кетаверарсиз? Агар иш битса, мен сизга етиб оламан. Майлими? Келишиб олайлик – қаерда кутай сизни...

– Йўқ, – деди Кэт бош чайқаб, – керак эмас. Мен кутиб тураман... Бу шаҳарда барибир борадиган жойим йўқ...

Шольц Мюллерга телефон қилиб, бундай деди:

– Штирлиц ҳаммасини эслаганлигини сизга айтишни сўраган эди.

– Шундайми? – жонланди Мюллер ва шерикларига секинроқ кулинглар деб ишора қилди. – Қачон?

– Ҳозиргина.

– Яхши. Келяпти денг. Янгилик йўқми?

– Айтарли янгилик йўқ.

– Ҳалиги соқчи ҳақида ҳеч нима тўпламадингизми?

– Бор-у, арзимайдиган...

– Нима экан? – сўради Мюллер беихтиёр – шунчаки тартибни сақлаш учун, айти пайтда ёнидаги курсидан пальтосини оларкан.

– Хотини, болалари ва қариндошлари ҳақида.

– Шулар арзимайдиганми? – Мюллернинг жаҳли чиқиб кетди. – Муҳим нарсалар-ку. Бундай ишда жуда муҳим нарса, дўстим Шольц.

Ҳозир етиб бораман, кейин ана шу арзимас маълумотларни текшириб кўрамиз... Хотини олдига одам юбордингизми?

– Хотини икки ой олдин уни ташлаб кетган экан.

– Нима? Нима?!

– У контузиядан кейин госпиталда ётганида, хотини кетиб қолибди. Бир савдогар билан Мюнхенга жўнабди.

– Болалари-чи?

– Ҳозир, – деди Шольц, ҳужжатни варақлар экан, – болалари қаердалигини ҳозир қараб кўраман.... Мана, топдим... Топдим...

– Камроқ гапиринг, Шольц. Камроқ гапириб, кўпроқ иш қилинг.

– Тўрт ойлик битта боласи бор экан. Уни хотини етимхонага топширган.

«Рус аёлининг эмизикли боласи бор! – дарҳол эслади Мюллер. – Унга эмизадиган аёл керак бўлган! Рольф болани ўртага қўйиб ҳаддидан ошган бўлса керак!».

– Етимхонанинг номи нима?

– Номи йўқ. Етимхона Панковда экан. Шилерштрассе, 7. Энди... онаси ҳақида...

Мюллер онаси ҳақидаги гапларни тинглаб ўтирмади. У шартта гўшакни қўйди, шу заҳотиёқ хотиржамлиги тутади, пальтосини кийиб деди:

– Йигитлар, ҳозир зўр отишма бўлиши мумкин, итларингизни тайёрлаб қўйинглар. Панковдаги етимхонани ким билади?

– Шилерштрассе, саккизинчи уйми? – деб сўради оқ сочли чол.

– Сен яна янглишдинг, – деб жавоб берди Мюллер уйдан чиқар экан. – Сен доим жуфт ва тоқ рақамларни адаштириб юрасан. Еттинчи уй.

– Оддий кўча, – деди оқ сочли чол, – бошқаларидан фарқ қилмайди. У ерда операцияни жуда чиройли ўтказиш мумкин: жуда тинч жой, ҳеч ким халақит бермайди. Рақамларни адаштиришим рост. Болалигимдан шунақа. Синфда жуфт ва тоқ сонларни ўтаётганларида мен касал эдим.

У кулиб юборди, бошқалар ҳам кулишди. Шу кетишда улар кийикни ўраб олган овчиларга ўхшашарди.

* * *

Йўқ, Гельмут Кольдернинг Штирлицга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Улар учрашган ҳам эмаслар. У қирқинчи йилдан бери жанг қилиб келди. У ўз Ватани, онаси, уч укаси ва синглиси учун жанг қиялпман деб ўйларди. У ерга ишлов беришни билмай катта-катта жойларни эгаллаб олган насли паст славянларга қарши океан ортидаги плутократияга сотилган инглиз ва французларга қарши, одамлар бахтсизлигидан фойдаланиб чайқовчилик билан оддий халқни эзаётган яҳудийларга қарши Германиянинг келажаги учун курашаётганига ишонарди. Немис миллатига бахт келтиришдек оғир юкни ўз зиммасига олган фюрернинг шуҳрати асрлар давомида сўнмайди деб ҳисобларди.

Қирқ биринчи йил кузгача Гельмут шу фикрда эди. Шу йили улар қўшиқлар айтиб жаҳонни кеза бошладилар, ғалаба кайфияти уни ва СС танк қисмида хизмат қилувчи ўртоқларини кайф-сафо қилиб юрувчи чапани йигитларга айлантирган эди. Аммо Москва ёнидаги жангдан кейин асирга олинганларни отиш ҳақида буйруқ олинганда у ўзини бир оз йўқо-

тиб қўйди. У деҳқон боласи эди, шунинг учун ота-онасини ҳаммадан ортиқ ҳурмат қиларди. Онаси уни, укаларини ва синглисини тарбиялаб, вояга етказганди. Отаси вафот этгандан кейин онаси азондан кечгача ишларди, то бемор бўлиб ётиб қолгунига қадар ўғлига ўқишни ташлашга рухсат бермаганди.

Унинг взводига биринчи марта Смоленск ёнида асирга олинган қирқ кишини олишни буюрганларидан кейин (у ерда эшелонни издан чиқариб юборган эдилар), Гельмут ичишни бошлади: унинг рўпарасида болали хотинлар ва чоллар турарди. Хотинлар болаларини бағриларига босиб, уларнинг кўзларини беки-тар ва тезроқ ўлдиришни сўрардилар...

Кейин у Россиядаги оналар ҳам худди Германиядаги оналарга ўхшаб охирги картошкани болаларига бериб, уларнинг ейишларини кўзларида ёш билан кузатишларини кўрди.

Ана шундан кейин Гельмут ўзига келолмади. Фақат угина ичкиликка берилмади. Кўпчилик ўртоқлари ҳам арақни индамай ичишарди, кулгили латифалар эшитилмай қолди, ҳеч ким аккордеонни қўлига олмай қўйди. Кейин улар яна жанглarga шўнғиб кетдилар, шиддатли жанглар аввалги даҳшатни миядан чиқариб юборди.

У уйига вақтинча келганда қўшни аёл қизи билан уларникига меҳмонга келди. Қизнинг исми Луиза эди. У ёқимли, келишган ва озода қиз эди. Гельмут уни тушида кўриб чиқа-диган бўлди. Гельмут уни кинога таклиф этар ва эрталабгача сайр қилишарди. У қиздан ўн ёш катта эди, шунинг учун уни эркалаб юрарди. Луизадан яхши хотин ва она чиқишини орзу

қиларди. Гельмут уйда, кийим иладиган қозиклар тагида талайгина болалар чориги ётишини ният қиларди: у болани яхши кўрарди. Болалар бахти учун, келажак учун жанг қиласан-ку, уларни яхши кўрмай бўладими?!

Кейинги таътилда у Луизага уйланди. У фронтга кетгандан кейин Луиза икки ой соғиниб юрди. Ҳомиладор бўлиб қолганини сезгандан кейин зерика бошлади, юрагига ваҳима тушиб қолди. Шундан кейин у шаҳарга жўнаб кетди ва биринчи кечадаёқ – меҳмонхонада жой йўқ эди, Гельмутнинг танишлари турадиган уй эса бомбардимонга учраган экан – люфтваффе зобитининг бағрида эрини унутди.

Бола туғилгач, уни етимхонага берди. Бу вақтда Гельмут офир контузиядан кейин госпиталда ётарди. У уйга қайтди, уйдагилар Луизанинг бошқа одам билан кетиб қолганини айтишди. У рус аёлларини эслади: бир куни унинг оғайниси беш банка консерва эвазига ўттиз яшар ўқитувчи аёл билан бир кеча бўлганди – ўша хотиннинг қизчаси бўлиб, унга овқат топиб беролмаган экан – эртасига у ўзини ўзи осиб қўйибди; консервалар ва отасининг расми билан болани қўшнига топшириб кетибди. Ваҳший славянка эмас, балки гитлерюгенднинг аъзоси, чинакам орият нималигини билмайдиган аёл Луиза бўлса, энг пасткаш фоҳишадек қизчасини етимхонага ташлаб кетибди.

У ҳафтада бир марта етимхонага борарди ва баъзи-баъзида унга қизчасини бирпасгина сайр қилдиришга рухсат берардилар. У қизини ўйнатар, унга қўшиқлар айтиб берарди ва тобора болага меҳри ошиб, кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди. У рус пианиночи аёлнинг

ўз боласини аллалаётганини кўриб, ўзидан ўзи сўради: «Ахир нималар қилиб қўйдик! Қанчалик зolim эканмиз-а! Улар ҳам бизга ўхшаган одамлар экан-ку, биз каби ўз болаларини севиб, болалари учун жонларини беришга тайёр эканлар-ку!».

Рольфнинг гўдакка нисбатан қилаётган қилиғини кўриб, унинг ақли эмас, туйғуси ғазабга келди. Икки ҳафталик болани ўлдирмоқчи бўлган Рольфнинг ҳамда бу ишга бепарво қараб турган Барбаранинг қилмишларини кузатар экан, кўзига хоинлик тимсолига айланган Луиза кўриниб кетди.

Гельмут етимхонага қайтиб келиб, орадан ярим соат ўтди, у ердагилар ярим соатдан кейин келинг деган эдилар – ялтироқ оқ бўёқ билан бўялган туйнукча олдида кутиб тураркан, рус гўдагининг қип-қизил танасини Рольф қўлида кўрганида пайдо бўлган даҳшатли, бегона, лекин унинг табиий ҳис-туйғусига айланган ҳолат аста-секин тарқай бошлаган эди. Юрагининг аллақасеридир узилиб кетгандай бўлди, баъзан баданини тобора кўпроқ титроқ босарди, танасининг контузия еган чап томони музлай бошлади ва айна пайтда совуқни сезмасдй.

– Салом, – деди у туйнукдан қараган аёлга.
– Урсула Кальдер... Қизим... Рухсат беришган...

– Ҳа, биламан. Лекин ҳозир қизча ухлаши керак...

– Мен жўнаб кетяпман. Фронтга жўнаб кетяпман. Бир оз айлантирмоқчиман, қўлимда ухлар... Йўрғанини ўзгартириш зарур бўлиб қолса, дарров олиб келаман.

– Доктор рухсат бермас деб қўрқаман...

– Мен фронтга кетаяпман – қайтарди Гельмут, – боламни кўришдан маҳрум қилмассиз.

– Яхши... Тушунарли... Ҳаракат қиламан. Бир оз кутинг, бирпас.

У бирпас эмас, ўн дақиқа кутди, унинг бутун вужуди титрарди, тиши тишига тегмасди.

Ниҳоят туйнукча очилиб, унга оппоқ гўдакни узатишди. Қизнинг юзи оппоқ мато билан бекитиб қўйилган эди.

– Кўчага чиқмоқчимисиз?

– Нима? – унинг гапига тушунмай сўради Гельмут. Унинг қулоғига гап кирмасди, бировнинг гапи эшиги берк қўшни хонадан эшитилаётган бўлиб туюларди. Контузиядан кейин ҳаддан ташқари ҳаяжонланса, ана шундай ҳолатга тушарди. Кўчаларда бир неча марта ҳушдан кетиб қолган ҳоллари ҳам бўлган, бомбардимон вақтида вайрон қилинган госпиталлар ва етим-хоналарни кўрганида, у ҳушдан кетарди.

– Агар қизча билан сайр қилмоқчи бўлсангиз, сизга аравача берамиз.

– Нега?

– Қўлда кўтармаслик учун.

– Йўқ, раҳмат, қўлда кўтарсам роҳат қиламай.

– Яхшиси, боғимизга киринг – у ер тинч ва бомбардимон бошланса, бомбапанага кириб олишингиз мумкин.

– Яхши. Мен хабар олай-чи, автобус келмаганмикан, кейин уйга кираман...

– Қайси уйга?

– Боғга... Кечирасиз, боғга...

– Тобингиз жойидами, ўзи?

– Ҳа? Нима эди?

– Рангингиз оппоқ оқарган...

– Йўқ, йўқ, – деди Гельмут ва кўчага чиқиб кетди.

У кўчага чиқиши билан орқасида машина тормозининг чийиллашини эшитди. Ҳарбий ҳайдовчи Гельмутдан икки қадам нарида тўхтаган машинаси эшигидан қараб, бақирди:

– Кўрмисан! Машинани кўрмаяпсанми?!

Гельмут қизини бағрига босиб, нималардир деди ва ертўла томон йўрғалаб кетди. Кэт эшик олдида уни кутиб турарди. Бола қути устида ётарди. У ётган жойида қимирлаб, ухлаб ётарди.

– Ҳозир, – деди Гельмут қизини Кэтга узатар экан, – олиб туринг, мен бекатга бориб тураман. Муюлишдан чиқиб келаётган автобус кўриниб туради у ердан. Кўриниши билан бу ёққа чопаман.

Кэтнинг қизчани авайлаб олаётганини кўриб, Гельмут кўзига яна ёш келди.

– Яхшиси, бирга борайлик, – деди Кэт, – келинг, бирга борамиз!

– Қўяверинг, мен дарҳол қайтаман, – деб жавоб берди у, эшик олдидан. – Уларнинг қўлида суратингиз бўлиши мумкин, мен эсам контузиягача бутунлай бошқача эдим. Кутиб туринг, ҳозир қайтаман.

У автобус бекати томон югуриб кетди. Кўчада ҳеч зот йўқ эди.

«Етимхонани кўчириб кетсалар, мен қизимдан маҳрум бўламан. Кейин уни қаердан топиб бўлади? Бомба тагида ҳалок бўлишга тўғри келса – бирга ҳалок бўлган яхши. Бу аёл уни эмизиши мумкин – ахир, эгизакларни ҳам бир аёл эмизади-ку... Бу ишим учун худо илгариги гуноҳларимни кечирар. Ақалли Смоленск ёнидаги ўша даҳшатли гуноҳимни.

Ёмғир томчилаё бошлади. Муздек ёмғир ёғарди, лекин, – деди ўзига ўзи Гельмут, – баҳор ёмғиридан кейин кун исий бошлайди.

«Етимхонадагилар автобусга ўтираётганимизни кўрмасалар бўлгани. Ҳайвонот боғига-ча етиб олсак, у ердан поездда жўнаймиз. Ёки қочоқлар орасига кириб оламиз. Улар ичида ғойиб бўлиш осонроқ. Мюнхенга етиб олганимизча у қизчани эмизиб туради. Кейин онам ёрдам берар. У ердан энага топиш мумкиндир. Йўқ бундай қилиб бўлмайди, мени қидиришади-ку ахир... Демак, онамникига боришим мумкин эмас. Аҳамияти йўқ. Шу шаҳардан ғойиб бўлиш керак. Далалар бошланиши билан ёки ўрмонга киришимиз билан ҳамма нарсა ўзгаради. Шимолга, денгиз томонга бориш ҳам мумкин. Ханснинг олдига: фронтдаги ўртоғимнинг олдига кетганимни ким билиб ўтирибди».

Гельмут қалпоғини қулоғига туширди. Титроғи босиади. Танасининг чап томонига аста-секин иссиқ югура бошлади.

«Ёмғир ёққани яхши бўлди,– ўйларди у, – ҳарқалай, атрофингда қандайдир ҳаракат бор... Бирор нарсани кутиб турганингда ҳаммаёқни сукунат босса, киши чидай олмайди. Ёмғир ёки қор ёғиб турса, киши ўзини унчалик ёлғиз сезмайди».

Ҳамон ёмғир қуярди, лекин бирданига булутлар тарқаб, баланд-баландларда кўм-кўк осмон парчаси ва қуёшнинг бир чети кўринди.

«Ана баҳор ҳам етиб келди, – ўйлади Гельмут. – Энди майсалар ҳам чиқа бошлайди...».

Муюлишда олди текис, автобус кўринди. Гельмут ертўла томон чопмоқчи бўлиб турган эди, бирданига автобус орқасидан иккита қора

даҳшатли машиналар чиқиб, кўча қондасини бузиб етимхона томон келаверди. Гельмутнинг яна оёғи бўшашиб кетди, чап қўли музлай бошлади – булар гестапо машинаси эди. У аввал қочмоқчи бўлди, лекин қочиб кетаётган одамни кўриб шубҳаланадилар, кейин эса рус аёли билан қизини қўлга тушириб, олиб кетдилар; энг яхшиси шу ерда қимирламай туриш, ўтиб кетганларидан кейин, ертўлага бориб, ҳовлима-ҳовли ғойиб бўлиш кераклигини фаҳмлади. «Қизимни ҳозир олиб кетганимни айтадилар ва улар дарҳол теварак-атрофни қидиришни бошлайдилар. Ертўладан рус аёлини дарҳол топиб оладилар. У менинг қизим эканлигини айтмас. махфий уйда ҳам ҳеч нима айтмади-ку».

Қизининг тақдири кейин нима бўлишини яхши тасаввур қилолмас эди. Агар шу ерда ҳушидан кетиб қолса, уни шу аҳволда қўлга туширадилар. Кейин қизини ечинтириб совуқ кираётган дераза олдида ушлаб турадилар, баҳор эса энди бошланяпти ва ҳаво ҳали-вери исиб кетмайди... Лекин ҳозир бошқача қилса, рус аёли отишмани эшитиб, нима бўлганини дарҳол пайқайди. Нонкўрлик қилмас. Бўлиши мумкин эмас...».

Гельмут асфальт йўлга отилиб чиқиб, биринчи машинанинг ён ойнасига бир неча марта ўқ узди. У автоматдан сурункасига узилган ўқ овозини эшитиб, ҳаётидаги охирги оғриқни сезгунга қадар ҳаёлидан ўтган нарса «Унга қизимнинг исмини айтмадим-ку...» деган фикр бўлди ва шу ўй билан жон берди.

– Йўқ, жанобим,– деди бундан олдин Гельмутнинг қизчасини чиқариб берган аёл,– ўн дақиқача бўлди.

– Бўлмаса, қизча қаерда? – қовоғини солиб сўради сочли изқувар, сочини бўяган ўртоғининг жасадига қарамасликка ҳаракат қилиб. У эшик ёнида, ерда ётарди; унинг жуда қарилги яққол кўзга ташланади: у сочини сўнгги марта бўяганидан бери анча вақт ўтган бўлса керакки, сочининг таги кулранг, учлари эса жигарранг эди.

– Менимча, улар машинада кетдилар, – деди яна бир аёл, – шундоқ ёнгинасига бир машина келиб тўхтаганди.

– Қизчанинг ўзи машинага ўтириб кетдими?

– Йўғ-э, – жиддий жавоб берди аёл, – унинг ўзи машинага ўтиролмайдди, ҳали чақалоқ-ку...

Мюллер бундай деди:

– Ҳамма ерни яхшилаб текширинглар, мен қайтишим керак. Иккинчи машина ҳам ҳозир келиб қолади, у йўлга чиқибди... Қиз қандай қилиб машинага чиқиб қолиши мумкин? – сўради у, эшик олдида орқасига ўтирилиб. – Қанақа машина экан?

– Қатта машина.

– Юк машинасими?

– Йўқ, енгил машина. Яшил ранг...

– Рақамини эслаб қолмагандирсиз, албатта.

– Эътибор бермабман.

– Тушуниб бўлмайдиган вазият, – деди Мюллер, эшикни очиб. – Атрофдаги уйларни текширинг... Тушуниб бўлмайдиган вазият...

– Атрофдаги ҳамма уйлар вайрон.

– Вайроналарни ҳам текширинг, – деди у, – умуман олганда, бу иш шунчалик аҳмоқона ва гўрларча бажарилганки, нима қилишингни билмайсан. Мутахассис бўлмаган кишининг мантиқини тушунишингиз қийин экан.

– Балки у ўтакетган айёр мутахассисдир? – деди оқ сочли чол тамаки тутатар экан.

– Айёр мутахассис етимхонага бормасди, – жавоб берди Мюллер ва хонадан чиқиб кетди: яқинда Шольцга телефон қилиб, Берндаги яширин хонадон фош этилгани, Швейцария полицияси томонидан қўлга туширилгани, чунки шифрни олиб борган рус алоқачиси ўзини ўзи ўлдиргани ҳақидаги хабарни эшитган эди.

Пастор Шлаг, маслаҳат қилиб олганларидек, Штирлицга Лозанна манзараси тасвирланган сурат жўнатиб, истиқомат қилаётган жойига қайтиб келди: у Муқаддас Лаврентий ибодатхонасида яшарди. У ерга гестапонинг қўли етиб бормади, деган эди Штирлиц пастор қўниши мумкин бўлган жойларни бирин-кетин эслаганида. У яшаётган хона баланд, шифти гумбазсимон эди. Ана шу оппоқ гумбазсимон шифтигина унинг ибодатхонада яшашидан дарак берарди, холос. Жиҳозлар юмшоқ, қип-қизил духоба билан қопланганди.

Шлагга бу хона бирор сабаб билан меҳмонхонада яшашни истамаган чет эллик меҳмонлар учун мўлжалланганини айтдилар. Бу чет эллик меҳмонлар, дейишди пасторга ҳамсуҳбатлари, европаликларни бир-бирларини қириб юборишларидан қутқариш учун сулҳга эришиш мақсадларини кўзлаб келган одамлар.

Шлаг ойна олдига ўтириб, узоқ вақт шаҳарни томоша қилди: бу ерда чироқпаналар йўқ, дўкон пештоқлари ва кинотеатрларда ранго-ранг чироқлар ёниб турарди. У, айниқса, одамларни томоша қилишдан чарчамасди. У талай йиллардан бери бунчалик кўп ёшларни учратмаганди. Шунинг учун ҳам кейинги

пайтларда Германияда дунё кексайиб қолгандай туюларди.

Кимдир эшикни тақиллатди.

– Ҳа, кираверинг.

– Қаҳва ичасизми? – сўради хизматчи чол.

– Ташаккур, ичмайман.

– Агар қаҳва, чой ёки сув ичгингиз келиб қолса, менга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

– Раҳмат.

– Бўлмаса, менга рухсат. Хайрли тун, пастор.

– Хайрли тун. Ҳа, айтгандек, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Сизда люминал ёки бром топиладими? Ҳеч уйқу йўқ...

– Сўраб кўрай. Ҳозир қайтаман.

Пастор йигирманчи йиллардан бери яхши билган Германиянинг собиқ канцлери Брюнинг билан олиб борган бугунги суҳбатидан кейин, бирор дори ичмасам уйқум келмас деб ўйлади. У бугунги таассуротларни ёзиш учун дарҳол қўлига қалам олиши мумкин эди. Таассурот шунчалик кутилмаган ва даҳшатли эдики, пастор аввал ўзига келиб олиши, Брюнингдан эшитган гапларга қайтадан баҳо бериши ва шундан кейингина уни қоғозга тушириши керак эди.

«Суҳбат бошланишида, – деб шошилмай, ҳар бир сўзда тўхталиб, ёза бошлади пастор, – экс-канцлер Брюнинг умумий танишларимиз тақдири билан қизиқди, на аввал, на кейин бирорта шарт қўймай менга қочишга ёрдам берган кишининг жасоратига қойил қолди: қамоқхонада ва концентрацион қамоқхонада учратган маҳбусларни суриштирди. Гапни бизни қизиқтирган мавзуга бурганимда, Брюнинг бундай деди: «Йўқ одам доим ноҳақ бўлавера-

ди. Оқ уй ёки Вайтхолл мен билан қизиқмай қўйди, чунки улар кучга эга ҳаққоний сиёсатчилардир, мен бўлсам – ҳаққоний таъсир кучи қолмаган собиқ сиёсатчиман. Бизнинг тилимиз ҳар хил ва уларга мен, сўзсиз, юзаки мулоҳаза юритувчи киши бўлиб кўринаман: ҳокимиятдан маҳрум бўлган сиёсатчидек ўз ихтисосини тез йўқотадиган одам бўлмайди». Шундай бўлса, ҳозир Германияда, Гиммлер қарши кучларнинг энг яхши вакиллари йўқ қилиб юборган пайтда, кимни жиддий сиёсатчи деб ҳисоблаш мумкин деган саволимга Брюнинг: «Гиммлер», – деб жавоб берди. Мен, сизнинг гапингизда қадрингизга етмаганликлари, чарчашлик, ишончсизлик ва ватандан жудолик кайфиятларининг таъсири бор, деб унинг айтганларини рад эта бошлаганнмда, Брюнинг бир ҳужжат билан танишишни таклиф этди. Бунинг устига ўша ҳужжатдан баъзи жойларини кўчиришга рухсат ҳам берди. Аввал ҳужжат мазмуни мени ҳайратда қолдирди, кейин эса бу ҳужжат немислар тайёрлаган сохта ҳужжатмасмикан, деган шубҳамни айтдим. Брюнинг, агар ҳужжатлигига ишонмасам, шубҳангизни бажону дил маъқулардим, деди. Мен музокараларда қатнашаётган немис вакилларининг қанчалик эътиборли шахсларлиги билан қизиққанымда, Брюнинг бунга аниқ жавоб берилса, барибир маълум даражада сохта бўлади, чунки Гитлер диктатураси шароитида фақат фюрернинг ўзи ёки Гитлерни афдариб, бутун ҳокимиятни ўз қўлига олишга журъат этадиган энг яқин ёрдамчиларидан бири қарор қабул қилиши мумкин, деди. Бундай кишилар қаторига Брюнинг биринчи галда рейхсмаршал Герингни

ёки Борманни киритмоқда. У Гиммлернинг биринчи ўринга кўтарилишининг ҳаққонийлигига ишонмайди. «Ғарбдаги маълум доиралар унинг тарафдори, аммо кенг жамоатчилик фикри демократларнинг тузум даҳшатларининг тимсоли бўлган Гиммлер билан бир стол атрофига ўтиришига рози бўлмайди. Ҳозирги Германияда энг кучли шахс Гиммлер бўлса ҳам, у билан музокара олиб боришнинг ҳаққонийлигига ишониш қийин». Иттифоқчиларнинг Германия билан сулҳ тузишга ҳаққоний йўл излаш ниятлари қай даражада жиддий экан, деб сўрадим. Брюнинг бундай музокаралар – қарерда ва ким билан олиб борилаётганини менга айта олмас экан – кульминация нуқтасига етди ёки етмоқда, деди. Мен ундаги маълумотлар қанчалик аниқлигини сўраганимда, Брюнинг, эмиграцияда яшовчи сиёсатчи чиғириқдан ўтказилган миш-миш гаплардан фойдаланади, деди. Менинг Германияда қолган дўстларим қон тўкишига чек қўйиб, инсониятга зарур тинчлик ва осойишталик бериш учун иттифоқчилар билан жиддий музокаралар олиб боришга қандай имкониятлар борлигини аниқлашни топширдилар, деганимда, Брюнинг бу дўстларимнинг кимлиги билан қизиқди. У ўз саволига аниқ жавоб олмагач, менинг бундан кейинги сулҳ йўлидаги изланишларимда нуқтаи назарларнинг турлича бўлишига ҳозирлик кўришим учун америкалик ҳамда немис ўртасидаги суҳбат ёзуви билан яна бир марта танишиб чиқишни таклиф этди. Қуйида шу суҳбатнинг кўчирилган нусхасини илова қиламан...».

* * *

Эрталаб Шелленбергга Борман архиви билан иш олиб бораётган гуруҳдан телефон қилдилар.

– Бир-иккита нарсa топилди, – дейишди унга, – бригаденфюрер, агар бу ерга келсангиз, биз сизга бир неча ҳужжат тайёрлаб берамиз.

– Ҳозир бораман, – қисқагина жавоб қилди Шелленберг.

Кела солиб, у ечинмасданоқ стол ёнига бориб, бир неча варақ қоғозни қўлига олди.

Қоғозларга кўз югуртирди, ҳайрон бўлганидан қошлари чимирилиб кетди, кейин шошилмай ечиниб, пальтосини ёнида турган курси суянчиғига ташлади, чап оёғини қайириб, шу курсининг ўзига ўтирди. Ҳужжатлар чиндан ҳам қизиқарли эди. Биринчи ҳужжатда бундай дейилган эди:

«Х куни келиши билан Кальтенбруннер, Поль, Шилленберг, Мюллер четлатилиши лозим». Мюллернинг исм-шарифи устидан қизил қалам билан ўчириб қўйилганди, буни Шелленберг кичкинагина силлиқ қоғозчага белгилаб қўйди – у зарур нарсаларни ёзиб юриш учун чўнтагида ва идорасидаги столи устида шундай силлиқ қоғозчаларни сақларди. «Шуни назарда тутиш керакки, – дейилган эди имзо қўйилмаган ва манзили йўқ ҳужжатда, – гестапо ва СДнинг юқорида номлари кўрсатиб ўтилган раҳбарларини четлатиш ўзига хос чалғитиш акциясига айланади. Оператив нуқтаи назардан ҳам, стратегик интилиш нуқтаи назаридан ҳам манфаатдор кишиларнинг ҳаёли аниқ бир масала учун жавобгар ва четлатилган раҳбарларни излаш билан банд бўлади».

Шундан сўнг ҳужжатда 176 кишидан иборат рўйхат келтирилди.

«Шу рўйхатдаги гестапо ва СД зобитлари – у ёки бу даражада – асосий далиллар билан эмас, балки иккинчи даражали маълумотлар билан рейх ташқи сиёсатининг туб масалаларини очиб беришлари мумкин. Уларнинг ҳар бири – бу нарса ўзларига номаълум – ягона нақшнинг бир қисмидир. Нақшнинг шу қисмлари алоҳида олинганда арзимас бўлса, ҳаммаси тўпланганда бебаҳодир. Демак, бу кишилар бугунги тузум қурилиши тажрибаси орқали унинг идеалларини обрўсизлантиришдан манфаатдор бўлган рейх душманларига хизмат қилишлари мумкин. Шу нуқтаи назардан юқорида санаб ўтилган ҳар бир зобитнинг операцияси бир жойга тўпланса, рейх учун муваффақиятли бўлмаган мунозара ҳосил бўлади. Афсуски, бу зобитларнинг ҳаммаси НСДАПга 1927 йилдан тортиб, 1935 йилгача аъзо бўлиб кирган ҳаракат фахрийлари бўлганликлари сабабли, бу ўринда партия кўрсатмалари билан СС тажрибасини аниқ ажратиб олиш мумкин эмас. Бинобарин, шу кишиларни ҳам четлатишга тўла ҳуқуқ бор ва бу иш мақсадга мувофиқдир».

«Тушунарли, – деди ўзига ўзи Шелленберг. – Бизнинг партиявий раҳбаримиз сўз ўйини ишлатмоқдалар. Биз буни «йўқотиш» деб аташсак, у киши «четлатиш» деб ишлятптилар. Демак, Мюллерни сақлаб қолиб, мени «четлатиш» керак экан. Аслини олганда, худди шуни кутган эдим, бошқа нарсага умид қилиш кулгили бўларди. Кальтербруннерни рўйхатда қолдирганлари қизиқ бўлибди. Лекин буни ҳам тушуниш мумкин: Мюллер доим кўзга ташланмай

ишлаган, уни фақат мутахассисларгина биледи, Кальтенбруннер эса товусдек ўзини кўз-кўз қилаверади, уни энди бутун жаҳон танийди.

Уни шуҳратпарастлик нобуд қилади – мен доим шу фикрда эдим. Мен эса рейхга зарурман деб ўйлаб юрганлигим учун нобуд бўлсам керак. Ўзимиздаги ва чет элдаги сирларни очиб бериш йўли билан унга ҳам зарур бўлишим мумкин эди. Давлатимизнинг ўзига ўзи зиддият туғдирадиган жойи ана шунда – сен қанчалик унга хизмат қилишга ҳаракат қилсанг, шунчалик хавф остига тушасан. Бинобарин, мен қатори кишилар шахсий сирга айланган давлат сирларини ўзи билан гўрга олиб кетишга ҳақи йўқ. Ҳаёт билан табиий ўлим ўртасида маълум муддат бўлса керак, ана шунда мен бирор кишига ана шу сирларни ҳикоя қилиб бераман. Мендек одамларни худди Гейдрихга ўхшатиб тез ва дарҳол нариги дунёга жўнатиш керак...».

У «четлатиш» рўйхатига киритилган кишилар исм-шарифини диққат билан ўқиб чиқди. Унда қўл остидаги кўпгина ходимларининг номини ҳам топди. 142-рақам рўпарасида СС штандартенфюрери Штирлицнинг номи турар эди.

Мюллернинг рўйхатдан ўчирилганлиги, Штирлицнинг эса рўйхатда қолдирилганлиги партия архиви жўнатилаётганда қанчалик шошилинч ва бетартиб тадбирлар амалга оширилганлигидан далолат берарди. Рўйхатга ўзгаришлар киритиш ҳақидаги кўрсатмани Борман архив кўчирилишидан икки кун олдин юборган эди, бироқ шошилинч шароитда Штирлицнинг исм-шарифини ўчиришни унутган бўлсалар керак, ё, балки энг машҳур кишилар исм-шарифи келтирилган биринчи бетини кўриш

билан чеклангандирлар. Штирлицни шу нарса қутқариб қолганди – кейинчалик Борман одамларининг «четлатишидан» эмас, балки Шелленберг одамларининг «йўқ» қилишидан қутқариб қолганди: Шелленберг қўл остидагилари бундай вазифани яхшироқ ва чаққонроқ бажарардилар, чунки уларнинг ихтисоси шуни талаб этарди...

* * *

– Бирор ҳодиса бўлдимиз? – сўради Штирлиц, Мюллер ертўлага тушиши билан. – Мен нимагир хавотирланиб ўтирдим...

– Яхши қилгансиз, – маъқуллади Мюллер. – Мен ҳам хавотирда эдим.

– Ёдимга тушди, – деди Штирлиц.

– Нима ёдингизга тушди?

– Рус аёли жомадонида менинг бармоқ изларим қандай пайдо бўлиб қолганлиги ёдимга тушди... Айтгандек, унинг ўзи қани? Мен билан учраштирарсиз... юзма-юз қиларсиз деб ўйлаган эдим.

– У касалхонада. Бир оздан кейин олиб келишади.

– Унга нима қилипти?

– Ҳеч нима... Уни гапиртираман деб Рольф болани ўртага қўйишда ҳаддидан ошибди.

«Ёлғон гапиряпти, – фаҳмлади Штирлиц. – Агар Кэт бирон нарса деган бўлса, мени бу ерга келтириб қамамасди. У ҳақиқат атрофида айланиб юрибди, лекин гапи ёлғон».

– Майли, ҳали вақт бор...

– Нега «ҳали»? Умуман вақт кўп.

– Ҳа, ҳали вақт кўп, – қайтарди Штирлиц.

– Агар сизни жомадон воқеаси дарҳақиқат қи-

зиқтираётган бўлса, уни эсладим. Эслагунимча яна бир неча сочим оқарди, аммо ишончим комилки, ҳақиқат тантана қилади.

– Ишончимиз бир-бирига мувофиқ келганидан хурсандман. Қани, айтинг ўша далилларни.

– Бунинг учун сиз ўша пайтда Байоретерштрассени қуршаб олган ҳамма полициячиларни чақиртиришингиз керак – мен у ерда тўхтаб қолган эдим, СД нишонини кўрсатгандан кейин ҳам ўтиб кетишимга рухсат бермагандилар. Шундан сўнг мен Кепенникштрассе орқали айланма йўл билан кетмоқчи бўлдим. У ерда ҳам мени тўхтатдилар ва тирбанд бўлиб турган машиналар орасига кириб қолдим. Нима гаплигини билиш учун машинадан тушиб, олдинга ўтдим, аммо полициячилар – бири ёш, аммо бемор кўринарди, сил бўлиши мумкин, иккинчисининг башарасини эслай олмайман, башараси куядан қоп-қора эди – телефон ёнига ўтиб, Шелленбергга қўнғироқ қилишга рухсат бермадилар. Мен нишонни кўрсатиб, телефон ёнига ўтдим. У ерда бир аёл болалари билан турган экан, мен вайрон бўлган жойдан болалар аравачасини чиқариб бердим. Кейин эса яна бир неча жомадонни ўтдан нарироққа олиб бориб қўйдим. Бомбардимондан кейин топилган жомадонлар эсингиздир. Улар ҳужжатда бор. Бу биринчиси. Ўша жомадон қаердан топилганлигини пианиночи яшаган манзил билан таққосланг. Бу иккинчиси. Ўша жойни ўраб олган полициячиларни чақиртиринг – бечораларга жомадонларини олиб чиқишда ёрдам берганимни кўрганликларини айтишсин. Агар мен келтирган далиллардан бирортаси ёлғон чиқса – қўлимга битта ўқ

билан ўқланган тўппончани тутқазинг: менинг қутулишим учун бошқа йўл ва айбсизлигимни кўрсатувчи бошқа далил-исбот қолмайди.

– Ҳмм, – кулди Мюллер. – Хўш нима қилибди? Текширсак, текшириб кўрамиз-да. Гапингизда мантиқ бор. Аввал бизнинг немисларимизни тинглайлик, кейин сизнинг рус аёлингизга қулоқ соламиз.

– Рус аёлимизни денг? – деди Штирлиц ҳам кулиб, – ёки мени чиндан ҳам рус айғоқчиси деб ҳисоблайсизми?

– Қўйинг, қўйинг, – деди Мюллер, – гапдан илинтирманг-да бунақа..

У Шарлотенбургда, Шлосштрасседаги полиция фюрерлари мактабининг бошлиғи СС оберштурмбанфюрери доктор Хельвингга телефон қилиш учун чиқиб кетди, Штирлиц эса вазиётни таҳлил қилишни давом эттирди: «Агар улар Кэтни гапиришга мажбур этган тақдирларида ҳам – Мюллер ўғлини тилга олди: гўдакни қийнаган бўлсалар, онаси чидай олмаган бўлиши мумкин, лекин иш ўйлаганларидай чиқмаган – уни госпиталга олиб бормай, шу ерга келтирардилар... Аммо Кэт мени танийман деган бўлса ҳам қўлида ҳеч қандай далил йўқ: машинамни кўрган эмас, исмимни билмайди, менинг СС да ишлашимни биламан деса деяверсин – хонамда бўлган-ку, ахир. Менинг қаерда туришимни билади. Аммо уни ўзим айтган бўлишим мумкин. У манзилимни билади-ю, лекин бирор марта ҳам бўлган эмас у ерда. Демак, мен Борман билан боғлиқ бўлган кўзирни ишлатишим керак экан. Агар Плейшнер уларнинг қўлида бўлса, бунда ҳам кутиб ўтирмасдилар – бундай

ҳолларда пайсалга солиш аҳмоқлик, ташаббусни қўлдан бой беришдир.

– Сизга овқат беришдими? – сўради Мюллер, қайтиб келгач. – Балки тамадди қилиб олармиз?

– Яхши, – кўнди Штирлиц.

– Юқоридан бирор нима олиб келишларини айтдим.

– Раҳмат. Одамларни чақиртирдингизми?

– Чақиртирдим.

– Кўринишдан мазангиз йўқ...

– Э,– деди Мюллер қўлини силтаб. – Тирик юрганимни айтмайсизми? «Ҳали» деб нимани назарда тутаётган эдингиз боя? Очиғини айтаверинг, ичингизда сақлаб ўтирасизми...

– Юзма-юз қилганингиздан кейин, – деб жавоб берди Штирлиц. – Ҳозир ҳожати йўқ. Агар менинг ҳақдигим тасдиқланмаса, «ҳали»нинг ҳожати қолмайди.

Эшик очилиб, соқчи устига крахмалланган оқ сочиқ ёпилган патнисни олиб кирди. Патнисда ликопчада яхна гўшт, нон, сариёғ ва кўк идишчаларда иккита тухум бор эди.

– Ана шундай қамоқхонада, унинг устидаги ертўлада бир-икки кун мириқиб ухлашга ҳам рози бўлар эдим. Бомбардимонлар ҳам эшитилмас экан.

– Ухлашга улгурасиз, шошилманг...

– Раҳмат...– Штирлиц кулиб юборди.

– Нима деяпсиз? – кулди Мюллер. – Жиддий гап... Ўзингизни дадил тутишингиз менга маъқул. Бу ерда бир неча одамларим билан суҳбат қилганимда шалпайиб қолишганди. Ичасизми?

– Йўқ. Раҳмат.

– Умуман ичмайсизми?

– Мен севган коньякни ҳам яхши билиб олган бўлсангиз керак деб чўчийман.

– Ўзингизни Черчилль билан тенг қилманг. Фақат Черчиллнинг рус коньягини яхши кўришини биламан, холос. Майли бўлмаса... Ичмай-сизми, таъбингиз, мен ичмоқчиман. Ростдан ҳам мазам йўқроқ.

* * *

– Ўқ овозини эшитгач, Кэт даҳшатли ҳодиса юз берганини дарҳол фаҳмлади. У эшик ёнига бориб, кўчага қаради, у ерда иккита қора машина ва йўлка ўртасида букилиб ётиб, жон бераётган Гельмутни кўрди. У орқасига чопиб келди. Ўғли қути устида безовталаниб ётарди. Қўлидаги қизча эса ширин уйқуда эди. Кэт қизчани ўғли ёнига қўйди. У шошилинич ҳаракат қилар, қўллари титраркан: «Қўй, секинроқ! Нега энди «секинроқ» экан, қичқирганим йўқ-ку, ахир», дея хаёлидан ўтказди.

У қоронғида ходалар ва тошларга қоқилиб, қўлини олдига узатганча кетаверди. Бир вақтлар у ўғил болалар билан ана шундай қилиб уруш-уруш ўйнашарди. У анча довюрак қиз бўлиб, ўғил болалар доим ўз ўйинларига чақиришарди. Аввал у ҳамшира эди, кейин уни доим аскарлар командири бўлиб юрадиган олтинчи подъездда турадиган Тальяка Тутер севиб қолиб, катта ҳамшира даражасига кўтарди, кейин эса Катяни учинчи ранг ҳарбий шифокор деб аташни буюрди. Уларнинг штаби Спасо-Наливковская кўчасидаги уйнинг ертўласида жойлашганди. Бир кун ертўлада чироқ ўчиб қолди. Ертўла эса катта бўлиб, адашиш ҳеч гап эмасди. Штаб бошлиғи Игорь қўрққа-

нидан йиғлаб юборди. Талька уни аълочи бўлгани учунгина гуруҳга олган эди. «Бизларни анархистлар деб атамасликлари учун бўлмаганда битта яхши ўқийдиган ўқувчи керак, – деган эди ўшанда Талька. – Кейин унга штаб бошлиғи лавозимини бердим – урушда унинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Ертўлада буйруқларимни ёзиб ўтиради. Штабларнинг оқларда аҳамияти бор, қизилларда эса фақат бир киши – комиссар аҳамиятли». Игорь йиғлаб юборганда, ертўла жимжит бўлиб қолди, Катя Талька ҳам ўзини йўқотиб қўйганлигини сизди. У индамай, бурнини тортиб ўтирарди. Игорь бўлса раҳмларини келтириб баттар авжига чиқа бошлади. Унинг кетидан штаб ходимларидан яна кимдир йиғлай бошлади. «Ўчир овозларингни! – бақриб берди Талька, – ҳозир олиб чиқаман ҳаммаларингни. Жой-жойингда ўтир. Ҳозир келаман!» У ўн дақиқа ўтгач, чироқ ёниши билан келди. Унинг ҳамма ери чанг, бурни чақа эди. «Чироқни ўчирамиз, – деди у, – келажакда ростакам уруш бўлиб қолса, ертўладан чироқсиз чиқишни ўрганиб олишимиз керак». «Ростакам уруш бўлиб қолса, – деди штаб бошлиғи Игорь, – биз ертўлаларда эмас, ер устида урушамиз». «Сенга ҳам гап борми? Сен вазифангдан бўшатилдинг, – жавоб берди Талька. – Урушда кўз ёши қилиш халққа хоинлик қилишдир! Тушундингми? Сен қўрқоқсан!» Эски стол устига чиқиб, чироқни бураб ўчиришди. Талька уларни қоронғи ертўладан олиб чиқди, ана шунда Катя уни биринчи марта ўпиб қўйган эди.

«У бизларни пайпаслаб девор тагидан юриб олиб чиққан эди, – эслади Катя. – Унинг қўлида

гугурт бор эди, шекилли. Йўқ, гугурт ҳам йўқ эди. Унда гугурт нима қилсин? Ёши тўққизда эди, ҳали чекмасди».

Кэт орқасига қаради: болалар ётган қути кўринмасди. Ҳаммаёқ қоронғи эди. У шу ерда адашиб қолиб, болалар ётган қутини тополмасликдан кўрқди. Ўғлининг йўргаги ҳўл бўлиб кетган бўлса керак, у йиғлаб қизчани ҳам уйғотиб юбориши, уларнинг овозини эса кўчадагилар эшитиб қолиши мумкин. У ночорликдан ҳўрлиги келар, ўзини кераксиз одамдек сезарди. У деворни пайпаслаганча орқасига қайтди. Шошилганидан қандайдир қувурга қоқилиб мувозанатини йўқотиб қўйди. Қўлини олдинга узатганча йиқилиб тушди. Зарбадан кўзлари чақнаб, бошига нимадир зарб билан урилганидан ҳушдан кетди...

... Кэт ўзига келгач, қанча вақт – бир дақиқаи ёки бир соатми – ётганини билмади. Кўзини очаркан, қандайдир шовиллаган овозни эшитди. Унинг чап қулоғи ғадир-будур темир устида ётарди, ҳалиги товуш шу темир тагидан эшитиларди. Кэт бундай шовиллаган овозни у бир вақтлар тоғдаги дарада юрганида эшитган эди. Зарба таъсири остида бошим гувиллаётди шекилли, деб ўйлади, аммо бошини темир устидан кўтарса ҳалиги овоз тўхтади. Кэт темир тагида канализация борлигини фаҳмлади. У темирни қўли билан ушлаб туриб, бунга иқрор бўлди. Берлин остидаги канализация ва водопровод йўллари жуда катталигини у Эрвиндан эшитган эди. Кэт темир қопқоқни кўтармоқчи бўлди, аммо эплай олмади. Кейин у қандайдир занглаган темирча топиб, у билан

люк қопқоғини кўтарди ва четга суриб қўйди. Энди чуқурдан сувнинг шовиллагани аниқ эшитилиб, бутун ертўлага ёйилди.

* * *

... Ўша пайтда улар Гера Сметанкни, Мишаня Великовский ва унинг ўзи тоғда кўм-кўк дара бўйлаб «Олис ерда, денгиз ортида олтин ўлка бор» қўшиғини айтиб кетардилар...

Дарада ҳаво иссиқ, ҳамма ердан қарағай ва арча ҳиди анқирди. Теварак-атроф игнабаргли кўм-кўк дарахтлар билан қопланган. Йирик шағал йўлдан тепаликка кўтарилиш анча мушкул эди. Ҳаво иссиқ, сув ичкилари келарди. Ҳамон сув учрамаслигидан ҳайрон бўлишарди. Шу дарадан қор босган Красная Поляна деган жойга ўтишлари керак эди. Шу ерда дарёча бўлиши керак, лекин ундан ҳамон дарақ йўқ эди. Қарағайлар учини шитирлатиб шамол эсарди, аммо шамол овози сукунатни бузмай, уни янада чуқурлаштирарди. Борган сари оёқ остидаги кулранг, баъзи жойларда эса оппоқ тус олган шағал бирданига қорая бошлади ва ўн дақиқа ўтмасдан шағал орасидан шилдираб оқаётган ариқчани кўрдилар, олисдан эса шовиллаган овоз эшитилди. Сал кейинроқ улар айқириб оқаётган оқим бўйлаб кетавердилар, сувдан эсган муздек шамол оёқларини жунжиктирди. Кейин улар қор босган майдончага кўтарилдилар, ҳамма ёқни яна сукунат босди – чунки қор эриб, унинг остидан чиқаётган оқим пастда қолганди. Улар қор устидан яна баландроқ кўтарилдилар ва ҳеч зот йўқ, шу баландликда уларда қандайдир нотаниш юксак тантана, кўтаринкилик руҳи пайдо бўлди...

* * *

Оқ сочли полициячи қўлидаги чироғини ёқиб, унинг шуъласини ертўладан ертўладан чиқди.

– Менга қара, ҳалиги эсэсчини битта тўп-понча билан ўлдиришганми ёки икки киши отганми? – деб сўради у ёнидаги одамлардан.

Кимдир жавоб берди.

– Мен лабораторияга телефон қилдим. Натижаси ҳали тайёр эмас экан.

– Гестапода ҳамма нарсa бир дақиқада ба-жарилади дейишади-ку? Маҳмадоналар. Қани ана у ерга қараб кўринглар – кўзим яхши кўрмайди: изми ёки йўқми?

– Чанг кам... ёз пайти бўлганида...

– Қани энди воқеа ёз пайтида бўлган бўлса, агар ихтиёримизда доберман-пинчер ити, кейин ССдан яширинаётган ўша хотиннинг қўлқопи бўлса-ю, ит дарҳол изга тушса... Қани, мана бу чекилган папиросни текшириб кўринг?

– Эски. Тошдек қотиб қолган.

– Сиз ушлаб кўринг, ҳа, ушлаб кўринг, кўри-нишига ишонманг: бизнинг ишимизда ҳамма нарсани қўл билан ушлаб кўриш керак... худогa шукр, Гюнтер ёлғиз эди, агар унинг ўрнида бўлганимда Мариямга муздек ўликхонада ётганимни қандай бориб айтардинглар?

Учинчи полициячи келди. У ертўладан яна чиқиб кетадиган жой бор-йўқлигини текшириб кўрди.

– Хўш? – сўради оқ сочли чол.

– У ерда иккита чиқадиган жой бор-ку, аммо тўсилган.

– Нима билан?
– Ғишт билан.
– Чанг кўпми?
– Йўқ. У ерда ҳам майда тош сочилиб ётибди. Чанг деган нарсга йўқ.

– Демак, ҳеч қандай из йўқми?

– Майда тош устида из қоладими?

– Қани юринглар, ҳар эҳтимолга қарши яна бир марта кўздан кечирайлик. Аблахлар жуда айёр бўлади.

Улар бирга юра бошлашди, йўл-йўлакай бир-бирлари билан секин суҳбатлашиб, чироқ билан ертўланинг ғишт ва ходалар ётган бурчакларини ёритиб, яна бир карра текширдилар.

Оқ сочли ёнидан тамакини олиб:

– Ҳозир, мен тутатай,– деди.

Шу пайтда у темир қопқоқ устида турарди.

Кэт қопқоқ устида полициячилар депсинаётганини эшитиб турарди. Уларнинг гўнғир-гўнғир овозларини ҳам эшитарди-ю, лекин оёғи остида, чуқурликдаги сувнинг шилдирашидан сўзларини англаёлмасди. У оёқларини иккита темир зинага қўйиб, болаларни қўлида кўтариб тураркан, яна болалар билан бирга пастдаги ифлос сувга йиқилиб тушмай, деб жони ҳалак эди. Тепадаги овозларни эшитгач эса, у: «Агар қопқоқни очишса, ўзимни пастга ташлайман. Болаларга ҳам, менга ҳам шуниси яхшироқ бўлади», – деган қарорга келди. Ўғли ижирғана бошлаганини сизди, ҳадемай йиғлаб юбориши тайин. Нима қилсин, аллалаб ҳам бўлмайди, мувозанат йўқолиб ағдарилиб кетиши ҳеч гап эмас.

– Лаънати гугурт, – деди оқ сочли, – нам тортиб қолибди.

– Менда ёндиргич бор.

– Раҳмат... Меникининг тоши тугаб бора-япти, филдиракча тагида кичкинагина бўлак-часи қолибди, ҳеч ололмаяпман – кўз ожизлик қиляпти.

– Устага кўрсатиш керак.

– Қидиравериб сарсон бўлдим, – жавоб берди оқ сочли, ёндиргични эгасига қайтараётиб. – Бутун Берлинда бирорта устахона қолмабди-я! Ҳамма усталар фронтда.

– Менга берсангиз тузатиб бераман.

– Раҳмат, дўстим, ҳожатни чиқарган бўласиз.

– Нарироқни ҳам кўрамизми?

– Албатта. Кейин виждон азобланмаслиги учун охиригача текшириб кўриш керак.

Шундан сўнг улар олға қараб юрдилар.

Бола йиғлаб юборди. Аввал у секин йиғлай бошлади, бироқ Кэтнинг назарида чинқираётгандек ва уни ҳамма эшитаётгандек туюлди. У эҳтиётлик билан боласининг юзига энгашиб, пичирлаб алла айта бошлади. Аммо бола борган сари қаттиқроқ йиғлай бошлади.

– Йиғлама, дўмбоғим, – шивирлаб илтимос қилди Кэт, – бир оз йиғламай тур...

«Қорни очди, шекилли, – пайқади у. – То эмизмагунимча тинчимайди. Қандай эмиздим-а энди?»

Яхшики, қизча ҳамон уйқуда эди. Пастда, қоронғида сув шовилларди.

«Юқоридагилар ахир кетишлари керак-ку? – ўйларди у. – Э, худо, ўзинг мададкор бўл...».

16

Мюллер, Шольц ва Штирлиц Холтоффнинг бўм-бўш хонасида девор ёнига қатор қўйилган курсиларда ўтирардилар. Оберштурмбанфюрер Айсман эшикни очиб, форма кийган полициячини олиб келди.

– Хайль Гитлер! – қичқирди у, генерал формасидаги Мюллерга кўзи тушиб.

Мюллер ҳеч қандай жавоб бермади ва кулиб юбормаслик учун ўзини чалғитди: Штирлиц устидан олдиндан шубҳа туғдирмаслик учун юзма-юз қилиб тергов экспериментига ҳозир гестапонинг бошқа ходимларини таклиф қилиш мумкин эмас эди. Шунинг учун юзлаштириш операциясини у шу иш билан таниш бўлган юқоридаги уч кишига топширган эди.

– Сиз шу уч кишидан бирортасини танимай-сизми? – сўради Айсман полициячилардан.

– Йўқ, – деб жавоб берди полициячи, Мюллер камзулидаги орденлар белгисига ва Рицарлик бутига ҳадиксираб кўз қирини ташлаб қўяркан.

– Сиз булардан бирортасини ҳеч вақт учратганмисиз?

– Менимча, учратмаганман.

– Балки бомбардимон пайтида, вайрон бўлган уйлар қуршаб турилганда, бирров бўлса-да, учратгандирсиз?

– Форма кийган одамлар қўп келишарди, – деб жавоб берди полициячи, – форма кийган қўп кишилар вайроналарни кўргани келиб туришарди. Аниқ бирор киши ёдимда қолган эмас, албатта...

– Майли, раҳмат, – деди Айсман, – навбатдагисини чақиринг.

Полициячи чиқиб кетгандан сўнг, Штирлиц бундай деди:

– Улар бу тарзда фақат рейхсфюрернигина танишлари мумкин. Устингиздаги форма уларни гангитиб қўйяпти.

– Гангитмайди, қўяверинг, – жавоб берди Мюллер, – Ё яланғоч бўлиб ўтиришим керакми?

– Унда, жилла қурса аниқ жойни айтиб сўранг, – илтимос қилди Штирлиц. – Бўлмаса эслашлари қийин – улар кўчаларда ўн соатлаб туришади, шундай бўлгач, ҳамма одамлар ҳам кўзларига бир хил бўлиб кўриниши турган гап.

– Майли, – деди Мюллер, – уларга ёрдам бера қолинг... – Бу гувоҳ эсингиздами ўзи?

– Йўқ, бунисини кўрмаганман. Кўрган одамим эсимда қолади.

Иккинчи полициячи ҳам ҳеч кимни танимади. Кўринишидан сил касалига дучор бўлган касалманд, ёшгина Шуцман еттинчи бўлиб кирди.

«Агар Мюллер мени букишдан манфаатдор бўлса ёки қўлида бевосита ҳам Кэтдан, ҳам Плейшнердан олинган далиллари бўлганида, мен билан бунақанги пачакилашиб ўтирмас эди. У аросатда қолган. У изланмоқда. Унинг аниқ режаси йўқ – бу ҳам менинг толеим, менинг фойдам».

– Сиз шу кишилардан бирортасини кўрган-мидингиз? – сўради Айсман.

– Йўқ, менимча йўқ...

– Сиз Кепенникштрасседа қуршовда турган-мидингиз?

– Ҳа, ҳа, – хурсанд бўлиб эслади шуцман, – мана бу жаноб ўз нишонини кўрсатган эди, мен уни ёнғин бўлган жойга ўтказиб юборгандим.

– У ўтказинг деб илтимос қилдими?

– Йўқ... Шунчаки ўз нишонини кўрсатди, холос, у машинада эди, мен эсам ҳеч кимни қўймаётган эдим... У ўтиб кетди... Мумкин эмасмиди? – бирданига қўрқиб сўради шуцман. – Агар унинг ҳақи бўлмаса... СД ва гестапо одамлари ҳамма ерда ўтказилсин деган буйруқ бор-ку, ахир.

– Унинг ҳақи бор эди, – деди Мюллер, ўтирган жойидан кўтарилар экан, – у душман эмас, қўрқманг... Ҳаммамиз бирга ишлаймиз... У ёнғин жойидан ҳомиладор хотинни қидирдимиз?

– Йўқ... Ҳомиладор хотинни кечаси олиб кетган эдилар, у бўлса эрталаб кетаётган эди.

– У ўша бечора хотиннинг буюмларини қидирдимиз?.. Сиз унга ёрдам бердингизми?

– Йўқ, – жавоб берди шуцман, пешанасинн тириштириб, – у ерда қандайдир аёлнинг каравотчасини четга олиб чиқиб қўйди... Бола-лар каравотчасини... Йўқ, мен ёрдам бермадим, ёнида тургандим...

– У жомадонлар олдида турганмиди?

– Кимни сўраяпсиз? Аёлними, каравотними?

– Аёлни сўраяпман.

– Буниси ёдимда йўқ. У ерда қандайдир жомадонлар ётган эди, шекилли, лекин аниқ ёдимда йўқ. Лекин каравотча эсимда, чунки у бузилиб кетганди, бу жаноб уни жой-жойига улаб, кўчанинг нариги бетидаги йўлкага олиб бориб қўйди.

– Нега? – сўради Мюллер.

– У ер хавфсизроқ эди, ўт ўчирувчилар ҳам биз томонда туришарди. Ўт ўчирувчилар қўлларидаги шланглари билан каравотчани ишдан чиқаришлари мумкин эди. Унда болакай нимада ётарди, аёл эса кейин каравотчани

бомбапанага қўйиб, боласини ухлатди – буни ўз кўзим билан кўрдим...

– Раҳмат, – деди Мюллер, – бизга катта ёрдам бердингиз. Сиз бўшсиз.

Шуцман чиқиб кетгач, Мюллер:

– Қолганларини ҳам жўнатиб юборинг, – деди Айсманга.

– Яна битта кексароғи бўлиши керак, – деди Штирлиц, – у ҳам исбот қилиб беради.

– Бас, етар, – деди Мюллер афтини буриштириб. – Шунинг ўзи етарли.

– Биринчи занжирда турганларни чақирилса бўлмасмикан, улар менга йўл кўрсатишган эди.

– Буни ҳам аниқладик, – деди Мюллер. – Шольц, буни аниқ исбот этишдими?

– Ҳа, обертруппенфюрер. Ўша куни нарядлар тайинлаган ва кўча ҳаракати билан алоқа боғлаган Хельвиг берган гувоҳлик шу ерда.

– Раҳмат, – деди Мюллер, – ҳаммангиз бўшсиз. Шольц билан Айсман эшик томон юрдилар, Штирлиц ҳам уларга эргашди.

– Штирлиц, мен сизни яна бир дақиқа ушлаб қоламан, – деб Мюллер уни тўхтатди.

У Айсман ва Шольц чиқиб кетгунича кутиб турди, кейин тамаки тутатиб, стол ёнига ўтди. Кейин стол четига ўтириб – гестапонинг ҳамма ходимлари унинг бу одатини билар эдилар – сўради:

– Майли, майда-чуйда далиллар тўғри келаяпти, мен эса буларга ишонаман. Энди битта саволимга жавоб берсангиз, қадрли Штирлиц: пастор Шлаг қаерда?

Штирлиц ўзини ҳайрон қолган қилиб кўрсатди. Кейин шартта Мюллер томон ўгирилди:

– Ана шундан бошлаш керак эди! – деди.

– Нимадан бошлаш кераклигини ўзим яхши биламан, Штирлиц. Сизнинг анча ҳаяжонланганлигингиз тушунарли, аммо одобни ёддан чиқарманг...

– Обергруппенфюрер, сиз билан очиқ гаплашишни рухсат беринг!

– Рухсат берайми? Менга ким рухсат беради?

– Обергруппенфюрер, Борманнинг телефон орқали гапирган гаплари Шелленберг кўриб чиққандан кейингина рейхсфюрер столи устига тушишини биламан. Сизнинг рейхсфюрер буйруқларини бажаришга мажбурлигингизни ҳам тушунаман. Гарчи бу буйруқлар ўзингизнинг дўстингиз ва менинг бошлиғим томонидан ҳийла қилиб чиқарилган бўлса ҳам уларни бажаришга мажбурсиз. Борманнинг ҳайдовчиси юқоридан берилган буйруққа биноан гестапо томонидан қамоққа олинганлигига аминман. Шу кишини қаманг деб сизга буйруқ беришганига ишончим комил.

Мюллер эринчоқлик билан Штирлицнинг кўзига қаради, бутун асаб торлари таранг тортилганини сизди – у ҳамма нарсани кутса ҳам, буни кутмаган эди.

– Нега сиз шундай деб ҳисоблайсиз... – деб гап бошлади у, аммо Штирлиц яна унинг сўзини бўлди.

– Обергруппенфюрер, сизга мени партайгеноссе Борман билан учраштирмаслик мақсадида ҳар қандай йўл билан, ҳар қандай кишилар орқали, ҳар қандай вазиятда обрўсизлантириш топширилган. Шу кунги ишни нимадан бошлаб нима билан тугатганингизни кузатиб турдим – сизда, одатдагидек, ҳамма нарса

бор эди, фақат бир нарсa – илҳом етишмади, чунки менинг Борман билан учрашувимга чек қўйишдан ким манфаатдор эканлигини тушуниб турибсиз. Борман билан нега учрашмоқчи бўлганлигимни қайтиб келгач, айтиб бера оламан. Ҳозир эса вақтим йўқ: соат бешда мени Борман кутади. Мени гумдон қилишдан манфаатдор бўлмасангиз керак?

– Борман билан қаерда учрашасиз?

– Табиатшунослик музейи ёнида.

– Рулда ким ўтиради? Иккинчи ҳайдовчими?

– Йўқ. Уни гестапо орқали Шелленберг сотиб олганлиги бизга маълум.

– «Биз» деганингиз ким бўлди?

– Биз деганим – Германия ва фюрер ватанпарварлари.

– Сиз учрашувга менинг машинамда борасиз, – деди Мюллер, – бу сизнинг хавфсизлигингиз учун зарур.

– Раҳмат.

– Портфелга диктофон солиб, Борман билан бўлган ҳамма гапни ёзасиз, ҳайдовчи тақдири ҳақида ҳам сўзлашиб оласиз. Сиз ҳақсиз: уни қамашга ва учинчи даражали сўроқ қилишга мени мажбур этдилар. Кейин шу ерга қайтиб келасиз ва нималар ҳақида гаплашганингизни биргалашиб тинглаймиз. Машина сизни ўша ерда, музей олдида кутиб туради.

– Бундай қилиб бўлмас, – жавоб берди Штирлиц юз бериши мумкин бўлган турли эҳтимолларни шитоб билан ҳаёлан чамалаб кўраркан. – Мен ўрмонда яшайман. Мана менинг калитим. Ўша ерга боринг. Борман ўтган гал мени машинада уйимга элтиб қўйган эди: агар ҳай-

довчи буни айтиб берганида, етти соат давомида мени қийнамаган бўлардингиз.

– Эҳтимол, мен буйруқни бажаришга мажбур бўлиб, қийналишингизни бундан етти соат олдин тугатармидим, – деди Мюллер.

– Агар шу нарса юз берганда, группенфюрер, сиз шу бинонинг ўзида кўпгина душманлар билан юзма-юз тўқнашардингиз, сизнинг ютиб чиқишингизга ҳам ишончим комил эмасди.

Эшик ёнига борганда, Штирлиц сўради.

– Айтгандек, мен мўлжал қилиб қўйган комбинацияда рус аёли жуда керак. Нега сиз уни олдириб келмадингиз? Берндан олинган шифр юзасидан қуруқ майнавозчиликнинг нима кераги бор эди?

– Буларнинг ҳаммаси сиз ўйлаганча аҳмоқона гап эмас. Бу ҳақда Бабельсбергда учрашганимизда, сизникида, Борман билан суҳбатдан кейин фикрлашиб оламиз.

– Хайль Гитлер! – деди Штирлиц.

– Қўйсангиз-чи, – тўнғилади Мюллер, – бу-сиз ҳам қулоғим битган...

– Тушунмадим... – худди қандайдир тўсиққа учрагандек тўхтади Штирлиц, қўлини қоп-қора эшикнинг вазмин мис тутқичидан олмай туриб.

– Қўйинг. Ҳамма нарсани яхши тушунасиз. Фюрернинг бирор нарсани ҳал қилишга қурби етмай қолди, энди Германия манфаатларини Адольф Гитлер шахсига аралаштирмаслик керак.

– Нима деяётганингизни...

– Ҳа, ҳа, ҳа! Нима деяётганимни билиб турибман! Бу ерда ёзиб оладиган мослама йўқ, агар бу гапимни бирор кишига айтмоқчи бўлсангиз, ҳеч ким ишонмайди – бировга айтишга журъат ҳам қилолмайсиз. Аммо сиз ўзингиз билиб қў-

йинг (менга таклиф этаётганингиздан кўра нозикроқ ўйинни чамаламаган бўлсангиз, албатта): Гитлер Германияни ҳалокатга олиб келди. Бу мавжуд аҳволдан қутулиш йўлини кўрмайман. Тушундингизми? Кўрмайман. Ўтирсангиз-чи, ўтиринг. Ҳали йигирма дақиқа вақт бор. Йўлингизга беш, кўпи билан етти дақиқа керак. Сиз Борманда қутулиш режаси бор, деб ўйлайсизми? Рейхсфюрернинг режасидан маъқулоғи-я? Буни ўйлаб кўринг... Гиммлерга тегишли чет элдаги одамларининг ҳаммаси хавф остида, у ўз айғоқчиларидан иш талаб қилиб, уларга ғамхўрлик қилмасди. Ҳолбуки, Германия – Америка, Германия – Англия, Германия – Бразилия институтларидан бирор киши ҳам қамалгани йўқ. Гиммлер бу дунёда яшириниб юролмайди. Борман эса яшириниб юра олади. Шунини ўйлаб кўринг. Унга бир нарсани тушунтиринг: – буни қандай қилиб одоблироқ қилиб айтишни ўзингиз ўйлаб кўринг – яқинда ҳамма нарса ҳалокат билан тутагач, мутахассисларсиз иш кўролмайди. Гиммлернинг чет эл банкларидаги омонатларининг кўпчилиги иттифоқчилар қўлига тушиши турган гап. Борманнинг эса банклардаги омонатлари юз марта кўпроқ бўлиб, уларнинг қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди. Ҳозир, сиз, Штирлиц, унга душманларини ағдаришга ёрдам берар экансиз, келажакда ўзингиз учун ҳам кафолат талаб қилинг. Гиммлернинг олтини – пуч нарса, ўйинчоқ. У Борман олтинининг ниқоби, холос. Гиммлернинг олтини назоратдан холи эканлигини ва энг яқин, тактика мақсадларигагина хизмат қилиши мумкинлигини Гитлер яхши биларди. Партия олтини, Борман олтини эса

пачоқ айғоқчилар ва вазирларнинг қайта-қайта сотиладиган ҳайдовчилари (бу ҳайдовчилар ўз вазирларига ўйнаш қидириб топардилар ва кейинчалик қилмишлари Шелленбергнинг расмларида ўз аксини топарди) учун эмас, балки маълум вақт ўтиши билан дунёда бу тузумдан бўлак йўл йўқ эканлигини тушунган минглаб зиёлилар учун мўлжалланган. Партиянинг олтини келажак томон ташланган кўприк, ҳозир бир ойлик, бир яшар, уч яшар бўлган болаларимизга қаратилган мурожаатдир. Ҳозирги ўн яшар болаларга керак бўлмаймиз биз: биз ҳам, бизнинг ғояларимиз ҳам керак эмас, улар оч-яланғоч ва бомбалар остида қолганликлари учун бизни кечирмайдилар. Ҳозир ақли ҳеч нимага етмайдиганлар эса бизларни афсонавий қаҳрамонлардек тилга олиб юрадиган бўладилар, афсонанинг ўзини эса тўқий билиш керак, яъни, бизнинг сўзларимизни одамзоднинг йигирма йилдан кейинги ҳаётига мос оҳангга сола оладиган эртақчиларни етиштириш зарур. Бирор жойда «салом» сўзи ўрнига бирор кимса шарафига «хайль» сўзини ишлата бошлашса – ўша ерда бизни кутиб туришган бўлади, ўша ерда биз қайта туғилиб, буюк йўлни яна бошлаймиз! 1965 йилга бориб неча ёшга кирган бўласиз? Етмишларга яқинлашиб қоларсиз? Сиз бахтли одамсиз, сиз омон-эсон яшаб, ҳали ўзингизни кўрсата оласиз: етмиш ёш – сиёсатчининг гуллаган пайти. Мен эса саксон ёшни уриб қоламан... Шунинг учун келажак ўн йилгача мени қизиқтиради ва агар мендан кўрқиб эмас, балки аксинча, менга таяниб иш кўрмоқчи бўлсангиз, бир нарсани эсдан чиқарманг: Мюллер, яъни гестапо – кек-

сайиб, чарчаб қолган бир одам. У бу курсида ўтириб, пул жамғаргани йўқ. У ўзининг сўнгги йилларини зилол сувли ҳовузи бор кичкинагина фермада ўтказиш ниятида, шунинг учун мен ҳозир ташаббускорлик кўрсатишим мумкин... Яна – буни, албатта, Борманга айтиш керак эмас, аммо ўзингиз эслаб қолинг: Берлидан тропик минтақадаги кичкина фермага бориш учун шошилиш ярамайди. Фюрернинг кўпгина лайчалари бу ердан яқинда қочишни бошлаб, қўлга тушадилар... Берлинда рус тўпларининг гулдуриси эшитилаётган, аскарлар эса ҳар бир уй учун жанг қилаётган пайтда, эшикни тақ этиб ёпмай, хотиржамлик билан жўнаб кетиш мумкин. Фақат Борманга ва фюрерга маълум бўлган партия олтини сирини олиб кетиш лозим. Фюрер нариги дунёга кетганидан кейин, Борман учун зарур одам бўлиб қолиш керак, унда у йигирманчи асрнинг Монте Кристоси бўлиб қолади. Шундай қилиб, ҳозир, Штирлиц, фурсат пойлаш кураши кетяпти, бунинг тагида эса биргина сабаб, биргина моҳият... оддий ва гўзал одамийлик моҳияти ётарди... Энди кетаверинг... Диктофонни машина олдида Шольц топширади... Хўш? Нима дейсиз? Агар сиз Гитлернинг ғалаба қозонишига аминман десангиз, ишонмайман. Жавоб қайтарманг, керак эмас. Машинада кетаётганда айтган гапларим устида ўйлаб кўринг. Сизни ҳеч қандай ҳийла-найранг ишлатмай ўз тарафимга тортиб олганим ҳақида ҳам ўзингизга ҳисоб бериб қўйинг. Шелленберг ҳақида бугун бўш вақтда гаплашамиз. Аммо Борманга менинг бевосита ёрдамимсиз Швейцарияда ҳеч нарсани эплай ололмаслигингизни айтишингиз керак.

– У чоғда, – секин жавоб берди Штирлиц, – унга сиз керак бўласиз, мен ортиқчалик қилиб қоламан...

– Борман сизсиз ёлғиз ўзим ҳеч нима қилол-маслигимни тушунади. Сизнинг бошлиғингиз идорасида менга қарашли одамлар унчалик кўп эмас...

Штирлиц кетгач, Мюллер бир ўзи Холтофф хонасида узоқ ўтириб қолди. У бошини эгиб, букчайиб, қўлларини осилтириб жим ўтирарди. Кейин танасини зўрға кўтариб, ўз хонасига чиқиб кетди. Шольцнинг ёнидан ўта туриб сўради:

– Ҳўш, нима гап?

– Бутун теварак-атрофни тит-пит қилиб чиқдик, аёлни топиб бўлмади...

– Штирлиц уйида қолганлардан қандай хабар бор?

– Ҳеч ким телефон қилмабди, ҳеч ким келмабди ҳам...

– Ўтираверишсин. Борман машинаси Бабельсбергга йўл олиши билан дарҳол хабар қилинг, чиқиб кетишсин у ердан. Хоналарда тамаки чекишмасин, гиламларга кул туширишмасин. Ҳамма станцияларга қўлида эмизикли боласи бор барча ёш аёллар ушлансин деб хабар қилинг. Беистисно, ҳаммаси. Қўлида бола кўтарган аёлни кўрдиларми, полицияга олиб келаверсинлар. Фотосуратлари борми жойларда?

– Ҳа, тарқатдик.

Мюллер бош ирғиб қўйиб, ўз хонасига кирди, пўлат сандиқни очиб, бир шиша деҳқонча Бавария арағини олди-да, оғзидан икки қултум ичди.

* * *

Кэт оёғи увушаётганлигини сизди. Қизча ҳам уйғонди, энди болалар бир-бирларига жўр бўлиб йиғлардилар. У тепадаги, ертўладагиларнинг овози эшитилмай қолганини сизди, ана шу темир қопқоқ устига йиқилиб тушгандагина сувнинг шовиллаган овози эшитилганини эслади. Аммо қўрққанидан ҳамон қопқоқни очмасди. У боши билан қопқоқни қандай кўтариши кераклиги, аввал болаларни тош устига қўйиб, тепага чиқиш олдидан бир оз дам олажагинин ипидан-игнасигача ўйлаб олди. У дақиқа сайин юқорига чиқиш муддатини ортга сураверди. У олтмишгача санаб бўлгач, янглишмадимми, деб яна бошқатдан санай бошларди. Университетда биринчи курсда ўқиб юрган пайтларида «Воқеа бўлиб ўтган жойни текшириш» ҳақида махсус анжуман бўлганди. Петровкадан келган терговчилар амалий курсни қандай олиб борганлари, ҳар қандай майда аломатларга ҳам эътибор бериш кераклигини уқтирганликлари ҳали-ҳали унинг ёдида. Ана шунинг учун бўлса керак, у қопқоқни ёпиш олдидан, аввал англамай, ғоятда сезгирлик ишлаб, ўнг қўли билан болаларни бағрига босиб, чап қўли билан тошқумларни сепиб қўйганди.

«Қанча вақт ўтдийкин? – ўйларди Кэт. – Бир соатми? Йўқ, кўпроқ бўлса керак. Ёки камроқмикин? Ҳеч мия ишламаяпти. Яхшиси, қопқоқни очавераман, агар улар шу ерда бўлсалар ёки бирортасини ташлаб кетган бўлсалар, пастга қадам ташлайман, вассалом».

У худди фотосуратда кўриб тургандек, Рольфнинг бўйнидан оққан қон халқоб бўлиб ётган хона кўз олдига келди. Рольфнинг бармоқлари худди паркетни кўчирмоқчи бўлган-

дек полни тирнарди. Секин ҳаракат қилаётган бармоқлар олдида қоп-қора тўппонча қини ётарди... Ўша вақтда у қора қин ҳақида эмас, дераза ёнида, стол устида ётган ўғли ҳақида ўйларди.

«Айтгандай, тўппончанинг нима кераги бор? Агар пастга қадам ташласам – ҳамма нарсa ҳал бўлади-қўяди, – деб хаёл суларди Кэт. – Тўппончанинг кераги йўқ».

У боши билан қопқоқни кўтарди, аммо у очилмади. Кэт оёғини тираб, қопқоқни боши билан қаттиқроқ кўтарди.

«Улар устида туришган эди, – дарҳол тушунди у, – шунинг учун очиш қийин бўляпти. Ҳечқиси йўқ. Занглаган эски темир-да, уни бошим билан қимирлатиб, кейин очаман, агар шунда ҳам очилмаса, болаларни ўнг қўлимга олиб, чап қўлимга бир оз дам бериб, кейин кўтараман. Албатта, очаман. Ҳозирнинг ўзида қизчани ўнг қўлимга ола қолай. Тушириб юбормайман, албатта, тушириб юбормайман, тушириб юборишга ҳеч ҳаққим йўқ. Ҳар эҳтимолга қарши ёпинчиқни тишлаб олай. Ҳар эҳтимолга қарши. Чап қўлим дам олсин».

У йиғлаётган қизчани эҳтиёткорлик билан ўнг кўкраги устига суриб қўйди, чап қўлини кўтармоқчи бўлган эди, аммо кўтара олмади; шишиб кетган қўли унга қулоқ солмасди.

«Майли,– деди ўзига ўзи Кэт.– Буни қўрқадиган жойи йўқ. Ҳозир қўлни игналар санчигандек бўлади-да, кейин қизиб ўзига келади. Ўнг қўлим болаларни ушлаб тура олади. Болалар енгил. Фақат қизча тинчроқ ётса бўлгани. Қизча ўғлимдан каттароқ. Ҳам каттароқ, ҳам оғирроқ...»

Кэт кафтини очиб-ёпиб бармоқларини машқ қилдира бошлади. У боғ қўшнилари бўлмиш чолни эслади. Бўйи баланд, озғин, мовий кўзлари чақнаб турган ўша чол улар ўтирган айвонга келиб, нон ва мой тамадди қилаётганларидан куларди. «Фақат ақлини йўқотганлар ейиши мумкин бу нарсаларни, – дер эди у, – колбаса – заҳар! Пишлоқ ҳам заҳар! Булар организмларнинг зарарли ҳосили! Нонми? Нон семиртиради! Қайнатилган гўшт ейиш керак! Қалампир, карам, шолғом ейиш керак! Ана шундагина ҳаётингиз абадий бўлади! Мен миллион йил яшашим мумкин! Мени фирибгар деб ўйласангиз керак! Йўқ, ундай эмас, мен фақат тиббиёт ходимларимизга қараганда дадилроқ фикр қиламан! Касал деган нарса йўқ! Ошқозон яраси ёки силни даволаш кулгили! Хужайраларни даволаш керак! Абадий ёшликнинг пойдевори – парҳез, тўғри нафас олиш ва соғлом руҳиятдир! Агар сиз тирик нарсанинг асосини ташкил қилган хужайрани тўғри озиқлантириб турсангиз, унга тўғри кислород бериб турсангиз, уни машққа ўргатсангиз, шу хужайра ва сизнинг моҳиятингизни ташкил этган бошқа миллиард-миллиард хужайралар билан суҳбат қилиб турсангиз, уларни ўз иттифоқчингизга айлантирган бўласиз. Ҳар бир киши тасодиф ва вазиятлар гирдобиди яшовчи заиф инсон эмас, балки қуёш остида шу давргача яшаб келган давлатлардан энг онглиси бўлмиш миллион-миллион хужайралар давлатининг доҳийсидир! Юлдузлар оламларнинг, галактикаларнинг доҳийсидир! Ким эканлигингизни тушуниб олинг ниҳоят! Кўзингизни очиб, ўзингизнинг кимлигингизга назар ташланг. Ўзингизни

хурмат қилишни ўрганинг ва ҳеч нарсадан қўрқманг. Агар инсоннинг инсонийлик бурчини тушуниб олсангиз, бу дунёдаги ҳамма даҳшатлар хом хаёл ва кулгилидир!»

Кэт ўз бармоқлари билан суҳбатлашмоқчи бўлди-ю, аммо болалар борган сари кўпроқ йиғлардилар ва энди ҳужайралар қўшини билан суҳбат қилишга вақти қолмаганлигини тушунди. У ҳали ҳам бўйсунмаган чап қўлини кўтариб, карахт бармоқлари билан қопқоқни қимирлата бошлади. Қопқоқ хиёл қимирлади. боши билан ҳам ёрдам қилиб кўрди, қопқоқ жойидан силжиди. Ертўлада одам борлиги ёки йўқлигини суриштирмай, Кэт болаларни тепага қўйди, кейин ўзи юқорига чиқди, у ҳолдан тойган, ҳеч нимани суриштирмай, ҳеч қаёққа қарамай, болалар ёнига чўзилганича ётиб қолди: сўнгги воқеалар инсон қурби етмас даражада куч сарфлашга мажбур этганди уни...

* * *

– Ўлим ҳаётдан фақат икки омил: ҳажм ва ҳаракат билан фарқ қилади. Тирик жон гўрдан каттароқ ёпиқ бинода яшайди, холос. У уй-жой, оила, ақлдан озганлар касалхонаси, исловатхона, парламент деб аталган ана шу бинони вақти-вақти билан ташлаб кетиш имкониятига эга, холос. Ёки аксинча, кириб туриши мумкин. Бутун фарқ шунда, – деди паспорнинг баланд бўйли, озғиндан келган, кўринишдан жуда кекса, аммо ўзини ёш кўрсатишга интилган италиялик суҳбатдоши. – Мен кўрс бўлиб кўринишдан қўрқмайман. Мен сиздан кўрслик аломати бўлмиш тўғри гапни айтаверишни сўрайман. Тўғри гап – кўрсликнинг энг

юксак, одилона ва мақсадга мувофиқ кўринишидир. Ёки аксинча айтганда, ҳис-туйғуларга ишониб, гапирган гапимнинг шакли устида бош қотириб ўтирмайман.

– Бу гапларингизни эшитиш мен учун оғир, – деди пастор, – чунки шу пайтда, Германияда, ҳар дақиқада оч-яланғоч аёллар жон бермоқда, бомбалар остида болалар ҳалок бўлмоқда. Даҳшатли уруш пайтида эмас, тинчлик пайтларда ана шундай ҳулосалар қилишни кечириш мумкин... Аммо ҳозирги кунда бу шафқатсизликдир.

– Бу масалада ҳам сиз билан келишолмайман, чунки тинч даврнинг ҳар бир кунида уруш чиқиши мумкин ва аксинча, урушнинг даҳшатли соатлари тинчлик кунлари яқинлашаётганлигидан далолат беради. Биз сирли параболада яшамоқдамиз. Тарих заминида тушуниб бўлмайдиган геометрик шакллар ётади, мени ҳатто алдаш ихтисоси бўлган дипломатия ҳам ўзининг нозик математик тузилиши билан қизиқтиради. Албатта, унга маълум бир масофадан қаралса, ана шундай туюлади.

– Сиз билан иш юзасидан чинакам суҳбат қилиш қийин экан, – деди пастор, – турли-туман масалалар устида баҳслашувга вақтим йўқ. Менга ўз ёрдамини аямасликни ваъда қилган жаноблар Германиядаги миллион-миллион одамлар тақдирини ҳал қила оладиган кишилар билан боғлаб қўйишингиз мумкинлигини айтган эдилар. Агар ниҳоятда қимматли тинчлик даврини бир кунга бўлса ҳам яқинлаштира олсак – кейинчалик бизнинг кўп гуноҳларимизни кечириб юборадилар.

– Марҳамат. Мен сизнинг ҳамма саволларингизга жавоб беришга тайёрман.

– Ҳаммасига жавоб беришнинг ҳожати йўқ. Агар ҳамма саволларга жавоб беришга рози бўлсангиз, сизга ишончим йўқолади.

– Ақлли гап.

– Мен дипломат эмасман, бу ерга топшириқ билан келдим...

– Ҳа, ҳа, тушунарли. Сиз ҳақингизда мени бирмунча хабардор қилган эдилар. Биринчи савол: кимларнинг вакилисиз?

– Кечирасиз, аввал мен сизнинг жавобингизни тинглашим керак: сиз ўзингиз кимсиз? Мен Гитлер қўл остида қолган одамлар ҳақида гапираман. Улар ва уларнинг қавм-қариндошларининг ҳаёти хавф остида. Сиз учун эса ҳеч қандай хавф йўқ – бетараф мамлакатдасиз.

– Бетараф мамлакатда гестапо айфоқчилари иш кўрмайдилар деб ўйлайсизми? Аммо бу хусусий бир нарсa – суҳбатимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мен америкалик эмасман, инглиз ҳам эмасман.

– Мен буни сизнинг инглизча гапиришингиздан пайқаб олдим, италиялик бўлсангиз керак?

– Ҳа, италиялик бўлиб туғилганман. Лекин мен Қўшма Штатларнинг фуқаросиман, шунинг учун мен билан очиқ гаплашавиришингиз мумкин. Бизнинг учрашишимизга ёрдам берган кишиларга ишонсангиз керак, албатта.

Пастор Брюнинг уни таништирган суҳбатни эслади. Шунинг учун у бундай деди:

– Ватанимдаги дўстларим барча немис қўшинларининг тезроқ таслим бўлиши ва ҳамма СС қисмларининг тугатилиши миллион-миллион кишилар ҳаётини сақлаб қолади, деган фикрдалар ва мен уларнинг шу нуқтаи назарини тўла қувватлайман. Шунингдек, дўстла-

рим иттифоқчиларнинг қайси бир вакили билан алоқа боғлашимиз мумкинлигини ҳам би-лиш ниятидалар.

– Сиз рейхнинг барча қўшинлари – Фарбда ҳам, Шарқда ҳам, Жануб ва Шимолда ҳам бир вақтда таслим бўлишини назарда тутяпсизми?

– Сиз бошқа йўлни таклиф этмоқчимисиз?

– Бизнинг суҳбатимиз жуда ғалати ўтяти: аслини олганда, музокаралар олиб боришдан биринчи гада биз эмас, немислар манфаатдор, шунинг учун шартларни биз таклиф қилишимиз керак. Тўғри эмасми? Менинг дўстларим сизлар билан очиқ-ойдин гаплашишлари учун ота-боболаримиз ўргатиб келганларидек, музокараларни ким билан, қачон, қай даражада, кимнинг ёрдами билан олиб боришни би-лишимиз керак. Акс ҳолда биз сизни ашаддий гестапо айғоқчи, ёки қўлида етарли кафолати бўлмаган киши, ёки бизни сохта хабарларга ишонтириш мақсадида интилаётган объект деб ҳисоблашимиз мумкин.

– Мен сиёсатчи эмасман. Эҳтимол, сиз ҳақ-дирсиз... Аммо менинг самимийлигимга ишонишингизни сўрайман. Мени бу ерга юборган гуруҳ орқасида кимлар турганлигини аниқ бил-майман, лекин мен билган ана шу гуруҳнинг вакили етарли даражада эътиборли киши.

– Бу мушук-сичқон ўйинидек гап. Сиёсатда ҳамма нарсани олдиндан аниқлаб олиш керак. Газеталардан сиёсий янгиликларни ўқиб юрув-чи одамларгагина сиёсатчилар асосий мақсад-ларини яшириб, бир-бирини алдаётган, ҳий-ла-найранглар ишлатиб, бир-бирларига ёлгон гапираётгандек бўлиб туюлади. Сиёсатчилар савдолашадилар, чунки улар учун ҳеч қандай

сир йўқ. Улар нимани ва қанчага савдо қилишни мўлжаллаб юрадилар. Агар улар савдо-сотиқда нўноқлик қилсалар – агар тоталитар давлат вакили бўлсалар – ўз шериклари томонидан ағдариладилар, ёки улар парламентли демократия мамлакатларининг вакиллари бўлсалар – навбатдаги сайловларда мағлубиятга учрайдилар. Мен дўстларингизга қуйидагиларни топширишни маслаҳат берардим; улар кимларнинг вакили, уларнинг дастури, биринчи галда мафкуравий дастури ва бизнинг ёрдамимизга таянгудек бўлсалар, Германияда амалга ошироқчи бўлган режалари нималардан иборатлигини билмагунимизча, улар билан сўзлашолмаймиз.

– Мафкуравий дастур аниқ; нацизмга қарши дастур.

– Бу мафкуравий дастурнинг фақат биринчи босқичи бўла олади. Дўстларингиз келгуси Германияни қандай тасаввур қилмоқдалар? Қандай йўлдан боради? Немисларга қандай шиорлар тақдим қиласизлар? Агар сиз дўстларингизнинг фикрини айта олмасангиз, ўзингизнинг бунга қандай қарашингизни билсак яхши бўларди.

– Менинг қарашларим субъектив бўлиши мумкин, – деб жавоб қилди пастор. – Ҳар ҳолда, агар сизлар менинг дўстларим руслар танлаган йўлни назарда тутмоқдалар деб ўйласангиз, янглишган бўласиз. Аммо ҳозир Германияда мавжуд бўлган герман халқини бостириш аппаратини у ёки бу шаклда сақлаб қолиш мумкин деган фикр ҳам мен учун даҳшатлидир.

– Қарши савол: агар Гитлер кетса, герман халқини тартиб доирасида ким ушлаб тура-

ди? Черков аҳлими? Концентрацион қamoқ-хоналарда ётганларми? Ёки гитлеризм билан алоқани узишга қарор қилган мавжуд полиция қисмларининг командирларими?

– Германияда полиция кучлари СС рейхсфюрери Гиммлерга бўйсунди...

– Бундан хабардорман...

– Демак, гап, сиз айтгандек, халқни анархиядан сақлаб қолиш, уни тартиб доирасида ушлаб тура оладиган имкониятга эга СС ҳoкимиятини сақлаб қолиш устида бормoқда.

– Бундай таклифни ким киритяпти? Менимча, бу масала ҳали ҳеч қаерда муҳокама қилинмаган, – деб жавоб берди италиялик ва пасторга бутун суҳбат давомида биринчи марта кулмай, жиддий қараб қўйди.

Пастор қўрқиб кетди, у ортиқча гапириб қўйганлигини сизди: бу қурмагур италиялик ҳозир унга ёпишиб олиб, Брюнинг унга кўрсатган америкаликлар билан СС ўртасидаги музокаралар стенограммаси юзасидан нималарни билишини сўрай бошлайди. Пастор ёлғон гапиролмаслигини биларди: ёлғон гапирса, юзидан билдириб қўярди.

Даллес бюросининг ходимларидан бири бўлган италиялик эса ўз ҳузурига қайтгач, суҳбат ҳақида ҳисобот ёзиш олдидан узоқ вақт мулоҳаза юритиб ўтирди.

«Ё у Германияда ҳеч кимнинг вакили бўлмаган, ҳеч нарсaга арзимайдиган одам, – деб ўйларди италиялик, – ёки жуда ўтқир айғoқчи. У савдолашишнинг уддасидан чиқмади, аммо ҳеч нарсани айтмади ҳам. Аслини олганда, мен уларнинг ниятини билишга интиланганимдан кўра, бизларнинг нимани исташимизни

кўпроқ билар экан у. Аммо унинг сўнгги сўзларидан маълум бўлдики, Вольф билан музокаралар ҳақида нималардир уларга маълум бўлиб қолган».

* * *

Кэтнинг метрога тушиш учун пули йўқ эди. Аммо печкаси бор бирор иссиқ жойга бориб, болаларни эмизиш ва йўргаклаш зарур эди. Агар бундай қилмаса, болаларнинг ҳалок бўлиши ҳеч гап эмас, совуқда юрганларига анча вақт бўлди.

– Шу аҳволга тушгандан кўра, эрталабнинг ўзида ҳалок бўлганимиз яхшироқ эди, – деб илгаригидек ўзига келолмай хаёл қила бошлади Кэт – Ёки қопқоқ остидалигида шундай қилиш мумкин эди.

Унда хавф сезгиси йўқола бошлади: у ертўладан чиқиб, теварак-атрофга назар ташламай, автобус бекатига қараб юрди. У қаерга боришни ҳам, қаердан пул олишни ҳам, болаларни бир дақиқа қаерга қўйишни ҳам билмасди. У кондукторга пули йўқлиги, пули бомбарди-монда вайрон бўлган уйида қолганлигини айтди. Кондуктор бир оз вайсаб олгач, қочқинлар идорасига мурожаат қилишни маслаҳат берди. Кэт дераза ёнига ўтириб, ҳолдан кетаётганлигини сизди. Бу ер унчалик совуқ эмас, шунинг учун уни уйқу босарди. «Ухламайман, – деди у ўзига ўзи. – Ухлашга ҳақим йўқ». Аммо дарҳол ухлаб қолди.

Кэт уйғотмоқчи бўлиб елкасига қоқаётганликларини ва силкитаётганликларини сезиб турди, аммо кўзини очолмасди, у танаси исиганини, роҳат-ҳаловат қилганлигини сизди, болаларнинг йиғиси эса узоқдан эшитиларди.

У тушида қандайдир ажойиб, рангли манзарани кўрди: у тушида бу нарсаларнинг дидсиз ва ўта таъсирчанлигидан куларди – мана, у ўғли билан кўм-кўк қалин гилам устидан бир уйга кириб кетишяпти: ўғли қўғирчоқ кўтариб олган, ўзи юриб кетяпти. Уларни қизил либос кийиб олган Эрвин, онаси, миллион йил яшашни ваъда қилган қўшниси кутиб олишяпти...

– Майне даме! – кимдир уни қаттиқ туртганди, чаккаси муздек ойнага тегди. – Майне даме!

Кэт кўзини очди. Қоп-қоронғи автобусда унинг ёнида кондуктор билан полициячи турарди.

– Нима? – дея пичирлади Кэт, болаларни бағрига босиб. – Нима?

– Ҳаво ҳужуми, – худди ўшандай шивирлаб жавоб берди кондуктор. – Юринг...

– Қаерга?

– Бомбапанага, – деди полициячи, – Келинг, ёрдамлашиб юборайлик.

– Йўқ, – деди Кэт, болаларни бағрига босиб. – Ўзим кўтараман.

Кондуктор елкасини қисиб қўйди, аммо бошқа ҳеч нима демади. Полициячи уни қўлидан ушлаб, бомбапанага бошлаб кетди. У ер иссиқ ва қоронғи эди. Қаердандир болаларнинг йиғлаган овози эшитиларди. Кэт бурчакка ўтди – иккита ўғил бола ўрнидан туриб, унга жой беришди.

– Раҳмат.

У болаларни ёнига ётқизиб қўйди ва гитлер-югенд аъзоси бўлган қизчага мурожаат қилди, қизча у ерда навбатчилик қиларди:

– Уйим вайрон бўлди, менда ҳатто йўргак ҳам йўқ, ёрдам беринг! Нима қилишимни ҳам билмайман...

Қизча бошини қимирлатиб, ёш болали аёллар ўтирган жойга борди: у ер энг хавфсиз жой бўлса керак. Кўп ўтмай у қайтиб келди.

– Марҳамат,– деди қизча, – бу ерда тўртта йўргак бор, ҳозирча етиб турса керак. Эрталаб «Муҳтожларга ёрдам» ташкилотининг энг яқин бўлимига мурожаат қилишни маслаҳат бераман – фақат сиз яшаган жойдаги полиция комиссариатининг маълумотномаси керак бўлади.

– Ҳа, албатта, раҳмат сизга, – деб жавоб берди Кэт, болаларни йўргаклар экан. – Бу ерда сув йўқмикин? Сув ва печка бўлса, ўзимдаги йўргакларни ювардим, шунда саккизтаси эртага етарли бўларди...

– Совуқ сув бор, совун ҳам беришса керак. Кейин олдимга келсангиз, ўзим ташкил қилиб бераман.

– Катта раҳмат сизга.

– Хизмат кўрсатиш – менинг бурчим.

Болалар қорни тўйиб уйқуга кетгач, Кэт ҳам деворга суяниб жилла бўлмаса ярим соат ухлаб олмоқчи бўлди. «Ҳозир ҳеч нарсага ақлим етмайди, – деди у ўзига ўзи,– иситмам чиқяпти, қопқоқ остида шамоллаб қолган бўлсам керак... Болалар шамолламаган бўлишлари керак, ҳар ҳолда ёпинчиққа ўралган эди, ҳозир ҳам оёқлари иссиқ. Бир оз ухлаб олиб, кейин нима қилишни ўйлаб кўраман».

Яна бетайин тушлар кўра бошлади: кўк, оқ, қизил ва қора шуъалар кетма-кет ўзгариб кўзни чарчатарди. У ранглар ўйинини диққат билан кузатиб турди. «Балки қовоқ остида кўзим айланаётгандир, – дарҳол пайқади Кэт, – мактабда полковник Суздальцев бу нарса кўзга ташланади деган эди». У қўрқиб ўрнидан ту-

риб кетди. Атрофдагилар мудраб ўтиришарди: бомбардимон гулдурослари ва зенит тўпларининг тариллаши, худди қулоққа пахта тиқиб олгандек, узоқдан эшитиларди.

«Штирлицнинг олдига боришим керак», – деди Кэт ўзига ўзи ва энди хотиржам, аниқ фикр юритаётганлигидан ҳайрон бўлиб. «Йўқ, – деган овоз эшитилди унинг қалбидан, – унинг олдига бориш ярамайди. Сўроқ қилаётганда уни ҳам тилга олган эдилар-ку». «Хўш, бўлмаса қаерга борай? Ўзим гестапога борганим яхши эмасми. Агар уни қидириб топмасам, Берлинда юрганимдан нима фойда? «Сен уни ҳам, ўзингни ҳам қўлга туширасан. Уни ҳам, ўзингни ҳам ҳалок қиласан».

Кэт яна кўзини юмди, ярим соат ухлади. Кўзини очгач, ўзини енгилроқ сездди. Пешанасини ушлаб кўрса, иссиқ. «Ҳа, шамоллабман. Иссиғим бор. Шунинг учун бемаъни тушлар кўрдим. Буниси қўрқинчли эмас. Шамоллашдан ҳеч ким ўлмайди».

Штирлиц ҳақида ўйлаётганини ёдидан чиқарган бўлса ҳам, аммо унинг кўз олдида 42 75 41 рақами худди пардага ёзилгандек намоён бўлди.

– Йигитча, – ёнида мудраб ўтирган болани туртиб деди у, – яқин орада телефон йўқми?

– Нима?! – деди йигитча, қўрққанидан сакраб туриб.

– Хотиржам бўлинг, – деб уни тинчлантирди Кэт. – Мен телефон борми деб сўраяпман?

Гитлерюгенд аъзоси бўлган қизча шовқинни эшитиб, Кэтнинг ёнига келиб, сўради:

– Сизга бирор ёрдам керакми?

– Йўқ, йўқ, – жавоб берди Кэт.– Йўқ, ташақкур, ҳамма нарсa жойида.

Шу вақт бомбардимон тутаганлигини билдириб, сирена увиллай бошлади.

– У қаерда телефон борлигини сўраган эди, – деди йигитча.

– Метро бекатида, – деди қизча. Бу ерга яқин – бурчакда. Танишингиз ёки қариндошингизга телефон қилмоқчимисиз?

– Ҳа.

– Бориб телефон қила қолинг, болаларингизга мен қараб тураман.

– Лекин менда автоматга ташлаш учун йигирма пфенинг ҳам йўқ...

– Менда бор. Мана, марҳамат.

– Раҳмат... Олис эмасми?

– Икки дақиқалик йўл.

– Агар болалар йиғлай бошласалар...

– Мен уларни кўтариб овутаман, – деди қизча кулиб, – хавотирланманг.

Кэт бомбапанадан югурганича чиқиб кетди. Метро яқингина ерда экан. Телефон-автомат ёнидаги халқоб сув бетидаги муз парда ялтирарди. Тўлишиб, товланиб турган ой кўкимтир шуъла таратди.

– Телефонлар ишламайди, – деди шуцман. – Портлаш тўлқинида бузилган.

– Яна қаерда телефон бор?

– Қўшни бекатда... Телефон қилишингиз жуда зарурми?

– Жуда ҳам зарур.

– Юринг, бўлмасам.

Шуцман билан Кэт бўм-бўш метро бекатига тушдилар, кейин полициячи хонасига кириб,

чироқни ёқди ва стол устида турган телефон аппаратини имлаб кўрсатди.

– Фақат тезроқ телефон қилинг, – деди.

Кэт стол атрофидан айланиб ўтиб, аёллар учун мўлжалланган баланд курсига ўтирди ва 42 75 41 рақамларини терди. Бу Штирлицнинг телефони эди. У узун ва қисқа сигналларга қулоқ солар экан, ойна остида бир қанча телефон рақамлари ёнида турган ўзининг катта расмини дарҳол пайқамади. Шуцман тамаки чекиб, унинг ортида турарди.

* * *

Камин олдидаги Штирлиц яхши кўрадиган курсида ўтирган Мюллер сўради:

– Ҳайдовчи ҳақидаги гап қани?

– Сигмади. Мен Борманга: «Бир дақиқа сабр қилсангиз, мен плёнкани бошқатдан ўраб олай» – деёлмасдим-ку, ахир. Мен унга, сиз, айнан сиз унинг ҳайдовчи ҳаётини сақлаб қолиш учун бор кучингизни ишлатишингизни аниқлашга муваффақ бўлдим, дедим.

– У нима деди?

– У, ертўлаларда қийноққа дучор қилинган ҳайдовчи ўз иродасини йўқотган бўлса керак, шунинг учун ҳам энди унга ишониб бўлмайди, деди. Бу масала уни унчалик қизиқтирмади. Шундай қилиб, бу масалада ҳам кўнглингиз тўқ бўлсин, обсергруппенфюрер. Ҳар ҳолда, ҳайдовчини ўз ҳузурингизда ушлаб туринг, уни яхшироқ боқсинлар. Кейин нима бўлишини кўрармиз.

– Ҳайдовчи билан бошқа қизиқишмайди, деб ўйлайсизми?

– Ким?

– Борман.

– Нима маъно чиқади? Ҳайдовчи – ишлов берилган маълумот. Ҳар эҳтимолга қарши мен уни сақлаб турардим. Рус пианиночиси қаерда? У ҳозир бизга катта иш бериши мумкин эди. Унинг ишлари қалай? Госпитаалдан олиб келишдими?

– У бизга қандай иш бериши мумкин? Радио ҳийла-найрангларида айтганимизни қилади, аммо...

– Буниси тўғри, – маъқуллади Штирлиц. – Буниси шубҳасиз. Аммо уни қандайдир йўл билан Швейцариядаги Вольф билан боғласак, қандай бўлар экан?

– Хом хаёл.

– Балки. Баъзан тасаввурга берилиб кетаман.

– Кейин, умуман олганда...

– Нима экан?

– Йўқ, – ўзини тўхтатиб қолди Мюллер, – мен сизнинг таклифингизни таҳлил қилмоқдаман. Мен уни бошқа жойга кўчирдим, у билан Рольф иш олиб бораверсин, у ҳозир сизга унчалик зарур эмас.

– Рольф ҳаддидан ошириб юборибдими?

– Ҳа... бир оз...

– Шунинг учун уни кимдир ўлдирибдими?

– секин сўради Штирлиц. Борман билан учрашувга кетаётганида, йўлакда бу янгилик қуролига чалинган эди.

– Бу менинг ишим, Штирлиц. Келишиб олайлик мендан нимани билишингиз керак бўлса – шунигина биласиз. Мен эшик тешигидан мўраловчиларни ёмон кўраман.

– Қайси томондан мўраловчиларни ёмон кўрасиз? – сўради жаҳл билан Штирлиц. – Қа-

димги поляк томошасини кўрсатаётганда мени қўғирчоқ сифатида ўйнатишларини истамайман...

– Ҳамишами? – кулиб сўради Мюллер.

– Деярли ҳамиша.

– Майли. Бу ҳақда ҳам гаплашармиз. Ҳозир ҳалиги қисмни яна бир марта тинглайлик...

Мюллер Борман сўзини бўлиб, «тўхтатиш» тугмасини босди-да:

– Йигирма метрча орқага қайтаринг, – деди.

– Марҳамат. Мен қаҳва дамлайми?

– Майли дамланг.

– Коньякка қалайсиз?

– Ҳеч ёқтирмайман. Рост бир куни Кальтен-бруннер ҳузурида ичган эдим, чакки эмас экан. Умуман мен арақ ичаман. Коньякда ишқор бор, томирга таъсир қилади. Арақ, чинакам деҳқон ароғи эса киши танасини иситади.

– Сиз матнни ёзиб олмоқчимисиз?

– Керак эмас. Эсда қолади. Аммо қизиқ жойлари бор...

«Борман. Вольф Гиммлернинг вакили эканлигини Даллес биладими?

Штирлиц. Менимча, сезса керак.

Борман. Бу ўринда, «менимча» дейиш жавоб эмас. Агар у Вольфга Гиммлернинг вакили сифатида қараётганлигини аниқ билсам, ана шундагина иттифоқнинг яқин келажақда барбод бўлиши мумкинлиги ҳақида гапириш мумкин эди. Агар улар рейхсфюрер билан иш қўришга рози бўлсалар, уларнинг ёзилган суҳбатини ўз қулоғим билан эшитишим керак. Агар шу суҳбат Геббельс қўлга тушиб қолиб, радиода фойдаланилса, Кремль, Лондон ва Оқ

уйда содир бўлажак ҳодисалар ривожига қандай бўлишини билмадим-ов.

Штирлиц. Бу ерда, Берлинда-чи?

Борман. Бу ўз-ўзидан маълум. Мени ҳозир бу нарса ҳаяжонга солмаётир. Тўғрироғи, мени ҳаяжонга солаётгани фақат шугина эмас. Сиз ўша плёнкани топа оласизми?

Штирлиц. Аввал Вольфнинг ўзи Гиммлер номидан иш кўраётганлигига иқрор бўлсин.

Борман. Нега сиз унинг Даллеса шундай дейиши мумкинлигига ишонмаяпсиз?

Штирлиц. Билмадим. Мен бунга фарз қилияман. Душманларимиз тарғиботи рейхсфюрерни ҳаддан ошиб ёмонламоқда, уни ўтакетган зolim қилиб кўрсатмоқда... Улар, аввало, Вольф кимнинг вакили эканлиги масаласини четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар. Уларни қизиқтирадиган нарса шу одамнинг ҳарбий жиҳатдан қанчалик аҳамиятлилиги бўлади.

Борман. Мен Вольф кимнинг вакили эканлигини уларга ўз оғзи билан айтишни истардим. Худди Вольфнинг ўзи айтишини... Ёки жила қурса сизнинг айтишингизни истардим...

Штирлиц. Қай маънода?

Борман. Маъносими? Маъноси катта, Штирлиц, жуда катта, менга ишонаверинг...

Штирлиц. Операцияни амалга ошириш учун мен унинг дастлабки мақсадини тушуниб олишим керак. Агар мен бутун бир гуруҳ билан бирга ишлаётган бўлсам ва ҳар бир киши бошлиққа ўзининг топганини олиб келаверса, унда бу бой маълумотлар асосида манзара аниқ намоён бўларди. У чоғда менинг асосий вазифани билишимнинг ҳожати бўлмасди: мен фақат ўз соҳам бўйича вазифамни бажариб ту-

раверардим. Афсуски, биз бундай имкониятга эга эмасмиз...

Борман. Айтинг-чи, агар Сталин ғарбий иттифоқчиларнинг худди СС раҳбари Гиммлер билан, таслим бўлишга тайёр бир гуруҳ генераллар билан эмас, бутунлай инқирозга учраб, иродасини йўқотган аблаҳ Риббентроп билан эмас, балки Германияни русларга қарши пўлат қўрғонга айлантира оладиган киши билан музокара олиб бораётганликларини билиб қолгудек бўлса, хурсанд бўлармикан...

Штирлиц. Менимча, Сталин бундан хабар топгач, хурсанд бўлмаса керак...

Борман. Сталинга бу ҳақда мен хабар берсам ишонмайди. Бу ҳақда тузум душмани, масалан, сизнинг пасторингиз хабар қилса ёки бошқа бир киши хабар етказса, ишонармикан?

Штирлиц. Номзодларни Мюллер билан маслаҳатлашиш керак деб ўйлайман. У бунга мос одамни топади ва қочишини уюштиради.

Борман. Мюллер дам-бадам менга яхшилик қилиб туради.

Штирлиц. Унинг аҳволи жуда мураккаблигидан хабардорман: у менга ўхшаб таваккал иш қилолмайди, кўзга дарҳол ташланиб қолади. Кейин, у бевосита Гиммлерга бўйсунди. Агар ишнинг шунчалик мураккаблигини тушунсангиз, бу вазифани ундан бошқа ҳеч қандай одам бажаролмаслигига ишонч ҳосил қиларсиз деб ўйлайман, лекин сизнинг мақсадингизга ишончи комил бўлган чоғдагина.

Борман. Ҳа, ҳа... Бу ҳақда кейин гаплашамиз. Бу битта масала. Асосийси: сизнинг вазифангиз – музокараларни бузишдан эмас, балки музокараларга ёрдам беришдан иборат. Сиз-

нинг вазифангиз – Берндаги фитначиларнинг Гиммлер билан алоқасини яширишдан эмас, балки шу алоқани аниқлашдан иборат. Шу даражада аниқлаш керакки, у билан фюрер олдида Гиммлерни, Сталин олдида Даллесни, Гиммлер олдида Вольфни обрўсизлантириш мумкин бўлсин.

Штирлиц. Агар амалий ёрдам керак бўлса, мен ким билан алоқа боғлашим мумкин.

Борман. Шелленбергнинг ҳамма буйруқларини бажараверинг – муваффақият гарови шунда. Элчихонани ҳам беҳабар қолдирманг, акс ҳолда уларни ранжитиб қўйиш мумкин; партия бўйича маслаҳатчи сиз ҳақингизда хабардор бўлади...

Штирлиц. Тушунарли. Аммо Шелленберга қарши ёрдам керак бўлиб қолиши мумкин. Бундай ёрдамни фақат бир киши – Мюллер кўрсатиши мумкин. Мен унга қай даражада таянишим мумкин?

Борман. Мен ҳаддан ташқари содиқ кишиларга ишонавермайман. Мен индамас кишиларни яхши кўраман...»

Шу пайтда телефон жиринглади. Мюллернинг чўчиб тушганини Штирлиц кўриб турди.

– Кечирасиз, обергруппенфюрер, – деди, – балки бу...

– Марҳамат, майли...

Штирлиц гўшакни олди:

– Штирлиц эшитади...

У гўшакдан бирданига Кэтнинг овозини эшитди:

– Бу менман, – деди у. – Мен...

– Яхши! – деб жавоб берди Штирлиц. – Ҳозир бораман, партайгеноссе. Сизни қаерда кутай?

– Бу мен, – қайтарди Кэт.

– Қандай бориш қулайроқ? – деди Штирлиц, яна унга ёрдамга келиб, айна пайтда, Борман телефон қияпти, дегандек Мюллерга диктофонни имлаб қўйди.

– Мен метродаман... Полициядаман...

– Нима?

– Мен телефон қилгани шу ерга келдим...

– Қаерга?

У Кэт айтган манзилни эшитиб, яна «хўп бўлади, партайгеноссе», деб гўшакни қўйди. Ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди. Агар унинг телефондаги гапларини тинглашни давом эттираётган бўлсалар, маълумотларни Мюллер фақат эрталабга яқин олади. Кейин нима қилиш бир гап бўлар. Асосийси, Кэтни олиб кетиш керак. У ҳозир ҳам кўп нарсани билади. Қандай ҳаракат қилишни кейин ўйласа ҳам бўлаверади. Ҳозирги асосий вазифа – Кэтни олиб чиқиб кетиш.

Кэт эҳтиёткорлик билан гўшакни қўйди ва стол устидаги ойна тагида турган расмини бекитиб қўйган береткасини қўлига олди. Шуцман илгаригидек унга қарамас эди. У юрагини ҳовучлаб, ҳозир орқамдан чақириб қолади, деган хавотирда эшик томон юрди. Аммо гестапо одамлари, полицияни, аввало, йигирма беш ёшлар чамасидаги ёш аёлни, иккинчидан, қўлида боласи бор аёлни ушлаш кераклигидан огоҳлантирган эдилар: шуцман олдига эса ёши қирқларга борган, сочи оқ аёл кирган эди, қўлида боласи йўқ, аммо кўзи расмдагига ўхшарди, ўхшаса ўхшабди-да, дунёда бир-бирига ўхшаш кўзлар кам дейсизми?

– Балки мени кутиб турарсиз, обергруппенфюрер?

– Кутиб турарсизмиш, Шольц номаълум жойда уч соат йўқ бўлиб кетганимни чаққани Гиммлернинг ҳузурига югурмайдими? Нега телефон қилибди? Унинг телефон қилиши кераклигини менга айтмаган эдингиз-ку?..

– Эшитдингиз-ку, дарҳол етиб кел деяпти...

– Суҳбат қилиб бўлишингиз билан менинг олдimgа келинг. Хонада тунаб қоламан.

– Шольц хўжайинга сизни сотиб юради деб ўйлайсизми?

– Бошлаган бўлса керак деб шубҳаланяпман. У аҳмоқ, мен доим ҳар бир гапга лаббай деб турадиган аҳмоқ котиблар билан ишлаб келдим. Аммо бундайлари ғалаба кунларида маъқул бўлар эканлар, ҳалокат ёқасига келганда ўзларини қутқариб қолишга интилиб, дам у томонга, дам бу томонга оғаверарканлар... Аҳмоқ, мени қаҳрамонларча ҳалок бўлмоқчи деб ўйлаб юрибди... Рейхсфюрерни кўрмайсизми, у ҳам ўзига яраша: излаётганлигини шунчалик яшириб юрибдики, ҳатто Шольцнинг ҳам ақли етиб турибди бунга... Келганингизда Шольц бўлмайди: бир ашаддий ватанпарвар болакай навбатчилик қилади, шеърлар ҳам ёзиб туради болакай...

17

Ярим соат ўтгач, Штирлиц Кэтни машинага ўтқазди. Яна ярим соатча у кетига ҳеч ким тушмаганлигини текшириб ва Кэтнинг шу куни нималарни бошдан кечирганлигини тинглаб шаҳарни кезиб юрди. Кэт йиғлаб ҳикоя қиларди. Штирлиц уни тинглаб экан, қизнинг азобдан қутулиши Мюллернинг маккорона ҳийла-

ларидан биримикин ёки ҳар бир айғоқчига маълум бўлган ҳаётда бир марта учрайдиган тасодифмикин, деган саволни ечишга интилади.

У шаҳарни анча айланди, кейин Берлин атрофини ўраган айлана йўлга тушиб олди. Машина ичи иссиқ эди. Кэт унинг ёнида ўтирарди, болалар эса тиззасида ухлаб ётишарди. Штирлиц ўз мулоҳазасини давом эттирди: «Агар мен телефон орқали Борман билан эмас, аёл киши билан гаплашганимни Мюллер билиб қолса, бутун иш пачава бўлади. Гиммлернинг Берндаги найрангларини барбод қилолмайман».

Штирлиц йўл четидаги кўрсаткич ёнида тўхтади: Рубинерканалгача уч чақирим қолганди. Бу ердан Потсдам орқали Бабельсбергга бориш мумкин.

«Йўқ, – деган қарорга келди Штирлиц. – Ошхонадаги идиш-товоқнинг жойи ўзгариб қолганидан кўриниб турибдики, кундузи уйимда Мюллернинг одамлари ўтиришган. Ким билади, балки – мени «муҳофаза қилиш» учун – улар Мюллер кўрсатмаси билан яна қайтиб боришар. Айниқса, бояги телефонлардан кейин».

– Қизалоқ,– деди у машинани таққа тўхтаиб,– орқага ўт.

– Нима бўлди?

– Ҳеч нима бўлгани йўқ. Жоним, ҳаммаси жойида. Энди ишимиз беш. Энди сен билан биз голиб чиқдик. Ёки йўқми? Пардани бекитиб ухлайвер. Печкани ўчирмайман. Устингдан қулфлаб қўяман, сени ҳеч ким безовта қилмайди.

– Қаерга борамиз?

– Яқин жойга,– жавоб берди Штирлиц. – Узоқ эмас. Тинчгина ухлайвер. Уйқуга тўйиб

олишинг керак – эртага ташвиш ва ҳаяжонлар кўп бўлади.

– Қандай ҳаяжонлар? – сўради Кэт, машинанинг ўриндиғига ўтиб ўтирар экан.

– Яхши гаплар, – жавоб берди Штирлиц ва: «У билан анча қийналсам керак. Асаби анча бузилибди, бу унинг айби эмас, албатта», – деган мулоҳазаларни кўнглидан ўтказди.

У Вальтер Шелленбергнинг боғидан уч ҳовли берида машинасини тўхтатди.

«Ишқилиб, уйида бўлсин-да, – деб қайта-қайта такрорларди Штирлиц, – ишқилиб, Гиммлернинг Ноуэи ёки Гебхарднинг Хохенлихендаги уйига кетган бўлмасин, ишқилиб уйда бўлсин-да».

Шелленберг уйда экан.

– Бригаденфюрер, – деб гап бошлади Штирлиц устки кийимини ечмай. У Шелленбергнинг қаршисидаги курси четига ўтирди. Шелленберг устида иссиқ халат, яланг оёғига чорик илиб олган эди. Штирлиц Шелленбергнинг тўпиғи атрофидаги териси оппоқ ва нозиклигига кўзи тушди. – Мюллер Швейцариядаги Вольф топшириғидан сал-пал хабардорга ўхшайди.

– Бе, қўйсангиз-чи, – деди Шелленберг, – бундай бўлиши мумкин эмас...

– Бўлмаса, мен қаердан билдим?

Шелленберг халатига ўраниб олди, дарҳол ўзини ўнглаб сўради:

– Ҳа, айтгандек, қаердан билдингиз?

– Мюллер мени ўзига ёлламоқчи бўлганида билиб олдим.

– Нега энди Мюллер шахсан сизни ёлламоқчи бўлдийкин?

– Унинг одамлари пастор сирини очган бўлсалар керак: бу бизнинг фойдамиз, мен дарҳол Бернга жўнашим керак. Мен пастор ишини бошқаришим керак, сиз эса мен у ёқдан юборадиган ишорадан кейин Вольфдан воз кечишингиз керак.

Штирлиц доимо масаланинг асл моҳиятини топиб гапирарди. Шелленберг ҳам уни дарҳол тушуниб оларди,

– Дарҳол Бернга жўнанг...

– Ҳужжатлар-чи? Ёки яширин жойдан ўтаверайми?

– Йўқ, бу телбалик бўлади. Сизни швейцария контрразведкаси дарҳол қўлга тушириши мумкин, жанг охирида улар америкаликларга лаганбардорлик қиладилар... Йўқ, идорамизга бориб, ишончли ҳужжатлар олинг. Мен телефон қиламан.

– Керак эмас. Яхшиси, ёзиб беринг.

– Ручкангиз борми?

– Ўз ручкангизда ёзиб берсангиз яхшироқ бўлади.

Шелленберг юзларини кафти билан ишқалаб, зўраки кулиб деди:

– Ҳали уйқум тарқагани йўқ, сезилиб тургандир бу.

... Штирлиц жўнаб кетгач, Шелленберг ўша заҳотиёқ машина чақириб:

– Доктор Гебхард санаторийсига жўнадик, – деди ҳайдовчига.

Гиммлернинг штаб-квартираси ўша ерда эди.

Штирлиц эса ўзи ва хотини фрау Ингрид фон Кирштайн номига иккита паспортни чўнтагига солиб, машинасини чегара томон ҳайдаб борарди.

Германия чегарасидаги шлагбаум орқада қолгач, у Кэтга қараб деди:

– Ана, қизалоғим, ҳаммаси ортда қолди деявер. Бу ерда, Швейцарияда осмон ёп-ёруғ ва баланд эди. Орқада, бир неча метр нарироқда қолган жойнинг осмони ҳам бепоён, худди шу ердагидек тонг шуъаларида чўмилган кўздан ғойиб бўлаётган сарғиш ой гардиши кўриниб турарди, худди шу ердагидек кўкимтирсарғиш осмонда зарғалдоқлар сайрарди. У ҳам шу ердагидек каби гўзал туюларди, аммо у осмон Германия осмони эди. У осмонда ҳар бир дақиқада иттифоқчиларнинг ярқираган самолётлари пайдо бўлиши, ҳар бир дақиқада шу самолётлардан бомбалар ажралиши ва ер юзига ўлим келтираётган бомбалар дастлабки қуёш нури остида ярқираб худди устингизга тушаётгандек туюлиши, кейин эса, кўздан ғойиб бўлиб, баҳорги йўллар балчиғини кўтариб ташлаши мумкин эди, чунки ўзи билан ўлим олиб келган самолётлар берган тезлик туфайли бомбалар ҳали тирик, аммо бечора, ожиз инсон кўзи ўнгидан дарҳол ғойиб бўларди...

Штирлиц машинасини Берн томон ҳайдарди. Кичкинагина шаҳарчадан ўтаётганда у светофор олдида тўхтади: кўчадан бутерброд тамадди қилиб болалар ўтарди. Кэт йиғлаб юборди.

– Нима бўлди? – деб сўради Штирлиц.

– Ҳеч нима, – жавоб берди у, – мен тинчликка етишдим-у, у ҳеч қачон етиша олмайди...

– Қўй, қайғурма, кичкинтой касофатлардан қутулди-ку, қизча ҳам, – деди Штирлиц...

У Кэтни эркаламоқчи, юпатмоқчи бўлди, аммо кўнглидаги ҳис-туйғуларни сўз билан ифодалай олмади.

Жуда қизик. У баъзан ичида неча марталаб нозик ва чиройли гапларни топиб, Сашень-касини эркалатиб юрарди... Айтилмаган, лекин қайта-қайта кўнгилда қайтарилган сўзлар шеърга айланиб кетиши ёки ҳеч рўёбга чиқмай қалбда оғир юк бўлиб қолиши лозим.

– Келажакни ўйлаш керак, – деди Штирлиц ўринсиз иборани ишлатганлигини дарҳол фаҳмлаб.

– Ўтмишсиз келажак ҳам бўлмайди, – деб жавоб берди Кэт, кўз ёшини артар экан, – кечир мени... Йиғлаётган аёлни овутиш қанчалик қийинлигини биламан...

... Штирлиц пастор Шлаг билан учрашиб, ундан Даллес билан генерал Вольф ўртасидаги музокаралар юзасидан маълумотларни олгач, Кэтга ҳаммаси ортда қолди деб қаттиқ янглишганлигига иқрор бўлди. Ҳали ҳеч нима туғамабди, ортда қолмабди. Аксинча, бутун иш энди бошланиши керак экан...

«Юстас – Марказга.

Даллес – Вольф суҳбатлари маълумотларини юборар эканман, қуйидаги фикрларни илова қилишни зарур деб ҳисоблайман:

1. Менимча, Даллес СС билан алоқа қилаётганлиги ҳақида ўз ҳукуматини тўла хабардор қилмаяпти. Афтидан, у ўз ҳукуматини Гитлерга «қарши кишилар» билан алоқа боғлаяман деб ишонтирган бўлса керак. Вольф эса бундай кишилар қаторига кирмайди.

2. Рузвельт гитлерчиларга қарши иттифоқнинг бошқа иштирокчилари мақсади каби Американинг мақсади ҳам Германияни сўзсиз таслим бўлишга мажбур этишидир, деб бир неча марта баён қилган. Бироқ Даллес кели-

иши йўлини излаб, гитлерчиларнинг маълум институтларини сақлаб қолиш мумкинлиги ҳақида гапирган.

3. Ҳар қандай иттифоқ ўзаро уюшган мамлакатларнинг бир-бирларига нисбатан ҳалол ва самимий муносабатда бўлишини кўзда тутди. Даллес ана шу тахлит суҳбатлар олиб бориб немислар ниятини билмоқчи бўлса керак, деган фикр устида ҳам мулоҳаза қилиб, уни рад этишга мажбур бўлдим, чунки бу суҳбатлардан Даллес қанчалик ютқазаётган бўлса, немислар шунчалик ютиб чиқишлари мумкинлиги ҳар бир айгоқчига аёндыр.

4. Айгоқчи Даллес немисларни извога илинтириш ниятида шундай қилаётган бўлиши мумкин, деган фикрни ҳам текишириб кўрдим. Аммо Швейцария матбуотида уни президентнинг шахсий вакили деб атамоқдалар. Рузвельтнинг шахсий вакили извогарлик ишларини уюштириш билан шугулланиши мумкинми, ахир?

Хулоса: ё Фарбдаги маълум доиралар икки-юзламачилик қила бошладилар, ёки Даллес гитлерчиларга қарши иттифоқ аъзоларидан бири бўлган АҚШнинг манфаатларини сотиш олдиди турибди.

Тавсия: Швейцариядаги музокаралардан хабаримиз борлигидан иттифоқчиларни хабардор қилмоқ зарур. Яқин кунларда ўрнатилган алоқа орқали Вольф ва Даллес ўртасида бўлган суҳбатларнинг бутун мазмуни билан таништирувчи маълумотларни жўнатишни мўлжал қилиб қўйдим. Бинобарин, мен бу суҳбатларни дипломатик доиралар тушунчасидаги суҳбатлар деб ҳисобламайман. Мен улар-

ни сепарат музокаралар деб атардим. Мен бу ўринда ҳар хил тавсиялар бермаслик қоидасини шунинг учун буздимки, вазият ниҳоят даражада қалтис ва гитлерчиларга қарши иттифоқни ҳар хил изволардан ва оқибат натижада икки томонлама изволардан қутқариш учун зарур чоралар кўрилмоғи лозим.

ЮСТАС».

Штирлиц профессор тўхтаган «Виржиния» пансионатига борди: профессор бу пансионатга тушганини хатда – «Виржиния» тамакиси жуда қойил экан» деган сўзлар билан билдирган эди. Улар профессор тушган жойи номини айтмоқчи бўлса, албатта тамакига алоқадор гапларни қўшиб ёзиши ҳақида олдиндан келишиб олишган эди. Масалан, у Грандотелда тўхтайдиган бўлса, у бундай деб ёзиши керак эди: «Мен сиз сўраган нарсани ҳатто Грандотелдан ҳам тополмадим: бу ерда тамакилар четдан келтирилган-у, «чилимбопи йўқ экан».

Штирлиц «Виржиния»ни осонлик билан топди. Аммо меҳмонхона бўм-бўш эди: ҳамма тоққа жўнаб кетган экан. Чанғида учиб мавсуми тугаш олдида, шу кунларда киши бада ни офтобда жуда яхши қораяди ва анча вақт сақланиб туради. Шунинг учун кимдаки имконияти бўлса, тоққа қараб йўл оларди: у ерда ҳамон қор бор эди.

– Мен швециялик профессорга, – кечирасиз, номи ёдимда йўқ, – бир неча китоб топширсам бўладими? – деб сўради у меҳмонхона навбатчисидан.

– Швециялик профессор ҳаммамизга узоқ умр тилаб кетдилар. Ўзларини деразадан ташлаб қазо қилдилар.

– Қачон?

– Ўтган куни, эрталаб. Кетаётганида жуда хушчақчақ эди, аммо қайтиб келмади.

– Худо раҳмат қилсин... Менинг олим бир дўстим унга китоб бериб юборган эди... Профессордаги китобларни эса олиб кетишни илтимос қилган эди...

– Полицияга телефон қилиб кўринг... Унинг ҳамма нарсаларини ўша ерга олиб кетишди. Агар улар орасида сизнинг китобларингиз борлигини исбот қила олсангиз, қайтариб беришади.

– Раҳмат, – деди Штирлиц, – шундай қиламан.

У махфий уй жойлашган кўчадан ўтди. Деразада огоҳлантирувчи гул турарди. Штирлиц нима бўлганини дарҳол пайқади. «Мен уни қўрқоқлик қилган деб юрибман, – деди ўзига ўзи. – Бечора Плейшнер, софдил ва довюрак одам экансан... Мени кечир, дўстим».

У жуссаси кичкина ва мўмин профессорнинг ўзини деразадан ташлаётганлигини кўз олдида келтирди. Германиядан омон-эсон қутулиб келиб, энди озодликка эришган жойида, ўз жонини қурбон қилишга аҳд қилган экан, умрининг сўнгги дақиқаларида қанчалик даҳшатларни бошдан кечирганикин?.. Уни, албатта, гестапо қувлаган бўлиши керак. Балки ундан ҳеч қандай маълумот ололмаганликларидан кейин, ўзини ўзи ўлдиришга мажбур этган бўлишлари ҳам мумкин...

– Марказга, – деди Штирлиц такси ҳайдовчисига, – марказдаги бирор жойга олиб боринг. Бир неча кунга машина ижарага олиш иложи бор жойга олиб борсангиз, ундан ҳам яхшироқ бўлади...

Кэт меҳмонхонада болалар билан уйқуга кетгач, Штирлиц икки дона кучли қаҳва таблеткасини ичди. У шу кунлари деярли ухламаган эди. Пастор Шлаг билан иккинчи марта учрашишга кетди. Борганидан кейин пастор ундан сўради: Эрталаб яқинларим ҳақида гап очишга ботинолмадим. Энди гапирмасам бўлар: синглимнинг тақдири нима бўлди?

– Унинг дастхати ёдингиздами?

– Албатта...

У пасторга хатжилд узатди. Шлаг қисқагина хатни ўқиб чиқди: «Қадрдон акажон! Бизга кўрсатган ғамхўрлигингиз учун раҳмат. Ҳозир биз тоғда яшайпмиз ва бомбардимон ваҳимасидан қутулдик. Биз бир деҳқон хонадониди турибмиз, болалар сигирларни боқишда ёрдам беришяпти; қорнимиз тўқ, бежавотир яшайпмиз. Бошингизга тушган бахтсизликлар тезроқ тугасин, деб худодан сўраб қоламан. Синглингиз Анна».

– Қандай бахтсизлик ҳақида ёзган? – деб сўради пастор. – Синглим нима демоқчи?

– Сизни қамоқдасиз дейишга тўғри келди... Мен синглингиз олдида Штирлиц сифатида эмас, қавмингиз сифатида борган эдим. Мана уларнинг манзили – уруш тугагач, топиб оласиз. Мана уларнинг фотосуратлари – буни кўрсангиз, батамом ишонасиз.

Штирлиц пасторга кичкинагина фотосуратни узатди: у тоғда бир неча кадр сурат олганди, аммо ҳаво булут бўлганлиги туфайли расмлар хирароқ чиққанди. Пастор узоқ вақт суратларни томоша қилиб турди, сўнгра сўради:

– Умуман мен сизга фотосуратларсиз ҳам ишонардим... Нега бунчалик озиб кетдингиз?

– Худо билади... Бир оз чарчадим... Хўш? Яна қандай янгиликлар бор?

– Янгиликлар бор-у, уларга баҳо бериш қўлимдан келмайди. Ё бутун дунёга ишончни йўқотиш керак, ёки сурбет бўлиб олиш керак. Америкаликлар СС билан музокараларни бошлаб юбордилар. Улар Гиммлерга ишонганга ўхшайдилар...

– Маълумотлар борми?

– Нима дедингиз?

– Қўлингизда бу ҳақда қандай маълумотлар бор? Уларни кимдан олдингиз? Қўлингизда қандай ҳужжатлар бор? Агар ҳужжатларсиз, фақат миш-миш гапларга ишонган бўлсангиз, биз усталик билан тўқилган сохта гаплар қурбони бўлиб қолишимиз мумкин.

– Минг афсуски, шундай, – деб жавоб берди пастор, – америкаликларнинг Гиммлер одамлари билан музокаралар олиб бормаётганига ишонишни истардим. Мен сизга эрталаб берган ҳужжатларни ўқиган бўлсангиз керак... Мана яна биттаси...– Пастор Штирлицга чиройли, думалоқ ҳарфлар билан сал чап томонга ёнбошлашиб ёзилган бир неча варақ юпка қоғозни узатди.

«Вольф. Салом, жаноблар. Овозлар. Саломат бўлинг.

Даллес. Ҳамкасбларим мен билан бирга шу ерга музокараларни бошқариш учун келдилар.

Вольф. Музокараларимиз шунчалик эътиборли вакиллар иштирокида ўтишидан жуда хурсандман.

Геверинц. «Эътиборли вакил» сўзини инглизчага таржима қилиш мураккаб иш...

Вольф (кулиб). Бу учрашувда жаноби Геве-ринц таржимон вазифасини ўтаётганлигини аниқлашга муяссар бўлдим...

Даллес. Шуни айтиш керакки, ССнинг олий мансабдаги вакили мухолифлар билан музока-ралар бошлаб ҳеч қандай шахсий талаб қўйма-ётганлиги менда ва менинг дўстларимда яхши таассурот қолдирди.

Вольф. Менинг шахсий талабларим – немис-ларни тинчликка муяссар этишдир.

Нотаниш овоз. Яшанг. Чинакам аскарнинг жавоби бўлди!

Даллес. Ўтган давр ичида сизларда нима ян-гиликлар бўлди?

Вольф. Кессельринг фюрер ставкасига чақи-рилди. Бу энг кўнгилсиз янгилик.

Даллес. Сизнинг тахминингиз...

Вольф. Фюрер ставкасига фавқулодда чақи-рилганда яхши оқибатни кутиш қийин.

Даллес. Бизнинг маълумотларимизга қара-ганда, Кессельрингни Берлинга ғарбий фронт қўмондони сифатида янги вазифасига тайин-лаш учун чақирганлар.

Вольф. Мен бундан хабардор эдим, аммо бу маълумот ҳали амалда тасдиқланганича йўқ.

Даллес. Тасдиқланади. Яқин кунларда.

Вольф. Унда менга Кессельрингнинг ўрнига тайинладиган одамни ҳам айтиб берарсиз?

Даллес. Ҳа, унинг ворисини айтиб беришим мумкин. Генерал-полковник Виттинхоф.

Вольф. У одамни танийман.

Даллес. Унинг ҳақида фикрингиз қандай?

Вольф. Ишчан ғарбий хизматчи.

Даллес. Менимча вермахт генералларининг кўпчилигига шундай таъриф бериш мумкин.

Вольф. Ҳатто Бек ва Роммелга ҳам-а?

Даллес. Улар Германиянинг ҳақиқий ватанпарварлари эдилар.

Вольф. Ҳар ҳолда, генерал Виттинхоф билан бевосита ва ишончли алоқада бўлган эмасман.

Даллес. Кесселринг-чи?

Вольф. Герингнинг люфтваффедаги ўринбосари сифатида фельдмаршал Виттинхоф лавозимидаги ҳамма ҳарбий бошлиқлар билан бевосита алоқада бўлган.

Даллес. Кессельринг ёнига бориб, уни ғарбий фронтда таслим бўлишга рози қилсангиз деган бизнинг таклифимизга нима дейсиз? Албатта, Италияда ҳам бир вақтнинг ўзида таслим бўлиш учун Виттинхоф розилигини олгандан кейингина бу иш бажарилиши лозим.

Вольф. Бу гоятда қалтис қадам.

Даллес. Ҳаммамиз ҳам қалтис қадам қўймоқдамиз-ку?

Нотаниш овоз. Ҳар ҳолда, сизнинг ғарбий фронтда Кессельринг билан учрашишингиз бир нарсани аниқлашга: у ерда, Ғарбда Кессельринг таслим бўлишга розими, йўқми, шуни аниқлаш имконини берарди...

Вольф. У Италияда бунга рози бўлган экан, Страсбургда ҳам ўз фикридан қайтмас деб ўйлайман.

Даллес. Сиз қачон ғарбий фронтга бориб, у билан учраша оласиз?

Вольф. Мени Берлинга Кальтенбруннер чақирган эди, аммо сиз билан учрашишга келишганлигим сабабли мен боришни кейинга сурдим...

Даллес. Демак, Италияга қайтишингиз билан Берлинга учиб кетишингиз мумким экан-да?

Вольф. Ҳа. Умуман мумкин. Аммо...

Даллес. Мен сизни тушундим. Ҳақиқатан ҳам сизнинг бизлардан кўпроқ қалтис қадам қўяётганингизга ишондим. Лекин бу вазиятда шундан бошқа илож қолмайди.

Нотаниш овоз. Илож бор.

Геверниц. Сиз – музокаралар ташаббускорисиз ва албатта, Берлинда сизни маълум даражада қўллаб-қувватлайдиган одамлар бўлса керак. Шу туфайли Кессельринг ҳузурига боришингиз учун имкон ҳам, баҳона ҳам топа оларсиз.

Даллес. Агар сизни аввало Германиянинг тақдири қизиқтирар экан, айти вақтда унинг тақдири – маълум даражада – сизнинг қўлингизда.

Вольф. Албатта, шу туфайли ўз бурчимга бепарқ қарай олмайман.

Даллес. Фарбий фронтга, Кессельринг ҳузурига борасиз деб ҳисобласак бўладими?

Вольф. Ҳа, бўлади.

Даллес. Кессельрингни таслим бўлишга кўндира оламан деб ўйлайсизми?

Вольф. Ишончим комил.

Даллес. Бинобарин, генерал Виттинхоф ҳам ундан ўрناق олармикан?

Вольф. Мен Италияга қайтай-чи.

Геверниц. Агар Виттинхоф иккиланадиган бўлса, сиз бу ердаги воқеаларга ўз таъсирингизни ўтказа оласизми?

Вольф. Албатта. Табиийки, агар зарурат туғилса, сизлар шу ерда ёки Италияда генерал Виттинхоф билан учрашингиз лозим бўлади.

Даллес. Агар шундай учрашувни сиз мақсадга мувофиқ деб ҳисобласангиз, биз Виттинхоф

билан алоқа ўрнатишга тайёrmиз. Кессельринг ҳузуридан қачон қайтишингиз мумкин?

Вольф. Агар ҳамма иш жойила бўлса, бир ҳафтадин сўнг қайтаман ҳамда сизлар билан Виттинхофга Фарбда рейх қўшинларининг таслим бўлиш муддатини аниқлаб келаман. Худди шу муддатда Италиядаги бизнинг гуруҳимиз ҳам таслим бўлади.

Геверниц. Сиздаги концлагерларда қанча маҳбуслар азоб чекмоқда?

Вольф. Рейхнинг Италиядаги концлагерларида бир неча минг киши бор.

Даллес. Яқин келажакда уларнинг тақдири нима бўлади?

Вольф. Уларни йўқ қилиш ҳақида буйруқ олинди.

Геверниц. Бу буйруқ сиз йўқ пайтингизда ҳам бажарилиши мумкинми?

Вольф. Ҳа, мумкин.

Даллес. Бу буйруқни амалга оширмаслик мақсадида бирор тadbир кўриш мумкинми?

Вольф. Менинг ўрнимда полковник Доненни қолади. Ўзимга қанчалик ишонсам, унга ҳам шунчалик ишонаман. Жентльмен сўзи – бу буйруқ амалга оширилмайди.

Геверниц. Жаноблар, айвонга ўтайлик, дастурхон тайёр бўлибди. Суҳбатни ўша ерда давом эттирганимиз маъқулроқ, бу ер дим экан...»

* * *

Шу кечаси Кэт болалари билан Парижга жўнаб кетаётган эди. У Штирлицнинг шифровкасини олиб кетмоқда. Вокзалда ҳеч ким йўқ, сув қуйгандек жимжит. Кэт Штирлиц билан меҳмонхонада хайрлашди, гестапо кўзига

тушмаслик учун уни кузатиш имкони бўлмади. Кэт бўм-бўш перронга назар ташлади. Ёмғир қуймоқда. Чарчагандек дам-бадам паровоз уф тортиб турарди. Нам асфальтда чироқлар шуъласи илон изи бўлиб акс этарди. Улар ажойиб ҳинд чироқларини эслатарди. Кэт тўхтамай йиғларди, чунки ҳозир даҳшатли, танглик кунлари ўтиб кетгач, Эрвин кўз ўнгидан нари кетмасди. Кэт уни доим бир жойда – уйнинг бир бурчагида радиолаларни тузатиб ўтирганини тасаввур қиларди. Эрвин Москва билан радио алоқаси йўқ кунларда, бу иш билан жуда қизиқиб шуғулланарди...

Штирлиц чидаб туrolмай вокзалга етиб келди. У Кэт ўтирган поезднинг, узоқдан бўлса ҳам, жўнаб кетишини кўрмоқчи бўлди. Поезд Кэтни болалари билан хавфсиз яшаши мумкин бўлган ажойиб мамлакатга – Францияга олиб кетади. Эндиликда, балки Штирлицнинг ўзининг ҳам ўша мамлакатга кетиши мумкин бўлиб қолар.

Штирлиц вокзалдаги кичкинагина қаҳвахонага кириб, катта дераза ёнига ўтирди, бу ердан бугун таркиб кўзга ташланиб турарди.

– Месье, – деб ёнига табассум билан семиз хизматчи аёл келди.

– Марҳамат, қаймоқ билан бир финжон қаҳва беринг.

– Сутли қаҳвами?

– Йўқ, қора қаҳва маъқулроқ.

Хизматчи аёл унга кўпиртирилган қаймоқ билан қаҳва олиб келди.

– Биласизми, – деди Штирлиц ва ўзини айбдор ҳис этиб кулиб қўйди, – кўпиртирилган қаймоқ емайман. Ёшлигимдан емайман. Од-

дин қаймоқ, ярим стакан оддий қаймоқ сўрайман.

– Кечирасиз, месье, – деди семиз хизматчи аёл ва овқатлар тарифини варақлади. – Бизда саккиз хил қаймоқ бор, кўпиртирилган, мураббо солинган, пишлоқли қаймоқлар бор, оддийси йўқ. Кечирасиз мени. Мен ошпаз ёнига бориб, сиз учун сўраб кўрай-чи... Бизда оддий қаймоқнинг ўзини ейишмайди, лекин чорасини топармиз...

«Ана холос, оддий қаймоқ ейишмас эмиш, – ўйларди Штирлиц. – Бизда эса одамлар нон ушоғига зор. «Бизда» – деганимда Россияни ҳам, Германияни ҳам назарда тутган бўлсам керак. У мамлакатда ҳам, бу мамлакатда ҳам одамлар бир хилда оч яшамоқдалар. Бу ер эса бетараф мамлакат: саккиз хил қаймоқ бор эмиш, яхшиси кўпиртирилган қаймоқ эмиш. Бетараф бўлиш ҳам маза экан-да. Инсонга ҳам маза, давлатга ҳам маза... Аммо йиллар ўтгач, бетараф бўлиб ва кўпиртирилган қаймоқни тамадди қилиб юрган йиллар ўтгач, асосий нарсалар ёнингдан ўтиб кетганлигини сезмай қоласан. Йўқ, доим бетараф бўлиб юриш ҳам даҳшат. Бетараф мамлакат эмиш. Агар биз Гитлерни Сталинград остида майиб қилмаганимизда, у Швейцарияни аллақачон босиб олган бўларди – ана унда бетарафликни ҳам, кўпиртирилган қаймоқни ҳам топиб кўрсинлар эди.

– Месье, мана оддий қаймоқ. У бир оз қимматроқ бўлади, чунки тарифимизда йўқ.

Штирлиц бирданига кулиб юборди.

– Яхши, – деди у. – Бунинг аҳамияти йўқ. Раҳмат сизга.

Поезд аста-секин қўзғалди. У ҳамма вагонларнинг деразаларини кузатди, аммо Кэт кўринмасди: чақалоқлари билан бирга купега сичқондек бекиниб, ўз яқинлари билан дийдор кўришишни кутиб ўтирган бўлса керак-да...

У жўнаб кетаётган таркибни кўзлари билан кузатиб қўйгач, ўрнидан турди. Қаҳвани ичди, аммо қаймоқнинг таъмини ҳам татиб кўрмади.

* * *

Молотов Буюк Британия элчиси сэр Арчи-бальд Кэррни кечқурун соат саккизга Кремлга чақирди. Кэррнинг тажрибали, эски айғоқчилигини билиб, одатда ортиқча тавозе ишлатадиган АҚШ элчиси Гарриманни чақириб ўтирмади, чунки Гарриманнинг бу одати халқ комиссарига ёқмасди.

Молотов «Казбек» тамакининг қоғоз муштугини уч жойидан эзиб, чека бошлади: гарчи у худди Сталин сингари тутунини ичига қаттиқ тортмаса ҳамки, ашаддий кашанда ҳисобланарди.

У Кэрр олдида ўзини атайлаб сипо тутди, фақат пенсени ойначалари орқасидаги ўткир қора кўзлари жаҳл ва сергаклик билан чақнаб турарди.

Суҳбат узоқ давом этмади. Кэрр халқ комиссарининг таржимони Павлов томонидан узатилган нотани кўздан кечириб, унинг мазмунини Ҳазрати олийлари ҳукуматига дарҳол етказажagini айтди.

«Сизнинг Берндаги немис генерали Вольф билан фельдмаршал Александер штабининг зобитлари ўртасида олиб борилаётган музока-ралар юзасидан хатингизни олганлигимизни

билдириш билан бирга, шу нарсадан огоҳдан-тиришни лозим кўрдикки, Совет ҳукумати бу ишни тушунмовчилик эмас, балки ундан ҳам баттарроқ бир иш деб ҳисоблайди.

Германия генерали Вольф ва унинг ҳамроҳлари Шимолий Италиядаги немис қўшинларининг таслим бўлиши тўғрисида инглиз-америка қўмондонлиги вакиллари билан музокаралар олиб бориш учун келганлар. Ҳукумат бу музокараларда ҳарбий қўмондонлик вакилларининг иштирок этиши зарурлиги ҳақида баёнот берганда, ҳукумат бунга рад жавоби олди.

Шундай қилиб, Германияга қарши урушнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган давлатдан яширинча ҳолда Бернда икки ҳафта давомида, бир томондан герман ҳарбий қўмондонлиги, иккинчи томондан инглиз-америка қўмондонлиги вакиллари ўртасида музокаралар олиб борилмоқда. Совет ҳукумати буни йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди.

В. Молотов».

* * *

Штирлицнинг Вольф ва Даллес ўртасидаги музокаралар мазмуни тўғрисидаги хабарини эшитиб, Борман хурсанд бўлиб кетди. У шунчалик хурсанд бўлганига ўзи ҳайрон қолди: инглизлар Берлинни бомбардимон қиларди, Франкфурт остоналаридан рус тўпларининг гумбур-гумбури эшитилиб турарди, рейхда ҳамма нарса вайрон бўлмоқда, у эса худди ўч олаётган кишидек қувонарди. Унинг таҳлил этувчи ақли, унинг қувончи бошқаларни кўра олмайдиган кампирлар қувончига ўхшашлигини фаҳмлади.

«Мен ўзим ҳақимда, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни билиб олганим яхши, – деб ўйларди у, – ана шунда ўзимни мудофаа этишим ва бошқаларга ҳамла қилишим оёқроқ бўлади – рақибнинг заиф жойини билиб турасан киши».

Борман руҳиятга ишонарди. У ҳеч вақт дори ичмасди. У қип-яланғоч бўлиб, ўзини қарахт ҳолига келтирарди ва бутун иродасини организмнинг оғриқ жойига қаратарди. У фуникуляр ангинани бир кунда даволарди, шамоллашни оёқда ўтказарди; у рашиқ қилишдан қутула олар, ғам босиш ҳолатларини босиб қўярди. Борманнинг ёшлик чоғидан кўнгил ғашлик касалига дучор эканлигини ҳеч ким билмасди. У ана шундай арзимас нарсаларга хурсанд бўлиб кетган пайтларида ҳам ўзини босарди.

У телефон гўшагини кўтариб, Гиммлерга кўнғироқ қилмоқчи ҳам бўлди, аммо ўзидаги бу иштиёқни ҳам босиб қўйди. Рейхсфюрернинг бу янгиликни эшитгач, қанчалик саросимага тушишини тасаввур қилди.

«Саросимага тушгач, – деди Борман ўзига ўзи, – у йўл излаб Шелленбергга мурожаат қилади. Бу аблаҳ зиёлининг нималарни ўйлаб топишини худо билади...»

– Бу Борман, – деди рейхслейтер гўшакни кўтариб, – салом, Кальтенбруннер. Кечикмай дарҳол ҳузуримга келишингизни сўрардим.

«Шундай қилиш керак, – ўйини давом эттирди Борман, – эҳтиёткорлик билан Кальтенбруннер орқали иш кўрмоқ зарур. Бунинг устига Кальтенбруннерга ҳам ҳамма гапларни очмайман. Мен фақат Вольфни қайтадан Берлинга чақиришни илтимос қиламан, Кальтенбруннерга эса мендаги маълумотларга қараганда

Вольф рейхсфюрер ишига хоинлик қилаётганга ўхшайди, дейман. Мен дўстим Гиммлерни бекорга безовта қилмаслик учун унга ҳозирча ҳеч нима демасликни сўрайман. Лекин Вольфни қамоққа олиб, бор гапни айтишга мажбур қиласан деб буюраман. Улар бу соҳада бегоналар билан ишлашга уста бўлиб кетганлар, қани, энди ўз одами гапларига ишлов беришни бир ўрганиб қўйсинлар-чи! Вольф айтган гаплар протоколга ёзилиб, шахсан Кальтенбруннер томонидан менинг столимга қўйилгандан кейин мен уларни фюрерга кўрсатаман, ана унда Гиммлернинг умри тугади деяверинг. Шундай қилиб, Гитлер ёнида якка ўзим қоламан, Геббельс – бўлмағур одам, уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади, бунинг устига, мен билган нарсаларнинг учқунини ҳам билмайди у. Унда гоё қўп-у, пул йўқ. Менда эса уларнинг гоёси билан партиянинг пули қолади. Мен улар қилган хатони қайтармайман – голиб чиқаман, албатта. Ғалаба қачон келишининг ҳам унчалик аҳамияти йўқ: курашишнинг ўзи бахт, кураш эса оқибат натижада ғалабага олиб келади».

Фюрер ҳузурида кўп йиллар хизмат қилган ҳар бир ходим сингари Борман ҳам ўз мулоҳазаларида – мулоҳазалари умуман олганда жуда аниқ бўларди – фақат битта хатога йўл қўярди; у ҳамма нарса қўлимдан келади, нимани истасам шуни қила оламан, истаган масалани рақиблардан кўпроқ тушунаман деб ўйларди. Ўзини бугунги ҳаракатнинг мафкуравий ташкилотчиси деб ҳисоблаган Борман майда-чуйда масалаларни ва хусусий нарсаларни – хуллас, «мутахассис» учун зарур ҳамма нарсаларни менсимасди.

Риббентроп ҳам, Геринг ҳам, Гиммлер ҳам Бормандан қўрқардилар ва обрўсини жойига қўйиб юришга мажбур эдилар. Аммо ташқи ишлар вазирлиги, авиация вазирлиги ёки контрразведкадаги майда амалдорлар партия раҳбарининг кўрсатмалари устидан кулиб юрардилар. Чунки ўз қўл остидаги ишларни ипидан-игнасиғача биладиган, дипломатия ҳамда махфий кузатув хизмати, саноат ҳамда қуроли кучлар соҳасидаги бутун операцияларни тайёрлайдиган кишилар ана шулар эди. Борман каби юзаки фикр қилиб ютувчи раҳбарларга нисбатан буларда яширинча норозилик туғиларди ва бу норозилик бора-бора, ҳатто нафратланишгача олиб келарди.

Борман ана шу юзакилиги туфайли муваффақиятсизликка учради. Табиийки, Кальтенбруннер Гиммлерга ҳеч нима демади – рейхслейтернинг кўрсатмаси шундай эди. У Италиядан Карл Вольфни дарҳол чақиришни қайта буюрди. РХСАнинг улкан давлат органида ҳамма нарса иккита катта рақибнинг – Мюллер ва Шелленбернинг назорати остида бўларди. Кальтенбруннер ставкасидаги Шелленберг одамлари томонидан сотиб олинган радио мутахассиси Италияга: «Вольфнинг Берлинга учиб бориши кузатиб турилсин» – деган мазмундаги бутунлай махфий телеграмма юборилганлигини билдирди. Шелленберг дарҳол бунинг олдини олиш зарурлигини тушунди. Бошқа томонларини аниқлаш осон иш – Вольфнинг Берлинга қачон учиб келиш вақтини аниқлаш махфий кузатув хизматига ҳеч гап эмас эди, Темпельхоф аэродромида уни иккита машина кутиб турарди: бири эшиклари зирҳли қамоқ маши-

наси бўлиб, унда гестапо ерости қамоқхонаси посбонларидан уч каллакесар ўтирарди, иккинчи машинада СС бригаденфюрери, рейхсиёсий махфий кузатув хизматининг бошлиғи Вальтер Шелленберг ўтирарди. Самолёт томон қора кийимда, кўринишдан қамоқхона ходимлари эканлиги билиниб турган уч одам ва келишган, зиёлинамо, бу учрашув учун атайлаб яп-янги генерал формасини кийиб олган Шелленберг йўл олдилар. «Дорнье» эшикчаси олди-га зинапоя филдиратиб келинди ва Вольфнинг қўлини кишан ўрнига Шелленбергнинг кучли бармоқлари қисди.

Соқчилар Вольфни қамоққа олишга журъат этолмадилар: улар фақат Шелленбергнинг машинаси қаерга боришини кузатишга журъат қилдилар. СС бригаденфюрери СС обергруппенфюрери Вольфни Гиммлернинг фюрер ҳузуридаги шахсий вакили генерал Фегеляйн уйига олиб борди. Гиммлернинг у ерда бўлишидан ҳам қўрқмасди Борман. Уни бошқа нарсаси тўхтатиб қолди: Фегеляйн Ева Брауннинг сингласига уйланган эди ва шу тариқа у Гитлернинг бевосита қариндоши бўлиб қолганди. Фюрер бир куни чой устида уни ҳатто «ажойиб бошам» деб ҳам атаган эди.

Гиммлер радиони баландлатиб қўйиб, Вольфга қараб бақирди:

– Операцияни барбод қилиб, мени хавф остига қўйганингизни тушунасизми?! Сизнинг музокара олиб бораётганлигингизни Борман билан Кальтенбруннер қаердан билишди? Қандай қилиб аблаҳ Мюллернинг исковучлари ҳамма нарсани пайқади?

Шелленберг Гиммлернинг жаҳдан тушишни кутиб турди, кейин шошилмай ва астагина деди!

– Рейхсфюрер, бу ишнинг майда-чуйда жиҳатларини мен тайёрлашим кераклиги ёдингизда бўлса керак? Олдини олиш операцияси равон кетяпти. Мен Вольф учун режа тайёрлаб қўйдим: У Бернда ростакам сепарат сулҳ йўллари қидириб юрган фитначилар ичига атайин кириб олган бўлади. Майда-чуйда масалаларини шу ерда муҳокама қилиб оламиз. Худди шу ернинг ўзида Вольф сизнинг номингизга мен айтиб турадиган рапортни ёзиб, унда биз, яъни, СС махфий кузатув хизмати америкаликлар билан музокараларни қандай фош этганимизни баён қилиб беради.

Шелленберг Вольфни авиация ҳалокатига дучор қилиши мумкин эди. Аммо Кальтенбруннер қўлида қандай маълумотлар борлигини билиб олгунга қадар бундай қилиш мақсадга мувофиқ эмас эди. Ҳар ҳолда Кальтенбруннернинг қўлида фақат умумий маълумотларгина бўлса керак, акс ҳолда у Вольфни Италиянинг ўзида қамоққа олган бўлар эди. Агар ҳалокатга йўл қўйилгудек бўлса, Борман Кальтербруннердан умумий бўлса ҳам, лекин Гиммлерни обрўсизлантирувчи маълум бир далилларни олиб, мақтаниб юриш имкониятига эга бўларди.

Штирлицнинг пастор Шлаг Бернда ғарбий иттифоқчилар билан музокара олиб бораётганлиги тўғрисидаги хабарлар, шунингдек, бу музокараларга Штирлиц ўйлаб топган сохта исм-шарифлар қўшиш ҳийласи Шелленбергга фюрерни фитна билан қўрқитиш имконини берди.

Гиммлер ва Шелленбергнинг Вольф билан бирга фюрер ҳузуридан чиқиб келганларини кўриб, Борман бу ишда мағлубиятга учраганлигини пайқади. У Вольфнинг қўлини сиқиб, «жасорат ва садоқати учун чин кўнгилдан ташаккур» билдирар экан, миясида бошқа нарсаларни ўйларди: Бернда фюрерни сотган ана шу ранги йўқ аблаҳ билан Штирлицни чақириб юзма-юз қилсаммикан. Борман устидан қозонган ғалабасидан мамнун бўлган Гиммлер ўз шериклари билан бирга чиқиб кетгандан кейин ҳам рейхслейтер бу ҳақда кўп вақт ўйлаб ўтирди.

У муайян бир қарорга келолмади. Ана шунда у Мюллерни эслаб, унинг қиёфасини кўз олдига келтирди.

«Ҳа,– қатъий қарорга келди у,– мен шу кишини чақиришим керак. Чала-чулпа тadbирларга ишониб бўлмайди. Ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлиши керак. Менга Штирлицдан ташқари, ана шу хилдаги одам ҳам керак. Бевосита раҳбарлик вазифасида ишловчи одам керак. Бўлмаса Гиммлерни афдариб бўлмайди. Мюллер билан ҳамма имкониятларни муҳокама қилиб оламан. Штирлиц ҳақида ҳам фикрини билиб оламан. Менинг қўлимда барибир Штирлиц берган далиллар бор. Вольф партия судига берилганда булар баён қилинади.»

– Бу Борман, – деди у бўғиқ овоз билан телефончи қизга. – Менга Мюллерни чақириб беринг.

* * *

**ЧЕРЧИЛЛЬ ЖАНОБЛАРИНИНГ
МАРШАЛ И. В. СТАЛИНГА
ШАХСАН ВА ҚАТЪИЯН
МАХФИЙ МАКТУБИ**

1. Шимолий Италиядаги Кессельринг қўшинининг таслим бўлиши мумкинлиги масаласи юзасидан фельдмаршал Александер ставкасидаги битта британ ва битта америка зобити билан Вольф исмли герман генерали ўртасида Швейцарияда ўрнатилган алоқа тўғрисида ўзаро ёзишмаларингизни президент жаноблари менга юборган эди. Шунинг учун Ҳазрати олийлари ҳукуматининг хатти-ҳаракатларига тааллуқли далилларнинг аниқ баёини Сизга юборишни лозим топдим. Биз мазкур алоқа ўрнатилганлиги ҳақида хабар олишимиз билан, кечиктирмай, 12 мартда ҳукуматингизни хабардор қилиб қўйдик, бунда биз ҳам, Қўшма Штатлар ҳукумати ҳам софдиллик билан бўлган воқеаларнинг ҳаммасини айтиб бердик. Турли муносабатлар билан эслатиб ўтилган ёки гапирилган ана шу Швейцариядаги иш фақат биргина мақсадда – Германия эмиссари ваколатини текшириш ҳамда фельдмаршал Александер ставкасида ёки Шимолий Италиядаги қулай бўлган жойда у билан Кессельринг вакили ўртасида учрашув ташкил қилишга уриниб кўриш мақсадидагина қилинган эди. Швейцарияда ҳеч қандай музокаралар, ҳатто Кессельринг қўшинининг ҳарбий таслими ҳақида ҳам музокаралар бўлган эмас. Устига-устак, шармандали характерга эга деб тахмин қилинган бизнинг ниятимизда Сизнинг президент номига юборган телеграммангизда айтилган қандайдир ҳарбий-сиёсий келишув ҳеч қачон бўлган эмас.

2. Биз Италияда уюштирмакчи бўлган учрашувга Сизнинг вакилларингиз дарҳол таклиф этилди. Агар бу учрашув амалга ошган

ва Сизнинг вакилларингиз келган тақдирда, бу ерда айтилган ҳар бир гапни тинглаган бўлар эдилар.

3. Биз фельдмаршал Александер Италиядаги ўз frontiда 25 бўлинмадан иборат герман қўшинини таслим этишга ҳамда таслим бўлиш шартлари юзасидан музокаралар олиб бориш ваколатига эга Германия эмиссарлари билан таслим бўлиш масалаларини муҳокама қилиш учун тўла ҳуқуққа эга деб ҳисоблаймиз. Шунга қарамай, фельдмаршал ставкасида ана шундай бошдан-оёқ ҳарбий музокаралар бўлган тақдирда Сизнинг вакилларингизни ҳам таклиф қилишни кўзда тутган эдик. Бироқ амалда ҳамма алоқалардан ҳеч қандай натижа чиқмади. Бизнинг зобитларимиз Италиядаги Кессельринг эмиссарлари билан учрашувни амалга ошириш юзасидан натижага эришолмай, Швейцариядан қуруқ қайтиб келдилар. Бу воқеаларнинг ҳаммасидан ҳукумат қадамба-қадам фельдмаршал Александер ёки сэр А. Кларк Кэрр, шунингдек, Қўшма Штатларнинг тегишли каналлари орқали хабардор қилиб турилди. Қайтариб айтаманки, Швейцарияда расмий ёки норасмий суратда ҳеч қандай музокараларни бошлаган эмасмиз ва олиб бормаяпмиз.

4. Аммо шуни айтиш керакки, герман генерали Вольфнинг музокаралар тўғрисидаги илтимоси душманнинг иттифоқчилар ўртасида ишончсизлик туғдириш мақсадида қилинган уринишлардан бири бўлиши ҳам мумкин. Фельдмаршал Александер 11 мартда юборган телеграммасида бунини алоҳида таъкидлаб ўтди. У бундай деб ёзган эди: «Иккала раҳбар шахс СС ва Гиммлер одамлари эканлигига эътибор

беришингизни сўрайманки, бу нарсa менда катта шубҳа туғдирмоқда». Шу телеграмманинг бир нусхасини ҳукуматингизга топшириш учун 13 мартда Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонасига юборилган эди. Агар немисларнинг нияти ўрта­мизда ишончсизлик туғдириш бўлса, улар бунга вақтинча эриша оладилар деса бўлади.

5. Сэр А. Кларк Кэррга Иден жаноблари томонидан ушбу аҳволни Молотов жанобларига баён қилиш топширилган эди. Молотов жаноблари номидан унга берилган жавобда: «Бизнинг ҳукумат бу ишни тушунмовчилик эмас, балки ундан ҳам баттарроқ бир иш деб ҳисоблайди» – деган ибора бор. Ўша жавобда, шунингдек, «Германияга қарши урушнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган совет ҳуку­матидан яширинча ҳолда Бернда икки ҳафта давомида, бир томонда герман ҳарбий қўмондонлиги, иккинчи томондан инглиз-америка қўмондонлиги вакиллари ўртасида музокара­лар олиб борилаётганлиги»дан норозилик билдирилган. Инглиз-рус муносабатлари манфаа­тини кўзлаб, Ҳазрати олийлари ҳукумати ана шу ўта ҳақоратли ва асоссиз айбловга жавоб қайтармасликка ҳамда уни инкор этишга қарор қилди. Сизнинг президентга юборган мак­тубингизда «инглизлар лом-мим демаяптилар» деган гапингизнинг сабаби ҳам ана шунда. Биз Молотов жаноблари томонидан юборилган ана шундай мактубга бутунлай жавоб бермас­ликни маъқул деб топдик. Аммо ишонтириб айта­мизки, ана шу мактуб бизни ҳайратда қолдирди ва Молотов жаноблари томонидан

ноҳақ ҳақорат этилди. Лекин бу нарсa бизнинг фельдмаршал Александерга қилинаётган ишлар юзасидан Сизларни тўла хабардор этиб туришни давом эттириш ҳақидаги кўрсатма-мизга заррача таъсир этмади.

6. Сиз президентга баён қилганингиздек, бу ишнинг ташаббусчилари бутунлай инглизлар эканлиги ҳам нотўғри. Ҳақиқатда эса герман генерали Вольфнинг Швейцарияда алоқа ўрнатмоқчилиги ҳақидаги хабар фельдмаршал Александерга муайян бир Америка органи томонидан берилган эди.

7. Берндаги ёки бошқа жойдаги алоқа билан ғарбий фронтда герман қўшинларининг бутунлай мағлубиятга учраши ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ. Ҳақиқатан улар жуда қаттиқ жанг қилдилар ҳамда бизга февраль ҳужумимиздан бошлаб 28 мартгача анча шикаст етказдиларки, ўлган ва ярадор бўлганлар 87 минг кишидан ошиб кетди. Аммо қуруқликда ўзларига нисбатан кўпроқ куч тўплаганлиги ва беқиёс даражада кўпроқ инглиз-америка ҳарбий ҳаво кучлари томонидан эзиб ташланганликлари (улар фақат март ойининг ўзида Германияга 200 минг тоннадан ортиқ бомба ташладилар) сабабли Фарбдаги герман қўшинлари том-мор этилдилар. Фарбда немисларга нисбатан кўпроқ куч қарши турганлигининг сабаби совет қўшинларининг ажойиб зарбалари ва қудратидадир.

8. Сизнинг президентга юборган мактубингизда Ҳазрати олийлари ҳукуматини ҳам қораловчи айблар қўйилганки, мен ва сафдошларим бунга жавоб бериш мақсадида прези-

дент томонидан берилган жавобнинг сўнгги иборасига қўшиламиз».

«ПРЕМЬЕР И. В. СТАЛИНДАН ПРЕЗИДЕНТ РУЗВЕЛЬТ ЖАНОБЛАРИГА

1. Менинг мактубимда... гап софдиллик ва ишонч ҳақида бормайди. Мен ҳеч вақт Сизнинг софдиллигингиз ва ишончлигингизга шубҳа қилган эмасман, шунингдек, Черчилль жанобларининг софдиллиги ва ишончлигига ҳам шубҳа қилган эмасман. Мактубимда гап ёзишув жараёнида иттифоқдош мамлакат бошқа иттифоқдош мамлакатга нисбатан нималар қилиши мумкин ва нималар қилмаслиги лозим деган масала юзасидан қарашларимизда фарқ пайдо бўлиб қолганлиги ҳақида боради. Биз, руслар, фронтлардаги ҳозирги вазиятда, душманнинг таслим бўлиши муқаррар бўлиб қолган бир пайтда иттифоқчиларнинг бирортаси таслим масаласи бўйича немислар билан қандай бўлмасин учрашув ташкил қилса, бу учрашувда бошқа иттифоқчилар вакиллари-нинг ҳам қатнашуви таъминланмоғи лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳар ҳолда иттифоқчи ана шу учрашувда иштирок этишга интилса, бу нарса сўзсиз зарурдир. Америкаликлар билан инглизлар эса русларнинг нуқтаи назарини нотўғри ҳисоблаб, бу ҳақда бошқача фикрдалар. Шу фикрдан келиб чиқиб, улар русларнинг Швейцариядаги учрашувга бўлган ҳуқуқларини инкор қилдилар. Руслар ана шундай вазиятда америкаликлар ва инглизларнинг шу каби учрашувларда иштирок этиш ҳуқуқларини инкор этмаган бўлардилар. Бу ҳақда Сизга ёзган эдим ва яна қайтарсам ортиқчалик қилмас деб

уйлайман. Мен руслар нуқтаи назарини бирдан бир тўғри нуқтаи назар деб ҳисоблайман, чунки у ҳар қандай ўзаро шубҳаларни истисно қилади ва душманга орамизда ишончсизлик уруғини сочиш имконини бермайди.

2. Ғарбий фронтда немислар тор-мор қилинганликлари учун қаршилик кўрсатмаяптилар, деган гапларга ишониш қийин. Немислар шарқий фронтда 147 бўлинмага эга. Улар ўзларининг ишларига ҳеч қандай путур етказмай, шарқий фронтдан 15-20 бўлинмани олиб, ғарбий фронтдаги ўз қўшинларига ёрдамга ташлашлари мумкин эди. Аммо немислар бундай қилмадилар ва қилмаяптилар. Улар Чехословакиядаги аллақандай кичкинагина Земляница станцияси учун русларга қарши жон-жаҳдлари билан жанг қиляптилар-у (мурдага дори-дармон қанчалик зарур бўлса, немисларга ҳам бу станция шунчалик зарур бўлса керак), Германиянинг марказидаги Оснабрюк, Мангейм, Кассель каби шаҳарларни ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай ташлаб чиқяптилар. Немисларнинг ана шундай хатти-ҳаракатлари жуда ғалати ва тушуниб бўлмаслигига Сиз ҳам қўшиларсиз деб ўйлайман.

3. Мени хабардор қилган одамларга келганда, Сизни ишонтириб айтишим мумкинки, улар жуда софдил ва камтар одамлар бўлиб, ўз вазифаларини инсоф билан адо этадилар ҳамда бировни ҳақорат қилиш ҳаёлларига ҳам келмайди. Улар амалда бир неча марта синовдан ўтказилган кишилардир...»

* * *

Штирлиц Шелленбергдан рейхга қайтиб келиш тўғрисида буйруқ олди: Бернда «Шлаг каби сотқинларнинг хоинона музокарасини» барбод қилиш юзасидан қандай иш олиб борганлиги ҳақида фюрерга унинг шахсан ўзи ахборот бериши зарур бўлиб қолибди.

Штирлиц Берлинга жўнаб кетолмасди, чунки кун сайин Марказдан алоқачи келишини кутарди: ишончли алоқа бўлмаса, ишни давом эттириш мумкин эмасди. У расмий газеталарни ўқиб ҳайрон қоларди: уларнинг ҳаммаси Германияни енгиб бўлдик, рейхнинг бир-икки кунлик умри қолди, энди кутилмаган воқеалар юз бериши мумкин эмас деган фикрда эди.

У эса, айниқса, ҳозирги вазиятда Фарб билан музокаралар сирини, Германия қўшини ва саноатининг кучини ҳаммадан ҳам яхши билганлиги учун борган сари кўпроқ тасодифий воқеалар юз бериб қолишидан қўрқарди. У Кэт орқали юборган шифровкалари Марказга, Давлат Мудофаа Қўмитасига етиб борганини ҳали билмасди.

Мабодо Гиммлер музокараларни у бузганини, Борман эса унинг икки томонга хизмат қилганини, ёки ҳаммалари бирийўла у қилган ишларнинг мингдан бирини билиб қолгудек бўлишса, уни омон қўйишмайди...

У Берлинга қайтса, бўйнини сиртмоққа тўғрилаб қўйишини ҳам тушунарди. Бекорга ўлиб кетиш учун у ёққа бир ўзининг қайтиши – бемаънилик бўларди. Штирлиц ҳаётини четдан туриб, бошқа одамдай кузатишга ва му-

лоҳаза юритишга ўрганган эди. Москва билан дарҳол алоқа боғлаб туриш имкони бўлса – ҳозир энг зарур нарса Москва билан мустаҳкам ва фавқулодда алоқа боғлашдан иборат эди – Берлинга қайтишнинг маъноси бўларди. Акс ҳолда, ишни тугатаверса ҳам бўлади: у ўз вазифасини бажариб бўлди. Унинг бажарган ишидан кўнгли тўлган эди. У ўлар даражада чарчаган, аммо бу нарса ҳозир унчалик муҳим эмас. Бажарган ишидан ўзи мамнун. Шуниси катта гап.

Илгари келишиб олганларига биноан улар тунги барда учрашдилар. Университетнинг математика факультетига ўқишга кирган қандайдир суюқ бир қиз Штирлицга ёпишиб, олдидан кетмасди. Тўладан келган, семиз ва чиройли бу қиз маст эди. У Штирлицнинг қулоғига пичирларди ҳадеб: «Биз математикларни қуруқ одамлар деб ҳисоблашади! Ёлғон гап! Биз севгида ҳам ихтирочимиз! Севги соҳасида мен Эйнштейнман! Мен ҳам нисбийман, ҳам нонисбийман! Менга кераксиз, оқ сочли йигит!»

Штирлиц бу қиздан ҳеч қутула олмади: у тамаки чекаётган муштуғи, портфели ва қўлидаги кармончасидан алоқачини таниб олди, алоқачи билан учрашиш зарур эди, аммо математик қиздан қутулиш йўлини тополмасди, жанжал эса ортиқча бўларди.

– Машинамга бор, – деди Штирлиц. – Мен ҳозир чиқаман, Эйнштейн...

– Ростданми?

– Ҳа, ростдан...

– Онт ичасанми?

– Онт ичаман, – кулиб деди Штирлиц. – Бир оздан кейин чиқаман. Ростдан чиқаман. Боравер. Бир-иккита формулани ёзиб тур.

Алоқачи, Марказ юз берган вазиятда унинг Германияга қайтиб бориши қанчалик мураккаб ва хавфли эканлигини тушуниб, у ерга қайтиб боришини талаб қилмаётганлигини, аммо Юстас ўз кучига ишонса, Марказ унинг Германияга қайтиб боришидан, албатта, манфаатдорлигини, шунда ҳам Марказ масалани узил-кесил ҳал этишни ўртоқ Юстаснинг ихтиёрига ҳавола қилишини, қўмондонлик ва Президиумга «Кроссворд» операциясини ҳал қилганлиги учун уни қаҳрамонлик унвони билан тақдирлашга тавсия этганлигини айтди. Агар ўртоқ Юстас Германияга қайтиб боришни мумкин деб топса, унинг ихтиёрига алоқачилар: икки радио мутахассиси топширилишини айтди – булардан бири Потсдамда, иккинчиси Веддингда турар экан.

«Хорьх»нинг мотори бир маромда гувиللарди. Йўл ёқасидаги оқ-кўкимтир тахтача Берлингача 247 километр масофа қолганини кўрсатиб турарди. Дастлаб ўтаётган булутлар орасидан зангори осмон оролчалари кўринди. Қор кетган ер бетини занг тусли эман қоплаб ётарди, димиққан ўрмондан чиринди ҳиди анқирди, атрофни сукунат босганди. Радиодан Марика Роккнинг кўшиғи жарангларди:

*«Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси,
Қолар сенинг қалбингда.
Куй доимо бизларга ҳамроҳ,
Дарахтлар ҳам тушар ўйинга,
Фақат шўрлик бир чағалай
Тезоб сувда чўкар, сен эса
Нажот қўлин чўза олмассан...»*

Штирлиц тормозни қаттиқ босди. Йўлда ҳеч ким кўринмасди, автомобилни чеккароқ чиқармай ўша жойда қолдирди-да, қарағай-зорга кириб, ерга ўтирди. Эндигина ниш ураётган кўкатга кўзи тушди. Штирлиц ерни авайлаб силади. Ерни анча вақт силаб ўтирди. Берлинда қолишга розилик бериб, ўзини нималарга дучор қилаётганини биларди. Шунинг учун ҳам баҳорги захкаш ерда ўтириб, уни қўллари билан силаб-сийпашга ҳаққи бор эди...

**Москва – Берлин – Нью-Йорк.
1968.**

Адабий-бадиий нашр

ЮЛИАН СЕМЁНОВ

БАҲОРНИНГ ЎН ЕТТИ ЛАҲЗАСИ

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи
Озода БОТИРОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: А№ № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 2017 йил 26.06 да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 15.25. Шартли босма тобоғи 25.62.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 129.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор – 8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52;

Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

«Янги аср авлоди» НММ
«Камолот кутубхонаси» рукнида
қуйидаги янги китобларни нашр этди:

ЭМИЛЬ ЗОЛЯ

«Аёл бахти»

84x108 1/32, 608 бет, қаттиқ муқова

Эмиль Золя – жаҳон адабиёти саҳнасида муносиб ўринга эга ижодкор. Ўзбек китобхони адибни «Ҳамал», «Парма ибодатхонаси» сингари бадиий жиҳатдан етук асарлари орқали севиб ўқийди.

Эмиль Золянинг навбатдаги – «Аёл бахти» деб номланувчи янги таржима асарини сиз интиқ кутаётган «Камолот кутубхонаси» рукни орқали тақдим этмоқдамиз.

Асар йирик магазин эгаси Муре ва унинг тақдирини, қарашлари-ю, инсонларга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартириб юборган, айти пайтда йигитнинг чинакам севгисига сазовор бўлган камбағал қиз Дениза ҳақида. Якуни шу тарзда тугалланадиган асарлар кўп, аммо Эмиль Золянинг ҳар иккала қаҳрамони тақдири сиз кутмаган нуқталарда туташади...

МИХАИЛ ЛЕРМОНТОВ

«Замонамиз қаҳрамони»

84x108 1/32, 240 бет, юмшоқ муқова

Михаил Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» қиссаси ўқувчини чинакамига ўйлантиради. Асар инсоний муносабатлар – дўстлик,

муҳаббат, садоқат ва хиёнат, ахлоқ қоидалари асосига қурилган. Бош қаҳрамон – Замонамиз қаҳрамони, яъни, Печорин ижобий образ дейиш мушкул, аммо унинг аниқ бир хислатини одамийликдан мутлақо йироқ деб баҳолашимиз ҳам ўринли эмас. Замонамиз қаҳрамони – ёзувчининг ўзи эътироф этганидек, одамларни қусурдан даволаш учун зарур бўладиган «аччиқ дори, ўткир ҳақиқат». Печорин бизнинг орамызда, бир ҳаводан нафас олаётган танишимиз ёки қўшнимиз. Унинг иллатини ошириб, муқаррар жазога рўпара қилиш инсонийликка қанчалик хос? «Дарднинг қандай дард эканлигини кўрсатиб беришнинг ўзи кифоя, уни қандай даволашни худо билади».

НИКОЛАЙ ГОГОЛ

«Тарас Булба»

84x108 1/32, 304 бет, юмшоқ муқова

Ўз даврида рус адабиётининг энг истеъдодли ёзувчиларидан саналган Николай Гоголнинг ижодий тажрибаси туганмасдир. Гоголча услуб, гоголча тил, гоголча тасвир, гоголча юмор, гоголча реализм жаҳон ёзувчилари учун ўзига хос маҳорат мактаби. Икки қисмдан иборат ушбу китобда муаллифнинг қизиқарли қиссалари жамланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўша даврдаги халқ ҳаёти, жамиятнинг ўзига хос муаммолари енгил юмористик услубда ёритилган. Гогол асарларининг туб маъносини чуқур англаб, қаҳрамонлари билан яқиндан танишаркансиз, одамзоднинг туғилиш, ейиш, ичишдан иборат ва ниҳоят паймонаси тўлганда оламдан ўтиши муқаррар бўлган бу ўткинчи дунёда ҳирс-ҳавас

нимадан ўзи, дея ўйланиб қоласиз. Турмушнинг мажруҳ ва ҳажвий даражада бемаънилиги-ю ярамаслигини кўрасиз, бинобарин, асар қаҳрамонлари тақдирида қатнашасиз, улар устидан қуласиз ва қайғусидан азобланасиз.

АНДРЕ МОРУА

«Чоршанба учун бинафшалар»

84x108 1/32, 216 бет, юмшоқ муқова

Асли исми Эмиль Соломон Вильгельм Эрзог бўлган Андре Моруанинг француз миллий адабиёти соҳасига қўшган ҳиссаси ниҳоятда чексиз. 200 га яқин китоб, 1000 дан зиёд мақола унинг бой адабий меросини ташкил этади.

Ёзувчи фақатгина буюк инсонлар ҳақида автобиографик асарлар ёзиш билан чекланиб қолмасдан, балки романлар, фалсафий эсселар, фантастик новеллалар, психологик ҳикоялар, тарихий ҳамда илмий-оммабоп жанрларда ҳам қалам тебратган.

Моруанинг «Чоршанба учун бинафшалар» туркумидаги ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ушбу китоб Моруанинг ўзбек тилида чоп этилаётган илк тўпламидир.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.